Both Neither Tax Code and supplemental regulation document (Instruction #498) lack clarity of what is exactly subject to taxation in Uzbekistan. If, for example, one could easily identify that provision of physical installation service of, say, computer network by specialists that physically travel to Uzbekistan, would be subject to withholding tax, it is not clear whether an engineering work that suppose could all be done abroad and deliverables could be transferred there is subject to same tax. This applies to conducting training, consulting, software development, etc, etc, etc services that foreign companies could offer and physically provide to Uzbek companies that would remit the payment from Uzbekistan to abroad.

Aggressive application of withholding tax

Such unclarity has, in many instance, led to aggressive application of withholding rules by tax authorities. More and more tax payers choose to pay deduct from fees of their foreign service providers withholding tax and pay to the state budget.

Increase of cost of services due to grossing up factors, usually by 25%

Usually, foreign service providers would not be prepared to give up part of their fees as Uzbek withholding tax, which is charged at 20% rate. Therefore, they insist that they fees are grossed up, which usually increases the cost of service by 25%. Obviously such a high increase in the cost discourages Uzbek companies to buy services from abroad, among which there are very demanded ones like training, knowledge/technology sharing, engineering, consulting, IT solutions, company restructuring, etc, etc, etc.

Lack of double tax treaty network and experience in their application

One of the ways of dealing with such punitive taxation is seen in double tax treaties (DDT). However Uzbekistan is still in its stage of developing tax treaty network although efforts of the government in increasing the number of treaty countries are obviously successful.

However, a problem remains even with existence of tax treaties which is proper application of tax treaties locally. As (i) the language of treaties is complicated, (ii) there is no immediate control over application of tax treaties, (iii) tax authorities and tax payers lack experience in dealing with treaties, it is still difficult to apply tax treaties to exempt service fees from taxation. Normally, tax payers face a claim that foreign service provides have become a permanent establishment therefore they should declare their income and pay related tax themselves and unless that occurs, tax authorities insist that withholding tax should apply. It should be noted though that usually tax treaties provide sufficient definition of permanent establishment, however tax authorities enjoy they right to interpret tax treaties.

Another fact worth mentioning is that double tax treaties are not widely publicised in business community, this list of treaty countries, text of tax treaties had not been published until very recently when the State Tax Committee started to provide this information on their internet site.

Steps that could be taken to improve situation

- Decrease of the tax rate to a more reasonable level;
- Select priority services and exempt from withholding tax:

- Continue increasing number of treaty countries;
- Publicise tax treaties among business community;
- Improve tax treaty application and interpretation procedures.

Tax and Other Incentives Available to Foreign Investors in Uzbekistan

Richard S. Bernstrom - *Resident Team Leader, Maxwell Stamp PLC, UK,*
 Kuvandikov A. - *Consultant, Case – by – Case Privatization Bureau, World bank.*

To create an attractive investment climate, Uzbekistan offers foreign investors many investments incentives, including:

- Protection for ten years from the date of the registration of the investment against negative effects caused by subsequent changes in legislation;
- Exemption from import duties on goods imported for a company's own production requirement;
- Income tax relief (typically 20 per cent of net profit) on reserve fund contributions provided the reserve fund is less than 25 per cent of the company's charter capital;
- Companies with foreign investments¹ engaged in production in Uzbekistan utilizing domestic inputs representing more than 70 per cent of production cost are entitled to lower income taxes;
- Companies engaged in production with foreign ownership of not less than 50 per cent are entitled to the following incentives:
 1. Exemption from income tax for two (2) years if production is exported [is there a test on how much of production has to be exported, if so it should be stated] or if the production substitutes existing imports. The income tax rate is set at 20 per cent if the enterprise's charter capital is not less than US\$300,000 and at 16 per cent if not less than US\$1 million,
 2. For producers of consumer goods exemption for five (5) years of mandatory conversion.
- Major foreign investors [needs to be defined] with strategic investments [needs to be defined] may also be entitled to specific tax incentives, which are usually negotiated directly with the Government of Uzbekistan. These specific tax incentives are approved by the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan and may include:
 1. Inclusion of an enterprise with foreign ownership in Uzbekistan's investment programme,
 2. Exemption from income tax of foreign exchange gains,

¹ Defined as companies with at least 30 per cent foreign ownership and a minimum investment of US\$150,000

3. Interest expenses deductible for income tax purposes,
4. Exemption from value added tax (VAT) on imports and output VAT on sales,
5. Exemption from VAT, excises and duties on imports² on imports of equipment and material,
6. Exemption from contribution to road use fund and pension fund contribution on sales,
7. Exemption from ecology, property, local, and withholding taxes on dividend and interest payments.

In the aggregate, the foreign investment incentives available in Uzbekistan are the most generous and attractive in Central Asia. With the Government prioritizing the privatization of State enterprises through the attraction of foreign investors, it is generally expected that significant incentives will be made available to such strategic investors.

The availability of such incentives may be important considerations for foreign investors, in particularly to enable investors to protect their investments from the non-availability of income tax credits on taxes paid in Uzbekistan in other jurisdictions

However, there are certain corporate income tax issues that still need modification in order to make the tax regime in Uzbekistan more transparent and understandable. In particular, certain companies with parent-subsidiary relationships, which is the case for SJSC Uzkimyosanoat and its constituent companies, are taxed both at the parent and subsidiary levels and therefore paying higher taxes than if they were fully integrated.

In addition, in order to enhance the attractiveness of the tax regime in Uzbekistan we propose to introduce advanced methods of asset valuation and deferred taxation. Correct asset valuations have important tax implications in countries with significant price changes.

There are important differences between revenue and expense recognition for financial reporting and income tax purposes. All revenue and expense items are recognized on an accrual basis for financial reporting purposes, but under certain circumstances on a cash basis for income tax purposes. Accrual accounting requires the establishment of provisions for future tax effects in order to align the financial and tax reporting.

When assessing the performance of an enterprise, all gains and losses for the period need to be considered and included in the financial report. Using the deferred taxation method, which will take into account all gains and losses for the reporting period and is therefore more consistent with financial reporting principles. Also, the deferred taxation method approach contains information of future tax consequences and therefore presents more accurately future tax liabilities resulting from past operations.

² With the exception of Custom clearance fees.

Халқаро иқтисодий муносабатларда товарлар экспорти масалалари

Шорахмедов Ш. Ш. - *Солиқ ва божхона
органлари академияси бошлиғи.*

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида хом ашё экспорт қилувчи давлатдан, маҳсулот экспорт қилувчи давлат даражасига кўтарилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Хар бир давлат ташқи савдога у ёки бу товарларни олиб чиқиш, ёки четдан бирор товарни олиб келишда, унга бўлган эҳтиёжга кўра, айни давлатнинг иқтисодий манфаатларини инobatга олган ҳолда тарифлар мезонлари ишлаб чиқилади. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларида ички боворда товарлар тақчиллиги келиб чиқиши мумкинлигини олдини олиш мақсадида, деярли барча товарлар учун 5 фоиздан 100 фоизгача экспорт божлари жорий этилди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари учун мўлжалланган товарларга нисбатан «Товарларни олиб чиқиш» тушунчаси қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрдаги 601-сонли қарори билан акциз ва қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига олувчи товар қийматидан 10 фоиз миқдорда олиб чиқиш солиғи жорий этилди.

Айрим турдаги товарлар учун ушбу солиқ товарнинг турига кўра, турлича яъни, накта толасининг бир тоннаси учун 40 мингдан 100 минг рублгача, табиий газ ва канролактама учун товар қийматидан 20 фоиз, турли хилдаги болалар буюмлари учун 5 фоиз ҳажмда белгиланди.

1995 йилдан ушбу Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларига белгиланган олиб чиқиш солиғи бекор қилиниб, олиб чиқиш мамлакатидан қатъий назар «Учинчи» мамлакатлар товарларига жорий қилинган экспорт божлари сингари ундирилиши қўлланила бошланди.

Четдан келтириладиган товарлардан 1995 йилгача импорт божларидан озод этилди. Шу билан бир қатор товарлар яъни озиқ-овқат маҳсулотлари, спирт, тарихий аҳамиятга эга бўлган қадимий буюмлар, тери хом ашёси ва қорақўл териси, рангли металл ва уларнинг парчалари, пилла ва унинг чиқиндилари сингари товарларни экспорт қилиш вақтинча тақиқлаб қўйилди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан амалга оширилган тадбирлар ўзининг самарали натижасини берганлиги оқибатида, бозорларни истеъмол учун зарур товарлар билан таъминлашга эришилди.

1997 йилга келиб экспорт божларини ҳам бекор қилиш имкони яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги 1871-сонли Фармони билан, 1997 йил 1 ноябрдан экспорт божлари бекор қилинди.

Чунки, бу даврга келиб хорижий инвестициялардан фойдаланган ҳолда қурилган корхоналар ва қўшма корхоналар ўзларининг сифатли

маҳсулотларини чиқара бошлади. Бу билан истеъмолчиларни товарларга бўлган эҳтиёжлари қондирила бошланди. Товарларимизнинг халқаро бозорга чиқиши ва рақобатбардошлигини янада ошириш ҳамда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни химоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарори билан акциз солиғига оид экспорт товарларидан акциз солиғи олинishi 2002 йилдан бекор қилинди.

Натижада, миллий иқтисодиётимизнинг ички ялпи маҳсулоти ҳажмида экспортнинг миқдори 1994 йилда 16 фоизни ташкил этган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 24,7 фоизга, 2001 йилда эса, бундан ҳам юқорирок бўлиб, ташқи савдо айланмасининг 3,1 фоизга ўсиши таъминланди. Ташқи савдо жараёнларида 128 млн. АҚШ доллари миқдоридagi ижобий сальдога эришилди.

Экспорт қилинадиган товарлар жумласига нефт маҳсулотлари, енгил автомобиллар ва автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, қимматбаҳо тошлардан ва қимматбаҳо металллардан тайёрланган маҳсулотлар, тиббий пиша идишлар, қишлоқ хўжалик техникасининг янги турлари, кабел-ўтказгич каби янги маҳсулотлар қўшилди.

Четга соғиладиган тўқимачилик ва полиграфия маҳсулотларининг турлари янада кўнайтиди. 1991 йили Республикамызда пахта толасини қайта ишлаш 12 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам 24 фоизга етди. Пахта толаси ва ипак хом ашёларидан энг мукамал технология асосида тайёрланган калава, ип, пахта ва шойи газламаларини экспорт қилиш ҳажмлари анча ошди.

Товарлар экспорти борасидаги божхона қонунчилигининг шаклланиши, бу борадаги ишларни тартибга солишда энг муҳим масалалардан бири эканлиги ривожланган давлатларнинг қонунари таҳлил қилинганда яққол кўзга ташланади. Масалан, Америка Қўшма Штатлари ва Европа ҳамжамияти мамлакатларида экспорт-назорат системаси ишлаб чиқилган бўлиб, экспортга доир бир қатор қонунлар қабул қилинган. Америка Қўшма Штатларида «Экспорт маъмурияти тўғрисидаги қонун», «Қурол-яроғ экспорти тўғрисидаги қонун», «Атом энергияси тўғрисидаги қонун» сингари бир қатор қонунлар экспорт системасини тартибга келтирувчи қонунлар жумласига киради. Америка Қўшма Штатларининг Савдо вазирлиги ўз фаолиятида «Экспорт маъмурияти тўғрисидаги қонун»га, Мудофа вазирлиги «Қурол-яроғ экспорти тўғрисидаги қонун»га, Энергетика вазирлиги эса, «Атом энергияси тўғрисидаги қонун»га қатъий амал қиладилар.

Бутунги кунда Америка Қўшма Штатларида экспортга катта эътибор берилади. Шу билан бирга, 280 дан ортиқ товарлар экспорти АҚШ миллий назорат системаси орқали мунтазам назоратга олиниб, бошқариб борилади. Экспорт қилинадиган товар ёки технологияга лицензия бериш масаласи АҚШ савдо департаментининг экспорт бюроси томонидан ҳал этилади. Бунинг учун экспорт қилинадиган товар импорт қилувчи давлатда қандай мақсадларда фойдаланилиши кўзда тутилганлиги ва бу товарлардан қандай иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилганлиги олдиндан ўрганиб чиқилади. Агарда экспорт қилинаётган маҳсулот ёки хом ашё, қурол-яроғ, портловчи моддалар ва бошқа инсониятга хавф туғдирувчи мақсадларда фойдаланилиши мумкин бўлса, бундай ҳолларда ушбу

маҳсулотларни ана шундай номутаносиб мақсадларда фойдаланмаслик шартномаларда акс эттирилади. Бундан асосий мақсад у ёки бу маҳсулотлар террористлар қўлига тушиб, инсониятга зарар келтирилишини олдини олишга ҳуқуқий негиз яратишдир.

Руминия, Венгрия, Чехия, Россия, Украина давлатларида 1991 йилда «Экспорт назорати тўғрисидаги қонун»лар қабул қилинган. 1995 йилда Қозоғистонда ҳам бу борада ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар тайёрлашга киришилди.

Халқаро миқёсда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни тақозо этмоқдаки, Ўзбекистон пахта толаси, пахта линти, пахта чиқиндилари, селитра, глицерин сингари ўнлаб маҳсулотларни кўплаб давлатларга экспорт қилмоқда. Бундай маҳсулотлар бошқа давлатларда қайта ишланиши оқибатида инсоният учун кийим-кечак ва бошқа зарурий маҳсулотлардан ташқари турли хил портловчи моддалар ёки бошқа кўринишдаги инсониятга хавф туғдирувчи террористлар қуролига хом ашё бўлиб хизмат қилиши эҳтимоллигини, қонуний нуқтан назардан олдини олиш қафолатланган бўлиши керак. Бунинг учун Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлиги ва экспорт қилинадиган ҳар бир хом ашё ва маҳсулотнинг ҳамда унинг иккиламчи тақдири давлат томонидан қатъий назоратга олинishi зарур. Шу билан бирга Ўзбекистонда четга экспорт қилинадиган маҳсулотларни ўз баҳосида сотиш ва уларни иккиламчи мақсадларда ишлатилиб юборилишининг олдини олиш учун «Экспорт тўғрисидаги қонун»ни Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиши ва уни Олий Мажлис томонидан қабул қилиниши бутунги кунда божхона қонунчилигининг энг долзарб масалаларидан биридир. Экспорт тўғрисидаги қонунда Ўзбекистоннинг миллий бойликлари, уларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлиши мумкин бўлган маҳсулотлар айниқса, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг халқаро товарлар номенклатураси бўйича код рақамлари ва бошқа мезонлар мукамал ҳуқуқий жиҳатдан ўз аксини топиши даркор. Экспорт тўғрисидаги қонуннинг амалиётга киритилиши божхона қонунчилигини бир поғонага кўтариш билан бирга бутунги кунда товарлар экспортида кузатилаётган юзлаб божхона қонунларини бузиш билан боғлиқ бўлган қатор жиноятларнинг олди олинishi учун имконият яратади. Энг муҳими ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи муҳим юридик ҳужжат вужудга келади. Бу тадбиркорлар учун ҳам, корхоналар учун ҳам умуман, барча товар экспорт қилувчилар ва божхона хизмати ходимлари учун ҳам энг зарур ҳужжатлардан бири бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Мамлакатимиздаги Божхона қонунчилиги тўғрисидаги ҳолатнинг умумий таҳлили асосида қуйидаги тақлифларни киритиш мумкин.

1.Товарлар ва хизматлар экспорти тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

2.Божхона процессуал кодексини тайёрлаш ва қабул қилиш;

3.Халқаро иқтисодий муносабатларда Божхона режимлари бўйича тегишли ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

4.Ҳуқуқий маълумот берувчи барча ўқув юртларида Божхона қонунчилиги бўйича маълум дарс соатларининг киритилиши;

5. Божхона кодексига тегишли моддалари бўйича шарх ёзиш ва уни амалиётга киритиш сингари қатор мавзулар божхона қонунчилигининг энг долзарб масалалари ҳисобланади.

Солиқ ва божхона тизимига кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари

Обломуратов Н.Х. - *Солиқ ва божхона органлари академияси бошлигининг биринчи ўринбосари.*

Маълумки, жамиятни маънавий жиҳатдан янгиламай, республика фуқароларининг янги авлодини вояга етказмай туриб, эркин, мустақил фикрловчи шахсни тарбияламай, фаровон, қудратли демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти сари илдамлаб бўлмайди. Бу борада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш талаб қилинади.

Президент И.Каримов «Биз олдимизга қандай вазифа қуймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади» деб барча соҳа йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сиёсатининг асосий тамойилларини кўрсатиб берди. Кадрлар сиёсати – бевосита Ўзбекистон Республикаси солиқ ва божхона хизмати фаолиятини ҳам малакали ходимлар билан таъминлашда дастуриямал бўлиб хизмат қилади.

Бу соҳадаги тадбирлар қандай ташкил этилади ва улар нималардан иборат бўлмоғи лозим. Маълумки, солиқ ва божхона хизматининг самарадорлиги, аксарият ҳолларда ходимларнинг касбий савияси ва малакасига боғлиқ. Солиқ ва божхона органлари тизимини замон талаблари асосида иш услубини янгилаш, кадрлар танловини ташкил этиш муҳим тадбирлар қаторига киради. Текширув ва касбий яроқлилиқни аниқлашда замонавий усулларни жорий этиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни такомиллаштириш, уларнинг ташкилий тузилмаси учун қулай шароитлар яратиш ва илмий жиҳатдан асосланган марказлар фаолиятини ташкил этиш тақозо қилинади. Албатта, кадрлар танлашда катта ишлар амалга оширилди, аммо, жамиятда ўсиб бораётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий талаблар бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришни, замон руҳи билан ҳамоҳанг тарзда олиб боришни талаб қилмоқда.

Долзарб муаммолар қаторида кадрлар сиёсатининг зарурий ходимлар манбаини шакллантириш ҳамда солиқ ва божхона органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ходимлар фаолияти самарадорлигини таъминлашдан иборат эканлигига қаратиш зарур. Бу йўналишдаги энг бирламчи вазифа солиқ ва божхона органлари ходимларининг касбий фаолиятини, маънавий дунёқарашини ўстириб бориш билан уйғунлаштириш аҳамиятлидир. Касбий маънавиятни шакллантиришда турли хил услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Асосий мақсад эса, кадрлар дунёқарашини

замонавий билимлар асосида кенгайтириш, ҳукумат қарорларини, Президент фармонлари ва қонунларни ҳаётга тадбиқ этишига қаратилиши зарур.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, Давлат солиқ ва божхона хизмати ходимларининг касбий фаолияти давомида қўйидаги фазилатларни шакллантириш муҳим ва асосий вазифалар деб қараймиз ҳамда ўз тавсияларимизни билдирамиз:

Сиёсий йўналиш:

а) Президент И.А.Каримовнинг давлатимиз ички ва ташқи сиёсатига оид нутқи ва мақолаларини мунтазам ўрганиб бориш;

б) ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайдиган сиёсий партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, демократик институтлар ҳақида чуқур маълумотга эга бўлиш;

в) солиқ ва божхона тизимига таълуқли меъёрий ҳужжатлар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларини пухта ўрганиш;

г) солиқ ва божхона ходимлари ўртасида сиёсий билимлар ва касбий маҳорат даражасини аниқлаш бўйича тест ўтказишни мунтазам равишда ташкил этиш;

д) тестлардан муваффақиятли ўтган ходимларни муносиб рағбатлантириш тизимини ташкил этиш;

е) кадрларнинг касбий маҳорати ҳамда маънавий етуқлигини белгиловчи мунтазам мониторингини ташкил этиш.

Бу борада Қўмиталар фаолиятини Академия фаолияти билан уйғунлаштириш, кадрларни нафақат назарий балки амалий томондан ҳам пухта тайёрлашнинг имкониятларини оширади.

Маданий йўналиш:

а) Мардлик, тўғри сўзлик, адолатпарварлик, ватанпарварлик, ахлоқийлик;

б) халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйиш;

в) қонун устуворлигини энг тўғри йўл деб билиш;

г) порахўрлик, таъмагирлик, текинхўрлик каби иллатларга қарши муросасиз бўлиш;

д) беғаразлик, ўзаро ҳурмат, инсонпарварлик, ҳақиқатгўйлик;

е) ўзгалар орасида касбга таъалуқли масалалардан сўз очмаслик, хизматига тегишли мулоқотлардан сақланиш, сир сақлай билиш;

Касбий маҳорат йўналиши:

а) юксак профессионализм, солиқ ва божхона касбининг барча сир-асрорларини эгаллаган ва улардан самарали фойдаланиш қобилиятига эга бўлиш;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб, бошқа корхона ва ташкилотларга ёлланиб ишламаслик;

в) солиқ ва божхона хизматчисининг касбий бурчи – Конституцияга, солиқ ва божхона ҳақидаги кодекслар, қонунлар ва йўриқномаларга қатъий амал қилган ҳолда ишлаш;

в) Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга оширишда қатъиятлик ва ташаббускорлик, қарорларнинг моҳиятини чуқур англаш асосида омилкор ва фаол бўлиш;

г) касбий шаъни ва ғурурини сақлашга интилиш;

е) омилкорлик билан иш тутиш каби фазилатларга эга бўлиши.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Давлат солиқ ва божхона хизмати ходимларининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Солиқ ва божхона кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг солиқлар ва божхона идоралари фаолиятига оид фармонлари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳужжатларда белгиланган қоидаларни ҳаётга тадбиқ этишга йўналирилмоғи муҳим. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг гарови солиқ ва божхона хизматчисининг маънавий салоҳиятига ва етук касбий маҳоратига боғлиқ бўлиб қолади.

I Секция

Халқаро иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқ тизимининг роли

Секция раиси: Тошмуродов Т.- “Халқаро иқтисодий муносабатлар” кафедраси бошлиғи, и.ф.д., профессор.

Секция раиси ўринбосари: Ходжаев Р. “Молия-банк иши” кафедраси бошлиғи, доцент.

Котиба: Шарипова Д.- “Иқтисодий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси.

Фискальные методы стимулирования иностранных инвестиций

*Обломуродов Н.Х.-Солиқ ва божхона органлари
академияси бошлиғининг биринчи ўринбосари.*

В целях расширения участия иностранных инвесторов фискальные льготы рассматриваются как один из существенных стимулов расширения деятельности и осуществления инвестиций. Значение этого фактора значительно повысилось за последние годы в результате усиления конкурентной борьбы между различными странами за привлечение иностранных инвестиций. В настоящее время многие страны в качестве временных мер вводят отдельные льготы и стимулы для иностранных инвесторов, чтобы сформировать благоприятную инвестиционную среду в стране.

В начале переходного периода большинство стран Восточной Европы и СНГ предоставляли многочисленные налоговые льготы для иностранных инвесторов. Особенно распространенными были налоговые каникулы, которые обычно предоставлялись сроком от 2 до 5 лет. Однако определения стартового периода для применения налоговых каникул в разных странах

региона довольно резко отличались. В Польше данное определение означало начало деятельности предприятия, в России и Румынии – первый год получения прибыли, в Чехии – дата регистрации предприятия и т.д. В дополнение к ним, некоторые страны предоставляли льготу в виде применения сниженных ставок налога на доходы предприятий с иностранными инвестициями. Обычно такое снижение составляет от 15 до 20% установленной ставки.

Отличительной чертой налоговых систем в странах с переходной экономикой является то, что при предоставлении налоговых льгот основное внимание уделяется ставкам налогов, а не налогооблагаемой базе доходов. В частности, во многих странах региона жестко ограничена возможность включать в категорию неналогооблагаемых расходов рекламные расходы, командировочные, а также безнадежные долги, что обычно разрешается во многих развитых странах. Норма переноса убытков на следующий налоговый период обычно очень ограничена, а ускоренная амортизация не разрешается для налоговых целей во многих странах.

Исследования прямых иностранных инвестиций в странах с переходной экономикой указывают на низкую взаимосвязь между потоками ПИИ и налоговыми стимулами. В числе основных детерминантов ПИИ в этих странах выступают такие факторы, как долгосрочный потенциал рынка, дешевая рабочая сила, удобное географическое расположение, наличие богатых природных ресурсов, а также приватизация государственных предприятий.

С учетом этих обстоятельств во многих странах региона можно наблюдать процесс дальнейшего реформирования налоговых систем с целью создания равноправных условий для всех инвесторов независимо от их национальной принадлежности. При этом особое внимание уделяется вопросам совершенствования налогового и таможенного администрирования, а также методов стимулирования инвестиций в этих странах. В числе таких стран следует выделить Венгрию и Эстонию. В настоящее время Эстония поддерживает общую ставку налога на доходы в размере 26% для всех источников доходов, Венгрия ввела пониженную ставку налога на доходы предприятий в размере 18%. При этом необходимо отметить, что обе страны привлекли огромные объемы прямых иностранных инвестиций.

В инвестиционной политике Узбекистана применяются различные инструменты стимулирования инвестиционной деятельности. Одной из важнейших составляющих такой политики являются налоговые стимулы. В части льгот и преференций в настоящее время Налоговым и Таможенным кодексами Республики Узбекистан, указами Президента и постановлениями Правительства предусмотрены ряд беспрецедентных льгот для иностранных инвесторов, осуществляющих свою деятельность в Узбекистане. Эти льготы в основном касаются налогообложения и льготного внешнеторгового режима.

Для получения многочисленных налоговых льгот предприятия должны отвечать установленным законодательством Узбекистана критериям предприятий с иностранными инвестициями. В частности, доля иностранного инвестора должна составлять не менее 30 процентов и уставный фонд не менее 150 тыс. долларов США. Кроме того, более чем 60% общего объема выручки от хозяйственной деятельности должны быть получены за счет собственного производства и (или) сервисного обслуживания выпускаемой продукции.

Предприятиям, отвечающим этим критериям, предоставлены целый ряд налоговых льгот. В частности, предусмотрено уменьшение ставки налога на доходы (прибыль). В настоящее время такие предприятия облагаются налогом на доход (прибыль) по уменьшенным ставкам 20% и 16% в зависимости от размера уставного капитала и участия иностранных инвесторов. Кроме того, в отношении таких предприятий применяются понижающие коэффициенты к ставке налога на доход (прибыль), исходя из удельного веса местного сырья, материалов и комплектующих.

Предусмотрены также налоговые каникулы. В случае если предприятие включено в Инвестиционную Программу Республики Узбекистан, то оно освобождается от уплаты налога на доход (прибыль) сроком на семь лет. Вновь создаваемые в сельской местности производственные предприятия с участием иностранных инвестиций освобождаются от уплаты налога на доход (прибыль) сроком на три года с момента начала производства, а в течение последующих двух лет ставка налога на доход (прибыль) устанавливается в размере 50% от действующей ставки.

В дополнение к этим, предприятия с иностранными инвестициями получают ряд существенных фискальных преференций в отношении других налогов. В частности, такие предприятия освобождаются от уплаты земельного налога сроком на два года с момента регистрации, а также от уплаты НДС на технологическое оборудование, импортируемое в качестве вклада в уставной капитал. Кроме того, производственные предприятия с участием иностранных инвестиций, уставной капитал которых превышает 500 тыс. долларов США, освобождены от уплаты налога на имущество.

Одной из основных гарантий стабильности инвестиционного климата для иностранных инвесторов является норма, гласящая, что если последующее законодательство Республики Узбекистан ухудшает условия хозяйствования, то к иностранным инвестициям в течение десяти лет может применяться законодательство, действовавшее на момент осуществления инвестиций.

Учитывая вышеизложенное, предлагается принять следующие меры, направленные на создание благоприятных условий для инвестиционной деятельности и совершенствования системы стимулирования инвестиций в республике:

- Совершенствование налогового администрирования в целях повышения прозрачности и эффективности налогового законодательства. Для этого необходимо принять меры по повышению квалификации

сотрудников налоговых и таможенных служб, улучшения их информационно-технического обеспечения и методологической базы налогообложения;

- Пересмотр действующих налоговых льгот для предприятий с иностранными инвестициями в целях постепенного перехода к системе налоговых преференций, обеспечивающая благоприятные и равные условия деятельности для всех инвесторов независимо от их национальной принадлежности;

- Пересмотреть действующий порядок определения налогооблагаемой базы дохода (прибыли) юридических лиц. В частности, следует рассмотреть вопросы разрешения ускоренной амортизации и повышения установленных лимитов на определенные расходы предприятий, включаемых обратным порядком в налогооблагаемую базу дохода (прибыли);

- Совершенствовать нормы налогового законодательства, касающихся вопросов трансфертного ценообразования по операциям, осуществляемым между предприятиями с иностранными инвестициями и их головными организациями за рубежом.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизмининг роли

Тошмурадов Т.- *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Президентимиз 29 август куни Тошкентда, II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузасида давлатимизнинг устувор йўналишларига тўхталиб ўтиб: «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган шиорни олдимизга қўйди¹⁾. Кучли давлатлар қаторида кучли жамиятга ўтиш, биринчи навбатда, кучли давлатлар тажрибасини ўрганиш, улар билан ҳамкорликда халқаро иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ва улардаги ижобий тажрибаларни ўзимизда жорий қилишимиз, бу жараёнда халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш зарур. Фикримизча, иқтисодий йўналишда иқтисодий, молиявий ва солиқ механизмлари асосий бўлиб ҳисобланади. Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг солиқ механизми устида тўхталиб ўтайлик.

Солиқ механизми барча ривожланган давлатларда халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда асосий мониторинг бўлиб ҳисобланган. Солиқ турларини, солиқ ставкаларини, божларни ва божхона тўловларини татбиқ қилиш ва айрим товарларни экспорт ва импортига чек қўйиш каби тадбирлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишини ёки аксинча сусайишини таъминлайди.

¹⁾ Президент И.Каримовнинг 2002 йил 29 августдаги II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.

Давлат миқёсида олиб борилаётган солиқ сиёсатининг ядроси ҳам солиқ механизми ёрдамида иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатишидир. Президентимиз И.А.Каримов солиқлар салмоғини камайтириш, солиқ тўловчиларга солиқнинг моҳиятини, мақсадини аниқлашда солиқ ҳодимларидан ва давлат мутахассислари томонидан ҳар бир солиқ тўловчига оқддий қилиб тушунтирилиши лозимлигини таъкидлади.

Албатта, солиқ тизимимиз қанчалик пухта ва мукамал бўлмасин, жаҳон андозаларига жавоб бериш учун уни секин-аста такомиллаштириб, соддалаштириб боришимиз зарур. Ривожланган давлатларда солиқ кодекси юқори ташкилотлар томонидан ўзгартирилади, бизнесмен ва тадбиркорлар учун ҳар қандай ўзгариш самара беравермайди. Чунки, уларнинг «бизнес режаси» узоқ муддатга мўлжалланган бўлади. Биз ҳам жуда эҳтиёткорлик билан махсус «солиқ экспертлари»ни малакали мутахассислар ва олимлар иштирокида тузиб, уларнинг таклифини Олий Мажлисга киритишимиз самара беради деб ҳисоблаймиз.

Президентимиз 2002 йил 4 апрелда II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясидаги маърузасида «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йилдаги ижроси тўғрисида» тўхталиб ўтди. Бюджетнинг ижроси Олий Мажлис томонидан тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида амалга оширилди. Мисол учун, даромадлар бўйича олиб кўрайлик. Даромадлар режаси 1254,8 миллиард сўм миқдорига белгиланган эди. Ҳақиқатдан ҳам, ўтган 2001 йили бюджетга 1266,9 миллиард сўм тушди. Бу 101 фоизга тенгдир¹.

Корхоналар даромади(фойдаси)га солинадиган солиқ ставкасининг 31 фоизидан 26 фоизгача ва аҳоли даромадларидан олинадиган энг юқори солиқ ставкасининг пасайтирилишига қарамасдан, ҳисобот йилида Давлат бюджетига даромадлар тушумининг барқарорлиги сақланди ҳамда даромад манбалари бўйича тушумларнинг нисбатан кўпайиши кузатилади.

2001 йилдан бюджет даромадларининг солиқ турлари бўйича ҳам тушумларнинг нисбатан кўпайиши кузатилди. Бюджет даромадларининг таркибида ҳам солиқ турлари бўйича муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди. Масалан, бевосита солиқлар бўйича тушумлар жами бюджет даромадларининг 28,5 фоизини ёки 360,6 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи бўйича тушумлар 143,3 миллиард сўмга етиб, бу бевосита солиқлар тушумларининг 39,7 фоизини ташкил этган бўлса, жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича тушумлар эса, 26,7 миллиард сўмга (7,4 фоиз) тенг бўлди¹.

Шу билан бирга, юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг Давлат бюджети жами даромадларидаги улуши солиқ ставкасининг пасайиши сабабли тобора камайиб бормоқда. Айтайлик, 1999 йилда ушбу кўрсаткич 15,2 фоиз бўлган бўлса, 2000 йилда 12,8 фоизни ва 2001 йилда эса 11,3 фоизни ташкил этди¹. Айни вақтда кичик корхоналар

¹ «Жалп сўми, 15 апрел 2002 йил».

учун ягона солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, тадбиркорлик фаолияти бўйича шугулланувчи жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича тушумларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Мазкур ўсиш суръатлари кичик корхоналар ва умуман, тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривожланиши ҳамда иш ҳақи миқдорларининг ошиши натижасида юз бермоқда.

2001 йилда Давлат бюджетининг харажатлари 1313,8 миллиард сўмни ёки режага нисбатан 100,1 фоизни ташкил қилди¹. Айниқса, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари энг катта улушга эга бўлди. Хусусан, ижтимоий соҳа муассасалари фаолиятини молиялаштириш харжатлари 498,5 миллиард сўм (37,9 фоиз)ни ташкил этди. Таълим муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришга 335,5 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш тизими харажатларини молиялаштириш учун 125,7 миллиард сўм йўналтирилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар эса 100,8 миллиард сўмни ташкил қилди¹.

2001 йилга мўлжалланган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар режаси ҳам ошириб бажарилди. Бу кўрсаткич 557,5 миллиард сўм ўрнига 573,3 миллиард сўмни ташкил қилди. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари эса, 726,1 миллиард сўмга етиб, шундан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 513,2 миллиард сўм ёки маҳаллий бюджетларнинг харажатлари эса, 726,1 миллиард сўмга етиб, шундан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 513,2 миллиард сўм ёки маҳаллий бюджетлар жами харажатларининг 70,7 фоизи йўналтирилди. Шунингдек, Давлат бюджетида маориф (88,2 фоизи), соғлиқни сақлаш (87,1 фоиз) ва капитал қўйилмалар (57,6 фоиз) учун кўзда тутилган жами маблағларнинг катта қисми маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилди.

Бу харажатлар институционал ўзгаришларни молиялаш, ижтимоий ва инсонпарварлик дастурларини амалга ошириш, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни янгилаш ҳамда техника билан қайта жиҳозлаш, мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун йўналтирилди.

Ҳар бир солиқнига солиқнинг моҳиятини етказиш мақсадида солиқ инспекцияларида солиқ тўловчиларни махсус дастурлар асосида ўқитиш зарур ва мактабларда «Солиқ турлари» фанини (8-синфларда 20 соатли маъруза) ўқув дастурларига киритиш катта ёрдам беради. Масалан, АҚШ, Англия, Канада, Австралия давлатларида бу жараён кўп йилдан бери амалга оширилаяпти. Россияликлар ҳам «Зачем платят налоги» деган дарслик бўйича 1997 йилдан мактабларда дарс ўта бошладилар.

Солиқнинг ижтимоий ва иқтисодий моҳиятини ҳамма тўғри тушуниши шарт ва солиқлардан тушган маблағ қайтиб аҳолига берилишини англаш зарур. Чунки, 2002 йилга мўлжалланган давлат бюджетида қуролли кучларни ривожлантириш харажатлари ва унинг салмоғи умумий харажат бўйича тушган ва айрим давлат бюджет харажатларини камайтириш йўлга

¹ «Халқ сўзи», 15 апрел 2002 йил.

кучларни ривожлантириш харажатлари ва унинг салмоғи умумий харажат бўйича тушган ва айрим давлат бюджет харажатларини камайтириш йўлга қўйилган. Шу сабабли, солиқ тушумининг кўпайиши социал соҳани ривожлантиришга олиб келади. Солиқ тушумининг, айниқса, иқтисодий ва социал ўсишига, меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашга бандликнинг ошишига ва республикаимиз хом ашёларидан жаҳон андозаларига жавоб берадиган, жаҳон бозорига рақобатбардор товарлар чиқариб, давлатимизни бойитишга ёрдам берувчи асосий механизм бўлиб хизмат қилади. Бизнинг фикримизча, бу йўналишлар 10-15 йилга мўлжалланган дастурларга асосан олиб борилиши республикаимизни жаҳонга танилтиради, муайян ўринни эгаллашни таъминлайди. Бу долзарб йўналишлар давлатимизнинг солиқ сиёсатини аниқлайди. Солиқ механизми ёрдамида иқтисодий ўсишни таъминлайдиган соҳа тадбирларига кенг йўл очиб беришимиз зарур.

Солиқларни рағбатлантириш вазифасини ривожлантириш мақсадида прогрессив имтиёزلардан фойдаланиш, солиқ инспекторларига қўшимча имтиёзлар бериш, уларнинг ҳуқуқини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ижтимоий солиқларни жорий қилиб, солиқ олинмайдиган минимумни оптималлаштириб, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, уларнинг пул даромадларини кўтариш тадбирларини тузиш керак. Бу жараёнда Россия ва бошқа ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаларини ўрганиш, ўзимизда жорий қилиш мумкин.

Ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга солиқ олинмайдиган минимум даромадларни жорий қилиш кўп давлатларда самарали тадбир бўлиб чиқди. Ривожланган давлатларда 12 минг АҚШ долларигача бўлган даромад солиққа тортилмайди. Бу дастурни мол-мулк солиғига, иш ҳақига ҳам татбиқ қилиш мумкин. Натижада солиқ оғирлиги камайиб, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга олиб келади ва солиқ тушуми кўпаяди. Албатта, бу тадбирларни амалда татбиқ қилиш учун махсус Давлат концепциясини ишлаб чиқиб, уларни аста-секин амалиётга татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Солиқларни такомиллаштириш «Концепцияси» давлат миқёсида 5-10 йилга мўлжалланган бўлиши ва солиққа тортиш услубларини такомиллаштириш тадбирларини ўз ичига олиши зарур.

Солиқ механизми давлатнинг асосий қуроли сифатида ички иқтисодиётдаги ривожлантирилиши зарур бўлган тармоқни таъминлаб берувчи «кўринмас куч» бўлиб ҳисобланади. Бу кучни қайси тарафга буриш ва қайси йўналишда ишлатиш кераклигини давлат ходимлари мутахассислар амалга ошириб, иқтисодий самарага эришин зарур. Фикримизча, солиқ механизмнинг қуйидаги йўналишлари халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича жуда самарали ишлатилиб, давлатимиз миқёсида иқтисодий ўсишни таъминлаб бериши мумкин:

1. Давлатимизда бозор иқтисодиётининг ижтимоий муҳофазага йўналтирилган моделини солиқ механизми орқали ривожлантириш, жаҳон иқтисодиёти билан интеграция қилиш учун ушбу амалий ишларни амалга ошириш зарур. Давлат бўйича пахта толасидан чиқариладиган тайёр

маҳсулотлар билан қўшни давлатлар бозорини, Россия ва Европа давлатлари бозорини эгаллаш мумкин. Бугунги кунда пахта толасини 25 фоизга ўзимизда ишлов берсак, охирги маҳсулот газлама эмас, ундан кийим-кечак тикиб сотиш давлатимизнинг стратегик мақсади бўлиши шарт ва буни таъминлашда имтиёзли солиқларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айрим ҳолларда, ўзимизда 10 баравар арзон чиқарилиши мумкин бўлган товарларни четдан олиб келаяпмиз. Агар, пахта толасининг тайёр маҳсулот даражасига бўлган ишлов жараёнини ўзимизда бажарсак, ишсизлик камаяди ва валюта тушуми ҳисобига аҳолининг реал даромади кўпаяди. Бу йўналиш бўйича жаҳон бозорига чиқиш имкониятимиз шаклланади. Буларни таъминлашда солиқ механизми асосий восита бўлиб ҳисобланади.

2. Шойини пилладан тўқиб, ундан чиқариладиган маҳсулотларни республикамизда тайёрлаб, жаҳон бозорига сифатли маҳсулот чиқариш мумкин. Бу йўналиш, маълумки, республикамизда 1100-1200 йил олдин ҳам халқаро савдо қилишга имкон берган ва Ўзбекистонда тўқилган шойиларни Клеопатра ҳам кийган. Бу йўналиш ҳам республикамизнинг долзарб халқаро савдо йўналиши бўлиб, халқимизга даромад келтирган.

3. Республикаимизнинг қўшни давлатлар бозорига чиқишига имкон берадиган иқтисодий йўналиш бўйича қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот, полизчилик маҳсулотлари билан Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларга сотиш дастурини тузиш зарур. Собиқ Иттифоқ даврида етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг қарийб 30 фоизи республикамизда етиштирилар эди. Ҳозир ҳам бу йўналишни солиқ ва божхона тўлов имтиёзлари ёрдамида ривожлантириш мумкин. Асосий омиллардан бири сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик молларини етиштириб, қўшни давлатларга ва Россияга сифатли арзон маҳсулот етказиб бериш билан давлатнинг экспорт потенциалини кўпайтириш. Бу маҳсулотлар билан Россиянинг кўплаб шаҳарларида қўшма корхоналар очиб, иқтисодий интеграцияни йўлга солиш мумкин.

4. Қўшни давлатларга арзон ва сифатли автомашина чиқариб, уларга сотиш дастурини тузиш ва давлатимизни Марказий Осиёда автомашина чиқарувчи асосий давлатга айлантириш мумкин. Давлатимизнинг дадил қадамларидан бири автомобиль тармоғини ривожлантириш бўлиб, ҳозир автомобиль чиқариш бўйича МДХ мамлакатлари ичида иккинчи ўринни эгаллапти ва бу йўналишда маълум ишлар олиб борилапти. Қўшни давлатлар автомобилли узоқ давлатлардан олиб келиш учун 10-20 % қўшимча ҳаражат қилишаяпти. Бизнинг давлатимиздан автомобил сотиб олиш ва фойдаланиш 2-3 баробар арзон тушади (эҳтиёт қисми ҳисобга олганда). Халқаро бозор маркетингини ўрганиб, қўшни ва МДХ давлатларига чиқарилаётган автомобилларни сотиш дастурини тузиш ва чиқарилаётган автомобилларнинг сифатини яхшилаш самарали ҳисобланади.

5. Давлатимизга яқин ва иккиёқлама қулай ҳудудларда «Эркин иқтисодий зона»лар тузиб, савдо-сотиққа кенг йўл очишимиз керак. Халқаро Савдо ташкилотига аъзо бўлиб, Божхона тарифларини эркинлаштириш йўли

билан ташқи савдони бир неча марта кўпайтириш мумкин ва резервлар ҳозир ҳам мавжуд.

Ўзбекистон табиий ресурсларга бой давлат эканлигини илмий жиҳатдан бир неча марта исботланган ва ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида куйидаги йўналишлар бўйича улардан фойдаланиш иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатади: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан фойдаланиб, охириги маҳсулотларни экспорт қилиш; туризм ресурсларидан фойдаланиб туризм хизматини экспорт қилиш, олий ўқув юртларида хорижий талабалар ўқишини ташкил тақлиф қилиш, пахта толасидан тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш, заргарлик буюмларини тайёрлашда олтин захираларимиздан унумли фойдаланиш, мақсадига жавоб берадиган солиқ ва божларни жорий қилиш зарур.

6. Туризм ресурсларидан самарали фойдаланиш 5 млрд АҚШ доллари ҳажмида даромад келтириши мумкин. Ҳозирги корпоратив йўлдан одилона йўлгача - халқаро туризм бозорига йўл очиб, давлатимиздаги 2700 дан ортиқ турли маҳсулотларни сотиш дастурини тузиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу одимни ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Долзарб йўналишлардан бири бу хизмат экспорти бўлади. Агар туризм инфраструктурасини ривожлантириб, туризм маҳсулотларини четга сотсақ, халқаро туризм республикамизга йилига 4-5 млрд. АҚШ долларини олиб келиши мумкин. Бу йўналиш бўйича Республикаимизда халқаро экспертларнинг илмий изланиши натижаси - республикамиз туризмни ривожлантириш ресурслари бўйича жаҳонда 10 та йирик давлатлар қаторига киради. Тарихий ёдгорликларимизнинг ўзи 2.7 мингдан зиёд, меҳмондўст халқимизнинг хизмати ва миллий таомларимиз халқаро туристлар талабига жавоб беради. Туризм соҳасини давлатимизнинг асосий валюта келтирувчи тармоғига айлантириш зарур ва йилига 1 млрд. долл. фойда келтириш дастурини тузиб, амалга ошириш самарали ҳисобланади. Кучли туроператорларни йиғиб, 2750 дан ортиқ турмаҳсулотларини четга сотиш ва туризмни монополиядан чиқариш дастурини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

7. Ўзбекистонда чиқаётган олтин заргарлик тақинчоқлари ва тилла зарур бўлган маҳсулотларни тайёрлашга кенг шароит туғдиради ва товарлар ҳисобига давлатнинг экспорт қобилиятини 2-3 млрд АҚШ долларига кўтариши мумкин. Давлатимизда миллий тақинчоқлар ва олтиндан ишланадиган заргарлик маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш имкониятимиз мавжуд. Бунга етарлик тилла захирасига ва қўли гул заргарларга эгамиз. Дунё бозорига ўз ўрнини топиб, миллиятини ва маданиятини жаҳонга танитиш имконияти мавжуд. Заргарларимизнинг иши, айниқса, тилладан ишланган заргарлик буюмларининг сифати жаҳон талабларига жавоб беради.

8. Бундан 10-15 йил олдин Республикаимизда минглаб хорижий талабалар ўқиб, олий маълумотга эга бўлиб кетишар эди ва бу маълум миқдорда валюта тушумини таъминлар эди. Ҳозирда олий ўқув масканларимиз сони 60 дан ошиб кетди ва уларда профессура мавжуддир. Бу

ресурсдан самарали фойдаланиш мақсадида халқаро таълим бозорига кириб, талабаларни Республикамизда ўқитиш дастурини тузиш ва уларнинг ҳисобига валюта тушумини 4-5 млрдга кўпайтириш мумкин. Бу йўналиш биз учун ангиллик эмас, фақат бу соҳани ривожлантириш учун олий таълимни жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада ривожлантиришимиз зарур. Олдиндан халқимиз илму фанга катта эътибор бериб келган ва ҳозир ҳам Президентимиз бошчилигида кадр тайёрлашга муҳим эътибор берилаяпти. Ҳозирги тузилган таълим соҳасидаги инфраструктура сифатини яхшилаб, кадр тайёрлаш бўйича жаҳон бозорига чиқиш зарур. Ривожланган давлатлардан келиб ўқийдиган талабалар сони, ўртача ҳар бир олий таълим масканларимизда 150-200 гача етади. Таълимдан тушадиган маблағлар салмоғи жуда кўп давлатларда асосий валюта келтирувчи соҳа бўлиб ҳисобланади. Бизнинг олдимизда ҳам бу соҳанинг сифатини жаҳон андозаларига кўтариш ва валюта ишлаш вазифаси турибди. Бу йўналишлар фикримизча 10-15 йилга мўлжалланган дастурларга асосан олиб борилиши республикаимизни жаҳонга танилтириши ва махсус ўринни эгаллашини таъминлайди. Бу долзарб йўналишлар солиқ сиёсатида аниқликни талаб этади. Шунга кўра, солиқ механизми ёрдамида бу йўналишларга кенг йўл очиб беришимиз зарур.

9. Экспорт ва импорт сальдоси ўтган йили 128 млн АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2002 йилда экспорт маҳсулотларини 332,3 млн АҚШ долларига кўпайтириш мўлжалланган. Лекин, бу кўрсаткични янада кўпайтириш мақсадида ҳар бир юқорида кўрсатилган 7 та омилини ривожлантириш дастурини тузиш ва аниқ тадбирлар асосида иқтисодий ўсишни таъминлаш илмий потенциал ҳисобланади. Фикримизча, бошқа йўналишлар фақат давлатнинг ички талаби асосида ривожланиши самарали ҳисобланади.

Юқоридаги долзарб йўналишлар иқтисодий ўсишни ва барқарор ривожланишни таъминлайди, деб ўйлаймиз. Албатта, давлат миқёсида аниқ тадбирлар бажарилаяпти, лекин шунга қарамасдан янада уларни солиқлар ва божлар ёрдамида такомиллаштириш устида ишлаб, республикаимиз иқтисодиётини жаҳон хўжалигига интеграциялашуви жараёнини таъминлаш бугунги куннинг эҳтиёжи ҳисобланади.

Солиқ ва божхона соҳасининг бажарадиган вазифалари, оладиган солиқлари, бождари, йиғим ва тўловлари биринчи навбатда ижтимоий ривожланишга ижобий таъсир қилиши зарур. Бу соҳаларнинг ишлари ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатиши, ялпи ички маҳсулот ҳажмини ва сифатини кўпайтиради.

Вопросы развития международных контактов Республики Узбекистан с налоговыми органами других стран

*Рахимбердиев И.У. – Солиқ ва божхона
органлари академияси, и.ф.н.*

Либерализация экономики, ее саморегулирование, широкое использование рыночных механизмов, сокращение регулирующей функции

государства, активное участие в международном распределении труда, широкая интеграция в мировые хозяйственные связи – факторы, характеризующие современный этап развития Республики Узбекистан.

В обеспечении внешних и внутренних функций нового государства особое место занимают органы государственной налоговой службы.

В августе этого года исполнилось одиннадцать лет налоговой службе Республики Узбекистан и за это время установлены тесные взаимосвязи с налоговыми службами государств дальнего и ближнего зарубежья.

Налоговые органы республики проводят работу в области совершенствования налоговой политики и развития договорно-правовой базы налогового регулирования, внешнеэкономических связей и международных отношений. Основной целью деятельности налоговых органов в этом направлении является реализация теории и практики в международных налоговых отношениях, повышение уровня работы налоговых специалистов республики до международного, изучение и применение опыта других стран в сфере налогообложения и налоговой политики.

Налоговым комитетом также осуществляется контроль за правильностью предоставления налоговыми органами льгот и привилегий для нерезидентов Республики Узбекистан и других лиц. Задачами, входящими в сферу деятельности налоговой службы, также являются подготовка, парафирование и участие в реализации межгосударственных, межправительственных соглашений об избежании двойного налогообложения, принципы взимания косвенных налогов, сотрудничество в налоговой сфере.

С каждым годом международное сотрудничество с коллегами из других стран расширяется. В ноябре 2000 года в Ташкенте с рабочим визитом побывала делегация Министерства финансов Швеции. Целью переговоров была подготовка к подписанию Конвенции об избежании двойного налогообложения и предотвращении уклонения от уплаты налогов на доход и имущество. Итогом переговоров стал меморандум о взаимопонимании.

Состоялось несколько визитов экспертов из Германского технического центра (ГТЦ) и Министерства финансов, финансово-налоговой школы г.Ансбах (Бавария), налоговых инспекций и налоговых консультантов. Специалисты ГТЦ провели консультирование сотрудников налоговой службы республики по вопросам кадровой работы, обучения и повышения квалификации персонала, введения всеобщего декларирования доходов физических лиц, совершенствования процесса взимания задолженностей по платежам, составления и реализации договоров об избежании двойного налогообложения с другими странами.

Немецкие коллеги организовали стажировку в ФРГ специалистов, которые прошли обучение в Германии по вопросу "Налогообложение физических лиц - электронная обработка данных, введение налогового декларирования". В ходе стажировки была получена информация о работе налоговых инспекций по декларированию доходов, в том числе

компьютерной обработке данных, учету всех доходов налогоплательщиков - физических лиц. Специалисты смогли лично ознакомиться с методами работы коллег из Германии по разрешению проблем, возникающих в ходе работы. Сотрудники ГНК также приняли участие в семинаре "Налоговое консультирование" (Мюнхен).

В ГНК побывала и делегация Федеральной службы налоговой полиции России. Обсуждались вопросы взаимодействия в организации межведомственного информационного обмена и использования оперативной информации о правонарушениях в налоговой сфере.

Представители ГНК Руз по приглашению Агентства США по международному развитию (USAID) приняли участие в семинаре по вопросам вступления Узбекистана во Всемирную торговую организацию, а также в семинаре, организованном Азиатским банком развития и реконструкции для реализации и администрирования инвестиционных проектов.

Определённый опыт накоплен и в экспертизе проектов законодательных актов в области международной налоговой политики, координации работы управлений ГНК в сфере международных налоговых отношений.

В целях создания благоприятных условий для деятельности предприятий с иностранными инвестициями, Государственным налоговым комитетом проводится активная работа по заключению и реализации Соглашений об избежании двойного налогообложения.

В настоящее время заключены соглашения:

- об избежании двойного налогообложения - с 34 государствами;
- о сотрудничестве и взаимной помощи по вопросам соблюдения налогового законодательства – с 5 государствами;
- о сотрудничестве и обмене информацией в области борьбы с нарушениями налогового законодательства - с 4 государствами,
- о принципах взимания косвенных налогов при экспорте и импорте товаров (работ, услуг) - с 4 государствами;
- о сотрудничестве и взаимной помощи в области валютного и экспортно-импортного контроля – с 3 государствами;
- о сотрудничестве и взаимной помощи в области борьбы с незаконными финансовыми операциями, а также финансовыми операциями, связанными с легализацией (отмыванием) доходов, полученных незаконным путем - с Российской Федерацией.

Интенсивная работа по заключению аналогичных соглашений ведется с Сирией, Ираном и Югославией.

Значение данных соглашений трудно переоценить, так как они оказывают большое влияние на развитие экономики Республики Узбекистан в части привлечения иностранных инвестиций и устранения проблем двойного налогообложения, получения полной информации и административной помощи в целях обеспечения полноты воздействия внутренних налоговых законов.

Налоговая служба Узбекистана тесно сотрудничает со своими коллегами из государств СНГ, на основе такого сотрудничества заключены соглашения «О сотрудничестве и взаимопомощи по вопросам соблюдения налогового законодательства», «О сотрудничестве и обмене информацией в области борьбы с нарушениями налогового законодательства», «О сотрудничестве и взаимной помощи в области валютного экспортного контроля», «О сотрудничестве и взаимной помощи в области борьбы с незаконными финансовыми операциями, а также финансовыми операциями, связанными с легализацией (отмыванием) доходов, полученных незаконным путем».

Идёт и практическое взаимодействие налоговых органов по обмену информацией об изменениях в национальных налоговых законодательствах, о налоговых нарушениях, о суммах, взимаемых с юридических и физических лиц в сфере валютных и экспортно-импортных операций. Осуществляется также обмен представителями, методиками обучения, средствами программного обеспечения, научными материалами по созданию информационных систем.

Заключаемые Узбекистаном соглашения о сотрудничестве в налоговой сфере с другими государствами служат дальнейшему расширению и укреплению внешнеэкономических связей, развитию контактов в области торговли, гарантируют хозяйствующим субъектам наших стран относительную стабильность налоговых отношений.

Халқаро солиқ битимларининг аҳамияти

Шерханов А., Ходжаев Ю. – *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Ўзбекистонни халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялаш мақсадида, республикада халқаро солиқ, банк, божхона муносабатлари ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш, ривожланган илғор давлатлар тажрибасини жорий қилиш жараёнида ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий хўжалиги интеграциялашувига интилиши, хорижий капиталнинг мамлакатимизда ҳам эркин ҳаракатланишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам хорижий капитални мамлакатимизга жалб этиш масаласи ўта муҳим бўлиб турибди. Ватанамиз саноатининг бир қанча тармоқлари жаҳон талабларига жаов берадиган янги технологиялар зарурлигини ҳис этмоқда, уларга ўзимизнинг ва айниқса хорижий капиталнинг киритилиши бу тармоқларни янада ривожланишига туртки бўлиб, ички бозорда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиради, ҳамда жаҳон бозорида Ўзбекистон товарларининг рақобатдошлигини оширади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жаҳоннинг етакчи давлатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатилди, ўзаро ҳамкорлик шартномалари, иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳақидаги битимлар имзоланди. Ҳозирги кунга келиб, иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳақидаги битимлар 36 мамлакат билан имзоланган. Имзоланган

халқаро битимлар республика иқтисодиётини ривожлантиришга, чет эл инвестицияларини жалб этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда, зеро иккиёқлама солиққа тортишнинг бартараф этилиши солиқ тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзaro тузилган халқаро битимларда, ушбу давлатларда доимий жойига эга бўлган чет эллик юридик шахсларнинг айрим даромадларига нисбатан, Ўзбекистонда белгиланган солиқ ставкаларига солиштирилганда, камайтирилган ставкалар қўлланилиши ёки солиқлардан бутунлай озод қилиш назарда тутилган ҳолда, ҳар иккала мамлакат солиқ тўловчи резиденти, даромад айнан шу мамлакатда олинган деб хабар берган ёки тасдиқланган пайтларда халқаро битим меъёрлари қўлланилади.

Томонларни иккиёқлама солиққа тортишдан ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро битим қоидаларини ҳуқуқий қўллаш зарурияти туғилганида, биринчи гада, ҳар бир битимда татбиқ этиладиган солиқ турлари кўрсатилганлиги, даромадларнинг ҳар бир тури, солиқ солиш тартиби ва тамойиллари кўрсатилганлигидан келиб чиқиш керак.

Халқаро битимлар норезидентга солиқ тўлашдан нафақат тўлиқ озод қилинишини, балки даромадларнинг шаклланиш жараёнида солиқларни бутунлай ундирмаслик ёки чет эллик юридик шахсга даромадларнинг тўланиши вақтида ушлаб қолинган ва бюджетга ўтказилган солиқ суммаларининг қайтариб берилиши йўли билан амалга ошириладиган пасайтирилган ставкалар бўйича солиққа тортишни ҳам назарда тутати. Бу жараён норезидентларнинг белгиланган шаклда ёзган аризалари асосида амалга оширилади.

Халқаро битимлар мавжуд бўлганда фаолият кўрсатишнинг давомийлигига оид факторнинг қўлланиши мажбурий ҳисобланади. Чунончи, битим бўйича берилган имтиёзлар фақат маълум бир хизмат кўрсатиш ишлари, битимнинг «доимий муассаса» моддасида назарда тутилган муддатлардан ошмайдиган вақт мобайнида амалга оширилган ҳолатлардагина қўлланилиши мумкин. Солиққа тортиш мақсадида юридик шахснинг доимий муассасаси деганда Ўзбекистон Республикаси ҳулудидаги ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси вакиллик функцияларини амалга ошираётган юридик шахслар орқали даромад олиш юзасидан фаолиятни амалга ошириш тушунилади. Агар норезидент фаолияти муддатдан охири кетиб, доимий муассаса ташкил бўлишига олиб келса, у ҳолда солиққа тортиш мамлакатимиз солиқ қонунларига биноан амалга оширилади. Агар фаолият юзасидан олинган даромадлар солиққа тортишдан имтиёзга эга бўлса, у ҳолда чет эллик юридик шахснинг доимий муассасаси билан боғлиқ бўлган фаолият юзасидан олган даромадига солинадиган солиқни тўлашдан озод қилишга оид аризаси рўйхатга олинган жойдаги солиқ органига юборилади. Икки ёқлама солиққа тортишни олдини олиш ҳақидаги битим доираларида имтиёзларни бериш ваколати Давлат солиқ хизмати органларига юклатилган. Тақдим қилинган аризалар кўриб чиқилгандан сўнг, имтиёзли ставкага оид сўровнинг

қондирилиши мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ёки даромад солигини тўлашдан тўлиқ озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Икки ёқлама солиққа тортишни олдини олиш ҳақидаги битимлар республикамизга хорижий сармояларни жалб қилишга, хорижий капиталнинг мамлакатимизда эркин ҳаракатланиши учун ижобий муҳит яратди.

Совершенствование учета налогоплательщиков – физических лиц осуществляющих внешнеэкономическую деятельность

*Мансурова Г.Т. – Солиқ ва божхона
органлари академияси, и.ф.н., доц.*

Либерализация экономики, расширение свободы для внешнеэкономической деятельности хозяйствующих субъектов, унификация таможенных пошлин и облегчение таможенных процедур создают условия для роста количества юридических и физических лиц, занимающихся внешнеэкономической деятельностью.

Создание условий для развития предпринимательства вызвало рост количества предпринимателей, занимающихся ввозом в республику потребительских товаров и их реализацией.

Анализ деятельности данной категории налогоплательщиков показал, что физические лица, так называемые «челноки», занимающиеся ввозом и реализацией импортного товара в республику, осуществляли свою деятельность зарегистрировавшись не как налогоплательщики, занимающиеся экспортно-импортными операциями, а как налогоплательщики, имеющие патент на право торговли потребительскими товарами.

Отсутствие учета физических лиц как участников экспортно-импортных операций, отсутствие контроля качества ввозимой ими продукции имели свои отрицательные последствия, такие, как, заполнение рынка некачественным товаром, отток валюты за пределы республики, наличие «черного валютного рынка», сокрытие доходов.

В такой ситуации в целях постоянного контроля соблюдения налогового и таможенного законодательства субъектами налогообложения не обойтись без совершенствования процесса постановки на учет плательщиков, занимающихся экспортно-импортными операциями.

Ўзбекистон Республикасида халқаро кафолатларни қўллаш масалалари

*Ваҳобов А.В. - Тошкент молия
институтини, и.ф.д., проф.*

Амалиётдан маълумки, халқаро кафолатлар - товарлар ва капиталлар ҳаракатини узлуксиз ва доимий ҳаракат қилинишини таъминланишига хизмат қилади. Халқаро кафолатлар импортёрларни сифатсиз товарлар қабул қилишдан, экспортёрларни эса, товарлар ҳақини ололмай қолиш хавф-

хатаридан сақлайди.

Халқаро каfoлатлар халқаро операцияларнинг барча асосий турларида қўлланилади. Жумладан, буларга:

1. Халқаро кредитлар бўйича бериладиган каfoлатлар;
2. Экспорт-импорт операциялари бўйича бериладиган каfoлатлар;
3. Тўғри ва портфелли инвестициялар бўйича бериладиган каfoлатларни киритиш мумкин.

Халқаро каfoлатлар Марказий банк, тижорат банклари, корпорациялар, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилди.

Халқаро каfoлатлар банклар ва бошқа каfoлат берувчи ташкилотлар учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади, аммо бу юқори таваккалли ҳисоб-китоблардан ҳисобланади.

Халқаро каfoлатларда учинчи томоннинг иштирок этиши шарт. Айнан мана шу каfoлат берувчи томоннинг тўловга лаёқатлилиги асосий масала бўлиб ҳисобланади. Халқаро каfoлатлар халқаро миқёсда тан олинган субъектлар томонидан берилди.

Халқаро каfoлатларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Тўғри каfoлатлар. Бунда каfoлат берувчи томон бевосита экспорт-импорт операцияларига каfoлат беради, мазкур тўлов бўйича мажбуриятларни тўлиқ ўз зиммасига олади. Бундай каfoлатлар тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, ҳужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади.
2. Воситалашган каfoлатлар. Бунда каfoлат берувчи ўзига хос тарзда воситачилик вазифасини ўтайди. Бундай каfoлатлар экспорт-импорт операцияларида кенг ишлатилади.
3. Тасдиқланган каfoлатлар. Бундай каfoлатлар берилган каfoлатларни тасдиқлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, банк ўз мижози бўлган импортёрнинг тўлов мажбуриятлари бўйича каfoлат берган бўлса, экспортёрнинг банки ҳам ушбу каfoлатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бу эса, мавжуд каfoлатларни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида халқаро каfoлатлардан фойдаланиш масаласи энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Республикада катта суммада молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг аксариятида давлат улушининг кўплиги сабабли халқаро каfoлатлар ишлатувчи субъект - бу ҳукуматдир.

Олинаётган халқаро кредитларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси давлатининг каfoлати билан олинмоқда. Халқаро каfoлатларни беришда тижорат структуралари ва банкларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбекистон Республикасида халқаро каfoлат ўрнини босувчи мажбуриятларни пул маблағлари билан таъминлаш тизими кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида ерга хусусий мулкчиликнинг мавжуд эмаслиги ва бир қатор юқори ликвидли объектларнинг йўқлиги халқаро каfoлатлардан республика шароитида фойдаланишга жиддий таъсир этади.

Фикримизча, давлат облигациялари, Марказий банк томонидан қайта ҳисобга олинadиган ўтказма векселлар (тратталар), давлат томонидан қафолатланган саноат облигацияларини амалиётга жорий этиш – бевосита халқаро қафолатларнинг кенгайишига ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошишига олиб келади.

Капитал қўйилмалар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш муаммолари

Эгамбердиева С. Р. - *Карши муҳандислик иқтисодиёт институти.*

Бозор иқтисодиёти шароитида капитал қўйилмаларнинг аҳамияти катта. Капитал қўйилмалар бу корхонанинг асосий воситаларини қайта ишлаб чиқариш ва улар сифат таркибини яхшилаш борасида қиладиган сарф-харажатларидир. Асосий воситаларсиз эса, ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиб бўлмайди.

16-сонли Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ, ер асосий восита ҳисобланиб, унинг қийматини сотиб олиш баҳоси, ер майдонидаги қурилишларни бузиб ташлаш бўйича соф харажатлар, ҳуқуқшуносларга тўланадиган ҳақ ҳамда кўчмас мулк бўйича тижорат агенти харажатлари каби сарфлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га асосан счетлар режасида асосий воситалар таркибига ер ҳам киритилган.

Янги счетлар режасида 01 «Асосий воситалар» синтетик счетининг 0110 субсчети «Ер» счети деб номланган.

«Ер» счетида амал қилинаётган қонун ҳужжатларига мувофиқ субъект мулки қилиб берилган ер майдонлари ҳисобга олиб борилади.

Ер майдонларини сотиб олаётганда кўп ҳолларда унинг қийматидан ташқари қўшимча харажатлар юзага келади: кўчмас мулк даллолларига тўланадиган ҳақ, адвокатларнинг хизмат ҳақи, солиқ тўлови, ер ости ва ер усти иншоотларининг қиймати (зовурлар), ерларни тозалаш ва текислаш сарфлари. Ушбу қўшимча сарфлар ернинг қийматида қўшилади ва 0110 – «Ер» счетиининг дебетига ҳисобга олинади.

Ерни фойдаланишга тайёрлаш умумий сарфлари сув олиб келиш, оқова сувларни чиқариш иншоотлари дренажлар, геодезия ишлари ва бошқа бевосита харажатлар 0110 – «Ер» счетида йиғилади, чунки ушбу харажатлар ердан келгусида фойдаланиш ва унинг кадрини ошириш учун зарур.

Агар ер майдонининг тузилишини ўзгартириш ёки бино ва иншоотларни қуриш учун сотиб олинса, унга ўзгартириш киритиш учун сарфланган харажатлар 0110 – «Ер» счетида йиғилади. Бунда конструкцияларни тугатишдан олинган материалларни сотишдан олинган тушум бу харажатларни камайтиради.

0111- «Ерни ободонлаштириш» сметида ер майдонлари тузилишини ўзгартириш - йўлларни қуриш, автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари учун сақлаш жойлари, деворлар ва бошқа иншоотларни қуриш харажатлари ҳисобга олинади.

Ер майдонлари, ўрмонзор ва сув ҳавзаларига, кўп йиллик дарахтзорларга сарф қилинган капитал қўйилмалар барча комплекс ишларни тугатилишидан қатъий назар ҳар йили фойдаланишга қабул қилинган майдонларга тегишли харажатлар суммаси асосий воситалар таркибига қабул қилинади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво тез-тез ўзгариб турган бир пайтда ер асосий восита таркибига киритилган экан, демак у бирор қийматга эга. Лекин иқтисод назарияси нуқтаи назаридан қараганда ер қийматга эга бўлмайдиган, эскирмайдиган аксинча унумдорлиги ортиб борадиган меҳнат воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти, янги счеллар режасига мувофиқ «Ер» счети бўйича эскириш ҳисобланмайди. Агар эскириш ҳисобланмаса, ер қийматини ҳосил қилувчи харажатлар қайси манба ҳисобидан қопланиши, 0211 «Ободонлаштирилган ернинг эскириши» счетида амортизация қандай тартибда, амортизация ҳисоблашнинг қайси усулида ҳисобланиши муаммоли масала бўлиб турибди.

Масалан, йиллар йиғиндиси (кумулятив) усулини қўллаб бўлмайди, чунки бу усулга кўра асосий воситаларнинг фойдаланиш муддати кўрсатилиши керак. Ердан эса, фойдаланиш муддати чексиз. Ободонлаштирилган ерга амортизация ҳисоблашда ерга бир марта қилинган харажатлар суммаси қандай йиғилиши ва иккинчи марта қилинган харажатлар биринчисидан қайси тартибда ажратилиши ҳамда харажатларга амортизация ҳисоблаш муаммоси ҳал қилиниши учун «Ер» счети ҳисобини жиддий масала деб қаралмоғи ва унда аниқ аналитик ҳисоблар ташкил этилиши керак.

40-сонли Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти «Мулкка қўйилган инвестиция» ёки «Капитал қўйилмалар» деб номланган. Бу стандартга мувофиқ ер икки ҳолатда ҳисобга олинади:

1. Ернинг қиймати оширилиб, ундан наф олиш учун фойдаланиш кўзда тутилганда;
2. Компания харид қилган, аммо уни ҳали қайси мақсадда ишлатилиши тўғрисида қарор қабул қилинмаган ҳолатда.

Ушбу халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти - янги счеллар режасидаги 08-«Капитал қўйилмалар ҳисоби» счети таркибида ҳам ер майдонларига тегишли харажатларни ҳисобга олиш учун аналитик счеллар очиб, аниқ ва тўғри ҳисобни йўлга қўйиш керак. Бу билан ер ва ободонлаштирилган ерларга эскириш ҳисоблаш ҳисоб-китобини аниқ юритиш имкони яратилади. Шу мақсадга 0850 счетни «Ерни ободонлаштириш» деб атаб, 0111 счел ёпилса мантиқий ва методик жиҳатдан

мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки «Ерни ободонлаштириш» қиймат сметида эмас, харажатлар сметида ҳисобга олиниши керак. Вахоланки, асосий воситалар қиймат сметларидир. Шунинг учун ҳам «Ерни ободонлаштириш» бизнингча капитал қўйилмалар сметида ўтказилиши керак.

Методология проведения комплексной экспертизы инвестиционных проектов

Садыкова С. М. – Банк-молия академияси.

При проведении комплексной экспертизы проекта необходимо определить перспективу его развития, принимая во внимание все условия, прямо или косвенно влияющие на его успешную реализацию. Это является основой в выборе производимого товара, в определении степени насыщенности рынка аналогичным товаром, потенциала предполагаемых конкурентов, тенденции в развитии отрасли, моды и т. д.

Основными моментами проведения комплексной экспертизы обычно являются:

1. План маркетинга.

В нем будет необходимо оценить реальные возможности по сбыту производимой продукции, представить схему распространения товаров и организацию рекламной деятельности, определить методы стимулирования продаж, сравнить цены на аналогичную продукцию, сопоставить качество будущей продукции, представить потенциальных конкурентов, решить вопрос транспортировки товара и в итоге определить приблизительный бюджет маркетинговых издержек. Формальным признаком достоверности маркетинговых исследований могут послужить контракты о сбыте производимой продукции. Однако совершенно не будет лишним проверить существование фирмы-покупателя продукции, а в случае возникновения трудностей в нахождении контакта, лучше усомниться в решенности проблемы с реализацией товара.

2. План производства.

Анализируя его, необходимо будет четко определить: где будет приобретаться оборудование, сырье, запасные части и на каких условиях; конкурентно ли закупаемое оборудование по цене, техническим характеристикам с аналогичным оборудованием других производителей; какова надежность поставщиков сырья; как будут возрастать производственные мощности в процессе эксплуатации оборудования; где будут располагаться производственные цеха; сколько производственных смен будет организовано; конечно же надо будет описать весь производственный процесс.

3. Кадровое обеспечение проекта.

При рассмотрении кадрового обеспечения необходимо будет выяснить, кто будет обслуживать производство и вести эксплуатацию оборудования, будут ли наниматься специалисты из-за рубежа, или же будет проведено обучение местных специалистов, где будет проведено обучение, каков размер зарплаты персонала, определить организационную схему

предприятия, как будут наниматься рабочие - на постоянной основе или по совместительству, уточнить их количество.

4. Экологическая экспертиза.

Большое внимание уделяется экологическому воздействию на окружающую среду. Обычно экологическую экспертизу проводят соответствующие государственные органы, которые и выносят заключение по проекту в плане безвредности организуемого производства.

Одним из ключевых моментов рассмотрения проекта является проведение финансово-экономической оценки, с помощью которой определяется такая характеристика проекта как возврат инвестированных средств за счет дохода от реализации товаров или услуг, получение прибыли, обеспечивающей уровень доходности не ниже желаемого, окупаемость вложенных средств в сроки, приемлемые для банка.

Определенные устоявшиеся методы, которые сложились в проектом финансировании по определению эффективности инвестиций, дают возможность наиболее приближенно и с наименьшей степенью погрешности принять вполне обоснованное решение по финансированию того или иного проекта.

Таким образом, рассчитывая NPV, IRR, BIP находят значение показателей, которые являются основными при оценке рентабельности рассматриваемого проекта. Именно они характеризуют проект, помимо изучения маркетингового плана, производственного плана, плана менеджмента, финансового плана, юридической и прочей информации.

Халқаро молия бозорининг ривожланишида солиқларнинг аҳамияти

Тўхтабоев М. - Олтинқўл иқтисодий коллежи.

Бизга маълумки, жаҳондаги мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётида халқаро солиқ тизимининг ўрни беқиёсдир. Чунки, ҳозирги мавжуд иқтисодий шарт-шароит мамлакатларнинг интеграциялашувини талаб этмоқда. Худди шу ўринда Ўзбекистоннинг халқаро молия бозорига мустақил ҳолда чиқиши ва жаҳон хўжалик тизимига чуқурак интеграциялашуви учун унинг бошланғич иқтисодий салоҳияти етарли бўлиб, бу ўз навбатида республикамизнинг дунё мамлакатлари билан икки-томонлама ва кўптомонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро молия бозори-эркин бозор бўлиб, томонларнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда пул (валюта) ресурсларини хорижга инвестициялаш бўлиб, бундай миграция мамлакат ва ҳудудларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқади. Ўз навбатида бу ҳаракат давлат ва халқаро молия-кредит марказлари томонидан назорат қилинади. Бундай миграция 200 йилдан буён давом этаётган бўлиб, мамлакатлар ўртасидаги экспорт ва импорт капитали шаклида амалга оширилмоқда.

Халқаро молия бозорининг структураси барча молия-кредит институтларини ўз ичига олган бўлиб, бу орқали жаҳон иқтисодиётига капиталнинг кириб бориши таъминланади. Булар жумласига трансмиллий корпорациялар ва банклар, фонд биржалари, давлат агентликлари, брокерлик, диллерлик муассасаларини киритиш мумкин.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг халқаро молия бозорига тез суръатлар билан кириб бориши мақсадида давлатимиз томонидан кенг иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бу ҳолат «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларни, банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги, валюта бозоридаги, хорижий банклар ва молия кредит ташкилотлари билан ҳамкорлигига доир қабул қилинган қарорлар, норматив ҳужжатлар фаолиятининг ҳуқуқий негизи бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг республикамизда банк тизимини ушбу бозорлар билан узвий боғлашга давлатимиз томонидан иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан кенг шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Қилинган амалий ишларнинг самараси ўлароқ тижорат банклари хорижий банклар билан вакиллик муносабатларини ўрнатишга, экспорт импорт операцияларини амалга оширишга, эмиссия қилинган қимматли қоғозларни ривожланган фонд биржалар листингига киритилмоқда.

2001 йил апрель ойида акционерлик тижорат «Пахта банк» акцияларини Нью-Йорк, Лондон, Франкфурт, Токио, Истамбул биржалари листингига киритилди. Бундан ташқари 2000 йилда Томсон Бэнк Вотч халқаро рейтинг компанияси «Пахта банк»га халқаро ререйтинг берди. Бу эса, чет эл инвестицияларини жалб қилиш йўлидаги яна бир ижобий омилдир.

Бизнинг фикримизча, ТИФ «Миллий банк», «Пахта банк», «Асака банк», «Ўзсаноат қурилиш банк», «Ҳамкорбанк» каби тижорат банкларимиз халқаро молия бозорида РЕПО операцияларининг турларидан бири ҳисобланган Buy/sell back битимларини хорижий мижозларга таклиф этишлари мақсадга мувофиқ. Чунки, бу орқали мамлакатимиз иқтисодиётига янада кўпроқ хорижий капиталнинг кириб келишига ва ўз навбатида қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига самарали хизмат кўрсатилган бўлар эди.

Мулоҳазаларимизнинг хотимаси ўлароқ, шу нарсани айтмоқчи эдикки, банкнинг асосий тижорат қондаларидан бири «Мижоз манфаати - банк манфаати, мижоз фойдаси - банкнинг фойдаси» эканлигини ҳисобга олсак, банкларимиз бу қонда орқали нафақат мамлакат миқёсида балки халқаро миқёсда ҳам ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олар эдилар.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантирда солиқ сиёсати

*Ташмурадов И. – Тошкент Давлат
иқтисодиёт университети*

Халқаро иқтисодий фаолиятни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлда «Республикага истеъмол товарларини ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлар тўғрисида» 257-сонли ва 2002 йил 20 августдаги

«Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар 259-сонли қарор асосида олиб келган товарлари учун мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловларини ҳамда солиқ тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлса, улар томонидан истеъмол товарларини назорат-касса машиналари қўлланмасдан сотишга рухсат берилади.

Бизга маълумки, халқаро бизнесда бирор давлатнинг ички бозорни эгаллашнинг Хитой услуги - арзон мол билан давлатнинг ички бозорини эгаллаб олиш мақсадида бозор баҳоси таннархидан арзон, сифатсиз товарлар билан тўлдиришдир. Бундай сиёсатга аксарият давлатлар дош беролмайди. Бу сиёсатга қарши давлатимиз дадил қадам қўйди ва бундан буён бизга сифатсиз товарларнинг кириб келишига чек қўйилди. Охириги йилларда четдан олиб келиб сотилаётган халқ истеъмол моллари кўпчилик харидорларни ранжитаётганлиги ва у товарларни заруриятдан сотиб олиш оқибатида оилалар бюджетига катта зарар келтираётганлиги бизга маълум.

Айни пайтда солиқ тўловчилар эътиборига шу нарсани етказиб қўйишимиз керакки, кўпчилик халқаро туризм тизими ривожланган давлатларда туристлар учун арзон, кўзга яхши кўринадиган, ташқи тарафидан кўриниши сифатли, охириги «мода»га ўхшаш, лекин аслида сифатсиз (оригиналига қараганда 10 баробар арзон) товарларни махсус чиқаришади. Бу товарлар туристларгагина сотиш мақсадида кўплаб чиқарилади. Биздан борган «мокки»лар эса, бу арзон (бошқа мақсадларда чиқарилган) маҳсулотларни тижорат мақсадида кўплаб олиб келиб, ички бозоримизни сифатсиз товарлар билан тўлдирдилар ва давлатимизнинг конвертация қилинадиган валютасини четга ташлаб келдилар. Бу жараёнда биз икки томонлама ютқазамиз: биринчидан-арзон ҳам сифатсиз истеъмол товарларини оламиз, иккинчидан давлат бойлиги бўлган валютани четга ташлаб келамиз. Масалан, «адидас» фирмасининг сифатли товари туристлар учун чиқарилган арзон ва сифатсиз таварларга қараганда 10-20 барабар арзон туради. Шунинг учун ҳам, айрим ҳолларда бир хил истеъмол товарлари бизда улардан ҳам арзон туради. Албатта, ташиш, божхона ва ўзининг қўшимча харажатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда бу товарнинг баҳоси чет элдан бизнинг бозорларимизда арзон туради. Бу жараён пул орқасидан қувган, ўзининг давлатида шарманда бўлиб қолишини ўйламаган «моккилар»нинг иши бўлиб халқаро ҳуқуқга асосан уларни жиноятчи деб, ҳисобласа бўлади. Албатта тадбиркорлар орасида сифатли товар олиб келувчилар ҳам мавжуд, лекин жуда кам. Шунинг учун ҳам янги 295 –сонли қарорда қабул қилинган солиқ механизми бундан кейин сифатсиз маҳсулот олиб келишга йўл қўймайди. Чунки, ҳар бир истеъмол товарлари текширилиб, уларнинг сифати таҳлил қилинади ва тегишли ҳужжатларга асосан давлат ички бозорига олиб киришга рухсат берилади.

Солиқ механизми ёрдамида (154,257,295-сонли қарорлар) давлатимизга биринчи навбатда сифатли товарларнинг олиб келишига тартибга солишга мўлжалланган. Халқаро иқтисодий фаолият билан шугулланувчиларни рағбатлантириш мақсадида импорт учун 30 % лик йиғим ҳам 259-сон қарор билан айрим товарлар учун бекор қилинди. Бу эса, ўз навбатида халқаро бизнесменларни сифатли истеъмол товарлари олиб келишга рағбатлантиради.

Давлат миқёсида қабул қилинаётган янги солиққа тортиш механизмлари албатта иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатиб, ички бозорни сифатсиз товарлар интервенциясидан ҳимоя қилади, аҳоли реал даромадини сифатли товар сотиб олиш ҳисобига кўпайтиради. Бизнинг тadbиркорларимиз халқаро тажрибаларни ўрганадилар ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантирадилар деган мақсадда бу тadbирлар қилинапти. Бу тadbирлар келажакда халқаро иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришни йўлга қўйишда солиқ механизмидан фойдаланиш ҳисобланади.

Ривожланган давлатларда аҳоли истеъмол молларини сотиб олишда қўйидаги асосий тамойилга риоя қилишади: «Мен жуда бой эмасман сифатсиз товарни сотиб олиш учун» дейишади. Бунинг маъноси шундан иборатки, талабни қондириш учун 2-3 барабар сарф қилмаслик мақсадида сифатли товарлар сотиб олиш кераклиги ҳаммага маълум.

Албатта, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни босқичма-босқич тadbирлар асосида амалга оширилади, лекин бунда камчиликларга йўл қўйилмаслиги зарур. Ҳозирги кунда бизнинг асосий вазифамиз биргаликда ривожланган бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳисобланади.

Туризм соҳаси яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли махсус гуруҳларнинг фойдаси ҳисобига турфирмалар ёрдамида четга чиқиб, «Мокки»чиларни узоқ давлатлардан сифатсиз маҳсулотни ички бозорга ташилади. Чунки, «Жаҳон туризм ташкилоти»нинг таҳлилига асосан 2001 йилда «тижорат туризм»и жаҳонда 2,7 фоизни ташкил қилса, биздаги бу кўрсаткич 70 фоиздан юқори. Туризмнинг прогрессив формаларини ривожлантириб (дам олиш, ўқиш, тажриба орттириш, малака ошириш) тижорат туризмни камайтиришни солиқ механизми ёрдамида амалга оширишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг прогрессив йўналишларидан бири Жаҳон савдо ташкилотига кириш ҳисобланади. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига олиб чиқадиган 8 та йўналишдаги товар ва хизматларининг гуруҳлари устида тўхталиб ўтдик. Бу йўналишлар бўйича имтиёзли солиқ механизмини жорий қилиб, давлат миқёсида жаҳон бозорига ўз жойимизни олишимиз зарур. Бунинг учун миллий маҳсулот ва хизматларни ички бозоримизда ривожлантириб, кейин жаҳон бозорига чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон солиқларининг халқаро солиқлар тизимига кириб бориши

Яхёев Қ. – Тошкент молия институти, Республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи, профессор.

Ўзбекистон ўзининг мустақиллик йилларида асосан солиқлар тизимининг «ўзбек модели»ни яратди ва уларни Солиқ кодексига мужассамлаштирди. Ҳозир Ўзбекистон 130дан ортиқ мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни ўрнатган. Шу сабабли, Ўзбекистон солиқлар тизимини жаҳон мамлакатлари солиқлари билан узвий боғлаш, улардаги илғор тажрибалардан фойдаланиш, солиқларни оддийлаштириш ва бир хиллаштириш, ташқи иқтисодий алоқаларимизни мустақкам ривожлантиришнинг муҳим асосларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг 2001 йилнинг макроиқтисодий ривожланиши ва 2002 йилга мўлжалланган башорат кўрсаткичларига бағишланган маърузасида солиқ тўловчиларнинг ишлаб чиқариш, даромад топишдан манфаатдорлигини ошириш, солиқлар билан уларнинг ривожланишига ғов бўлмаслик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ялпи ички маҳсулот таркибидаги солиқлар оғирлигини камайтириш тўғрисида гапириб ўтдилар.

Республикаимизнинг 2002 йил 1-ярим йиллик иқтисодий ривожланиш якунини таҳлил қилиб, Президент И.А.Каримов, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бизнес фаолиятига эркин, кенг йўл очиб бериш, айниқса хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва мамлакатдаги ички ресурслардан оқилона фойдаланиш вазифаларини қўйди. Юқоридаги вазифаларни ҳал этиш учун давлатга юридик ва жисмоний шахслар елкасидаги солиқ юкни камайтириш бўйича молия вазирилиги, давлат солиқ қўмитасига аниқ таклифлар ишлаб чиқишни топширдилар. Юқоридаги айтилганлардан ва ўз таҳлилимиздан келиб чиқиб, солиқларни оддийлаштириш ва бир хиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

1. Юридик шахслар тўлайдиган, оқибат-мазмуни бир хил бўлган, солиқларни фойда(даромад) солиғига бирлаштириш ва ҳисоблаш ҳамда тўлаш тартиблари ҳам бирхиллаштириш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу ишни босқичма босқич бажариш мумкин. Бу юридик шахс бўлган савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, банклар ва суғурта ташкилотлари, саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланишдаги кичик корхоналарга ҳам даромадга солиқдан, пасайтирилган ставкаларга ўтишдир.

2. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов маърузаларида, давлат қарорлари бозор иқтисодиётини босқичма-босқич ривожлантиришда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти, улар фаолияти ривожланишини таъминлайдиган имтиёзлар ва бир қанча тадбирлар белгиланган ва амалга оширилмоқда.

Солиқлар соҳасида эса, улар учун асосан ягона солиқ жорий этилган. Аммо, кичик бизнес соҳалари бўйича (қишлоқ хўжалиги, чакана савдо,

умумий овқатланиш) солиқ турлари ва ставкалари хилма-хилдир. Уларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари ҳам хилма-хил бўлганлигидан баъзи чалкапликлар бўлишига йўл қўйиш ҳоллари учрайди. Масалан, иқтисодийнинг барча соҳаларида кичик корхоналар 2002 йилдан заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, чиқариб ташлаш, ифлослантириш ва чиқиндиларни жойлаштириш деб аталган тўловларни тўлайдилар. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳам бу тўловни тўлайдилар. Аммо кичик корхона мақомини олган чакана савдо билан шуғулланувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар бу тўловдан (2002 йил 1 июлдан бошлаб) озод этилган. Бу тўловни имкониятига қараб кичик корхоналардан олиб ташлаш керак ёки экология солиғини қўшиш зарур.

Жаҳон солиқларини ташкил қилиш амалиётида биз бундай ҳолларни кўрмаймиз.

Шуларни ҳисобга олиб, ҳамма кичик корхоналар учун солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича ягона тартиб ўрнатилиши, кичик корхоналар мақомини белгилашда киши сонидан ташқари даромад миқдори (ёки устав фонди) кўрсаткичи ҳам киритилиши зарур. Даромад миқдори йирик корхоналарникидан ошиб кетган тақдирда ягона солиқ ставкасини ҳам бироз ошириш чораларини ўйлаб кўриш керак. Бу тadbир ҳам халқаро иқтисодий муносабатларни кенгайтиришга янада яхши шароит яратади.

3. Солиқлар тизимида Жаҳон амалиёти (Швеция, АҚШ, Япония) асосан даромад солиғи, корпорацияларга фойда солиғи, кўчмас мулклар солиқлари кенг қўлланилади. Масалан, Швецияда ягона кўчмас мулклар солиғи ўз ичига ер солиғи ва ер устидаги барча мулклар солиқларини олади. Бизнинг солиқ амалиётимизда эса, ерга алоҳида солиқ (10 класс, 100 баллга бўлиб) ва мол-мулкка алоҳида солиқ олинади. Бу солиқларни ҳисоблашлар нафақат солиқ тўловчиларга, ҳаттоки солиқ ундирувчиларга ҳам катта қийинчиликлар яратади, катта меҳнат талаб қилади. Ҳозирги пайтда ерлар баҳосини аниқлаш имконияти яратила бошланганлигини ҳисобга олиб, вилоятлар бўйича дифференциялашган ягона кўчмас мулклар солиғини жорий этиш вақти келди деб ҳисоблаймиз. Бу ишнинг амалга оширилиши ҳам солиқларни ҳисоблаш ва ундириш бўйича ортиқча меҳнат ва пул харажатларини иқтисод қилади, жаҳон солиқ амалиётига яқинлаштиради.

4. Республикамиз маҳаллий солиқлари амалиётида самараси жуда паст, ундириш жуда муаммоли солиқлар мавжуд. Шулар жумласига автотранспорт воситаларини олиб сотиш солиғи киради. Бу солиқнинг маҳаллий бюджет даромадларидаги салмоғи 0,01 дан 0,02 % атрофидадир. Бизнинг фикримизча бу солиқни давлат божи таркибига қўшиб ундириш лозим. Чунки, олди-сотди ҳолатлар фақат нотариусларда ҳужжатлаштирилади ва улар бу ҳолатни кўриб туради. Шундай қилинса, бу солиқ бўйича вақт ва маблағ тежалани, солиқ инспекторларининг вақти бошқа муҳим солиқларни текширишга қаратилади. Жаҳон амалиётида бундай солиқни учратиш қийин. Шунинг учун унинг тугатилиши халқаро иқтисодий муносабатларимизни соддалаштиради.

Халқаро солиқ муносабатлари: муаммо ва ечимлар

Бердиназаров З. - *Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.*

Эркин бозор муносабатларини қарор топтириш шароитида халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш олдимизга глобаллашув, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш, жаҳон ссуда капиталлари бозорида фаол иштирок этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, валюта муносабатларини эркинлаштириш ва такомиллаштириш, ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва эркинлаштириш, банк ва нобанк молиявий ташкилотлар фаолиятини рағбатлантириш, экспорт-импорт структурасини оптималлаштириш, телекоммуникация, алоқа ва транспорт хизматлари соҳасини жадаллаштириш, сайёҳлик ва ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантириш каби устувор соҳа ва йўналишлардаги муаммоларни ечишни кўндаланг қилиб қўяди.

Глобаллашув муаммоси объектив реаллик бўлиб, у халқаро солиқ муносабатларининг юқори поёнага кўтарилишига хизмат қилувчи ва дунё ҳамжамиятининг тобора интеграциялашувига кўра, ҳар бир алоҳида олинган мустақил давлатдан ушбу интеграциялашув натижасида юз берган ёки юз бериши кутилаётган фундаментал ўзгаришларга асосий диққат эътиборни қаратишга йўналтирувчи куч сифатида майдонга чиқади. Бунга мисол тариқасида кейинги 10 йил ичида жаҳон ссуда капиталлари бозорида юз берган ўзгаришларни олиш мумкин. Мазкур ўзгаришлар бошқа омиллар билан бир қаторда собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши ва унинг ўрнига ёш мустақил давлатларнинг келиши билан ҳам характерланади.

Четдан қарз маблағларини жалб этиш янги ташкил тошган мустақил давлат учун табиий ҳолдир, албатта. Аммо, қарз маблағларини жалб этишнинг муайян миқдордаги чеклови бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ва бу чеклов қонуний жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиши зарур.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида уларнинг кўпроқ ҳажмига эмас, балки тузилмасига асосий эътиборни қаратиш керак. Чунки, мавжуд таркибий ўзгаришларга ёрдам бермайдиган ва иқтисодиётнинг самарасиз тузилмасини сақлаб қолишга олиб борадиган инвестициялар ислохотларни жадаллаштиришдан кўра уни секинлаштиришга олиб келиши мумкин.

Экспорт-импорт операцияларини такомиллаштириш учун халқаро ҳисоб-китоблар жараёнида хўжалик субъектларининг маълум пул маблағларини депонентга сақлаб туриш механизмидан бутунлай воз кечиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу улар молиявий ресурсларининг муайян вақт оралигида ҳаракатланишини чеклаб қўймоқда ва табиийки, уларнинг молиявий натижаларига зарар келтирмоқда.

Тиббий суғуртанинг халқаро муносабатларни ривожлантиришдаги роли

Хаджаев Ю.Ч. - *Солиқ ва божхона органлари академияси, и.ф.н., доц*

Ривожланган мамлакатларда суғуртани кўп турлари қаторида тиббий суғурта ҳам ривожланган бўлиб, компаниялар ҳар бир давлатнинг ўзига ҳос

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боради. Бунинг асосий сабаби мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир маромда эмаслиги каби объектив шарт-шароитлардадир.

Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки тиббий суғурта тизимида давлат фуқаролари суғурта тизимини ҳамда тиббий суғурта компанияларини танлаш, тиббий ёрдам ва қўрилган зарарни қоплаш ҳуқуқларига эгадирлар. Суғурта компаниялари ҳар бир суғурталанувчи фуқаролар олдида ҳам ҳуқуқий, ҳам моддий жавобгардирлар.

Жаҳон тиббий суғурта компанияларининг молиявий маблағлари, давлат бюджети маблағлари, жамоа ташкилотлари, фирмалар ва бошқа хўжалик субъектлари, фуқароларнинг шахсий маблағлари ва бошқа бериладиган кредитлардан ташкил топади.

Тиббий суғурта тизимида суғурта компаниялари мустақил фаолият кўрсатувчи хўжалик субъекти бўлиб, ўз рухсатномасига асосан мулк шаклидан қатъий назар барча компаниялар, ишлаб чиқариш концернлари, корпорациялар ва фирмалар билан мустақил суғурта шартномасини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тиббий суғурта компаниялари ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишда тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини эркин танлаш, ихтиёрий тиббий суғуртада суғурта бадали миқдорини белгилаши, тиббий хизмат бўйича тариф миқдорини белгилаши, ҳамда тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимлари томонидан суғурталанувчиларга келтирилган зарар юзасидан суд жараёнини қўзғаш ҳуқуқларига эгадирлар. Тиббий суғурта компаниялари ўз фаолиятларини амалга оширишда катта миқдордаги захира фондларидан фойдаланадилар. Фаолият кўрсатаётган барча тиббий суғурта компаниялари мулкчилик формаларидан қатъий назар ўз рухсатнома ва аккредитацияларига эгадирлар. Рухсатномаларни бериш давлат бошқариш органлари томонидан амалга оширилади. Тиббий суғурта компанияларининг ёрдам кўрсатиш фаолиятлари қатъий белгиланган. Масалан, чет элга чиқаётган сайёҳлар ва туристлар учун ихтиёрий тиббий суғурта амал қилиб, бунда тиббий ёрдам кўрсатишнинг тезкор амалга оширилиши кўзда тутилган (масалан, тўсатдан касал бўлиб қолса, тан жароҳати олса ёки ўлим ҳолларида).

Ривожланган мамлакатларда суғурта (полиси) гувоҳномаси бўлган сайёҳларга, туристларга четга чиқишга рухсат берилади ва шу билан бир қаторда тиббий ёрдам кўрсатишнинг «ассистанс» йўналишида суғурталаш кўпроқ ривожланган.

«Ассистанс» суғуртанинг мақсади мижозга тез тиббий, техник ва маънавий ёрдам кўрсатишдан иборат. «Ассистанс» суғурта гувоҳномаси беморни шифохонага ётқизиш ва даволаш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни кафолатлайди. Ҳозирда чет эл суғурта ташкилотлари кўпроқ аралаш суғурта гувоҳномаси билан фаолият кўрсатмоқдалар, бу фаолият турини «суперассистанс» деб аталади. Бундай хизмат турида тиббий суғурта хизматини кўрсатиш билан бир қаторда машиналарга техник хизматлар

кўрсатиш, яшаш жойига қайтиб келиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, юкларни суғурталаш ва бошқа хизматларни амалга оширмақда.

Чет эл тиббий суғурта компанияларининг фаолияти ва чет эллардаги тиббий суғурта борасидаги ишларни ўрганиши натижасида шундай хулосага келишимиз мумкинки, бизнинг республикамизда ҳозирги пайтда фаол иш олиб бораётган «Ўзбекинвест» бош компанияси юқоридаги вазибаларни бажаришда тажриба тариқасида бир неча тиббий масканлар билан тиббий суғуртани тадбиқ этиш бўйича иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тиббий суғурта лойиҳасини тайёрлаш ва уни халқ муҳокамасига тавсия этишликни яқин келажакка мўлжалламоқда. Лойиҳада кўзда тутилган асосий мақсад тиббий суғурта фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган даражада ташкил этишликка ҳамда мамлакатимизга хориж сармояларини кириб келишига, давлатлараро муносабатларнинг янада ривожланишига, ҳамда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида соғлом муҳитни яратишга қаратилганлиги бўлади.

Халқаро бизнесни ривожлантиришнинг солиқдаги муаммолари

Каримова У. - Олтинкўл иқтисодиёти коллежи.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантирмасдан туриб, бозор иқтисодиётининг барча ички ва ташқи бўғинларини ҳаракатга келтиришнинг имконияти йўқ. Тадбиркорлик фаолиятининг энг кенг тарқалган шакли эса ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнес корхоналаридир. Шунинг учун ҳам жаҳон иқтисодиётида бу каби корхоналарга эътибор кучли.

Зеро, халқаро бизнесни ўрганиш ҳар бир халқнинг тарихи, маданияти, урф-одати, анъаналарини, тили, дини ва характерини ўрганишни ҳам талаб қилади. Ҳар бир мамлакатда бизнеснинг ўз модели мавжуд бўлиб, буни ўрганмай туриб, халқаро бизнес муаммоларини ечиш мушкул. Ҳар бир фирманинг фаолияти халқаро иқтисодий муносабатлар билан боғланиб бориши туфайли фирма ривожига таъсир этувчи ички сабабларни ўрганиши билан бирга, ташқи иқтисодий муносабатлар натижасида компаниялар муносабати орқали фирма фаолиятидаги ўзгаришларни таҳлил этиш кабилар халқаро бизнесни такомиллаштириш ва ривожлантиришга таъсир этади.

Жаҳон мамлакатларида ички ва ташқи молиявий ташкилотларнинг ёрдами билан дунёнинг турли мамлакатларида кичик бизнес корхоналари ривожланиб борган. Масалан, АҚШда 10 млн, Венгрияда 200 минг, Хиндистонда 12 млн, Японияда 9 млн кичик корхоналар барпо этилиб, иқтисодий фаолият кўрсатмоқда. АҚШда 80-90 млн аҳоли кичик бизнес корхоналаридан олинаётган даромадлари ҳисобидан ўз турмуш жаражаларини ошириб, фаолият олиб бормоқда.

Халқаро бизнеснинг ривожини фирмалар меҳнат ресурсларини арзонлигига алоҳида эътибор бериб, бу имкониятдан самарали фойдаландилар, чунки маҳаллий ишчи кучларига караганда хориж

ишчиларига кам ҳақ тўланади. Шунинг учун ҳам ҳозир кунда АҚШ, Канада, Италия, Германия, Япония, Корея ва бошқа ривожланган мамлакатлари фирмалари хориж ишчи кучидан турли йўллار билан фодаланиб келмоқда. Халқаро бизнеснинг тараққиёти ривожланаётган мамлакатларда саноат корхоналарини жойланишига ва у ердаги арзон ишчи кучидан фойдаланиш ҳар бир фирмага катта даромад келтиришга олиб келади.

Лекин, халқаро бизнесда ҳудудий муаммоларни бартараф этилиши муҳимдир. Чунки, ривожланаётган мамлакатларда бизнеснинг ривожланишига айрим товарлар ва хизматларни мамлакат чегарасида сотишга қараганда уни хорижий мамлакатларга олиб бориб сотиш орқали ўз эгаларига самарали даромад келтириши халқаро бизнесни ривожига таъсир этувчи фактор ҳисобланади.

Агар фаолият турига қараб кичик корхоналарни кузатсак, ҳозирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг кўпчилик қисми савдо, умумий овқатланиш ва майда хизмат кўрсатишда банд бўлган кичик корхоналарга тўғри келади.

Аксарият ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик ва ўрта бизнес корхона раҳбарлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё материалларини вақтида етказиб бера олмаётганлигидир.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш учун бир қатор солиққа тортиш чора-тадбирларни ошириш керак.

Халқаро иқтисодий муносабатлар тўғрисидаги назария

Каримов Ю. Р. – *Бухоро шаҳар коллежи.*

Халқаро иқтисодий муносабат масалалари иқтисодий тафаккур маҳсули бўлиб, томонларнинг ўзаро алоқалардаги иштироки муайян даражадаги иқтисодий фойда олишдаги интилишлари билан белгиланади.

Ўзаро иқтисодий муносабатлар тарихи иқтисодий таълимотлар тарихининг марказий масаласи бўлиб, бу муносабатларга бўлган назарий қарашлар инсоният тарихий тараққиётининг турли босқичларида иқтисодий таълимот вакиллари томонидан яратилган таълимотларда ўз ифодасини топган.

Бу муносабатларнинг моҳияти, турлари ҳақидаги дастлабки назарий изланишлар XV-XVII асрларда пайдо (меркантилизм: Т. Мэн, А. Монкретен) бўлди.

Бу назарий фикрлар чуқур илмий таҳлилдан кўра кўпроқ умумий мулоҳазалардан иборат бўлган.

Ўз таълимотларида улар импортга бўлган турли чеклашлар (протекционизм) орқали ишчи ўринларини кўпайтириш, мамлакатнинг миллий даромадини ошириш мумкинлиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурганлар. Ҳар бир давлатнинг шунга интилиши туфайли ўзаро иқтисодий муносабатлар анча мураккаблашиб қолди. Товарларни кўпроқ экспорт қилишга қаратилганлиги ҳамда бошқа давлатларнинг импорт қилишга белгиланган катта бож тўловлари сабабли бу сиёсат жиддий тўсиққа учради.

Меркантилистик сиёсат тарафдорлари бўлган кўпгина давлатлар бир неча йиллар давомида иқтисодий заиф давлатлар қолоқлигича қолиб, ўз эҳтиёжларини танҳо ўзлари қондирганлар ва четдан маҳсулот киритилишини чегаралаганлар.

Ўзаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий талқини А. Смит ва Д.Рикардо асарларида ўзининг бошланиш нуқтасини олади. Уларнинг назариясига кўра, давлатлар учун ташқи бозорда товарларни нафақат сотиш, балки сотиб олиш ва ҳатто халқаро меҳнат тақсимотида ҳам иштирок этиш наф келтиради.

А. Смит ўздан олдинги иқтисодий қарашларни танқид қилиб, жамият учун, инсонлар учун энг аввало, зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш керак, шу тариқа фақат бир мамлакат ичиде эмас, балки унинг ташқарисиде ҳам меҳнат тақсимоти юзага келади, деб ҳисоблайди.

А. Смит ишлаб чиққан назарияга кўра ҳар бир мамлакат қайсидир бир соҳада мутлоқ устунликка эга бўлиш мумкин.

А. Смитнинг нисбий устунлик назарияси ҳам ўзаро иқтисодий муносабатларда муҳим ўрин тутаети. Давид Рикардо бу таълимотда, барча маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мутлоқ устунликка эга бўлган давлатлар учун ҳам ўзаро савдо муносабатлари наф келтиради, агарда у кам самарали бир маҳсулот ишлаб чиқарувчидан, иккинчи бир фойдалироқ маҳсулот ишлаб чиқарувини афзал кўрса, деган ғояни исботлаб берди. Таълимотга кўра, давлатлар учун кам харажатли соҳаларни равожлантириш фойдасиздир, агарда бошқа давлатдаги шу соҳа маҳсулотининг ҳажми солиштирилганда мутаносибликлар нисбати ҳар иккала давлат учун ҳам харажатлар тежамини тақозо этган тақдирда ҳам, (Д. Рикардо Начало политической экономики и налогового обложения, - Т. 1-М. 1955. с. 116-117.). Д. Рикардо мазкур масалага жиддий эътибор қаратди. Масалан: унинг тадқиқоти бўйича ... «Португалияда ҳам мато, ҳам вино етиштириш нисбатдан қулай. Англия учун эса мато чиқариш фойдалидир.» (Д. Рикардо. Начало политической экономики и налогового облажения. – Т.1.-М., 1955. с. 116-117). Бу нисбий чиқимлар ёки нисбий устунлик принциpidир.

Демак, давлатлар бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имконияти бўлсада, алоҳида олинган бир неча маҳсулот ишлаб чиқаришда муайян даражадаги устунликка эга бўлади. Ишлаб чиқариш қулай бўлган маҳсулотларни экспорт қилади ва бошқа давлат ихтисослашган маҳсулотларни импорт қилади. Шундай қилиб, А. Смит ва Д. Рикардолар ўзаро иқтисодий алоқаларнинг даслабки назарияларини яратдилар.

Нисбий чиқимлар назариясининг замонавий талқини швед олимлари Э. Хекшер ва Б. Олинларнинг ишлаб чиқариш омилларининг нисбийлик назариясида ўз ифодасини топди.

Мамлакатлар турлича ишлаб чиқариш омиллари (ер, меҳнат, капитал) билан таъминлаган. Агар у ёки бу давлат қайсидир бир ишлаб чиқариш омили билан ортиқча даражада таъминланган бўлса, айтайлик, нисбатан паст иш ҳақи таъминланган меҳнат билан, ундай ҳолда бу мамлакатда ишлаб чиқариладиган меҳнат маҳсули арзонга тушади.

Капитал таъминланиши жиҳатидан устунликка эга давлатлар эса, капитал талаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришини ва ниҳоят, ишчи кучи мўл бўлган давлатларда меҳнат талаб маҳсулотларнинг экспорти анча қулай ва фойдали бўлади.

Агар, давлатларнинг ишчи кучи таъминланишига нисбатан капитал жиҳатидан таъминланиш даражаси юқори бўлса, у ҳолда бу тоифадаги давлатларнинг ишлаб чиқарилган капитал талаб маҳсулотларнинг экспортига ва ишчи кучи импортига ихтисослашуви мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, таълимотнинг асосий мазусини ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро ўрин алмашинуви ташкил этади. Бунда давлатлар ўртасидаги ишлаб чиқариш омиллари нисбати тескари пропорционал тарзда амалга ошади.

Б. Олин ва Э. Хекшерлар алоҳида олинган маҳсулотнинг ташқи савдога боғлиқ бўлмаган ҳолатдаги дастлабки халқаро нархлар нисбатини ҳам тадқиқ қилдилар. Уларнинг фикрларича, муайян маҳсулотга бўлган халқаро нархларнинг турлича бўлишига бир неча омил таъсир кўрсатади: булар, табиий иқлим шароитлари, урф-одат, анъана ва ишлаб чиқариш технологияларидаги ўзига хослик.

Юқоридаги таълимотлар талқинидан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

Биринчидан – давлатнинг иқтисодий маҳдудликка интилиши, яъни, ўз эҳтиёжларини танҳо қондириш, унга биноан, четдан маҳсулот киритишни чеклаш орқали ишчи ўринларини кўпайтириш ва шу асосда миллий даромадни оширишга ҳаракат қилиш.

Иккинчидан – табиий шароити турли хил бўлган давлатлар ўртасида ўзаро савдо муносабатлари самарали бўлади, яъни, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариши ихтисослашувини тезлаштиради. Табиийки, маълум маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича устунликка эга бўлган давлат кўпроқ шу маҳсулот турини экспорт қилишга интилади.

Учинчидан – давлат ўртасида ишлаб чиқариш омиллари жойлашувидаги фарқ. Айтайлик «ер» омили бўйича устунликка эга бўлган давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортига ва ўзида етишмаган ишлаб чиқариш омилларини импорт қилишга мослашади.

Тўртинчидан – ўзаро савдо муносабатларига оид кўпгина таълимотларда давлатлар ўртасидаги табиий иқлим шароитлари ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг нотекис тақсимланиши туфайли ташқи савдо муносабатларининг самарали бўлиши эътироф этилади. Яъни, давлатлар ўртасидаги фарқ қанча кўп бўлса, ўзаро савдо муносабатларига шунча кенг имконият яратилади.

Ўзбекистонда оффшор компанияларини ташкил қилишда солиқ имтиёзлари

Махмудов А.- *Фарғона солиқ коллежи.*

Кучли ёки кучсиз солиқ қонунчилиги ҳар қандай давлатдаги солиқ тўловчи бизнесменни солиқларни режалаштиришнинг қонуний йўлини излашга етаклайди. Бу ўз навбатида шу мақсадга йўналтирилган хизмат

бозорини келтириб чиқаради. Солиқларни қонуний режалаштириш – бу нафақат яхши йўлга қўйилган бухгалтерия ҳисоби ва тўғри тузилган ҳисобот балансларидан иборат бўлмай, балки қонуний йўл билан ҳеч қандай солиқларни тўламаслик ёки тўловни ҳақиқий солиқ ставкаларига қараганда энг оз миқдорда тўлашдир. Оффшор бизнеси бу дунё капитал айланмасида тобора кўпроқ ўрин тутмоқда. Сир эмас, дунёдаги жуда кўп бизнесменлар ўз фаолиятларини оффшор фирмалари орқали амалга оширмоқдалар. Европа мамлакатларида солиқлар ставкаси жуда юқори, шунинг учун кўпчилик тадбиркорлар уларни камайитиришга ҳаракат қиладилар.

Солиқларни режалаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини норезидентлар ёрдамида ҳамда оффшор зоналарида амалга ошириш қонунчилик ва иқтисодиёт тўғрисидаги билимга эга бўлишни талаб этади. Оффшор тадбиркорлиги – қонунчилик қоидаларига риоя қилинган ҳолдагина ҳуқуқий аниқ натижаларга эришиш имкониятини беради. «Оффшор» (инглиз тилидан «Offshore» - «соҳилдан ташқари», «чегарадан ташқари» деган маънони англатади) бу энг тўғри солиқни режалаштириш усули. Бу усул асосида кўп давлатларнинг қонунлари, қисқа ёки тўлалигича чет эл компанияларини солиқдан озод қилади. Ҳозирги кунда дунёда 60дан зиёд давлатларда «оффшор» компаниялар учун солиқ имтиёзи берадиган қонунлар мавжуд. Энг таниқли давлатларга: Панама, Гибралтар, Кипр, Ирландия, Лихтенштейн, АКШнинг Делавэр штати, Багам ороллари киради. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан компания бу яқка юридик шахс ва рўйхатдан ўтиш давлат қонунига асосан ўз фаолиятини юритади. Масалан: Панамадаги компания фақат панамадаги солиққа тортилади. Агар бу компания эгалари чет эллик бўлса ва Панамада ҳеч қанақа фаолият олиб бормаса, у «оффшор» деб ҳисобланади ва солиқдан озод қилинади.

Биринчи давлатларга Европа давлатлари, бошқача қилиб айтганда «солиқдан яширинадиган жой» – булар Люксембург, Швеция, Лихтенштейн, Ирландия, Малта, Кипр ва бошқалар киради. Иккинчи гуруҳга ўрта – америка давлатлари киради, улар катта оффшор марказлари ҳисобланади, булар Панама, Багам ороллари, Британ Вирджи ороллари, Белис, Теркс ва Кайкос, Каиман ороллари ва бошқалардир.

Бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш компанияси рўйхатдан ўтган давлат қонунларига асосланади. «Оффшор» компаниялар бухгалтерия ҳисоботини бирон бир давлат органларига топширмайди, шунинг учун бухгалтерия ҳисоботини юритиш хоҳлаган шаклда бўлиши мумкин. Айрим давлатлар бундан истисно ҳисобланади, улар «оффшор» компаниялардан ҳар йиллик аудиторлик ҳисоботини талаб қиладилар. Компания рўйхатга олинаётган пайтда «юридик офис» рўйхатга олинган давлатда профессионал бухгалтер ва аудитор тавсия этади.

Янги компанияни рўйхатдан ўтказиш муддати – танланган давлатга қараб – икки ҳафтадан бир ойгача вақт талаб қилади. Агар тайёр компанияни сотиб олинса, унда бир соат ичида уни эгаси бўлиш мумкин.

Кўп давлатларда рўйхатдан ўтиш қиймати 1000 доллардан ошмайди (рўйхатдан ўтиш божларининг тўловлари, устав капиталини шакллантириш

учун гербли йиғимлар ва муассис ҳужжатларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, рўйхатдан ўтказиш профессионал юридик хизматларни қўшган ҳолда).

Агар «оффшор» бизнесининг устуңлигини фақат «соликни камайтириш» деб ҳисобласак адашамиз. Дунёдаги пул оборотларининг 1/3 қисми оффшор бизнеси билан боғлиқ. Шарқий Европада оффшор бизнесининг яхшилиги шундаки, қонуний йўллар билан товарларни хавфсиз, сиёсати ҳамда иқтисодий кучли давлатга олиб бориш имконияти мавжуд.

Ўзбекистон қонунчилигида бир қанча оффшор ҳудудлар берилганки, у ерларга компаниялар томонидан маблағ ўтказиш тақиқланади. Ўзбекистон тадбиркорлари ҳам оффшор компаниялари хизматидан фойдаланишлари, чет эл қорхоналари билан олди-берди алоқаларини олиб боришлари мумкин.

Ўз давлатида оффшор ҳудудларни барпо қилиш давлатга нима фойда беради деган савол туғилади. Оффшор компаниялари рўйхатдан ўтган давлатда фаолият олиб бормасликлари аниқ, лекин улар рўйхатдан ўтиш учун маълум бир суммаларни ихтиёрий равишда тўлайдилар, бу эса ўз навбатида давлат бюджетига қўшимча маблағ демакдир. Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш вақти етиб келди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг экспорт-импорт операцияларида ИНКОТЕРМС – 2000 қоидаларидан фойдаланиш

*Джумалиев Б., Қурбонов Ж. -
Гулистон Давлат университети*

Ҳозирги кунда Ўзбекистон турли соҳалардаги халқаро, шу жумладан иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи конвенциялар ва келишувларга қўл қўйиб, обрўли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисобланувчи 180дан ортиқ қорхоналар ва вакиллар чет элларда фаолият кўрсатмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари сифатида Ўзбекистон қорхоналари ва фирмаларининг халқаро қоидаларга амал қилиши тадбиркорларимиз савияси даражасини белгилайди. Тадбиркорлар билиши зарур бўлган халқаро қоидаларидан бири ИНКОТЕРМС – 2000 қоидалари ҳисобланади. Ташқи иқтисодий фаолиятига боғлиқ ҳар қандай шартномада ИНКОТЕРМС – 2000 халқаро қоидаларига мувофиқ товар етказиб бериш шarti белгиланади. Тадбиркорларимизнинг аксарият қисми бу қоидалар ҳақида етарли маълумотга ва тасаввурга эга эмас. Бу эса кўп вақтни ва маблағни талаб этадиган келишмовчиликларга олиб келиши мумкин.

ИНКОТЕРМС – 2000 халқаро қоидаларининг мақсади бўлиб, ташқи савдо соҳасидаги энг кўп қўлланиладиган савдо ибораларини тушунтириш бўйича халқаро қоидалар мажмуасини таъминлаш ҳисобланади. Турли мамлакатлардаги бундай ибораларнинг ҳар хил талқин қилинишидаги тушунмовчиликлар даражасини камайтириш ёки олдини олиш мумкин. Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун Халқаро Савдо Палатаси 1936 йил савдо ибораларини аниқ белгилаш учун халқаро қоидалар тўпламини нашр этди ва ИНКОТЕРМС – 1936 халқаро қоидалари деб номланади. Кейинроқ,

яъни 1953, 1967, 1976, 1980, 1990 ва 2000 йилларда баъзи ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилиб халқаро савдонинг замонавий амалиётига мослаштирилди.

Шуни айтиш лозимки, ИНКОТЕРМС – 2000 халқаро қоидаларининг амал қилиш доираси, сотилган товарларни етказиб беришга тегишли сотиб олиш шартномаси томонларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалалар билан чекланган. Кўпинча амалиётда ИНКОТЕРМС – 2000 қоидаларининг нотўғри тушунишнинг икки варианты учрайди.

ИНКОТЕРМС – 2000 қоидалари бошида миллий чегаралар орқали сотилган товарларни етказиб беришда фойдаланиш учун мўлжалланган. Аммо, амалиётда бу қоидалар ички бозорлар доирасида товарларни сотиш шартномаларига ҳам киритилади. Бундай ҳолларда сотувчи ва харидор мажбуриятларининг А.2. ва Б.2. ҳамда ҳар қандай экспорт ва импортга боғлиқ моддалар кераги бўлмай қолади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятида ИНКОТЕРМС – 2000 қоидаларини ҳаммасини қўллаш мумкин бўлса ҳам, тадбиркорлик субъектлари айрим шартлардан кўпроқ, айримларидан эса камроқ фойдаланади. Бу экспорт ёки импорт қилувчи фирма жойлашган мамлакатга боғлиқ. Товар Ўзбекистондан экспорт қилинганда кўпинча F гуруҳидаги, импорт қилинганда эса, C гуруҳидаги шартлардан фойдаланилади. Мавсумий экспорт қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг аксарият қисми D гуруҳи шартлари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон тадбиркорлари импорт операцияларини амалга оширишда EXW шартидан, экспорт қисмида эса D гуруҳи шартларидан (қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ташқари) деярли фойдаланмайди.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида самарали қарорларни қабул қилиш учун экспорт – импорт операцияларида ИНКОТЕРМС – 2000 қоидаларидан фойдаланишни чуқур ўрганган ҳолда, аниқ, маълумотларни тўллаб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари тадбиркорлар учун ташкил этиладиган курсларда ИНКОТЕРМС – 2000 қоидалари бўйича ҳам машгулотлар олиб бориш зарур. Ана шунда мамлакатимиз тадбиркорлари хорижлик ҳамкорлар билан ишлашда ИНКОТЕРМС – 2000 қоидаларини бемалол қўллаш оладилар.

Взыскание задолженности по платежам в бюджет на примере отдельных стран

Мансурова Г.Т., Абдуллаева Н. –
Солиқ ва божхона органлари академияси.

Негативным моментом в налоговой системе является недостаточный уровень собираемости налогов. Рост неплатежей и образовавшаяся вследствие этого задолженность хозяйствующих субъектов является объективной причиной бюджетных недоимок.

Анализируя причины возникновения недоимок по платежам в бюджет для сопоставления проводимой налоговыми органами республики работы, нами были изучены опыт работы по взысканию недоимок на

примере США и Великобритании.

К примеру в США при образовании продолжительной неуплаты налогов у Службы сбора налогов (ССН США) имеется несколько способов разрешения этого вопроса:

- 1.Протоколирование повестки налогоплательщику о Федеральном налоговом праве на арест имущества;
- 2.Отправка повестки налогоплательщику о праве на арест имущества;
- 3.Конфискация и распродажа собственности налогоплательщика (частной, недвижимости, бизнеса);
- 4.Наложение штрафа на специальные фонды.

ССН аннулирует повестку о Федеральном налоговом праве на арест, если налогоплательщик в течение 30 дней уплатит полную сумму налоговой задолженности (включая наложенные штрафы и проценты) или ССН получит в течении 30 дней облигации на уплату задолженности по бюджету.

Налогоплательщик так же может подать заявление на "аннулирование Федерального налогового права на арест".

Аннулирование Федерального налогового права на арест будет дано, если у налогоплательщика имеется собственность, оцениваемая вдвое больше налоговой задолженности, плюс любой другой задолженности на эту собственность, включая проценты и штрафы, или государство получает эквивалент задолженности налогоплательщика в собственности и права на пользование этой собственностью.

Если собственность налогоплательщика продается и права на собственность оспариваются налогоплательщиком, сумма с продажи в таком случае помещается на сохранность до окончания процесса.

В случае если налогоплательщик считает, что права на арест собственности были наложены на него ошибочно, он может подать на апелляцию.

В Великобритании существуют три ситуации, которые могут привести к принудительному взысканию задолженности налогоплательщиков перед бюджетом.

1. Неуплата налога, указанного в представленной налоговой декларации.
2. Неуплата налога, который, из-за отсутствия налоговой декларации от налогоплательщика, подсчитывается налоговыми органами.
3. Неуплата налога , взыскиваемого налоговым инспектором после проведения проверки.

В любой из этих ситуаций инспектор высылает налогоплательщику по почте уведомление о взыскании.

В распоряжении налогоплательщика имеется 30 дней для подачи апелляции против взыскания, после чего начинается начисление процентов на задолженность.

Если через месяц после истечения этого срока (в целом, это два месяца со дня отправки уведомления о взыскании) налогоплательщик не

обратился с возражением против взыскания и не уплатил долг, начинаются меры по взысканию.

База данного местного офиса по сбору налогов ежедневно обновляется информацией по задолженностям и «отдел по взысканию» просматривает каждую задолженность и, применяя риск-анализ, выстраивает их в список по первоочередности принятия мер. Пользуясь этой информацией, отдел по недоимкам и неплатежам сообщает налогоплательщику по телефону или почтовой связи о платеже и выясняет его причины.

На этом действия налоговых органов разбиваются на два направления – принудительное взимание неплатежей и достижение соглашения «о времени платежа», когда налогоплательщику дается отсрочка во времени, чтобы изыскать возможности уплаты долгов по налогам.

При первом направлении, если налогоплательщик не платежеспособен или не желает прийти к соглашению о продлении срока платежей, налоговый инспектор является с визитом на место, где осуществляется бизнес, для дальнейших переговоров. Во время этого визита налоговый инспектор определяет стоимость товаров (для реализации), находящихся на складе и капитальные средства (транспортные средства, имущество, мебель, офисное оборудование и т.д.). Затем налоговый инспектор начисляет юридическое взыскание на такое количество товара или основных средств, которое достаточно для покрытия налоговой задолженности. До тех пор, пока не будет оплачена налоговая задолженность, налогоплательщик не может реализовывать запасы товара, хранящихся на складах, или средства, на которые было наложено налоговое взыскание. Налоговый инспектор дает налогоплательщику небольшой период времени, до 10-15 дней, для того, чтобы найти финансовые средства для уплаты налогов. Если до конца этого периода налогоплательщик не уплатит долг, налоговые органы могут изъять запасы или средства с целью продажи их на аукционе.

Если не остается другого варианта, налоговые органы прибегают к продаже запасов товаров на складах основных средств на аукционе. В большинстве случаев средства поступают в достаточном количестве, чтобы оплатить задолженности по налогам.

Во втором направлении работники налоговых органов путем многочисленных договоренностей дают налогоплательщику дополнительное время для выплаты долгов. Эти соглашения достигаются инспектором из отдела по взысканию недоимки на уровне местного офиса и отсрочки могут быть по продолжительности от нескольких дополнительных недель до нескольких лет.

Соглашения являются юридическим обязательством в том смысле, что если налогоплательщик не выполняет соглашения, инспектор может немедленно приступить к изъятию любых запасов или других материальных средств для продажи их на аукционе или предпринять меры по ликвидации бизнеса.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда миллий валютани конвертациялашнинг аҳамияти

Ходжаев Р. С. - *Солиқ ва боғжона органлари академияси, и.ф.н., доц.*

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунда ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида резидентлар ва норезидентларнинг валюта билан иқтисодий муносабатларида ҳуқуқий лаёқатлилиги ва бошқа фаолиятлари аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу қонун қабул қилинганидан ҳозирги давргача Ўзбекистонда молия бозорининг асосий таркибий қисми бўлган валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш, хорижий валютани сотиб олишга ваколатли банклар фаолиятини тартибга солиш, валюта операциялари билан боғлиқ ишларда лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Республикамизда иқтисодий – ижтимоий ва сиёсий ислохотларнинг амалга оширилишида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов миллий валютамызни тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) алоҳида аҳамиятга эга бўлиши билан бир қаторда «мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш гарови ва кафолатидир» деб таъкидлаган эдилар.

Конвертацияни жорий этилиши товарлар (иш, хизматлар) ва молиявий активларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда тўловлар бўйича белгиланган тартибда хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотилиши тушунилади.

Республикамиз миллий пул бирлигини бошқа давлатлар валютасига тўлиқ алмаштиришни татбиқ этилиши хорижий валюталарни маъмурий усулда тақсимланишини камайтириши, миллий валютанинг конвертация қилиниши эса, мамлакат иқтисодиёти очиқлиги ва иқтисодий эркинлик рамзларидан бўлиб, у оғир вазифаларни ҳал этилиши билан боғлиқ ислохотлар дастурини жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб – қувватланишида муҳим ўрин тутиши мумкин.

Миллий валютани конвертация қилинишида ташқи давлатлар билан иқтисодий муносабатларни амалга оширилишида турли тегишли чора – тадбирларга – айниқса чекловларга амал қилинади ва алоҳида ўрганилиб борилади. Булар жумласига хорижий давлатларга тўловлар ўтказилиши, капитални олиб чиқиб кетилиши, қўшма корхоналар ва бошқа айрим субъектларда фойдани тақсимланиши; давлатга мажбурий равишда хорижий валютани расмий курс бўйича миллий валютага айрибошлаш ҳисобига топширилиши кабилар назарда тутилади. Бундай ҳолат ушбу чекловларнинг икки шакли бир – бирдан мустақил равишда ва турли сабабларга кўра жорий этилиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Айни пайтда иқтисодий

нуқтаи назардан, ушбу икки турдаги чекловлардан бир хил натижани кутиш мумкин.

Конвертация масаласини кўриб чиқиш қуйидаги икки муаммонинг мавжудлиги туфайли мураккаблашган: биринчидан, валютанинг конвертация қилиниши валюталарни айрибошлашга оид чекловларни қўлламасликни назарда тутати, аммо айни пайтда халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати бўйича чекловлар қўлламаслик кўзда тутилмаслиги туфайли ҳам келиб чиқади; иккинчидан, валюта конвертацияси бўйича турли хил чекловлар жорий этилиши туфайли ҳам муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Фикримизча, ҳозирги вақтда миллий валюта конвертациясини жорий этиш учун қуйидаги асосий масалаларни ҳал этиш лозим: тузилмавий ислохотларни амалга ошириш, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган босқичма – босқич ва узвий ислохотлар ҳамда макроиқтисодий сиёсатни ўтказиш учун вақт етарлилиги; пул массаси ортиқчалилигига ва инфляция жараёнларига барҳам бериш; иқтисодий субъектлар бозор нархларига қайишқоқ ҳолда иш юритиши учун рағбатлантирувчи омиллар ва шарт – шароитларни яратувчи муҳитнинг вужудга келтирилиши; тегишли айрибошлаш курси мавжудлиги; халқаро ликвидликнинг етарли даражаси; аҳолининг ислохотларни қўллаб – қувватлаши ва миллий валютага бўлган ишончи нафақат конвертация масаласини ҳал этиш, балки умумиқтисодий фаровонликка эришиш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, конвертацияни жорий этилиши ислохотлар жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишига шарт – шароит яратади, чунки жорий операциялар бўйича конвертацияни жорий этилиши ишлаб чиқариш ва инвестициялар соҳасида нисбий устиворликлар назариясидан келиб чиқиб, иқтисодий агентларнинг маълум бир соҳада тадбиркорлик қилиш муҳитини рағбатлантиради.

Халқаро меҳнат миграциясини такомиллаштириш йўллари

Толаметова З.А. - *Ўзбекистон Миллий университети, и.ф.н., доц.*

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида асосий ўринни эгаллаб келаётган ишчи кучи миграцияси бугунги бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган дунё мамлакатларининг кўпчилиги учун фойда манбаи бўлиб қолмоқда.

Жаҳон иқтисодий алоқаларида меҳнат ресурсларини экспорт қилаётган мамлакатларга энди ривожланаётган ҳамда МДХ мамлакатларининг айримлари иштирок этмоқда. Жаҳон хўжалигида меҳнат миграцияси ўзининг тарихига эга бўлиб, айниқса Иккинчи жаҳон урушидан кейин тирикчилик валютасига эга бўлиш учун Европадан 60-70 млн. киши турли мамлакатларга кўчиб ўтди.

Жаҳон иқтисодий алоқаларида ишчи кучи муҳим аҳамият касб этган халқаро меҳнат бозорларининг асосий марказлари мавжуд. Халқаро меҳнат

бозорининг биринчи маркази Яқин Шарқдаги нефт қазиб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи араб мамлакатлари ҳисобланади. Иккинчи марказ Ғарбий Европа мамлакатлари ҳисобланади. Бу ерларга кейинги 20-25 йил ичида 30 млн.дан ортиқ ишчи кучи ёлланди. Хорижий ишчиларни 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган қисмига Европа мамлакатлари алоҳида эътибор бермоқдалар. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда хорижий ишчилар орасида ёшларнинг сони кўпчилиқни ташкил этиб келмоқда. Масалан, Францияда 40 фоиз, Голландияда 41 фоиз, Белгияда 41,8 фоизни ташкил этади. Учинчи марказ АҚШдир. Бу меҳнат бозорининг ўзига хос хусусияти шундаки, аввало, илмий техникавий ходимлар ёлланади, юқори профессионал малакага эга бўлган мутахассисларни ёллаш билан бу меҳнат бозори бошқалардан ажралиб туради. Тўртинчи марказ Лотин Америкасидаги Аргентина ҳисобланиб, бу мамлакатда ёлланиб ишлаётган хорижий ишчиларнинг сони 8 млн.дан ошиб бормоқда. Ҳозирда ривожланган мустақил мамлакатлар юқори иш ҳақи мавжуд бўлган мамлакатларга ўз фуқароларини шартнома асосида бориб ишлашлари учун руҳсат бермоқдалар. Жаҳон хўжалигида меҳнат ресурсларининг сифатига талаб ошиб бормоқда. Хорижда ишлаб келган мутахассислар ўзлари билан халқаро билимларни, технологияни янги турларини замонавий техникани бошқаришни, ишлаб чиқаришни ташкил этишни ўрганиб келмоқдалар.

Ҳозирги миграция жараёни мазмун ва моҳиятига кўра ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Миграция бутун дунёни қамраб олабошлади. XX-асрнинг охириги ўн йиллигида дунёда 45 млн. меҳнаткаш мигрантлар мавжуд эди.

2. Агар 50-70-йилларда миграция асосан ривожланаётган мамлакатлардан индустриал ривожланган мамлакатларга борган бўлсалар, 80-йилларда эса, аксинча, хорижий ривожланган мамлакатлардан кам ривожланган мамлакатлар томон оқиб кела бошлади.

3. Меҳнат миграциясининг иқтисодий аҳамияти ўсмоқда.

4. Норасмий миграция кўпайиб бормоқда, бу жаҳон муаммосига айланиб бормоқда. 90-йилларнинг бошида Европада тахминан 2 млн норасмий мигрантлар бўлган. АҚШ да эса улар 13 млн кишини ташкил этган.

5. Ҳалқаро миграцияда сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Ҳозирда жаҳон меҳнат бозорларида ишчи кучини экспорт ва импорт қилувчи давлатларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини қўллаш керак ва улар қуйидагилардан иборат бўлиши керак.

1. Давлатлар ўртасида икки ва кўп томонлама меҳнат миграцияси амалга ошириляётганда ишчиларни шартномада кўрсатилган муддат тугагандан кейин ўз ватанларига қайтиб келишларига эришиш.

2. Норасмий миграцияни камайтиришга қаратилган ўзаро келишувларни амалга ошириш.

3. Ишчи кучини импорт қилувчи давлатларда меҳнаткаш мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

4. Меҳнаткаш мигрантлар мамлакатларига қайтганда касбларига мос иш топиб бериш.

5. Ишчи кучини экспорт қилувчи ташкилотларни давлат бошқарув органлари томонидан лицензиялаш.

6. Хорижга ишчи кучини чиқазилишида миллий меҳнат бозоридан дефицит мутахассисларни ҳаддан ташқари кўп миқдорда чиқиб кетишидан сақлаш.

7. Хорижда ишловчи мигрантларни валюта тўловлари ставкасини уларнинг мутахассислигига қараб табақалаштириш.

Жаҳон меҳнат бозорида Ўзбекистон ишчи кучларини ҳам экспорт, ҳам импорт қилувчи давлат сифатида қатнашиши мумкин. Чунки, хорижий капитални кенг жалб этиш иқтисодийetni қисқа вақтда таркибий қайта қуриш зарурати маълум даражада хорижий меҳнатдан ҳам фойдаланишни талаб этади. Шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларида қатнашиш республика учун бир қанча афзалликларга эга бўлиш имконини беради.

Основные направления внешнейторговой политики Узбекистана в процессе либерализации экономики

Мирзахидов М. Х. - Тошкент молия институти.

Для того, чтобы достичь стабильности национальной валюты и макроэкономической ситуации в процессе либерализации рынка иностранной валюты, на наш взгляд, необходимо предпринять следующие меры:

1. Отменить квотирование продажи иностранной валюты для импорта товаров народного потребления. Сохранение олигополистической власти импортеров товаров народного потребления, имеющих квоту для конвертации национальной валюты в иностранную, естественным своим следствием будет иметь дальнейшее повышение цен на эти товары. В то же время отсутствие доступа к рынку иностранной валюты тем импортерам, которые не имеют квоты, будет провоцировать обесценение сума. Результатом этого станет дальнейшее снижение обменного курса сума на параллельном рынке и рост цен на товары народного потребления.

2. Отменить требование о предъявлении паспорта и наличии въездной визы иностранного государства и авиационных или железнодорожных билетов для продажи наличной иностранной валюты Республики Узбекистан в обменных пунктах уполномоченных банков. В условиях, когда существуют высокие инфляционные ожидания, спрос на иностранную валюту возникает не только со стороны тех, кто выезжает за границу. Приобретение иностранной валюты становится важным средством сохранения сбережений населения, что объясняется высокой ее ликвидностью. Наиболее эффективным средством борьбы с долларизацией экономики является повышение доверия к национальной валюте путем проведения взвешенной макроэкономической политики, коммерциализации банковской системы и развития фондового рынка. Всякие административные меры в этой области будут впоследствии нести обратный эффект в виде роста обменного курса иностранной валюты на параллельном рынке и соответствующего роста цен.

Отменить ограничения в продаже иностранной валюты. Не секрет, что в настоящее время основным источником поступления импортных товаров народного потребления (за исключением товаров первой необходимости) на рынки Узбекистана является челночная торговля. Сам факт конкуренции челночников с организованными импортерами является ярким свидетельством неэффективности существующего механизма регулирования организованного импорта

В процессе либерализации экономики с целью перехода к политике стимулирования экспорта, достижения сбалансированности платежного баланса, повышения эффективности распределения и использования ресурсов и тем самым достижения устойчивого экономического роста рекомендуются ввести следующие корректировки во внешнеторговую политику:

В области импортной политики:

- постепенно, по мере развития внутреннего рынка товаров и услуг и приближения к мировым соотношениям цен торгуемых товаров, унифицировать ставки акцизного налога на импортные товары с акцизным налогом на продукты собственного производства, пересмотрев при этом как перечень товаров, облагаемых акцизным налогом, так и их ставку;
- осуществить комплекс мер по развитию конкуренции на рынке импортных товаров, особенно в потребительском секторе и социально-значимых продовольственных товаров.
- поэтапно отменить систему лицензирования и квотирования на внутреннем валютном рынке для импорта потребительских товаров.

В области экспортной политики:

- отменить акцизные налоги в части деятельности торговых-посреднических фирм, реализующих продукцию малых и средних предприятий;
- освободить весь экспорт от уплаты НДС;
- по мере создания необходимых условий отменить запреты на экспорт товаров;
- принять меры по ускорению и повышению эффективности грузопотока в страны СНГ и дальнего зарубежья, с подписанием, при необходимости, соответствующих межправительственных соглашений по тарифам, транзитным пошлинам и т.д.

В области экономической политики:

- с целью нейтрализации возможного влияния мировых финансовых, энергетических и других кризисов на национальную экономику разработать меры, четко регламентирующие потоки, связанные с движением капитала в республику и из нее;
- принять меры по недопущению и предотвращению вывоза капитала из республики, в т.ч. нелегальным путем. Создать условия для эффективного инвестирования средств в иностранной валюте;
- либерализация валютного рынка и изменение внешнеторгового режима должны быть увязаны с мерами внутренней экономической политики.

Фискальная политика в странах с переходной экономикой

Разыкова Г.Х. - *Ўзбекистон Миллий университети.*

Одним из важных аспектов определения роли государства в экономике является эффективная фискальная политика, которая необходима для снижения инфляции и обеспечения роста частного сектора, определение стратегических приоритетов, эффективное использование бюджетных ресурсов. Известно, что значительный рост государственных расходов не способен обеспечить рост экономики страны. Однако до сих пор нет однозначного понимания, какой должна быть доля государственных расходов в ВВП. Уровень государственных расходов в странах с переходной экономикой значительно колеблется и исчисляется в настоящее время по “золотому правилу” как доля в национальном доходе.

За прошедший период реформирования правительства в странах с переходной экономикой были поставлены перед необходимостью снижения общей суммы государственных расходов как в абсолютном, так и в относительном выражении по сравнению с остальными видами ассигнований в сфере экономики. К примеру, в конце 90-х годов в Чехии это составило 41,4% ВВП, Болгарии снизилось с 43,9% до 42%, в Молдове 31%, в Кыргызстане 28%, в Казахстане – 16,9%, в Азербайджане уменьшилось с 41% до 22,5% и в России с 66% до 37%, в Узбекистане уменьшилась с 43,8% в 1992г. до 34,2% в 1998 г. Одной из проблем стабильности фискальных показателей в Узбекистане является структура государственных расходов, где значительная часть отводится объему капитальных инвестиций –22,7% (по некоторым оценкам и выше), субсидируется через импорт капитальных товаров по завышенному валютному курсу. Определяя эффективность проведенных мер и принимаемых решений, необходимо учитывать – сопровождается ли снижение уровня государственных расходов с более рациональным использованием государственных средств, какие статьи могли бы быть сокращены или уменьшены, приводят ли эти меры к справедливому распределению доходов и развитию человеческих ресурсов, а также к каким, в целом, экономическим последствиям и результатам это приведет.

Важным аспектом эффективности фискальной политики в странах с переходной экономикой служит также проблема уровня собираемости налогов. Известно, что чрезмерно высокие налоги на прибыль будут в итоге приводить к снижению предпринимательской активности в этих странах и росту теневой экономики. Опыт развития промышленно развитых стран показывает относительно невысокие ставки налога на прибыль: в Японии 35%-40%, Франции –33%, США-24%. Швейцарии –4%-10%, в Сингапуре - 0%.

Существует мнение экономистов, что высокие ставки налогов и особенно высокие ставки прямого прогрессивного налога и приводят к снижению налоговых сборов, к уклонению от них, высокие предельные ставки подоходного налога - к снижению потребительского спроса.

Низкий уровень собираемости налогов в странах с переходной экономикой диктует необходимость принятия радикальных мер. Так, этот показатель в Армении всего составил – 60 %, Молдове – 50 %, России – 50 %, Болгарии-50 %, в Кыргызстане на 18,7 % меньше, чем запланировано, в Эстонии – на 20 % . В связи с этим правительства некоторых стран стали проводить политику понижения ставок подоходного налога – сокращения налоговых льгот и освобождения от уплаты налогов. Уровень налоговых поступлений в сопоставлении с ВВП стран с переходной экономикой также значительно различается: в Армении он составляет 12 % ВВП, в Кыргызстане – 17%. Более благоприятная ситуация сложилась в таких странах, как Латвия – 31,8% ВВП и Молдова –32 % ВВП, Узбекистан-32% ВВП. Причинами такого положения можно назвать введение Налогового Кодекса в некоторых странах (в РУз – в 1997г), систему налоговых деклараций и принятие мер по контролю за доходами. Процент налоговых поступлений в Латвии это результат относительно низкой ставки подоходного налога в соответствии с международными стандартами, средний размер взноса в фонд социального страхования равен 12 %, что соответствует среднему показателю по Европейскому Союзу.

Таким образом, для решения существующих проблем в фискальной политике в странах с переходной экономикой необходимо:

- совершенствование административной системы, системы налогообложения для соблюдения налоговой дисциплины и налогового управления;
- обеспечение устойчивости налоговой системы;
- эффективное распределение государственных средств в зависимости от приоритетов, предусмотренных в рамках государственной политики;
- обеспечение простоты и понятности для налогоплательщиков процедуры взимания налогов;
- сохранение существующего уровня налоговых поступлений в Узбекистане, обеспечение его роста по пути снижения налогового бремени в реальном секторе экономики и переносе его на посредническую деятельность и финансовые операции, сохранение акцентов на косвенные налоги по сравнению с прямыми (в РУз этот показатель составляет – 56,8 % и 37,6 %), разработка мер за неуплату налогов, принятие мер по контролю за доходами.

Венгрияда рақобатни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Асадов У.Х. - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси.

1980 йилларда Венгрияда рақобат тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши бозор муносабатларининг шаклланишида катта аҳамият касб этган.

Венгриянинг социализм тузумидан кейинги янги конституцияси тадбиркорлик билан шуғулланиш ва рақобатни ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. “Рақобат тўғрисида”ги қонун халқ хўжалигининг барча тармоқларида самарадорликни ошириш, ишлаб

чиқарувчилар ўртасида ҳалол муносабатларни таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўлланилади.

Венгриянинг рақобат сиёсати тўғрисидаги назариялари ва қонунлари ушбу соҳадаги Европа қонунлари моделларига ўхшашлиги билан ажралиб туради.

1980 йилларнинг бошида Венгрия Халқаро молия ташкилотларига аъзо бўлди ва йирик саноат секторлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг нархларини жаҳон бозори нархларига мувофиқ белгилади.

Ниҳоят, янги тижорат кодекси, замонавий солиқ тизими, корхоналар ва капитал бозорлари ҳамда хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунлар яратилди.

1984 йилда қабул қилинган рақобат тўғрисидаги қонун ноҳалол бозор муносабатлари, картеллар ва устун мавқеини суистеъмол қилишнинг олдини олишга қаратилган. Ушбу қонунда жавобгарликка тортиш тизими мавжуд эмаслиги сабабли суд томонидан жавобгарликка тортиш механизми жорий этилган эди.

Шу билан бирга, 1984 йилда қабул қилинган қонуннинг муваффақияти кейинги йилларда мамлакатда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим роль ўйнади. 1990 йилда Венгриянинг иқтисодиёти ва сиёсатининг асосий йўналишлари ўзгариши билан рақобат тўғрисидаги қонун янада мукамаллаштирилиб, қонун назоратини олиб борувчи ва жавобгарликка тортувчи ваколатли орган - Иқтисодий рақобат органи ташкил этилган.

Венгрияда рақобат сиёсатининг асосий мақсади – корхоналар ўртасида ҳалол рақобатни таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек қонуннинг Европа мамлакатлари қонунларига мос келишини таъминлашдан иборатдир.

Европа ҳамжамиятига аъзо бўлиш мақсадида 1990 йилдан кейин қонунга икки марта 1996 ва 2001 йилларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Венгрия рақобат органи бюджет ташкилоти бўлиб, рақобат ва реклама фаолияти қонунларида белгиланган ваколатлар асосида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантиришга маъсуддир.

Аммо, баъзи бир ҳолатларда, масалан, корхона обрўсига етказилган зарар ва тижорат сирларини ошкор қилинган тақдирда суд томонидан ҳал қилинади.

Венгрия рақобат органи давлатга рақобатга таъсир этувчи омиллар юзасидан маслаҳат ва таклифлар бериб рақобат маданиятини ривожлантиришни қўллаб қувватлайди.

Рақобат органи давлатдан мустақил ҳисоблансада, парламент томонидан бошқарилади. Президент рақобат органи фаолияти ҳақида парламентга йиллик ҳисобот топширади. Шунингдек талаб қилинганда, парламентга эксперт сифатида маслаҳат беради.

Президент парламент сессияларида, давлат ва халқаро йиғинларда рақобат органи номидан иш юритади. Орган томонидан қонунларга риоя

этилишини назорат қилиш мақсадида ички фаолиятни юритади ва ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Рақобат кенгаши органнинг алоҳида мустақил қисми бўлиб, назоратчиларнинг текшириш материаллари асосида ишларни кўриб чиқади. Иш билан танишиб чиққач, рақобат кенгаши томонидан қонун асосида мустақил қарор чиқарилади.

Кенгаш аъзолари 2, 4, 6 йилларга сайланиши мумкин. Кенгаш аъзолари ҳуқуқшунослар ва иқтисодчилардан иборат.

Ишни кўриб чиқишда кенгаш раиси ҳам оддий аъзо сифатида қатнашиши мумкин. Ҳар бир ишни кўриб чиқиш учун тайинланадиган аъзоларнинг барчаси бир хил ҳуқуқларга эга. Айрим ҳолларда кенгаш йиғилишида аъзолар томонидан бир хил хулосага келинмаганда, масала овозга қўйиш йўли билан ҳал қилинади.

Жаримага тортишнинг аниқ қоидалари бўлмаганлиги учун кўпроқ бевосита амалиётдан келиб чиққан ҳолда, яъни кўриб чиқиладиган корхонанинг молиявий-ҳўжалик фаолияти таҳлил қилиниб, жарима миқдори белгиланади. Қонунда жариманинг энг юқори миқдори корхонанинг ялпи даромадининг 10 фоизига тенг бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Табий монополия субъектлари фаолиятининг 90 фоизи тегишли қонунлар билан, 10 фоизи рақобат қонуни билан назорат қилинади. Хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда Венгрияда кичик ва ўрта бизнес ҳамда соғлом рақобатни ривожлантириш асосида бозор муносабатларини шакллантиришда кўпгина ижобий ишлар амалга оширилган бўлиб, бунда рақобат органининг ҳам роли каттадир.

Влияние системы государственного валютного регулирования на экспортный потенциал Узбекистана

*Джураева К.Х., Мирзахилова Ш. Х. -
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети.*

Одним из важнейших факторов, оказывающих влияние на конкурентоспособность отечественных товаров на мировом рынке, является реальный обменный курс национальной валюты, характеризующий соотношение внутренних цен к мировым ценам. Чем выше реальный обменный курс национальной валюты, тем ниже конкурентоспособность отечественных товаров на мировом рынке.

Для Узбекистана характерна ситуация, при которых мировые цены экспортируемых товаров не зависят от политики, проводимой внутри страны. В этих условиях повышение реального обменного курса национальной валюты означает изменение соотношения внутренних и мировых цен в пользу внутренних цен. Отсюда следует, что с повышением реального обменного курса уменьшаются доходы производителей от экспорта, растут доходы от импорта и все большая часть производителей начинает работать на внутренний рынок.

Существующая система валютного регулирования в Узбекистане, характеризующаяся наличием государственного контроля как над уровнем обменного курса, так и над допуском тех хозяйственных субъектов, которые желают приобрести иностранную валюту, обеспечивала осуществление контроля над структурой импорта, увеличение импорта машин и оборудования для развития и реконструкции приоритетных отраслей экономики, стимулирование замещения импорта отечественным производством, развитие импортозамещающих отраслей, облегчение обслуживания внешнего долга государственным бюджетом. Вместе с тем эта система позволяла Центральному банку проводить автономную, изолированную денежно-кредитную политику и валютную политику. Поскольку перед Центральным банком не стояла задача поддержания равновесного обменного курса, отсутствовала необходимая дисциплина в денежно-кредитной политике. В условиях либерализованных цен на основные товары и услуги сохранение государственного контроля над уровнем обменного курса привело к значительному превышению темпов роста инфляции над темпами снижения официального обменного курса, т.е. к значительному повышению реального обменного курса сума. Последнее, в свою очередь, привело к уменьшению доходов экспортеров в национальной валюте, снижению стимулов к расширению экспорта и снижению конкурентоспособности отечественных товаров на мировом рынке.

Отсутствие свободной конвертации, а следовательно и конкуренции со стороны импорта обеспечивает монопольную власть импортерам, имеющим доступ к официальному рынку иностранной валюты, что позволяет им извлекать монопольную прибыль из разницы между внутренними и мировыми ценами импортируемых товаров. Если учесть, что большинство товарных рынков, предложение на которых формируется за счет отечественного производства, монополизировано в результате монокультурного развития экономики за годы плановой экономики, отсутствие свободной конвертации и конкуренции со стороны импорта привело к тому, что внутренние цены отечественных, в т.ч. и экспортных товаров, также значительно превышают их мировые цены. А это, в свою очередь, снижает заинтересованность производителей в расширении экспорта.

Особенностью экспортной политики Узбекистана является разделение всего экспорта на две составные части: «централизованный» экспорт:

- осуществляется подразделениями Министерства внешних экономических связей (МВЭС);
- существует система обязательной продажи 100% валютной выручки от экспорта;
- устанавливается прогноз (план) централизованного экспорта для экспортоориентированных ассоциаций и компаний.

Децентрализованный экспорт:

- экспортеры продают государству всего 30% валютной выручки по официальному обменному курсу, а не 100% как при централизованном экспорте;

- экспорт осуществляется не подразделениями МВЭС, а самими производителями продукции.

Возможность распорядиться 70% валютной выручки от экспорта дает производителям, экспортирующим свою продукцию в децентрализованном порядке, значительные преимущества. Опыт прошлых лет показывает, что 70% валютной выручки обеспечивает им значительно больше дохода в национальной валюте, чем при продаже этой валютной выручки в централизованном порядке. Это достигается путем:

1. Импорта товаров на оставшуюся часть валютной выручки. Чаще всего экспортеры на свою валютную выручку импортируют сырье, материалы и инвестиционные товары, как для производства, так и для инвестиций.

2. Продажи валютной выручки импортерам, нуждающимся в иностранной валюте, по обменному курсу параллельного рынка.

3. Импорта товаров с целью их перепродажи на внутреннем рынке по ценам, ориентированным на обменный курс параллельного рынка.

В настоящее время сложившаяся система валютного регулирования стала тормозящим фактором дальнейшего развития как экспорта и экспортного потенциала, так и экономического развития страны в целом.

Заниженность обменного курса национальной валюты по отношению к иностранной валюте является основным фактором, сдерживающим расширение производства товаров, экспортируемых в централизованном порядке. Следствием этого является превышение как внутренних цен, так и себестоимости товаров, экспортируемых в централизованном порядке, над экспортными ценами.

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш ва уни халқаро фонд бозорига интеграция қилишнинг асосий омиллари

Якубова Н. К. – Тошкент молия институти.

Қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиётини самарали фаолият кўрсатишининг асосий кўрсаткичларидан биридир. Ўз навбатида қимматли қоғозлар бозорининг асосий вазифаси узоқ муддатли иқтисодий ривожланишни таъминлаб берувчи ички ва хорижий сармояларни жалб этиб, уларни иқтисодиётнинг самарали соҳаларига йўналтиришдир. Шу билан бирга қимматли қоғозлар бозори давлат бюджети – солиқ ва пул – кредит сиёсатининг асосий манбаларидандир. Қимматли қоғозлар бозори доимий ҳаракатланиб турувчи тизим бўлиб, молия – иқтисодий фаолият кўрсатувчи бошқа тизимлар билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга унинг роли ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш мақсадида капитал маблағларни йўналтириш, бюджетга инфляция таъсир кўрсатмайдиган маблағларни жалб

этиши мумкин бўлган тизим бўлиб, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда ўзининг нуфузига ҳам эгадир.

Иқтисодий ўсишни жадаллаштириш жараёни молиявий инфратузилмаларни максимал тез ривожланишини тақозо этади. Яъни унинг асосий қисмлари бўлмиш – банк тизими, фонд бозори, суғурта хизматлари тизимини такомиллашувини назарда тутати. Ўзбекистон фонд бозорини ривожлантириш вазифаси ҳозирги кунда бизнинг назаримизда ўз ичига қуйидаги масалаларни олади:

1 - узоқ муддатли сармояларни жалб этиш, сармоёга муҳтож субъектлар фаолиятини ривожлантириш мақсадида молиявий инструментлар– инвестиция институтлари миқдори ва сифатини яхшилаш;

2 - корпоратив қимматли қоғозлар талаб ва таклифларини рағбатлантириш мақсадида маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва солиқ тизимида имтиёзлар яратиш;

3 - фонд бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш механизминини янада такомиллаштириш.

Бу вазифаларни ҳал этиш борасида Ўзбекистон ҳукумати қимматли қоғозлар бозорининг малакали қатнашчиларини ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш, ҳуқуқий – норматив базасини тобора такомиллаштириш учун барча чораларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар, уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши бунинг яққол далилидир.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш жараёнида инвестиция инфратузилмаларининг такомиллашуви, қимматли қоғозлар савдоси ичида ҳисоб – депозитар тизимини такомиллаштириш ва фонд бозорини тиниқлигини (шаффофлигини) таъминлаш, бозор инфратузилмаларнинг ҳуқуқий даражаларини ошириш билан узвий боғлиқдир. Юқори ликвидли ва тиниқ фонд бозорини кафолатлаш, қимматли қоғозлар бозори учун зарур бўлган эркин ҳамда самарали капитал оқимларини таъминлаш фақат ривожланган инфратузилмалар орқали амалга оширилиши мумкин. Халқаро фонд бозори шароитида фаолият кўрсата оладиган етук мутахассисларни тарбиялаш, уларни фонд бозори ривожланган хорижий давлатларда таҳсил олиши, тажриба алмашишини таъминлаш албатта долзарб вазифалар қаторидадир. Булар ижобий ечимини топган тақдирдагина Ўзбекистон фонд бозори халқаро фонд бозорига интеграция бўлиши, халқаро фонд бозорида фаолият кўрсата оладиган мутахассислар тайёрланиши, тенглар ичида тенг нуфузга эга бўлиши муқаррардир.

Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш муаммолари

Бўронов Х. - *Олтинқўл иқтисодиёт коллежи.*

Ҳозирги кунда республикаимизда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар доирасига олиб чиқиш борасида талайгина ишлар қилинмоқда. Бу борада ҳисобнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиши, 2002 йилдан амалиётга жорий қилиниши мўлжалланаётган янги режаси ва бошқа метёрий, ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан унга янги иқтисодий тушунчалар ва илгари бизга таниш бўлмаган янги иқтисодий ҳодисалар юзага келади. Масалан, бозор иқтисодиётида хўжалик ҳар хил таваккалчиликлар ва жумладан, харидор пул ўтказмай қолиши, маҳсулот истеъмолчисини тополмай қолиши, нархларнинг кескин ўзгариб кетишига дуч келиши мумкин. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисобида қимматли қоғозларга инвестициялар қилиш, ўз акцияларини чиқариш ва сотиш, валюта ва ҳаракатсиз мулкларга доир операциялар, дивидендлар олиш ва тўлаш янги турдаги ҳодисалар юзага келади. Мана шу ҳодисалар ва ҳисоб объектларини инobatга олиб, уларга тўғри талкин бериш учун шу маълумотларни йиғиш, ишлашнинг самарали тизимига эга бўлиши керак. Бизнинг мамлакатимизда шу вақтгача қўлланиб келинаётган ҳисоб тизимининг камчилиги асосан компьютерлашмаганлиги ва бир оз бозор иқтисодиётига мослашмаганлигидан иборат эди. Энди эса, уни бозор иқтисодиётига мослаб олдик, лекин компьютерлаштириш масаласи ҳали ҳам муаммо бўлиб ечилмай келмоқда.

Ҳозирда ривожланган мамлакатларда корхона ва фирмаларни бошқариш ва юқори фойда олиш мақсадида, молиявий жараёнларни рўйхатга олувчи, ишлаб чиқариш ва сотиш тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирувчи, ички ва ташқи ҳисоботларни тузиш учун ташкил қилинган бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлинади.

Ана шу сабабли хорижда бухгалтерлар фаолияти тўрт йўналиш бўйича ташкил қилинади.

- Бошқарув ҳисоби бухгалтерияси;
- Мустақил бухгалтерлик (жумладан аудиторлик) фаолияти;
- Бюджет ташкилотларида бухгалтерлик;
- Педагоглик;

Албатта, мустақил бухгалтерлик, жумладан аудиторлик фаолияти ўз йўлида ташкил қилинмоқда ва тобора ривожланмоқда, ҳисобот топшириш билан боғлиқ молиявий ҳисобнинг концептуал асослари яратилди, миллий стандартлар ишлаб чиқилди, лекин уларни амалиётга тадбиқ этишнинг психологик муаммолари эътибордан четда қолмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда мустақилликка эришмасдан олдинги даврда қўлланилиб келинган бухгалтерия ҳисоби деярли молиявий ҳисобнинг ўзгинасидир. Фақат ҳозирги пайтда иқтисодиётимизнинг бозор шароитига ўтиши ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мослашиши

муносабати билан унга янги иқтисодий тушунчалар ва баъзи ўзгаришлар киритилган.

Бошқарув ҳисобининг моҳияти ички бошқарув учун маълумотлар тайёрлашдир. Унинг яна бир хусусияти, у кўпроқ маҳсулот таннархини пасайтиришга хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш таннархи бўйича халқаро тажрибага кўра, умумҳўжалик бошқарув ва таъминот харажатлари маҳсулот таннархига қўшилмайди, чунки улар корхона структураси, ишлаб чиқариш ва молия сиёсатида боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш фаолияти ҳажмига боғлиқ эмас. Харажатларни ушбу тартибда юритиш бозор иқтисодиёти шароитида баҳо тизимини ташкил қилишни яхшироқ акс эттиради. Ишлаб чиқариш харажатларини ушбу тизим бўйича юритиш ишлаб чиқариш фаолиятида соф даромадни аниқлаш ва фойда суммасини маҳсулотларни сотишдан тушган тушум аниқлангандан кейин тезкор усулда аниқлаш имконини беради.

Бошқарув ҳисобини юритишда яна муҳим масалалардан бири бу стандарт - кост тизимини қўллашдир. Ушбу тизим АҚШ, Англия ҳисоб амалиётида ва бошқарув ҳисобини амалга оширишда қўлланилади. Стандарт - кост тизимида олдиндан кўрсатилган ишлаб чиқариш харажатлари асосида тайёр маҳсулотлар тури бўйича таннарх аниқланади, бунда стандарт таннарх ҳақиқий таннарх билан таққосланиш орқали тегишли харажатлар бўйича ўзгаришлар аниқланади. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, олдиндан белгиланган стандартлар асосида ишлаб чиқариш харажатлари аниқланиб, келгуси даромадлар белгиланади. Бунда бошқарув ходимлари харажатлари нормативлардан четга чиқишлари ва уларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш имкони яратилади. Натижада ушбу маълумотлар асосида тегишли оператив бошқарув қарорлари қабул қилинади. Демак, ушбу тизимда тўғри харажатлар материал ва меҳнат харажатлари устама харажатлар эса смета таннархи бўйича назорат қилинади.

Лекин бошқарув ҳисоби мамлакатимизда илгари ҳам қўлланилмаган ва ҳозирги пайтда ҳам ҳали жорий этилгани йўқ. Мамлакатимизда тўғри, бунинг учун бошқарув ҳисобининг бир қисми бўлган "Оператив- техника ҳисоби", "Оператив таҳлил" соҳасидаги кўплаб ишлар ва методик таклифлар ишлаб чиқилиб, тавсия этилган, лекин уларга тегишли ҳисоб-китоб ишлари анча мураккаб ва компьютер техникасининг етарли бўлмаганлиги сабабли, бу ҳисоб ва таҳлил ишларини тадбиқ қилишдан ўзларини тортмоқдалар. Бундан буён ҳам биз ҳисоб ишларини компьютерлаштирмасак, бошқарув ҳисобини амалиётга жорий этиб бўлмайди. Бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ҳар хил тармоқ, кичик ва ўрта бизнесда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва технологик хусусиятларга боғлиқ бўлиб, уларнинг маълумотларини олиш, ҳисоблаб чиқиш усуллари ҳам турлича бўлади. Бунда иқтисодий математика усулларида кенг миқёсда фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳўжалик корхонасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар хил тармоқ ва унинг қохоналарига хос бўлган бошқарув ҳисобини ташкил қилиш борасидаги илмий ишларни амалга ошириш, ҳозирги пайтда энг долзарб илмий йўналишларнинг бири бўлиб қолади.

Германия -Ўзбекистон ҳамкорлиги ва йўл қурилиши менежменти

Исанкулов И.Т. - Термиз Давлат
университети, и.ф.н., доц.

Германия Федератив Республикаси нафақат Европада, балки бутун дунёда энг ривожланган давлатлар қаторига кирган. Ўзбекистон мустақиллигини дастлабки йиллардаёқ тан олган давлатдир.

Германиянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тажрибаси бозор иқтисодиётининг ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган Ўзбекистон учун ниҳоятда муҳимдир.

Германия йўл қуриш ва йўл қурилиши менежменти соҳаси бўйича жаҳон давлатлари ўртасида энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган ривожланган давлатлардан биридир. Уларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш мустақил Ўзбекистон учун ниҳоятда зарурдир. Шунинг учун ҳам бу соҳада икки давлат ўртасида ўзаро келишувга биноан Ўзбекистон мутахассислари Германияда ўз малакаларини ошириб келишиб, ўзларининг иш жойларида бу тажрибалардан фойдаланиб ижобий натижаларга эришиб, ўз соҳаларининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келишмоқда.

Германия Федератив Республикасининг йўл қурилиши соҳаси шу соҳани молиялаштириш ҳамда унинг менежменти фаолиятининг тажрибаларини ўрганиш Ўзбекистон Республикасида ҳам катта аҳамиятга эга.

Германия давлати 16 та ҳудудга бўлинган. Мазкур ҳудуддаги йўллар давлат мулки ҳисобланиб, иқтисодиёт, энергетика ва транспорт Вазирлигига қарашлидир. Бутун Германиядаги йўлларнинг умумий узунлиги 625.000 км, шундан федерал бюджет қарамоғидаги асосий йўллар 226,805 км бўлиб, уларнинг баланс қиймати 700.0 млрд дойчмарк ёки тахминан 350,0 млрд АҚШ долларини ташкил этади.

Йўллар аҳамиятига қараб 4 га бўлинади:

- федерал аҳамиятдаги автомагистраллар (автобанлар);
- федерал аҳамиятдаги йўллар;
- ҳудудий аҳамиятдаги йўллар;
- маҳаллий аҳамиятдаги йўллар.

Федерал аҳамиятдаги автомагистраллар ва йўллар федерал бюджетдан, ҳудудий аҳамиятдаги йўллар ҳудудий, маҳаллий аҳамиятдаги йўллар эса, маҳаллий бюджетдан молиялаштирилади. Молиялаштиришнинг асосий манбаини барча автотранспорт воситалари эгалари томонидан бир йилда бир марта тўланадиган транспорт солиғи ва ёнилғи мойлаш материаллари сотишдан тушган солиқ ташкил қилади.

Мазкур солиқлар бюджетга йиғиладиган энг катта даромад ҳисобланади. Сабаби, сотувдаги 1 литр бензин ёқилғиси нархининг 80 фоизини солиқлар ташкил этади. 1995 йилдан ёқилғи-мойлаш материаллари сотишдан бюджетга 55,6 млрд. дойчмарк ёки 27,0 АҚШ доллари миқдоридан даромад

тушган. Ёқилги эса жуда катта миқдорда сотилади, чунки Германияда 47,0 млн.га яқин автотранспорт воситаси мавжуд. 1000 та аҳолига 550 та автомашина, яъни ҳар бир оилага камида 2 тадан автомашина тўғри келади.

Иқтисодиёт, энергетика ва транспорт вазирининг йўл қурилиш бўйича ўринбосари Республика йўлларида хизмат кўрсатадиган 640 та йўллардан фойдаланиш бошқармасига раҳбарлик қилади. Мазкур бошқарманинг вазифаси ўзларига бириктирилган йўллардаги чиқиндиларни йиғиштириб, қайта ишлаш, йўл белгилари ва кўрсаткичларни сақлаш, йўлдаги коммуникация қурилмалари, алоқа тизимининг ишлашини таъминлаш ишларини олиб боришдир.

Германияда йўл қурувчи ва таъмирловчи ташкилотлар аллақачон давлат тасарруфидан чиқарилган. Йўлларни, кўприк иншоотларни, туннелларни қуриш, таъмирлаш ишларини хусусий фирмалар бажаришади. Баъзи хусусий фирмаларда 6 мингга яқин ишчи хизматчилар ишлашади. Буюртмачи пудратчи фирмани тендер асосида танлаб олади ва шартнома тузади.

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош корхоналар жуда ҳам кўпдир. Шунинг учун тендерда қолиб бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Қисқа муддат ичида буюртмани қўлга киритган фирманинг молиявий аҳволи яхшиланиб кетиши ёки аксинча буюртмасиз қолиб, банкрот бўлиши ҳеч гап эмас.

Германиянинг географик ўрни ҳам йўлларни кундан-кунга такомиллаштиришни тақозо этади. Бир қанча ривожланган давлатларнинг юк автомобиллари Германия орқали ўтади. Баъзи автомагистраллардан бир кеча кундузда автомабилларнинг ўтиш интенсивлиги 50 минг, байрам кунлари эса 140 минггача этади.

Мазкур дастур таъминотлари қуйидаги мақсадлар учун бошқарувда фойдаланилади:

- иқтисодий - техник таҳлиллар асосида тўғри қарор қабул қилиш;
- инсонийлик ғояларига энг тўғри келадиган йўлни танлаш;
- энг кам харажат билан сифатли хизмат қилиш;
- атроф- муҳитга, экологияга таъсирни минимал даражага етказиш.

Таҳлил учун қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади:

- ўлчамлари ;
- сунъий йўлдошлар орқали кузатиб бориш;
- йўлнинг паспорти;
- аҳволи;
- йўл ҳаракати;
- йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида полициянинг статистик маълумотлари;

Йўлни баҳолашда қуйидагиларга эътибор қилинади:

- комфортабеллиги-8 %
- хавфсизлигига-40 %
- субстанцияларга -52 %

Маълумотлар йиғилгач:

- тегишли назорат ўтказилади ва хулосага келинади;
- қарор қабул қилинади;
- ишга киришилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 сентябрдаги "Йўл хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида"ги қарорига асосан бошқарув самарадорлигини ошириш, мавжуд йўлларимизни тиклаш, янгиларини жаҳон андозалари даражасида қуриш мақсадида 2001 йил 1 январдан янгича бошқарув тизими - Республика йўл хўжалиги Кенгаши ташкил қилинди ва бугунги кунда мазкур Кенгаш фаолият юритмоқда.

Албатта, бу тараққиёт сари қўйилган қадамлардан бири бўлиб, агар ишимизда темир интизом, ҳисоб - китобларимизда юқори даражада аниқлик бўлса, барчамиз қаердан ва қандай қилиб иқтисод қилишимиз мумкинлиги тўғрисидаги саволнинг жавобини изласак, яқин йилларда Республикамиз йўллари ҳам жаҳон андозаларига мос йўллар бўлиши муқаррардир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳисобга олиш

*Бобожонова О, Бақоев О - Тошкент
Давлат иқтисодийёт университети.*

Субъектларнинг ташқи иқтисодий алоқалари давлатнинг қонун ва қарорлари ва халқаро қоидаларга асосан тартибга солиб турилади.

Ушбу йўналишларда субъектлар хорижий компания ва фирмалар билан молиявий хўжалик муомалаларини амалга оширадилар.

Субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш аввало божхона тартиби орқали амалга оширилади. Божхона тизимида давлат чегарасидан ўтадиган товарлар, ишлар ва хизматларга қўлланадиган тартиблар кўрсатилади.

Ушбу фаолиятда асосий босқичлардан биттаси тегишли контрактларни тузиш, миқдор, баҳо ва товарларни етказиб бериш тартиби ва графиги ҳисобланади. Чунки ушбу талабларнинг бажарилиши устидан тезкор ва қаттиқ назорат ўрнатилади. Бундан ташқари ҳисоблашиш жараёни ташқи иқтисодий фаолиятда асосий ўринлардан бирини эгаллаб, бу муносабатлар "Валюта тартиблари ва валюта назорати тўғрисида"ги Қонунга асосан амалга оширилади. Валюта тартибларига риоя қилиш Марказий банк томонидан назорат қилинади.

Халқаро тартиблар эса "Товарларнинг халқаро олди-сотди тўғрисидаги шартнома" БМТ конвенцияси, А/CONE. 97/18 Аппех ва Инкотермс ҳужжатларига асосланади. Ушбу ҳужжатларда сарфланган харажатларни ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олаётганда 2020-"Экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш" ва 2830-"Тайёр экспорт маҳсулотлари" сётлври қўлланилади. Келишилган контракт ва буюртмага асосан экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқараётганда унинг учун сарфлаган харажатларни ҳисобга олиш учун 2020 сётини очиш мақсадга мувофиқ ва ушбу маҳсулотлар тайёр

ҳолига кетирилган ва тегишли назоратчиларнинг кўригидан ўтгандан кейин давр жараёнда режа таннархида 2830-“Экспорт маҳсулотлари” счётига ўтказиш маъқул Дебет 2830 ва Кредит 2020. Ҳисобот даврининг охирида ушбу маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи калькуляция қилиниб фарқ суммаси тегишли 2020 счётининг кредитида 2830 счётининг дебитида қайд қилинади.

Тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш жараёнида турли сарфлар амалга оширилиши мумкин.

Ушбу харажатлар икки гуруҳга бўлиб ҳисобга олинади:

- Савдо-муомала харажатлари; Маъмурий бошқарув харажатлари;

Ушбу харажатлар 9410-«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар» счётида ҳисобга олиб борилади ва ушбу счётлар гуруҳида қуйидаги счётлар очилиши мумкин:

- 9411- сақлаш ва ташиш харажатлари;
- 9412- реклама ва сотишга ёрдам бериш харажатлари;
- 9413- ураш, навларга ажратиш ва идиш сарфлари;
- 9414- меҳнатга ҳақ тўлаш сарфлари;
- 9415- меҳнат ҳақи жамғармасидан ажратмалар;
- 9419-бошқа савдо харажатлари.

Лекин экспорт – импорт муомалалари натижасида сарфланган харажатларни айрим ҳисобга олиш ва тезкор назорат ўрнатиш, ушбу фаолият буйича аниқлаш мақсадида қуйидаги қўшимча счётларни юритиш лозим:

- 9416-Товарни экспорт қилиш бўйича савдо сарфлари;
- 9417- Товарни импорт қилиш бўйича савдо сарфлари.

Савдо ва муомала сарфлари хўжалик юритувчи субъектларнинг яқуний молиявий натижаларига олиб борилади, 9910-«Яқуний молиявий натижалар» счётининг дебитида ва 9410-«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар» счётининг кредитида қайд қилинади.

Савдо фирмалари товарларни экспорт қилиш учун ишлаб чиқарган субъектлардан сотиб олганда, дастлабки ҳужжатларга асосан счётлар қуйидагича қайд қилинади:

Дт 2910-«Омбордаги товарлар» ёки 2960-«Экспорт қилиндиган товарлар»

Дт 6410-«Бюджетга тўловлар юзасидан қарзлар» счёти (ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммасига)

Кт 6010-«Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Экспорт қилинган товарни ҳисобга олиш учун давлат чегарасидан ўтган ёки хориж истеъмолчисига етказганлигини тасдиқловчи дастлабки ҳужжатлар асос бўлади.

Дунёда товарларни етказиб беришнинг ҳар хил тартиблари мавжуд бўлиб бу тартиблар «Инкотермс»да умумлаштирилган.

Масалан: «Франко-ташувчи» (FCA) – сотувчи ўз товарларини олувчига ёки унинг вакилига топширган вақтдан бошлаб жавобгарликдан соқит булади.

«Франко-чегара» (DAF) – сотувчи товарини чегарадаги кўрсатилган манзилга етказиб беради.

Ушбу ноқеалар содир бўлгандан кейин товарлар 9110-«Сотилган маҳсулотларни таннархи» счётида қайд қилинадиган ва 2910 «Омбордаги товарлар» ёки – «Экспорт қилинадиган товарлар» счётининг кредитидан товарлар 9110-«Сотилган маҳсулотларни таннархи» счётининг дебетига ўтказилади.

Жўнатилган товарнинг ҳаракати устидан назоратни кучайтириш мақсадида ва экспортнинг хусусиятлари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда экспортга жўнатилган товарлар 2960-счётни очиш ва унда қуйидаги қўшимча счётларни очиш мақсадга мувофиқдир:

- 2961-«Экспортга жўнатилган йўлдаги товарлар»-истеъмолчиларга жўнатилган, лекин мулк ҳуқуқи берилмаган»;
- 2962-«Жўнатилган ва фактураланган экспорт товарлари»-хориждаги истеъмолчига жўнатилган ва унга мулк ҳуқуқи берилган товарлар учун.

Агарда товарлар тегишли тузилган контрактларга асосан экспорт қилинсаю, лекин мулкчилик ҳуқуқи берилмаса:

Д-т 2961-“Экспортга жўнатилган йўлдаги товарлар” счётига

К-т 2960-“Экспорт қилинадиган товарлар” счётидан ўтказилади.

Агарда шу вақтнинг ўзида харидорга мулкчилик ҳуқуқи берилса:

Д-т 9120-“Сотилган товарларнинг таннархи” счётига

К-т 2961-“Экспортга жўнатилган йўлдаги товарлар” счётидан ўтказилади.

Шу билан бир вақтда уларнинг контрактда кўрсатилган суммаси.

Д-т 4010-“Харидор ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар”

К-т 9020-“Товарларни сотишдан олинган даромадлар”счётларида қайд қилинади.

Жўнатилган товарлар 2920 (2961) счётда хориж валюталарининг сўмга нисбатан курсидан қатъий назар сўмда акс эттирилиб борилади.

Экспорт маҳсулотларини сотиш учун 9010-“Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромад” счётида тегишли 9011-“Экспорт маҳсулотни сотишдан олинган даромад” счётини очиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу счётда экспорт муомалалари тегишли дастлабки ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Маҳсулот қиймати истеъмолчи томонидан тўланганда (ҳисоблашиш счётига кирим қилинганда) сотилган деб тан олинганда счётларда қуйидагича қайд қилинади:

Маблағ хориж валютаси счётига келиб тушганда импортчи ушбу маҳсулотнинг қийматини тўлашга розилик берса:

Д-т 4010-“Харидор ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар”

К-т 9010-“Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар” счёти

Д-т 5210-“Мамлакат ичидаги хориж валютасидаги маблағлар” ёки 5220-“Хориждаги валюта счётидаги маблағлар”счёти

- К-т 4010-“Харидор ва буюрмачилардан олинадиган счётлар” счёти
 Сотилган маҳсулотнинг қиймати ҳисобдан чиқарилганда:
 Д-т 9110-“Сотилган маҳсулотларнинг таннархи” ва
 К-т 2861-“Экспортга жўнатилган йўлдаги тайёр маҳсулотлар” счёти.

Агарда экспорт маҳсулот жўнатилган вақтдан сотилган деб қабул қилинса ва мулкый ҳуқуқ хориж истеъмолчисига берилса, товар истеъмолчига жўнатилиб счёт фактурага (инвойс) қўйилса, контрактда қўйилган суммага:

- Д-т 4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” счёти
 К-т 9010-“Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинадиган даромадлар” счёти
 ва шу вақтда сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархига
 Д-т 9110-“Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” счёти
 К-т 2810-“Экспортга тайёрланган маҳсулотлар” счёти.
 Ушбу муомала бўйича истеъмолчилар қарзини тўласалар
 Д-т 5210-“Мамлакат ичидаги” ёки 5220-“Хориждаги валюта счёти”
 К-т 4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” да қайд қилинади ёки бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича:
 Д-т 9130-“Сотилган иш ва хизматларнинг таннархи” счёти
 К-т 2020-“Экспорт қилинадиган ишлар” счёти.

Экспорт маҳсулотини реализация қилиш натижасида молиявий натижани аниқлаш учун жами сарфлар ва даромадлар якуний молиявий натижалар счётида тегишли йўллари бўйича йиғилади:

1. Д-т 9010-“Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар” счёти,
 К-т 9910-“Якуний молиявий натижалар” счёти.
2. Д-т 9910-“Якуний молиявий натижалар” счёти,
 К-т 9110-“Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” счёти.
3. Д-т 9910-“Якуний молиявий натижалар” счёти,
 К-т 9410-“Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ сарфлар” счётлари.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ҳисобини юритишга ушбу тақлифларнинг жорий қилиниши шу фаолиятни тезкор бошқариш, тегишли қарорларни қабул қилиш, экспорт қилинган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг устидан узлуксиз ва тизимли назорат ўрнатишга имконият яратади.

Реформы бухгалтерского учета и финансовой отчетности на основе международных стандартов учета

Ибрагимов А.К., Усанов А. –
Банк-молия академияси.

Система бухгалтерского учета, отвечающая принятым в международной практике стандартам и правилам, призвана не только существенно расширить самостоятельность предприятий в выборе форм и методов учета, но и повысить их ответственность за достоверность учетной информации. Возрастает роль аудиторского подтверждения публичной отчетности.

Аудиторское заключение в составе годового бухгалтерского отчета дает подтверждение того, что информация отчетности может быть использована при обосновании финансовых решений. Хотя каждый из названных элементов годового бухгалтерского отчета имеет самостоятельную информационную нагрузку, все они преследуют единую цель – обеспечить отражение данных бухгалтерской отчетности таким образом, чтобы представить внешнему пользователю надежную и достоверную финансовую информацию. Это информация станет основополагающей в принятии управленческих решений при заключении различных сделок и контрактов в инвестиционной и финансовой деятельности.

Трансформация бухгалтерской отчетности в соответствии с требованиями международных стандартов финансовой отчетности в последнее время становится все более актуальной. С одной стороны, это обусловлено развитием мировой экономики, требующей адекватного языка общения между компаниями, действующими на международных рынках. С другой стороны, для реформирования системы бухгалтерского учета и отчетности в Республике Узбекистан необходимо более глубокое понимание сущности международных стандартов и возможности их применения в узбекской практике.

Составленная в соответствии с международными стандартами финансовая отчетность дает пользователям объективную и надежную информацию о финансово – хозяйственной деятельности предприятий, облегчает выход на мировые рынки капитала и снижает затраты на привлечение инвестиций, является базой для принятия обоснованных решений. Таким образом, международные стандарты в настоящее время не только обобщают опыт ведения бухгалтерского учета и составления финансовой отчетности различных стран, но и активно влияют на развитие национальных систем бухгалтерского учета и отчетности.

Международные стандарты финансовой отчетности были выбраны в качестве ориентира для реформирования системы бухгалтерского учета и отчетности в Республике Узбекистан. Однако потребуется длительный период для того, чтобы ориентированная на международные стандарты национальная система учета и отчетности была внедрена в практику. Поэтому трансформация национальной бухгалтерской отчетности в международные стандарты финансовой отчетности остается актуальной для большого количества заинтересованных сторон. Среди них можно выделить компании с иностранными инвестициями, действующие на узбекском рынке, которым эта трансформация необходима для включения в консолидированную отчетность материнских компаний, предприятий и организаций, заинтересованных в привлечении иностранных инвестиций, в работе на мировых торговых рынках. По мере развития рыночных отношений у узбекских СП, в том числе и работающих на внутреннем рынке, появляется объективная необходимость в получении достоверной информации о финансовом состоянии и результатах собственной

деятельности, которую может предоставить трансформированная в соответствии с международными стандартами отчетность.

В настоящее время используются два варианта трансформации отчетности, соответствующие международным стандартам.

С развитием рыночных отношений усиливается внимание потребителей информации к бухгалтерским данным и финансовым отчетам. Главной задачей бухгалтерской отчетности является достоверное представление имущественного и финансового положения предприятия, а также финансовых результатов деятельности. В этих условиях все актуальнее становится проблема терминов бухгалтерского учета, применяемых в учетной практике развитых государств. Необходимо финансовые отчеты готовить по правилам западных стран и соблюдать общепринятые принципы учета. Они делятся на две большие категории:

- принципы измерения (оценки) (measurement), определяющие момент отражения события в бухгалтерском учете и величину, записываемую в бухгалтерских регистрах;

- принципы раскрытия (disclosure) описывающие качественные характеристики информации, которая должна содержаться в финансовой отчетности.

Бухгалтерский отчет представляется в систематизированном виде. Состав показателей отчетов должен обеспечивать раскрытие наиболее значительных составляющих имущества, капитала, обязательств и финансовых результатов. С нашей точки зрения, этот состав может (а в отдельных случаях должен) не совпадать в соответствующими формами отчетности, утвержденными Министерством Финансов Республики Узбекистан, поскольку значение их различно.

Экономические аспекты развития международного туризма

Файзиева Ш. Р. – Узбекистон миллий университети

Сегодня туризм - мощная мировая индустрия, занимающая до 10% мирового валового продукта. В ней задействованы огромные массы работников, основных средств, привлечены крупные капиталы. Это крупный бизнес и серьезная политика глобального уровня.

Международный туризм оказывает мощное воздействие на занятость населения. По оценкам специалистов, в настоящее время 100 млн. человек работают в индустрии туризма, а к 2005 г. каждый восьмой трудоспособный человек в мире будет занят в этом секторе экономики.

Международный туризм является активным источником поступлений иностранной валюты и оказывает воздействие на платежный баланс страны. Помимо влияния на экономику многих стран международный туризм воздействует на их социальную и культурную среду, экологию. А последние, в свою очередь, влияют на туристов.

Однако рост международного туризма вызывает и негативные последствия, например, разрушение окружающей среды, нарушения

традиций местного населения. Своевременная и всесторонняя оценка последствий международного туризма является очень важным фактором для составления такой экономической и туристской политики, которая позволяла бы извлекать максимальную выгоду и предупреждала разрушительное воздействие туризма. На фоне общего сокращения объема поездок есть примеры успешного использования целым рядом стран своего туристского потенциала. Растет число иностранных туристов в Болгарии, Польше, странах Балтии.

Туризм становится важным фактором стабилизации узбекской национальной экономики. В последние годы туризм стал не только делом государства, но и негосударственного сектора экономики: в этот процесс включились как национальные коммерческие, частные, так и зарубежные структуры.

В Узбекистане выявлено более 90 местностей, обладающих ценными климатическими ресурсами, большинство из которых расположены в горах и предгорьях. Разнообразие природно - климатических условий и теплый климат позволяют осуществлять приём туристов круглогодично.

Инвестиции - один из главных факторов, определяющих скорость развития туризма в Узбекистане. Инвестиции в туристскую индустрию определяют степень интеграции республики в мировой рынок туризма.

Однако для развития отрасли туризма необходима государственная поддержка. Государство могло бы взять на себя следующие обязанности главного инвестора: финансирование продвижения национального туристического продукта на мировые рынки; научно- исследовательская работа в туризме; налоговые и таможенные льготы; качественное медицинское обслуживание, страхование, подготовка кадров и др.

Халқаро аудит низомларини Ўзбекистон Республикасида қўллаш имкониятлари

Арикулов Б.Э. - *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, и.ф. н., доц.*

Бозор иқтисодиёти шароитларида аудиторлик фаолиятини стандартлаштириш бўйича халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тажрибалардан тегишли хулосалар чиқарилди, лекин ҳали олдинда бу борада қиладиган ишларимиз кўп.

Халқаро аудит низомлари ўзида кенг ҳужжатлар тизимини ташкил қилиб, уларнинг энг муҳим амалий талабларига эга бўлган бўлимлари мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат: молиявий ҳисобот аудитининг ҳажми ва мақсади; аудиторлик фаолиятининг асосий тамойиллари; ишга (хизмат кўрсатишга) ёллаш шarti бўлган хат; аудиторлик текширувини режалаштириш тамойиллари; аудитор томонидан ички назорат тизимини ўрганиб чиқиш; аудит маълумотлари; аудиторлик текширувини ҳужжатлаштириш; моддийлик концепцияси ва аудиторлик хавф хатари; бошқа шахслар ишидан фойдаланиш; хатолар ва қонунбузарликларни

аниқлаш; аналитик жараёнлар; аудиторлик иши сифатини назорат қилиш; боғлиқ томонларнинг идентификацияси; иқтисодий субъектлар фаолиятининг давомийлик тамойиллари; иқтисодий субъектлар менеждменти томонидан аудиторлар учун тақдим қилинадиган ахборот; молиявий ҳисобот бўйича аудиторларнинг ҳисоботлари (хулосалари); аудиторлик ҳисоботларини ва улардан кейинги ҳодисаларни қайд қилиш; махсус аҳамиятга эга бўлган аудиторлик хулосалари ва ҳақозолар.

Халқаро аудит низомларида белгиланганидек, молиявий ҳисобот аудитининг мақсади шундан иборатки, малакали аудиторлар томонидан молиявий ҳисоботни тўғрилиги ва ишончлилигини текшириш ҳамда тасдиқлашни кўзда тутати. Мустақил аудиторлар томонидан иқтисодий субъектнинг молиявий ҳисобот маълумотларига берилган ҳолисона баҳоси, шу ҳисоботдан фойдаланувчиларда қатъи ишонч уйғотади. Лекин аудиторнинг ижобий хулосаси корхонанинг келажақдаги тўлов қобилиятини ёки бошқарув тизимини самарали ишлашига кафолат бўла олмайди. Аудитор фақат молиявий ҳисоботга ҳаққоний баҳо бериш мажбуриятини олади, молиявий ҳисоботнинг мазмунини учун корхона раҳбарларига жавобгарликни белгилаб беради.

Аудиторлик амалиёти бўйича Халқаро қўмита аудиторлик текширувларини ўтказишда аудиторларга ўз касб мажбуриятларини бажаришда ҳалоллик, ҳолислик, мустақиллик, ҳаққонийлик ҳамда бетарафлик мезонларига жавоб беришларини зарурий шарт қилиб қўяди.

Аудиторлар текширув ўтказиш жараёнида олинган маълумотларни сир сақлаши ҳамда мижознинг руҳсатисиз ва қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари учинчи шахсларга маълумотларни бериб юбориш ман этилади.

Халқаро низомларга мувофиқ аудитни режалаштириш замирида аудитор мижознинг молиявий хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотга эга бўлиши ётади. Аудитор мижоз фаолиятига таъсир этувчи микроиқтисодий омилларни аниқлаши, жорий даврдаги қонунчиликдаги бўлган ўзгаришларни исботлаши, тармоқнинг иқтисодий шароитига баҳо бериши ҳамда мижознинг ҳисоб ва ички назорат тизимларини ўрганиб чиқиб, уларнинг ҳисоб маълумотларига қанчалик ишоним мумкинлигини ва шу асосда текширувлар ҳажминини аниқлаши керак.

Аудиторлар мижознинг ички назорат тизимини баҳолашда турли хил қондабузарликлар, ўз ишига лоқайдлик каби камчиликларни учратиш мумкин. Бундай қонунга хилоф бўлган маълумотларни аудиторлар корхона раҳбарига дарҳол ёзма равишда билдириши керак бўлади. Аммо аудиторлар шартномада бажарилмаган иш ва хизматлардан ташқари бошқа фаолият тизимига баҳо бериши мумкин эмас.

Халқаро аудит низомларидан бири аудитни ҳужжатлаштириш ҳисобланади, бу эса аудиторларни молиявий ҳисобот бўйича берган аудиторлик хулосаларини қонуний асосланганлигини тасдиқлаб туради. Бундан ташқари, аудиторлик текшируви ўтказиш давомида олинган ёки йиғилган иш ҳужжатларини сақлаш аудитнинг ҳалол ва виждонан ўтказилганлигини исботи ҳисобланади. Чунки бу маълумотлар аудитор ва

мижоз ўртасида даъво ёки низо чиқиб қолганда аудиторлар учун жуда аҳамиятли ҳужжат ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, хорижий давлатларда низолар пайдо бўлган пайтда аудиторларни ҳимоя қилиш учун умумий қабул қилинган низолар асосида айнан иш ҳужжатларига асосланади. Ўзбекистон аудиторлари ҳам бундай низолардан кўп керакли ва фойдали маслаҳатларни олишлари мумкин.

Жиддийлик ва аудиторлик таваккалчилиги улар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ва уларнинг аудитор томонидан режалаштириш жараёнида қўлланилишини, аудит ўтказиш ва амалга оширилган чора тadbирларнинг натижаларини баҳолаш мезонларини белгилаб беради. Жиддийлик - умумий молиявий маълумотларни ўз ичига олади ва унинг натижасида турли шароитларда нотўғри қарорлар қабул қилиниши ёки ҳисобот беришнинг бузиб кўрсатишган характери сифатида таърифланади.

Аудитор таваккалчилиги аудитор томонидан моддий жиҳатдан жиддий камчиликларга эга бўлган молиявий маълумот ҳақида нотўғри хулосага келиш эҳтимолининг мавжудлиги сифатида намоён бўлади. Аудиторлик таваккалчилигини аниқлашда уни қуйидаги таркибий қисмларини эслан чиқармаслик керак: мижознинг ҳисоб маълумотларида қонунга зид бўлган четланишлар мавжудлиги; корхонада амал қилаётган ички назорат тизими самарасизлиги билан боғлиқ хатарнинг бўлиши; аудиторлик тadbирларининг самарасизлиги туфайли пайдо бўладиган хатар.

Биринчи икки таркибий қисм иқтисодий субъектнинг ҳисоб ва ички назорат бўлимларининг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бу омиллар аудиторни иш ҳажминини ва кўламини белгилашда ёрдам беради. Текширув кўлами қанча кенг бўлса, аудиторлик таваккалчилиги шунча камаяди, текширувларнинг характери ҳам аудиторлик таваккалчилигига сезиларли таъсир кўрсатади: Масалан, учинчи шахслардан олинган маълумот анча ишончли бўлиб таваккалчилик даражасини бир мунча туширади.

Аудиторлик амалиёти бўйича Халқаро аудиторлар қўмитаси томонидан текширув ўтказиш давомида аниқланган хато ва камчиликлар билан бирга, тополмай қолиб кетган хато ва камчиликлар бўлиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Шунинг учун аудиторлар томонидан йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар моддийликка яқинлашадиган бўлса, топилмай қолиб кетган хато ва камчиликларнинг эҳтимоллик даражаси ҳам қўшиб ҳисобланиб, уларнинг натижаси моддийлик чегарасидан юқори бўлса, бу ҳисоботдан фойдаланувчиларга нотўғри қарор қабул қилишига олиб келишини таъкидлаб ўтади.

Аналитик тadbирларни ўтказиш жараёнида жорий даврнинг молиявий маълумотлари билан ўтган даврнинг маълумотлари (бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий натижаларнинг) таққосланади.

Халқаро қоидаларда аудит сифатини назорат қилишнинг икки босқичи мавжуд: ассистентлар устидан назорати; аудиторлик фирмаси аудиторлари устидан ўрнатадиган назорат.

Аудит ўтказиш чоғида асосий аудиторлар ассистентларнинг ишига бош бўлиши ҳамда доим, узлуксиз назорат қилиб бориши лозим. Ассистентларнинг якунланган иши қонун ва низомлар асосида бажарилдими, ҳеч қандай муҳим саволлар ҳал қилинмай қолиб кетмадими, аудит мақсадларига эришилдими ва бош аудиторнинг молиявий ҳисобот ҳақидаги фикрларига ассистентларнинг иши мос келадими ёки йўқми барчаси аниқлаштириб олиниши керак.

Аудиторлик фирмаси томонидан бош аудиторларнинг ишини назорат қилиш фирманинг умумий ўрнатган қоидаларига мувофиқ келишини текширишдан иборат бўлади. Корхоналар билан ҳеч қандай манфаатли алоқалар қилмаслиги керак бўлади, бордию акси бўлса, фирма ўша миқдори текширишдан бош тортишга мажбур бўлади.

Хўжалик амалиёти шуни кўрсатадики, кўпгина ҳолларда махсус аҳамиятга эга бўлган аудиторлик хулосаларини тузишга тўғри келади.

Халқаро низомларга мувофиқ, махсус аҳамиятга эга бўлган аудиторлик хулосаси деб асосан, махсус мақсадлар учун тайёрланган молиявий маълумотларга берилган хулосага айтилади. Шундай бир умумлашган молиявий ҳисобот тузилиши лозимки, у маълум ҳисоб маълумотларидан фойдаланувчилар гуруҳига корxonанинг иқтисодий самарадорлиги ёки тўлов қобилияти ҳақида маълумот берсин.

Ўзбекистонда аудитни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш

Маматов З.Т. - Тошкент молия институти.

«Аудит сифатининг назорати» халқаро стандарти Халқаро бухгалтерлар федерацияси доирасида фаолият юритаётган халқаро аудиторлик қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган. У аудит стандартлари тизимининг «Вазифалар» бўлимига 220-рақам билан киритилган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда «Аудитор иши сифатини назорати» Молия вазирлигининг 1999 йил 4 август 62-сон буйруғи билан тасдиқланган. Бу стандартлар мажбурий эмас, лекин уларни билиш ва қўллаш аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг касбий вазифасига киради.

Шунга асосан, кўпчилик аудиторлик фирмалари, айниқса, йирик фирмалар бу стандартлардан кенг фойдаланмоқдалар ва текширув ўтказиш учун шартнома, аудит битимлари тузишда шу стандартга асосланмоқда.

Халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида, шунингдек, уни Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятига тадбиқ қилиш сабабли миллий ва халқаро стандартлар (аудит сифатини назорат қилишга бағишланган стандартлар) нинг талабларини қиёслаш жуда муҳимдир.

Бироқ, бу барча халқаро стандартларга хос хусусиятдир. Аудитнинг миллий стандартида қўйилган ва халқаро стандартда баён қилинган мақсадлар билан яшириб бўлмайдиган вазифалар-бу аудитни амалга ошириш давомида аудиторлик ташкилотлари ходимларининг бурчларини аниқлашидир. Аудиторлик фирмалари фаолиятининг муддати узоқ

эмаслиги ҳисобга олинса, бундай стандарт ташкилий жиҳатларнинг баён қилиниши ўзини тўла оқлайди. Аудиторлик фирмасининг ўзида ишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар халқаро стандартларда йўқ, бундай талаблар таҳлил қилинаётган стандартда ҳам йўқ. Шу жиҳатдан аудитнинг миллий стандарти аудиторлик фирмалари учун кенг ахборот беради.

Юзаки қараганда стандартлар қоидаларининг мажбурийлигига ёндашув турличадир. Бироқ аудитнинг миллий стандартига мувофиқ, расмий аудиторлик хулосаси тайёрлашни кўзда тутувчи текшириш Халқаро аудиторлик стандарти (ХАС)га мувофиқ молиявий ҳисоботни аудиторлик текширишига тенгдир, чунки бундай текшириш муқаррар хулосани бериш билан тугаши керак. Айни пайтда ХАСга қўра, алоҳида ҳолларда самарали натижаларига эришиш учун ХАСдан чекиннишни зарур деб ҳисоблаши мумкин. Шунингдек, аудиторлар барча ХАСга таалуқли қоидаларни ҳисобга олишлари лозим: халқаро стандартлар фақат муҳим жиҳатларга қўлланилиши керак.

Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартида барча текшириш иштирокчиларининг вазифалари батафсил баён қилинган. Аудиторлик ташкилоти ходимларига аниқ вазифаларнинг бириктириб қўйилиши аудитнинг сифат тизими сифатидаги фаолиятини ва унинг назорат тизимини яхшилашга қўмаклашади. Халқаро стандартда бундай бўлим мутлақо йўқ, чунки кўп йиллик тажрибада аудиторлик фирмасида ишни ташкил қилиш қоидалари аллақачон шаклланган ва ходимларнинг вазифаларини биринчи навбатда фирмаларнинг ўзлари мустақил белгилайди.

Аудиторлик фирмасининг ташкилий тузилишига қўйиладиган талабларни мижозлари доираси кам бўлган кичик фирмалар бажара олмасликлари мумкин. Шу боисдан аудитнинг миллий стандарти қондасида кичик тадбиркорлик субъектлари-фирмалари учун икки бошқарув тизими кўзда тутилган текшириш раҳбари ва оддий иштирокчилари, корхоналарни кичик фирмалар қаторига киритиш мезони меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Бунга мувофиқ, аудиторлик фирмаси ҳисобот даврида ходимларининг ўртача сони 10 кишидан ошмаса, кичик корхона ҳисобланиши мумкин. Бироқ бунда фирманинг ташкилий тузилиши мураккаб бўлиши мумкин. Бизнингча, 15 кишигача ходим ишлайдиган фирманинг ташкилий тузилиши содда бўлиши оқилона бўлур эди.

Халқаро стандарт бу муносабатларни, шунингдек, аудиторлик фирмаларининг тузилишини тартибга солмайди.

Аудит сифатини назорат қилиш тизимига таъсир ўтказувчи омиллар иккала стандартда ҳам санаб ўтилган миллий стандартини ишлаб чиқиш чоғида халқаро стандарт қоидалари кенг қўлланилганини кўриш мумкин. Ўзбекистон йирик фирмаларида ишлаб турган сифатни назорат қилиш тизими кичик фирмаларда ишлаётган тизимдан фарқ қилиш мумкин. Бироқ бу фарқ назорат қилиш учун қўлланиладиган усулларда эмас, фақат тизимнинг ташкилий жиҳатдан қурилишида бўлиши лозим.

Аудитнинг миллий стандартида халқаро стандартда бўлмаган сифатни назорат қилиш тизимининг усуллари мавжуд.

Бу аудиторлик ташкилоти ходимлари ўзларига топширилган вазифани бажармаган тақдирда уларга нисбатан тегишли чоралар кўришдир. Ходимларга таъсир ўтказиш чоралари меҳнат кодексига санаб ўтилган ва улар қуйидагилардан иборат: огоҳлантириш, ҳайфсан бериш, ишдан бўшатиш. Бундан ташқари ички интизом қондасида (уни аудиторлик фирмаси мустақил ишлаб чиқади) ходимларнинг айрим тонфалари учун бошқа интизомий чоралар ҳам кўзда тутилиши мумкин. Сифатли назорат қилиш тизимининг бу усулларидан фойдаланишнинг мураккаблиги, зарур чорани қўлланиш оқибати хилма-хил бўлиши мумкин, шу боисдан уни танлашга пухта ёндашмоқ зарур. Фирма ходимлари интизомий жазо чоралари кўрилиши мумкинлиги тўғрисида олдиндан огоҳлантирилган бўлиши лозим.

Стандартнинг кўриб чиқилган бу бўлими аудиторлик текшириши давомида ходимлар ўртасида юзага келадиган, муносабатларни тартибга солишга бағишланган аудитнинг миллий стандарти халқаро стандарт қоидаларини тўла такрорлайди, ҳатто сўзма-сўз таржима қилинган, дейиш мумкин. Бу қоидаларнинг моҳияти қуйидагича: аудит жараёнида, яъни ходимларнинг ишига тузатиш киритиш ва аудиторлик хизматининг юқори сифатли бўлишини таъминлаш имкони бор вақтида кучли назорат амалга оширилиши лозим.

Стандартда бундай назоратни амалга оширадиган ходимларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилган, айни пайтда назорат воситаси сифатида аудит дастурига катта аҳамият берилган. Шубҳасиз, ёрдамчи бўлиб ишлаётган барча аудиторлар озми-кўпми жорий назорат олиб боради. Бироқ, бу жараён расмийлаштирилиши лозим, бусиз назорат ўз мақсадига эриша олмайди. Режалаштириш босқичида катта аудиторларга аниқ назорат вазифаларини топшириб қўйиш, аудиторнинг назорат вазифалари тўғрисидаги қоидаларни лавозим йўриқномаларига киритиш, текшириш ўтказиш чоғида назорат тадбирларини ҳужжатлаштириш лозим.

Аудитнинг миллий стандарти назоратчилари текшираётган иш ҳужжатларига имзо қўйишини ёки ким текширганлигини аниқлашга имкон берадиган белги қўйишни мажбур қилиб қўяди.

Қилинган ишларнинг натижаларини текшириш учун аудитда иштирок этмаётган ходимларни қўшимча равишда жалб этиш мумкинлиги иккала стандартда ҳам кўзда тутилган. Бундай текшириш гоят самарали бўлиши мумкин, шу сабабли уни фақат йирик ва мураккаб иқтисодий субъектларнигина эмас, барча субъектларни аудит қилиш чоғида қўллаш тавсия этилади. Бундай текшириш теранлиги, турлича-иш ҳужжатларини таҳлил қилиш ва текширишда иштирок этаётган ходимлардан сўрашдан тортиб, аудиторларнинг нотўғри тавсияларини аниқлаш мақсадида ёзма ахборот ва аудиторлик хулосасини кўздан кечиришгача бўлиши мумкин.

Халқаро стандартда давлат секторидаги корхоналарни аудитдан ўтказиш чоғида стандарт қоидаларини қўлланиш хусусиятларига бағишланган қоида мавжуд. Баъзи тадбирлар ва талабларни қўлланиб

бўлмаслиги ва шу боис давлат секторида ишлаётган аудиторларга нисбатан кўшимча талаблар бўлиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Амалга оширилган таҳлил аудиторлик фаолиятининг миялий ва халқаро аудиторлик стандартлари орасида «жарлик» йўқлигини кўрсатади. Аксинча, кўп қондалар жуда ўхшашдир. Бу тадқиқ этилган стандартларгагина эмас, бошқа стандартларга ҳам таалуқлидир. Ҳозирча халқаро стандартлар аудиторлик тадбирларини батафсил баён қилиши ва мисоллар келтирилиши билан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан фарқ қилади. Шу сабабли халқаро стандартларни ўрганиш сифатли ўтказилган аудитларнинг кўпайишига ва жамоатчилик орасида аудитор касби нуфузининг ортишига кўмаклашади.

Об инвестиционной привлекательности нефтегазовой отрасли Узбекистана и необходимости привлечения в нее иностранных инвестиций

Файзуллаев Ш.Н., Шоҳаъямий Ш.Ш., Иргашев Ф.А. -
«Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси,
Тошкент молия институти, Тошкент солиқ коллежи

Инвестиционный климат в Узбекистане достаточно благоприятен, а процедуры вложения инвестиций максимально упрощены. В частности, иностранным инвесторам предоставляется эксклюзивное право на проведение поисковых работ и последующую разработку месторождений, право первоочередной переработки сырья, право на возмещение ранее понесенных инвесторами затрат, ряд таможенных и налоговых льгот.

Любой стратегический инвестор, имеющий намерение приобрести пакеты акций Национальной холдинговой компании «Ўзбекнефтегаз» на долгосрочной взаимовыгодной основе, может рассчитывать на содействие со стороны компании «Ўзбекнефтегаз».

Затруднено отделение регулятивных и операционных функций «Ўзбекнефтегаза», что мешает компании быть чисто коммерческой организацией, работающей в условиях рыночной конкуренции.

Ведутся работы по привлечению в отрасль иностранных инвесторов через зарубежные рынки ценных бумаг. При этом одним из наиболее эффективных инструментов привлечения портфельных инвесторов являются депозитарные расписки, посредством которых акции холдинга могут выйти на международный фондовый рынок. Однако этому во многом препятствуют отсутствие продолжительного вторичного обращения акций холдинга и его предприятий на фондовом рынке республики, низкая прозрачность отрасли, связанная, в основном, с чрезмерной степенью конфиденциальности информации об отрасли, затрудняющая работу внутреннего и внешнего аудиторов, и, соответственно, потенциальных зарубежных попечителей. Проблема прозрачности приобретает особую значимость, ибо от степени ее решенности зависит инвестиционная активность на фондовом рынке, в том числе на рынке депозитарных расписок. Прозрачность, как правило,

достигается путем обеспечения полноты, достоверности и своевременности получаемой инвесторами информации о фондовом рынке и его участниках. Информация на РЦБ (в том числе на рынке депозитарных расписок) – это систематизированно обработанные и оцененные с использованием соответствующих методов и критериев в определенном порядке данные, отражающие в комплексе прямо и косвенно качественные и количественные показатели РЦБ, позволяющие участникам снизить (управлять) свои риски при принятии на нем решений по осуществлению либо неосуществлению практических действий.

Центром по координации и контролю за функционированием РЦБ при Госкомимуществе Республики Узбекистан создана база данных, доступная заинтересованным лицам.

С учетом инвестиционной привлекательности и потенциала отрасли, а также нынешней прогрессивной экономической политики в республике, проработанности механизма депозитарных расписок, имеющиеся проблемы разрешимы. Поэтому в ближайшем будущем ввод в действие механизма депозитарных расписок очевиден.

Корхоналарнинг халқаро ҳисоб – китоб операцияларини такомиллаштириш йўллари

Шодиев Э. - *Тошкент банк коллежи*

Республикамиз халқаро ҳисоб-китоб операцияларининг асосий қисми импорт тўловлари билан боғлиқ бўлиб, бунда тўловларининг ҳужжатлаштирилган аккредитивлар шаклидан кенг фойдаланилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ҳужжатлаштирилган аккредитивда тўлов юқори даражада кафолатланади. Бу эса хорижлик товар сотувчилар томонидан аккредитив қўйиш асосида ҳисоб-китобларни амалга ошириш талабини қўйилишига олиб келмоқда.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивларда товарлар билан боғлиқ ҳужжатлар тўлов амалга оширилгандан сўнг берилади.

Шуниси характерлики, республикамиз корхоналарини молиялаштиришда ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг таъминланган шаклидан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу аккредитивларни гарб давлатлари хўжалик амалиётида кенг қўлланилаётган классик ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан фарқи шундаки, бунда аккредитив суммаси алоҳида ҳисоб рақамида депонентланади.

Таъминланган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ташқи савдо шартномасини имзолаш;
2. Импортёр ўз банкига аккредитив очиш тўғрисида ариза беради;
3. Импортёрнинг банки аккредитив суммасини импортёрнинг жорий ҳисоб рақамида олиб, уни алоҳида ҳисоб рақамида депонентлайди;

4. Импортёрнинг банки аккредитив очилганлиги тўғрисида экспортёрнинг банкни хабардор қилади, яъни аккредитив телеграммаси жўнатади;
5. Экспортёрнинг банки аккредитив очилганлиги тўғрисида экспортёрни хабардор қилади;
6. Экспортёр товарларни жўнатади;
7. Экспортёр товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни банкига узатади;
8. Экспортёрнинг банки ҳужжатларни қабул қилиб олади;
9. Экспортёрнинг банки ҳужжатларни тўлов суммасини олиш учун импортёрнинг банкига жўнатади;
10. Импортёрнинг банки ҳужжатларни олиш билан тўловни амалга оширади;
11. Импортёрнинг банки товарлар билан боғлиқ ҳужжатларни импортёрга беради. Импортёрнинг банки тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида экспортёрнинг банкни ёзма равишда хабардор қилади;
12. Экспортёрнинг банки тўлов суммасини экспортёрнинг жорий ҳисоб рақамига ўтказиши;
13. Экспортёрнинг жорий ҳисоб рақамидан кўчирма;

Мазкур ҳужжатлаштирилган аккредитивнинг асосий камчилиги шундаки, бунда корхонага тегишли валюта маблағларининг маълум қисми унинг хўжалик оборотидан чиқиб кетади, яъни депонентланади.

Депонентланган маблағга эса, одатда, банклар фоиз тўламайди. Бундан ташқари, аккредитив муддатининг нисбатан узунлиги депонентланган маблағларни валюта рискига учраш даражасини оширади.

Бизнинг фикримизча корхоналар тижорат банкларининг кредитларидан аккредитивларни тўлашда хенг фойдаланишлари лозим. Бунинг учун корхоналарнинг кредит тўловларига лаёқатлигини ошириш лозим. Мамлакатимизда сўми эркин конвертирланишини жорий этилаётганлиги, корхоналарни банкларнинг хорижий валютадаги кредитларни қайтариш имкониятини оширади. Пировард натижада корхоналарнинг валюта маблағларни узоқ муддат хўжалик оборотидан чиқиб кетишга чек қўйилади. Айни вақтда, депонентланган маблағларни валюта рискига учраш муаммоси ҳам бартараф этилади.

Зарубежный опыт реформирования социального страхования

Ҳашимов П.З. – Ўзбекистон миллий университети, и.ф.н., доц.

Во многих развитых странах национальные системы социального страхования имеют следующие признаки:

- основные виды социального страхования носят обязательный характер;

- социальное страхование финансируется за счет страховых взносов работодателей и наемных работников с дополнительным участием государства;

- страховые взносы аккумулируются в специальных фондах, которые выплачивают пособия и пенсии, оплачивают социальные услуги;
- средства от поступлений, превышающие расходы на выплату пенсий и пособий, инвестируются с целью получения дополнительных доходов;

В развитых странах основополагающий принцип социального страхования – солидарность работников и работодателей в уплате страховых взносов и перераспределение накопленных средств в пользу нуждающихся.

Финансирование обязательного социального страхования обеспечивается в основном налогами и взносами с заработной платы. В этих странах оно стало предметом многочисленных дискуссий, особенно со времени экономического кризиса 1973 – 1974 гг. В них поднимались два основных вопроса:

1. Каким образом в перспективе модифицировать методы финансирования таким образом, чтобы сделать их более способствующими занятости и лучше приспособленными к различным формам и видам предоставления социальных выплат?
2. Что должна предпринимать государственная власть, чтобы справиться с такой тенденцией, когда расходы растут быстрее, чем поступления, позволяющие их финансировать?

Эта тенденция обусловлена, в частности, таким фактором, как старение населения, уже ставшее ощутимым в период 1950 – 1980 гг. Увеличение доли пожилых и престарелых граждан (75-80 лет и старше) в целом имеет серьезные последствия для финансирования обязательного социального страхования, непосредственно влияет на расходы в связи с пособиями по болезни и старости. Пенсионная система и здравоохранение столкнулись с проблемами финансирования, которые в будущем могут обостриться.

Увеличение расходов на социальное страхование увеличивает стоимость рабочей силы и может подорвать конкурентоспособность предприятия. Ввиду этого, в условиях роста безработицы и при сохранении общей тенденции к увеличению расходов на социальную помощь, большинство стран ЕС стремится облегчить бремя налогов с работодателей на социальное страхование.

Вместе с тем, сочетание старения населения со снижением доли занятых в общественном производстве среди лиц старше 60 лет уже стало характерным фактором за последние 80 лет. Последствия этой тенденции в полной мере скажутся в ближайшие годы.

Следовательно государственная власть в этих странах должна принять меры, направленные на повышение поступлений или же на сдерживание расходов по пенсионному обеспечению.

В настоящее время в США обсуждается и апробируется ряд предложений по реформированию здравоохранения и медицинского

страхования. Одной из идей является введение запрета на страховые тарифы, зависящие от состояния здоровья страхуемого, и замена их «коллективными тарифами». Другая идея состоит во введении системы платежей, при которой все страховщики договариваются оплачивать услуги стационаров по одинаковым ценам и, таким образом, пытаются создать монополию покупателей услуг. Однако противники данной системы указывают на то, что оно может остановить движение в направлении выбора более дешевых видов контрактов с производителями.

Каждый штат организует особый фонд медицинского страхования на случай крупных рисков, для предоставления страховых полисов лицам, которых компании не желают страховать. Такие фонды уже созданы в 19 штатах, однако, они охватили лишь 55 тыс. человек и их деятельность была убыточной. Управляющие данными фондами отмечают что, по крайней мере, 413 тыс. граждан в этих штатах нуждаются в условиях этих фондов, но не могут получить их.

Пожалуй, наиболее успешным методом контроля над ценами и объемами потребления услуг здравоохранения является составление для стационаров в рамках программы «Медикэр» перспективного бюджета, основанного не на фактически понесенных затратах, а на фиксированных ценах на случай заболевания. Данные нормативы цен были разработаны группой специалистов Йельского университета. На основе факторного анализа свыше 700 тыс. случаев госпитализации в 170 больницах, который проводился в течение 3 лет, были составлены 470 медико-экономических стандартов, объединяющих относительно однородные заболевания и однородные профили лечения. Благодаря этому анализу для каждой группы был определен объем ресурсов, сроки госпитализации и стоимость лечения. В соответствии с новой системой, больница получает заранее определенную фиксированную оплату, базирующуюся на диагнозе пациентов и не зависящую от фактически понесенных затрат. Сверхнормативные расходы учреждения не компенсируются, а полученная экономия средств остается в его распоряжении.

Тем самым создаются стимулы к ресурсосбережению и сдерживанию роста расходов на медицинские услуги. Эту систему в США начали применять и частные страховщики.

О концептуальном подходе к системному исследованию и моделях мирового финансового рынка

*Шохаъзамий Ш. Ш., Васиев А.С. – Тоникент молия институти,
Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Процесс глобализации мировой экономики зависит от согласованной интеграции национальных финансовых рынков на основе всеобщих принципов и стандартов. Заметим, что поэтапность принятия этих принципов и стандартов требует постепенного совершенствования как национальных законодательств, так и международных норм в области финансового рынка, которое обусловлено отличительными особенностями, различной степенью и

темпами развития национальных экономик и их рынков, в частности, и состоянием степени функционирования и перспектив развития мирового рынка в целом.

Отражением степени развитости экономики страны является национальный финансовый рынок, а мирового рынка – интегрированный на международном уровне мировой финансовый рынок. Причём известно, что определяющую индикативную роль на любом развитом финансовом рынке играет рынок ценных бумаг (фондовый рынок), иначе говоря, роль «реального рыночного барометра экономики», от показания которого зависят всякие инвестиционные решения, определяющие эффективное обращение ресурсов, причём ресурсов, находящихся в постоянном (непрерывном) движении, распределении и перераспределении, меняющихся под влиянием соотношения спроса и предложения на эти ресурсы со стороны как государства, так и других субъектов экономики. Инвестирование капитала через рынок ценных бумаг (РЦБ) предполагает перераспределение капитала путем перелива его к местам необходимого приложения и оттока капитала из мест, где он в избытке. Процесс такого перераспределения капитала на финансовом рынке (ФР) осуществляется посредством ценных бумаг. Они поглощают временно свободный капитал, где бы он ни находился, и через куплю-продажу помогают его «перебросить» в необходимом для общества направлении. В результате обеспечивается равновесие между общественным производством и общественным спросом. Заметим, что постоянный рост общественного спроса, обусловленный социальным и научно-техническим прогрессом, приводит к глобализации мировой экономики через ФР, в целом, и РЦБ, в частности.

Можно предположить, что по мере дальнейшего углубления и расширения процессов глобализации экономики путем постепенной (позатпной) интеграции национальных ФР в общемировую глобальную финансовую среду существующие проблемы и различия в функционировании и развитии национальных ФР могут соответствующим образом разрешаться и исчезать, и, таким образом, локальные (страновые) закономерности ФР постепенно начнут уступать свои позиции в пользу действия всемирных (всеобщих). Причём, по-видимому, в ближайшем будущем в условиях ввода всеобщих закономерностей общемировой финансовой среды, действующие по сей день на международных ФР правила «игры» сохранят большинство, но усовершенствованных и адаптированных к новым условиям, своих требований к действиям финансовых организаций (профессиональных институтов) и обращению инструментов (ценных бумаг) на всемирном ФР. Следовательно, эти результаты и подходы не могут в полной мере претендовать в будущем на системную трактовку закономерностей приближающегося всемирного (т.е. в перспективе единого для всех субъектов мировой финансовой среды) ФР.

В связи с этим предлагается один из возможных концептуальных подходов к системному исследованию закономерностей формирования, функционирования и развития мирового ФР и его сегментов, в том числе

национальных ФР и РЦБ, который может позволить выработать теоретические и методологические основы, практические рекомендации по глобализации мирового ФР. Подход основывается на математическом и структурно-функционально-модельном представлении ФР в целом и в его комплексе РЦБ с сегментами. Разработаны и предложены на основе данного подхода математические и структурно-функциональные модели ФР и его сегментов.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорига хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш

Хўжамқулов Д. - *Тошкент молия институти.*

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги роли ва мақоми унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам чет эл инвестицияларини мамлакат иқтисодиётига жалб қилишнинг мақбул йўллари танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Умуман жаҳонда инвестициялар учун қатъий рақобатли кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига бевосита чет эл инвестицияларини жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳоказо шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвесторларга nisбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, маблағларни Республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда ҳамда рақобатдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ тармоқларда мужассам қилиш, инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир.

Хорижий инвестицияларни жалб этишда нафақат давлат миқёсида, балки хусусий, жамоа мулк шакли эгаларига ҳам рағбатлантиришни уйғотиш лозимки, токи улар ҳам хорижий моддий инвестицияларини жалб қилишга имконлари бўлсин.

Республика миқёсида хорижий инвестицияларни моддий кўринишда жалб қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиб, унда қўйидаги тадбирлар ўз аксини топса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

- Республиканинг қайси ҳудудида бўлишидан қатъий назар, бугунги кунда устувор аҳамиятга эга бўлган соҳа аниқланиши лозим. Агарда ушбу тармоқларда хорижий инвесторлар ўз сармояларини моддий кўринишда сарфлар экан, улар учун солиққа тортиш имтиёзларини узоқ муддатли қилиб белгилаш (10 йилгача) мақсадга мувофиқдир.

- Мамлакатимизнинг шимолий ҳудудлари Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий ва жанубий ҳудудлар Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш. Чунки хорижий мамлакатлар тажрибаси маълумки, эркин иқтисодий маконларда хорижий инвестицияларнинг қўйилиб келиш эҳтимоли юқорироқ.

• Ривожланган мамлакатларда хорижий инвестицияни жалб қилишга бағишланган қонун ва қоидаларни мукамал ўрганиб ва ҳар томонлама таҳлил қилиб, уларга нисбатан инвестицион муҳитни янада яхшилаш лозим.

Хорижий инвестицияларни жалб этишда асосий йўналиш қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Жаҳон тажрибасининг тасдиқлашича, хорижий инвестицияларнинг қимматли қоғозлар орқали иқтисодийётимизга кириб келиши, мамлакатнинг тезроқ юксалишига имкон беради. Хорижий инвестицияларни қимматли қоғозлар бозори орқали иқтисодийёт тармоқларига жойлаштириш эса, капитални соҳалар ўртасида мутаносиб тақсимлашга ҳамда иқтисодийётнинг реал секторида унинг самарадорлигини ўсишига олиб келади.

Европейская валютная система, поэтапное формирование валютно – экономического союза

Умарова Д.М., Умаркулова И.Д.
Тошкент Давлат техника университети.

Характерная черта современности – развитие региональной экономической и валютной интеграции. Причинами развития интеграционных процессов являются: 1) интернационализация хозяйственной жизни, усиление международной специализации и кооперирования производства, переплетение капиталов; 2) противоборство центров соперничества на мировых рынках и валютная нестабильность. Страны ЕС создали собственную международную (региональную) валютную систему в целях стимулирования процесса экономической интеграции. В итоге длительных переговоров в 1979 г. была создана Европейская валютная система (ЕВС).

ЕВС – международная валютная система – совокупность экономических отношений, связанная с функционированием валюты в рамках экономической интеграции: государственно–правовая форма организации валютных отношений стран ЕС с целью стабилизации валютных курсов и стимулирования интеграционных процессов.

На основе «Плана Делора» в 1991г. был выработан Маастрихтский договор о Европейском союзе, предусматривающий поэтапное расширение валютно – экономического союза.

В соответствии с Маастрихтским договором экономический и валютный союз реализуется в три этапа.

Первый этап (1 июля 1990г. – 31 декабря 1993г.) – этап становления экономического и валютного союза ЕС (ЭВС). В его рамках были осуществлены все подготовительные мероприятия, необходимые для вступления в силу соответствующих положений Маастрихтского договора в Европейском Союзе.

Второй этап (1 января 1994г. – 31 декабря 1998г.) был посвящен дальнейшей, более конкретной подготовке стран – членов к введению евро. Главным организационным событием этого этапа стало учреждение Европейского валютного института (ЕВИ), основной задачей которого

являлось определение правовых, организационных и материально – технических предпосылок, координации национальных денежных политик стран – членов в преддверии становления ЭВС и в этом качестве мог выносить рекомендации их центральным банкам.

2 мая 1998г. Европейский Совет принял решение о том, какие из стран допускаются к переходу на евро с начала третьей стадии становления ЭВС. Ими стали Австрия, Бельгия, Германия, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерланды, Португалия, Финляндия, Франция.

Третий этап перехода к единой валюте (1999- 2002гг.) с 1 января 1999г. фиксируются валютные курсы евро к национальным валютам стран – участниц зоны евро, а евро становится их общей валютой. Начала свою деятельность Европейская система центральных банков (ЕСЦБ), которая использует евро для формирования единой денежной политики стран – участниц.

Эксперты прогнозируют заметные изменения, привносимые евро в международные экономические, в том числе валютно – кредитные и финансовые отношения. В зоне евро увеличится предложение в денежном рынке и рынке капитала за счет сокращения уже ненужных в прежних объемах валютных резервов стран зоны евро, равно как и снижения потребностей правительств в новых займах при стабилизированных государственных финансах. Это сделает данные рынки более свободными и динамичными, главной фигурой на них станет не государственный, а частный заемщик, а основные инвестиции пойдут не в государственные обязательства, а в ценные бумаги предприятий, в том числе в их акции, что в большой мере свяжет кредитный и фондовый рынок ЕС с производством. Ускорится оборот капитала в целом.

В перспективе создание экономического и валютного союза ЕС может изменить расстановку сил во всемирном хозяйстве в пользу «новой Европы» за счет определенного ослабления мировых позиций США и Японии.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда кредитнинг аҳамияти

*Султанходжаев У.А., Ходжаев Ж.Р. - Солиқ ва боғхона
органилари Академияси, Тошкент молия институти.*

Бугун Ўзбекистондаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўтказилаётган ўзгаришлар иқтисодий янги босқичга кўтарди. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг босқичи, эришилган натижаларни мустаҳкамлаш ва уларни янада ривожлантиришга қаратилган. Ўзбекистон иқтисодийнинг етакчи тармоқлари янги техника билан таъминлаш учун хорижий инвестиция маблағлари зарур. Бунинг учун халқаро банklar кредитлар ажратмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларинг муваффақиятли олиб борилиши, республика молия кредити соҳасида бевосита инвестициялар кўринишида чет эл сармоясини жалб этиш соҳасида, хорижий банklar билан ҳамкорлик ривожланишига ёрдам берди. Хорижий

инвестициялар мамлакатга кириб келишда Ўзбекистон Миллий банки, бошқа тижорат банклар, хорижий банклар ва молия муассасалари очган кредит линиялари юзасидан хизмат кўрсатаётгилар. Хусусан, АҚШ, Япония, Корея, Туркия экспорт-импорт банклари, халқаро молия корпорацияси, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Осие ривожланиш банки, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, экспортни суғурта қилиш агентликлари, Американинг Чейз Манхеттен Банки, Берлинер банк; Швейцария ЮБС, Бельгиянинг Женерал банклари ва бошқа энг катта банклар шулар жумласидандир. Ушбу кредит линиялари миллий иқтисодиёт таркибан ўзгартирилишини таъминловчи, Республика иқтисодиётининг учун гоёт муҳим бўлган инвестиция лойиҳаларини кредитлашга мўлжалланган.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки 371,86 млн. АҚШ долларлари бўлган бир қанча лойиҳаларни маъқуллади. Улар орасида:

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида реконструкция қилиш қиймати 210 млн АҚШ долларига тенг. Сирдарё ГРЭСни реконструкция қилиш учун, ЕТТБ 90 млн АҚШ долларлари ажратган. Бундан ташқари кичик ва ўрта бизнес учун 120 млн АҚШ долларлари ҳажмида 2-кредит линияси очилди.

Ҳозир Ўзбекистондаги етакчи тармоқларни жаҳон андозаларига кўтаришимизда Халқаро кредитнинг роли каттадир. Кредит орқали юқори даражаларга эришишимиз онсонрок бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзлар бўйича пухта ва чуқур ўйланган сиёсат юритиши натижасида, Халқаро экспорт-кредит агентликлари томонидан республика учун хатар даражасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Италиянинг «SACE» суғурта жамияти Ўзбекистон Республикаси рейтингини қайта кўриб чиқди ва оширди. Шу муносабат билан Ўзбекистонлик импортчилар италиялик товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини сотиб олиш арзонлашган ва қулай шароит яратилган.

Франциянинг «Caface» суғурта жамияти Ўзбекистон Республикаси ҳукуматидан кафолат талаб қилмасида 30 млн. француз франкига бўлган миқдорда кредит берди. Юқорида айтиб ўтилган лойиҳалар учун олган кредитлар етакчи тармоқларимиз ривожланишига катта ёрдам берди.

Солиққа тортиш тизиминг самарадорлигини ошириш омиллари.

Секция раиси: Гадовен Э.Ф.,-Давлат солиқ кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, и.ф.н.

Секция раисининг ўринбосари: Мирзаев Т.- “Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси бошлиғи, и.ф.н., доц.

Котиб: Камолов А.-“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси доценти.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида юридик шахсларни солиққа тортишни такомиллаштириш концепцияси

Мирзаев Т.Қ. - *Солиқ ва божхона органлари академияси, и.ф.н., доц.*

Ўзбекистон Республикасида кенг миқёсда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни мулккий муносабатлар салмоғига аста-секин таъсир кўрсатаётгани сезилиб турибди. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес соҳаси ривожланишининг ҳуқуқий асослари кенгайтирилиши билан умумиқтисодий тармоқлар ялпи маҳсулотининг ҳажмида кичик ва ўрта корхоналарнинг улушини оширишга имконият вужудга келди. Лекин бу ҳали ўз ривожининг бошланғич босқичларида турибди.

Республикамизда жаҳон иқтисодиёти билан интеграцияланишда жиддий эркинлик вужудга келди. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида умумиқтисодий комплексларнинг асосий таркибий қисми бўлган нефть ва газ, тоғ-кон, озиқ-овқат, енгил саноат, машинасозлик, автомобилсозлик ва телекоммуникация тармоқларининг ривожланиши ҳамда жаҳон иқтисодиёти билан интеграцияланиш мақсадида хорижий капитални республикага жалб қилиш, хорижий компаниялар билан кооперацияланиш, қўшма корхоналар ташкил қилишга кенг йўл очиш каби аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар Ўзбекистонни босқичма-босқич жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига иқтисодий замин яратмоқда.

Иқтисодиётнинг эркинлашиши натижасида давлат ва хўжалик субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатларни фақат солиқлар ҳамда солиққа тортишнинг мувофиқлаштирув функциялари билан мақсадга мувофиқ йўналтириш учун кенг имкониятлар вужудга келди.

Солиқ тизимини такомиллаштиришда давлат бюджети манфаатлари билан бир қаторда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва солиқ тўловчиларнинг молиявий манфаатлари инobatга олинган ҳолда солиқ сиёсатининг ислоҳий йўналишларини белгилаш, амалга ошириш, бозор иқтисодиёти муносабатларини босқичма-босқич такомиллаштириш жараёнининг энг муҳим тамойилларига айланмоқда.

Солиқлар ва солиққа тортишнинг юқорида келтирилган иқтисодий-ижтимоий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни эркинлаштириш босқичларида юридик шахс мақомидаги хўжалик

субъектларини солиққа тортишда қўйидаги концепциявий ғоялардан амалий фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Чег эл сармоядорлари иштирокида ташкил этилаётган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси табиий ресурслари ва хом ашёсидан истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, экспорт қилинадиган корхоналар учун даромад (фойда) солиғидан имтиёз белгиланиши, Ўзбекистон моддий ресурсларини ярим тайёр маҳсулот шаклида четга олиб чиқиб кетилишини камайтириш ва республика миллий даромадини кескин ошишини таъминлайди.

Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг 2/3 қисмини қишлоқ ҳудудларида жойлашганлигини ва айнан шу жойларда ишсизлик шаклланаётганлиги боис кичик шаҳар ва туманларбоп янги технологияларга асосланган ва маҳаллий хом ашёларни қайта ишлашга мўлжалланган корхоналарни бевосита солиқ турларидан озод этиб, билвосита солиққа тортиш услубининг қўлланилиши ўрта бизнес хўжалик субъектларини қишлоқ марказларига кириб бориши эвазига ишсизликни кескин камайтиради.

Саноатбоп маҳаллий хом ашёларни бойитиш билан боғлиқ технологияларга эҳтиёж бор соҳаларда янги технологиялар келтириш эвазига барпо қилинадиган қўшма корхоналар ишлаб чиқаришни ташкил қилиниши учун мол–мулк солиғидан имтиёз яратилиши миқдор жиҳатдан иқтисодий самара берадиган, лекин қайта ишланишни талаб қилувчи бой хом ашё ресурслари ҳисобидан рақобатбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг миқёсда ривожлантиришни таъминлайди.

Хусусийлаштирилган кўчмас мулклардан аҳоли эҳтиёжи учун ўта зарур бўлган фаолият турини ташкил қилган хўжалик субъектлари учун имтиёзга ягона солиққа тортиш усулини қўллаш жойларда, айниқса, қишлоқ ҳудудларида айтирлик юқори даромадга эга бўлмаган, лекин ижтимоий аҳамиятга эга хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига имкон яратади.

Республика маҳаллий хом ашё ва табиий ресурсларидан истеъмол учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик ва ўрта бизнес даражасидаги технологияларни республикага келтириб сотувчи ва хўжалик субъектлари билан ҳамкор ҳолдинг хизматларини ташкил қилган хўжалик субъектларини божхона божлари ва солиқ тўловларидан озод этилиши республикада кичик бизнес корхоналарининг кўпайишини таъминлайди.

Давлат мулкани хусусийлаштириш натижасида монополлаштирилган фаолият турлари билан шуғулланаётган хўжалик субъектларини махсус юқори ставкаларда солиққа тортишни жорий қилиниши кўчмас мулклардан самарали фойдаланиш имкониятларини вужудга келтиради ва хусусийлаштирилган давлат мулкани кенг қатламдаги аҳолига хизмат қилувчи соҳаларини расмийлаштирилишига олиб келади.

Шоҳона турмуш тарзига оид буюмлар савдоси ва элита хизматларига оид фаолият билан шуғулланаётган хўжалик субъектлари учун даромад даражасига қараб, прогрессив ставкаларда солиқлар жорий қилиниб, яширин

ва ноқонуний равишда орттирилаётган бойликнинг бир қисмини солиқ сифатида республика тараққиётига хизмат қилишига йўналтириш мумкин.

Жисмоний шахслар транспорт воситаларига ёқилғи ишлатганлик учун солиқнинг бухгалтерия ҳисоби

Қурбонов З.- *Солиқ ва боғжона органлари академияси, и. ф. н.*

Ўзбекистон Республикаси Назирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилдаги асосий микроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг истиқболлари тўғрисида»ги 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарорига асосан, 2002 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ жорий қилинди. Бу солиқ жисмоний шахслар транспорт воситаларига солинадиган мол-мулк солиғи ўрнига киритилди.

Ушбу солиқларни тўловчилар, бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газни жисмоний шахсларга чакана сотувчи, мол шаклидан қатъий назар, ёқилғи қўйиш шахобчалари (АЁҚШ) ҳисобланади.

Солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланди ва барча ҳудудлар учун ягона ҳисобланади. Унинг миқдори А-72, 76 ва 93 бензинлари учун бир литрга 20 сўм, суюлтирилган газнинг 1 килограмми учун 17 сўмни ташкил қилади.

Солиқ суммасини ҳисоблаш учун сотилган бензиннинг натурал ҳажмини солиқ ставкасига, яъни А-72 бензини учун 20 сўмга кўпайтирилади.

Масалан: АЁҚШда бир ойда 10500 литр А-72 маркали бензин сотилган бўлса, солиқ суммаси = $10500 \times 20 \text{ сўм} = 210000 \text{ сўмга тенг}$ бўлади.

Ушбу солиқларни жорий қилиниши билан бу солиқ бухгалтерия ҳисобининг сўмларида акс эттириш методикасини ишлаб чиқишга эҳтиёж вужудга келди. Солиқни бухгалтерия ҳисобининг сўмларида акс эттириш методикаси қўйилагича:

1. АЁҚШ нефт маҳсулотлари базасидан 10000 литр бензин олди (1 литр бензинни сотиб олиш баҳоси 166 сўм):

Дебет 41 «Товарлар» сўми 1660000сўм.

Кредит 60 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб - китоб» сўми 1660000 сўм.

2. Қўйилган устама учун (1 литр бензинга 14 сўм устама белгиланади):

Дебет 41 «Товарлар» сўми 140000сўм.

Кредит 42 «Савдо устамаси» сўми 140000 сўм.

3. Чакана сотилган бензин суммасига (1 литр бензинни сотиш баҳоси 200 сўм, шундан 20 сўм солиқ миқдори):

Дебет 46 «Реализация» сўми 2000000 сўм.

Кредит 41 «Товарлар» сўми 1800000сўм.

Кредит 68 «Бюджет билан ҳисоб-китоб» сўми 200000 сўм.

4. Савдодан (реализациядан) тушган нақд пул хўжалик юритувчи субъектнинг кассасига топширилганда:

Дебет 50 «Касса» счёти 2000000 сўм.

Кредит 46 «Реализация» счёти 2000000 сўм.

5. Савдо пули банкдаги ҳисоб–китоб счётига топширилди:

Дебет 51 «Ҳисоб–китоб» счёти 2000000 сўм.

Кредит 50 «Касса» счёти 2000000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти «Хўжалик юритувчи субъектлар молия–хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси»га асосан, жисмоний шахслар транспорт воситаларига ёқилғи ишлатганлик учун тўланадиган солиқ билан боғлиқ операцияларининг бухгалтерия ҳисоби методикаси қуйидагича бўлади:

Корхона бухгалтериясида солиқ турлари бўйича алоҳида счётлар очилади.

АЁҚШдаги ёқилғиларнинг бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисобининг 4-сонли «Товар моддий захиралар» номли миллий стандартга асосан олиб борилади. Бу ерда ҳам олдинги мисолларда келтирилган кўрсаткичлардан фойдаланамиз.

1. Ёқилғи сотиб олинishi:

Дебет 2920 «Товарлар» счёти 1660000сўм.

Кредит 6010 «Мол етказиб берувчиларга тўланадиган счётлар» счёти 1660000 сўм.

2. Ёқилғи жисмоний шахсларга нақд пулга сотилганда:

Дебет 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счёти 2000000сўм.

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад» счёти 1800000 сўм.

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (бу сумма солиқ бўйича тузилган ҳисоботга асосан аниқланади)» счёти 200000 сўм.

3. Сотилган ёқилғи таннархига:

Дебет 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счёти 1660000 сўм.

Кредит 2920 «Товарлар» счёти 1660000сўм.

4. АЁҚШ хўжалик субъектининг молиявий натижасини аниқлаш:

а) даромад бўйича:

Дебет 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад» счёти 1800000 сўм.

б) сотилган ёқилғи таннархи бўйича:

Кредит 9900 «Якуний молиявий натижа» счёти 1660000 сўм.

Кредит 9120 «Сотилган товарлар таннархи» счёти 1660000 сўм.

5. АЁҚШ хўжалик субъектида ялпи даромад солиғи ҳисоботига асосан ҳисобланганда:

Дебет 9810 «Даромад (фойда) солиғини тўлаш» счёти 25000 сўм.

Кредит 6411 «Бюджетга даромад солиғи бўйича қарздорлик» счёти 25000 сўм.

6. Ҳисобот даврининг охирида ҳисобланган даромад солиғи суммаси молиявий натижаларга ўтказилади:

Дебет 9900 «Якуний молиявий натижа» счёти 25000 сўм.

Кредит 9810 «Даромад (фойда) солигини тўлаш» счёти 25000 сўм.

7. Солиқлар давлат бюджетига тўланганда (2 ва 5 операцияларга қаранг):

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счёти 200000 сўм.

Дебет 6411 «Бюджетга даромад солиги бўйича қарздорлик» счёти 25000 сўм.

Кредит 5110 «Ҳисоб–китоб» счёти 225000 сўм.

Бухгалтерия ҳисоби счётларида хўжалик операцияларининг мазкур методикада ақс эттирилиши молиявий фаолият натижасини содда ва қулай усулда аниқланишини таъминлайди.

Совершенствование системы налогообложения

*Исмоилов М. – Қирғизистон Республикаси
Давлат солиқ инспекцияси*

В целях реформирования системы налогообложения в 2001 году была принята концепция совершенствования налоговой политики в Кыргызской Республике.

Реализация заложенных направлений Концепции по реформированию налоговой системы в совокупности с другими организационными и законодательными мерами позволит нам довести объем налоговых поступлений в 202 году до 13,4% к ВВП, в 2003 году до 14,1% к ВВП, 2004 году до 14,5% к ВВП, в 2005 году до 15% к ВВП.

Основными направлениями Концепции совершенствования налоговой политики в Кыргызской Республике и налоговой реформы на период до 2005 года станут:

Изменение налоговой политики в Кыргызской Республике

- введение налога на недвижимое имущество;
- увеличение ставок земельного налога в среднесрочной перспективе и дальнейший переход его взимания исходя из рыночной стоимости земли;
- введение налога на недропользование с одновременной отменой отчислений на производство и развитие минерально – сырьевой базы;
- упорядочение перечня видов деятельности, подлежащих обложению на патентной основе;
- поэтапная, с учетом возможностей бюджета, отмена нерыночных налогов, таких, как налог за пользование автодорогами и отчислений в ФПЛЧС;
- приближение объемов вычета к реальным затратам хозяйствующих субъектов;
- отмена льгот, касающихся отдельных хозяйствующих субъектов, а также групп (отраслей) субъектов;
- освобождение от НДС видов поставок, а не отдельных категорий субъектов;
- поэтапная отмена отдельных льгот по НДС.

Улучшение и усиление администрирования налогов

- ❖ совершенствование механизма по применению и расширению прав налоговой службы в части контроля за соблюдением налогового законодательства;
- ❖ пересмотр мер ответственности за применение контрольно – кассовых машин;
- ❖ создание в структуре налоговых органов подразделений по работе с крупными налогоплательщиками;
- ❖ введение бланков счетов – фактур по налогу на добавленную стоимость как бланков строгой отчетности и их выдача только через налоговые органы;
- ❖ разработка системы учета налогоплательщиков, совершивших налоговые нарушения, в целях исключения возможности ведения ими хозяйственной деятельности до погашения финансовой и отчетной задолженности перед бюджетом (погашение недоимки, ликвидация неработающих предприятий т.д.);
- ❖ совершенствование законодательной базы путем исключения противоречивых, неясных положений Налогового Кодекса Кыргызской Республики, вопросов налогообложения из всех законодательных актов и включения их в Налоговый кодекс Кыргызской Республики, приведение в соответствие с Налоговым кодексом Кыргызской Республики инструктивных материалов других подзаконных актов;
- ❖ повышение мер финансовой и уголовной ответственности за умышленное сокрытие налогов, приведение в соответствии всех нормативных актов, предусматривающих меры ответственности за налоговые преступления (нарушения);
- ❖ повышение мер финансовой и уголовной ответственности работников фискальных органов за повышение должностных полномочий;
- ❖ создание единой информационной системы (Минюст, Нацстатком, Соцфонд, Госрегистр, ГНИ, ГТИ) в целях совершенствования учета налогоплательщиков и единого учета косвенных налогов.

Отдельные виды экономической деятельности мы перевели на патентную систему уплаты налогов в обязательном порядке (сауна, бильярд, дискотеки, казино, обменные пункты валют, автостоянки). При этом субъекты, уплачивающие налог на патентной основе в обязательном порядке, на период действия патента освобождаются от проверок.

Также мы приняли упрощенную систему налогообложения субъектов малого предпринимательства. Юридические и физические лица с объемом валовой выручки до 3,0 млн. сом в год могут стать плательщиками единого налога (взамен налога на прибыль, налога за пользование автодорогами, отчислений в ФПЛЧС и налога с продаж – для физических лиц).

Кроме того, в целях увеличения экспортного потенциала республики, реального упрощения и повышения эффективности процедур возмещения налогов в целом, а также снятых многих спорных вопросов, связанных с

текущим положением, утверждено новое Положение «О зачете, возврате и возмещении из бюджета сумм переплат по налогам и другим платежам».

По состоянию на 1 апреля 2002 года проведена работа по заключению Соглашений об избежании двойного налогообложения с 18 государствами мира. Указанные соглашения вступили в силу с 9 государствами: с Республикой Казахстан, Российской Федерацией, Белоруссией, Республикой Узбекистан, Украиной, Таджикистаном, Канадой, Турцией и Индией.

Со всеми странами СНГ Кыргызская Республика перешла на принцип «страны назначения» при взимании косвенных налогов.

Халқаро суғурта компанияларининг фаолияти.

Ходжаев Ю.Ч., Шерханов А. -

Солиқ ва божхона органлари академияси.

Жаҳон хўжалиги тараққиётнинг янги босқичига кўтарилаётган бир шароитда, ҳеч бир алоҳида давлат ўз ривожланиш истиқболларини танҳоликка таянган ҳолда белгилай олмайди. Мамлакатлараро, халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга эътибор берилаётган даврда суғурта иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Шунинг учун ҳам жаҳон талабига жавоб бера оладиган суғурта тизимини вужудга келтирмасдан туриб мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига кириб бориши қийин. Демак, ҳозирги кунда суғурта компанияларининг фаолиятини халқаро талаб даражасига олиб чиқмоқ бугунги кун талаби ҳисобланади.

Суғурта фаолиятини ривожланган давлатлар суғурта компанияларининг фаолияти даражасига кўтариш оққали ташқи иқтисодий алоқаларнинг вужудга келишига, жаҳон бозори ва халқаро савдонинг ривожланишига эришилади. Ривожланаётган давлатлар ўз иқтисодиётини ривожлантиришда кўпроқ чет эл сармояларидан фойдаланади. Чет эл сармояларининг мамлакатга кириб келишини етарли миқдорда таъминлаш учун ишончли суғурта ташкилотларини вужудга келтиришлик шу куннинг талабидир.

Суғурта компанияларининг халқаро йўналишдаги фаолиятини ривожлантириш ўз навбатида, айрибошлаш ҳажмига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши даражасига ва товар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига таъсир кўрсатади ҳамда мамлакатлар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг кенгайишига имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида кучли экспорт бўғинини ташкил этиш ва уни жаҳон бозорида муносиб ўринга эга бўлишини таъминлаш учун инвестицияларни ишончли суғурталаш бугунги кун талабидир.

Бундай ишончли суғурта хизматлари бозорини яратиш чет эл сармояларини мамлакатимизга кўпроқ кириб келишига имкон яратади. Ҳозирда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини халқаро талабга жавоб бера оладиган кўрсаткичга етказиш учун кўп сармоя талаб қилинади. Бу муаммони ҳал қилишнинг бирдан бир йўли суғурта тизимини жаҳон

андозаси талабига жавоб бера оладиган кўрсаткичга олиб чиқишликдир. Бу эса суғурта бозорининг халқаро фаолиятдаги муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони юқоридаги вазифаларни ҳал этишда аниқ йўл-йўриқларни белгилаб берган ҳужжатдир. Бунда суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнининг янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни яқунлашни тезлаштириш, Республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Суғурта компанияларининг халқаро йўналишда фаолият кўрсатиши уларнинг тўловга қобилиятлилиги билан аниқланади. Халқаро суғурта ташкилотларининг молиявий ҳолати қуйидаги кўрсаткичларда тавсифланади:

- суғуртавий ҳолатлар бўйича тўловлар даражаси;
- битта суғурталовчи учун хатар катталиги;
- суғуртавий қоплама учун заҳиралар етарлилиги;
- ташкилот активларининг мавжудлиги;
- инвестицион фаолият хусусияти ва даромадлилик.

Халқаро йўналишда фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари барча мамлакатдаги қонун ва нормативларга риоя қилиши ҳамда бу мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Европа мамлакатларида суғурта бозорини назорат қилишда давлат томонидан турли усуллар қўлланади. Масалан, Германияда тариф назорати муҳим восита ҳисобланса, Францияда эса тариф сиёсатини тўғри олиб борилиши туфайли суғурта бозорига соғлом рақобат таъминланади.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш учун хорижий суғурта компанияларининг бўлимларини очиш мақсадга мувофиқдир. Хорижий суғурта компанияларининг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ва шу билан бирга улар билан ҳамкорликда суғурта фаолиятлари йўлга қўйилса, мамлакатимизга хорижий сармояларни кенг миқёсда жалб қилинишига имконият вужудга келади.

Норезидент жисмоний шахсларни солиққа тортишни такомиллаштириш

Джаппаров Ш. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу борала давлат солиқ сиёсатининг тўғри олиб борилиши солиқлар ва йиғимларни бюджетга ўз вақтида

тушириш ишларини амалга ошириш, республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Солиқлар бюджет даромадларининг асосий қисмини ташкил қилиб, улар халқ хўжалигига ва аҳолига зарур бўлган яхшироқ маҳсулот ва товарларни қўллаб ишлаб чиқаришга интилувчи хусусий тадбиркорлик кичик ва ўрта бизнесни, деҳқон ва фермер хўжалиklarини, шунингдек жисмоний шахсларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бюджетнинг даромад қисмида тўғри солиқлар ва солиқсиз даромадларнинг устуворлиги таъминланганлиги, унинг харажат қисмида социал маданий тадбирларга эътибор қаратилганлиги Президенти И.Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига тўла-тўқис мос келаётганлиги билан ажралиб туради.

Бозор иқтисодиёти ривожланган барча мамлакатларда бўлганидек, давлатимизда ҳам бюджет даромадининг салмоқли қисми солиқлар ва солиқ вазифасини бажарувчи тўловлар, йиғимлар ҳисобидан шаклланади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, Ўзбекистонда олиб борилган оқилона солиқ сиёсати мустақил ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчилар қаторида жаҳон андозаларига жавоб берадиган Солиқ кодексининг қабул қилиниши ва унинг 1998 молия йилидан кучга киришига замин яратди. Солиқ кодексининг жорий этилиши қатор ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Биринчидан, тўлов субъектлари эндиликда биргина ҳужжат ёрдамида Ўзбекистон солиқ тизимидаги барча солиқлар ва йиғимлар ҳақида муфассал маълумотлар оладиган бўлишди.

Иккинчидан, ушбу ҳужжатнинг кучга кириши билан бир қатор қонун, қарор ва фармонлар бекор қилинди. Яъни орғиқча қоғозбозликка чек қўйилди.

Учинчидан, солиқ тўловчининг мажбуриятлари билан бир қаторда, унинг ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилди. Демак, эндиликда солиқ тўловчи субъект ўз ҳақ – ҳуқуқини тўлиқ талаб қилишига имконият яратилди.

Норезидент жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолиятдан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олган ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар, шу жумладан:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинadиган даромадлар;
- жисмоний шахсларнинг мулкий даромади;
- жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан келадиган ялпи даромадлари киради.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган республика резидентларидан бўлган жисмоний шахсларнинг даромад солиғининг суммалари солиқ тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинadиган суммаларнинг миқдори жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ставкалар бўйича ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан ошмаслиги лозим.

Чет эллик жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларида белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда солиқ солинади.

Чет эллик резидент - жисмоний шахсдан Ўзбекистон Республикаси фуқароси сингари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ ундирилади.

Ўзбекистон Республикасида резидент бир неча турда даромад олганда, жами даромадни ҳисоблашда айрим муаммолар мавжуд.

Масалан, жисмоний шахс ўтган молия йилида 2 та ҳар қил туманларда даромад топганлиги учун, юридик шахслар норезидент томонидан олинган даромадлар ва ушлаб қолинган солиқларнинг маълумотлари 2 та солиқ органларига тақдим этилади. Натижада чет эллик жисмоний шахслар бўйича, жами олган даромадларни аниқлаш ва қўшимча даромад солиғини ҳисоблаш ҳамда ундиришда ўзига хос ноқулайликлар вужудга келади.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун Солиқ кодексининг 63-моддасига қуйидаги қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ:

Норезидент чет эллик жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасига келган кунидан эътиборан – 3 кун ичида солиқ органларига тегишли маълумотнома тақдим этишлари белгилаб қўйилиши керак.

Норезидент чет эллик жисмоний шахснинг фаолияти календар йил мобайнида тўхтатилган ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетадиган ҳолларда, амалда олинган даромадлари ҳақида жўнаб кетишидан камида бир ой олдин мўлжалдаги даромадлар ва ушланадиган солиқлар ҳақида солиқ органларига тегишли маълумотнома тақдим этилиши жорий қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса ўз навбатида солиқ тўловчиларни вақтида рўйхатга олиш; белгиланган солиқлар бўйича шахсий ҳисоб варақаларни юритиш; жами даромадлар бўйича даромад солиғини ҳисоблаш ва вақтида давлат бюджетига тушишини таъминлайди.

Норезидентларни солиққа тортишда ахборотларни айрибошлаш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк, Давлат божхона кўмитаси, Макроиқтисодиёт вазирлиги билан идоралараро ахборот айрибошлашнинг автоматлаштирилган интеграция тизимини яратиш бўйича босқичма – босқич ишларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ривожланишининг асосий босқичлари

Шерханов А. – Солиқ ва божхона органлари академияси.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ривожланишини учта асосий босқичга ажратиш кўрсатиш мумкин. Биринчи босқич 1991-1994 йилларни ўз ичига олиб, қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишдан

иборат бўлган: бозор иқтисодиётига мос бўлган мустақил солиқлар тизимини барпо қилиш ва уларни ҳўжалик амалиётига жорий этиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш, корхоналарни ҳам ашё ресурслари билан таъминлаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш, давлат бюджетига ўтказиш соҳасида қонунчилик талабларининг бажарилишини таъминлайдиган мустақил тизим сифатида давлат солиқ хизматини шакллантиришдан иборат. Ушбу вазифаларни ҳал этиш зарурлиги мустақил республикаимиз солиқ тизимининг шаклланиши ва фаолиятининг биринчи босқичига хос хусусиятларини белгилаб берди. Бунда солиқларнинг фискал ва қайта тақсимлаш сингари функциялари асосий ўринда турди. Инфляция ва бюджет камомади шароитида иқтисодий функция ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш мақсадида эмас, балки қисқа муддатли вазифаларни ҳал этиш учун ишлатилди.

Мамлакатимизда шаклланган иқтисодий вазиятнинг ўзига хослиги, солиқ тизимида ҳам ўз аксини топди. У даврда ҳам ашё ресурсларини олиб чиқиб кетиш учун солиқ амортизациядан ажратмалар, корхоналар даромадларига солиқ сингари солиқлар мавжуд эди. Солиқ юкининг асосий қисми юридик шахслар зиммасига тўғри келар эди. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларни солиққа тортиш имтиёзли тусда бўлиб, уларнинг даромадларини белгиловчи усул ишлаб чиқилмаган эди. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар солиқ тизимида ҳам ислоҳот олиб борилишини талаб қиларди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичига хос зарур вазифаларнинг ҳал этилиши, ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлаш, инфляция даражасини чеклаш, солиқ тизимини такомиллаштиришнинг янги босқичига ўтиш зарурлигини тақозо этарди. Кейинги босқичда (1995 - 1999 йилларда) бозор иқтисодиёт тизимида жавоб бермайдиган солиқ ва тўловлар чиқариб ташланди. Ўз маблағларини янги технологияларга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлайдиган корхоналарнинг имтиёзларини кўзда тутувчи фойда солиғи жорий қилинди. Солиқлар миқдори ва ставкаларини корхона фаолият турига қараб камайтирилди. Бир неча турдаги иш ҳақида эга бўлган фуқаролардан даромад солиғини ҳисоблаш ва тўлашнинг декларация усули жорий қилинди. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида иқтисодий ислоҳотлар жараёнини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлашни янада такомиллаштиришга эътибор берилди. Хусусий тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг ягона тизими яратилди. Ўзбекистон солиқ тизимининг ривожлантиришдаги иккинчи босқичи давомида солиқ солишга доир мавжуд қонун ҳужжатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Солиқ тизимининг учинчи босқичи (2000 йилдан бошлаб)да ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини эркинлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, инвестиция жараёнларини ривожлантириш каби масалаларнинг ечими, солиқ юкини камайтиришга, кичик ва ўрта

тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини соддалаштиришга, хўжаликлар фаолиятига асоссиз аралашилардан ҳимоялашни кучайтиришга, самарали солиқ тизими тамойилларини янада тараққий эттиришига алоҳида эътибор қаратилди. Бу босқичдаги солиқ тизимини такомиллаштириш учун солиқ қонунчилиги талабларининг мажбурий ва оғишмай бажарилишини таъминлаш, солиқ тўловчи ҳуқуқларини ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг тенглиги, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларнинг оддийлиги, тақдим этиладиган ҳисоботларни мазмуний соддалаштириш, солиқларнинг энг муҳим турлари бўйича ягона ставкалар белгиланиши, иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳақидаги халқаро битимларни такомиллаштириш, валюта бозорини ривожлантириш, ички истеъмол бозорини республикада ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош товарлар билан тўлдириш, республикага импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва сотишни тартибга солиш чора-тадбирларини кўриш, жисмоний шахсларнинг жами даромадларини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш каби вазифаларни бажариш керак бўлади.

Солиқ ислоҳотлари концепцияларини ривожлантиришнинг бозор иқтисодий муносабатларининг ҳозирги босқичига хос йўналишлари

Мирзаев Т. Қ., Умаров Б.З. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Ўзбекистон Республикасида кенг миқёсда амалга оширилаётган иқтисодий эркинлаштириш жараёнлари давлат солиқ тизимининг янги ҳуқуқий муносабатларини шакллантиришни тақозо қилмоқда.

Республика иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлашда умумиқтисодий комплекслар билан бир қаторда кичик ва ўрта бизнес субъектлари салмоғининг сезиларли даражада ошиб бориши, хўжалик юритишнинг эркинлашуви ва хусусийлаштирилишининг жадал суръатлар билан амалга ошаётгани натижасида иқтисодий тузилмалар таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди ва мулкий муносабатларнинг бозор шароитларига хос ҳуқуқий нормаларининг ислоҳ қилинишига муайян шароит яратилди.

Бу вазият иқтисодий ривожланиш босқичларига мос келувчи ислоҳот тадбирларининг илмий асосланган ва стратегик мақсадларга мувофиқ келувчи солиқ концепцияларини ишлаб чиқиш орқали тегишли снётни рўёбга чиқаришни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда Солиқ ва божхона органлари академиясида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида солиқ ислоҳотларининг стратегик йўналишлари пайдо бўлди. Шу бонс тадқиқотчи олимлар Давлат солиқ тизимининг умумлаштирилган назарий ва ҳуқуқий асослари, солиққа тортиш муносабатларини такомиллаштиришнинг концепциявий ғоялари, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланган хорижий мамлакатлардаги илғор амалиётга асосланган жаҳон андозалари асосида ва умуман, солиққа тортишнинг самарали усулларини инobatга олган ҳолда тадбиркор жисмоний

шахсларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг ижтимоий омиллари сифатида қуйидаги концепциявий таклифлар тавсия қилинади:

1. Якка тартибда фаолият кўрсатиб топилган даромадни солиққа тортишда оилавий даромад миқдори инобатга олинган ҳолда табақалаштирилган ставкаларда солиққа тортишнинг жорий қилиниши адолатлилик тамойилининг устуворлигини таъминлайди.

2. Иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган ҳудудларда якка тартибдаги фаолиятни ривожланишига ва аҳолини даромад билан таъминланишига шароит яратиш мақсадида тегишли маҳаллий ҳокимиятларга солиқ имтиёзлари белгилаш ваколати берилиши, жойлардаги маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда, аҳолини даромад билан таъминланиш даражасини ошириш имконини беради.

3. Яширин фаолият ёки гайри қонуний равишда шаклланган бойлик эвазига орттирилган моддий қийматлар ва кўчмас мулкларни мерос қолдириш ёки ҳада қилиш йўли билан бўйиндан соқит қилиш ҳаракатларини прогрессивлаштирилган юқори ставкаларда солиққа тортишни жорий этилиши яширин фаолиятни жиловлаш имкониятларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин.

4. Давлат мулкани хусусийлаштириш эвазига йирик кўчмас мулк эгалигига эришган ва ундан ижара ҳақи олиш йўли билан даромад олаётган жисмоний шахсларни даромадлилик даражасига қараб, прогрессив ставкаларда солиққа тортишни жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Йирик кўчмас мулклар ишлаб чиқариш учун ижарага берилган ҳолларда даромадлилик даражасига қараб регрессив ставкалар қўллангани маъқул.

5. Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадни солиққа тортишда даромад олиш манбаини вужудга келтириш билан боғлиқ харажатларнинг ҳисобини юритиш ва уларни солиққа тортиладиган базадан чегириб ташлаш тизимини жорий этиш республика ички бозорида четдан келтирилган истеъмол товарларини сотишда эркин рақобат муҳитининг шаклланишини таъминлайди.

6. Кичик ишлаб чиқариш бизнесини инвестициялаш натижасида фонслар ва дивидендлар шаклида олинган даромадларнинг солиққа тортишдан озод этилиши кичик бизнесни ривожлантириш учун лозим бўлган маблағлар жамғармасининг кўпайишига имкон яратади.

Бюджетлар даромадини шакллантиришда имтиёзлар манфаатдорлигини ошириш йўналишлари бўйича тавсиялар:

а) вилоятлар бюджетини шакллантиришда ижтимоий суғурта фондларига ажратмалар жорий қилиш орқали давлат бюджети даромадларидаги солиқ улушини қизиқтиришга эришиш, яъни солиқ юкани камайтириш мумкин;

б) вилоятлар ва маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва рағбатлантирувчи омиллари ишга солиш мақсадида вилоят ва муниципал солиқ турларини белгилаш ваколатларини жорий этиш мақсадга мувофиқ;

в) Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда кичик ва ўрта бизнес хўжалик субъектларининг ўрни алоҳида эътиборга лойиқлигини инobatга олган ҳолда ва уларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш учун соддалаштирилган, лекин хўжалик субъектларининг ривожланганлик даражасига қараб солиққа тортишни амалга киритиш мақсадида кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишловчиларнинг сонига ва йиллик даромадлари миқдорига қараб табақалаштирилишини жорий этиш лозим;

г) Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқлардан аҳолининг жон бошига тўғри келувчи ўртача даромад миқдорини тенглаштирувчи солиққа тортиш усулларидан фойдаланиш солиқ тизимининг рағбатлантирув омилларини кучайтиради.

д) вилоятлар ва маҳаллий бюджетларнинг ташкил қилиниши уларнинг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда давлат-вилоят бюджети ёки вилоят маҳаллий бюджетлари ҳамкорлигидаги иқтисодий-ижтимоий дастурларни амалга ошириш имкониятларини яратади.

Инвестиция фаоллигини шакллантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўналишлари

Тошмуродова Б. Э. - Тошкент молия институтини.

Солиқ имтиёзларини жорий этишдан мақсад молиявий маблағлар оқимини иқтисодиётнинг зарур тармоқларига йўналтиришдир. Агар йўналтириладиган маблағларнинг ўзи тақчил бўлса, у ҳолда солиқ имтиёзлари, аввало, мазкур тармоқларнинг молиявий барқарорликка эришишларига имконият яратиши лозим. Бундан ташқари солиқ имтиёзлари албатта, ижтимоий адолатни ва ижтимоий ҳимояни таъминлаши лозим. Солиқ имтиёзларининг тўғри йўналишларда берилиши ишлаб чиқаришнинг тузилмавий таркибини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Кўп ҳолларда имтиёзлардан самарали фойдаланмаслик, имтиёзлар берилишидан кўзланган мақсадларнинг рўёбга чиқмаслигига олиб келади. Бунинг сабаблари солиқ имтиёзларининг маълум давр учун хос бўлмаган шаклда жорий этилиши, мукамал бўлмаган солиқ имтиёзларининг белгиланиши, имтиёзларнинг ишлашига акс таъсир этувчи омилларнинг эътиборга олинмаганлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий жиҳатдан ночорлиги туфайли имтиёзлардан фойдаланиш имкониятининг (имтиёзлар асосан даромаддан самарали фойдаланиш учун берилган) йўқлиги кабилар ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда солиқ имтиёзлари миллий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган бўлиши лозим.

Солиқ қонунчилигига, асосан, амалда жорий этилган имтиёзлар таркибининг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга бўлган муносабатига қараб ҳамда имтиёзларнинг амалда фойдаланиш самарасини таҳлил этиш мақсадида уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ ижтимоий имтиёзлар бўлиб, уларга бюджет ташкилотлари, ижтимоий ташкилотлар, турли жамғармаларнинг солиқлардан озод этилиши, бу ташкилотларга бошқа тижорат ташкилотларининг қилган хайрия ажратмалари, ногиронларни ишга жойлаштириш, экология муҳофазаси ва бошқа соҳаларга қилинган харажатларнинг солиқ базасидан чегирилишини киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ имтиёзлар бевосита хўжалик юритиш фаолиятини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлиб, улар иқтисодиётда юзага келган муаммолар ечимига қаратилган. Кўп ҳолларда улар ривожланаётган давлатларда умумий ишлаб чиқариш даражасини юксалтиришга, ривожланган давлатларда эса, халқ хўжалиги тармоқлари ва ишлаб чиқариш тармоқлари структурасини ўзгартиришга, нисбатан қолақ ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган бўлади. Мавжуд муаммонинг ҳал қилиниши билан айрим имтиёз турлари бекор қилиниб, бошқалари жорий этилади. Фойдаланилган асосий имтиёзлар ҚҚС, юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиқлари ҳиссасига тўғри келади. Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи имтиёзларидан фойдаланишлари натижасида ишлаб чиқариш ривожининг рағбатлантирилиши ҳамда фойдаланилган имтиёзлар суммасининг камайиш тенденциясини, қўшилган қиймат солиғи имтиёзларининг таҳлилда ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш билан боғлиқ имтиёзларнинг мавжуд эмаслигини кўрамай.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни солиқлар ёрдамида рағбатлантириш мақсадида хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга кўплаб имтиёзлар берилган. Аммо, бунда шуни эътиборга олиш лозимки, солиқларга қанчалик имтиёзлар берилмасин, бу уларнинг республикаимиздаги фаолиятини рағбатлантирувчи ягона омил бўла олмайди. Чунки, улар имтиёзлар орқали эга бўлган қўшимча даромадларини ўз мамлакатларида солиққа тортиш даражаларидаги фарқ сифатида ҳисобга оладилар (агар уларда солиққа тортиш даражаси бизнинг мамлакатимизга нисбатан юқори бўлса). Бевосита хориж инвестицияларининг умумий капитал қўйилмаларидаги салмоғи паст даражада бўлиши билан уларнинг охириги йилларда қисқариши кузатилмоқда: 1998 йилда -6,4 % ни, 1999 – 3,7 %ни, 2000 йилда -3,3 %ни ташкил этган. Шунинг учун, уларни рағбатлантирувчи асосий омил бу валюта конвертациясини тўлиқ очилиши, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг амалда ишлашини таъминлаш, давлат назорат органларининг микроиқтисодий даражада аралашувини камайтириш, қонунларнинг барқарорлигини таъминлаш ва бошқалар бўлиши лозим. Иқтисодий имконият ва шарт шароитларнинг тўлиқ яратилмаганлиги туфайли ҳам хориж инвестициялари асосан, давлат кафолати орқали келишга ҳаракат қилмоқдалар.

Инвестицион фаолликни ошириш мақсадида берилган имтиёзларнинг ишлаши учун барча солиқлар бўйича имтиёзлар бир вақтда берилиши лозим. Фаолияти таҳлил қилинган корхоналарнинг 1995-2000 йиллардаги кўрсаткичларида даромадлиликнинг кескин пасайиши кузатилган. 1995

Йилда молиявий барқарор бўлган корхоналарда барча солиқлар ва тўловлар таркибида фойда солиғининг салмоғи 30-40% ни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб, бу кўрсаткич 1%дан 15% гачани ташкил этган, холос. Умуман, фойда олмаётган корхоналар ҳам кўп. Бундай шароитда биргина фойда солиғидан берилган имтиёзларнинг, шу жумладан, бу солиқ ставкасини пасайтиришнинг манфаатдорлиги йўқ. Бунинг устига инвестицион мақсадда берилган деярли ягона имтиёз ҳам чегараланган, яъни солиққа тортиладиган даромад 50 фоиздан, 2002 йилдан бошлаб 30 фоиздан ошмаслиги лозим. Фойда солиғидан рағбатлантириш мақсадида берилган имтиёзлар фойдани самарали ишлатилишига қаратилган. Аммо, умумий солиққа тортиш даражасининг юқорилиги фойдалиликни минимум даражага олиб бормоқдаки, бу ҳолат ҳам имтиёзларнинг самара бермаётганининг сабабларидан биридир.

Юқорида келтирилган вазиятлардан келиб чиққан ҳолда республикамызда кўшимча равишда қуйидаги инвестицион солиқ имтиёзлари жорий этилишини тавсия қиламиз:

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги технологиялар сотиб олиш ва жорий этиш билан боғлиқ харажатларни фойда солиғидан тўлиқ озод этиш;

- бунда технологияларни сотиб олишга тўланган кўшимча қиймат солиғини ҳисобга ўтказишни тезлаштириш ёки пасайтирилган ставкаларни қўллаш, имконият даражасида тўлиқ озод қилиш;

- хорижий давлатларда самарали қўлланилиб келинаётган “солиқ татиллари” ва инновацион солиқ кредити каби имтиёзларни молиявий барқарор корхоналарга нисбатан қўллаш;

- тезлаштирилган амортизация усулини жорий этиш ва унинг ишлаши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш; Бу шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим. Биринчидан, бу имтиёз фақат ўрта ва кичик бизнесга тегишли ишлаб чиқариш корхоналарига ва ишлаб чиқариш воситалари учун берилиши лозим. Ҳосил бўлган амортизация фондининг мақсадли ишлатилишини назорат этиш акс ҳолда имтиёздан маҳрум этиш; иккинчидан, асосий воситаларни қайта баҳолаш жараёнини охирига етказиш, инфляциянинг таъсирини тўлиқ баҳолаш орқали реал қийматдаги амортизация фондини шакллантиришга эришиш; янги технологияли ишлаб чиқариш воситалари учун мол-мулк солиғидан вақтинчалик имтиёзлар бериш, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши натижасида мол-мулк солиғининг кўтарилиб кетипига йўл қўймаслик; тўртинчидан, жамғарилган амортизация маблағларининг самарали ва мақсадли ишлатилиши учун шароит яратиш лозим. Бунинг учун долзарб вазифа қилиб ишлаб чиқариш технологиялари импорти учун қулайлик яратиш, яъни божхона божлари ва ҚҚСдан имтиёзлар бериш; келгусида ишлаб чиқариш технологияларини республикамызда яратиш чораларини кўриш.

- илғор замонавий технологияларни яратувчиларга қатга рағбатлантириш мукофотлари белгилаш ва бу мукофотларни ёки янги технологияларни сотишдан олинган даромадларни солиққа тортишни ҳозирги даражадан сезиларли миқдорда камайтириш;

-имтиёзларнинг амалда натижа беришига имконият яратиб мақсадида мамлакатда тикланаётган ишлаб чиқариш тармоқларига қараб, қўллаб-қувватлаш (протекционизм) сиёсатини вақтинчалик қўллаш лозим бўлади ва аксинча, катта сармоя талаб қиладиган соҳалар (машинасозлик, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш) маҳсулотлари импорти учун қулай шароит яратиш мақсадга мувофиқ. Протекционизм сиёсатини юритишда бутун чоралар билан мамлакатда мазкур истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим, ақс ҳолда маҳсулот танқислиги на юқори нархлар аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Развитие сотрудничества с международными финансовыми институтами по налоговым проблемам.

Альбекова Ф.Р. – Банк-молия академияси.


Стратегической задачей рыночных реформ на 2002 год является углубление структурных преобразований в экономике, особенно в ее реальном секторе. Важнейшее значение придается модернизации и техническому перевооружению, для чего требуется активизация инвестиционных процессов.

Сотрудничество с международными финансовыми институтами в области привлечения иностранных инвестиций становится ключевым фактором модернизации национальной экономики. По данным Министерства макроэкономики и статистики, доля иностранных инвестиций в прошлом году достигла уровня в 29,3 процентов, а в текущем году предполагается, что она достигнет уровня в 44,5 процентов (диаграмма 1).

При этом займы международных финансовых институтов, а также кредиты иностранных государств предоставляются, как правило, на льготных условиях на весьма длительные сроки (например, кредит Правительства Японии на развитие сети телекоммуникаций предоставлен на 30 лет под 3 % годовых). В то же время, большинство коммерческих кредитов предоставлено республике на срок от 1 до 5 лет под 7-9 % годовых.

Диаграмма 1.

Динамика удельного веса иностранных инвестиций во всех источниках инвестиций в Узбекистане в 1994-2002 г.г. (в %)



Однако, по данным мониторинга выполнения инвестиционной программы за первое полугодие 2002 года, иностранных инвестиций и кредитов освоено только на 20,7 % от годового прогноза. Это самый низкий уровень освоения за последние годы.

Причин такого положения много, но среди них есть и те, которые обусловлены несоответствием между практикой налогообложения в других странах и подходами к налогообложению в нашей стране.

Сегодня, когда потоки инвестиционного капитала намного превышают объем мировой торговли, признана разумность установления глобальных правил в области инвестиций, подобно тому, как это сделано в области торговли в рамках Всемирной торговой организации (ВТО).

Многостороннее соглашение об инвестициях (МСИ), по которому в настоящее время ведутся переговоры под эгидой Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР), предусматривает комплексный механизм решения связанных с инвестициями вопросов.

Ключевой принцип МСИ состоит в том, что его участники обязуются предоставлять инвесторам из других стран такие же условия, какие предоставляются отечественным инвесторам или инвесторам из любой другой страны. В области налогообложения приветствуется стимулирующий подход, особенно в части модернизации и технического перевооружения.

В мировой практике налог на недвижимость взимается с недвижимого имущества, в которое входят земельные участки и расположенные на них здания и сооружения. Активная же часть основных фондов – машины, оборудование и оборотные средства – не подпадают под обложение этим налогом. Это и позволяет стимулировать инвестиционные процессы за счет вложения средств в модернизацию оборудования и развитие передовых технологий. В Узбекистане налог на имущество до сих пор сохраняет свои специфические особенности по определению налогооблагаемой базы, которые распространяются не только на здания и сооружения, но и на машины и оборудование.

Такой принцип исчисления налога на имущество становится определенным препятствием для принятия инвестиционных решений международными финансовыми институтами по национальной экономике Узбекистана.

Для расширения и углубления сотрудничества с международными финансовыми институтами требуется перейти в практике налогообложения на те принципы, которые в настоящее время являются наиболее распространенными в мировой практике. Это будет непосредственно способствовать модернизации и техническому перевооружению нашей экономики.

Солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорнинг ижтимоий-иқтисодий асослари

Абдурахмонов О. Қ., - Г. В. Плеханов номли
Россия иқтисодиёт академияси, и. ф. н.

Аксарият мамлакатларда жисмоний шахслардан даромад солиғи олиш тизимининг энг муҳим элементи стандарт чегирмалар деган кўрсаткич бўлиб, улар аслида даромад солиғи соҳасидаги асосий солиқ имтиёзлари ҳисобланади. Бундай чегирманинг кўптомонлама турларидан бири солиққа тортилмайдиган энг кам миқдордир.

Хорижий мамлакатлар тажрибаларидан маълумки, жисмоний шахслар даромадларининг энг кам миқдорини солиққа тортмаслик механизмининг жорий этилиши учун ижтимоий сабаблар билан бир қаторда молиявий тажриба ҳам муҳим далил бўлиб хизмат қилганди, яъни майда даромадларга солиқ солиш шу қадар катта куч ва маблағлар сарфлаш билан боғлиқ бўлиб, бу харажатлар ўзини қопламасди, бу эса бюджетга қўшимча зарар етказилишига олиб келарди. Бундан ташқари, ҳақиқатдан ҳам айнан майда солиқ тўловчилар эгри истеъмол солиқларига бошқаларга қараганда кучлироқ тортилади. Шунинг учун ҳам улар бошқа ўлпон юкидан иложи борича озод қилиниши оқилона ва адолатли иш бўлади.

Ўзбекистонда эса жисмоний шахсларнинг асосий иш жойларидан олинadиган солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор иш ҳақи шаклидаги даромадларига қўлланилиб, у энг кам иш ҳақи миқдорига тенглаштирилиб қўйилган эди. Аммо 2001 йилдан бошлаб у бекор қилинди. Бизнинг фикримизча, солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорнинг бекор қилинишининг асосий сабабларидан бири жисмоний шахсларнинг оилавий мақомидан, қарамогидagi одамлар ва ҳоказолардан қатъий назар барча солиқ тўловчиларга бир хил миқдорда татбиқ этилишидadir. Бундан ташқари, иш ҳақи шаклидаги даромадга қўлланилган солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорнинг бекор қилиниши солиқ ставкаларининг бироз пасайтирилишига имкон берганлиги ва солиққа тортишда ҳеч қандай қўшимча харажатлар билан боғлиқ бўлмаганлиги яққол кўзга ташланади.

Солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорни белгилash ҳақидаги фикрлар турли-туман бўлишига қарамай, бу иқтисодий категория ҳақидаги барча қарашларда битта бирлаштирувчи ўзакни ажратиб кўрсатиши мумкин. Уни қандай аташларидан қатъий назар (имтиёз, чегирма, чиқариб ташлаш ва ҳоказо) солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорнинг зарурлиги шундан иборатки, бу миқдор инсоннинг энг кам эҳтиёжларини қондиришни назарда тутadi ва шунинг учун у солиқ солишдан озод этилиши керак. Бизнинг фикримизча, бунга қўшилмаслик мумкин эмас. Солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор - инсоннинг энг қимматли ҳуқуқи бўлиши ҳаёт кечиришининг молиявий-ҳуқуқий ифодаланишидир. Инсоннинг ана шу яшаш (ҳаёт кечириш) ҳуқуқи мавжуд экан, унинг моддий жиҳатдан ифодаланган муайян миқдордаги даромади бўлади. У ана шу даромадни муайян вақт мобайнида

ўзининг ва оила аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб топади ёки олади.

Инсоннинг энг кам ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун зарур ва етарли бўладиган ҳамда солиқ солинмаслиги кафолатланган энг кам миқдорнинг давлат томонидан белгиланиши мазкур категориянинг ҳуқуқий асосини белгиловчи иккинчи омилдир. Агар инсоннинг яшашга бўлган молиявий ҳуқуқини қонун белгилаб берадиган бўлса, у ҳолда солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор имтиёз, чегирма ёки чиқариб ташлашнинг алоҳида бир тури деб қаралмаслиги керак. Нормал яшашга ва ўзининг маънавий ҳамда моддий эҳтиёжларини қондиришга бўлган ҳуқуқни имтиёз ёки чегирма деб ҳисоблаб бўлмайди. Аксинча, инсоннинг ҳеч бўлмаганда энг кам эҳтиёжларини қондириш учун зарур миқдorni пасайтириш, уни камбағаллик чегараси ёқасига келтириб қўйиш гайриқонуний бўлиб, солиқ сиёсатининг асосий тамойилларига, аввало ижтимоий адолат тамойилига зид келади. Шу сабабли, юқорида айтилганларга яқун ясаб, шуни айтиш керакки, солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор - бу асло имтиёз ва чегирма эмас, балки тўловчининг қонунда белгиланиши керак бўлган, солиққа тортилмайдиган ва унинг энг кам эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган даромади миқдоридир.

Маълумки, кун кечириш учун зарур бўладиган энг кам миқдор - ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, меҳнаткашларнинг ҳаёт фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иш кучини тиклаш учун жисмонан зарур бўладиган ҳаётий воситаларнинг энг кам миқдорини ифодалайди. Кун кечириш учун зарур бўладиган энг кам миқдorni аниқлаш учун одатда истеъмол “саватча”си усулидан фойдаланилади. Олимлар (биолог, тиббиёт, иқтисодчилар) томонидан ўртача талаб ўрганиб чиқилиб, меъёридаги истеъмол саватчаси ишлаб чиқилган. Бу кўрсаткичлар орқали ҳар бир одам, оила, давлат аҳолиси учун керакли бўлган озиқ-овқатни ҳисоблаб чиқса бўлади. Шунингдек, ҳар бир киши қанча озиқ-овқат истеъмол қилаётганини назорат ҳам қила олади. Бу албатта, истеъмолнинг калқаро жиҳатлари намоён бўлиши билан характерланади.

Аmmo, ҳар бир жамиятда ҳам истеъмол этишда ўзига ҳос миллий хусусиятлар мавжуд бўлади. Яъни, аҳолининг мавжуд урф-одатлари, анъаналари, миллий қадриятлари ҳам истеъмолнинг ўзгаришига олиб келади. Масалан, озиқ-овқат меъёри мамлакатлараро фарқланади. Бу маҳсулот турлари тақлифининг ўзига ҳос хусусиятлари билан изоҳланади.

Истеъмол “саватча”си, асосан, фақат физиологик энг кам эҳтиёжни қондирадиган озиқ-овқат маҳсулотларидан ташкил топган бўлади. Истеъмол “саватча”сининг ижтимоий эҳтиёжларидан иборат ҳисобга олинмаган томонини физиологик эҳтиёж қондирилгандан кейингина амалга ошириш мумкин.

Солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор муаммосига қайтиб, шуни айтиш керакки, бу миқдор идеал вариантда кун кечириш учун зарур бўладиган энг кам миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 2002-2005 йиллардаги даврда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг халқаро меъёрларга мос келадиган механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор муаммоси ҳам ўз ечимини топишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Необходимость внедрение маркетинговых мероприятий на текстильных предприятиях.

Маликова М.М., Пулатова Д.А., Федотов Ю. –
*Тошкент Давлат иқтисодийёт университети,
Тошкент Давлат техника университети,
Санкт-Петербург Давлат университети.*

Ориентация на потребителя не возникает сама, она становится реальным действующим принципом только на базе деловой стратегии, соответствующих организационно-технических концепций и методов маркетинга. В условиях формирования потребительского рынка товаров активизируется деятельность предприятий в направлении качества продукции. Качество и затраты, связанные с качеством, материалоемкость выпускаемой продукции, становятся важнейшими фактами экономического положения предприятий. Существующие ныне в текстильной промышленности принципы формирования ассортимента и качества готовой продукции, базирующиеся на неоправдавшем себя затратном механизме формирования цен, являются малоприспособными для рыночного механизма.

В этих условиях особую актуальность для текстильных предприятий хлопчатобумажной промышленности приобретает разработка теоретических и практических вопросов, связанных с обеспечением стабильного качества в процессе производства продукции, разработкой и внедрением ассортимента, с формированием и оценкой ассортимента и качества изготавливаемых видов внутри ассортимента.

Реально сложившаяся экономическая ситуация на текстильных предприятиях с присущим им дисбалансом производства и потребления тканей, а также снижение потребительской платежеспособности и увеличение проблемы сбыта ещё больше усугубляет проблему балансирования спроса и предложения.

Только рынок с особой системой маркетинга позволит переломить диктат производителя, подчинить производство интересам потребителя, реально учесть спрос населения с учетом национальных традиций и климатических особенностей на хлопчатобумажную продукцию, быстро реагировать на изменения рынка.

Изучение спроса населения по проведенным нами исследованиям на хлопчатобумажных предприятиях позволили сделать заключение, что цели производителей тканей и требования потребителей расходятся.

Товарная, или производственная, политика в системе комплекса мер

маркетингового воздействия на рынок занимает основное место, поскольку именно товар, его качество, ассортиментный набор, особенности жизненного цикла, новизна, упаковка, оформление определяют конкурентные позиции предприятия в целом и успех его деятельности в рыночных условиях.

Важное значение в определении товарной политики принадлежит разработке жизненного цикла товара и формирования его стадий, в частности, по объему продаж, уровню прибылей, отношению его стадий между собой, отношения покупателей, позиции конкурентов, построению бытовой сети, маркетинговой и рекламной политики. Современные тенденции сжатия жизненного цикла товара сталкиваются с серией маркетинговых мер, направленных на рациональное его продление.

Инновационная политика, разработка новой продукции – основа эффективности предпринимательской деятельности в рыночных условиях, гарантия высоких конкурентных позиций предприятий

Ассортиментная политика решает задачу оптимизации товарных групп и стратегических зон хозяйствования предприятий, с одной стороны, обеспечивая экономию за счёт внутренней их связанности и возможности использования общей системы сбыта, с другой стороны, защищая от возможных резких и отрицательных изменений условий рыночного развития.

Миллий иқтисодийетимиз таркиби ва унда эгри солиқларнинг тутган ўрни

Маматов А. А. - Гулистон Давлат университети, и. ф. н., доц.

Миллий иқтисодийетимизнинг тармоқ таркиби мавжуд даврдаги ижтимоий меҳнат тақсимотини, фан-техника тараққиёти характерини, давлатнинг таркибий сиёсатини, ижтимоий талабни ифодалаб беради. Иқтисодийетни тармоқ таркибини такомиллаштириш – ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишидир.

ЯИМ ҳажмида тармоқлар ҳиссаси тармоқ маҳсулотини жорий баҳолардаги динамикасини қиёслаш асосида аниқланади.

Саноат тармоғининг Республикамиз ЯИМ ҳажмидаги ҳиссасини эгри солиқларсиз кўрсатиш саноатни ЯИМдаги ҳиссасининг сунъий равишда пасайтириб кўрсатилган ҳисобланади ва у 1- жадвалда ўз ифодасини топган. Транспорт ва алоқага келсак, уларнинг ЯИМдаги ҳиссаси нисбатан ошириб кўрсатилган. Бунга сабаб баҳо омилдир. Қишлоқ хўжалиги тармоғини ЯИМдаги ҳиссаси асосий баҳоларда сезиларли даражада пасайтирилган, бозор баҳоларида эса, ундан ҳам юқори даражада пасайтирилган. Унда саноатга нисбатан меҳнат ресурслари бандлиги 3 марта кўп ва ЯИМдаги ҳиссаси бор-йўғи 2 марта кўпдир.

ЯИМ ишлаб чиқаришда асосий ўринни қишлоқ хўжалиги эгаллайди. Унинг ҳиссаси ЯИМнинг учдан бир қисмидан тўртдан бир қисмигача ташкил этади. Унда иқтисодийетда банд бўлган жами аҳолининг кейинги йилларда – 40% и меҳнат қилмоқда.

Бу Республикамиз иқтисодиётининг аграр – индустриал иқтисодиёт эканлигини далолат беради. Қишлоқ хўжалиги ҳиссасининг биринчи ўринда туриши Ўзбекистон Республикасининг ва бошқа МДХ давлатларининг иқтисодиёти таркибининг асосий хусусиятларидан биридир. Масалан, бу кўрсаткич Қирғизистонда – 49,5%, Тожикистонда – 38% ни ташкил этади. ЯИМда ҳиссаси нисбатан паст бўлган давлатлар, яъни Қозоғистонда – 12,7% ва Россияда-7,5% ташкил қилади. Бу ҳақда бандлик таркибини 2000 йилги маълумотлари ҳам кўрсатиб турибди. Масалан: саноатда ва қурилишда бандлик Қирғизистонда – 11,4%, Тожикистонда-9,6%, Қозоғистонда –18,3%, Ўзбекистонда – 20,3%ни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида (балиқчилик ва ўрмончилик билан бирга) шунга мос равишда 52,9%, 67,5%, 21,7% ва 34,1%ни ташкил этади

1 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси ЯИМ таркиби
1990-2001 йиллар (жорий баҳоларда)

№	ЯИМ таркиби	1990 йил	Тармоқнинг ҳиссаси 2001 йил		Тармоқнинг бандликдаги ҳиссаси 2001 йил
			Эгри солиқларсиз	Эгри солиқлар билан	
	ЯИМ ундан:	100	100	100	100
1	саноат	22,8	14,2	25,5	12,2
2	қишлоқ хўжалиги	33,3	30,2	30,0	39,0
3	қурилиш	10,6	5,9	6,5	8,4
4	Транспорт ва алоқа	5,9	7,8	9,1	5,8
5	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари	3,8	10,1	9,4	9,6
6	Соф солиқлар	-1,1	12,4	-	-
7	бошқа тармоқлар	24,7	19,2	20,0	24,8

Қаралсин: *Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги 1993 йил 17 бет Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари 2001 йил.*

Жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, жорий баҳоларда саноатнинг ҳиссаси реалликка яқин. Саноатнинг эгри солиқларсиз ЯИМдаги ҳиссаси 2001 йилда 14,2%га ва эгри солиқларни ҳисобга олган ҳолда ҳиссаси 25,5%га тенг бўлмоқда. Бу ерда саноатнинг эгри солиқларсиз ҳиссаси, унинг асосий баҳолардаги ҳиссасидан икки баравар пасайтириб кўрсатилмоқда. Шунинг учун ЯИМда тармоқлар ҳиссасини асосий баҳоларда, эгри солиқлар билан кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Саноатнинг ЯИМ ҳажмдаги ҳиссасини унинг умумий бандликдаги ҳиссасига нисбатан юқорилиги билдирдики, саноатда меҳнат, миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан малакаси жиҳатидан ЯИМ ишлаб чиқаришда иккинчи ўринда саноат. Лекин унинг ҳиссаси ҳам қишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоғидагидек пасайиб бормоқда.

Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг такомиллаштириш масалалари

Тошматов Ш. - Банк-молия академияси.

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисоблаш пайтида солиққа тортиладиган база бўлиб, янгидан яратилган қиймат яъни, товар қиймати билан шу товарни ишлаб чиқариш учун ишлатилган хом ашёлар қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Бундай солиққа тортиладиган база қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашда ҳар хил усуллардан фойдаланишга имкон яратади.

Халқаро амалиётда асосан уч хил усул кенг қўлланилмоқда.

1. Етказиб бериш ёки ҳисоблаш усули. Ушбу усулга асосан, маҳсулот етказиб берувчи ва сотиб олувчи учун қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш мажбуриятлари маҳсулотни ортиш ёки хизматларни амалга ошириш жараёнида вужудга келади. Ушбу жараён маҳсулот ортилганда, хизмат кўрсатилганда ва булар учун счет-фактура ёзилганда ёки тўланганда амалга оширилади.

2. Тўлаш ёки касса усули. Мазкур усулга асосан, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш мажбурияти, жўнатилган ёки кўрсатилган хизмат учун тўлов амалга оширилгандан сўнг вужудга келади.

3. Гибрид усули. Бу усулга асосан қўшилган қиймат солиғини ҳисобланиш ва тўлаш жараёни сотилган маҳсулот бўйича уни етказиб берганда, ишлаб чиқариш учун сотиб олинadиган материаллар бўйича ҳисобдан чиқариш- тўлов амалга оширилгандан сўнг вужудга келади.

Халқаро амалиётда юқоридаги учта усулнинг барчаси қўлланилади, лекин асосан ҳисоблаш усулидан кўпроқ фойдаланилади. Бунинг иккита асосий сабаби мавжуд.

Биринчидан, маҳсулот етказиб бериш вақти билан қўшилган қиймат солиғига тортиш объекти (истеъмол жараёни билан) бир. Маълумки, қўшилган қиймат солиғи бу истеъмолдан олинadиган солиқдир.

Иккинчидан, солиқ органлари учун қўшилган қиймат солиғини ундириш қулайлигининг сабаби, маҳсулот учун маблаг келиб тушган вақтидан кўра, маҳсулотни ортиш вақтини аниқлаш енгилроқ.

Шу билан биргаликда таъкидлаб ўтиш керакки, ривожланган давлатларда ҚҚСни етказиб бериш ёки ҳисоблаш усули билан аниқлаш натижасида барқарор молия тизими мавжуд ва тўловларни муддатида бажариш ўтиш учун тўсиқлар деярли йўқ.

Маълумки, ҳозирги пайтда мамлакатимизда амал қилаётган тартибга асосан, ҚҚС ҳисоблаш усули бўйича ундирилмоқда. Бу усул ҚҚСни ундиришда қулайлиги билан бирга ҳозирги республикаимизда кечаётган ўтиш даврида ўзига хос бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Биринчидан, маҳсулотни етказиб бериш пайтида ҚҚСни ҳисобланиши, ҳали келиб тушмаган маблағлар учун корхона хом ашё материалларни ҚҚС тўламайдиган корхоналардан сотиб олган шароитда айланма маблағлари ҳисобдан автоматик тарзда ҚҚСнинг тўланиши натижасида, айланма

маблағларнинг бир қисмини банд бўлиб қолишига олиб келмоқда ва бу корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, жўнатишган товарлар учун маблағлар ўз вақтида келиб тушмаслиги натижасида ҚҚС солиғи бўйича боқимандалар миқдори кўпайиб бормоқда (республика бўйича жами боқиманда миқдорининг катта қисми ушбу солиқ турига тўғри келмоқда).

Ушбу муаммо ўз-ўзидан кейинги учинчи муаммони келтириб чиқармоқда.

Боқимандалар миқдори нисбатан пеня ҳисобига шаклланиши туфайли ҳисобланаётган пенялар жарима сифатида корхоналар молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, тадбиркорлик фаолиятига ҳов бўлмоқда.

Учинчидан, мол етказиб берувчилардан олинган хом ашё материаллар учун ҳисоб варақ фактураларда кўрсатилган ҚҚС суммаларининг мол етказиб берувчига маблағ ўтказилиш давридан қатъий назар, ҳисобот даврида ҳисобга ўтказилиши кўпгина корхоналарда ҚҚС ҳисоб-китоби бўйича салбий қолдиқ вужудга келиши ва бунинг натижасида бюджетга тушумларнинг кескин камайиши, ҳатто катта миқдордаги тўланмаган солиқ суммаларининг корхоналарга қайтарилиш ҳоллари юз бермоқда. Бу ҳолат айниқса, экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарда кўп учрайди, чунки бу корхоналар ҚҚСни «нолли» ставкада тўлайдилар.

Тўртинчидан, ҳозирда республикада ҚҚС бўйича имтиёз турларининг жуда кўплиги³ ҳамда уч хилдаги алоҳида солиққа тортиш тартибининг жорий этилиши натижасида маҳсулотни ишлаб чиқарилишидан то истеъмолчига етиб боргунгача бўлган босқичларда ўртадаги бўғинга ушбу имтиёзга эга корхоналарнинг тушиб қолиши кейинги бўғиндаги корхонанинг ҚҚСни ҳақиқатда таърифда келтирилганидек, қўшилган қийматдан эмас, сотилган товарнинг тўлиқ қийматидан тўлашига сабаб бўлмоқда.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар учун қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш мажбуриятлари жўнатишган маҳсулот ёки бажарилган иш ва хизматлар учун маблағ келиб тушган пайтда амалга оширилиши ҳамда қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотда фойдаланишга сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоб варақ фактуралар бўйича ҳисобот даврида ҳақиқатда мол етказиб берувчига тўланган ҚҚС суммасининг ҳисобга ўтказилиши юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этишда ўз самарасини бериши мумкин. Чунки, корхона ҳақиқатдан маблағи келиб тушган товарларнинг реализациясидан ҚҚСни, тўлаши корхона айланма маблағларининг бошқа йўналишга четлашишининг олдини олишга имкон бериши билан бир қаторда, корхонанинг ҚҚС бўйича боқиманда суммаларнинг ошиши ва унга нисбатан катта миқдорда пенялар ҳисобланишини чеклайди.

³ Солиқ Кодексига асосан ҚҚСдан 38та имтиёз турлари мавжуд. Фармон ва қарорлар билан 100дан ортиқ алоҳида корхона ёки фаолият турларига в имтиёзлар берилган.

Иқтисодий эркинлаштириш даврида молия, кредит ва солиқ тизимининг қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсири

Шарифжоновна Г, Имомов Ш. - *Банк-молия академияси, Тошкент молия институти.*

Аграр сектор мамлакатимиздаги энг етакчи сектор бўлиб унда олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар янги босқичга, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичига кириб бормоқда.

Кўп укладли мулкчиликка асосланган жамият куриш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва, акциядорлик, жамоа ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан аҳолида мулкка, етиштирилган маҳсулотга эгаллик ҳисси тобора чуқурроқ мужассамлашиб бормоқда. Мулккий муносабатлар такомиллашиб, қишлоқда реал мулкдорлар синфи шаклланиб бормоқда. Хўжалик юритиш шакллари ҳам мулккий муносабатларга мослашган равишда ривожланмоқда. Жумладан, қишлоқда мулкка эгаллик тамойилларига асосланган деҳқон хўжаликлари, мустақил фермер хўжалиқлари ва қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) фаолият кўрсатмоқда. Агар деҳқон ва фермер хўжаликларида мулк шахсий бўлса ва уни деҳқон хўжалиги ҳам, фермер хўжалиги ҳам эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлса, ширкат хўжаликларида мулк, мулккий пай (улуш) тариқасида ширкат аъзоларига бўлиб берилган. Ширкат хўжаликларида эса, мулккий пайга дивиденд берилмоқда. Деҳқон ёлланма ишчи сифатида фаолият кўрсатганида яқуний даромад уни камроқ қизиқтирган бўлса, эндilikда у бир вақтнинг ўзида ҳам ишловчи, ҳам иш берувчи, ҳам мулк эгаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш муносабатларига мутлақо янгича ёндашувни талаб қилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш даврида қишлоқ хўжалигининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллардан бири-молия, кредит, солиқ ва сугурталаш механизмини такомиллаштиришдан иборат.

Бугунги кунда масалаларни бозор иқтисодиёти шароитига тўлиқ мослашмаганлиги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, соҳани молиялаштириш ва кредит бериш ортиқча марказлаштирилиб, ниҳоятда мураккаблаштириб юборилган. Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш бўйича Молия вазирлиги қошида тузилган қишлоқ хўжалигини молиялаштириш жамғармаси асосан етиштирилаётган пахта, ғалла ва шоланинг миқдори давлат буюртмасидан анча кўп, етиштирилаётган пахтанинг 100 фоизи, ғалла ва шоланинг 50 фоизи давлат буюртмаси учун сотиб олинади. Бўнак беришда ушбу миқдор асос қилиб олинади. Натижада, маҳсулотнинг қолган қисмини етиштириш учун маблағ етишмайди. Бундан ташқари, транш орқали (ЁММ, ўғит, техника хизмати, солиқ ва иш ҳақи) харажатларни қоплаш марказдан кўрсатиб берилади.

Агар шу кўрсатилган соҳалар бўйича хўжаликнинг қарзи бўлмаса, бу маблағни бошқа эҳтиёжлари учун ишлатиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай бўлиши бир томондан хўжалик маҳсулот етиштириш учун керак бўлган сарф

харажатларини қоплаш имкониятига эга эмас, иккинчи томондан, транш бўйича юборилган маблағни эркин тасарруф қилиш тақиқланганлиги сабабли хўжаликнинг бошқа субъектлар олдидаги кредиторлик қарзларининг кўпайиб кетишига олиб келмоқда, хўжалиқда ҳисоб-китоб ишларини издан чиқариб юборишга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, етиштирилаётган маҳсулотнинг аванс билан қопланмаган қисмига кредит олиш механизми ҳам тўлиқ ечилмаган. Хўжалиқда давлат буюртмаси бўлмаган маҳсулотлар, қишлоқ хўжалик экинлари, чорвачилик маҳсулотлари ҳам кредит билан таъминланмаган. Пировардида, хўжалик пахта ва ғаллага олган аванс пулидан бошқа харажатларга ишлатишга мажбур. Кўпчилик ҳолатларда, хўжаликларда бошқа турдаги экинларни умуман экмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Қонун ва меъёрий ҳужжатларда кредит ажратилиши, тайёрлов ташкилотларининг маҳсулотни сотиб олиш бўйича шартномалар тузишлари ва шартномада кўрсатилган сотиб олинadиган маҳсулот нархининг 25 фоизи миқдорида аванс бериш мўлжалланган. Аммо, амалиётда бу масалалар муаммо бўлиб қолмоқда.

Шуни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик корхоналарини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри кредит билан таъминлашга ўтиш юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш имкониятларини беради. Бунда кредит қисқа муддатли, 12 ойга мўлжалланган, жорий харажатлар учун экилган экиндан кутилаётган ҳосил баҳосининг 70-80 фоизи миқдорида берилиши керак. Узоқ муддатли кредит хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 5 йилдан кам бўлмаган муддатга, хўжалик асосий воситаларини гаровга қўйган ҳолда, асосий воситалар умумий баҳосининг 75-80 фоизи миқдорида берилиши керак бўлади.

Яна бир асосий масалалардан бири қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермерларидан солиқ олиш механизмини ҳам такомиллаштиришдир. Маълумки бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналари ягона ер солиғи тўлайдилар. Бу солиқ асосан ердан унумли фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва унинг оширилишини таъминлаш керак эди. Аммо амалиётда бундай бўлмаётир. Шунинг билан бир қаторда, бюджетдан ташқари тўловларга ажратмалар, даромад солиғи миқдори ниҳоятда катта бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда экинлар турларига қараб сарф-харажатларда, иш ҳақи улуши 30фоиздан 50 фоизгача бўлмоқда. Шу иш ҳақининг 41 фоизи нобюджет тўловларига ажратилади ва иш ҳақи миқдоридан яна даромад солиғи тўланади. Давлат буюртмаси бўйича сотиб олинadиган маҳсулотлар етиштириш учун фонд орқали берилаётган транш пулларида солиқ тўловлари учун ҳам ажратилмоқда. Ваҳоланки, солиқ фойдадан йил давомида икки маротаба тўланиши керак. Бундан ташқари, хўжаликларда бугдойдан кейин тақрорий экилаётган экинлардан олинadиган солиқ миқдори ҳам ниҳоятда юқори бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва мулкчилик шаклининг ўзгарганини ҳисобга олиб, иш ҳақи масаласини ҳам қайта кўриб чиқиш керак бўлади. Бу ерда икки масалани бир-биридан ажратишимиз зарур.

Биринчидан, оилавий пудратчи, фермер ва деҳқон хўжалиги раҳбарлари бир вақтнинг ўзида ҳам ишловчи, ҳам иш берувчи ҳисобланади. Унинг иш ҳақи, иш ҳақи шаклида эмас, йил якуни бўйича оладиган даромад шаклида намоён бўлади. Иккинчиси, улар томонидан ишга жалб қилинаётган ишчилар ёлланма ишчи бўлиб, бажарган ишига иш ҳақи оладилар. Шуни ҳисобга олиб, бу икки категориядан солиқ олиш механизмини қайта куриб чиқиш керак бўлади.

Особенности действия налога на добавленную стоимость

Васиев А., Масахақоя Г. - *Солиқ ва божхона органлари академияси, Васседа университети (Япония) проф.*

Одним из основных косвенных налогов является налог на добавленную стоимость или, как его принято называть, «налог на потребление». Подобный налог успешно применяется в большинстве стран с рыночной экономикой. Так, в Западной Европе НДС был введен в конце 60-х годов и в настоящее время является там основным налогом на потребление. Он взимается также в 35 странах Азии, Африки, Латинской Америки, а с 1992 года – во всех странах СНГ.

В многих странах НДС обеспечивает от 12 до 30% государственных доходов. Это надежный источник налоговых поступлений, особенно в тех странах, где ограничены размеры налога на доходы.

В нашей стране с 1992 года НДС фактически заменил ранее действовавшие косвенные налоги – с оборота и с продаж. НДС намного превзошел их по своему значению в формировании доходов бюджета, воздействии на экономику республики и финансы предприятий. В настоящее время одним из основных источников доходов бюджета республики является НДС.

Три основные причины, делающие введение НДС целесообразным: он приносит значительные доходы, ему свойственны нейтральность и эффективность. В режиме обложения НДС каждый уплачивает налог со стоимости, добавленной им в процессе производства или обращения. В результате одна и та же добавленная стоимость никогда не облагается налогом дважды. Общая сумма НДС на каждой стадии производства и реализации равна налогу, взимаемому при продаже товара продавцом конечному потребителю.

НДС не приводит к каким-либо ценовым перекосам при условии, что число освобожденных от его уплаты невелико и нулевая ставка используется не слишком широко. Следовательно, если НДС применяется без исключений или льгот, его влияние на структуру экономики будет минимальным.

В Узбекистане установлены две ставки НДС: стандартная – 20 % и для отдельных социально значимых продовольственных товаров – 15 %. Кроме того, существует «нулевая ставка». Нулевой ставкой облагаются экспортируемые товары, минеральные удобрения и горюче-смазочные материалы, поставляемые сельскохозяйственным товаропроизводителям,

товары (работы, услуги), реализуемые для официальных дипломатических и приравненных к ним представительств.

Стандартная ставка в размере 20 % обосновывается следующими аргументами:

- во - первых, аналогичный размер ставки действует во всех странах СНГ;
- во-вторых, поступления по НДС при данной ставке, составляют порядка 30 % доходов бюджета;
- в-третьих, установленная ставка обеспечивает возможности компенсации выпадающих доходов за счет снижения ставок налога на прибыль.

С 1 января 1999 года механизм исчисления НДС, подлежащего взносу в бюджет, был изменен. В соответствии с новым порядком исчисления НДС сумма налога, уплаченная за приобретенные материальные ресурсы и указанная в счетах-фактурах, подлежит зачету независимо от времени списания материальных ресурсов на затраты производства. Кроме того, это снижает вероятность отвлечения оборотных средств предприятий на уплату НДС. Это очень важная мера, имеющая принципиальное значение для сближения национальной системы налогообложения с распространенной в международной практике.

Совершенствование системы налогообложения в инвестиционной деятельности банков.

Хасанова Ю.М. – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

В период рыночных преобразований одной из задач развития экономики Узбекистана является активизация инвестиционной деятельности, которая должна прежде всего помочь республике занять достойное место на мировом рынке, а также проведение курса по дальнейшей либерализации и углублению экономических реформ во всех сферах и секторах экономики, в том числе и в банковской системе.

Необходима разработка новой инвестиционной политики государства, поиск нестандартных форм инвестирования, следует совершенствовать уже действующую систему налогообложения, искать пути активизации инвестиционной деятельности путем налогового воздействия. Для этого нужна хорошо продуманная политика в области налогового стимулирования, учитывающая международный опыт.

Система налогообложения коммерческих банков должна обеспечивать передачу части доходов банков в государственное пользование в объемах, оптимальных и для государства, и для банков, сохраняя возможности развития банков, позволяя им интенсифицировать свою деятельность, улучшать показатели работы.

Ставки налогов не должны обременять налогоплательщиков, их необходимо определять с учетом интересов государства и банков. Следует

организовать налоговый контроль за деятельностью банков так, чтобы он был эффективен и в то же время не затруднял их деятельность.

Влияние инвестиций на развитие экономики страны бесспорно, но оно может проявляться по-разному в зависимости от складывающейся ситуации и конкретных условий размещения и использования инвестиционных средств.

По-прежнему остается насущной проблема участия банков в инвестировании предприятий. Поэтому необходимо создавать налоговые стимулы с тем, чтобы именно банковская система стала основным звеном инвестиционного процесса, была партнером предприятий.

Для активизации инвестиционной деятельности банков необходимо сформировать в их структуре специальные подразделения по проектному финансированию, используя международный опыт.

Мировая практика свидетельствует о том, что основным направлением налогового стимулирования инвестиционной деятельности является предоставление налоговых льгот. Все налоговые льготы должны быть направлены на сокращение размера налогового обязательства налогоплательщика, успешно реализующего свою инвестиционную деятельность.

Поэтому льготное налогообложение позволит увеличить объемы такого кредитования, будет способствовать ускоренному развитию базовых и приоритетных отраслей экономики республики.

Необходимо автоматизировать процесс выполнения банками их налоговых обязательств, создавая и внедряя специальные программные комплексы.

Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳамда уларнинг фарқи

Бекназаров М.Н., Юданов П.И. – *Маиший хизмат касб хунар коллежи, Солиқ ва бошқона органлари академияси.*

Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика ҳукумати ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниши асосидан келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзлари бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак. Республика ҳукумати умумдавлат миқёсида жуда катта вазифаларни: мудофаа, ҳавфсизликни сақлаш, тартиб-интизом, бозор инфраструктурасини яратиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор йирик вазифаларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам, солиқлари ҳам салмоқли бўлиши шарт. Қўшимча қиймат солиғи, акциз, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар республика бюджетига тушади.

Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида фойдаланиш мумкин. Агар келгуси йили маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари (солиқлари) кўпайиб қолса, республика солиқларидан ажратма беришнинг ҳожати қолмайди. Республика ва

махаллий солиқлар ягона моҳиятга эга бўлиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлардир.

Маҳаллий солиқлар маҳаллий ҳокимият органларининг бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилган. Маҳаллий ҳокимиятлар асосан меҳнаткашларга яқин бўлганлигидан улар ижтимоий масалаларни мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, шаҳарлар ва қишлоқлар ободончилиги каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет ҳаражатларининг 30-40 фоизинигина қоплайди. Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари салмоғини 50-60 фоизга етказиш кераклиги ҳақида ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаига тўлиқ эга бўлган маҳаллий ҳукуматлар ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқ ва йиғимлари кам бўлганлигидан бу бюджетларнинг даромад ва ҳаражатларини барқарорлаштириш (баланслаштириш) анча мураккабдир. Бу масалани ечишда, ҳудуддан тушадиган солиқлардан ажратмалар берилади (масалан, кўшимча қиймат солиғи, даромад солиғи ва бошқалар). Амалиётда шу солиқлардан маҳаллий бюджетларга улар бюджетини барқарорлаштириш учун юз фоизгача ажратма бермасдан туриб субвенция (давлат бюджетидан муҳим хўжалик ва ижтимоий тадбирларни амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият идоралари бюджетига ажратилган пул маблағи, яъни мақсадли ёрдам) берилади. Ваҳоланки, маҳаллий ҳокимиятларни ўз ҳудудларидан тушадиган солиқларни ундиришга қизиқтириш учун юз фоизгача ажратма бериш зарур.

Субвенция ёки субсидия (корхоналар, ташкилотларга бериладиган маблағ яъни ёрдам, нафақа) услублари эса маҳаллий ҳукуматларнинг республика ҳукуматига мурожаат этиши лозимлигини билдириб, уларни ўз ҳудудларидаги солиқлар тўлиқ ундирилиши қизиқтирмайди, улардаги боқи-беғамликни кучайтиради. Маҳаллий ҳокимиятлар ўз хоҳишларича солиқ ва йиғимлар киритиш ҳуқуқига эга эмас. 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Солиқ кодексига кўрсатилган солиқларни ўз ҳудудларида қўллаш ёки қўлламаслик ҳуқуқи бор. Ундан ташқари, маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан бюджетга тушган маблағ миқдоридан келиб чиқиб солиқ тўловчиларга имтиёзлар бериш ҳуқуқига эга. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга тўлиқ тушишини ташкил қилиш маҳаллий ҳокимиятлар ва солиқ инспекциялари зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида талаб эластиклиги, эгри солиқлар ва нарх.

Юлдашев А., Тожибоева Д. - *Тошкент солиқ коллежи.*

Маълумки, солиқ тизимида эгри солиқлар ўзига хос муҳим ўрин тутadi. Эгри солиқларни қўллашга сабаб, биринчидан, тўғри солиқларни ўзи бюджетни шакллантириш учун етарли эмас. Иккинчидан, тўғри солиқларни кўпайиши ҳаражатларни ҳаддан зиёд кўпайиб кетишига олиб келади.

Эгри солиқлар тўғри солиқларга нисбатан кам сезиларли йўл билан, яъни товар-хизматлар нархига давлат томонидан белгиланган устама тарзида олинади.

Ҳозирги пайтда Республика давлат бюджетининг даромадларининг деярли ярмини эгри солиқлар ташкил этади. Ундан 17% и қўшилган қиймат солиғи, 27% акцизларга тўғри келади.

Кўриниб турибдики, эгри солиқларнинг бюджет даромадларини тўлдиришдаги роли ниҳоятда катта.

Эгри солиқлар, биринчидан, давлат бюджети даромадларининг муҳим манбаи бўлса, иккинчидан ички бозор, ишлаб чиқаришни ҳимоя қилувчи, маҳсулот экспорт қилишни рағбатлантирувчи асосий дастак ҳисобланади.

Республикада қўшилган қиймат солиқ ставкаси дастлаб 30% даражасида белгиланган бўлса, 1997 йилга келиб, кундалик озиқ-овқат маҳсулотларига 10%, бошқа маҳсулот ва хизматларга 18% га камайтирилди. Ҳозирги пайтда эса, барча товар ва хизматларга 20% даражасида белгиланган.

Эгри солиқлардан яна бири акциз солиғидир. У товар нархи ва хизматлар таърифига тўғридан-тўғри қўйилган устама бўлиб, классик солиқ тури ҳисобланади. Акциз солиқлари диапазони унча катта эмас, унинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Маълум муддатларда қайта кўриб чиқилади.

Акциз солиқлари ҳозирги пайтда 5% дан-90% гача белгиланган.

Солиқлар сўзсиз нархларнинг ўзгаришига олиб келади.

Нархнинг ўзгариши, албатта, талаб ва таклифнинг ўзгаришига олиб келади. Ана шу ўзгариш нархга нисбатан талаб ва таклиф эластиклиги кўрсаткичида ифодаланади.

Нархга нисбатан талаб эластиклиги деганда нархнинг ўзгаришига кўра, талаб миқдорининг ўзгариши даражаси тушунилади ва у талаб эластиклиги коэффиценти орқали ифодаланади.

Нархга нисбатан таклиф эластиклиги эса, нархнинг ўзгаришига нисбатан таклиф миқдорининг ўзгариш даражасини кўрсатади. Яъни, нархни 1% га ўзгариши талаб ёки таклифни неча фоизга ўзгаришига олиб келишини кўрсатади.

Шундай товарлар борки, уларга талаб нозластик, яъни нархни ортиши ёки тупишидан қатъий назар аҳоли томонидан сотиб олиш миқдори унчалик ўзгармайди. Уларга озиқ-овқат, спиртли ичимликлар, сигарета, мебель, заргарлик буюмлари кабилар киради.

Бундай товарлар учун талаб эластиклиги коэффиценти бирдан кичик - $E_D < 1$, яъни талаб нозластик. Товарларнинг нархи ортишига қарамай, аҳолининг бундай товарларни сотиб олиш миқдори деярли ўзгармайди, қўйилган эгри солиқлар харидорлар зиммасига юкланади.

Бунда давлат бюджетига тушадиган даромадлар миқдори кўпаяди. Лекин, даромади турлича бўлган барча аҳоли учун бир хил харид миқдорига тенг солиқ юки тўғри келиши туфайли уларнинг табақаланишини кучайтишига олиб келади.

Шундай гуруҳ товарлар борки, нархнинг ўзгариши билан талаб миқдори ҳам ўзгаради. Бу ўзгариш қанча сезиларли бўлса, талаб эластиклиги шунча юқори бўлади. Унда талаб эластиклиги коэффициенти бирдан катта - $E_D > 1$, бунда нарх ортганда талаб камаяди. Товар эгаси юқори нарх билан товарини сота олмагач, нархни пасайтиради. У ҳолда солиқлар тўла ишлаб чиқарувчилар зиммасига юкланади.

Бу эса келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришига, ўз навбатида бюджетга тушадиган даромаднинг камайишига олиб келади.

Айрим товарларнинг талаб эластиклиги даражаси ўзгарувчан, гоҳ эластик, гоҳ ноэластик бўлиши мумкин. Бунга турли омиллар сабаб бўлади. Улардан энг асосийси вақт, товарнинг ҳаётий циклини қайси босқичда эканлиги ҳисобланади.

Бунда солиқлар талаб эластиклиги даражасига кўра гоҳ сотувчи, гоҳ харидор зиммасига юкланади.

Айрим товар ва хизматларга нархнинг кўтарилиши, уларни сотишдан олинадиган даромад миқдорини ўзгартрмайди. Бундай товар ва хизматларнинг нархга нисбатан талаб эластиклиги бирга тенг - $E_D = 1$. У ҳолда, солиқ ҳар икки томон сотувчи ва харидор зиммасига юкланади.

Шундай қилиб, талаб эластиклиги даражасига қараб эгри солиқлар сотувчи билан харидор ўртасида тақсимланади.

Унинг қандай тақсимланишига кўра, аҳолининг табақаланиши кучайиши ёки аксинча бўлиши, бюджет даромадларини кўпайиши ёки камайиши амалга ошади. Шунинг учун ҳам солиқ ставкаларини белгилашда эластиклик коэффициенти ҳисобга олиб, табақаланган ҳолда ёндошиш зарур.

Некоторые вопросы совершенствования налогообложения

Мурадов А.М. – Тошкент солиқ коллежи.

В развитии и углублении рыночных преобразований ведущая роль принадлежит налоговому механизму. Совершенствование налогового законодательства в сочетании с совершенствованием законодательства в смежных сферах позволило создать благоприятный налоговый климат для субъектов малого и среднего предпринимательства, а также для предприятий с иностранными инвестициями с большим числом налоговых льгот, гарантий и стимулов.

Налоговые льготы, являясь проявлением налоговой политики, позволяют государству решать сложные вопросы своего социально-экономического развития, стимулируя те или иные виды экономической деятельности. Однако с учетом того, что определенная группа налогоплательщиков имеет значительные налоговые льготы, высокая налоговая нагрузка ложится тяжелым бременем на добросовестных налогоплательщиков.

В то же время предоставление налоговых льгот не только нарушает права других налогоплательщиков, не имеющих таких льгот, но и приводит

к разного рода искажениям в учете и ценообразовании, к неэффективному использованию ресурсов, повышению налогового бремени и т.д.

Проявление этих недостатков особенно характерно в случаях освобождения предприятий от налога на добавленную стоимость. Так, при освобождении от НДС отдельного предприятия вся тяжесть уплаты налога перекладывается на следующее звено, использующее у себя продукцию предприятия, имеющего льготы по данному налогу. При этом нарушается сущность налога на добавленную стоимость, который предполагает равномерное распределение налоговой нагрузки между различными стадиями производства и потребления. Таким образом, освобождение отдельных предприятий от налога на добавленную стоимость приводит к искажению в распределении налоговой нагрузки и даже к её росту.

Кроме того, положение еще более усугубляется, когда моментом реализации считается день отгрузки продукции, а не день поступления денежных средств. Следовательно предприятие должно уплатить налог на добавленную стоимость независимо от того, поступила выручка от реализации продукции или нет, т.е. происходит отвлечение собственных оборотных средств предприятия на период, который иногда может достигать длительных сроков.

Совершенствование налоговой политики на современном этапе в условиях либерализации экономики страны, на наш взгляд, связано с дальнейшим снижением налоговой нагрузки на хозяйствующие субъекты, систематизацией и сокращением числа налоговых льгот и максимальным расширением налогооблагаемой базы.

Решение этих вопросов способствовало бы дальнейшему снижению налогового бремени, его более равномерному распределению по секторам экономики и субъектам предпринимательской деятельности, что позволит улучшить финансовое состояние хозяйствующих субъектов, повысит конкурентоспособность производимой продукции как на внутреннем, так и на внешнем рынке. В конечном итоге это обернется расширением источников дохода государственного бюджета.

Бож тўловларни ундиришда товар сертификатларининг ўрни

Намозов А.А. -Солиқ ва божхона органлари академияси.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, товарнинг келиб чиқиш мамлакатини холисона тўғри аниқлаш нафақат товар ҳақида, балки, ундан турли хил солиқ ва божхона тўловларини ундиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шуни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонда товарларни сертификациялашга ҳукумат миқёсида аҳамият берилмоқда.

Товарга келиб чиқиш сертификати бериш учун товар ишлаб чиқарилган мамлакат аниқланишида халқаро меъзонларга таянилади. Товар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки маълум даражада қайта ишланган мамлакат айна товарга келиб чиқиш сертификатини беришга асос бўлиб хизмат қилади.

Товарни келиб чиқиш сертификатларида асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

- товарни экспорт қилаётган ташкилотнинг номи ва манзили;
- товарни импорт қилаётган ташкилотнинг номи ва манзили;
- ташиш воситалари ва йўналишлари;
- товар ҳақида тўлароқ маълумот берувчи тасниф;
- товарнинг умумий ва соф вази.

Товарга берилган келиб чиқиш сертификати асосида айни товарни қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги ҳақида аниқ маълумот олиш имкони яратилиши керак. Агар товар ишлаб чиқаришда икки ёки ундан ортиқ мамлакат иштирок этган бўлса, товарга ўзига хос хоссаларини бериш учун жиддий қайта ишлаган мамлакатдан келиб чиққан деб ҳисобланади.

Мамлакат ҳудудида етингирилган ўсимликлар, туғилган ҳайвонлар ва улардан олинган маҳсулотлар ҳамда мазкур мамлакатда амалга оширилган ишлаб чиқариш маҳсулотлари шу мамлакат товарлари деб ҳисобланади. Уларга айни мамлакатда ишлаб чиқарилди, деган келиб чиқиш сертификати берилади.

Товар икки ёки ундан ортиқ мамлакатларда ишлаб чиқарилган тақдирда товар ва маҳсулотларни қайта ишлаш меъзонларига асосланади. 1993 йил 28 декабрда «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинганлиги товарлар сертификацияси Ўзбекистонда ҳукумат муҳофазасига олинганлигидан далолат беради.

Четдан импорт қилинадиган товарлардан бож тўловларни ундиришда уларни қайси мамлакатдан келиб чиққанлигини тўғри белгилаш алоҳида иқтисодий аҳамиятга эгадир. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 7 октябрдаги 389-сонли қарори билан дастлаб 8та давлатга, кейинчалик эса 10 та давлат (Белоруссия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдава, Туркменистон, Украина, Тожикистон, Озарбайжон Республикалари ва Россия Федерацияси) га алоҳида имтиёз, 38та давлат (Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия, Ветнам, Германия, Греция, Дания, Ҳиндистон, Испания, Италия, Иордания, Жанубий Корея, Хитой, Латвия, Литва, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Покистон, Польша, Руминия, Словакия, АҚШ, Туркия, Финляндия, Франция, Чехия, Швейцария, Швеция, Эстония, Япония, Саудия Арабистони, Малайзия, Ирландия, Болгария, Бангладеш ва Исроил)ларга эса, белгиланган миқдорда бож ундириш афзаллиги яратилди.

Юқорида кўрсатилган давлатлар Ўзбекистон Республикаси билан «Эркин савдо» ва «Энг қулай савдо» келишувини имзолаган.

Қолган давлатларда ишлаб чиқарилган товарлардан эса белгиланган миқдордан икки баробар ҳажмда импорт божи ундирилади.

Шуни инобатга олган ҳолда товарни қайси давлатда ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи келиб чиқиш сертификатларининг ўрни каттадир.

Корхоналарда солиқлар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш

Мисиров К. - *Солиқ ва боғжона органлари академияси.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгандан кейин унинг иқтисодий тизими бозор иқтисодиётини ривожлантириш эҳтиёжларига муносиб равишда ўзгариб бормоқда. Ана шундай ўзгаришлар зарурати солиқ тизимида ҳам сезилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизими ўзининг рағбатлантирувчи хусусияти билан ажралиб туради. Давлат учун фойдали бўлган фаолият турларини ёки корхона фаолиятидаги ижтимоий йўналтирилган ёндашувларни рағбатлантириш учун, солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига имтиёзлар берадилар. Шу билан бирга, солиқлар умумдавлат муаммоларини ҳал қилиш мақсадида пул ундириб олиш воситаси бўлиб ҳам ҳисобланади. Солиқлар ҳисоби ва тўловидаги айрим муаммолар иқтисодий ислохотлар негизидаги мураккаб муаммолардан биридир. Солиқ тизими хусусий тадбиркорлик хўжаликлардаги бозор муносабатларини ривожланишига таъсир қилиши, кичик ва ўрта бизнес фаолиятини тараққий этишига ёрдам бериши ва бир вақтнинг ўзида аҳолининг кам таъминланган қатлами турмуш тарзининг пасайиб кетишининг олдини олиши лозим. Мамлакат ичқарисидаги ва ундан ташқаридаги иқтисодий жараёнларга давлатнинг таъсири – турли молиявий, кредит, пул услублари ёрдамида амалга оширилади.

Ҳозирги ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида солиқлар давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантиришда асосий манба ҳисобланади.

Солиқларнинг аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: «Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир». Кўриниб турибдики, корхоналарда солиқлар ҳисобини тўғри амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланган мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби, бошқарув ҳисоби ва ҳисоботи; молиявий ҳисоб ва ҳисобот; солиқлар ҳисоби ва ҳисоботи шаклида ташкил этилган.

Бизнинг фикримизча, республика корхоналари фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини иқтисодий мазмунига кўра ажратиб муҳим аҳамиятга эга. Корхоналар солиқ ва солиқлар ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадида қуйидаги вазифаларини ҳал қилиши мақсадга мувофиқ:

- солиқлар турини мумкин қадар камайтириш;
- солиқ кредитини жорий этиш ;
- солиқ ставкаларини камайтириш ;
- бухгалтерия ҳисобининг 21
- миллий стандартларига асосан солиқлар бўйича ҳисоб-китоб ишларини юритиш ;
- солиқларни ҳисобга олишда солиқ турларига қараб солиқ объекти муаммосини ҳал этиш лозим.

Корхоналарда солиқлар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштиришда бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартларига мувофиқ «Солиқлар ҳисоби ва ҳисоботи» бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш зарурдир. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, солиқлар ҳисобини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини юксалишида муҳим аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

Юридик шахслар даромади (фойдаси) ни солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари.

Боймуродов С. - *Солиқ ва боғжона органлари академияси.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда, долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузасида Вазирлар Маҳкамаси Умумиқтисодиёт комплекси, Молия Вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва барча манфаатдор тузилмалар олдига муҳим вазифа қўйди Унга кўра, 2003 ва кейинги йиллар учун давлат бюджети лойиҳаларини ишлаб чиқишда эски замондан кучини йўқотмай келаётган ёндашув ва қолиплардан воз кечиш, биринчи навбатда, фойдадан олинадиган солиқ ставкаларини пасайтириш, умуман солиқ юкини камайтириш бўйича таклифлар киритиш вазифасини топширди.

Албатта, бу таклиф бежиз айтилмади чунки, солиқ тўловчи ҳуқуқий шахслар учун белгиланган солиқ юкини камайтиради, уларнинг мустақил фойдаланишлари учун эркин пул маблағларини вужудга келтиради. Ушбу маблағларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш, умумий айланмасини кенгайтириш, корхона ишчи ва хизматчилари манфаатларини барқарорлаштиришга, оқибатда ҳуқуқий ҳамда, жисмоний шахсларнинг даромадларини ўсишига ва солиқ базасини кенгайтишига сабаб бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарорига кўра, 2002 йилга корхоналар учун даромад (фойда) солиғи ставкаси 24 фоиз қилиб белгиланган. Худди шунингдек, 2002 йилда ЯИМ миқдори 105,1 фоизга ўсиши режалаштирилиб, бюджетга ундирилиши лозим бўлган даромад (фойда) солиғи ЯИМга нисбатан 2,7 фоиз ёки 164,7 млрд. сўм қилиб белгиланган. Бу ўз навбатида корхоналар учун анча оғир юк ҳисобланади.

Агарда даромад (фойда) солиғи ставкаси 20 фоиз қилиб белгиланса, солиқ юкини 4 фоиз пасайиши эвазига солиқ тўловчилар ҳисобида эркин фойдаланиш учун тахминан 35 миллиард сўм, солиқ ставкаси 18 фоиз қилиб белгиланганда эса, 50 миллиард сўм маблағ пайдо бўлади. Бунинг натижасида корхоналарнинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб:

- нисбатан кам ҳисобланган солиқ миқдорини тезроқ тўлаш;
- корхона айланма маблағларини ошириш;
- маблағлар айланишини тезлаштириш;
- бўш қолган маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жалб қилиш орқали солиқ базасини кенгайтириш имкониятлари туғилади.

Бундан ташқари, кўпчилик ҳолларда корхона ва ташкилотлар белгиланган тартиб бўйича ҳар ойда икки мартаба олинадиган даромади ҳисобидан даромад (фойда) солиғининг аванс тўловларини амалга оширадilar. Ҳисобот даври якунида эса, тўланган ва тўланиши керак бўлган солиқлар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, кам тўланган солиқ қўшимча ўтказиб берилади, агарда солиқ кўп тўланган бўлса, ортиқча тўлов кейинги тўловлар ҳисобига қолдирилади. Бу ҳолат ҳам кўп вақтлар корхона айланма маблағларини муомаладан четда қолиб кетишига сабаб бўлади. Шу сабабли келгусида аванс тўловлари услуби бекор қилиниб, корхона ҳақиқатда олган даромади юзасидан ҳар ойда бир марта солиқ тўласа, корхонанинг айланма маблағлари кўпайиб ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳамда кенгайишига олиб келади.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг 2002 йил 14 февралда Вазирлар Маҳкамасидаги 2001 йилда республикани ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда, 2002 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишдаги маърузасида мутасадди идоралар олдига солиқ сиёсатини кенг халқ оmmasига тушунтириш, фуқаролар томонидан тўланаётган солиқларни қайси мақсадларга сарфланиши ва унинг аҳамиятини тарғиб қилиш ишларини янада жадаллаштириш ҳисобидан эркин солиқ тўловчилар сонини ва солиқ тушумларининг салмоғини янада ошириш имкониятлари тўғрисида айтиб ўтилди. Лекин тан олиб айтиш керакки, республикамизда бу борада олиб борилаётган ишларимиз қониқарли эмас деб ўйлайман. Шу ўринда солиқ қонунчилиги борасида ташвиқот ишларини яхшилаш мақсадида, участка солиқ инспекторлари томонидан ҳар йили солиқ тўловчи жисмоний шахсларни ҳисобга олиш пайтида солиқ тўловлари, уларнинг аҳамияти, солиқ қонунчилигини бузиш учун белгиланган молиявий ва маъмурий, жинсий жазолар тўғрисида ташвиқот варақасининг аҳолига тарқатиш амалиётини жорий этишни таклиф этардим. Чунки, ташвиқот варақасини ҳар бир хонадонда бўлиши ушбу оила аъзоларининг барчасини солиқ ва унинг аҳамияти, солиқ қонунчилигини бузилиши учун жавобгарлик тўғрисидаги ахборотлар билан яқиндан танишиш имкониятини берар эди. Бу эса, солиқ тўловларини ўз муддати ва вақтида тўлаб боришни таъминлашга хизмат қилган бўлар эди деб ўйлайман.

Эффективность менеджмента в развитии МСБ.

Кармишева Ш.К.- Ташкент Давлат иқтисодиёт университети.

Становление и развитие малого и среднего бизнеса (МСБ) в экономике Узбекистана является одной из основных, приоритетных задач при переходе к рыночным условиям хозяйствования. Как показывает опыт развитых стран, малый и средний бизнес играет весьма большую роль в экономике, его развитие влияет на экономический рост, способствует насыщению внутреннего рынка товарами необходимого качества, созданию новых рабочих мест, повышению экспортного потенциала и лучшему использованию местных сырьевых ресурсов.

Благодаря Государственной программе развития и поддержки малого и среднего предпринимательства в Узбекистане достигнуты существенные сдвиги в развитии данного сектора экономики. Результаты очевидны, если в 1991 году удельный вес малого и среднего бизнеса в структуре ВВП составлял всего лишь 1,5%, то в настоящее время - более 33 %.

Создание необходимой законодательной и нормативно-правовой базы, действие широкой сети финансовых институтов и различных фондов, усиление банковской поддержки субъектов МСБ утвердили сферу МСБ как неотъемлемую часть экономики. Число субъектов МСБ на 1 января 2002 года достигло 201,9 тысячи, за счет развития МСБ создано 372 тысячи новых рабочих мест. На 1000 жителей республики приходится 7 единиц субъектов МСБ⁴. С 1 октября 2001 года введен в действие новый упрощенный порядок регистрации и постановки на учёт субъектов МСБ по принципу « в одно окно», введена упрощенная система налогообложения и предусмотрены льготы практически по всем видам налогов. Только за ноябрь 2001г.— март 2002г. более 1100 начинающим субъектам предпринимательства на формирование стартового капитала было выделено (за счёт средств внебюджетных фондов) более 1 млрд. сум.⁵

Следует отметить, что существует ряд проблем, которые отрицательно воздействуют на развитие МСБ, такие, как недостаток финансовых средств, трудности, связанные с получением кредита, слабая защищённость предприятий МСБ перед проверяющими органами, недостаточная развитость финансовой инфраструктуры и т.д.

Основная часть ныне действующих предпринимателей и руководителей малых предприятий действуют на рынке, не имея необходимых знаний в области современного бизнеса, менеджмента, финансового и маркетингового анализа, не пройдя даже краткосрочного обучения на курсах и семинарах. Очень часто именно незнание и неумение становятся причиной банкротства предприятий. А так как рыночная экономика ориентирует деятельность предприятий на удовлетворение спроса и потребностей рынка, организацию только тех видов продукции, которые пользуются спросом и могут принести необходимую для развития прибыль,

⁴ « Народное слово» от 2 февраля 2002г.

⁵ «Правда Востока» от 9 апреля 2002г.

предприятию необходимо иметь адекватную рыночную систему управления, которая сможет обеспечить производительность, эффективность, адаптивность производства к различным требованиям рынка. Менеджмент как современное средство наиболее эффективного управления предприятием обладает таким потенциалом. Сегодня менеджмент выступает как система целенаправленного управления предприятием, включая прогнозирование, текущее и стратегическое планирование, организацию производства, реализацию продукции или услуг на основе постоянных нововведений, контроль и мотивацию персонала с целью повышения эффективности хозяйствования, удовлетворения потребностей рынка и общества в целом.

Концептуальные подходы к трансформации налогово-бюджетной системы регионов

Жамолов Х., Иминохунов А. – Ташкент моллиа институти.

Создание рыночных экономических условий воспроизводства экономического, социального, экологического, природоресурсного потенциалов и формирование местной экономической политики различных регионов Республики Узбекистан требуют оформления законодательных норм, учитывающих специфику отдельных районов и местных органов власти в налогово-бюджетной политике страны.

Следствием действия регионального фискального фактора является то, что в отдельных районах со сложными условиями на производство продукции затрачивается материальных, трудовых и финансовых ресурсов значительно больше, чем в других районах страны. Для выравнивания стартовых условий регионов со сложными природными условиями требуется внесение ряда поправок в бюджетно-налоговое законодательство, которые будут способствовать решению поставленной задачи.

Для корректировки принципов определения налоговой базы при реализации товаров (работ, услуг) предлагается не включать в налоговую базу выплаты по районным коэффициентам и надбавкам за стаж работы в районах со сложными условиями и приравненных к ним местностях, налог на доход (прибыль) предприятий (организаций). Дополнительные издержки по заработной плате уменьшают также размеры прибыли предприятий районов со сложными условиями в среднем на 14 %. Рост издержек производства здесь связан с завышенными размерами амортизационных отчислений, снижающих прибыль в среднем на 5 %. Для компенсации этих затрат предлагается ввести следующую норму: для предприятий, расположенных в районах со сложными условиями и приравненных к ним местностях, налоговые ставки устанавливаются в размере 18 процентов.

Проведение выравнивания предполагает определение цели, масштабов, путей, критериев и инструментов выравнивания.

Цель выравнивания – это создание равных стартовых условий для территорий, что включает в себя повышение уровня доходов и выравнивание исходного налогового потенциала. Для отслеживания степени достижения цели экономического выравнивания можно использовать индикаторы

межбюджетных отношений "республика - местный уровень управления".

Итак, предлагаются следующие параметры горизонтального выравнивания:

1. Механизм экономического выравнивания вводится органами власти в законодательном порядке.

2. Экономическое выравнивание должно производиться с учетом как налогового потенциала, так и потребностей местных бюджетов, на основе разработанных показателей межбюджетных отношений "республика - местный уровень управления".

3. Механизм распределения базируется на установлении долговременных стабильных нормативов.

4. Область закрепляет долгосрочные принципы межбюджетных отношений с каждой из выделенных групп местных бюджетов.

5. При планировании бюджета области на очередной год должна проводиться проверка состояния местных бюджетов на основе предложенных индикаторов.

Туристик фаолиятда солиқ муаммолари ва уларни тартибга солиш

Норчаев А., Тошмуродов И.Т. - Тошкент
Давлат иқтисодиёт ниверситети.

Халқаро туризм мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланиб бораётган ҳозирги шароитда, солиқ тизимини қайта кўриб чиқиш ва халқаро талабларга жавоб берадиган янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу муаммони бартараф этишда ривожланган мамлакатлардаги солиқ механизмни ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Туризм фаолияти Европа мамлакатларида бошқа минтақаларга қараганда яхши йўлга қўйилганлиги учун биз уларнинг тажрибасига таянишимиз мумкин.

Масалан, қуйида келтирилган бир қатор омиллар Европанинг туризми ривожланган мамлакатларида туризм ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий ва маъмурий механизмлари бўлиб хизмат қилади:

-солиқ имтиёзлари, субсидия ва дотациялар;

-туризм ривожини ва саёҳат хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўллаб-қувватловчи миллий қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари;

-мамлакатга кириш ва ундан чиқиш пайтида паспорт ва виза чеклашларини камайтириш;

-нархларни камайтириш ва бошқа турли хил имтиёзлар бериш йўли билан номавсумий туризмни рағбатлантириш;

-ижтимоий туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

-саёҳатчилар хавфсизлигига қўйиладиган талабларни кучайтириш;

-давлат томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият ва тарихий меросни асраб-авайлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш.

Бир қатор мамлакатлар Испания ва Греция, солиқлар, амортизация ажратмалари ва оборот учун солиқлар тўлаш бўйича сармоядорларга

имтиёзлар берадилар. Баъзи мамлакатларда корхоналар фаолиятининг дастлабки йилларида уларни даромад солиғидан озод этиш, шунингдек, қўшимча қиймат солиғини тўлашда имтиёзлар бериш амалиёти қўлланилади. Бундан ташқари, меҳмонхоналар учун асбоб-ускуналар ва саёҳат учун транспорт воситаларини импорт қилиш пайтида божхона тўловлари бўйича имтиёзлар (умуман озод қилишгача) берилади.

Оврупо Иттифоқи мамлакатлари туризм ва меҳмонхона фаолияти учун 6-25 фоиз атрофида бўлган қўшимча қиймат солиғини (ҚҚС) тенглаштиришга йўналтирилган сиёсатни олиб боришади. Мисол учун, Олмония ва Люксембургда ўртача ҚҚС миқдори 15 фоиз қилиб белгиланган, Дания ва Швецияда эса максимал ҚҚС миқдори 25 фоизга тенг.

Испанияда жойлаштириш учун ҚҚС ўртача 7 фоизни ташкил қилади ва меҳмонхона даражасига қараб ўзгариши мумкин, овқатланиш (ресторан хизматлари), автомобилларни ижарага олиш учун ҚҚС эса 16 фоизгача етади.

Грецияда жойлаштириш ва овқатланиш учун ҚҚС 8%ни ташкил қилади ва ҳукумат номавсумий пайтларда туристик хизматлар кўрсатувчи фирмаларга имтиёзлар тизимини ишлаб чиққан.

Францияда туризм фаолияти учун ҚҚС ўртача 10%ни, шу жумладан жойлаштириш учун 6%ни, овқатланиш хизматлари учун 8.5% фоизни ташкил қилади.

Австрияда жойлаштириш ва овқатланиш учун ҚҚС 10% миқдорига белгиланган. Лекин туристик солиқлар тўғрисидаги федерал қонунга асосан барча саёҳат ташкилотлари ҳар бир саёҳатчининг яшаши учун маҳаллий тўлов тўлайдилар (жамоа ҳудудига-жамоага, курортларда-курорт жамғармасига). Тўлов миқдори мавсумга қараб ўзгариши мумкин, бунда шифохона беморлари (6 ёшгача бўлган болалар, мактаб ўқувчилари ва талабалар) бу тўловлардан озод этилган.

Оврупонинг баъзи мамлакатларида саёҳат ташкилотлари коммунал хизматлар учун имтиёзли тарифлардан фойдаланадилар. Кўпчилик ҳолларда туристик фирмалар валюта даромадининг 20%гача бўлган қисми даромад солиғидан озод қилинган.

Давлат томонидан, шунингдек, янги саёҳат объектларининг қурилиши ерларни паст нархларда сотиш ва маълум муддатга ижарага бериш (Кипрда 99 йилга, Исроил ва Туркияда 49 йилгача) йўли билан рағбатлантирилади, бунда ижара муддати тугагач, яна шунча йилга чўзилиши мумкин.

Бизнинг республикамизда ҳам айни пайтда туристик фаолият турларига қараб бир қанча солиқ ставкалари жорий этилган. Лекин ҳозир Ўзбекистон ўзининг миллий ривожланиш механизмини яратмоқда, бу механизм яхши ишлаши учун барча тармоқларни бирдек ривожлантириш талаб этилади. Туризм давлат аҳамиятига эга бўлган тармоқ бўлганлиги учун бу соҳадаги солиқ механизмини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Взаимодействие республиканского и местных бюджетов в реализации конкретных направлений бюджетно-налоговой политики

Жамолов Х., Кабулов Х., Мамарахимов Б.-
Тошкент молия институти.

Регулирование отношений между бюджетами происходит не только через нормативы отчислений, но и через субсидии, которые являются результатом действия двух противоположных тенденций в развитии государственных и местных финансов. На основе изучения отечественного и зарубежного опыта делается заключение, что помощь государства территориям может выражаться либо в принятии Центром на себя задач управления и соответственно расходов, либо в передаче части налогов или других доходных источников в пользу местных органов, либо в предоставлении субсидий.

С повышением степени использования экономического потенциала территории повышается и ее бюджетная самообеспеченность.

С учетом этой выявленной закономерности предложена методика корректировки бюджетных дотаций нуждающимся районам, суть которой заключается в следующем:

1. По каждому району определяется коэффициент использования экономического потенциала (K_i), как отношение произведенного валового продукта к стоимости потенциала:

$$K_i = VRP_i / EP_i, \quad (2)$$

где VRP_i - валовой региональный продукт i -го района;

EP_i - экономический потенциал i -го района;

i - порядковый номер района.

2. Таким же способом определяется коэффициент использования экономического потенциала в целом по области - K_o :

$$K_o = \frac{\sum_{i=1}^n VRP_i}{\sum_{i=1}^n EP_i}, \quad (3)$$

где n - количество районов в области.

3. Определяется индекс корректировки бюджетных дотаций (P_i). Этот показатель учитывает и долю района в областном экономическом потенциале и долю района в областном валовом продукте. Эта доля оценивается в баллах:

$$P_i = K_i / K_o, \quad (4)$$

где P_i - показатель корректировки бюджетных дотаций i -го района.

4. Определяется дотационная цена одного балла (3). Суммарный дефицит местных бюджетов делится на сумму баллов по всем районам. При этом имеется в виду, что весь дефицит местных бюджетов будет покрываться бюджетными дотациями из областного бюджета - трансфертами (T), т.е., $\sum D_i = \sum T_i$:

$$S = \frac{\sum_{i=1}^n D_i}{\sum_{i=1}^n P_i} \cdot (5)$$

5. Определяется расчетная величина трансфертов, по каждому району,

$$T_i^{pac} = SxP_i \cdot (6)$$

6. Определяется сумма корректировок дотаций каждому району.

$$\Delta T_i = (T_i^{pac} - D_i) \times C, (7)$$

где ΔT_i - сумма корректировки дотации i -му району;

C - понижающий коэффициент.

Понижающий коэффициент (C) устанавливается специалистами по бюджету на уровне республики, исходя из конкретной экономической ситуации в бюджетной сфере. Экспериментальные расчеты показывают, что он может иметь значение в пределах от 0,05-0,1.

7. Определяется сумма трансферта i -му району, скорректированная с учетом степени использования экономического потенциала:

$$T_i^1 = D_i \pm \Delta T_i \cdot (8)$$

В общем виде модель корректировки бюджетных дотаций нуждающимся районам в зависимости от степени использования экономического потенциала имеет вид:

$$T_i^1 = D_i + \left(\sum D_i + \sum \frac{VRP_i \cdot \sum EP_i}{EP_i \cdot \sum VRP_i} \cdot \frac{VRP_i \cdot \sum EP_i}{EP_i \cdot \sum VRP_i} - D_i \right) \cdot C \cdot (9)$$

На основе исходных данных с применением предложенной методики произведены расчеты корректировки бюджетных дотаций с учетом степени освоения районами экономического потенциала.

Предложенная методика четко ориентирует органы местного самоуправления на быстрое освоение имеющегося экономического потенциала.

Особенности налогообложения доходов нерезидентов

Шахриёров Б.З. – *Тошкент шаҳар Яққасарой туман давлат солиқ инспекцияси.*

Налогоплательщик – нерезидент, осуществляющий деятельность в Республике Узбекистан через постоянное учреждение, является плательщиком налога по доходам (прибыли), полученным из источников в Республике Узбекистан.

Доход (прибыль), полученный нерезидентом, не связанным с постоянным учреждением, подлежит налогообложению у источника выплаты, если источник дохода (прибыли) находится в Республике Узбекистан.

Если иностранное юридическое лицо осуществляет деятельность на территории Республики Узбекистан через посредническую организацию, при этом имеет через эту посредническую организацию доход (прибыль), то такая деятельность посреднической организации приводит к образованию

постоянного учреждения иностранного юридического лица. В таких случаях посредническая организация при определении налогового статуса рассматривается и как самостоятельный налогоплательщик, и как постоянное учреждение иностранного юридического лица.

Постоянные учреждения иностранных юридических лиц, осуществляющие деятельность в Республике Узбекистан, обязаны встать на учет в органах государственной налоговой службы независимо от того, будет ли в дальнейшем их деятельность признана органом государственной налоговой службы, подлежащей налогообложению, или нет.

При постановке на учет в органе государственной налоговой службы по месту нахождения учреждению иностранного юридического лица присваивается регистрационный (идентификационный) номер плательщика.

При уклонении от постановки на учет постоянного учреждения в налоговом органе к иностранному юридическому лицу через его полномочного представителя, т.е. через постоянное учреждение, применяются соответствующие штрафные санкции в порядке, установленном законодательством Республики Узбекистан.

Иностранное юридическое лицо, осуществляющее деятельность в Республике Узбекистан через постоянное учреждение, в сроки, установленные для сдачи годового бухгалтерского отчета, через постоянное учреждение представляет в орган государственной налоговой службы по месту нахождения постоянного учреждения отчет о характере деятельности в Республике Узбекистан (в произвольной форме), а также декларацию о доходах и расходах по форме.

В дополнение к исчисленным и подлежащим уплате в бюджет суммам налога на доход (прибыль) постоянное учреждение иностранного юридического лица обязано с каждой суммы дохода (прибыли), непосредственно переводимого за рубеж, исчислять и уплачивать в бюджет налог в размере 10 процентов от суммы перевода.

Доход (прибыль) иностранного юридического лица (нерезидента) из источников в Республике Узбекистан, не связанных с деятельностью источников в Республике Узбекистан через постоянное учреждение, подлежит налогообложению по совокупному доходу без осуществления вычетов по следующим ставкам:

- дивиденды и проценты – 15 процентов.
- страховые премии, выплаченные на страховку или перестраховку рисков – 10 процентов.
- телекоммуникации или транспортные услуги для международной связи при передвижении между Республикой Узбекистан и другими государствами (доходы от фрахта) – 6 процентов.
- роялти, доходы по аренде, доходы от оказания услуг, включая услуги по управлению, консультации и другие доходы, кроме доходов, которые уже облагались налогом на доходы (прибыль) – 20 процентов.

Юридические лица Республики Узбекистан, выплатившие доходы (прибыль) иностранным юридическим лицам, обязаны:

- перечислить налог в бюджет в течении 5 дней после окончания месяца, в котором была произведена выплата,
- в течении 30 дней после окончания финансового года представлять в налоговые органы по месту регистрации, а также направлять юридическим лицам, получающим доход, по их требованию справку, в которой отражаются регистрационный номер этих лиц, их название, общая сумма дохода и общая сумма удержанного налога за отчетный год.

В случае, если по результатам перерасчета установлено, что у источника выплаты дохода (прибыли) удержана и уплачена в бюджет излишняя сумма налога, то излишне уплаченная сумма налога возвращается налогоплательщику в 30 дневный срок по его письменному заявлению или засчитывается в счет будущих платежей.

Иностранное юридическое лицо, имеющее право на налоговую льготу согласно международному соглашению (договору), обязано представить в орган государственной налоговой службы официальное подтверждение факта постоянного местопребывания данного лица в стране, с которой Республика Узбекистан имеет международное соглашение (договор) по налоговым вопросам.

Оптимизация системы перераспределения налогов между бюджетами регионов

*Жамолов Х., Кадиров М. –
Тошкент молия институти.*

Необходимость регулирования финансово-экономического потенциала регионов сохраняется вследствие крайне неравномерной территориальной мобилизации налоговых и неналоговых платежей, большого количества разноплановых факторов, определяющих потребности регионов в бюджетных средствах.

В формировании доходной части местных бюджетов, на наш взгляд, определяющая роль принадлежит действующим законодательным и нормативным документам и уровню их исполнения на местах.

По характеру распределения налогов доходы местных бюджетов формируются за счет собственных доходов и доходов, поступающих путем перераспределения средств между бюджетами разных уровней.

С целью учета всех налоговых поступлений в республике осуществляется централизованный сбор и поступление всех налогов в республиканский бюджет, а затем осуществляется их распределение по различным бюджетным уровням.

Налоговым кодексом республики все налоги разделены на общегосударственные и местные. Таким образом, формирование доходов местных бюджетов осуществляется за счет общегосударственных и местных налогов. Часть общегосударственных налогов (налог на прибыль юридических лиц, налог на доходы физических лиц и налог на добавленную стоимость) отчисляется в местные бюджеты по нормативам, устанавливаемым ежегодно в законодательном порядке по областям

республики. Остальные виды общегосударственных налогов зачисляются в полном объеме в доходы местных бюджетов.

Дальнейшее укрепление доходной базы местных бюджетов является одним из основных направлений реформирования межбюджетных отношений. Важную роль в этом направлении может сыграть совершенствование налогообложения имущества, земли, природных ресурсов. Реальное увеличение поступлений от налога на имущество можно задействовать при сокращении льгот по данному налогу.

В этом направлении наиболее важными являются вопросы усиления заинтересованности органов местной власти в увеличении налогового потенциала и росте собственных бюджетных доходов путем увеличения числа налогоплательщиков - малых предприятий, усиления и повышения эффективности контрольных функций за сбором налогов на доходы физических лиц, занимающихся предпринимательской деятельностью.

Так как поступления от местных налогов и неналоговых доходов покрывают лишь незначительную часть расходов местных бюджетов, основная часть суммарных доходов местных бюджетов формируется по каналам межбюджетного регулирования, основным из которых являются регулирующие налоги. Нормативы отчислений регулирующих налогов дифференцированы по областям и видам налогов и ежегодно пересматриваются.

Обобщая механизм распределения доходов между бюджетами различных уровней можно констатировать, что он основан на разделении налогов на общегосударственные и местные, что характерно для многих стран с переходной экономикой. При действующем механизме распределения налогов сохраняется значительная дифференциация областей по доходам бюджета на 1 жителя. Субвенции, предоставляемые на покрытие дефицита местных бюджетов, практически не меняют эти различия.

Решение проблемы перераспределения налогов между звеньями бюджетной системы теоретически возможно тремя путями: через изменение налоговой системы, через изменение бюджетного устройства или через соединение первого и второго пути. При этом наиболее целесообразным решением является выработка соответствующего механизма распределения налогов, т.е. использование потенциала бюджетного устройства. Нормативы отчислений части государственных налогов следует использовать как инструмент нейтрализации перераспределения налогов между звеньями бюджетной системы и обеспечения равенства всех органов власти в получении налоговых доходов и равенства налоговых доходов в расчете на душу населения.

Кичик ва ўрта бизнесни солиққа тортиш масалалари

Санақулова Б. - Тошкент молия институти.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган илк кунлариданоқ, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Катта маблағ талаб этмайдиган ва ресурсларининг ўсиш тезлигини кафолатловчи кичик ва ўрта

бизнес корхоналари иқтисодиётдаги қайта тузилишлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни нисбатан тез ва ортиқча сарф–харажатларсиз ечишга, ички бозорни, молиявий ресурслар чегараланган бўлишига қарамай, истеъмол моллари билан тўлдиришга қодирдир.

Шу ўринда юртбошимизнинг: «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, унинг ривожига тўсқинлик қилувчи барча муаммоларни бартараф этишимиз бутунги куннинг долзарб вазифасидир» деган сўзларини эслаш жоиздир. Бунда эса албатта амалдаги солиқ тизими улар фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Чунки ҳар қандай иқтисодий фаолият солиқ механизми орқали давлат томонидан рағбатлантирилиши ёки чеклаб қўйилиши мумкин. Кўпгина ҳолларда амалдаги солиқ тизимлари ушбу субъектларнинг фаолият юритиши ёки ўз фаолиятларини тугатишига сабаб бўлади. Демак, бутунги кунда бу корхоналар фаолиятига солиқ тизими таъсирини ўрганиш долзарб вазифалардан биридир.

Диққатга сазоворли томони шундаки, корхоналар ҳайси солиққа тортиш тизимида фаолият юритишини ўзлари мустақил белгилайдилар. Солиққа тортишнинг умумий тизимида кичик ва ўрта бизнес корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан белгиланган умумдавлат ва маҳаллий солиқларни тўлайдилар. Буларга даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол–мулк солиғи, ер солиғи, экология солиғи ва бошқа солиқлар кириди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхоналарнинг умумий тизимни танлашларига унда жорий этилган солиқ кредитлари, солиқ каникуллари ва бошқа яратилган имтиёзлар сабаб бўлмоқда. Албатта, бу имтиёзлар корхона зиммасига тушаётган солиқ юқини камайтиришга хизмат қилади. Ушбу имтиёзларга эга бўлган корхоналар учун бу тизимда фаолият юритиш фойдали. Лекин бу тизим маълум камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Яъни:

- солиқлар сонининг кўплиги;
- солиқ идораларининг солиқ тўловчиларни ортиқча безовта қилиши;
- солиқларни бюджетга тўлашда расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг кўплигидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарорига мувофиқ, кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими жорий этилди. Ушбу тизимда корхоналар умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ўрнига ягона солиқни тўлайди. Қуйидагилар эса бундан мустасно:

- ҚҚС ва импорт қилинаётган товарларга акциз солиғи;
- Лицензия йигимлари;
- Бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар.

Кичик корхона умумий белгиланган тартибда ёки соддалаштирилган шаклда ҳисоб–китоб юритишга ҳақлидир. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими қонунчилик билан белгиланган мезонларга мувофиқ, кичик корхоналар мақомини олган юридик шахсларга тадбиқ этилади. Фаолиятнинг бир нечта турини амалга оширувчи ягона солиқ

тўловчилар, фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида ҳисоб олиб боришлари керак.

Умумий солиққа тортиш тизимида ялпи даромад солиғи объектига молиявий фаолиятдан кўрилган фойда ва харажатлар қолдиғи киритилса, соддалаштирилган тизимда бу инобатга олинмайди. Бизнингча, савдо корхоналари соддалаштирилган солиққа тортиш тизимига ўтишидан олдин балансида турган мулк қиймати, жалб этилган кредит воситалари ва ташқи операциялар шартларини таҳлил этишлари лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агар корхона катта ҳажмдаги ер участкаларидан фаолияти давомида фойдаланса ёки қимматбаҳо жиҳозларга эга бўлса, у ҳолда ушбу корхонанинг соддалаштирилган тизимда фаолият юритиши корхона фаолиятига ижобий таъсир этади. Чунки бундай ҳолда солиқ сезиларли даражада камаяди.

Бизнинг назаримизда корхона у ёки бу тизимга ўтишидан олдин солиқ менежментини ўтказса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Умуман олганда иккала солиққа тортиш тизими ютуқлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам эга. Хусусан, бу камчиликлар, кичик корхоналарни ягона солиқ ва мақсадли жамғармаларга тўловларни амалга оширишида намоён бўлади. Чунки корхоналар соддалаштирилган ҳисобдан ташқари яна кўшимча ҳисоб ишларини юритиши лозим. Бу эса соддалаштирилган тизимга зиддир.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини солиққа тортиш масалалари муҳим долзарб муаммолардан биридир. Зеро, кўпгина ҳолларда ушбу субъектлар фаолияти айнан уларга нисбатан қўлланилаётган амалдаги солиқ тизимига чамбарчас боғлиқдир.

Ипотечные банки и вопросы совершенствования их налогообложения

Шарифжанова Г. – Банк-молия академияси, и.ф.н.

Ипотечный рынок – составная часть рынка ссудных капиталов, где аккумулируются долгосрочные денежные накопления путем выпуска ипотечных облигаций, используемых для представления кредитов под залог недвижимости. Ипотечный рынок получил широкое развитие после 2-й мировой войны в США, Канаде, Западной Европе и Японии. Субъектами рынка ипотечного кредитования являются частные и государственные кредитно – финансовые институты: страховые компании, ссудно-сберегательные ассоциации, ипотечные, коммерческие сберегательные банки. Инструментом сделок ипотечного рынка являются ипотечные облигации.

Сегодня в экономике Республики Узбекистан отчетливо ощущается потребность в финансовых инструментах, которые могли бы привлечь значительный круг инвесторов. Становлению системы долгосрочного ипотечного кредитования мешает отсутствие необходимой законодательной и нормативной базы. В странах с рыночной экономикой и развитыми

рыночными институтами и механизмами система долгосрочного кредитования сложна и требует нормального функционирования системы специального правового регулирования, увязанного со всеми смежными блоками. Следует отметить, что действующая ныне система гражданского права использует традиционное для республики правовое содержание понятия залога недвижимого имущества.

Законом должен быть создан механизм, при котором в условиях реформирования экономики Республики Узбекистан хозяйствующие субъекты, имеющие в собственности недвижимость или имущественные права на нее, и другие участники рынка, обладающие финансовыми ресурсами, могли бы беспрепятственно участвовать в ипотечном процессе. Это позволит привлечь в экономику дополнительный капитал и создать конкурентную среду для участников этого процесса.

Для этого необходимо, чтобы ценные бумаги обладали надежностью, разнообразием видов ценных бумаг, доступностью для торговли на организованном рынке, высокой ликвидностью. Данным критериям соответствуют ипотечные ценные бумаги.

До того, как исследовать состояние ипотечного кредитования в республике, нам нужно определиться с терминологией по ипотечному кредитованию. В соответствии с Гражданским кодексом Республики Узбекистан – ипотека – это залог недвижимости. В таком случае, выданный под залог недвижимости кредит соответственно будет представлен как ипотечный кредит. Однако данное определение противоречиво. Ипотечный кредит отличен не только формой обеспечения, но и долгосрочностью. К тому же, на наш взгляд, долгосрочный кредит, выданный под залог недвижимости, действительно будет соответствовать своему назначению только лишь в случае использования ипотечных облигаций как ресурсной базы и будет служить основой формирования последующих ресурсов.

В связи с этим, при исследовании состояния рынка ипотечного кредитования в Узбекистане, мы считаем целесообразным рассматривать состояние выдачи кредитов под ипотеку вне зависимости от сроков предоставления и формирования ресурсов.

В данном случае оценка фактического состояния ипотечного кредитования в стране возможна лишь в процессе исследования динамики предоставления кредитов под ипотеку и их доли в общей структуре активов банка.

Анализируя использование кредита под ипотеку по стране, мы убеждаемся, что общая сумма таких кредитов без учета сроков предоставления в общей сумме кредитных вложений составляет не более 24,5 %. И если учитывать ипотечные кредиты, выданные на длительный срок, то их доля в кредитных вложениях республики составит всего 4%¹.

¹ Информация Ахборейтинга

Проблема в недостаточности ресурсов для долгосрочного кредитования, в недостаточном развитии рынка недвижимости и в несовершенстве налогообложения ипотечных банков.

Становление ипотечных банков - процесс длительный, ибо основным видом обеспечения является недвижимость со всеми последующими его проблемами. В связи с этим следует установить льготы и в налогообложении имущества, представленного под ипотеку.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётини чет эл андозалари асосида такомиллаштириш масалалари

Камолов А.О. – *Солиқ ва боғжона органлари академияси, и.ф.н., доц.*

Мустақилликнинг ўтган ўн бир йили мобайнида Ўзбекистон йирик иқтисодий ислохотларни ўз бошидан кечирди. Шундай иқтисодий ислохотлар солиқ тизимини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Солиқ сиёсати ва солиқ тизимининг самарали ислох қилиниши иқтисодиётимизни бозор изига кўчиришда муваффақиятларга эришишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Солиқлар муаммоси мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар амалиётидаги энг долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда жуда кескин ва қайноқ мунозараларга сабаб бўлаётган масалалардан бири жисмоний шахсларни солиққа тортиш масаласи эканлигини тан олишимиз керак.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш борасида кейинги йилларда аҳолини ижтимоий – иқтисодий ҳимоялашга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сўнги икки йилда бу борада амалга оширилган айрим ишларга назар соладиган бўлсак, жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғининг юқори ставкаси 40 % дан 33 % гача камайтирилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун қатъий солиқ ставкалари жорий этилди. Кўпгина, айниқса шахсий автотранспорт воситаларидан камроқ фойдаланувчи аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган ва ўз вақтида бюджетга келиб тушиши муаммо бўлган транспорт солиғи ўрнига 2002 йил 1 январдан жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун солиқнинг жорий этилиши бу солиқ билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этди.

Бирок жисмоний шахсларни солиққа тортиш борасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Бу муаммоларни ечиш йўлларида бири, ривожланган давлатлар солиқ соҳасидаги тажрибаларини чуқур ўрганиб, амалиётда жорий этишдир.

Ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимлари бир-бирларидан фарқ қилса-да, бирок улар учун умумий тенденциялар ҳам характерлидир. Бундай тенденциялардан бири бюджет даромадлари таркибида маҳаллий солиқлар (АҚШ да 65 %, Японияда 30 % ва ҳ.қ.) ҳиссасининг ортиб боришидир.

Ривожланган мамлакатларда маҳаллий солиқларнинг 100 га яқин хилма-хил кўринишлари мавжуд. Маҳаллий солиқлар таркибида ривожланган давлатлар учун аҳамиятга моликлиги мол-мулк солиғидир. АҚШ нинг кўпгина шаҳарлари бюджетларининг 35 % дан 70% гачаси худди шу солиқ ҳисобидан шаклланади.

Ривожланган мамлакатлар учун жисмоний шахслар даромадларини мажбурий декларациялаш солиққа тортиш амалиётида кенг қўлланилади. Фуқароларнинг ўз даромадлари тўғрисидаги декларациялар, улар даромадлари манбаларининг қонунийлиги ва ошқоралиги солиққа тортиш борасидаги айрим муаммолар келиб чиқишининг олдини олади. Чет давлатларда жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки улар учун солиққа тортилмайдиган минимум жорий этилган ва у йилдан-йилга ўсиб бориш тенденциясига эга. Масалан, АҚШ да бундай минимум ойига 3000 (эр – хотин жуфтлиги учун 5000) доллар атрофида, Германияда ойига 1536 (оилавий жуфтлик учун 3072) марка атрофида ва ҳ.к.

Солиққа тортилмайдиган минимумнинг Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиётида жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай солиққа тортилмайдиган минимумнинг жорий этилиши аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, инсон яшаши ва меҳнат қилиши учун зарур бўлган кундалик истеъмол товарларининг қийматига мос келувчи даромадларнинг улар ихтиёрида қолишига имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 сентябрда «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу Фармонга асосан Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг ҳалқаро меъёрларга мос келадиган тизими 2002-2005 йиллар мобайнида босқичма-босқич жорий этилади. Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимининг жорий этилиши солиққа тортилмайдиган минимумни амалиётда қўллаш учун замин яратади.

Кўпгина ривожланган давлатларда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда, солиққа тортишнинг регрессив усули қўлланади, яъни даромад ошиб бориши билан солиқ ставкалари камайиб боради.

Ҳозирги кунда жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда солиққа тортишнинг регрессив усулини қўллаш учун бизнинг мамлакатимизда имконият мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бироқ жисмоний шахслар даромадини солиққа тортиш борасидаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорларида ўрнатилган чегараларни имкон қадар кенгайтириш лозим.

Ривожланган давлатлар солиқ соҳасидаги айрим тажрибаларини бизнинг мамлакатимизда ҳам солиқ муносабатларини такомиллаштиришда қўллаш фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Бу билан биз ривожланган мамлакатлар солиқ тизимининг айрим жиҳатларини «кўчириб олиш керак» деган фикрдан йироқдамиз. Чет элларнинг солиқ соҳасидаги илғор тажрибаларни ҳар томонлама ва чуқур

Ўрганишдан мақсад мамлакатимизнинг ўзига хос солиқ тизимини янада ривожлантиришдан иборат эканлигини таъкидламоқчимиз.

Налогообложение банков

Абдуллаева Н.А., Набиев Л.Н. – Академия налоговых и таможенных органов, Управление Хамзинского отделения ЖСБ

В период либерализации и углубления экономических реформ в Республике Узбекистан обостряется проблема развития банковской системы, являющейся связующим звеном между участниками экономических отношений.

Как субъекты налогового права банки занимают ключевое место, являясь крупнейшими налогоплательщиками по величине налоговых поступлений, хранителями денежных ресурсов государства, юридических и физических лиц, а также посредниками, перечисляющими налоговые платежи в доходную часть государственного бюджета.

Изучение статуса банков в налоговых отношениях на основе анализа всех сторон их правосубъектности в этой области позволило сформулировать современное понятие налоговой деятельности государства с выделением ее важнейших признаков; определить место и роль банков в области налоговой деятельности государства; оценить регулирующее участие банков в налоговых правоотношениях и обобщить толкования в отношении налоговой деятельности банковских структур; проанализировать особенности основных налогов, взимаемых с банков: сравнить виды мер ответственности, применяемых к банкам за нарушение норм налогового законодательства, процедуру и особенности их наложения, а также проанализировать порядок защиты прав банков в области налогообложения; выявить отличительные черты и содержание прав и обязанностей банков по обеспечению в бюджет налоговых платежей, обосновать применение к банкам мер ответственности за нарушения налоговых платежей.

Целостная постановка исследуемой проблематики позволит: внести предложения по совершенствованию правоприменительной практики к банкам за нарушения в налоговых платежах; сформулировать рекомендации по урегулированию пробелов в законодательстве относительно применения банками норм защиты своих прав; повысить эффективность участия банков в налоговой деятельности государства.

В современных условиях либерализации и углубления экономических реформ к налоговому законодательству относятся и акты толкования права – официальные, юридически значимые документы, направленные на установление действительного смысла и содержания норм права, а именно: постановления Конституционного и хозяйственного суда Республики Узбекистан. Эти постановления не только разъясняют смысл интерпретируемых норм, но и разрешают коллизии в праве, устраняя существующие противоречия. К сожалению, такие постановления, выносимые по конкретным делам, не обладают свойствами прецедента. В то же время они разграничивают отношения, возникающие между налогоплательщиками и

кредитными организациями на налоговые и бюджетные и устанавливают конституционную обязанность плательщика налогов – юридического лица.

Налоговое законодательство, регламентирующее налоговую деятельность банков, включает нормативно – правовые акты, как целиком посвященные вопросам налоговой правосубъектности банков. Такие акты определяют законодательную базу различных отраслей права. Налоговое законодательство обладает особенностью, которая проявляется в императивных правовых нормах. Это означает, что налогоплательщики и налоговые органы не могут изменять требования норм указанного законодательства. Принципиальная концепция, которая должна лежать в основе формирования и совершенствования налогового законодательства в отношении банков, должна заключаться в создании системы законов о налогах прямого действия, исключающей издание конкретизирующих их подзаконных актов.

Проблемы инвестирования банками производства связаны с риском невозвращения вложенных денежных средств, вследствие чего банки вынуждены создавать резервные фонды под эти риски, наполняя их как за счет собственных, так и заемных средств. Однако обложение налогом на прибыль этих резервов при существующем порядке не стимулирует их создания, что сказывается на невыгодности для банков вводить большие резервы, хотя мировой опыт показывает, что на ссуду без материального обеспечения приходится более половины кредитного портфеля банков. Поэтому целесообразно снизить ставку налога на прибыль, применяемую при налогообложении резервных фондов банков, чтобы обеспечить реальную возможность покрыть за счет денежных средств, аккумулированных в этих фондах, те финансовые издержки, которые возникают в случае банкротства кредитуемых данными кредитными организациями предприятий.

Представляется целесообразным установить приоритетные отрасли экономики с утверждением перечня предприятий, а с прибыли банков, полученную в результате инвестирования в эти предприятия, взимать налоги по более низким ставкам. Необходимо выработать нормативные акты по предоставлению отсрочек и рассрочек по налогу на прибыль для банков, занимающихся инвестициями, в особенности, в отношении тех, кто еще только формируют свои активы.

Вопросы оптимального соотношения инфляции и налогообложения

Ходжаева Л., Пахратдинова Ш. - Қарши Давлат университети.

Снижение инфляции является важной предпосылкой устойчивого роста налоговых поступлений в бюджет. В то же время, темпы этого снижения, которые необходимы для роста налоговых поступлений, не стоит абсолютизировать и буквально «применять» к конкретным условиям той или иной страны. Нельзя трактовать монетарную стабилизацию и в

качестве достаточного условия роста налоговых платежей. Является ошибкой утверждение, что монетарная стабильность представляет собой достаточное условие для оживления и реструктуризации производства, достижения необходимой реаллокации налоговых поступлений. Первоочередной задачей экономической деятельности является производство товаров и услуг, представляющих ценность для индивидов и общества. Налоговые отношения представляют собой средство для достижения этой цели, но не саму цель.

Инфляция в Республике Узбекистан осуществляется в рамках стабилизационных программ. При обеспечении роста ВВП на 105.1% можно даже вызвать некоторое оживление экономики, создать специфическую инфляционную конъюнктуру, когда рост налоговых поступлений дает толчок расширению производства.

Нет такой концепции, которая отрицала бы неблагоприятное воздействие высокой инфляции на налоговые поступления. Отсюда логично следует вывод, что подавление сильной инфляции служит при прочих равных условиях важной предпосылкой достижения устойчивого роста налоговых поступлений в бюджет. Эти общезкономические положения взаимосвязи умеренной инфляции и роста налоговых поступлений в последнее время обосновываются и доказываются как отечественными, так и зарубежными экономистами. Однако в сферу умеренной инфляции не включаются основные направления регулирования налоговых платежей. Конечно, разработка основных направлений бюджетной политики в сфере налогового регулирования во многом зависит от возможности объективной оценки уровня умеренной инфляции с динамикой бюджетного поступления от отдельных видов налогов и это при учете важнейших пропорций и структурных сдвигов в налоговых поступлениях, формируемых в реальном секторе экономики в переходной период.

Что касается сопряжения темпа умеренной инфляции и роста налоговых поступлений то между ними, безусловно, существует взаимозависимость. Нельзя не учитывать и того, что инфляция сама находится под воздействием роста налоговых поступлений в бюджет и того, что последний определяется группой факторов, имеющих отношение к росту общезкономических процессов. Основными задачами функционирования этих процессов являются:

- мониторинг инфляционных процессов и факторов, их определяющих, с целью оценки воздействия налоговых поступлений на процесс финансовой стабилизации экономики;

- прогнозирование динамики и уровня хозяйственной активности налогоплательщиков, как основы воздействия умеренной инфляции на процесс формирования бездефицитного бюджета.

Этими обстоятельствами и определяется степень взаимосвязи умеренной инфляции и динамики роста налоговых поступлений в бюджет.

Қўшма корхоналардан олинадиган солиқлар tizimini такомиллаштириш

Султонов Ш. Н. - *Термиз Давлат университети.*

Ҳозирги кунда республикаимиз ҳукумати чет эл инвесторларини жалб этишда кўп ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи, қўшма корхоналар қуриш ва хорижий капитални жалб қилиш, уларга имтиёзлар беришга қаратилган Президент Фармонлари ва яна бир қатор қонунлар қабул қилинмоқда. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши чет эл сармояларини жалб қилишни янада жадаллаштириб, бу соҳада туб ўзгариш ясаши шубҳасиздир. Шунингдек, улар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий ҳуқуқларини янада кенгайтириб, фаолиятини рағбатлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш мақсадида солиқ соҳасида ҳамма шароитлар яратилган, салмоқли имтиёзлар берилган.

Жумладан, 2000 йил 1 январдан бошлаб хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқарувчи корхоналар учун жами фойдаланилаётган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар қийматининг салмоғига қараб даромад (фойда) солиғи ставкасига нисбатан пасайтирувчи коэффицентлар қўлланилади.

Янги ташкил этилган корхоналарнинг ваколатхоналари, филиаллари ва шуъба корхоналари (биржалар, тайёрлов, улгуржи таъминот-сотиш, воситачилик, савдо, тижорат корхоналаридан ташқари) ўзлари ташкил этган вақтдан бошлаб, биринчи йили белгиланган ставканинг 25 фоизи ва иккинчи йили - 50 фоизи миқдориди солиқ тўлайдилар.

Шунингдек, 2000 йил 1 июлдан бошлаб, экспорт қилувчи қўшма корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан олинган даромадлари учун даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинган. (Мазкур имтиёз эркин алмаштириладиган валютага хом ашё маҳсулотлари, пахта толаси, ип газлама калаваси, линт, нефт маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, кимматбаҳо, рангли ва қора металллар экспорт қилувчи савдо воситачилик корхоналарига шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ қилинмайди).

Агар ишлаб чиқариш ҳажмининг 25 фоиздан кўпроғини болаларга мўлжалланган товарлар ташкил этган тақдирда ишлаб чиқариш бошланган пайтдан бошлаб, корхона 5 йил муддат мобайнида даромад (фойда)дан олинадиган солиқдан озод этилади. Шундан кейинги йилларда мазкур корхоналарнинг даромад (фойда)дан олинадиган солиғи амалдагига нисбатан 2 барабар камайтирилган ставка бўйича ундириб олинади:

-агар корхонанинг низом фондида хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроғини ташкил этган тақдирда, ишлаб чиқариш бошланган пайтдан

бошлаб 2 йил муддат мобайнида даромад (фойда)дан олинадиган солиқни тўлашдан озод этилади.

Шундай бўлса-да, бизда қўшма корхоналардан олинадиган солиқлар ва уларни такомиллаштириш масаласи юзасидан қуйидаги таклифлар мавжуд:

Биринчидан, солиқ ставкаларини қўшма корхонанинг жойлашган ҳудудига қараб белгилаш.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги солиқ қонунчилигига биноан, хорижий инвестиция асосида фаолият юритадиган корхоналар, уларнинг бўлимлари, юридик мақомга эга бўлса, бошқа мулк шаклидаги корхоналарга ўхшаб, белгиланган мажбурий солиқ ва тўлов турларидан давлат бюджетига солиқлар тўлаб туради. Аммо, қўшма корхоналар учун бюджетга солиқ тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ҳозирги кунда қўшма корхоналар учун даромад (фойда) солиғи бўйича белгиланган тартибда солиққа тортиш механизмнинг ўзига хос қулайлик ва давлат бюджетига ўтказишнинг анча осон томонлари мавжуд лекин, бизнинг фикримизча, масаланинг иккинчи бир салбий томони мавжудки, у ҳам бўлса, солиққа тортиш дифференцияси ўртасидаги фарқнинг катталигидир. Бу фарқ нимада, деган саволни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Амалда қўлланилиб келаётган солиқ ундириш тартибидан кўриниб турибдики, низом фондидаги томонлар улушининг арзимаган 1фоизга ёки бўлмаса низом фондидаги белгиланган миқдорнинг катталигидан 1долларга ошиши ёки кам бўлиши корхона учун сезиларли ҳолда солиқ имтиёзи берапти ва аксинча, имтиёздан маҳрум қилмоқда бу ҳолат корхона учун ҳам, бюджет учун ҳам қандай молиявий таъсир кўрсатиши яққол кўриниб турибди.

Ушбу масала юзасидан биз Ўзбекистонда қўшма корхоналарни солиқлар орқали рағбатлантиришда оффшорлик тизимини татбиқ этишни таклиф қиламиз. Оффшорлик ҳудудлари эркин иқтисодий ҳудуд кўринишларидан бири бўлиб, халқаро бозор иқтисодиёти шароитида кент қўлланилади. Оффшорлик ҳудудлари ўз маъноси жиҳатидан «солиқ бандаргоҳи» деган маънони англатади. У асосан эркин иқтисодий ҳудудларнинг таркибида ташкил этилиб, уларга бу ҳудуддаги хўжалик субъектларига nisбатан солиқ, божхона имтиёзлари кўпроқ қўлланилиши билан фарқ қилади.

Шу ўринда бизнинг таклифимиз – Республикамизда, оффшорлик тизимига амал қилган ҳолда, солиқ дифференциясини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу таклифга кўра, солиқ ставкаси юридик шахслар даромадига (фойдасига) белгиланганлиги бўйича 24 фоиз бўлиб, бироқ хорижий инвесторнинг улушидан келиб чиққан ҳолда солиқ суммага nisбатан дифференцияси ўрнатилса, талабга жавоб берган бўлар эди.

Ҳар қандай қўшма корхона, агарда у бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан банд бўлса, уларни даромад (фойда) солиғига тортиш хорижий инвесторни низом фондидаги улуши 30 фоиздан 90 фоизгача дифференцияланиши мумкин.

Бу билан шуни таъкидламоқчимизки, хорижий инвесторнинг қўшма корхона низом фондидаги улуши 30 фоиздан қанчалик юқори бўлса, солиқ суммасидан шунчалик кўп солиқ имтиёзи берилади.

Бир қарашда бундай ҳисоблашлар солиқ инспектори учун маълум бир қийинчиликлар тугдиргандай туюлади, аслида эса бунинг акси бўлиб, унинг бир қанча ўзига хос ижобий томонлари мавжуддир:

1. Энг аввало, бу ҳолда қўшма корхона учун ҳам, бюджет учун ҳам ижтимоий-иқтисодий адолат тамойили амалга оширилади.

2. Такмиллашган солиқ тизимининг оддийлик ва ҳолислик тамойилига ҳам амал қилинади. Чунки бу ҳисоб-китобни амалга оширишда қатъий даромад (фойда) солиғи ставкасига асосланган ҳолда, солиқ дифференциациясидан фойдаланилади.

3. Хорижий инвесторнинг қўшма корхона низом фондидаги улушига қараб, уни рағбатлантириш ва янада қизиқтириш мақсадида, қолаверса, хориж инвестициясини иложи борича кенг кўламда низом фондига жалб этиш мақсадида, уларни кўллаб-қувватлаш кўзда тутилади.

Возможности финансирования инвестиционных проектов в Узбекистане

Усманова Р. – Банк – молия академияси.

Активная инвестиционная политика Узбекистана играет существенную роль в обеспечении устойчивого развития экономики страны. Объемы инвестиций за последние годы составляют в среднем 27 процентов к объему ВВП. Устойчивый рост ВВП в течении прошедших 5 лет непосредственно связан с реализацией целого ряда крупных инвестиционных проектов, успешным освоением кредитных линий международных финансовых институтов. Самым главным результатом такой политики является создаваемый надежный фундамент развития экономики на долгосрочную перспективу.

Последовательный курс на приватизацию, формирование рынка ценных бумаг, развитие малого и среднего бизнеса создают благоприятные условия для привлечения инвестиций в экономику страны.

В 1991-2000 годах за счет всех источников финансирования в экономику Узбекистана привлечено свыше 3 трлн. сум. Из них 2,1 трлн. сум инвестированы в 1995-2000 годах. На увеличение основного капитала за счет всех источников финансирования в 2000 году вложено инвестиций в 5,83 раза больше чем в 1991 году.

Значительного роста экономики, естественно, невозможно добиться только за счет внутренних источников финансирования. Созданная за годы независимости законодательная база направлена на стимулирование внешнеэкономической деятельности, привлечение иностранных инвестиций, развитие совместного предпринимательства, которые имеют существенную государственную поддержку.

Структура инвестиций по источникам финансирования

(В процентах к итогу)

	1991	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Все капитальные вложения	100	100	100	100	100	100	100
Республиканский бюджет	22,0	24,9	25,7	27,0	24,2	29,4	30,3
Собственные средства предприятий и населения	60,9	46,1	45,9	45,8	49,2	37,2	39,1
Кредиты банков-резидентов	12,7	10,1	7,4	7,3	6,2	8,3	7,5
Иностранные инвестиции	0,5	16,7	18,4	19,9	20,3	24,4	21,7
Средства внебюджетных фондов	3,9	2,2	2,6	x	0,1	0,7	1,4

За годы независимости Узбекистаном привлечено более 12 млрд. долл. США иностранных инвестиций и кредитов. Их львиная доля направляется в базовые и экспортоориентированные отрасли - ТЭК, нефтехимическую, золотодобывающую и хлопкоперерабатывающую промышленность, в высокорентабельные проекты в таких отраслях, как телекоммуникации, общественное питание, строительство, пищевая промышленность. В 2000 году в Узбекистане функционировало 3445 предприятий с иностранными инвестициями. На их долю приходилось 14% всех экспортных операций. Подобная отраслевая направленность обусловлена современной структурой производства страны. За годы независимости получили развитие автомобилестроение, нефтепереработка. Новейшие технологии внедряются в текстильную промышленность (глубокая переработка хлопка), строительную индустрию, транспорт, связь и сельское хозяйство.

Освоение иностранных инвестиций по отраслям экономики (удельный вес, %)

Отрасли	1996	1997	1998	1999	2000
Всего освоено					
Машиностроение	4,0	2,5	6,7	3,0	10,2
Химическая и нефтехим	27,4	4,5	3,2	7,4	26,6
Легкая промышленность	16,3	5,0	17,6	5,4	9,3
Пищевая промышленность	11,5	22,7	6,3	4,7	5,8
Транспорт	18,8	19,3	19,1	12,7	20,2
Связь	9,0	18,9	11,4	7,5	4,5
Другие отрасли	13,0	20,4	21,9	59,3	23,4

Узбекистан широко использует возможности по привлечению в страну кредитов ведущих стран мира. Практически все привлекаемые из-за рубежа кредитные ресурсы направляются на финансирование инвестиционных проектов, обеспечивающих структурную перестройку экономики, создание рабочих мест, рост экспорта, привлечение передовых технологий и современной культуры производства.

До сих пор основной экономической проблемой, стоящей перед всеми банками, остается проблема правильного распределения ограниченных ресурсов среди множества различных возможностей их использования. При имеющихся ресурсных ограничениях должен быть сделан выбор между конкурирующими возможностями использования ресурсов.

Реализация долгосрочных инвестиционных проектов предъявляет жесткие требования к технико-экономическому обоснованию проектных решений, а также к осуществлению единого подхода в решении вопросов о том, что и как надлежит делать, откуда поступят инвестиции.

Финансирование предприятия, как известно, может осуществляться двумя путями: первый - это дополнительные вложения капитала (продажа акций и т.п.), и второй - привлечение кредитов и займов. Второй путь становится все более предпочтительным среди компаний и, в первую очередь, это объясняется налоговыми соображениями. Во-первых, выплачиваемые дивиденды облагаются более высокими налогами "у источника", чем проценты (25-30% против 10-15%), что делает для предприятий более выгодным привлечение капиталов путем продажи облигаций, чем акций. Во-вторых, уровень дивидендов ограничивается размерами балансовой прибыли, а она под влиянием ряда обстоятельств сокращается (хотя реальные накопления бизнеса растут). Проценты же выплачиваются по счетам издержек и их уровень практически не ограничивается (во Франции, например, предельный уровень выплачиваемых процентов равняется учетной ставке центрального банка плюс два процентных пункта).

В рыночной экономике налоги выполняют столь важную роль, что можно с уверенностью сказать: без хорошо налаженной, четко действующей налоговой системы, отвечающей условиям развития общественного производства, эффективная рыночная экономика невозможна.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалиги субъектларини солиққа тортиш муносабатлари ва ердан фойдаланиш самарадорлиги

Тошқулов А.Х. - Термиз Давлат университети.

Ўзбекистон Республикасида 1999 йил 1 январдан эътиборан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди ва бирдан-бир солиқ солиш объекти фойдаланишдаги ер майлони ва унинг сифати бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалигидаги солиқ солиш муносабатларини ислоҳ қилишнинг сабаблари қуйидагилардан иборат бўлди:

♦ ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг давлат буюртмаси асосида фаолият юритиши, уларда вужудга келиши муқаррар шарт бўлган фойда категориясининг моҳиятини бир қадар сусайтирди ва бунинг оқибатида уларга нисбатан фойда солиғини, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини, ободонлаштириш учун йиғимни қўллаш аҳамиятсиздай бўлиб қолди;

◆ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари тўлаган мол–мулк солиғига доир кўпгина имтиёзлар мавжуд бўлишига қарамасдан, асосий воситалар қайта баҳоланаётган ҳозирги босқичда мол–мулк солиғини тўлашга уларнинг хўжалик– молиявий шароити дош бермас эди;

◆ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзларига тегишли барча солиқлар бўйича ҳисоботлар тақдим этишлари жараёнида кўпгина қийинчиликлар ва тушунмовчиликлар вужудга келди;

◆ янгидан ташкил этилаётган ўрта бизнес субъектлари бўлган фермер хўжаликлари ташкилотчиларининг иқтисодий билимлари жуда паст даражада эди;

◆ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар томонидан, уларга тегишли барча солиқ ва йиғимлар бўйича солиқ мажбуриятларининг муттасил бажарилмаслиги, умумий кўрсаткичда 5-10 тур солиқлар ва йиғимлар бўйича режанинг бажарилмаётганлиги каби нохуш ҳолатлар ва бунинг натижасида солиқ хизмати органлари фаолиятига нотўғри салбий баҳо бериш ҳолатлари кўп учрар эди;

◆ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг мавсумийлиги улар муқаддам тўлаган ўзларига тегишли солиқлар бўйича бўнак тўловларини белгиланган муддатларда тўлай олмаслиқларига олиб келди ва ортқча боқиманда суммаларини вужудга келтириши оқибатида уларнинг хўжалик молиявий ҳолатини нобарқарор аҳволга келтирди.

Бизнингча ер солиғи солишда хўжалик – молиявий натижаларни ҳисобга олиш, ерларнинг иқтисодий балини ҳисобга олиш лозим. Чунки, мамлакатимизда аграр муносабатларини ривожлантириш шартларидан бири бу – самарали солиқ солиш механизмларини ишлаб чиқишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига солиқ солишда фақат сифатий омил эмас, балки кўп омилли (хўжалик – молиявий ҳолати, дифференциал рента II, рентабеллик даражаси, харажатлар сифими, экин тури ва бошқалар) механизмлардан самарали фойдаланиш лозим.

Бироқ, ушбу омилларнинг асосийлардан бири ва ҳозирги босқичда бир қадар аҳамиятсиздай қаралаётган рентабеллик даражаси кўрсаткичи ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳақида сўз борганда улардаги паст рентабеллик даражасига дуч келиш мумкин. Шундай бўлсада, 2000 йилда қишлоқ хўжалиги ширкатларида рентабеллик даражасининг фарқланиши бўйича солиқ ўзгариши тавсифига кўра ўрганилаётган барча ширкатларнинг 54 фоизидан 0,1дан 3,0% оралиғидаги рентабеллик даражаси мавжуд. Бунда гуруҳлар бўйича рентабеллик даражасининг кўтарилиб бориши билан 1 гектар ер майдонида тўғри келадиган солиқ юки камайиб бориш тавсифига эга бўлмоқда. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, рентабеллик даражасининг ҳам ошиши бонитет баидаги ўзгаришга тўғри мутаносиб равишда амалга оширилмоқда. Рентабеллик даражасининг ошиши билан 1 гектар ер майдонида тўғри келадиган солиқ юки пасайиш тавсифига эга бўлмоқда. Бироқ рентабеллик

даражасининг омиши кўпроқ балл бонитетдаги ўзгаришга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги ширкатларида рентабеллик даражасининг ўзгаришига кўра солиқ кўрсаткичлари таҳлили.

Рентабеллик даражасига кўра гуруҳлар	Рентабеллик даражаси	Қишлоқ хўжалиги ширкатлари сони	Ўртача бонитет бали	Ҳисобланган ягона ер солиғи суммаси, м.сўм	Жами ер майдони, га	1 га ер майдони-га тўғри келадиган солиқ юки, м.сўм
I	0 гача	21	56	224101	36512	6,1
III	3,1-6,0	18	54	169855	36121	4,7
V	9,1-12,0	2	64	35519	7953	4,0
Жами ёки урт.	2,4	106	57	1082796	211450	5,1

Жадвал маълумотларидан келиб чиққан ҳолда шундай мантикий ҳулосага келиш мумкинки, мавжуд меъёрлар бўйича ундирилган ягона ер солиғи фақатгина ерларнинг сифатий баҳоси (балл бонитет)дан келиб чиққан ҳолда ҳисобланмоқда ва бу ўзида ундирилиши лозим бўлган барча солиқлар услубини мужассамлаштиргандай кўрсатилмоқда.

Бизнингча, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан мулкый, даромадли ва оборотли объектларга эга солиқларни алоҳида-алоҳида тарзда имтиёзли равишда ундириш керак ёки маъқур соддалаштирилган ягона солиқ солиш тизимини юқоридаги солиқ солиш объектлари хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш лозим. Бу эса, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига самарали солиқ солиш, пировардида, маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиргани ҳолда, уларнинг давлат билан ўзаро муносабатларининг адолат тамойиллари негизда ривожланишини таъминлайди.

Методологические аспекты формирования налогово-бюджетных инструментов местной экономической политики в условиях современной бюджетной системы

Вахобов А., Жамлов Х. — Тошкент - молия институти.

Налогово-бюджетные инструменты местной экономической политики традиционно рассматриваются в контексте их способности формировать неравномерное налоговое давление и включать мотивационный механизм хозяйствующих агентов. Чрезмерно высокое налоговое бремя на предприятия сокращает их доходную базу. По этой причине на первый план выступают вопросы балансирования местных бюджетов не за счет усиления

бремени налогов на предприятия этих регионов, а за счет рационализации существующих межбюджетных схем взаимоотношений вплоть до бюджетов местного уровня.

Целью изучения данной проблемы является разработка концептуальных подходов к реформированию звеньев местных бюджетов, способных к аккумуляции средств в объемах, достаточных для реализации активной местной экономической политики.

Поставленная цель определяет постановку и решение следующего круга задач:

1. Изучение особенностей формирования налогового-бюджетных инструментов местной экономической политики, анализ мировой практики сглаживания бюджетных различий на местном уровне.

2. Изучение методологических основ бюджетной теории. В качестве методов исследования использовались:

- системный подход к изучению проблем организации бюджетного процесса;

- обобщение и научный анализ теоретических, методологических и прикладных разработок в области организации бюджетно-налогового регулирования.

В ходе экономических реформ произошла децентрализация системы управления территориями. В этих условиях крупные города и регионы, вне зависимости от уровня их готовности к самостоятельной экономической политике, вынуждены были взять на себя ответственность за ее формирование и последствия. Из вертикали государственного управления выделяется и автономизируется местный уровень управления, законодательно получивший статус органа местного самоуправления. Законодательное развитие этого статуса отстает от фактической возможности местных властей формировать активную местную экономическую политику.

Необходимость в местной экономической политике обусловлена потребностью в регулировании рыночной экономики со стороны общества усилиями членов конкретного локального сообщества, потребностью в территориальной организации экономической жизни для обеспечения стабильного воспроизводства экономического, социального, демографического, экологического и природно-ресурсного потенциалов территорий, способных обеспечить повышение уровня жизни населения.

Принципы построения бюджетной системы должны отражать республиканское устройство страны с четким разграничением бюджетных прав между органами власти республиканского и местного уровней, позволяющим обеспечить их финансовую самостоятельность.

Банқлардан ташқари молия муассасаларини солиққа тортишнинг айрим
жиҳатлари

Шеънасв Х.М. - Тошкент молия институти.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ислоҳ қилишда тўлақонли
бозор инфратузилмасини барпо этиш ва уни барқарор ривожланишини

таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда Президент И.Каримов ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтганлар. Хусусан, «Бозор инфратузилмасига ҳос барча муассасаларнинг ривожланиши устувор аҳамият касб этмоғи зарур. Бунда, - дея қайд этган эди, юртбошимиз, - бизнес хизмати билан узвий боғлиқ бўлган консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, суғурта тизимлари ва бошқа тузилмалар фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади»⁶.

Бозор инфратузилмаси институционал асосини тижорат банклари билан бир қаторда нобанк молиявий муассасалар ташкил этади. Кейинги йилларда бундай муассасаларнинг тараққий этиши учун ҳукуратимиз томонидан қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Бунга мисол тариқасида суғурта тизимини олиб қарайлик.

1997 йилнинг 18 феввалида қабул қилинган «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ, ушбу компания даромаддан олинадиган солиқдан ва мулк солиғидан беш йил муддатга озод этилган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги собиқ Давлат суғурта бош бошқармаси негизда ташкил этилган «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ҳам ўша йилнинг 25 феввалида эълон қилинган Президент Фармонига кўра, даромад ва мулк солиқларини тўлашдан беш йил муддатга озод этилган эди.

Айни фикр-мулоҳазаларни нобанк молиявий муассасаларнинг яна бир ажралмас бўғини бўлган лизинг компанияларига нисбатан ҳам билдириш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзКейсагролизинг» Ўзбекистон-Америка қўшма лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 27 февралда қабул қилган қарорига асосан, мазкур компания даромад ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан беш йил муддатга озод этилган. Худди шундай, ҳукуратнинг «Қишлоқни лизинг шартлари асосида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида» 2000 йил 2 ноябрда қабул қилган қарорига биноан, «Ўзқишлоқ-хўжаликмашлизинг» компанияси умумдавлат ва маҳаллий солиқларни тўлашдан беш йил муддатга озод этилди.

Мамлакатимизда нобанк молиявий муассасалар тизимини ривожлантириш давлат томонидан солиқлар воситасида рағбатлантирилаётганлигини фақатгина юқорида келтирилган мисоллар асосида изоҳлаш унчалик ҳам тўғри эмас. Гап шундаки, 2002 йилнинг 31 январиди «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонга кўра, мулк шаклидан қатъий назар, ҳамма суғурта компаниялари 2002 йилнинг 1 феввалидан даромад солиғи тўлашдан озод этилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг ўз мол-мулкни

⁶ И.Каримов. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пиронард максадимиз». -Т.: «Ўзбекистон» нашриёт, 2000 йил, 14-бет

суғурталаш билан боғлиқ харажатлари солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган бўлди.

Шуниси диққатга сазоворки, 2002 йилнинг 28 августида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонга имзо чекди. Бу фармонга асосан, лизинг олувчи хўжалик субъектлари лизинг тўловларини тўлашда қўшилган қиймат солиғини ва лизинг шартномаси амал қилган даврда лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан озод этилди. Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизда лизинг хизмати кўрсатиш даражасини юксак кўтаришда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Юқориди баён этилганларни умумлаштириб таъкидлаш зарурки, республика раҳбарияти ва ҳукумати бозор инфратузилмасининг ўзаги бўлмиш – нобанк молиявий муассасалар тизимини ривожлантиришга ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга катта эътибор бермоқда.

Аммо, шу билан бир қаторда нобанк молиявий муассасаларини солиққа тортишда баъзи муаммолар мавжуд. Жумладан, 2002 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига, мамлакатимизда 29 та суғурта компанияси фаолият кўрсатаётганига қарамай, ҳанузгача бу ташкилотларни солиққа тортиш бўйича махсус йўриқномалар ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, суғурта хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ даромад ва харажатларнинг шаклланиши бошқа турдаги хўжалик субъектларининг даромад ва харажатларидан тубдан фарқ қилади. Бу хусусият, ўз навбатида суғурта ташкилотларини солиққа тортишда алоҳида ёндошувни талаб этади. Шунингдек, суғурта компаниялари тадбиркорликнинг муҳим бир шакли эканлигини ва ушбу соҳада кичик ҳамда ўрта бизнес субъектлари учун жорий этилган солиққа тортиш тартиби амал қилишини эътиборга олсак, суғурталовчилар учун ягона солиқ тўлашни қўллашда баъзи ноаниқликлар келиб чиқаётганлигини гувоҳи бўламиз. Маълумки, Солиқ кодексининг 19-моддасида, ҳисобот йили охирига амалда бўлган суғурта шартномалари бўйича тўловлар суммаси жами даромаддан чегириб ташланади, дейилган. Аммо, ягона солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган суғурта компаниялари ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган барча суммалардан 10 фоиз миқдорда ягона солиқ тўлашапти. Ваҳоланки, суғурта шартномаси бўйича келиб тушган суғурта тўловлари шартнома муддати тугамагунга қадар суғурта компаниясининг даромади бўла олмайди. Фақатгина, шартнома муддати тугагандан кейингина, суғурталовчи суғурта тўлови суммасини даромадга олиши ва солиқ тўлаши лозим. Демак, ягона солиқ тўловчи суғурта компанияларини солиққа тортиш бўйича тегишли норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқил лозим. Юқориди қайд этилган фармонга кўра, суғурта компаниялари уч йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод этилган. Аммо, барча солиқлар ўрнига ягона солиқ тўловчи суғурта компаниялари учун ушбу Фармоннинг талаблари тадбиқ этиладими? Афсуски, бу ҳақда аниқ жавоб йўқ.

Шунинг учун, биз қисқа муддатларда суғурта компаниялари фаолиятини солиққа тортиш ишини тўлиқ ўзида мужассам этган махсус йўриқнома

ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Бу нобанк молиявий муассасаларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлар эди.

Основные положения концепции налогообложения Гольбаха и их роль в формировании и развитии налоговой культуры

Юсупов А.Ю., Юсупова А.А.-
Тошкент Давлат иқтисодийт университети.

Основные положения Поля Анри Гольбаха вкратце можно свести к следующим:

1) Пожертвование частью богатства должно исходить из экономической и политической целесообразности. Размер той доли владений и благ, которыми пользуются каждый член общества, определяет степень, в которой он обязан способствовать общему благу.

2) Законы должны создавать ограничения, которые никто не мог бы преступить. Налоговая тяжесть должна определяться истинными потребностями нации и обстоятельствами её жизни.

3) Граждане охотно платят налоги, если они осознают, что эти жертвования необходимы для поддержания дарующей ему свою защиту отечества.

4) Налогообложение должно исходить из посильности взимаемых налогов.

5) Крестьянина привязывают к земле преимущества, имеющиеся в его распоряжении при использовании земли. Самое важное из них - его материальная заинтересованность.

6) Налоговая политика, основанная на справедливости, делает налоговую тяжесть менее тяжёлой. “В стране, где царит справедливость и разумная свобода, где нет у монарха иных интересов, кроме интересов его подданных, где средства, взимаемые с народа, расходуются на поддержание нации и обеспечение её безопасности, граждане не жалея жертвуют своими средствами ...” (Анри Поль Гольбах. Избр. произведения. В 2-х т.М., Соцгизд., 1963, с.410-411).

7) Налог должен носить всеобщий характер и соответствовать средствам каждого гражданина и преимуществам, предоставляемым ему государством.

8) Ставки налога должны быть твёрдыми.

9) Налоги должны взиматься простым и понятным каждому гражданину образом.

10) Производителям продуктов сельского хозяйства нужно дать возможность платить налоги натурой, а не деньгами.

11) Продукты первой необходимости и продукция, вывозимая за рубеж не должны облагаться налогами. Слишком большие налоги на продукты первой необходимости превращают большинство граждан в нарушителей закона.

12) Вопросы налогообложения должны решаться исходя из материальных возможностей, уровня богатства и привилегий, предоставляемых гражданам государством.

13) Налогообложение торговли должно осуществляться с особой осторожностью; «торговля-это своевольное дитя, которое легко спугнуть; стоит только стеснить её свободу, как она исчезает» (Гольбах, Анри Поль. Избранные произведения. В 2-х томах. Т.2, М., Соцэкгиз, 1963, с.411-413).

Многие из вышеприведённых положений Гольбаха в учебниках по налогам выкристаллизованы в принципы налогообложения. Они представляют стержень предписаний, выполнение которых для стран с высокой налоговой культурой стало естественно необходимым явлением.

Исследование истоков этих положений и идей привело бы, на наш взгляд, к установлению непосредственной связи в этом отношении Запада и Востока, преемственности их налоговых концепций, теории и практики.

Налоговая концепция Гольбаха-это концепция умеренной налоговой тяжести. Она во многом была рассчитана на стимулирование экономического роста, на формирование у налогоплательщиков заинтересованности в уплате налогов.

Отдельные положения теории Гольбаха применяются и у нас. Так снижение налога с физических лиц, отмена неэффективных привилегий и т.д. прежде всего направлены на повышение качества налоговой культуры, на экономическое стимулирование производственной деятельности граждан.

Солиқларнинг маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини мустақкамлашдаги ўрни

Иминохунов А.А., Очилов Б.-*Тошкент молия
институтининг Кашкадарё вилоят Камаш туман ДСИ.*

Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларидан энг асосийси сифатида мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий химоя қилиш белгиланган. Маҳаллий бюджетлар давлатни ижтимоий сиёсатини жойларда амалга оширишда асосий рол ўйнайди.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ўз навбатида маҳаллий бошқарув ҳокимият органларининг молиявий базасини янада мустақкамлашни талаб қилади. Маҳаллий бюджетлар фақат аҳолини ижтимоий химоясини амалга ошириш дастаги бўлиб эмас, балки маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий молиявий режаси ҳамдир. Шу сабабдан давлат республика ҳудудларида иқтисодий ўсишда мавжуд бўлган тафовутларни камайтиришда ҳам маҳаллий бюджетлардан кенг фойдаланмоқда, яъни давлат капитал қўйилмаларининг асосий қисмини, яъни 70 фоизини маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштириб борилмоқда.

Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизимининг асосий қисми сифатида ўзида 224 дан зиёд мустақил

бюджетларни мужассамлаштиради ва давлат бюджетида қарийб 60 фоизни ташкил қилади, даромадлари эса, маҳаллий солиқлар ва умумдавлат солиқларидан ажратмалар ҳисобига шаклланади.

Маҳаллий бюджетлар ижроси давомида даромадлар ва харажатлар орасидаги фарқни юзага келиши маҳаллий ҳокимият органлари юқори бюджетлардан қарз беришини сўраб давлат органларига мурожаат қилишга олиб келади. Қарзларнинг фойзсизлиги ва уларни ўзаро ҳисоб-китоб ҳисобидан узилиши албатта маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет даромадларини бир маромда тўлиқ бажарилиб боришдаги манфаатдорлигини чегаралаб қўяди, бюджет ижроси давомида улар кўп маротаба ушбу қарзларни сўраб мурожаат қиладилар. Шу сабабли маҳаллий бюджетларни доимий тушиб турадиган даромадлар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Охириги йилларда юқори бюджетлардан ўзаро ҳисоб-китоблар асосида бериладиган маблағлар, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда салмоқли ўринни эгалламоқда. Бунинг келиб чиқиш сабаблари:

А) Давлат томонидан маҳаллий бюджетларнинг бюджет йили давомида даромадлар ва харажатларни доимо мослаштиришга ҳаракат қилиниши;

Б) Баҳоларнинг ошиб кетиши таъсири остида харажатларни кўпайишидир.

Амалиётда умумдавлат аҳамиятидаги солиқлар бўйича бюджетда кўзда тутилган режаларни ортинги билан бажарган ҳудудларга, ушбу солиқ режаларини ортиқ қилиб белгилаш орқали ушбу солиқлардан ортиқча тушган маблағлар Республика бюджетига олиниб, тартибга солувчи солиқлардан белгиланган режаларни бажармаган ҳудудларга, шу даромадлар ва харажатларни мослаштириш мақсадида берилади. Албатта баҳоларнинг ўсиши натижасида харажатларни ошиши ва ушбу харажатларни тегишли маблағлар билан таъминлаш зарурати ҳам юқори бюджетдан бериладиган маблағларни юзага келтиради. Бюджет ижроси давомида кўплаб ўзгартиришларнинг киритилиши, имконияти кенг ҳудудлардан режадан кўпроқ тушган маблағларни йиғиб олиб, уларни бошқа ҳудудларга берилиши албатта ҳудудларнинг бюджет даромадларини бажаришдаги манфаатдорлигини чеклаб қўяди ва боқимандачилик кайфиятини кучайишини келтириб чиқаради. Шу сабабли маҳаллий бюджетларни шакллантиришда, уларнинг даромадларини бажаришдаги барча имкониятларини, харажатларни режалаштиришда инфляция даражасини аниқроқ ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлашда бозор иқтисодиёти шароитида маълум муаммолар пайдо бўлади. Биринчи навбатда инфляция даражасининг ўсиши солиқлар ва йиғимлардан тушадиган тушум салмоғининг пасайишига олиб келади. Бу бюджетнинг харажатлар қисмини қоплашда маълум маблағларнинг етишмаслигига олиб келади.

Муаммолардан яна бири мулк шаклининг ўзгариши натижасида ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий фирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари сони жиҳатдан кўпайиб кетиб солиқ тўловчилар

сонининг ошиб кетишига олиб келади. Уларни рўйхатдан ўтказиш, солиқ ҳисоблаш ундириш масалаларида қийинчиликлар пайдо бўлади.

Маҳаллий бюджет даромадларини режалаштиришда бюджет йили учун олдинги йил пойдевор қилиб олинади. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш циклини тўлиқ амалга оширишга ҳалақит беради. Натижада режада кўзда тутилган маҳсулот сотиш бўйича тахминий кўрсаткичлар бажарилмай қолади. Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотини реализация қилолмасдан қолади. Бу ўз навбатида бюджетга режалаштирилган солиқ тушумлари миқдорининг тушмай қолиши хавфини туғдиради. Корхоналарнинг бюджетдан боқиманда қарзлари ошади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантиришнинг ҳозирги пайтда амалда бўлган тартиби куйидаги камчиликларнинг олдини олишга имконият бермайди.

-маҳаллий ҳокимият органлари томонидан йиғиладиган молиявий маблағлар, харажатларни қоплаш учун етарли бўлмайди, бу нарса маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш имкониятларини сезиларли даражада пасайтиради

-бюджет харажатларининг етмайдиган қисмини республика бюджети ҳисобидан тўлдириш маҳаллий ҳокимиятларнинг марказий органларига нисбатан бўлган қарамликни кучайтиради.

-маҳаллий ҳокимият органлари маблағларга бўлган объектив ва асосланган эҳтиёжлардан келиб чикиб, даромадларнинг қўшимча манбаларини излашга бўлган мустақиллигини маълум даражада йўқотадилар.

Умумдавлат солиқларини маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солиш мақсадида ажратмалар ажратиш фойзиди вилоятлар ва йиллар бўйича ўзгартириш туриши, ундан ташқари маҳаллий бюджет ҳокимиятларини молиялаштиришни уларнинг даромадлар режасини бажарилиши билан боғланганлиги натижасида маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджет даромадларини ошириб боришдаги иқтисодий қизиқишини чеклаб қўймоқда. Бюджет ижроси давомида маҳаллий бюджетларни даромадлар режасини ўзгартириш орқали маҳаллий бюджетлар томонидан амалга оширилаётган харажатларни даромадлар билан таъминлаш амалиётидан воз кечиш лозим. Энг асосийси, бюджет даромадларини режалаштиришда ҳудудларнинг солиқларни йиғиш имкониятини тўғри белгилашдир. Бунда молия органларини, бюджет даромадлари тушиши билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини мослаштиришдаги ҳуқуқларини кенгайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Маҳаллий бюджетларни даромадлар режасини бажарилмаганлиги натижасида тушмай қолган даромадлар ўрни фақат юқори бюджетдан бериладиган қарзлар ҳисобига қопланиши лозим. Умумдавлат солиқларидан ажратмалар фойзи ҳеч бўлмаганда бир неча йилга ўзгармас бўлиши керак, қайсики бу орқали маҳаллий ҳокимиятларни ушбу солиқлардан тушадиган даромадларини кўпайтириб боришдаги манфаатдорлиги оширилади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал қилиш мақсадида молия бозорларидан жалб ва

мобилизация қилинган, табақалашган кўринишидаги даромад тушумларини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун:

-минтақалардаги солиқ режимларини мувозанатлашни ва бюджет эҳтиёжларини таъминлашни мувофиқлаштириш учун маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фаол иштирок этиш ҳуқуқини қонунан расмийлаштириш;

-инвестициялар, сармоялар, бандлик ва бандлик бозорлари фаолиятини таъминлаш мақсадида табақалашган солиқ режимларини ўрнатиш бўйича маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини аниқ белгилаб бериш;

-минтақада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида табиий захиралардан фойдалангани учун олинadиган солиқ ставкаларини белгилашда маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқларини белгилаб бериш.

Умуман, иқтисодийнинг эркинлашуви шароитида маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини ошириш бюджет амалиётидаги муҳим ўзгаришларни, жумладан бюджетлараро муносабатлар янги механизмини, ҳудудий иқтисодий ва маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўсишидаги яхлит боғланишни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар ўз даромад базаси мустаҳкамланишини рағбатлантириш воситаларини самарали амал қилишини талаб этади. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларнинг маҳаллий бюджетларни бошқариш амалиётида ҳисобга олинishi ва қўйилган вазифаларнинг собитқадамлик билан бажарилиши мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос келувчи самарали бюджет тизимини фаолиятини таъминлайди.

Солиқлар ва солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш муаммолари

Исломова М. Б. - Тошкент банк коллежи

Бозор муносабатлари ўзига хос қонуниятлар асосида ривожланар экан, унинг ҳаётийлигини таъминлайдиган ҳамда имкониятларини рўёбга чиқарувчи механизмлардан бири мамлакатда оқилона солиқ сиёсатини юритишдир.

Кейинги йилларда турли доираларда кенг, фаол муҳокама этилаётган масалалардан бири солиқлар, солиқ тизими ва солиқ сиёсатидир. Солиқлар муаммоси бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан биридир.

Президентимиз И. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2002 йилда чуқурлаштиришнинг асосий йўлланмаларига бағишлаб ўтказилган мажлисда «Солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча уни рағбарлантириши зарур», деб алоҳида таъкидлади. Бу солиқ тизимида янгича, самарали усулларни ишга солишни талаб қилади. Солиқ тизими ислохот жараёнининг таркибий қисми, унинг ҳаракатлантирувчи омили

бўлиб қолди, иқтисодий ислоҳот мақсадларига энг кўп даражада мувофиқ келиши шарт.

Солиқлар муаммоси бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан биридир.

Бозор иқтисодиётида солиқ тизимини ташкил қилишнинг асосий тариқасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари, уларнинг мулкий аҳволини ҳисобга олиш имконини берувчи солиқ тизими, уларнинг турлари, тўғри ҳамда эгри солиқлар нисбатининг бозор иқтисодиётининг ривожланишига мос равишда ривожланиши;

- солиққа тортишнинг бир марталик тамойилини таъминлаш ва икки марталик солиққа тортишга йўл қўймаслик;

- солиқ тўловчига корхона ва ташкилотнинг соғлом ривожланишини таъминлайдиган ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш имконини берувчи солиққа тортишнинг ҳиссасини (қисмини) ҳамда солиқ ставкасини белгилашнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги;

- тадбиркорлик фаолиятига маблағларни инвестициялаштириш жараёнини реал рағбатлантирадиган ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий адолат тамойилларига жавоб берадиган, фуқароларга кун (ҳаёт) кечириш минимумини кафолатлайдиган солиқ имтиёзлари тизимини ўрнатиш;

- солиқ тўловчиларнинг барча тоифаларига нисбатан солиқ имтиёзларининг ягоналиги;

- кучли аниқ ишлайдиган, техник жиҳатдан яхши жиҳозланган солиқ хизматини яратиш;

- давлат бошқарув даражаси бўйича солиқларни аниқ тақсимланиши;

- даромад олишнинг манбаи, хўжалик юритиш соҳаси ва иқтисодиётнинг тармоғига боғлиқ бўлмаган ҳолда солиқ миқдорини ҳисоблашда бир хил ёндошиш.

Бироқ мамлакатимизда амал қилиб келаётган солиқ тизими юқорида қайд этиб ўтилган тамойилларнинг барчасига ҳам тўлиқ жавоб бераётгани йўқ. Бошқа бир томонидан амалдаги солиқ тизими солиқ тўловчиларининг ҳам солиқ юқининг оғирлиги, тадбиркорлар ҳуқуқининг чекланганлиги, қонуний ва меъёрий ҳужжатларни талқин қилишнинг мураккаблиги, чигаллиги, қонунларга ва тегишли меъёрий ҳужжатларга тез-тез ўзгартиришларнинг киритиб турганлиги ва бошқалар солиқ хизматининг ҳам солиқ тўлашдан қочиш имкониятларнинг кўплиги, турли хилдаги имтиёзларнинг мавжудлиги солиқ тўловчилар ўртасида нотенгликни вужудга келтираётганлиги ва мамлакат иқтисодиётига зарар етказаётганлиги, иқтисодиётда қисқа муддатларда фаолият кўрсатаётган фирмаларнинг мавжудлиги, солиқ хизмати ҳуқуқининг чекланганлиги, солиқ инспектори ишининг хавфлилиги, оғирлиги, кам маошлиги ва бошқалар манфаатларига тўлиқ даражада жавоб бермаяпти.

Умумий жиҳатдан олиб қараганда мамлакатимиз солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг бир неча йўллари мавжуд, улар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Муваффақиятли равишда фаолият кўрсатаётган ва Ўзбекистон шароитига яқин бўлган ғарб мамлакатларидан бирининг солиқ тизимидан нусха олиш;

2. Ўтиш даври иқтисодиётига мослаштирилган солиқ тизимларнинг бирдан фойдаланиш;

3. Иқтисодий тараққиёт йўлидан муваффақиятли равишда илгари бораётган ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар ва ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда бутунлай янги солиқ тизимини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда амал қилиб келаётган солиқ тизимини тезда ва тубдан ўзгартиришига қаратилян ҳар қандай тадбир, мамлакат иқтисодиётига тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши мумкинлиги, шубҳасиздир. Бу ерда солиқлар ва солиққа тортишнинг ривожланиши тарихи, иқтисодий ривожланиши даражаси жиҳатидан турлича бўлган мамлакатлардаги солиқ тизимларини ўрганиши ва таҳлил қилиш ҳамда олинган билимларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш асосида пухта ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиб ёндошиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтиш даврида солиқ ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида бозор иқтисодиёти шароитидаги хорижий мамлакатларнинг солиқ тизимидан андоза олиш тарзида ёндошишни шартли равишда «катта сакраш» деб аташ мумкин.

Бироқ хорижий мамлакатлар солиқ тизимларидан нусха олишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи бир неча сабаблар мавжуд.

Хорижий мамлакатлардаги солиқ тизимларининг ҳаммасини ҳам такомиллашган ва ҳозирги куннинг талабларига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатларнинг солиқ тизимларидан автоматик равишда нусха олмасдан уларнинг хатоларидан тегишли сабоқ олишлари керак.

Республикамызда 1995 йилдан бошлаб солиқ тизимида такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг яратилишида ўз аксини топди. Солиқлар борасида эса 1997 йилда кичик корхоналарнинг солиққа тортишда соддалаштирилган ягона солиқ жорий этилиши, 1999 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида ширкатлар микрофирмалар ташкил этилиши билан ягона ер солиги ташкил этилиши ва шу қабилар ўз аксини топди.

2002 йилдан бошлаб қилинган, инвестициялар ички бозорини тўлдиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу сабабли ички бозор ва ишлаб чиқарувчилар ҳаммаси долзарб масала бўлиб қолди. Бу борада қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳақида истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозориди сотишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 295 сонли қарорини (20 август 2002 й) келтиришимиз мумкин.

Бу қарорга мувофиқ бир неча солиқлар ва бож тўловлари ўрнига ягона бож тўлови киритилиши алоҳида ўрин тутаети.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ тизими: ривожланиш ва тараққиёт йўлида

Зарипов Х.Б. - Тошкент банк коллежи.

Бозор ислохотлари умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий дастурларини амалга ошириш учун республика миқёсидаги барча даромадларни марказлаштириш, бирлаштириш, шунингдек, уларга мос келувчи солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарди. Барчамизга маълумки, солиқлар муайян мақсадларни кўзлашдан ташқари жамиятнинг ижтимоий таркибига таъсир ўтказиш имкониятини яратади, улар воситасида аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож табақалари ижтимоий жиҳатдан ҳимояланади.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари амалга оширилаётган ҳозирги пайтда, республикаимиз олдида турган қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида, шу жумладан, бозорларни товар ва хизматлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда бозор иқтисодиёти инфраструктуралари: савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, қишлоқ хўжалиги, кичик ва ўрта бизнес, умуман тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи барча корхоналарнинг аҳамияти беқиёсдир. Мана шу масалалар инobatга олиниб республикаимиз солиқ тизимида соддалаштирилган солиққа тортиш тартиби амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 15 апрелдаги «Кичик корхоналар учун солиқ солишининг соддалаштирилган тизимининг қўллаш тартиби тўғрисида»ги 159-сонли қарорига мувофиқ солиқ солишни ушбу тизимга ўтган кичик корхоналар умумдавлат ва маҳаллий солиқлар, йиғимлар ўрнига ягона солиқни тўлаш тартиби белгилаб берилди.

Солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи кичик корхоналар учун ихтиёрийлик асосида берилиши кўзда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-2086 сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539 сонли қарорига мувофиқ 1999 йил 1 январдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди. Мазкур тадбирлар, корхоналар молия хўжалик фаолиятининг тўғри ташкил қилиш, ишсизликни олдини олиш, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда бюджет даромадларини молиявий ресурслар билан самарали таъминлаш мақсадида амалга оширилган десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «...солиқлар қанчалик паст даражада бўлмасин, ҳеч кимга, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ёққан эмас. Муҳими, солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб

юбормаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тadbиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим».

Демак, республикамиз солиқ тизими хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда бюджет манфаатлари йўлида ривожланиб бориши лозим.

Республикамиз солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим йўналишлардан яна бири солиқ ставкаларини объектив жорий этилишидир. Бизда, аънаога кўра бир неча йиллар давомида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг солиқ юкени камайтириш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490 сонли қарорига мувофиқ 2002 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи ставкаси 24 фоиз миқдорда белгиланди. Даромад(фойда) солиғи ставкасининг 2 фоизга (26%дан 24%га) туширилиши корхоналарнинг йилига 10 миллиард сўмга яқин маблағни тежаб қолишлиги кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида корхоналарнинг фойдаси ошиб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни моддий жиҳатдан ўз маблағи ҳисобига амалга ошириш имконияти вужудга келади. Яна бир ижобий ўзгаришлар сифатида юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқни таъкидлаб ўтган бўлар эдим. Зеро, жаҳон амалиётида қабул қилинганидек, мол-мулк солиғини қолдиқ қиймат бўйича ҳисоблаш тартиби белгилаб берилди ҳамда солиқ ставкаси 2 фоиз миқдорда ўрнатилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикр ва мулоҳазалар интиҳосидан келиб чиқиб, фикримизча, солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган йўналишларга амал қилиш, Ўзбекистон солиқ тизимини келажакда тараққий қилдиришга, давлат бюджетини камоматсиз шакллантиришга, иқтисоднинг изчил ўсиб боришига ва охир оқибатда аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Солиқларни акслантиришни микро ва макро иқтисодий омиллари

Ортиқов Н., Раҳимов М. -- *Тошкент молия институти.*

Акслантиришни белгиловчи микроиқтисодий омиллар:

Е. R. Seligman, баҳо назариясига асосланган ҳолда иш бошлаб аксланишнинг амалга ошиши билан боғлиқ микро иқтисодий омилларни белгилашга ҳаракат қилган. Seligman'k нинг акслантириш имкониятлари билан боғлиқ омиллар сифатида кўрсатганларини қуйидаги ҳолатларда умумлаштириб кўрсатишимиз мумкин:

1. Солиқларнинг акслантириш имкониятлари, энг аввало, талаб ва таклифнинг баҳо эластиклигига ва тузилишига боғлиқ. Тамойил нуқтан назаридан, талаб қанчалик барқарор бўлса, яъни бирор товарнинг баҳосида юзага келган юксалишга қарши талабнинг камайиш мойиллиги қанчалик кам бўлиб ва унга қарши таклиф эластиклиги қанчалик юксак бўлса, акслантиришнинг амалга ошиш эҳтимоли шунчалик кўп ва қулай бўлади. Акс ҳолда, яъни талабнинг баҳо эластиклиги юксак, таклиф эластиклигининг

кичик бўлган ҳолатларида акслантириш анча оғир кечади. Шу сабабдан кундалик эҳтиёж молларидан (нон, ёғ ва ҳ. к.) олинадиган солиқ, кундалик эҳтиёж ҳисобланмаган люкс молларидан (зебу-зийнат, энг сўнгги модель автомобиллар ва ҳ.к.) олинган солиқларга кўра қулайроқ акслантирилади.

2. Солиқларнинг акслантирилишида бозорларнинг шакллари ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Бозорда эркин рақобат, монопол рақобат, олигопол рақобат ҳолатлардан биронтасининг мавжудлиги нархларнинг шаклланишига сезиларли тарзда таъсир кўрсатади. Масалан, монополист ўз товарлари баҳосини кенг миқёсда ихтиёрий равишда белгилай оладиган бир вазиятда, тенг рақобатда иш юритаётган фирма баҳони бозордагидан қабул қилади.

3. Солиқнинг тури ва мазмуни акслантиришнинг даражасига ўз таъсирини ўтказди. Масалан, кишиларнинг ҳолатларига жуда боғлиқ бўлган бир базага белгиланган ҳамда талаб ва таклиф механизмидан бироз фаолроқ ҳисобланган даромад ва мол-мулк солиқлари, база ва солиқни юзага келтирувчи воқеа нуқтаи назаридан юқоридаги механизмга қаттиқ боғланган оборот солиқларига нисбатан (мураккаброқ) оғирроқ акслантирилади. Ҳақиқатдан ҳам, умумий муомала солиқлари билан оборот солиқлари, сотишга чиқарилган мол ва хизматларнинг таннархига кирганликлари учун уларнинг нархларига устама сифатида қўйилиб, харидорларга ўтказилиши мумкин. Бунинг аксига, субъектив «тўғри» солиқлардан ҳисобланган жисмоний шахслар даромад солиғи, таннарх қиймати таркибига кирмаганлиги ва ҳисобот даврининг охирида юзага келадиган фойдага кўра ҳисобланиб тўланганлигидан эркин рақобат мавжуд бўлган бир бозор шароитида акслантирила олмайди ҳамда жисмоний шахслар даромад солиғининг ортиб борувчи бир ставкага эга бўлганлиги ва тўловчиларнинг кишилик ҳамда оилавий ҳолатларига кўра фарқ қилиши кабилар акслантиришни қийинлаштиради. Хусусан, меросдан олинадиган солиқларда солиқнинг кишиларга боғлиқлиги ва олди-сотди муносабатларига асосланмаганлиги жуда яққол бўлганлиги учун ҳам бу солиқларнинг акслантирилиши имкони йўқ дейиш мумкин даражада кам бўлади. Ўзгартириш йўли билан солиқлардан қочибнинг амалга оширилиши ўз навбатида акслантириш нуқтаи назаридан ушбу солиқнинг умумий ёки хусусий эканлиги муҳим ҳисобланади. «Тамойил жиҳатидан солиқ тўловчиларнинг оғиб кетишлари мумкин бўлган солиқсиз соҳалар қанчалик кичик бўлса, бу солиқ шунчалик умумий ҳисобланади, солиқ қанчалик хусусий бўлса, ўзгартириш йўли билан ундан қочиб шунчалик осон бўлади ҳамда шу сабабли ишлаб чиқарувчи учун солиқни баҳо механизми орқали акслантириш мушкуллашади».

4. Солиқнинг юқорилиги ҳам акслантириш эҳтимолини белгилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Паст ставкали солиқ юқори ставкали солиққа нисбатан осон акслантирилади, чунки истеъмолчилар кам даражадаги нарх ошишларига унчалик қаршилик кўрсатмайдилар.

5. Ва ниҳоят, микроиқтисодий таҳлилда аҳамиятли ҳисобланган бошқа омил солиққа тортилаётган молнинг туридир. Солиққа тортилаётган мол

истеъмол моли бўлса, бир марталик акслантиришни юзага келтиради, ишлаб чиқариш моли бўлса, бир неча марта акслантириш такрорланади.

Акслантиришни белгилловчи микроиқтисодий омилларни ўз ичига оловчи бундай ёндашувчи ҳар бир солиқ тури бўйича акслантирилиш эҳтимолларига кўра жойлаштириб, шедулл ҳосил килиш хоҳланадиган бўлса, «бу шедуллнинг энг охирида акслантирилити нисбатан қулайроқ аниқланадиган божхона божлари билан истеъмолдан олинадиган солиқлар турса, уларни муомаладан олинадиган солиқлар давом эттиради. Акслантирилиш эҳтимоли декларацияга асосланган даромад солиғида, умумий ҳолларда эмас, балки фақатгина вазиятларга кўра баҳо берилиши мумкин бўлса, реал солиқлар билан корхона ташкилотлардан олинадиган солиқлар нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Акслантиришни белгилловчи макроиқтисодий омиллар:

Макроиқтисодий акслантириш назарияси, микроиқтисодий қарашларнинг аксига, алоҳида- алоҳида кишиларнинг ёки гуруҳларнинг даромадларидаги натижавий ўзгаришларни эмас, балки «реал ёки номинал умумий даромаднинг тақсимланишида юзага келган якуний ўзгаришларни» функционал, шахсий соҳалар бўйича, ҳудудлар бўйича ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил қилади, бу қарашларга кўра, бир томондан солиқлар ҳамда ижтимоий харажатлардаги, бошқа томондан эса, бутун бюджетдаги ўзгаришлар орқали амалга оширилган қайта тақсимлашни таҳлил қилинган. Макроиқтисодий нуқтаи назаридан акслантиришнинг амалга оширилишига таъсир қиладиган омиллар куйидагилар ҳисобланади:

1. Иқтисодиётдаги мавжуд бўлган конъюктуравий ҳолат: конъюктуранинг кенгайган ҳолатидаги пайтларда иқтисодиётда мавжуд бўлган ортиқча талаб, акслантириш эҳтимолини кўпайтиради. Иқтисодиётнинг кенгайиш ҳолатида бўлган бундай пайтларда акслантириш нуқтаи назаридан сотувчиларнинг аҳволи (сотувчилар бозори) оловчиларга нисбатан яхшироқ бўлганлиги учун ҳам солиқларни юқори даражада акслантириш имконияти бўлади, асосан, қисман номинал ҳисобланган юқори даражадаги фойданинг оқибатида юзага келган умумий ижобий ҳолат рақобатнинг камайиши сабабли акслантириш нуқтаи назаридан жуда муҳим ҳисобланган сармоядор муносабатларининг ҳам шу йўналишда ривожланишига таъсир қилади. Конъюктуранинг ривожланишида бўлган пайтларида орқага акслантиришни амалга ошириш эҳтимоли жуда кам бўлади, чунки бундай ҳолатда хомашё нархлари билан ишчи кучининг нархи ошганлигидан орқага акслантириш учун зарур бўлган нархларни пасайтириш эҳтимоли йўқ бўлади ва аксинча конъюктуранинг торайган пайтларида иқтисодиётда мавжуд бўлган таклифнинг ортиқчаллиги (истеъмолчи, харидорлар бозори) олдига акслантиришни мураккаблаштириб, маҳсулот ярим тайёр маҳсулот ва хом ашё билан ишчи кучи таклифига оид эластиклилик (қайишқоқлик) нинг нисбатан қаттиқ эканлиги сабабли орқага акслантиришни осонлаштиради.

2. Тўловчиларнинг солиқларни молиялаштириш шакли, миқдори. Бирон-бир иқтисодиётда нархлар барқарорлиги билан макроиқтисодий

мувозанатнинг юзага келиши учун, умумий пулга бўлган талаб билан умумий мол таклифининг бир-бирига тенг бўлиши талаб этилади.

Сотиш ҳажмининг ўзгаришсиз қолиши шarti билан нарх механизми воситасига солиқнинг олдинга акс эттирила олинаши, жами пул талабнинг солиқ миқдорига тенг миқдорда кўпайтирилишига боғлиқ. Акс ҳолда солиқлар воситасида юзага келган нарх ошиши, аввал кўшимча заҳиранинг юзага келишига сўнгра ишлаб чиқаришни камайитиришга олиб келади, акслантириш жараёнининг нархлар ошиши оқибатида юзага келган пулга бўлган талабнинг қондирилиши зарурати турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Масалан, давлат юқори нархларда муомала қилинган илк солиқ тўловлари амалга оширилгунга қадар, қарз олиш йўли билан кўшимча бир талаб юзага келтириб, бу орадаги камомадни тўлдиришга ҳисса кўшади, бундай муносабат ҳақиқий ҳаётдаги шартларга уйғун тушади. «Давлатнинг хазина сиёсати, мукаммал бир пул ва кредит сиёсатига эга бўлган ривожланган давлатларда етарли даражадаги қайишқоқликка эга, шу сабабли ижтимоий ички қарзларнинг чегарасига етгунга қадар юқори даражадаги эҳтиёжнинг давомли қондирила олинаши ва керакли харажатларнинг қилиниши мумкин бўлади» деб ёзади немис олими Recktenwald Н.С.. Айни пайтда бошқа томондан сармоядорлар ҳам солиқларни кредитлар ёрдамида молиялаштириш орқали, сотиш ҳажмида камайишига йўл қўймаган ҳолда, солиқ миқдорига тенг бўлган миқдордаги нарх ошишини мумкин қилувчи, керакли миқдордаги нарх ошишини сотиб олиш қувватининг ортиқча қисмини муомалага киритиб, солиқнинг акслантирилишига кўмаклашишлари мумкин (Fohl теоремаси).

Солиқ тўлаш муддатлари каттароқ бўлган пайтларда, сармоядорларнинг банкларга бўлган қарзларида ортининг кузатилиши, юқоридаги фикрнинг ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади ва ниҳоят, нархлар ортиши натижасида юзага келган, нақд пулга бўлган талабдаги етишмовчиликнинг қолланиши хусусидаги муқобил йўл, оилаларнинг жами солиқ миқдориди кўшимча бир талабнинг юзага келтиришларидир. Аммо бундай йўл тутиш ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки ҳали солиқларнинг бевосита таъсирига учрамаган оилаларнинг яшаш стандартларини қисқа муддатда ҳимоя қилиш мақсадида харажатлар учун кредит олишлари ёки жамғармаларини сарфлашлари ҳақиқатга тўғри келмайди.

Стратегические направления совершенствования налоговой системы: правовое регулирование

Боймуратов Т.М., Ахмедов Т.
Ташкентский финансовый институт.

Налоговая система Республики Узбекистан, являясь составной частью бюджетной системы республики, представляет собой совокупность налогов, взимаемых в государстве. Она призвана обеспечить финансовыми ресурсами часть расходов государства и используется для реализации экономических методов воздействия на процесс воспроизводства и сферу социальных

отношений. Построение налоговой системы подчинено интересам всех социальных слоев общества и преследует обеспечение необходимого благосостояния населения.

Собственная модель реформирования экономики обусловила невозможность механического использования законодательных актов по налогообложению других стран с развитым рынком, однако многие законы и нормативные акты, действующие в республике, предварительно получили экспертную оценку в авторитетных международных организациях, у известных специалистов в области хозяйственного права.

За сравнительно короткое время была разработана и введена в действие целостная система налогового законодательства. В ее основе лежат конституционные принципы тесного взаимодействия общества и государства, человек и общества.

Сформированный и отработанный на практике механизм этого взаимодействия подробно описан в трудах И.А.Каримова. Стратегические направления реформ в налоговой сфере инициируются и утверждаются указами Президента. В указах определяется целевая направленность принимаемых решений, способы их реализации.

В наиболее общем виде налоговая система страны строится и действует следующим образом:

♥ **Экономическая эффективность:** налоговая система не должна входить в противоречие с эффективным распределением ресурсов;

♥ **Административная простота:** административная система должна быть простой и относительно недорогой в применении;

♥ **Гибкость:** налоговая система должна быть в состоянии быстро реагировать на изменяющиеся экономические условия;

♥ **Политическая ответственность:** налоговая система должна быть построена таким образом, чтобы убедить людей, что они платят, чтобы политическая система была в состоянии более точно отражать их предпочтения;

♥ **Справедливость:** налоговая система должна быть справедливой.

Фундаментальные, устойчивые, имеющий длительный характер действия нормы и положения налоговых отношений отражаются в законах Республики Узбекистан.

Секция раиси: Латипов А.Х.- Давлат солиқ кўмитаси
Солиққа тортиш услубиётини такомиллаштириш бошқармаси
бошлиғи.

Секция раиси ўринбосари: Акромов Т. - “Иқтисодий фанлар”
кафедраси бошлиғи, и.ф.д.,проф

Котиб: Васиев А. -“Молия-банк ишлари” кафедраси катта
ўқитувчиси.

Новое экономическое мышление – сущность и содержание

Акромов Т.А. – *Солиқ ва божхона органлари
академияси и.ф.д. проф.*

Формирование рыночной экономики – это не только создание объективно действующих хозяйственных механизмов, но и изменение сознания самих людей – субъектов экономических отношений, становление нового типа экономического мышления. Прежде всего это важно для молодежи – той части общества, сознание, ценности и убеждения которой только формируются.

Предпосылки экономического сознания возникают в русле обыденного сознания, в процессе освоения человеком окружающего мира. Экономическое мышление создается совокупностью личных качеств человека, которые закладываются еще в детстве. Характер человека закладывается в семье. Именно здесь, в общении с близкими формируются такие качества, как бережливость, способность к рациональному ведению хозяйства, сознание ответственности за порученное дело.

Личностные качества человека накладывают отпечаток на процесс выбора им своего жизненного пути, призвания. Затем они получают свое развитие в ходе обучения человека сначала в школе, затем в других учебных заведениях.

Чем характеризуется экономическое мышление?

Экономическое мышление с нашей точки зрения детерминировано тремя основными предпосылками. Во – первых, это личностные качества человека, необходимые в условиях рынка. Во – вторых, влияние современного уровня технического прогресса, в частности соотношение материального производства и информационных технологий. В – третьих, социальные процессы нашего времени характеризуются своеобразным соотношением социокультурной специфики каждой страны и глобализации общественной жизни.

В условиях рынка человеку необходим целый ряд специфических личностных качеств: это инициативность, предприимчивость, умение ориентироваться в условиях постоянно меняющейся ситуации, способность предугадывать ее развитие. Рынок предполагает наличие многих возможных

вариантов поведения и деятельности. Человек как активный субъект рынка должен понимать, что в условиях конкурентной борьбы из многих задумок, планируемых сделок и т.д. могут быть реализованы одна – две. Умение признавать поражение, отступать и тут же искать новые варианты – специфическая черта рыночной психологии. Не каждый человек к этому готов. Можно сказать, что трудности перехода к рынку во многом объясняются именно психологической неподготовленностью людей, неразвитостью у них соответствующих личностных качеств. Весь объем необходимых экономических знаний не пойдет человеку впрок, если его мышление будет основано на старых стереотипах.

Другая важная предпосылка современного экономического мышления – развитие материального производства и информационных технологий. В современных условиях информационные технологии приобретают все больший удельный вес в производстве. Как это влияет на мышление человека – субъекта производственного процесса?

В современных условиях в сфере экономики человек имеет дело и с громадным объемом информации и с высочайшей скоростью ее передачи. Это позволяет отслеживать ситуацию в разных местах, оперативно обмениваться данными и т.д. Быстро растущий объем информации расширяет возможности оптимального выбора, резко сокращается объем времени на принятие необходимых решений. То есть мышление человека в новых условиях должно быть одновременно объемным, гибким и оперативным.

Изменение характера мышления человека должно происходить как в ходе реальной жизни, так и в процессе образования. Для того, чтобы мышление человека – субъекта экономики соответствовало постоянному росту информации необходимо единство и взаимодействие личностных качеств и современных методов обучения.

В условиях высокой скорости принятия решения необходима еще и интуиция. Человек не может принять верного решения, не предугадывая развития событий. Интуиция содержит в себе уже имеющийся опыт действия в тех или иных ситуациях. Интуиция как метод принятия решения подразумевает пропуск логических звеньев, которые для человека очевидны.

Высокие требования предъявляются и к обучению. Учебные программы в современных условиях, в частности, по экономическим дисциплинам должны не только учитывать экономическую ситуацию, потребности рынка, но и учить слушателей предугадывать их развитие.

Информация становится ключевым фактором, характеризующим развитие экономических отношений. По сути это приводит к новому уровню экономической свободы личности. Традиционно экономическая свобода – это ситуация, когда действия человека в хозяйственной сфере не ущемляются за счет каких – либо насильственных, административных факторов. Человек либо ассоциация производителей свободны распоряжаться продуктами своего труда. Но в современных условиях для того, чтобы такая свобода была реализована, необходимо владеть информацией об экономических процессах.

Информация, с одной стороны, повышает степень свободы человека, поскольку решения в данном случае принимаются осознанно, не наугад. В то же время конкретная информация сужает спектр выбора между необходимыми решениями, что избавляет человека от неуверенности и в конечном счете способствует росту реальной свободы.

Наконец, третий аспект экономического мышления – это современные социальные явления, соотношение между социокультурной спецификой каждой страны и глобализацией современных процессов.

В современных условиях происходит стирание границ между различными государствами, вызванное потребностями рынка. В то же самое время потребности рынка создают основу для роста национального самосознания, поскольку каждый гражданин определенной страны может гордиться тем, что тот или иной качественный продукт произведен у него на родине. В этих условиях формируется экономическое самосознание.

Безусловно, личностные качества, предъявляемые к субъекту рыночной экономики, носят универсальный характер. Они необходимы человеку в любой стране, где развита рыночная экономика. Вместе с тем, в формировании качеств, необходимых личности в условиях рынка, большое значение имеет менталитет конкретного народа, его сильные стороны. В частности, для восточных народов в большей степени характерна корпоративность, для западных – индивидуализм. За счёт корпоративности преуспели в экономическом развитии Япония и ряд других азиатских стран, за счёт индивидуализма - США и страны Европы. Корпоративность отражает готовность взаимодействовать в принятии оперативных решений. Индивидуализм – опора человека на собственные силы, свобода проявления инициативы. Реально эти две особенности взаимодействуют между собой. Специфические национально-культурные особенности не отменяют, а, напротив, обогащают проявления черт характера, необходимых в условиях рынка. Таким образом, экономическое мышление является связующим звеном между мировоззрением человека, его отношением к миру и конкретными навыками, позволяющими действовать в условиях рыночной экономики.

Сув ресурслари -- Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг муҳим омили

*Умаров С.С. - Солиқ ва божхона
органлари академияси, и.ф.н., доц.*

Ўзбекистон ҳудудида Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Чирчиқ, Оҳангарон дарёлари ер усти сувларининг асосий манбалари бўлиб ҳисбланади.

Ўзбекистон ҳудуди доирасида шаклланувчи йиллик сув оқими 10 куб км. га яқин, бошқа мамлакатлар ҳудудидан оқиб келувчи сув оқими 89 куб км. ни ташкил этади.

Сирдарё ва Амударё сув ресурслари мувофиқ равишда йилга ўртача 40,8 ва 78,4 куб км. дан иборат.

Ҳавза сувлари лимитига биноан Ўзбекистонга йилига Сирдарё бўйича 25.5 куб км, Амударё бўйича 46.2 куб.км. сув, жами 71.7 куб км. сув тегишли.

Республиканинг сув билан таъминланганлик даражаси ўртача 80 % ни, шу жумладан Амударё ҳавзасида 86%, Сирдарё ҳавзасида 71 % ни ташкил этади.

Сув ресурслари вақт ўтиши билан деярли ўзгармайдиган ҳажмга эга бўлганлиги, аҳоли сонининг эса узлуксиз равишда ўсиши натижасида сув билан таъминланганлик даражаси Республикада қисқариб бормоқда. 1985 – 2001 йилларда мазкур кўрсаткич 30 % га пасайди.

Минтақа сув ресурсларининг асосий қисмини Амударё ва Сирдарё ҳавзалари ташкил этади. Уларда йилига ўртача 115 куб.км. га тенг сув ҳосил бўлади.

Сирдарё ҳавзаларида сув оқимини ниҳоятда чуқур тартиблаштириб туриш мақсадида бешта йирик: Тўхтағул, Андижон, Қайроққум, Чорвоқ, Чордара ҳамда ҳажми 1 куб. км. гача бўлган майда сув омборлари барпо этилган. Сув омборлари фойдали сиғимининг умумий ҳажми 26,02 куб.км.ни ташкил этади ҳамда ҳажми 14 куб.км. га тенг бўлган Тўхтағул сув омбори жойлашган ҳавзанинг юқори қисмида шундай оқимни кўп йиллик тартиблаштириб туриш имкониятига эга.

Амударё ҳавзасида сув оқимини кўп йиллик тартиблаштириш имкониятига эга бўлган учта йирик: Ронгун, Норак ва Туямўйин сув омборлари қурилган. Уларнинг фойдалилик сиғими 18,4 куб. км. га тенг. Ундан ташқари, мазкур ҳавзада ҳар бирининг ҳажми 2 куб. км гача бўлган 31та кичик сув омборлари барпо этилган. Ҳавзадаги барча сув омборларининг фойдалилик сиғими 36.4 куб .км. ни ташкил этади. Шундан 24.4 км. га тенг сув ресурслари Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудларида йиғилган.

Шундай қилиб, тартиблаштирилиб турилувчи 53 куб. км. га тенг сув оқимининг 39.0 куб. км. ёки 74 % и қўшни мамлакатлар ҳудудига тўғри келади. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятини сув билан таъминловчи Қарши магистрали ҳамда Бухоро вилоятини сув билан таъминловчи Аму – Бухоро каналларининг Амударёдан сув чиқариб берувчи иншоотлари Туркменистон ҳудудида жойлашган. Бу ҳолат собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгандан кейинги даврда Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида сув ресурсларини тақсимлаш борасида қўшимча муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Чунки мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистон ҳудудида регионда ҳосил бўлувчи жами ер усти сув ресурсларининг 55 – 58 %гина истеъмол қилинар, унинг деярли 85 %га тенг қисмидан эса ерларни суғориш мақсадларида фойдаланилар эди.

Йирик саноат корхоналари, чорвачилик мажмуалари, аҳоли манзилгоҳлари яқинида жойлашган дарёлар ва ер ости сувларига оқва сувлар билан ҳар хил ифлослантирувчи компонентларнинг қуйилиши жуда катта салбий оқибатларга олиб келмоқда. Бунинг натижасида сувларнинг минераллашганлиги кучаймоқда ва улар заҳарли чиқиндилар билан ифлослантирилмоқда. Дарё сувларининг минераллашганлиги Амударёнинг

Ўзбекистон ҳудудига ўтиш жойида 1.7 промилле кўрсаткичида бўлса, Оҳангарон дарёсида 8.1 промиллегача етади.

Ер ва сув ресурслари қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида республика ҳудудининг 71 % ва регион сув ресурслари лимитининг 82 % дан фойдаланилади.

Ўзбекистон сув ресурсларининг асосий истеъмолчилари қишлоқ хўжалиги ва саноатдир. Сувдан фойдаланишнинг таҳлили саноат ва коммунал хўжаликда мавжуд технологик жараёнлар замонавий техник талабларга жавоб бераётганлигидан далолат бермоқда. Корхоналарда сувдан фойдаланишнинг айланма тизими татбиқ этилмаган, мамлакатда айланма сувнинг салмоғи атиги 57 % ни ташкил этади. Бундай ҳолат Қорақалпоғистон Республикасида (3.3 %), Самарқанд (12,7 %) ва Жиззах (25.2 %) вилоятларида мураккаб тусга эга.

Республикада истеъмол қилинадиган жами сувнинг 82 – 85 % и қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Шунинг учун ҳам, сувдан фойдаланишга хос муаммоларнинг кўпчилиги шу тармоқ билан боғланган.

Мустақилликкача бўлган даврда суғориладиган ер майдонининг тўхтовсиз кенгайтириб борилганлиги, каналлар ва сув омборларининг барпо қилиниши қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш даражасининг ниҳоятда катталигига – кўпинча уни хўжасизларча истеъмол қилишга сабаб бўлди⁷.

Меҳнат ва иш ҳақи аудити

*Ҳамдамов Б.К - Солиқ ва божхона
органлари академияси, и.ф.н., доц.*

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан бухгалтерия ҳисобининг тартиботи ҳам ўзгарди. Бу мулкчилик шакллари ўзгариши билан боғлиқ. Бундай шароитда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисобни юритиш ўзига хос талабларга жавоб бериши лозим, негаки иш ҳақи ишчи ва хизматчиларнинг асосий даромади бўлиб, уни тўғри ҳисобланиши ижтимоий адолатни таъминлайди.

Маълумки, нақд пул муомала тарзда иш ҳақи шаклида кириб келади. Демак, бу жараён пулнинг инфляцияси билан бевосита боғлиқ бўлади. Шу сабабли аудитнинг асосий мақсади иш ҳақини тўғри ҳисоблашни текшириш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича омилларни аниқлашдан иборат. Бунинг учун аудиторлар молиявий таҳлил тўғрисидаги билимларни чуқур ўрганишлари зарур бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аудиторлик ташкилотининг асосий вазифаси фақат корхона молиявий аҳволини ўрганиб, ҳисоботини тўғрилигига баҳо беришдан иборат бўлмай, корхона ва фирмаларнинг ривожланиш истиқболларини белгилашдан ҳам иборатдир. Албатта, бунинг учун биринчи навбатда меҳнат ва иш ҳақи ҳисоботининг тўғрилигини

⁷ Юқоридаги рақамли маълумотлар манбаъси -- Э. Набиев, А. Каюмов «Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти» Т, 2001, 65-бет 20-жадвал

аниқлаш зарур бўлади. Ишчи ва хизматчиларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқлар ва меҳнат шартномаларининг мавжудлиги, иш ҳақининг бирламчи ҳужжатлар асосида ҳисобланганлиги аниқланади. Булардан ташқари, корхонада меҳнат таътили ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик вақтида ишчи ва хизматчиларга белгиланган иш ҳақининг тўғри ҳисобланишини текшириши лозим.

Амалиётда ҳисоблаш усулини бузилиши оқибатида бу борада иш ҳақи фондини ортиқча сарфланиши ва харажатларни ошиб кетишига йўл қўйилмоқда. Масалан, меҳнат таътилига иш ҳақи ҳисоблаш учун охириги ойлик маош ва бир йил ичида қўшимча тарзда тўланган мукофот ва тўловларнинг 1/12 қисмини олиш керак. Лекин, айрим корхона ва ташкилотларда охириги ойларда олинган юқори ставкадаги мукофот ва қўшимча тўловлар ҳисоб-китоб учун қабул қилинмоқда.

Аудиторлар юқоридагилардан ташқари иш ҳақидан солиқларни ушлаб қолиниши, иш ҳақиға нисбатан ижтимоий суғурта фондларига ажратмаларни тўғри ҳисобланганлигини текширишлари зарур. Бу борада бир қанча муаммолар вужудга келмоқда, яъни ишчи ва хизматчиларга моддий ёрдам пуллари иш ҳақи фондига қўшилиши меъёрий ҳужжатларда аниқ кўрсатилмаган.

Солиқлар борасида ҳам бир қатор ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Иш ҳақидан олинадиган солиқ миқдорларини камайиши, яъни аҳоли даромадларини ошириш борасидаги ҳукуватимизнинг ҳаракатлари диққатга сазовордир. Лекин айрим жабҳаларда ҳисоб ва солиқ хизмати харажатларини камайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маълумки, ўриндошлик асосида меҳнат қилган ходимлар умумий даромадларидан декларация топширадилар ва солиқ бўйича салбий фарқ аниқланса, давлат ҳисобига ва аксинча, ижобий фарқ бўлса, декларантга қайтарилади. Бундай ходимларга асосан ўқитувчилар, бухгалтерлар, медицина ходимлари ва юристлар кирди. Аксарият ҳолларда ижобий фарқга эришиш мақсадида улар томонидан бухгалтерларга юқори даражада солиқ ушлаб қолиш талаб қилинмоқда. Шундай экан, иш ҳақидан олинадиган солиқларни регрессив усулга ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Яна шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида аҳоли томонидан амалга оширилаётган йирик харажатларга декларация тизимини жорий қилиш вақти келди ва бу давр талабидир.

Республика ҳукувати томонидан пул муомаласини тартибга солиш бўйича бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. Бу чора ҳар бир талбиркордан бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидалари билан таниш бўлишни тақозо этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тўла жаҳон стандартларига мос миллий бухгалтерия ва аудит стандартлари жорий қилинмоқда ва у нақд пул муомаласини тартибга солиш учун муҳим замин бўлади. Янги счётлар режасини киритилиши харажатлар, жумладан, иш ҳақи ҳисобини ҳам халқаро талаблар даражасида ҳисобга олиш имконини яратди.

Келтирилган фикр ва мулоҳазалар маълум жиҳатларда соф назорат тизимини ташкил қилиш орқали ижобий амалга ошиши мумкин. Бу мустақил аудит тизимини янада ривожлантириш билан боғлиқ. Бозор иқтисодининг

асосий тузилмаларидан бўлган аудит турли мулкчилик шароитида даромадларни ҳолис аниқлаб берувчи дастак бўлиб қолади. Бу хориж тажрибасида аллақачон ўзини оқлагандир.

О концептуальном подходе к системному исследованию и моделях мирового финансового рынка

Шоҳаъзамий Ш., Васиев А. – *Тошкент молия институти,
Солиқ ва боғжона органлари академияси.*

Процесс глобализации мировой экономики зависит от согласованной интеграции между собой национальных финансовых рынков на основе принимаемых поэтапно мировым сообществом всеобщих принципов и стандартов. Заметим, что поэтапность принятия этих принципов и стандартов требует постепенного совершенствования как национальных законодательств, так и международных норм в области финансового рынка, которое обусловлено отличительными особенностями, различной степенью и темпами развития национальных экономик и их рынков, в частности, и состоянием степени функционирования и перспектив развития мирового рынка, в целом.

Отражением степени (уровня) развитости экономики страны является национальный финансовый рынок, а мирового рынка – интегрированный на международном уровне мировой финансовый рынок. Причём известно, что определяющую индикативную роль на любом развитом финансовом рынке играет рынок ценных бумаг (фондовый рынок), иначе говоря, роль «реального рыночного барометра экономики», от показания которого зависят всякие инвестиционные решения, определяющие эффективное обращение ресурсов, причём ресурсов, находящихся в постоянном (непрерывном) движении, распределении и перераспределении, меняющихся под влиянием соотношения спроса и предложения на эти ресурсы со стороны как государства, так и других субъектов экономики. Инвестирование капитала через рынок ценных бумаг (РЦБ) предполагает перераспределение капитала путем перелива его к местам необходимого приложения и оттока капитала из мест, где он в избытке. Процесс такого перераспределения капитала на финансовом рынке (ФР) осуществляется посредством ценных бумаг. Они абсорбируют временно свободный капитал, где бы он ни находился, и через куплю-продажу помогают его «перевести» в необходимом для общества направлении. В результате обеспечивается равновесие между общественным производством и общественным спросом. Заметим, что постоянный рост общественного спроса, обусловленный социальным и научно-техническим прогрессом, приводит к глобализации мировой экономики через ФР, в целом, и РЦБ, в частности.

Вышеизложенные заключения основываются, в основном, на практических и эмпирических результатах многолетних наблюдений и исследований многих ученых-экономистов и специалистов разных стран, полученных ими различными подходами к изучению проблем и

закономерностей ФР на уровень отдельных высокоразвитых стран, играющих существенную роль на международном ФР. Можно предположить, что по мере дальнейшего углубления и расширения процессов глобализации экономики путем постепенной (позатальной) интеграции национальных ФР в общемировую глобальную финансовую среду существующие проблемы и различия в функционировании и развитии национальных ФР могут соответствующим образом разрешаться и исчезать, и таким образом локальные закономерности ФР постепенно начнут уступать свои позиции в пользу действия всемирных. В ближайшем будущем в условиях ввода всеобщих закономерностей общемировой финансовой среды, действующие по сей день на международных ФР правила «игры» сохранят большинство, но усовершенствованных и адаптированных к новым условиям своих требований к действиям финансовых организаций и обращению инструментов (ценных бумаг) на всемирном ФР. Следовательно, эти результаты и подходы не могут в полной мере претендовать в будущем на системную трактовку закономерностей приближающегося всемирного ФР.

В связи с этим, предлагается один из возможных концептуальных подходов к системному исследованию закономерностей формирования, функционирования и развития мирового ФР и его сегментов, в том числе национальных ФР и РЦБ, который может позволить выработать теоретические и методологические основы, практические рекомендации по глобализации мирового ФР. Подход основывается на математическом и структурно-функционально-модельном представлении ФР и в его комплексе с РЦБ с сегментами. Разработаны и предложены на основе данного подхода математические и структурно-функциональные модели ФР и его сегментов.

Тўлов баланси таркиби ва унга таъсир қилувчи омиллар

Тожиев Р.Р., Абдулласв Х.Ё. - Тошкент
Давлат иқтисодийёт университети.

Тўлов баланси бу шундай ҳужжатки, унда мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушимлари ва тўловларининг амалдаги суммаси акс эттирилади.

Тўланиши ва келиб тушиши кўзда тутилган ҳамда режалаштирилган валюта суммалари тўлов балансида қайд қилинмайди.

Тўлов баланси 2 хил шаклда тузилади:

1. Маълум бир санага тузилган тўлов баланси. Бу одатда расмий тузилган ҳужжат ҳисобланмайди ва эълон қилинмайди.

2. Маълум даврга тузилган тўлов баланси. Бу расмий статистик ҳужжат ҳисобланади ва эълон қилинади.

Тўлов баланси 2 қисмдан иборат: тушимлар ва тўловлар.

Агар тўлов балансида тушимлар суммаси тўловлар суммасидан ортиқ бўлса, тўлов баланси актив дейилади. Аксинча, тушимлар суммаси тўловлар суммасидан кам бўлса, пассив дейилади.

Мамлакатларнинг тўлов баланси структурасига кўра, деярли фарқ қилмайди. Чунки, тўлов балансини тузишнинг халқаро валюта фонди томонидан эълон қилинган стандарти мавжуд.

Тўлов баланси 3 йирик бўлимдан иборат:

I Жорий операциялар бўлими. Бу бўлим ўз ичига савдо, хизматлар ва тижорат характериغا эга бўлмаган тўловлар балансини олади.

Савдо балансида фақат экспорт ва импорт операциялари бўйича валюта тўловлари ва тушимларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади. Кредитга соғиб олинган товарлар қиймати бу ерда акс эттирилмайди.

Хизматлар ва тижорат характериға эга бўлмаган тўловлар балансида транспорт, почта, телеграф, телефон, туризм, маданий алоқалар, пул ва валюта ўтказиш (переводлар), хорижий мамлакатлар ҳудудида харбий қисмларни сақлаш, чет элда савдо ва дипломатик ваколатхоналарни очиш, халқаро кредитлар бўйича тўланадиган фоизлар ва бошқа шу каби соҳаларда юзага келувчи валюта тушимлари ва тўловлар суммаси акс эттирилади.

II Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати баланси.

Бу бўлимда тадбиркорлик билан ссуда капиталининг ҳаракати акс эттирилади. Капиталлар ва кредитлар балансининг бу бўлимида 2 хил муддат кўрсатилади. Муддати 1 йилгача бўлганлари қисқа, муддати 1 йилдан ошиқ бўлганлари узоқ муддатли капиталлар ва кредитлар сифатида қайд қилинади.

III Олтин валюта резервларининг ҳаракати.

Бу ерда мамлакатнинг олтин валюта резервларининг камайишини ёки кўпайишини кузатиш мумкин. Мамлакатнинг халқаро валюта фондидаги резерви ҳам шу ерда кўрсатилади.

Тўлов балансиға таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мамлакатнинг халқаро савдодаги мавқеининг ўзгариши;
- капиталлар ва кредитлар ҳаракатидаги юз берадиган ўзгаришлар;
- сиёсий омиллар;
- Марказий банк дисконт сиёсатининг ўзгариши;
- валюта курсининг ўзгариши ва шу каби ҳолатлар.

Халқаро савдо ҳозирги кунгача мамлакатға чет эл валюталарининг оқиб келишини таъминловчи асосий канал ҳисобланади. Лекин, шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, у ўсиш суръати жиҳатидан капиталлар ва кредитлар ҳаракатидан кейин туради. Мамлакатнинг халқаро савдодаги мавқеининг пасайиши савдо балансининг пасайишиға олиб келади.

Сиёсий омиллар деганда, мамлакатда фавқулотда чоралар кўрилиши, уруш, давлат тўнтарилиши каби сиёсий ҳодисалар натижасида юзага келадиган ҳолатлар тушунилади.

Марказий банклар одатда тўлов баланси пасив бўлганда ўзларининг ҳисоб ставкаларини оширадилар.

Валюта курсини ўзгариши билан тўлов балансининг ўзгаришиға икки омил таъсир кўрсатади:

1. Тўлов баланси аҳволининг ёмонлашуви миллий валюта курсининг пасайишиға олиб келади.

2. Миллий валюта курсининг кескин пасайиши тўлов балансининг аҳволига салбий таъсир қилиши мумкин.

Жаҳон амалиётида тўлов баланси дефицитига барҳам беришнинг анъанавий икки усули мавжуд:

- 1) вақтинчалик усул;
- 2) сўнгги усул.

Вақтинчалик усул деганда, тўлов баланси дефицитини чет эл капиталининг, яъни тадбиркорлик ва ссуда капиталларининг киритиш йўли билан қоплашга айтилади.

Сўнгги усул деганда, мамлакатнинг олтин валюта резервларини ишлатиш йўли билан тўлов баланси дефицитининг қопланишга айтилади.

Фикримизча, мамлакатимиз тўлов балансини барқарорлаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Савдо балансини яхшилаш (актив қисми ошиб бориши) лозим. Шу ҳолда экспорт ҳажми импортга нисбатан ошади, натижада, валюта тушими кўпаяди. Бу эса, тўлов балансининг аҳволини яхшилайтиди, натижада, миллий валютанинг қадри ошади;
2. Хизматлар ва тижорат характериға эға бўлмаған тушимларни ривожлантириш лозим. Хусусан, транспорт, туризм ва мадания алоқаларни ривожлантириш валютавий тушимларни кўпайишиға сабаб бўлади;
3. Миллий валютаға бўлған талабни ошириш лозим.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати

Жумаев Н.Х., Бурханов У.А. – Тошкент молия институти.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳукм сураётган ҳар қандай давлатнинг молия-кредит тизимида энг асосий ва муҳим ўринни расмий пул-кредит сиёсатини юргизувчи Марказий банк эгаллаши барча иқтисодчиларға маълум. Ўз навбатида олиб борилаётган монетар сиёсат иқтисодиётни бутун мамлакат миқёсида тартибға солишнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати эса унинг пул-кредит инструментлари ичида энг муҳими саналади.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати деганда, Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматбаҳо қоғозларни гаровға олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.

Қайта молиялаштириш сиёсатидан кўзланган асосий мақсад - тижорат банклари Марказий банк томонидан бериладиган кредитларнинг берилиш шартларини ўзгартириш йўли билан пул бозори ва капиталлар бозорининг ҳолатиға таъсир қилиш ҳисобланади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш даврининг ҳозирги босқичида қайта молиялаштириш сиёсатидан иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибға солишнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Буни асосан, республикаимиз тижорат банкларининг Марказий банкнинг кредит ресурсларига сезиларли даражада боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига лимитлаштирилган ҳажмда марказлашган кредитлар бермоқда. Ушбу кредит ресурслари учун ўрнатилган фоиз ставкалари орқали. Марказий банк, тижорат банкларининг фоиз ставкаларига таъсир қилишга ҳаракат қилапти. Йирик тижорат банклари кредит ресурсларининг сезиларли қисмини Марказий банк ресурслари ҳисобидан ташкил топиши қайта молиялаштирилиш сиёсатини кредит эмиссияси ҳажмига кучли таъсир қилишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, тижорат банкларининг кредитларини фоиз ставкаларига нисбатан чеклашларнинг жорий қилиниши Марказий банкнинг кредит ресурслари бозорига таъсирини кескин оширмоқда.

Ҳисоб нормалари ва ломбард нормаларининг ўзгариши қайта молиялаштириш сиёсатининг мослашувчанлигини оширади. Айниқса, ҳисоб ставкасининг ўзгариши пул бозорининг ва капиталлар бозорининг ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Таъсир механизми қуйидагича бўлади: ҳисоб нормасининг ўсиши пул бозорига кредитлар ва депозитларнинг нормаларини ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, қимматбаҳо қоғозларга бўлган талабни камайтиради. Кредитларга тўланадиган фоиз нормаларнинг ўсиши натижасида қимматбаҳо қоғозларнинг таклифи кўпаяди ва шунинг асосида, уларнинг курси тушади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати доирасида амалга ошираётган тadbирлари ичида марказлашган кредит ресурсларини кимосди савдоси орқали сотиш, шубҳасиз, бу соҳада бозор механизмларидан фойдаланиш томон йўналтирилган муҳим йўналишдир. Кредит кимосди савдолари Марказий банк кредитларини ҳолисона тақсимланишини кафолатлайди, кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифни ҳаққонийроқ акс эттиради.

Ҳозирги кунда, республикамызда, тижорат банкларининг кредитларини фоиз нормаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш нормаси билан тартибга солинмоқда.

Қайта молиялаштириш сиёсатининг анъанавий воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш юзага келгунга қадар, маъмурий мазмундаги айрим пул-кредит сиёсатининг воситаларидан фойдаланишга эҳтиёж сезилади. Кредитлаш лимитларини жорий қилиш йўли билан пул массаси ва фоиз нормаларининг кескин ўсишига барҳам бериш мумкин.

Шундай қилиб, иқтисодиётнинг монетар сиёсат орқали тартибга солиш жараёнларини ва унда Марказий банкнинг тутган ўрни ва мавқеини тадқиқ қилиш, ҳозирги вақтда, Ўзбекистон Республикаси учун долзарб ҳисобланади.

Фикримизча, амалиётга тратталар ва ломбард тизимини жорий этиш Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсатини янада такомиллаштиришга олиб келади.

Даромадларни ўстиришда хусусий тадбиркорликнинг роли

Хасанов Р.Р. – *Давлат ва жамият қурилиш академияси.*

Иқтисодийetni эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш бозор учун ишлаш қондасига амал қилиш орқали бозор муносабатларини изчиллик билан ҳаётга сингдириб боришни тақозо қилади. Бозор иқтисодийети ривожланишининг муҳим омилларидан бири эса кичик ва ўрта тадбиркорлик бўлиб, уни ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириши ва таркибан мустаҳкамланиб боришини аналтади.

Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг уч жиҳати бозор иқтисодийетининг барқарор ривожланишини таъминлайди. Биринчидан, у товар ва хизматларни аҳолининг талаб эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бозорга чиқаради, иккинчидан, аҳолининг иш билан бандлигини ошириб, даромад топиш манбаига айланади, учинчидан, ишлаб топилган даромадга нисбатан истеъмолни қондиради. Шунинг учун Президент И.А.Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида ўрта ва кичик тадбиркорлик ривожини ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллаши, фуқороларнинг муҳим даромад манбаи бўлиб қолиши ва мулкдорлар синфини мустаҳкамлаши зарурлигини таъкидлаб ўтди.⁸

Ҳаётий тажриба кичик ва ўрта тадбиркорлик кўламидаги ишлаб чиқариш ҳам ўз афзалликларига эга эканлигини тасдиқламоқда. Бунга кўйидагилар асос бўла олади:

1. Ҳозирги даврда минитехнологиялар етарлича ривожланган, улар меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва бозордаги рақобатга дош бериш имкониятига эга.

2. Кичик ва ўрта тадбиркорлик катта миқдордаги капитал инвестицияларини талаб қилмайди, улар тижорат банклари, кредит уюшмалари ва лизинг компаниялари билан ҳамкор бўлиб фаолият юритишлари мумкин.

3. Кичик ва ўрта тадбиркорлар одатда маҳаллий бозорга ёки миллий иқтисодийетдаги йирик компанияларга ишлайди, шу сабабли бозорга тез мослаша олади.

4. Кичик ва ўрта тадбиркорликда товарлар нисбатан арзонга сотилиб, ҳалол даромадга эга бўлиш, даромад манбаларини излаб топишга интилиш ва эркин рақобатли бозорнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиши билан тараққиёт омилига айланади.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида кичик ва ўрта тадбиркорликнинг иқтисодийетдаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. 2001 йили Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган 24,9 мингта кичик корхона, 169,5 мингта микрофирмаларда 600 мингдан зиёд киши иш билан банд этилган, 1,6 млн. деҳқон хўжаликларидан 200 минг нафари юридик шахс мақомига эга бўлган.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ва хўжаликлари шароитга тез мослашиб ишлаб чиқаришни кенгайтириб боришмоқда. Шу сабабли уларнинг ялпи ички маҳсулот яратишдаги ҳиссаси уч йил муқаддам 12,4 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич ҳозир 33,8 %ни ташкил этади. Жумладан,

⁸ И.Каримовнинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқоралик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» маърузаси. Халқ сўзи, 30 август 2002 йил

деҳкон хўжаликларининг ялли ички маҳсулотдаги ҳиссаси 24,4 %ни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотидagi ҳиссаси эса 63,3% ни ташкил этади. Уларни мамлакат экспорт салоҳиятида қўшган ҳиссаси ҳам ошиб бормоқда. Ўтган йили кичик корхоналар экспорти 51,7 млн. долларни, микрофирмалар экспорти эса 53,7 млн. долларни ташкил этди.

Ҳозирги даврда кичик ва ўрта тадбиркорлик доирасида олинган даромадлар тез ўсиб, бу фақат иш ҳақи билан чекланмай, қўшимча тўловлар, тадбиркорлик даромади, натурал даромадларнинг аҳамиятини ҳам оширмоқда. Аҳоли даромади таркибида тадбиркорлик даромади салмоғи кейинги 8 йилда 6 марта ошди, ҳозир у жами даромадларнинг 1/4 қисмидан ортиб кетди.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик хусусий сектор ўзигини ташкил этади, чунки у хусусий мулкчиликка асосланади. Хусусий сектор эса эркин бозор тизимини таянчи ҳисобланади. Хусусий секторнинг иқтисодийётдаги салмоғи, хусусий мулкнинг мавқеи ва даромадларнинг ўсиб бориши иқтисодий эркинликни бош мезони бўлиб қолади.

Бухгалтерия ҳисобининг янги субъекти ва объекти.

Ризаев Н. - *Тошкент молия институти.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон билан жаҳондаги нуфузли мамлакатлар - АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа юздан ортиқ мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилди, бу алоқалар тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳондаги 80га яқин мамлакатнинг сармоялари иштирокидаги барпо этилган 2000та замонавий қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодийтимизни ривожлантириш мақсадида 12 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг, у пухта ўйлаб амалга ошираётган изчил ташқи ва ички сиёсатининг нотинч Марказий Осиё минтақасида вазиятни барқарорлаштириш ҳамда кескин кенг тарқалишнинг олдини олишдаги аҳамиятини ва кучайиб бораётган ролини борган сари кўпроқ англамоқда»¹. Хорижий сармоялар иштирокида ишлаётган қўшма корхоналар жумласига «ЎДЭУавто», «СамКочАвто», «Зарафшон-Ньюмонт», Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуи ва бошқалар кирди.

Хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда барпо этилган автомобилсозлик саноати корхоналарини ишга тушириш учун қарийиб 723 миллион АҚШ доллар миқдоридagi сармоялар жалб этилган.

Автомобилсозлик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби хусусан, номоддий активлар ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва уни юритиш ҳамда таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., «Ўзбекистон», 1997, 171-72-б.

Маълумки, номоддий активлар Ўзбекистонда бозор муносабатларини шаклланиши билан кириб келган. Бу активлар корхона мол-мулкининг ажралмас қисми бўлиб қолиши, шунингдек, умумий активларга нисбатан салмоғининг ўсиб бориши кабиларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишда муаммолар мавжуд эканлигини амалиёт яна бир бор тасдиқламоқда.

Номоддий активлар моддий ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик субъекти томонидан фойдаланиш ёки бошқариш учун фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узоқ вақт ишлатиш учун мўлжалланган мулк объектларидир. Таърифдан кўриниб турибдики, ушбу активларни ҳисобга олиш ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки шу соҳага оид иқтисодий адабиётлар, амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда интеллектуал мулк объектларини киримга олиш дастлабки ҳужжатларнинг таркиби ёки уларнинг узоқ муддатли актив сифатида тан олингандан сўнг амортизация ҳисоблаш қоидаларида назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилмаган қирралари мавжуд. Бунга ушбу мавзунини чуқур илмий жиҳатдан тадқиқ этиш давомида, иқтисодчи олимларнинг илмий асарлари ва хорижий манбаларни ўрганиш асосида эришилди.

Ўзбекистонда номоддий активлар билан боғлиқ ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунларнинг мажмуи мавжуд бўлса-да, бу активларнинг ҳар бир тури, рўйхатга олиш қоидалари, ҳуқуқларининг амал қилиш муддатлари, уларнинг баҳолаш тартиблари бошқалардан фарқ қилиб, натижада турлича ёндошувларга сабаб бўлмоқда.

Автомобилсозлик корхоналарида номоддий активлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш керак деб ўйлаймиз:

- номоддий активларнинг хизмат қилиш муддатларига асосан, уларга амортизация меъёрларини татбиқ этиш бўйича янги кўринишдаги амортизация меъёрларининг тартибини таклиф этиш;

- янги счётлар тизимига кўра автомобилсозлик корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, счётларнинг ишчи режаларини ишлаб чиқиш ва счётлар режасига қўшимча счётларни киритиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

- номоддий активларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш ва ундаги муаммолар бўйича халқаро амалиётда қўлланиладиган тамойилларни ўрганиб, ҳисобот шакллариининг таркибига янги ҳисобот шаклини ишлаб чиқиш;

- амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ автомобилсозликда фойдаланилаётган ҳуқуқлар бўйича жорий этилган солиқ имтиёзларини илмий-назарий асослаш;

- бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг бандларига номоддий активлар инвентаризацияси бўйича тегишли бўлган бандларни киритиш юзасидан илмий тавсиялар бериш;

- номоддий активлар ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш бўйича амалдаги ҳуқуқий-меъёрий

ҳужжатлардан фойдаланиб таҳлил қилишнинг умумий услубини ишлаб чиқиш.

Ўйлаймизки, юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда юзага келган муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан ўз ечимининг топиши, номоддий активларни ҳисобга олиш ва унинг таҳлилини такомиллаштириш имкониятини яратади.

**Фермер хўжаликлариди ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби,
маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва уларнинг таҳлили
(Ўсимликчилик тармоғи мисолида)**

Ҳакимов Б.Ж. - Тошкент молна институти.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида фермер хўжаликларининг тутган ўрни ва бажарадиган вазифаси муҳим аҳамиятга эга. Қарор топтирилган ижтимоий-иқтисодий шароит туфайли фермер хўжаликлари тобора ривожланмоқда. Бироқ, илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, аксарият хўжалик субъектлари ишлаб чиқариш фаолияти бўйича иқтисодий самарадорликни ошира боришда сезиларли ўзгаришларга эришаётганлари йўқ. Ушбу ҳолатга таъсир этган сабаблардан бири - фермер хўжаликлариди ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этиш ва юритишдаги камчиликларнинг мавжудлигидир.

Шунинг учун фермер хўжаликлариди ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва уларнинг таҳлилини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиб уларни халқаро ва миллий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарурати мазкур мавзуни танлаб олишга асос бўлди.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва унинг таҳлилини ташкил этиш услубларини хўжалик юритиш ҳамда мулкчилик шаклининг ўзига хос жиҳатларига, фермер хўжаликларининг ривожланиш ҳолатига, халқаро ва миллий ҳисоб стандартлари талабларига мослаштириш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишга эришиш илмий тадқиқот ишини мақсадини белгилайди.

Шундан келиб чиқиб, қуйидаги илмий асосланган таклиф ва тавсияларни беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- фермер хўжаликларининг ривожланиш истиқболлари ҳамда унга мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг шакли, технологияси ва усуллари назарий жиҳатдан ўрганилиб, илмий жиҳатдан асосланди;

- бозор муносабатлари талаби ҳамда халқаро ва миллий бухгалтерия ҳисоби андозалари асосида фермер хўжаликларининг харажатлари илмий ўрганилиб тасниф этилди. Уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди;

- амалдаги ишлаб чиқариш харажатлари таркибини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди;

- фермер хўжалигининг ўсимликчилик тармоғи фаолиятини ҳисобга олувчи дастлабки ва йиғма ҳужжатларининг янги намуналари таклиф этилди;

- хўжалик юритиш ва ўсимликчилик тармоғининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб харажатлар ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар берилди;

- харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом асосида ишлаб чиқариш харажати моддаларини янги тартибдаги таркиби ишлаб чиқилди;

- ўсимликчилик тармоғида маҳсулот таннархини ҳисоблашда қўшимча маҳсулотнинг соф даромад қийматида баҳолаш усули илмий асосланиб тавсия қилинди;

- ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилинн босқичлар бўйича ташкил этиш услуби белгиланди;

- моддий ва меҳнат омилларидан самарали фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини арзонлаштириш зарур.

Илмий ишдаги таклиф ва тавсияларни амалиётга татбиқ этиш фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятида маблағлар сарфини объектив ҳисоб-китоб қилишни ҳамда уларни тўғри бошқаришни таъминлайди. Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади.

Стратегическое планирование и контроль деятельности корпораций.

*Мирзасев А.Ф., Холмухамедова Ш.А.-
Тошкент Давлат техника университети.*

Одним из эффективных механизмов, помогающим обеспечить принятие управленческих решений, направленных на успешную работу корпорации, является стратегическое планирование, представляющее собой набор действий и решений, предпринимаемых руководством управляющей компании, чтобы помочь корпорации достичь своих целей. Стратегия представляет собой детальный всесторонний комплексный план, который должен разрабатываться с точки зрения перспективы всей корпорации, а не конкретных индивидов (например, основателей корпорации или отдельных бизнес-процессов).

Разработка стратегического плана, окончательный вариант которого должен обосновываться обширными исследованиями и фактическими данными, является сложнейшей проблемой. Чтобы эффективно функционировать в условиях жесткой конкуренции, корпорация должна постоянно заниматься сбором и анализом огромного количества информации об отрасли, рынке, конкуренции.

Стратегический план придает определенность и индивидуальность корпорации, что позволяет ей успешно вести конкурентную борьбу на рынке. Поэтому стратегические планы должны быть разработаны так, чтобы не только оставаться целостными в течение длительных периодов времени, но и быть достаточно гибкими, чтобы при необходимости можно было осуществить их модификацию и переориентацию. Общий стратегический план следует рассматривать как программу, в рамках которой осуществляется деятельность корпорации в течение заранее определенного периода времени. При этом необходимо знать, что конфликтная и

меняющаяся деловая и социальная обстановка делает постоянные корректировки стратегического плана неизбежными.

Современный темп увеличения знаний является настолько высоким, что стратегическое планирование представляется единственным способом формального прогнозирования будущих проблем и возможностей, и, следовательно, дает основу для принятия соответствующих управленческих решений. Кроме того, формальное планирование способствует снижению рисков при принятии управленческих решений, в том числе из-за рассмотрения ошибочной или недостоверной информации о возможностях корпорации или о внешней ситуации. Планирование, поскольку оно служит для формулирования целей, помогает участникам всех бизнес-процессов создать единую общую цель внутри корпорации.

Стратегическое планирование, как правило, включает четыре области управленческой деятельности:

- программу распределения ресурсов; способы адаптации к внешней среде; направления внутренней координации; организационное стратегическое предвидение.

Распределение ресурсов включает в себя распределение таких обычно ограниченных организационных ресурсов, как инвестиционные фонды, дефицитные управленческие кадры и технологический опыт.

Адаптация к внешней среде охватывает все действия стратегического характера, которые улучшают отношения корпорации с ее внешним окружением. Корпорациям необходимо адаптироваться к внешним как благоприятным возможностям, так и опасностям, выявлять соответствующие оптимальные варианты действий и обеспечить эффективное приспособление стратегии к окружающим условиям, прежде всего посредством разработки более совершенных производственных систем, путем взаимодействия с органами власти, создания благоприятного имиджа и т.д.

Внутренняя координация включает координацию стратегической деятельности для отображения сильных и слабых сторон корпорации с целью достижения эффективной интеграции внутренних действий составляющих ее бизнес-процессов. Обеспечение эффективных внутренних операций, больших или малых, является неотъемлемой частью управленческой деятельности корпорации.

Поиск организационных стратегий является основной целью организационного стратегического предвидения. В его рамках, помимо других организационных задач, решаются и задачи систематического развития мышления менеджеров путем создания такой организации обучения, при которой они могут учиться на ранее принятых стратегических решениях. Способность учиться на опыте дает возможность корпорации правильно скорректировать свое стратегическое направление и повысить профессионализм менеджеров в области стратегического управления.

Акционеры, как инвесторы, вложившие в корпорацию часть своих средств, стремятся осуществлять надзор за ее управлением. Но когда акционеров много, у каждого из них в отдельности нет возможностей уделять

надзору много времени и усилий, а поэтому деятельность корпорации может выйти из-под их контроля.

Все это делает актуальной проблему создания системы контроля деятельности корпорации. Мировая практика показывает, что для этого должны использоваться механизмы внешнего и внутреннего корпоративного контроля.

В основе механизма внешнего контроля лежат особенности взаимоотношений различных групп инвесторов внутри той или иной корпорации. Эти особенности определяются прежде всего тем, что держатели крупных пакетов не могут без существенных усилий освободиться от них, по крайней мере, это для них может означать чувствительные потери, так как в рамках рыночной экономики выброс крупного пакета акций на рынок сопровождается падением их курсовой стоимости.

В связи с этим крупные акционеры гораздо больше заинтересованы в эффективности деятельности корпорации. Малые же инвесторы могут выбрать между продажей акций и участием в системах внутреннего контроля корпорации путем голосования на общих собраниях акционеров. В то же время опасность массовой продажи акций является серьезным механизмом контроля над менеджерами, поскольку это значительно повышает издержки получения нового капитала.

Таким образом, естественным механизмом контроля эффективности той или иной корпорации может быть фондовый рынок, который путем слияний, поглощения, захвата и выкупа акций позволяет инвесторам фактически взять под контроль активы корпораций, способных приносить большую прибыль при условии смены управленческого состава. Способность рынка осуществлять функции контроля связана во многом с существованием строгих законодательных норм, обязывающих корпорации публиковать сведения о своем финансовом положении, что является источником определенной финансовой информации, способствующей проведению целенаправленного мониторинга и оценки деятельности корпораций.

Отсутствие сильного внешнего контроля может компенсироваться механизмом внутреннего контроля, основой которого является Совет директоров корпорации. В то же время эффективность его работы сильно зависит от того, кому принадлежат права собственности или кто контролирует их. При любой системе управления главная обязанность Совета директоров – обеспечение подотчетности менеджмента, а главное средство реализации этой обязанности – контроль и оценка его работы. В странах с устоявшимися рыночными отношениями для этого обычно устанавливаются точные и четко сформулированные процедуры оценки деятельности управленцев. Эти процедуры не фиксируются законодательно и не являются универсальными, а вводятся самими корпорациями и варьируются в зависимости от конкретных условий и потребностей.

Управление инвестиционным портфелем корпорации.

Саид-Джалалов Д., Хяшимова С. –
Тошкент Давлат техника университети.

С точки зрения управления инвестиционный портфель – это совокупность связанных и не связанных между собой элементов. К несвязанным элементам относятся инвестиционные ценности, происхождение которых не представляет собой связанных событий (например, золото и переподготовка кадров). Связанные элементы – это инвестиционные ценности, о которых можно сказать, что они происходят из одного источника (акции и облигации одного элемента, ценные государственные бумаги различных видов).

Управление портфелем представляет собой процесс реализации определенных связей между всеми его элементами. С этих позиций понятие управления портфелем можно описать следующим образом: управление портфелем – определение, установление, регулирование и развитие соотношений между элементами портфеля, обеспечивающих достижение поставленных перед портфелем целей.

На практике успешность управления портфелем зависит от того, насколько велики ресурсы, позволяющие достичь поставленной перед портфелем цели, и как они используются. Как следствие, возникает проблема оптимального размещения ограниченного объема ресурсов, являющаяся частью инвестиционной стратегии корпорации.

Управление является чрезвычайно сложным видом деятельности в любой области народного хозяйства республики. Управление инвестиционным портфелем в этом смысле – не исключение. Поскольку процесс формирования и последующей реструктуризации портфеля представляет не одномоментную, а растянутую во времени деятельность, то, по нашему мнению, управление портфелем представляет собой инвестиционный процесс. В этой связи принцип системности по отношению к управлению инвестиционным процессом, т.е. взгляд на него как на систему, вполне естественен. Отсюда вытекает возможность декомпозиции и структуризации процесса управления инвестиционным портфелем.

При рассмотрении или изучении любых процессов можно выделить ряд аспектов (подходов) к изучаемому явлению. Наиболее распространенные из них: функциональный, динамический, предметный.

Функциональный аспект отражает общий подход к проблеме управления и предполагает рассмотрение основных функций управления (видов управленческой деятельности).

Функции управления считаются центральным понятием: они выполняются на всех уровнях управленческой деятельности, в каждой фазе реализации проекта, для всех его процессов и управляемых объектов.

Анализ состояния портфеля осуществляется, если необходимо вмешательство в инвестиционный цикл. Анализируются все характеристики портфеля: степень материализации, отдаленность возврата вложенных

средств, степень риска, объем требуемых инвестиционных ресурсов, целевое использование.

Динамический подход к управлению портфелем предполагает рассмотрение основной деятельности по реализации инвестиционной стратегии как продолжительного процесса. Этот подход связан с логикой осуществления мероприятий в рамках управления инвестиционным портфелем. Эти процессы таковы: анализ проблемы, разработка концепции портфеля, базовое и детальное планирование, формирование портфеля, реструктуризация, ликвидация портфеля.

Следует отметить, что деятельность по осуществлению мероприятий в рамках инвестиционной стратегии реализуется на разных организационных уровнях и в различных подразделениях корпорации, поэтому она сама нуждается в управлении. В этом также проявляются свойства управления инвестиционным портфелем как системы.

Система управления реализацией стратегии – это процесс, который, как и сама реструктуризация портфеля, нуждается в руководстве. Следует подчеркнуть, что одним из факторов, определяющих успех управления портфелем, является использование системного подхода и специально разработанных методологий.

Обобщая сказанное о функциях управления, можно кратко резюмировать особенности их выполнения, которые должны обеспечить высокую эффективность при управлении портфелем:

- всеобъемлемость, то есть максимальный охват всех уровней и всех элементов процесса управления портфелем;
- непрерывность выполнения мероприятий на всех этапах управления инвестиционным портфелем.

Управление инновационно-техническим развитием производства как фактор его эффективности.

Шарипова Д.Н.- Солиқ ва божхона органлари академияси.

Эффективность деятельности организации во многом зависит от того, насколько она адаптирована к внешней среде, в какой мере гибки, подвижны ее структуры управления, как она способна к нововведениям.

В книге «Узбекистан по пути углубления экономических реформ» И. Каримов так оценил изменения структуры нашей экономики: «... если не будем внедрять современные, на мировом уровне методы организации управления производством, стимулировать развитие производства конкурентоспособной продукции и не найдем рынки ее сбыта, то мы не сможем обеспечить развитие нашего государства, не достигнем благополучия»¹.

Иначе говоря, необходимость инновационной деятельности – способности к нововведениям, выступает как императивное требование нашего времени. Как отмечает М. Крозье, «в современной конкурентной

¹ Каримов И. А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Т. Узбекистан. 1995 г.

среде борьба в первую очередь, идет не за обладание ресурсами, материальными ценностями, а за способность к нововведениям»².

Предметом нашего рассмотрения являются нововведения в промышленных предприятиях компании «Узсельхозмашхолдинг», т.е. целенаправленные изменения инновационно-технического характера в функционировании предприятий как системы, которые вносят в систему стабильные элементы, существенно преобразующие функции и характер управления ими.

На характер и направленность управления инновационно-техническим развитием производства влияют четыре основные группы факторов: информированность о нововведениях; внешняя подконтрольность; резервные ресурсы; организационная структура. Инновационная деятельность направлена на практическое использование научного, научно-технического результата и интеллектуального потенциала с целью получения нового или улучшения производимого продукта, способа его производства и удовлетворения потребностей общества в конкурентоспособных товарах, услугах, совершенствования социального обслуживания.

Инновации - залог успешного развития производства. Даже если предприятие постоянно модернизирует свои товары, рынки, на которых оно работает, оно может войти в стадию спада. Стремящимся к развитию предприятиям, время от времени приходится «высаживаться на новые территории». Кроме того инновации имеют решающее значение для поддержания или повышения уровня доходности. Под «прессом» конкурентной борьбы показатели рентабельности достаточно быстро начинают сокращаться. Модернизация продукта и расширение специализации позволяют поддерживать уровень прибыли, но действительно значительный доход приносят по-настоящему новаторские товары.

Это наглядно доказывает теория М. Портера, утверждающая что "конкурентное развитие страны происходит на основе факторов производства, инвестиций инноваций, и благосостояния (высший уровень развития). Страны, входящие в мировое технологическое ядро (США, Япония, Германия, Великобритания, Франция), в настоящее время развиваются преимущественно на основе активизации инновационной деятельности и занимают передовые позиции в мире по всем показателям развития экономики".¹

Каждая страна одновременно использует все источники развития. Конкурентоспособность и эффективность экономики определяются структурой источников. Если для функционирования и развития народного хозяйства страны, приобретения потребительских товаров используется в основном валюта от экспорта природных ресурсов, то уровень экономического развития такой страны будет низким.

Направление развития на основе инвестиций характеризуется вложением капитала не в повышение конкурентоспособности отдельных

¹ Крайне М. Социология организаций. М., Юристъ 2001 г.

отраслей страны, а в их простое воспроизводство. Вследствие этого растет удельный вес изношенных основных фондов, повышается их аварийность. Экономическая политика страны, ориентированная на международные кредиты имеет временный эффект.

Из вышесказанного следует вывод, что приоритет должен быть отдан не развитию стран на основе факторов производства и инвестиций, а развитию на основе активизации инновационной деятельности в области базовых наукоёмких отраслей народного хозяйства, являющихся двигателями развития экономики. Факторы производства и инвестиций являются средствами научно-обоснованной инновационной деятельности, а не её целью.

Главное внимание в управлении инновационной деятельностью компании должно уделяться выработке стратегии инновации и мер, направленных на её реализацию. Разработка и выпуск новых видов продукции сельхозмашиностроительной отрасли становится приоритетным направлением стратегии компании, так как определяет все остальные направления её развития. Осуществление управления инновационно-техническим развитием производства в целом должно предполагать:

- разработку планов и программ инновационной деятельности;
- наблюдение за ходом разработки новой продукции и её внедрением;
- рассмотрение проектов создания новых продуктов;
- проведение единой инновационной политики;
- координацию деятельности в этой области в производственных подразделениях;
- обеспечение финансами и материальными ресурсами программ инновационной деятельности;
- обеспечение квалифицированным персоналом инновационно-технического развития и управления производством;
- создание целевых групп для комплексного решения инновационных проблем от идеи до серийного производства.

Управление инновационно-техническим развитием производства имеет целью решать следующие основные задачи:

1. быстрая и чёткая адаптация производства к постоянно меняющимся условиям рынка;
2. внесение соответствующих коррективов в текущие и среднесрочные планы;
3. минимизация затрат в связи с изменением планов;
4. налаживание серийного производства продукции;
5. параллельная подготовка и организация сбыта;
6. внедрение нового товара на рынок;
7. закрепление на новых рынках путём постоянного совершенствования технологии, повышения конкурентоспособности продукта.

Проблемы анализа ценных бумаг и пути их решения в условиях совершенствования рынка ценных бумаг в Узбекистане

Исмаилов К., Абдураимов А Шамуратов А. –
Тошкент Молия институти

Во многих странах с развитой рыночной экономикой анализ рынка ценных бумаг является самостоятельной научной дисциплиной. Существует несколько школ анализа, применяющих различные подходы. Однако наиболее представительными являются фундаментальная школа анализа Грэхема и Дода и техническая школа. Сторонники школы фундаментального анализа строят свои исследования на тщательном изучении бухгалтерских балансов, финансовой отчетности, раскрываемой эмитентами ценных бумаг, а также параллельного анализа состояния рынков, на котором данная компания пытается утвердиться. Делается главный вывод - завышена или занижена цена акций компании по сравнению с их “внутренней” или “действительной” стоимостью. Целью такого анализа является выявление “недооцененных” рынком ценных бумаг.

Школа технического анализа строит свою теорию на утверждении о том, что в биржевых курсах уже отражены все те сведения, которые впоследствии публикуются в отчетах компании и становятся объектом, по существу, утратившего смысл фундаментального анализа. Главным объектом изучения сторонников данной школы является анализ спроса и предложения ценных бумаг, при этом строятся специальные модели движения цен. Таким образом, устанавливается общая тенденция на рынке и, исходя из этого, рекомендуется принятие того или иного решения.

В странах СНГ, в том числе и Узбекистане аналитиками рынка ценных бумаг чаще всего используются элементы фундаментального анализа. Цели его проведения самые разные. В ходе анализа финансового положения предприятия изучается динамика уровня платежеспособности, ликвидности, деловой и рыночной активности. В рамках осуществления фундаментального анализа большое значение имеет проведение финансового анализа предприятия. Этот анализ проводится по различным методикам, каждая из которых имеет свои позитивные стороны и недостатки.

Существует методика, используемая в компьютерной программе *Analitic plus*, разработанная компанией “Рейтинг-финанс”.

Опыт неправительственного агентства “Консаудитинформ” свидетельствует о том, что для выяснения общего финансового положения предприятия достаточно определить по “главным” коэффициентам, после чего становится ясно: привлекательно ли, с инвестиционной точки зрения, данное предприятие или нет. В этих целях, например, агентство “Консаудитинформ” при осуществлении финансового анализа акционерных обществ использует собственную систему, состоящую из 25 показателей, которая наиболее полно отражает состояние предприятия в динамике за тот или иной период.

Также анализ проводит и Республиканская фондовая биржа “Ташкент”, где особую роль играет экспертная комиссия, при осуществлении экспертной оценки акций и в определении возможности их допуска к котировке на биржевых торгах. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности акционерного общества осуществлялся на основе 50 показателей, куда включались общеэкономические показатели, показатели ликвидности баланса, коэффициенты ликвидности, показатели финансовой устойчивости, финансовые коэффициенты, показатели управления активами, показатели рентабельности и эффективности управления акционерным обществом.

Создание национальной системы финансовой отчётности, адаптированной к международным стандартам будет играть важную роль в деле интеграции отечественного рынка ценных бумаг в международный. Ускорение работы по внедрению у нас новых стандартов бухгалтерского учёта со стороны министерства финансов позволит применить принципиально новые методики оценки финансового состояния эмитента при фундаментальном анализе.

Солиқларнинг иқтисодий моҳияти.

Сағторкулов О.Т., Қудратов З.Ғ. *Гулистон Давлат университетини.*

Иқтисодиётнинг давлат томонидан солиқлар воситасида тартибга солиниши - бу давлат бюджетини шакллантириш, жамиятда у ёки бу жараённинг ривожланишига таъсир этиш усули ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқдир, чунки солиқ тушимлари – бу давлат иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаидир.

Давлатга мажбурий тўловлар жамият ривожланишининг иқтисодий ва ижтимоий шароитларидан келиб чиқиб турли даврларда турлича номлар билан аталган.

Солиқлар ҳақида қарашлар асрлар давомида ўзгариб борган. Солиққа тортиш назариясининг ривожланиб бориши натижасида “солиқ” термини тўғрисидаги қарашлар хилма-хиллигига деярли барҳам берилди. Олимлар ва жамоат арбоблари доимо солиқ тушунчасига нафақат иқтисодий, балки юридик нуқтаи назардан таъриф беришга ҳаракат қилишган. Масалан, А.Смит “Солиқ – давлат томонидан қонуний тартибда ҳажми ва тўлаш тартиби белгиланган ҳолда юкланадиган мажбуриятдир” деб таъриф берган.

Солиқлар ҳақидаги замонавий таърифлар биринчидан, солиқларнинг мажбурийлик характерига, иккинчидан солиқлар ва фуқоролар манфаатлари ўртасида бевосита боғлиқлик йўқлигига тўхталиб ўтади.

Солиқлар – бюджетга давлат томонидан қонун билан белгилаб қўйилган, бир томонлама мажбурий, қайтарилмаслик характерига эга бўлган муайян ҳажмдаги пул тўловидир.

Солиқларнинг иқтисодий мазмуни шундаки, уларда хўжалик субъектлари, фуқоролардан даромадларининг муайян ҳажмини улуш сифатида олиш бўйича ишлаб чиқариш муносабатларининг бир қисми акс

этади ва бу улуш давлат томонидан ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун жамғариб борилади.

Солиқлар эса мажбурий характерга эга умумий асосда ундирилади. Бироқ айрим мажбурий тўлов ва йиғимлар мавжудки, улар ҳам худди солиқлардек умумий характерга эга ва доимий асосда ундирилади.

Давлат миқёсида ундириладиган солиқ турлари, уларнинг шакл ва усуллари - давлат солиқ тизимини шакллантиради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аграр соҳани молиялаштириш механизмининг назарий масалалари

Гадайшаев М.А. - Термез Давлат университети

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш ва шу орқали аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириб бориш ҳозирги босқичда иқтисодиётнинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу муаммони ўз навбатида қишлоқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказмасдан ҳал қилиш мумкин эмаски, у бутун иқтисодий, шу жумладан молия – кредит механизмини тубдан қайта қуришни, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва фойдани максималлаштиришни рағбатлантириш учун янги иқтисодий, хусусан молиявий муносабатларнинг шакллантиришни объектив равишда тақозо қилиб қўяди.

Бозор иқтисодиёти шароитида агробизнес дунёси чексиз хилма-хиллик касб этиб, ишлаб чиқариш, савдо, молия, турли хизматлар кўрсатиш каби соҳаларни қамраб олади. Уларнинг ўзларини ҳуқуқий мавқеи ўзининг ташкилий ва таркибий тузилмалари билан сезиларли фарқ қилади. Бунда аграр соҳа учун ишлаб чиқаришни оқилона бошқаришнинг иқтисодий асосини аниқлаш, яъни қилинган сарф-харажатларни қоплаш ва фойда олишни таъминлашга лаёқатли асосланган бозор қийматларини шакллантириш учун барча ресурслардан режали фойдаланиш долзарб бўлиб қолди.

Давлатнинг молиявий сиёсати объектив иқтисодий қонунлар талабига асосланади ва давлат томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳар бир босқичида илгари сурилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилади. Молиявий муносабатлар корхоналар хўжалик фаолиятининг турли томонлари билан ўзаро боғлиқликда мавжуд бўлади. Агросаноат интеграциясининг ривожланиши ва бозор муносабатларининг қарор топиши шароитида нафақат ишлаб чиқариш муносабатлари, балки молиявий механизм характерида чуқур ўзгаришлар рўй беради.

Корхоналарнинг ўз молиявий маблағлари ёрдамида такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун ишлаб чиқариш, ижтимоий ҳамда шахсий эҳтиёжларни қондириш мақсадларида фойдаланиладиган мақсадли пул фондлари шаклланади. Бу молиявий маблағлар бутун жамият молиявий тизимининг бошланғич асоси ҳисобланади. Жумладан, банкдан турли хил муддатли кредитлар олиш на уларни қайтариш, кредиторлик қарзларни тўлаш, пулдан шахсий истеъмолни қондириш мақсадларида фойдаланишда юзага келадиган муносабатлар шулар жумласидандир.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнларида молиялаштириш механизми ўз ичига молиявий ресурсларнинг вужудга келиш манбаларини ҳам қамраб олади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

- корхоналарнинг ўз маблағлари – фойдаси, турли мақсадлардаги пул жамғармалари ва амортизация ажратмалари;
- жалб қилинган маблағлар – акция ва облигациялар чиқариш ҳамда жойлаштириш орқали олинадиган маблағлар ўз тасарруфидаги қимматли қоғозларга олинадиган дивидент ва фоиз суммалари;
- банк кредитлари – турли хил муддатли;
- бюджет маблағлари – давлат бюджетидан амалга ошириладиган инвестициялар, бериладиган субсидия ва дотациялар;
- суғурта фондлари – ижтимоий, мол – мулк ва шахсий суғурта маблағлари;
- турли хил фондлар-ижтимоий уюшмалар ва ташкилотлар маблағлари;
- хусусийлаштириш – мол – мулкни ижарага бериш ва тугатишдан олинадиган маблағлар;
- чет эл инвестициялари ва кредитлари (халқаро ва регионал ташкилот маблағлари билан бирга).

Тармоқ хусусиятидан қатъий назар, молиялаштириш механизми молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларни тақсимлаш (йўналтириш) усулларини ҳам қамраб олади.

Генеральный бюджет производственного предприятия в системе управленческого учета

Хасанов Б.А. - Тошкент молия институти

В управленческом учете бюджетирование делится на две части: текущее (краткосрочное) и перспективное (обычно более одного года). Бюджет (или смета)- это финансовый документ, который прогнозирует будущие финансовые операции предприятия.

Бюджет конкретизирует в цифрах проекты управляющих, что приводит как в стратегическом, так в тактическом плане к содействию четко и целенаправленной деятельности предприятия; имеет характер координации деятельности различных подразделений с целью достижения конечных финансовых результатов; является критерием оценки выполнения плана центрами ответственности и руководителями подразделений.

В целях объединения и стимулирования сметы и планов различных подразделений (частных бюджетов) составляется генеральный бюджет, который предполагает охватить общую деятельность предприятия. Составными частями генерального бюджета по форме являются:

- Прогнозируемый (пробный) баланс;
- План финансовых результатов;
- Прогноз движения денежных средств.

Генеральный бюджет подразделяется на:

а) операционный бюджет, состоящий из плана финансовых результатов, который в дальнейшем разбивается (детализируется) во вспомогательных планах, (частных сметах) где отражаются статьи доходов и расходов предприятия;

б) финансовый бюджет, состоящий из пробного баланса, прогноза движения денежных средств и бюджета капитальных вложений.

Процедура составления генерального бюджета заключается в разработке операционного и финансового бюджетов. Этапами составления операционного бюджета являются:

1. Разработка бюджета продаж.
2. Разработка бюджета производства.
3. Разработка бюджета затрат материалов и бюджета закупок материалов в количественных измерителях.
4. Разработка бюджета прямых трудовых затрат.
5. Разработка бюджета накладных расходов.
6. Разработка бюджета запасов готовой продукции на конец отчетного периода в количественном и стоимостном измерителях.
7. Разработка бюджета себестоимости реализованной продукции.
8. Разработка бюджета расходов периода.
9. Разработка бюджета финансовых результатов.

На наш взгляд, этапы составления финансового бюджета должны охватить следующие шаги:

1. Разработка бюджета денежных средств.
2. Разработка бюджета капитальных вложений (инвестиционный бюджет).
3. Разработка прогнозируемого баланса предприятия.
4. Расчет прогнозных коэффициентов финансового состояния и анализ отчета об изменениях финансового состояния.

Республикамизда амалга оширилайтган иқтисодий ислохотлар учинчи босқичининг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари

Ақромов Т. - Солиқ ва боғхона органлари академияси, и ф д, проф.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг биринчи босқичида ўз халқининг миллий кадриятлари, анъаналари ва маънавиятига мос келадиган дастлабки ютуқларни қўлга киритди. Ҳозирда республика жамиятни ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичига изчил суръатда қадам қўйди. Учинчи босқич – бизнинг бош стратегиямиздан келиб чиқадиган тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олға томон илгарилаб бориш давридир. Бу янада чуқур таркибий ва ташкилий ўзгаришлар, етук бозор муносабатларини ва ишлаб чиқариш воситаларининг ҳуқуқий мулкдорлари қатламини шакллантириш давридир. Учинчи босқичда асосий ва биринчи навбатдаги вазифа давлат мулкчини хусусийлаштиришни ниҳоясига етказиш бўлса, иккинчи асосий вазифа ишлаб чиқаришда макроиқтисодий, барқарорликни таъминлаш, молиявий барқарорликка эришиш ва учинчи

вазифа–миллий валютани мустақкамлаш, тўртинчи вазифа–иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш ва маҳсулот сифатини жаҳон андозалари талабига мос келадиган ҳолда яхшилашдан иборатдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври учинчи босқичининг устувор вазифаси бўлиб, давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Рақобатчилик муҳити фақат мулк ўз эгаларига топширилгандагина ва турли мулк шаклларига асосланган ишлаб чиқарувчилар ўртасида арзон иш кучи, хом ашё, бозор, товарлар сифати учун беллашув бўлсагина вужудга келади. Хусусийлаштириш фақат мулкчилик шакллариини ўзгартирибгина қолмай, балки тор ихтисослашган тармоқ монополия тузилмаларига ҳам барҳам беради. Бунинг учун ҳамма шароитлар яратилади.

Хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш кучаяди.

Хусусийлаштиришни марказдан умумреспублика даражасида иқтисодий районларга кўчириш ишлари амалга оширилади. Йирик, ўрта корхоналарни ҳиссадорлик жамиятига айлантириш, очик ҳиссадорлик жамиятлари тузиш хусусийлаштиришнинг асосий йўналиши бўлади. Ҳиссадорлик жамиятига ўтиш очик типда бўлгани учун ҳамма аҳоли, шу жумладан, чет эл фуқаролари ҳам унда қатнашишлари мумкин. Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш ишлари давлат инвестициясидан кенг қўламда фойдаланиш орқали амалга оширилади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида олинган даромад янги хусусийлаштирилган корхоналарнинг моддий–техника базасини янгилаш учун сарфланади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи босқичида макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш – ҳозирги даврнинг устувор вазифасидир. Бунинг учун пулнинг қадрсизланишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни таъминлаш лозим. Барқарорлаштириш сиёсати – бу макроиқтисодиёт мувозанатини сақлаб, ишлаб чиқариш даражасининг ўсиши ва ишсизликнинг камайишига эришишдир.

Солиқ тизими такомиллаштирилади. У иқтисодиётнинг барқарорлигини ва давлат молиявий аҳволини мустақкамланишини таъминлайди. Бундай тизим ишлаб чиқариш жараёнини рағбатлантиришни таъминлаши керак. Янги солиқ сиёсати доирасида солиқ тушумлари таркиби тубдан ўзгаради. Ресурслардан, мол-мулклардан олинадиган солиқлар аҳамияти оширилади. Жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизими жорий этилади. Давлат бюджет даромадларининг асосий қисмини маҳаллий бюджетларга бериб пул кредитлари беришни такомиллаштирилади. Айниқса, миллий валюта қадрини оширишга катта эътибор берилади. Чунки “Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Миллий валютани мустақкамлаш етарли товар ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ. Валютанинг барқарорлиги – унинг муомала учун зарур ва етарли миқдорда чиқарилишидир.”

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги, яъни учинчи босқичида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида чуқур ўзгаришларга эришиш ва етакчи тармоқларни ривожлантириш лозим.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишида бўладиган чуқур ўзгаришлар куйидаги энг асосий вазифаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир:

- четдан маҳсулотларни камроқ келтириш, ички тармоқларни ривожлантириш ҳисобига республика иқтисодий мустақиллигини кучайтириш;

- ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига аҳоли истеъмол талабини қондириш;

- ишлаб чиқаришни бир томонлама ривожланишига барҳам бериш;
- ташқи давлатларга тайёр маҳсулотлар чиқаришни кўпайтириш валюта тушумини кўпайтириб, иқтисодиётни мустаҳкамлашни таъминлаш;

- меҳнат ресурсларидан унумли ва режали фойдаланишни таъминлаш;

- тармоқлар ва иқтисодий регионлар, районлар ўртасидаги номуносибликни тугатишни таъминлаш.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг учинчи босқичида кучли ижтимоий кафолатни таъминлаш демократик давлатни қарор топишининг асосий шартидир. Бу вазифаларни ҳал этиш республикада аҳолини иш билан банд этиш, ижтимоий, маданий хизмат кўрсатиш муассасаларини ривожлантиришни, ишдан ортиқча бўлган ходимларнинг малакасини қайта ошириш, иккинчи мутахассисликни бериш, вақтинча иш билан таъминланмаган, аммо ишга лаёқатли аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ишларини олиб боришни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг учинчи босқичидан кўзланган мақсад республикада кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтиришдир.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиясини ташкил қилиш хусусиятлари

Нурмухамедов Р., Каримова Э. - *Солиқ ва божхона органлари академияси, Тошкент молия институти.*

Қишлоқ хўжалик корхоналари молиясини ташкил қилиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги - халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлиб, саноат учун хом ашё ва аҳоли учун озиқ-овқат каби ғоят зарур бўлган маҳсулотларни яратиб беради. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотни ишлаб чиқариш, ер ва бошқа табиат бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, бу эса қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти хусусиятларини, унинг халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан жиддий фарқланишини келтириб чиқаради.

Қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ер ҳисобланар экан, амортизацияланмайди ва шунга кўра маҳсулот таннархи шаклланишида

иштирок этмайди. Айни пайтда, унинг табиий унумдорлик даражаси ва жойлашган ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг дифференциал даромад (рента) олишини таъминлайди.

Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари, бу жамоа-ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларидир.

Ҳозирги даврда 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида қишлоқдаги меҳнат жамоалари билан келишилган ҳолда хўжалик юриштирининг замонавий шакли – жамоа-ширкат ва хусусий кўринишдаги хўжаликларни шакллантириш жараёни бормоқда. Жамоа-ширкат хўжаликлари молиясини ташкил қилиш, ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ва умуман халқ хўжалиги тармоқларидаги каби методологик (услубий) тамойилларга асосланади. Бунинг сабаби шундаки, ширкат хўжаликлари ягона бозор иқтисодиёти тизимининг таркибий қисмини ташкил қилади ва уларнинг хўжалик - ишлаб чиқариш ривожланиши халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги корхоналар ривожланишини тартибга солинадиган ижтимоий-иқтисодий қонунлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг асосий хусусиятларидан бири республика йирик қишлоқ хўжалик кооперациялари-жамоа хўжаликлар, ширкат хўжаликлари сақлаб қолинди. Лекин, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда уларни салмоғи фермер ва деҳқон хўжаликларини юқори суръатларда ривожлантириш натижасида йилдан йилга камайиб бормоқда. Мулк шакллари ҳамда хўжалик категориялари бўйича Республика қишлоқ хўжалигида тубдан таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида ислохотларни олиб бориши натижасида 1200 дан ортиқ давлат чорвачилик фермалари фермер ва хусусий хўжаликларга, 1093 давлат қишлоқ хўжалик корхоналари – совхозлардан 1077 таси хусусийлаштирилиб жамоа ва фермер хўжаликларига айлантилди.

Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда давлат мулкани салмоғи 1991-2001 йилларда 34 фоиздан 1 фоизгача қисқартирилди, нодавлат мулкларининг салмоғи эса шу даврда 66 фоиздан 99 фоизгача кўтарилди. Нодавлат мулкларининг таркибида жамоа мулкнинг салмоғи 36 фоиздан 33 фоизга камайди, хусусий мулкнинг салмоғи 30 фоиздан 63 фоизга кўтарилди.

Хўжалик категориялари бўйича қишлоқ хўжалик корхоналарининг ва ширкатларнинг салмоғи 67 фоиздан 29 фоизгача қисқартирилди, деҳқон хўжаликларининг салмоғи 30 фоиздан 66 фоизга ошди, фермер хўжаликларининг салмоғи 2001 йилга келиб 5 фоизга етди.

Фермер хўжаликлари молияси ҳозирги пайтда ташкил топиш босқичида. Фермернинг асосий бойлиги - ер участкаси, ундаги дарахтлар, уй-жой ва хўжалик бинолари, мелиоратив, сўғориш ва бошқа иншоотлар, маҳсулдор ва иш ҳайвонлари, техника ва жиҳозлар, транспорт, асбоб-ускуналар ва қишлоқ хўжалиги фаолияти учун зарур бўлган бошқа воситалар

киради. Янгидан ташкил қилинаёткан фермер хўжалигида бу бойликнинг асосий манбаи қайта ташкил қилинадиган собиқ колхоз томонидан ажратиб бериладиган мулк пайи ҳисобланади.

Фермер хўжалиklarининг ташкил топиши ва ривожланишини молиялашнинг муҳим манбаи тижорат банклари ва банк тизимига қирмайдиган муқобил муассаса-кредит кооперативлари томонидан бериладиган кредитлардир.

Бу муассасалар фермер билан ишлашни банкда ҳисоб рақами (ҳисобварақ) очиш тўғрисидаги масалани кўришдан бошлайди. Мавжуд тартибга кўра, бунинг учун фермер маҳаллий ҳокимият органларида рўйхатдан ўтиши ва ер олиши керак. Сўнгра ҳокимликка фермер ва деҳқон хўжалиklари уюшмаси банкка кафил бўлиши учун талабнома берилади. Агар ҳокимлик ва кафолат бермаса, банк қарз олувчи учун кафил бўлган ташкилот кафолати билан ёки гаровга қўйилган мулк суммасида кредит бериши мумкин.

Ўзбекистонда бозор инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятлари

Юлдашев Э.Х. - *Ўзбекистон миллий университети.*

Бозор муносабатлари шаклланишининг муҳим масалаларидан бири, бозор инфратузилмаси муассасаларини ташкил қилишдир. Бозор иқтисодиёти миллионлаб ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигининг энг мураккаб механизмидир. Бозор инфратузилмаси - бу иқтисодий - ҳуқуқий муассасалар (институтлар) тизими бўлиб, бозор механизмнинг узлуксиз ишлаш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, вақт ҳамда минтақа нуқтаи назаридан товар ва капиталлар оқимлари ҳаракатини ташкил этиш, уларни тақсимлаш йўли билан хизмат қилади. Ўтиш даври иқтисодиётида турли (товарлар, меҳнат, капитал) бозорларнинг шаклланиш жараёнида аста - секин тегишли муассасалар: товар биржалари ва меҳнат биржалари, ишга жойлаштириш ва кадрларни қайта тайёрлаш бўйича ҳар хил турдаги бюролар, фонд ва валюта биржалари вужудга келади, сифат жиҳатидан янги банк тизими яратилади.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишида бозор инфратузилмаси муассасаларининг шаклланиши бир қатор хусусиятларга эга. Биринчидан, улардан кўпчилиги янгидан, «бўш» жойда ташкил топади. Масалан, режали иқтисодиёт даврида товар, фонд ва валюта биржалари йўқ эди. Иккинчидан, уларнинг ташкил топиши бозорнинг эҳтиёжларига мос бўлмаган миқдорда содир бўлди. Масалан, Ўзбекистонда 37та тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Банкларнинг ярмидан кўпи кичик, ғарб банклари билан рақобатлашишга қодир эмас. Учинчидан, дастлаб уларнинг барчаси ҳам ўзларига хос бўлган вазифаларни бажара олмай келдилар. Бу, хусусан, товар биржаларига тегишли бўлиб, улар оммавий хом-ашё ва озиқ-овқат товарлари бўйича савдони ташкил этиш билан шуғулланиши лозим бўлди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг биринчи ва иккинчи босқичларида институционал ўзгаришлар қилиш асосида бозор

инфратузилмаси асосан шаклланди. Икки поғонали банк тизими, товар хом апбеси, қимматли қоғозлар, меҳнат биржалари тузилмалари, турли консалтинг, аудитор, тижорат-воситачи тузилмалар фаолият кўрсата бошлади.

Маълумки, инфратузилмани ривожлантиришда давлатнинг тутган ўрни катта бўлади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишда давлатни бош ислохотчи деб эълон қилиши республикамызда инфратузилманинг ривожланишига замин яратиб берди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига эволюцион йўл билан яъни, босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаган. Президент И.А.Каримов асарларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» ва унинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган. Мана ўн бир йилдан ортиқ давр мобайнида мамлакатимизда бозор иқтисодиётини шакллантириш туб иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш воситасида амалга оширилмоқда. Жумладан, бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий бўғини ҳисобланмиш банк-молия тизими ҳам ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш орқали шаклланиб, такомиллашиб бормоқда. У ёш давлатимизнинг иқтисодий тизимини мустақамлашга, иқтисодий мустақилликка эришишга ҳамда миллий валютанинг муомаласига ва ички алмашинуви барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Банк-молия тизими инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва унинг негизда иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда жаҳон иқтисодий тизимига кенг миқёсда қўшилиш, унда ўз мавқеларини мустақамлаш учун хизмат қилади, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида янада такомиллашиб самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўйинтириш ва уларни сифатини яхшилаш - долзарб масала

Шадманкулов А.Ш. , Шадманкулов А.А. - *Тошкент солиқ коллежи ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.*

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнғ маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тизимига ўтишни мақсад қилиб қўйди. Яъни, хўжаликни бошқаришда асосий механизм сифатида талаб ва тақлиф қонунлари юзага чиқа бошлади. Бозор иқтисодиёти тизимининг асоси бўлиб хизмат қиладиган талаб ва тақлиф қонунини тўлалигича Ўзбекистон иқтисодиётига қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Бунга бир қанча сабаблар мавжуд: мулкни асосий қисми давлат тасарруфидалиги, хусусий мулкни мавжуд бўлмаганлиги, режали иқтисодиётга мослашганлиги, аҳолининг аксарият қисми кам даромадлилиги ва бошқалар. Ана шу сабабларни бартараф этиш мақсадида иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор мавжуд объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга қаратилди. Хусусийлаштириш натижасида тадбиркорларга керакли бўлган бинолар, жиҳозлар, иншоотлар, асбоб ускуналар, тадбиркорлик фаолиятини юритишга

учун зарур бўладиган бошқа асосий воситалар сотилди. Ушбу босқич амалга оширилиши натижасида тадбиркорлар ўз фаолиятларини турли соҳаларда ташкил қилишди ва ўз навбатида ишсизлик муаммоси, камдаромадлилик муаммоси каби долзарб муаммоларни ечишда муносиб ҳисса қўшишмоқда. Ҳозирда республикамизда тадбиркорлик фаолияти кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Бунинг билан республикамизда корхоналар сонининг ўсиши, улардаги товар айланмасининг ўсиши каби кўрсаткичларда кўришимиз мумкин. Лекин, бу кўрсаткичлар бизни режаларимизни қониқтиради деб айта олмаймиз. Чунки бозоримизда маҳаллий маҳсулотлар ханузгача муносиб ўрин топмаган дейишимиз мумкин. Ички бозорларимизда асосан, импорт маҳсулотлари ўрин олган, уларни давлат стандартларига мувофиқлиги ёки нархлари маҳаллий маҳсулотларга нисбатан арзонлиги сабабли бозорларимиздан ўрин эгаллаган деб бўлмайди. Сифат жиҳатидан ҳам айрим импорт товарлари давлат стандартларига мос келмайди. Бу товарларга рақобат қила оладиган товарлар маҳаллий корхоналарда кам ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий корхоналарда сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўғри ва етарли даражада йўлга қўйилмаган. Аксарият маҳсулот турларини катта миқдорда импорт қилиниши мавжуд валюта заҳираларининг камайишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, импорт қилинаётган товарларнинг аксарияти тегишли сифат текширувларисиз, давлат рўйхатидан ўтмасдан айланма ёки бошқа йўллар билан бозорларимизга кириб келмоқда. 2002 йил август ойида солиқ ва божхона органлари ходимлари томонидан мамлакатимиз бозорларида ўтказилган текширувлардан аниқландики, қатор ҳолатларда чет эл товарларининг махсус мувофиқлик сертификатисиз сотилаётганлик фактлари. Ўзбекистонда бозорларни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва маҳаллий товарлар савдосини кенгайтириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил август ойида «Истеъмол бозорларида нақд пул маблағлари айланишини ҳисобга олишни такомиллаштириш ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш» тўғрисида чиқарган қарори ҳам бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ва маҳаллий тадбиркорларга кенг йўл очилди. Ҳозиргача маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш чора-тадбирлари фақатгина давлат томонидан амалга оширилмоқда. Ваҳоланки, бу масалалар бўйича ислохотларни амалга оширишда корхоналар ва маҳаллий халқни ҳам таъсири катта бўлиши лозим. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон бозорларини маҳаллий маҳсулотлар билан тўйинтириш ва сифатини оширишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- Маҳаллий тадбиркорларга замонавий ишлаб чиқариш воситалари ва инфор­мацион технологиялар билан таъминловчи консалтинг, моддий-услубий ёрдам берувчи муассасалар фаолиятини эркинлаштириш лозим.
- Ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларига молия муассасалари томонидан кредитларни

тақсимлашда имтиёзлар бериш ва лойиҳаларни инвестициялашда уларга давлат товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ёрдам беришлари лозим.

- Ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари раҳбарларининг малака оширишларини ташкил қилиш ва тажриба алмаштириш учун чет элларга ташрифлар уюштириш.
- Назорат органлари томонидан савдодаги маҳсулотларнинг сифат мувофиқлик сертификати мавжудлигини мунтазам текшириб бориш.

Молиявий ҳисоботларни очиб бериш

Қурбонбоев Ж.Э. - Тошкент молия институти

Тушунтириш хатлари молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми бўлиб, улар ташқи аудиторлар томонидан текширилади. Улар молиявий ҳисоботнинг асосий матнига қўшилган ёки қўшилмаган корхона фаолиятининг турли жиҳатлари тўғрисида кенг тушунтириш бериб, бу ҳолат ҳисоботдан фойдаланувчиларга унда акс эттирилган рақамларни тушуниш учун жуда қўл келади.

Молиявий ҳисоботда бўлиши лозим ҳисобланган биринчи тушунтириш матни *ҳисоб сиёсатини* умумий тарзда очиб беришга қаратилган бўлади. Молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган усулларни билиш, уларда акс эттирилган рақамларни яхшироқ тушуниш имконини беради. Масалан, корхона ўз ТМЗларини баҳолашда FIFO усулини ўрнига LIFO усулини қўллаётганлигини билиш ҳам ТМЗ қийматини, ҳам сотилган маҳсулот таннархини изоҳлаш имконини беради.

Турли компаниялар бухгалтерия ҳисобида ўз хўжалик алоқаларини турлича акс эттиришлари мумкин. Шунинг учун молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммаларни тўғри изоҳлай олиши учун ҳисобот сиёсатининг барча томонлари кенг ёритилиши лозим. Молиявий ҳисоботни очиб бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. *Тафсилотларини тақдим этиш* – агар моддалар молиявий ҳисоботнинг олд қисмига киритилган бўлса, ҳисоботнинг тушунарлилигини пасайтирадиган чалкашлик келиб чиқиши мумкин. Шундай қилиб, олиннадиган счётлар, ТМЗ, асосий воситалар, қарз мажбуриятлари, акционерлик капиталига нисбатан тафсилотлар кўпинча тушунтириш хатларида очиб бериллади.

2. *Хўжалик муомалаларини тушунтириш* – йил давомидаги асосий кириш ва чиқимлар табиатини тушунтириш хатларида очиб берилиши керак. Акциядорлик ёки бошқа турдаги капитал ишлатилганлиги ҳақида хўжалик муомалалари ҳам очиб берилиши шарт.

3. *Акс эттириладиган моддаларни тушунтириш* – баъзи шартномалар ёки иш битимлари гарчи корхона молиявий ҳолатини ва операциялар натижаларини тушунишда муҳим ҳисоблансалар ҳам, молиявий ҳисоботларда акс эттирилмайдилар. Улар тушунтириш хатларида акс эттириладилар. Келажакда сотиш ёки сотиб олиш бўйича қайд қилинган

шартномалар ва мажбуриятлар бунга мисол бўлиши мумкин. Молиявий йилнинг охири на молиявий ҳисоботни тақдим этиш санаси орасидаги даврда содир бўлган ҳодисалар, кейинги ҳодисалар сифатида очиб берилиши керак. Кейинги ҳодисалар бухгалтерия балансига таъсир этишлари ва уни тузатишни талаб қилиши мумкин.

4. *Янги маълумотларни тақдим этиш* - кўпинча маълумотлар молиявий ҳисоботнинг асосий қисмига сигмай қолади, аммо у хулоса чиқариш учун муҳим ҳисобланади. Масалан, қарз мажбуриятларни кўшимча таъминлаш сифатида қўйилган активлар боғлиқ томонлар билан муомалалар, келгуси беш йил ичида асосий суммани тўлаш таҳлилини ўз ичига олган қарз мажбуриятларининг тафсилотлари, қарз мажбуриятлари ва шунингдек инвестициялар бўйича фоиз ставкаларининг тафсилотлари, сармояларнинг ҳақиқий бозордаги баҳосини очиб бериш ва ҳоказолар.

5. *Бошқа тушунтириш хатлари* - юқорида айтиб ўтилганлар тўлиқ рўйхат ҳисобланмайди, тушунтириш хатлари бундан ташқари майдалаштирилган ва мураккаб битимларни, кафолатларни, мажбуриятларни ва фойдаланувчига молиявий ҳисоботни тўлиқ тушунишига ёрдам берадиган ҳар қандай моддаларни тушунтириб беришлари шарт.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни очиб беришдаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда даромад ва харажат моддаларини батафсил акс эттириб бўлмайди. Тушунарли ва ифодали ҳисоботларни тузишда кўмакчи режаларни тайёрлаш ёрдам бериши мумкин, чунки уларда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот моддалари батафсил акс эттирилади. Бунга умумий ва маъмурий харажатлар режаси мисол бўлиб хизмат қилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот моддаси бўйича режага таяниш керак, режада эса умумлаштирилган модданинг тушунтирилиши берилган.

Бухгалтерия балансини очиб бериш, биринчи навбатда, счётлар на пул суммаларини акс эттириш билан боғлиқ бўлганидан кейин, улар билан муҳим молиявий маълумотларни етқизса бўлади. Масалан, агар ТМЗ сўзига қавсни ичида («энг кам нарх бўйича ёки бозор нархи») иборасини қўшсак, бу яхши очиб бериш ҳисобланади. Бунга ўхшаган қавс ичидаги гаплар кўп ишлатилади ва тушунишга ёрдам беради. Жамғарилган амортизация ёки шубҳали счётлар заҳирасига ўхшаган контрсчётлар кўпинча алоҳида сатрда асосий счётлар тагида белгиланади; бунинг маъноси улар асосий счётлардан айириб ташланадилар.

Роль миграции в обеспечении занятости рабочей силы.

Тагаев Б.Э. - Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.

Экспорт рабочей силы является одним из самых рентабельных видов внешнеэкономической деятельности стран.

В нашей республике, где ежегодный прирост рабочей силы составляет 210-220 тыс. человек, обеспечение ее занятости является одной из важных социальных проблем. Миграция рабочей силы - один из самых действенных и результативных путей решения этой проблемы.

Миграция становится одним из требований общенационального прогресса любой страны, а также гармонизации ее хозяйственных связей с мировым сообществом.

По сведениям Международной Организации Труда (МОТ) около 120 млн. людей живут и трудятся за границей¹. По оценкам экспертов МОТ, каждый рабочий-мигрант ежегодно ввозит в свою страну в среднем от 2 до 10 тыс. дол. США. Насколько эффективен экспорт рабочей силы показывает тот факт, что по данным Международного валютного фонда (МВФ), 52 страны получают прибыль из этой сферы. В конкретных цифрах это выглядит достаточно внушительно: в период 1986-1999 гг. 37 стран по статье «переводы работающих за рубежом» получали сумму, превышающую 100 млн. долларов.

Отношение ВВП на человека в США и Мексике составляет 6 к 1, а между Германией и Польшей оно составляет 11 к 1. Практически все страны, в которые иммигрируют более 25 тыс. человек в год, являются высокоразвитыми государствами с ВНП на душу населения более 6900 дол. США.

У Узбекистана также появились новые возможности эффективного использования трудовых ресурсов, возникли условия для отправки молодой и квалифицированной рабочей силы на мировой рынок труда, выезда на работу за рубеж. Наряду с развитием международных торговых и финансово-кредитных отношений государство ищет пути расширения своего участия в международной миграции рабочей силы, рассматривая это как одну из основных сфер внешнеэкономической деятельности.

Экспорт рабочей силы позволит снизить уровень безработицы; приведет к экономии на затратах по подготовке и переподготовке персонала; облегчит проведение структурной и технологической перестройки производства; обеспечит дополнительный приток в страну иностранной валюты.

Принимая все это во внимание, в настоящее время государством изучается возможность отправки граждан Узбекистана на работу в развитые страны, где существует потребность в рабочей силе.

Но для полноценного вхождения Узбекистана в мировой рынок труда и укрепления его конкурентоспособности необходимо разработать государственную политику по внешней трудовой миграции, что требует правового и организационно-экономического исполнения.

Активному развитию экспорта рабочей силы сегодня препятствуют такие факторы, как затрудненность контактов с иностранным работодателем, монополия государственных структур на экспорт рабочей силы, бюрократические препятствия, связанные с оформлением разрешения на выезд за границу на работу по частным контрактам, несовершенство законодательной базы, регулирующей вопросы внешней миграции и др.

¹ World of Work. The magazine of the ILO.No.34, April/May 2000.

Решение этих и других проблем настоятельно требует совершенствования государственной политики по организации внешней трудовой деятельности, заключение межправительственных соглашений по экспорту рабочей силы, отмену порядка получения обязательного разрешения выезжающим за рубеж по частным трудовым контрактам, разрешение деятельности альтернативных государственным структурам фирм по экспорту и импорту рабочей силы.

Лизинг в различных отраслях экономики.

Кулжаиов О.М. – Тошкент молия институти.

Лизинг является особой формой арендных отношений, при которых привлеченные или временно свободные, но ограниченные денежные средства вкладываются в движимое либо недвижимое имущество на определенный срок для осуществления предпринимательской деятельности.

Обычно в договоре лизинга участвуют три стороны :

- Лизингодатель - юридическое или физическое лицо, приобретающее имущество в собственность в целях дальнейшей его передачи лизингополучателю;
- лизингополучатель - лицо, приобретающее объект лизинга в свое владение или пользование;
- производитель - лицо, непосредственно производящее объект лизинга, так и осуществляющее его продажу.

Но сделка может быть и двусторонней - при заключении двустороннего договора лизинга между лизингодателем и продавцом дополнительно заключается договор о купле - продаже объекта лизинга.

Лизинг постепенно проникает во все отрасли экономики. Эффективность лизинга в частном секторе объясняется возможностью малым и средним предприятиям использовать современное оборудование для производства продукции и оказания услуг без крупных единовременных финансовых вложений. Возможность же включать в себестоимость товара либо услуг платежи по лизинговым контрактам ускоряет перенесение стоимости технических средств на готовую продукцию и, следовательно, окупаемость лизинговых затрат. Все это позволяет выпускать конкурентоспособную продукцию, оказывать услуги на высоком профессиональном уровне и получать более высокую прибыль.

Наиболее перспективным направлением развития лизинговых отношений в нашей стране является авиализинг. В данной отрасли экономики наша республика может выступать и как лизингополучатель и как лизингодатель. Именно в этой области экономической деятельности Узбекистан имеет возможность выйти на мировой рынок лизинговых услуг в качестве лизингодателя, так как располагает соответствующими ресурсами: как финансовыми так и производственными. У.И. Наров отмечает сложности данного вида лизинга: «Авиализинг — это такой сложный процесс, где только подготовка к реализации проекта длится от нескольких

месяцев до двух лет. ...Этот бизнес-план разрабатывается самим потребителем, здесь нужно «показать» маршруты, наметить стоимость билетов, спланировать ожидаемое количество пассажиров, проработать статистику. Кроме того, лизингополучателем в бизнес-плане должны быть учтены сборы в различных аэропортах. ...И мы, лизингодатели, должны тоже все это знать и во всем разбираться. ...С другой стороны, необходимо глубоко знать авиатехнику: какие у нее преимущества, какие недостатки, как эту технику эксплуатировать и обслуживать...».

В экономике Узбекистана наибольший удельный вес занимает аграрный сектор, и именно здесь большая часть трудоспособного населения, поэтому необходимость обеспечения сельхозпроизводителей современной техникой стоит очень остро. Несмотря на то, что сельскохозяйственная продукция, производимая в отечественных хозяйствах почти полностью обеспечивает потребности нашей республики в продовольствии, технологии, применяемые в сельском хозяйстве еще нуждаются в дальнейшем совершенствовании. Наиболее удобным и экономичным способом обновления парка сельскохозяйственных машин и является лизинг. Именно поэтому наибольшего своего развития лизинговые отношения получили в сельском хозяйстве, так как государство поддерживает данную отрасль экономики как наиболее приоритетную.

В настоящее время разработаны и введены в действие нормативные акты, обеспечивающие функционирование лизинговых отношений в республике, но еще имеются некоторые недочеты в области инфраструктуры рынка, налогообложения, таможенных сборов. Это объясняет низкий удельный вес лизинга в общей структуре инвестиций Узбекистана - 1 %, в то время как в развитых странах на его долю приходится: в США - 25-30%, Франции -17%, Англии -15%, Японии -10%. Следовательно, необходимо дальнейшее совершенствование законодательной базы, стимулирование инвесторов, разработка системы информационного обеспечения и т.п.

О совершенствовании регулирования деятельности эмитентов на рынке ценных бумаг Узбекистана

Юнусматов М.С., Абдурахимов Н. –
Тошкент моллия институти.

В условиях рыночной экономики основным методом привлечения инвестиций является эмиссия ценных бумаг. Эмитентами ценных бумаг выступают юридические лица, государственные органы или органы местной власти, выпускающие ценные бумаги и несущие от своего имени установленные законодательством обязательства по ним перед владельцами ценных бумаг (инвесторами).

В целях защиты прав и интересов инвесторов правительство осуществляет государственное регулирование за деятельностью эмитентов на рынке ценных бумаг. основополагающий принцип законодательства -

обеспечить полное, правдивое и ясное оглашение эмитентами всех фактов, касающихся выпуска и обращения ценных бумаг.

Одним из главных способов государственного регулирования рынка ценных бумаг является регистрация ценных бумаг при их выпуске в обращение. На этом этапе движения ценных бумаг орган, осуществляющий регулирование, должен убедиться в том, что эмиссия ценных бумаг будет производиться под конкретный инвестиционный проект и средства инвесторов будут израсходованы эффективно в соответствии с заранее разработанной программой. Уполномоченным государственным органом, осуществляющим регистрацию ценных бумаг в Республике Узбекистан выступает Центр по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг.

Важная роль в процессе государственного регулирования принадлежит обеспечению раскрытия информации эмитентами. Сегодня работа по раскрытию информации эмитентами о ценных бумагах и финансово-хозяйственной деятельности - один из важных участков на фондовом рынке. Инвестор должен располагать исчерпывающей информацией о предприятии, которое он собирается инвестировать.

Для успешной работы эмитента необходимо, чтобы каждый эмитент самостоятельно осуществлял внутреннее регулирование своей деятельности.

Органам управления предприятия-эмитента необходимо уделить внимание сбалансированной эффективной *инвестиционной, эмиссионной, дивидендной политике*. У предприятия должна быть выработана четкая производственная и финансово-инвестиционно-эмиссионно-дивидендная программа, посредством которой инвестор мог бы оценить привлекательность данного проекта и решиться вложить свои финансовые ресурсы в данное предприятие.

В сложившихся условиях целесообразно рассмотреть предложения по ограничению обращения на неорганизованных внебиржевых рынках ценных бумаг, прошедших процедуру листинга на фондовых биржах; пересмотреть процедуру листинга на РФБ «Тошкент» и возможность разумного сбалансирования его критериев, повышения заинтересованности эмитентов в присутствии их акций в биржевом официальном списке по категории листинговых.

Қимматли қоғозлар бозорида ўз – ўзини мувофиқлаштириш механизми

Адилов Ф. Т., Саъдуллаев З. Ф. –
Тошкент молия институти.

Қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми бўлиб, бўш молиявий маблағларга эга инвесторлар ва инвестицияларга муҳтож (талабгор) эмитентлар манфаатлари туташувига шароит яратади. Икки томон ҳам, қимматли қоғозлар чиқарилиши, муомалада бўлиши ва унга турли хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни самарали

мувофиқлаштирилишидан манфаатдор, чунки бир томондан арзон инвестиция ресурсларини жалб қилиш, бошқа томондан қўйиладиган капитални самарали ўстириш ва фойда олиш учун шароит яратилади. Бирок, икки томон ҳамкорлик қилишига бўлган катта талабига қарамасдан, уларни конструктив ўзаро муносабатини ва фаолиятига эришиш йўлида қийинчилик ва тўсиқлар мавжуд. Буларни бартараф қилиш учун эса, ҳам давлат мувофиқлаштирув органлари, ҳам қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг доимий аралашуви талаб қилинади.

Иқтисодий муносабатларнинг мураккаб соҳаси ҳисобланадиган қимматли қоғозлар бозорини нафақат институционал ва функционал томонларини ривожлантириш, балки ундаги иштирокчилар фаолиятини тартибланиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг самарали механизмини шакллантириш лозим.

Ҳукуматнинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддат ичида Ўзбекистон фонд бозорини ривожлантиришнинг илк босқичида асосий вазифа бўлган фонд бозорини мувофиқлаштириш механизмини институционал шакллантирилишига эришилди.

Бугунги кунда қимматли қоғозлар бозорини самарали мувофиқлаштириш жараёнлари кечаётган Ўзбекистондек мамлакат учун жаҳонда умумий тарзда қабул қилинган андозаларга мос келадиган, жаҳон тажрибаси билан чуқур ишлаб чиқилган, барча афзалликларни ўзига сингдирган ва шу билан бир вақтда миллий менталитетни, миллий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда ўз – ўзини мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқиш заруратдир. Бу механизмда, жаҳон тажрибасига кўра, асосий ролни ўз – ўзини мувофиқлаштирувчи нодавлат – тижорат ташкилотлар (ЎМТ) ўйнайди.

Албатта бундай ҳолат ЎМТни профессионал иштирокчилар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини давлат манфаатлари билан мувозанатловчи инструмент сифатида қўллаш имконини беради.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида ўз – ўзини мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг ролини ошириш, фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари

Саъдуллаев Э. Ф., Шоҳаъзамий Ш.Ш. –
Тошкент молия институти.

Миллий қимматли қоғозлар бозорлари жаҳон фонд бозори интеграциясида нуфузли бўлган қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссияларнинг Халқаро ташкилоти (International Organization of Securities Commissions - IOSCO) таклифларини мувофиқлаштиришда қўллаш зарурлиги катта аҳамиятга эга. Бу борада қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг (қуйида қисқа Марказ деб юритамиз) 1998 йил сентябрь ойида IOSCO ташкилотига аъзо бўлгани ва ҳозирда Марказ ушбу ташкилот билан бевосита иш олиб

бориши ижобий натижалар бермоқда. Чунончи, бундай ҳамкорликнинг асосий мақсадлари қўйилагиларда белгиланган:

- фонд бозорларини мувофиқлаштириш соҳасида ўзаро муносабат ўрнатиш;

- ахборот алмашиниш;

- мувофиқлаштириш соҳасидаги стандартларни ишлаб чиқишда кучларни бирлаштириш;

- мувофиқлаштириш соҳасида ўзаро ёрдам бериш ва ҳ.к. . .

Таъкидлаш жоизки, IOSCO ташкilotи ўзига аъзо мамлакатларнинг миллий қимматли қоғозлар бозорлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш борасида 30 тамойилни ишлаб чиққан. Бу тамойиллар ҳар бир аъзо давлат учун қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг муқобил йўлини танлашга ёрдам беради. Бу тамойилларнинг тўрттаси мамлакат қимматли қоғозлар бозорини ривожланишига катта ҳисса қўшиши мумкин бўлган ўзини-ўзи мувофиқлаштирувчи нодавлат тижорат ташкilotлари (ЎМТ) фаолиятига бағишлангандир. Ушбу тамойиллардан фойдаланиш бизнинг қимматли қоғозлар бозоримизни тез суръатлар билан ривожланишида ижобий натижалар бериши муқаррардир. Бу тамойиллар асосан қўйидагилардан ташкил топган:

- давлат қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш тизимида – фақат ўз ваколати доирасидаги соҳаларнигина назорат қилувчи ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи ташкilotлардан тегишли равишда фойдаланиши мумкин;

- ўзини – ўзи мувофиқлаштирувчи ташкilotлар – ваколатли давлат органи учун назорат объекти бўлиши ва бундай ташкilotлар ўз вазифаларини бажаришда қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликка амал қилиши ва сирли ахборотларни ошкор қилмаслиги лозим;

- давлат ўзининг ваколатли органи - ўзини – ўзи мувофиқлаштирувчи ташкilotлар фаолияти устидан назорат қилиш, тўлиқ текшириш ва тергов қилиш ваколатларига эга бўлиши лозим;

- давлатнинг ваколатли органи ўз кўрсатма ва дастурларини мустақил ва эркин бажара олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ушбу муаммоларни ечиш учун қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларнинг Миллий уюшмаси (ПИМУ) роли ва вазифаларини кучайтириш. Бу жуда муҳим, чунки Ўзбекистон банкларининг Миллий Уюшмаси (БМУ) молия бозорида муаммоларни ҳал қилишда, ўзаро алоқалар, фаолиятлар, тўлдиришларни таъминлашда шерикка жуда муҳтож. Фақат бу икки Уюшманинг яқин ҳамкорликда ва Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази билан келишилган ҳолда биргаликдаги фаолияти пул – кредит бозори ва қимматли қоғозлар бозори ўртасидаги балансни тартиблашга олиб келади, яъни шубҳасиз юқоридаги муаммолар ўз ечимини топади;

2. «Тошкент» Республика фонд биржаси ва Республика валюта Биржасига ЎМТ мақомини бериш ҳамда уларга фақат юқори рейтинг даражасига эга бўлган, нуфузли ташкилотлар ликвидли қимматли қоғозлари муомаласини йўлга қўйиш, ўртача ва унча ликвид бўлмаган, биржа талабларига жавоб бермайдиган эмитентлар қимматли қоғозлари - қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари тартибли бозорида (савдоларнинг электрон тизимида) муомалада бўлиши керак;

3. Молия бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб - қувватлаш кодексини мавжуд қонунчилик асосида яратиш.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида меъёрий ҳисоблар

Шодмонкулов О.Ш. - *Тошкент солиқ коллежи, и.ф.н., доцент,*

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари бозор иқтисодиёти шароитида, турлича мулк шаклларининг вужудга келиши ва рақобат курашининг авж олиши натижасида тамомила бошқача тус олди. Бундай шароитда, бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш ва уларнинг натижаларини тўғри баҳолаш учун бошқарув ҳисобини ташкил қилиш эҳтиёжи туғилди. Норматив ҳисоб эса бошқарув ҳисобининг асосий ва ажралмас қисми бўлиб хизмат қилади. Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг кенг жорий этилиши ва рақобат курашининг жиддий тус олиши норматив ҳисобга бўлган талабларни янада оширади ва уни такомиллаштиришни тақозо этади.

Норматив ҳисобни оқилона ташкил этиш, аниқ ва ўз вақтида юритиш кучли бошқариш воситаси ҳисобланиб, ресурслар сарфини камайтириш, харажатлардан тежаб-тергаб фойдаланиш захираларини тўлиқроқ аниқлаш ва маҳсулот таннархини аниқроқ ҳисоблашга шароит яратади. У хўжасизлик ва нобудгарчиликка қарши кураш олиб боришда кучли қурол бўлиб хизмат қилади.

Норматив ҳисоб шундай ташкил этилиши керакки, у давр ва ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархи ҳақида тўлиқ, ишончли ва керакли ахборотларни корхона маъмуриятига мунтазам ва тезкор тарзда етказиб бериши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида норматив ҳисоб янгича моҳият кашф этади.

Ресурслардан оқилона фойдаланиш, энг аввало, соҳада эришилган фан ва техника тараққиётининг энг охириги ютуқларига таянган ҳолда тузилган прогрессив меъёр ва нормативларнинг қўлланилишига боғлиқ. Прогрессив меъёр ва нормативларни қўллаш норматив ҳисобнинг асосий шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Норматив ҳисобнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлган меъёрлардан четланишлар ҳисоби ёрдамида корхона раҳбарияти ишлаб чиқариш жараёни технологиясини бузиш сабаблари, моддий-техника таъминоти нуқсонлари, уларнинг сабаблари ва айбдорлари ҳақида оператив ахборотларга эга бўлади.

Бу ахборотларда йўл қўйилган четланишлар натижасида келиб чиққан нобудгарчиликларнинг миқдори ва суммаси кўрсатилиб, четланишлар

сабабларини бартараф қилиш ва келгусида йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига оператив аралашуш ва таъсир этиш имконияти туғилади.

Шундай қилиб, меъёрлардан четланишлар ҳисоби, ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилиш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежамкорлик билан сарфлаш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва нормалардан номақбул четланишларга қарши кураш олиб боришда амалий қурол бўлиб хизмат қилади.

Норматив ҳисобнинг навбатдаги характерли хусусияти бўлиб меъёрлардаги ўзгаришлар ҳисоби саналади. Унда айрим ташкилий-техник тадбирларнинг моддий, меҳнат ва бошқа харажатлар сарфи меъёрини пасайтиришга таъсири ҳамда ўтказилган тадбирларнинг моҳияти (янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва бошқалар) акс эттирилади. Унинг маълумотларига асосан, норматив калькуляция ва норматив-техник ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритилади.

Нормалардаги ўзгаришлар ҳисобида бу тадбирларни ўтказган цех, бўлим ва бўлинмалар аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Нормалардаги ўзгаришлар ҳисоби, корхона раҳбарияти ва жамоасини қайси цех ва бўлимлар ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил этишини такомиллаштириш борасида иш олиб бораётганлиги ва қайси ташкилий-техник тадбирларни жорий этилиши кечиктирилаётганлиги ҳақида ахборот билан таъминлаб туради.

Бундай ҳисоб маълумотлари асосида корхона режадаги ташкилий-техник тадбирларни муддатидан илгари жорий қилиш натижасида қанча тежамкорликка эришганлиги ва аксинча, қайси тадбирларни кечиктирилиши туфайли қанча зарар келиб чиққанлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Бу эса ташкилий-техник тадбирлар режасининг бажарилишини мунтазам назорат қилиш, жорий этилган ихтирочилик таклифлари ва бошқа тадбирларнинг иқтисодий самарадорлигини текшириш, маҳсулот таннархининг пасайиши сабабини аниқлаш ва хўжалик фаолияти рентабеллигини ошириш имкониятини беради.

Агарда нормалардаги ўзгаришлар ҳисобининг маълумотлари мунтазам равишда корхона раҳбарлари ва жамоатчилик томонидан кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф қилиш учун чора-тадбирлар қўлланилса, ташкилий-техник тадбирларни муддатидан илгари жорий этган цех ва бўлимлар жамоаси рағбатлантирилиб турилса, нормалардаги ўзгаришлар ҳисобининг таъсирчанлиги янада ошади.

Норматив ҳисобда, харажатлар ҳисобини нормалар, нормалардан четланиш ва нормалардаги ўзгаришлар бўйича алоҳида юритилиши маҳсулот ҳақиқий таннархининг алгебраик йиғиндиси сифатида норматив таннархга белгиланган нормалардан четланишлар ва нормалардаги ўзгаришлар суммасини қўшиш ёки айириш йўли билан ҳисоблаш имкониятини беради.

Ҳисобот калькуляциясининг бундай тузилиши маҳсулот таннархини пасайтириш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш устидан амалий натижа бера оладиган назорат ўрнатишни таъминлайди ва маҳсулот

ҳақиқий таннархини синчиклаб таҳлил қилиш учун катта имкониятлар очиб беради.

Шундай қилиб, норматив ҳисоб хўжалик фаолиятини бошқариш тизимида муҳим ахборот ва назорат воситаси бўлиб ҳисобланади. Унинг жорий қилиниши хўжалик фаолиятини оператив бошқариш ва ишлаб чиқариш ҳамда муомала харажатларини белгиланган нормаларга риоя қилган ҳолда сарфланганлигини назорат қилиш имкониятини беради. Бундан ташқари, у ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни такомиллаштиришга ёрдам беради ва маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини тўғри ва аниқ ҳисоблашни таъминлайди.

Қўшилган қиймат солиғининг иқтисодийни барқарорлаштиришдаги муаммолари

Орзиев С.К - Бухоро солиқ коллежи, и.ф.н., доц.

Бозор иқтисодийнинг асосий омилларидан бири жамиятнинг эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, энг муҳими маблағлар манбаини тўғри аниқлай билиш, уларни ҳар томонлама пухта ва асосли жорий этишдан иборатдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг олиб бораётган солиқ сиёсати амал қилиб келаётган солиқ турларини такомиллаштириш, тартибга солиш ва солиқ юкини камайтиришга қаратилганлигидир.

Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғининг амал қилиши учун тўлақонли шароит вужудга келгани йўқ. Ишлаб чиқариш жараёнининг монопол ҳолати, ушбу солиқнинг истеъмол бозоридаги баҳоларнинг ошиб кетишига салбий таъсир кўрсатиш ўрнига, аксинча, маълум даражада ижобий таъсир кўрсатишига олиб келди. Шунинг учун ҳам солиқ ставкасининг ҳозирги кундаги миқдори 20 фоиз қилиб белгиланади. Аммо солиқ ставкасининг ушбу даражаси ҳам қўшилган қиймат солиғидан фойдаланаётган хорижий давлатлар солиқ ставкаси даражасига яқин бўлсада иқтисодий нуктаи назардан, ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларида ўзини оқлай олмаяпти.

Солиқ ставкасининг миқдори ҳозирги кунгача қисқартирилиб келинганлигига қарамасдан, унинг маҳсулот сотиш ҳажмидаги салмоғи деярли барча корхоналарда ўсиб келган. Бу эса ушбу солиқнинг корхоналар хўжалик фаолиятининг охириги молиявий натижасига салбий таъсир этаётганлигидан дарак беради.

Қўшилган қиймат солиғининг маҳсулот сотиш ҳажмидаги салмоғи ўсиб келишига асосий сабаблардан бири инфляция ҳисобига корхоналарда қўшилган қийматни ортиб борганлигидир. Чунки, ушбу корхоналар фаолияти таҳлил қилинганда товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, ялпи даромад, соф даромад каби асосий молиявий кўрсаткичлар ҳажми ортиб борган, агарда ана шу корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини натура шаклида оладиган бўлсак юқори даражада ўсмаган.

Ривожланган мамлакатларнинг аксарияти, масалан АҚШ, ГФР, Франция, Англия, Японияда қўшилган қиймат солиғи ставкасини белгилашга

алоҳида эътибор бериб келинган бўлса-да, бугунги кунги муаммо шу солиқни аксарият истеъмол товарларидан озод этиш бўлиб ҳисобланмоқда.

Ушбу муаммо қандай ечилишидан қатъий назар, аҳоли қатламлари манфаатларини эътиборга олишга катта аҳамият берилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, амалиёт ходимлари турли концепцияларни кўтариб чиқиш ва асослашга ҳаракат қилишмоқда, яъни:

- ҳамма озиқ-овқат товарларига қўшилган қиймат солиғи ставкасини жорий этиш ва аҳоли тўлов қобилиятидан келиб чиққан ҳолда уни тўловидан айрим аҳоли қатламларини озод этиш;

- аҳоли тўлов қобилиятидан келиб чиққан ҳолда «0» ставкани қўллаш;

- қўшилган қиймат солиғи ставкасини фақат импорт товарларига нисбатан қўллаш ва ҳоказолар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун бизнинг фикримизча, бозор муносабатлари ривожланган давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда, ягона солиқ ставкасини товар ва хизматларнинг ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, табақалаш ёки бошқача қилиб айтганда солиқ ставкаси тартибини жорий қилиш лозим. Масалан, Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатларда қўшилган қиймат солиғи ставкаси пасайтирилган, стандарт ва юқори даражада белгиланган. Қуйи ёки пасайтирилган даражадаги солиқ ставкаси, биринчи навбатда, истеъмол товарлари, медикаментлар ва тиббий хизматларга нисбатан жорий қилинади. Зеб-зийнат товарлари эса юқори ставкали солиққа тортилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган давлатларда ушбу солиқнинг пасайтирилган ставкаси ҳажми 0 дан 17 фоизгача, стандарт ставкаси 12 фоиздан 23 фоизгача, юқори ставкаси эса 25 фоиздан 33,3 фоизгача ташкил этади.

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, қўшилган қиймат солиғига нисбатан табақалаштирилган солиқ ставкаси ўрнатилганда у барча солиқ тўловчилар учун ўзининг нейтраллигини йўқотиш билан бирга, қуйидаги камчиликларга эга ҳам:

1. Ҳар-хил ставка бўйича солиққа тортиладиган товар ва хизматларни аниқ туркумларга ажратиш жуда оғир кечади. Бу эса, солиқ механизмининг фаолиятини қийинлаштиради.

2. Солиқ тўловчи субъектларни солиқ тўлашдан бўйин товлашга ва солиқ органларининг харажатларининг оширишга олиб келади.

3. Пасайтирилган солиқ ставкаси солиқ имтиёзининг аҳолини юқори даромадли қатламга ҳам жорий қилинишига олиб келади.

Бироқ назария, қўшилган қиймат солиғи бўйича ягона солиқ ставкасини афзал кўрсада, амалиётда қўлчилик хорижий давлатлар солиқ механизмида ушбу солиқнинг табақалаштирилган ставкаси муваффақиятли тарзда қўлланилаётир. Юқорида келтирилган муаммоларни ушбу солиқ бўйича айрим имтиёزلарни жорий қилиш аъзага бартараф қилиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган давлатларда ушбу солиқ хусусиятини сусайтириш мақсадида солиқ ставкасини табақалаштиришдан ташқари айрим товарлар ва хизматлар бутунлай солиққа тортишдан озод этилган. Бироқ, бизни қизиқтирган масала

айрим товар ва хизматларнинг ушбу солиқдан озод этилган ёки озод этилмаганлиги эмас, балки солиқдан қай тартибда озод этилишидир. Юқорида таъкидлаб ўтилган давлатларда солиқдан озод қилиш икки усулда амалга оширилади.

Бу усуллар, албатта, бир мақсадга қаратилган, товарни охириги истеъмолчига сотилаётган вақтда солиққа тортишдан озод этишдир. Бироқ уларнинг бир-бирдан фарқи шундаки, биринчи усул ҳисобланган нолга тенглаштирилган солиқ ставкаси ўрнатилганда охириги сотувчи харид қилган маҳсулот таркибидаги солиқни компенсация қилиш ҳуқуқига эга. Иккинчи усулда эса, ишлаб чиқарилган товарлар умуман солиққа тортилмайди.

Мабодо, солиқ ставкаси мавжуд бўлмаса, охириги сотувчи юқоридаги ҳуқуққа эга эмас ва солиқ юки охириги истеъмолчи зиммасига тушади.

Европа Ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатларда барча экспорт товарларига нисбатан нолга тенглаштирилган ставка қўлланилади. Бу эса товар экспорт қилувчи субъектларнинг солиқни компенсация қилиш ҳуқуқини ва уни товар баҳосига киритмаслик имкониятини беради.

Бизда эса мавжуд солиқ қонунчилигида мувофиқ солиқдан озод этилган корхоналар ушбу солиқни ишлаб чиқариш харажатларига киритади. Солиқни ҳисоблаш механизмининг ушбу тартибда қўшилган қиймат солиғи ҳисобига маҳсулот таннарихи ошиб кетади.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғининг нолга тенглаштирилган ставкаси қўлланилаётганлиги экспортга чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозордаги рақобатга чидамлилигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Бу эса жаҳон бозорига кириб бораётган республикамиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда солиқ қонунчилигида солиқ тўловчи субъектлар, ривожланган давлатлардаги каби етарли даражада акс эттирилган. Лекин юридик шахс мақомига эга бўлган ва товар сотишдан келган тушуми унча катта бўлмаган тадбиркорларнинг солиқ тўловчилар орасига киритилиши, бизнинг фикримизча, ушбу солиқ механизмининг қулайлик даражасини пасайтиради ва солиқ бўйича тушумнинг бюджетга келиб тушиши билан боғлиқ бўлган харажатларни маълум даражада оширади.

Юқоридаги давлатлар солиқ механизми тажрибасидан келиб чиққан ҳолда республикамизда ҳам ана шундай тартибни жорий қилиш эвазига, қўшилган қиймат солиғи бўйича тушум салмоғи унча катта бўлмаган кичик корхоналарнинг ҳужжат ишларини текшириш ва уларга хизмат кўрсатишдан ҳолис бўлиш мумкин. Солиқ мутахассислари кучларини эса янада муҳим солиқ тушуми юқори бўлган соҳаларга қаратиш имконияти тугилади. Айнан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳозирги кунда мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Инвестициялар ва иқтисодий ривожланиш

Юлдашев С., Султанходжаев У. —

Солиқ ва божхона органлари академияси.

Мустақиллик йўлига кирган мамлакатлар учун халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш самарадорлигини ошириш давлатимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу эса жуда муҳим иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Республикамызга чет эл сармояси кириб келиши учун энг қулай шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистонда чет эл сармояси иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш жараёни мумкин қадар осонлаштирилган. Хорижий инвесторларга бир қатор имтиёзлар берилган.

Қўшма корхоналар бир неча йил давомида фойдадан олинadиган солиқдан озод қилинадилар, уларга олинadиган фойдани алмаштириш ва уни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш кафолатланади.

Барча тижорат банклари, чет эл сармояси иштирокидаги банклар, шунингдек, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари барча турдаги солиқларни тўлашдан 3 йилгача озод қилинадилар.

Инвесторлар ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган хом ашё материалларига бож тўлашдан озод қилинган.

Республикада инвестициялар учун ишончли суғурта базаси яратилмоқда. «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси ташкил этилган бўлиб, у сиёсий ҳамда нотижорат хавфларнинг олдини олади. Ташқи иқтисодий фаолият банки ва Американинг «АИГ Инкорпорейшн» молия гуруҳи биргаликда сиёсий ва нотижорат хавфларнинг олдини олиш бўйича қароргоҳи Лондонда ва Тошкентда жойлашган суғурта компанияларини ташкил этдилар.

Давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция дастурлари департаменти барпо этилди. 1998 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий инвестициялар билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш механизмнинг такомиллаштириш чораларини белгилловчи Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар учун яратилган қулай шарт-шароит хорижий сармояларни ўзига тортмоқда. Маълумки, иқтисодиёт ривожлана борган сари дунёнинг индустриал давлатлари четга товар чиқариш ўрнига капитал чиқаришни афзал кўра бошлайдилар. Капитал экспорти эса куйидаги асосий шаклларда амалга оширилади:

1. Тўғри инвестициялар (саноат, савдо ва бошқа корхоналарга);
2. Портфелли инвестициялар (хорижий облигациялар ва бошқа қимматли қозғаларга);
3. Ўрта ва узоқ муддатли халқаро кредитлар ёки саноат, савдо ташкилотлари, банклар ва бошқа муассасалар томонидан олинadиган ссуда қарзлари. Халқаро кредит бозорининг вазифаси кредитнинг моҳияти ва аҳамиятидан келиб чиқади.

Халқаро кредит учта вазифани бажаради:

1. Мамлакатлар ўртасида ссуда маблағларини қайта тақсимлаш.
2. Халқаро валюта-кредит муносабатларида муомала харажатларини камайтириш.
3. Йирик минтақалар ва жаҳон миқёсида капитал тўпланиши ҳамда марказлашувини тезлаштириш.

Умуман олганда, ташқи иқтисодий алоқаларда қўлланиладиган халқаро кредит тижорат (фирма), банк ва давлатлараро кредитларга бўлинади. Халқаро кредитлар берилишида хўжалик субъектлари ролида тижорат банклари, давлатлар, корпорациялар ҳамда молия-кредит тижоратлари иштирок этадилар.

Тижорат кредити фирмалар томонидан турли тижорат тузилмаларига товар кўринишида берилади.

Банк кредити хорижий мамлакатлар банклари томонидан мамлакат миллий банкларига ёки саноат, савдо ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарига валюта шаклида берилладиган кредитлардир.

70- йиллардаги давлатлараро кредитлар ёки молиявий кредитлар мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида тузиладиган иккиёқлама ва кўптомонлама шартномалар асосида берилладиган кредитлардир. Халқаро кредитлар Халқаро валюта фонди, Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан бериллади. Халқаро кредитлар иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ривожлантириш дастури асосида берилиб, мустақил мамлакатларнинг иқтисодий раванқига ёрдам беради.

Кредитларнинг асосий қисмини марказий ҳукуматлар ва маҳаллий ҳокимият органлари, давлат молия тизимлари олади ҳамда ўз мамлакатлари тўлов баланси тақчиллигини бевосита ёки билвосита қоплаш учун ишлатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ҳисобини ташкил қилишнинг айрим масалалари

Бобожонов О., Маҳкамбоев А. - *Тошкент
Давлат иқтисодиёт университети.*

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтер ва бухгалтерия хизматининг вазифалари тубдан ўзгармоқда: бухгалтер ички имкониятларни қидириб топиш ва жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарувнинг асосланган қарорларини қабул қилишни тайёрлаш жараёнида субъект раҳбарининг асосий ёрдамчисига айланмоқда. Шунинг учун бухгалтерия хизмати бошқарувга керакли маълумотларни етказиб бериш, ишлаб чиқариш ва бошқарув харажатларини камайтириш йўллари қидириш, ички эҳтиёж ва ташқи истеъмолчи учун ҳисоботлар тузишдан иборат фаол тадқиқот лабораториясига айланмоғи шарт.

Бизда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда бош бухгалтернинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари қатъий равишда тартибга солинган. Унда бухгалтерия

ишини самарали юритишга ёрдам берадиган кўрсатмалар ва тавсиялар эса мавжуд эмас.

Бухгалтерия хизмати ипини ташкил этиш масаласи кўрилатганда ва тегишли кўрсатмалар ишлаб чиқарилаётганда ишлаб чиқариш ва бошқаруving ташкилий шакли, тегишли қонуний даражада хўжалик жараёнларини бошқариш учун керакли маълумотларнинг ҳажми ва таркиби аниқлаб олиниши лозим. Шунингдек, булардан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия хизмати структурасини горизонтал ва вертикал йўсинда ташкил этиш, ҳужжат айланишини ишлаб чиқиш, бўлимлар ва уларнинг ходимлари, ҳамда ҳисоб гуруҳлари ўртасида вазифаларини тақсимлаш, бошланғич ҳисобни, маълумотларни керакли гуруҳларда умумлаштиришни, таҳлил кабиларнинг энг самарали усуллари ва шаклларини танлаш керак бўлади.

Бошқарув бухгалтерия тизими бошқарув ҳисоби бўлинмалари раҳбарлари бўлинишини тақозо этади. Уларга: материал ресурслари; меҳнат ресурслари; эгри харажатлар гуруҳларининг бухгалтерлари бўйсунди.

Бу гуруҳлар мутахассисларининг вазифаларига фақатгина харажатлар ҳисобини юритишгина кириб қолмасдан, балки меъёрлаштириш сифати устидан назорат қилиш, ресурсларнинг ишлатилишини таҳлил қилиш, уларнинг самарали сарфланиши устидан назорат қилиш ҳам кирди.

Гуруҳ раҳбари харажатларнинг умумлаштирилган ҳисобини юритади, таннарх ва рентабеллик кўрсаткичларини маҳсулот турлари бўйича таҳлил қилади, бошқарув қарорларининг турли вариантлардаги лойиҳасини тайёрлайди.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг услубий хусусиятидаги масалаларидан бири умумий (молиявий) ва бошқарув ҳисоб-счётларининг режаси ҳисобланади.

Бошқарув ҳисобининг ишчи счётларининг режасида жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ва натижаларни ҳисобга олувчи счётлар; меъёрий усул қўлланилганда четга чиқишларни ҳисобга олувчи счётлар; товар-моддий бойликларнинг ҳаракатини ҳисобга олувчи счётлар каби махсус счётлар мавжуд бўлиши керак.

Бунда молиявий ҳисобда «Харажатлар - ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми натижалари» усули бўйича молиявий натижаларни аниқлаш учун зарур бўлган товар-моддий бойликларнинг ҳисобот йили бошига ва охирига бўлган қолдиқларигина ёзилади.

Молиявий ҳисоб билан бошқарув ҳисоби ўртасидаги ўзаро алоқа махсус (акс эттирувчи, параллел деб номланувчи) счётлар ёрдамида ўрнатилади. Уларнинг вазифаси молиявий бухгалтериядан бошқарув бухгалтериясига «Харажатлар – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми -- натижалар» усулининг барча элементларини беришдан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал асослари ва уни ташкил қилишни такомиллаштириш

Бобожонов О., Эшбоев Ў. - Тошкент
Давлат иқтисодиёт университети

Бухгалтерия ҳисоби айрим субъектларда содир бўлаётган хўжалик маблағлари ва жараёнларининг ҳаракатини маълум ҳужжатлар билан асосланган ҳолда рўйхатга олиш ва пулда баҳолаб умумлаштирилган тарзда ёппасига ва бевосита кузатиш тизимидир.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида мавжуд товар-моддий бойликлар, пул маблағларининг ҳаракати кузатилади, сотиш билан боғлиқ харажатлар аниқланади, хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари ва субъектларнинг умумий мулки ҳақидаги маълумотлар йиғилади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳар қандай тизимда ҳам қуйидаги уч функцияни бажаради: ахборот бериш, назорат қилиш, бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифаларини яхши тушуниб олиш учун унинг объектларини билиб олиш лозим бўлади. Субъектлардаги бухгалтерия ҳисобининг объектларини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Субъектнинг маблағ (ресурс)лари: меҳнат воситалари, товар-моддий бойликлари, пул маблағлари, тайёр маҳсулот, устав капитали, бошқа ҳар хил жамғармалар, келгусидаги харажатлар ва тўловларнинг заҳиралари субъектларнинг жамғарган фойдаси ҳисобидан яратилган ҳар хил заҳира (резерв)лар. Бу маблағлар ишлаб чиқариш жараёни учун тегишли шароит яратиб беради.
2. Субъектларда содир бўлаётган муҳим жараёнлар: товар-моддий бойликларни тайёрлаш ва сотиб олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотиш, капитал қурилиш ва бошқа жараёнлар.
3. Ҳисоблашиш муомалалари: бюджет, мол етказиб берувчи ва пудратчилар, харидорлар, ишчи ва хизматчилар, давлат банки ва бошқа банklar ҳамда ташкилот ва шахслар билан ҳисоблашишлар.
4. Субъектнинг хўжалик-молиявий натижалари: жамоанинг олган даромади, фойдаси ва кўрган зарарлари.

Мамлакатимизнинг субъектларида бухгалтерия ҳисоби 1996 йил 30 августида қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосланиб ташкил этилади.

Бу қонунга кўра Республикаимизнинг субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисобининг стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Республика Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ушбу қоидалари бу борадаги жаҳон стандартларига мосланган бўлиб, ривожланган бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларнинг субъектларида юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи учун зарур бўлган энг асосий

тамоийллари(концепциялари)ни мамлакатимизнинг субъектларида жорий этишга қаратилган.

Шунинг учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи олдига қўйиладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- катъий бир хиллик (унификацияланганлик);
- ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишинг акс эттирадиган кўрсаткичларга мўлжал қилиш;
- солиққа тортиш базасини ва бюджетга бошқа ажратмаларни ҳисоблаш.

Пул муомаласини барқарорлаштириш ҳаммамизнинг қўлимизда

Абдуллаева Ш.З. - *Тошкент молия институти, и.ф.д., проф.*
Жумаева Н.З. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Иқтисодийetni жадал ривожлантириш ва унинг барқарорлигини доимийлаштириш асосида аҳолининг моддий турмуш даражасини яхшилаш учун мамлакатда пул муомаласи барқарор бўлмоғи лозим. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда мустақил пул тизимини қарор топтириш ва миллий пулимиз қадрини ошириш бўйича анча тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, охириги пайтларда мамлакатда молиявий ҳолатни яхшилаш, пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли тадбирлар ўтказилмоқда. 2002 йил февраль ойида мамлакатнинг молиявий аҳолини яхшилаш ва пул муомаласида барқарорликни таъминлаш бўйича ХВФ билан ҳамкорликда молиявий меморандум қабул қилинди.

2002 йил 30 мартда «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2002 йил 5 августда «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Марказий банк томонидан ишлаб чиқилаётган меъёрий ҳужжатларнинг аксарияти пул муомаласини барқарорлаштиришга қаратилган.

Пул муомаласининг барқарорлиги нафақат умум мамлакат учун, балки унинг ҳар бир фуқароси учун катта аҳамиятга эга. Мамлакат пул бирлигининг барқарор бўлиши, халқаро даражада мамлакатнинг молиявий салоҳиятини баҳоласа, мамлакат ичида пул барқарорлиги унинг фуқароларининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан аҳолининг яхшиланишига олиб келади.

Пул муомаласи барқарорлигини таъминлашнинг оддий бир формуласи мавжуд, яъни муомаллага чиқариладиган пул маълум қадр-қийматга эга бўлиши учун, муомаллага чиқарилган пул миқдориди, муомалада товар ва бошқа хизматлар бўлиши лозим. Агар шу нисбат бузилса, муомалада пулнинг товарларга нисбатан кўпайиб кетишига ёки товарларга нисбатан пул тақчиллигига олиб келиши мумкин.

Шу сабаб, мамлакатимизда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш ва унинг сотиб олиш қувватини ошириш учун, авваламбор,

муомалада мавжуд товарлар ва хизматлар турли-туманлилиги ва улар сифатининг юқорилигини таъминланиши лозим. Шунинг ҳам эсдан чиқармаслик керакки, пул бирлигининг барқарорлигини хоҳлаган четдан келтирилган товар эмас, айнан ўз мамлакатимиз заминидан ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар таъминлайди. Шунинг учун мамлакат иқтисодийётини янада юксалтириш, пул бирлигининг харид қувватини ошириш учун мамлакатимиз ички бозорининг талабларини қондирувчи товарларни ўзимиздан ишлаб чиқариш ва жаҳон бозори талабларига мос келувчи товарлар ишлаб чиқариб, экспорт қилиш орқали мамлакатга келиб тушувчи валюта тушумини кўпайтириш лозим.

Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, бизнинг валютаимиз ҳар қандай барқарор валютага эркин алмашина оладиган, у тан олинган ва ҳурмат қозонган валюта бўлишига замин яратишимиз лозим.

Бозор иқтисодийёти шароитида асосий долзарб муаммолардан бири бу валюта бозорини эркинлаштириш ва миллий валюта конвертирланишини таъминлашдир. Шундай экан, мамлакатимизда ҳам миллий валютаимиз – «сўм»ни конвертирланадиган валютага айлантириш муаммоси ҳозирги иқтисодий ислохотларнинг бош масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Миллий валюта конвертациясининг аҳамияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

- ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар томонидан сотиш ва сотиб олишнинг қулай бозорини ҳам мамлакат ичкарисида, ҳам ташқарисида эркин танлай олиши;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш ёки четдан инвестицияларни амалга ошириш учун рағбатлантирувчи куч бўлиб қолади (тўлиқ конвертация шароитида);

- хорижий рақобатчиларни миллий ишлаб чиқарувчиларга таъсири рағбатлантирилади, яъни милли ишлаб чиқарувчилар фаолияти самарадорлиги, эгилувчанлиги ва мослашувчанлиги ортади;

- миллий ишлаб чиқаришни халқаро стандартларга нархлар, харажатлар ва сифат бўйича яқинлаштиради;

- халқаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга ошириш имконияти туғилади;

- халқ хўжалиги миқёсида барча ресурслардан тўғри ва самарали фойдаланиш, уларни оқилона тақсимлаш имконияти туғилади;

- экспортни кенгайтириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга рағбатлантирувчи куч бўлиб қолади.

Конвертациянинг жорий этилиши хорижий валютани маъмурий усул билан тақсимлашни камайтиради. Миллий валютани конвертация қилиниши эса, мамлакат иқтисодийётининг очиқлиги эркинлик рамэларидан бўлиб, у оғир вазибаларни ҳал этилиши билан боғлиқ ислохотлар дастурини амалга оширишда асосий қўллаб-қувватловчи восита бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Маҳсулотларни сотиш ва молиявий натижаларни бошқаришнинг айрим муаммолари

Жуманиязов К., Отаниёзов Н. - Тошкент
Давлат иқтисодиёт университети.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг амалиётига асосий усул сифатида «ҳисоблаш» усули жорий этилган. Чунки бу усул :

а) бозор иқтисоди талабларига кўпроқ жавоб беради;

б) ҳозирги кунда республикада мавжуд бўлган даромадлар ва харажатларни акс эттиришдаги номуносибликни бартараф этади (кўпгина ҳолларда даромадлар касса усулида, харажатлар эса ҳисоблаш усулида қайд этилмоқда);

в) халқаро андозаларга мос келади ва у хорижий сармоядорларга маъқул тушадиган ягона усулдир;

г) кўпгина ҳолларда субъектлар молиявий ҳолатининг ўзгаришига олиб келмайди, чунки улар ўзининг маҳсулотини олдиндан тўловлар қилиш йўли билан сотади.

Маҳсулотнинг сотилишини ҳисоб варақларида акс эттириш икки хил амалдан иборат. Улардан биринчиси мана шу маҳсулот, ишлар ва хизматларни моддий товарлар сифатида топшириш жараёни бўлса, иккинчиси—шу маҳсулот, ишлар ва хизматлар учун пул тўланиши жараёнидир. Бу жараёнларнинг содир бўлиш вақти ҳар хил даврда кечиб, амалга ошириладиган хўжалик жараёнлари хусусиятларининг ҳар хиллиги билан ҳам фарқланади.

Бухгалтерия ҳисобининг бу услубияти халқаро амалиётда кенг тарқалган бўлиб, ундан бизнинг мамлакатимизда чет эл фирмалари билан биргаликда ташкил этилган қўшма корхоналарда бир неча йиллардан бери фойдаланиб келинмоқда ва унинг қўлланилиши янги сўётлар режасида ҳам тавсия этилган. Бу услубиятга кўра юқорида эслатиб ўтилганидек, жўнатиш маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор ҳамда буюртмачига топширилганидан кейин сотилган ҳисобланади.

Маҳсулот, ишлар ва хизматларни сотишдан келган тушум шартномадаги сотиш нархларида аниқланиб, ундан харидор ихтиёрига шартномага кўра берилган нархлардан қилинадиган чегирмалар қиймати чиқариб ташланади. Маҳсулот қийматидан шунингдек, қўшилган қиймат солиғи ва шунга ўхшаш солиқлар қиймати ҳам чиқариб ташланиб, улар маҳсулот сотилишидан олинган тушумларга қўшилмайди (агар солиқ тўлаш шартига кўра бундай солиқлар маҳсулотни сотиш нархидан ортиқча бўлган нархдан олинмайдиган бўлса). Ундан ташқари, тушумларга бож тўловлари ҳам қўшилмайди (агар улар харидорлар томонидан маҳсулотнинг шартномадаги нархидан ортиқча тўланадиган бўлса).

Маҳсулотларнинг 2810 – «Омбордаги тайёр маҳсулотлар», 9110 – «Сотилган маҳсулотларнинг таннари», 4010 – «Харидорлардан олинмайдиган сўётлар ва 9010 – «Маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» номи

счётларда акс эттирилади. Бу счётлардан куйидаги кўрсаткичларни тавсифловчи маълумотлар ҳосил қилинади:

- сотилган маҳсулот(иш,хизмат)нинг умумий харид қиймати;
- қўшимча қиймат солиғи;
- сотишдан тушган тушум;
- сотилган маҳсулотнинг меъёрий ишлаб чиқариш таннархи;
- сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг меъёрий таннархидан четга чиқиши;
- сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи;
- маржинал даромад; сотишнинг молиявий натижалари.

Бошқарув ҳисобида эса аналитик ҳисоб ҳар бир сотилган маҳсулот, топширилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг тури бўйича юритилиши лозим бўлади.

Бошқарув ҳисобини ушбу тартибда ташкил қилиш ва сотилган ҳар бир маҳсулотнинг алоҳида ҳисобини юритиш, улар бўйича ҳақиқий таннархни ҳисоблаш, маржинал даромад ва якуний молиявий натижани тегишли счётда ҳисоблаб топиш ва умумий молиявий натижани бошқариш имкониятини яратади.

Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатининг баъзи жиҳатлари

Костаев У., - Тошкент Давлат иқтисодиёт университети,

Мамлакатда иқтисодиётни эркинлаштириш ислоҳотлари амалга оширилмоқда ва бу борада ишлаб чиқиладиган ҳар бир меъёрий ҳужжат корхоналар хўжалик фаолиятида бошқарув қарорлари қабул қилишга ёрдам бериши зарур. Бунда, корхоналар фаолиятининг асосий манбаи ҳисобланган фойда муҳим аҳамиятга эга. Мулкчилик шакллари ичида бозор муносабатларига энг яхши даражада мослашган акциядорлик жамиятларида (АЖ) соф фойдани тақсимлаш акциядорлар умумий йиғини ваколатига киради. Акциядорлар умумий йиғини қарорига кўра фойдани тақсимлашнинг иккита, яъни ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ва дивидендлар тўлаш йўналишлари ва улар ўртасидаги нисбат аниқланади.

Корхона ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш - ҳар бир АЖ фаолиятининг бошланғич босқичида энг асосий ва зарурий тадбирларидан биридир. Янги ташкил қилинган АЖ фаолиятининг барқарорлик даражаси ҳали юқори бўлмаслиги табиий, чунки ички сармояларнинг етарли бўлмаган миқдори фаолиятни кенгайтириш ҳаражатларини тўлиқ қопламайди. Ушбу ҳолатда банк кредитларидан фойдаланиш бирмунча қулай ҳисоблансада, кредит учун тўланадиган фоизлар баъзан корхона фойдасининг сезиларли қисмини "еб" қўяди ва шу сабабли АЖ ўз бўш маблағларини асосан ушбу мақсад йўлида фойдаланишга интилади. Агар фаолият самарали юритилса, АЖ кейинчалик тўлиқ ўз-ўзини молиялаш тизимига ўтади. Бу борада иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибаси диққатга сазовордир. Масалан, АҚШ корпорациялари 1929 йилда фойданинг 20% ни реинвестиция қилган

бўлсалар, бу кўрсаткич миқдори 1950 йилда 70% ни ташкил қилган ва 90 йилларда эса бундан ҳам кўп бўлган.

АЖ устав капиталига сармоя киритиш орқали акциядорлар биринчи навбатда маълум миқдорда даромад олишни кўзлашади. Тижорат ташкилоти ҳисобланган АЖ Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига кўра фойдани акциядорларга дивиденд тариқасида уларга тегишли акциялар сонига мувофиқ тақсимлаш, акциядорлар эса эълон қилинган дивидендларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

"Дивиденд" термини лотинча сўздан олинган бўлиб, "бўлинган қисм" деган маънони билдиради. Дивидендлар - бу инвесторларнинг АЖ қимматли қоғозларига қилинган сармоясини натижасида оладиган даромадининг бир тури бўлиб, у фақат акциядорлар томонидан сотиб олинган акциялар бўйича тўланади.

Дивидендлар билан акцияларнинг бозор баҳоси (курси) узвий боғлангандир. Акциядор даромади ҳам айнан шу икки таркибий қисм: дивиденд ва акциялар бозор баҳосининг ижобий ўзгаришидан ташкил топади. Акциянинг бозор баҳоси фонд биржаларида акция курси деб номланади ва у акцияга тўланадиган дивиденд миқдорига тўғри ва қарз фоида меъёрига тескари пропорционалдир.

Сармоядор учун акциялар бўйича дивиденд миқдорининг ўсиш динамикаси жуда кичкина бўлсада, қанчалик барқарор бўлса, АЖ рейтингини фонд биржасида шунчалик юқори бўлади. Айнан мана шу дивиденд миқдорининг ўсиш доимийлиги бозордаги акциялар курсининг барқарорлигини таъминлайди. Шунинг учун фонд биржаларида акциялар курси юқори бўлиши учун фойда миқдори оз бўлсада, акцияларга дивиденд сифатида тақсимлаш мақсадга мувофиқдир. Агар дивиденд миқдорининг йиллик ўсиш суръати тўхтаса ёки тушса, АЖ фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобланган акциялар курси ҳам тушиб кетади. Энг ёмони - фонд биржасида акция курсининг пасайиш суръати тўланган дивидендлар миқдорининг пасайиш суръатидан тез бўлади. Шунинг учун акциялар облигациялардан фарқли равишда ҳам сармоядор ва ҳам эмитент томонидан уларни биржа савдосига қўйишда чуқур таҳлилий ҳисоб-китобларни талаб қилади.

Қайд қилиш лозимки, АЖнинг дивидендларни вақтида тўламаслигига акциядорларнинг ҳам ўз ҳуқуқларини билмаслиги ва баъзан эса дивидендларни ўз ҳуқуқларига мувофиқ талаб қила олмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Кўпчилик АЖларида эълон қилинган дивидендлар «пул йўқ» баҳонаси билан узоқ муддат мобайнида тўланмаса ҳам, акциядорлар корхона раҳбариятига «инсоф бериб қолар» умидида ўз ҳуқуқларини талаб қилишга шошилмайдилар. Натижада, ўзлари билмаган ҳолда уларга бундай ҳуқуқни кафолатловчи муддатли ўтказиб юборадилар.

Хорижий давлатлар амалиётида имтиёзли акциялар бўйича дивиденд тўлаш жараёнининг ўзига ҳос хусусиятлари мавжуд. Мамлакатимизда қўлланилаётган меъёрий ҳужжатларда бу жараён бўйича акциядорларга

имтиёзли акцияларнинг овоз берувчи акцияларга айланиши кўринишида жуда қулай кафолатлар берилган (29-модда). Лекин шунга қарамай айни пайтда имтиёзли акциялар хусусиятига амалдаги меъёрий ҳужжатлар нуқтаи назаридан эмас, балки назарий нуқтаи назаридан қараш ҳоллари кузатишмоқда. Бу ҳолат акциядорлар ўртасида, амалиётда, имтиёзли акцияларга дивиденд албатта тўланиши лозим, деган тушунчага олиб келмоқда.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, АЖда дивиденд тўловлари жараёнининг қуйидаги ҳолатларига алоҳида эътибор бериш лозим. Энг аввало, дивидендлар эълон қилинган ва эълон қилинмаган дивидендлар тўланмаган ҳолатларни фарқлаш лозим. Агар АЖ имтиёзли акциялар эгаларига дивиденд тўласа, ушбу акция эгаларининг умумий йиғинда овоз бериш ҳуқуқи йўқолиб, дивидендларни ундириш учун судга мурожат қилиш ҳуқуқи вужудга келади. Дивиденд эълон қилингандан сўнг уларни тўлаш АЖнинг мажбурияти ҳисобланади, шу сабабли имтиёзли акция эгаларига овоз бериш ҳуқуқи дивидендларни ундиришга ёрдам бера олмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва фаолиятининг натижалари ҳақида ҳисоботни тузиш муаммолари

Бобожонов О., Мақсудов Б. - *Тошкент давлат иқтисодиёт университети.*

Бошқарув ҳисобининг муҳим ажралмас қисмлардан бири жавобгарлик бўғинлари бўйича «Харажатлар – ишлаб чиқаришнинг ҳажми – натижалар» модели асосида ҳисобот тузиш ҳисобланади.

Бу ҳисобот ичида ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва хўжалик фаолиятининг натижалари ҳақидаги ҳисобот муҳим ўрин тутади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувчиларнинг ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва хўжалик фаолиятининг натижалари ҳақидаги аниқ ҳамда тезкор маълумотларга бўлган талаби жуда ортади. Бу талабни қондириш учун юқорида номи келтирилган ҳисобот ўз вақтида ва аниқ тузилиши шарт.

Субъектларда ҳар смена тугагандан сўнг смена ҳисоботи тузилиб, бу ҳисоботда смена давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори алоҳида бир бўлимда акс эттирилади. Ушбу ҳисобот тури ва шаклини ўзгартириб, унда ҳар бир маҳсулот партиясига сарфланадиган моддий бойликларнинг меъёрий сарфини ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сотиш баҳоларида акс эттирилишига эришиш керак. Бу нарса бошқарув ҳисобининг талабига жавоб бериб ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулотининг сифати ва ассортименти бўйича топшириқнинг бажарилишини таҳлил қилиш, ишлаб чиқаришнинг самарали ҳажмини белгилаш учун муҳим бўлган таннархи ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш имконини беради.

Юқорида кўриб чиқилган (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми акс эттирилган) смена ишлаб чиқариш ҳисоботи субъектларда биринчи босқичдаги ҳисобот ҳисобланади, яъни бригада ҳисоботидир. Иккинчи

босқичда бу кўрсаткичлар цех миқёсида, учинчи босқичда эса бутун субъект миқёсида умумлаштирилади.

Таклиф қилинаётган ҳисоботнинг шаклларида меъёрий (режа) фойда ҳақиқий фойда билан солиштирилади, меъёрдан четга чиқишлар эса, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва ишлаб чиқариш фаолиятининг натижалари бўйича кўрсатилади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича меъёрдан четга чиқишлар таркибида тушумга таъсир, миқдор, сифат ва ассортимент ҳисобига ўзгаришлар бутун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўйича ва унинг алоҳида турлари бўйича кўрсатилади. Харажатлар бўйича меъёрдан четга чиқишлар харажатларининг ҳар бир моддаси бўйича четга чиқишини келгусида умумлаштириб акс эттирувчи кўрсаткич изоҳлайди. Ҳисоботда режадаги ишлаб чиқаришдан олинadиган тушум кўрсаткичи маҳсулотнинг турлари бўйича ажратиб кўрсатилади ва маҳсулотни сотишдан олинган ҳақиқий тушум бўйича алоҳида акс эттирилади. Ҳисоботда таркибий бўлинмалар бўйича ҳақиқий миқдорда, сифатда ва ассортиментда, меъёрий таннархда маҳсулот ишлаб чиқарганда олиниши мумкин бўлган режа фойдаси ҳам кўрсатилади.

Хорижий амалиётда хўжалик фаолиятининг натижалари тўғрисидаги ҳисобот оммавий ёндошиш ва маржинал ёндашиш асосида тузилади.

Оммавий ёндошиш асосида тузиладиган ҳисоботда харажатлар тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш, сотиш ва маъмурият функциялари бўйича жойлаштирилади. Бу ёндошиш харажатларни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатларига бўлиш билан боғлиқ бўлсада, унда харажатларнинг ўзини тутиш хусусияти етарли даражада ҳисобга олинмайди. Шунинг учун функционал белгиларига кўра тузиладиган ушбу ҳисобот ички бошқарув эҳтиёжи талабига етарли жавоб бермайди.

Маржинал ёндошиш эса оммавий ёндошишга қарама-қарши ўлароқ харажатларнинг ўзини тутиш назариясига бўйсунadi. Тузиладиган хўжалик фаолиятининг натижалари тўғрисидаги ҳисоботда харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади ва маржинал даромаднинг миқдори сотишдан тушган фойда билан ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Харажатларнинг бундай тавсифланиши ва фойданинг бундай тартибда аниқланиши бошқарувчиларга назорат олиб боришда, айниқса, субъектнинг ишини режалаштиришда жуда зарур бўлади.

Субъектларнинг фаолиятини самарали бошқариш учун бошқарувчига умумхўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботнинг материаллари етарли бўлмайди, у алоҳида сегментнинг даромадлиги, бўлимлар, сотилаётган маҳсулотнинг турлари, сотиш ҳудудлари ва ҳоказолар тўғрисидаги маълумотларни беришнинг бундай шакли хорижий иқтисодий адабиётда «сегментлаштирилган ҳисобот» деб аталади. Бундай ҳисоботда маълумотлар маржинал шаклда тайёрланади. Бу эса субъектнинг кўпгина бўғинларини ва унинг жавобгарлик марказлари(харажатлар, фойда ва инвестиция марказлари)ни назорат қилиш ва уларнинг фаолиятини режалаштириш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, субъектларда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тузишда юқорида таъкидланган хориж таърибасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳисобнинг тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишдаги ролини ва тезкорлигини, маълумотларнинг қийматлилиқ даражасини оширишга олиб келади. Ана шундагина бозор иқтисодиёти шароитида кўзланган натижага эришиш мумкин.

Жорий операциялар бўйича конвертация ва унинг аҳамияти

Абдуллаева Ш.Э. - *Тошкент молия институти, и.ф.д., проф.*,
Жумаева Н.Э. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Жорий операциялар бўйича конвертациянинг жорий этилиши ташқи савдонинг эркин қоидалари мавжуд бўлган ҳолда иқтисодиётга катта самара олиб келиши мумкин. Импорт бўйича чекловларни олиб ташлаган ҳолда валютанинг жорий ҳисоб операциялари бўйича айирбошланиши, бевосита хориждан ҳар хил турдаги товар ва хизматларни харид қилиш имкониятини анча соддалаштирилган ва кенгайтирган ҳолда, аҳоли учун истеъмол товарлари ва хизматларининг кенг миқёсдаги ассортиментлари ва нархлар бўйича энг маъқулларини танлаб олиш имкониятини беради. Бу эса мамлакатда товар ва хизматларга бўлган талабни оширган ҳолда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳам хорижий рақобатчилар билан тенгма-тенг рақобат қилиб, сифатли ва нархлари бўйича хорижий товарлар нархидан қолишмайдиган даражада ишлаб чиқаришга ундайди. Жорий операциялар бўйича конвертациянинг жорий этилиши, шунингдек, ишлаб чиқариш ресурслари ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ўстириш имконини беради.

Жорий операциялар бўйича конвертациянинг жорий этилиши рақобатчилик интизомини вужудга келтиради ва мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш ва инвестиция соҳасида самарали қарорлар қабул қилишда тўғри йўл кўрсатувчи нарх кўрсаткичларини мавжуд бўлишига олиб келади.

Агар миллий валютанинг эркин конвертирланишига эришилса, бу жараён ислохотлар суръатига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хорижий инвестицияларни, айниқса, бевосита инвестицияларни жалб этишда шарт-шароит яратиши мумкин. Чунки, жорий операциялар бўйича конвертациянинг жорий этилиши ишлаб чиқариш ва инвестициялар соҳасида нисбий устуворликлар назариясидан келиб чиқиб, хўжалик субъектларини маълум бир соҳада тадбиркорлик қилиш муҳитини рағбатлантиради.

Миллий валютани конвертациялашда бир томондан конвертация йўналишидаги ислохотлар ўзаро келишган ҳолда олиб борилиши лозим. Бунда иқтисодий ўзгаришларни рағбатлантириш мақсадида конвертациянинг чекланган шакллари жорий этган ҳолда, иккинчи томондан эркин иқтисодий-сиёсий шароитларни яратиб бериш лозим.

Миллий валюта конвертациясини жорий этишда ҳар қандай ҳолатда ҳам қуйидаги шароитлар яратилиши зарур:

- хилма-хил мулкчилик шароитини таъминлаш ва хўжалик юритувчиларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш;

- товар, пул ва кредит бозорлари ривожланишини ўзида акс эттирувчи бозор муносабатларини тиклаш. Бунда моддий ва молиявий ресурсларни марказдан тақсимлашга ва монополияга барҳам бериш лозим;

- рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ва тармоқларни, хусусан экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни шакллантириш ва такомиллаштириш лозим. Бу ички бозорда хорижий рақобатчилар билан рақобат қилишда, тўлов балансини яхшилашда муҳимдир;

- нархлар борасида ислоҳотлар олиб бориш лозим, нархларни эркинлаштириш уларни бозорда талаб ва таклиф асосида шаклланишига эришиш лозим;

- тўлов балансини баланслаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, экспортни диверсификациялаш, қарздорлик устидан назорат ўрнатиш, олтин-валюта захираларини кўпайтиришни рағбатлантириш;

- хорижий капиталларни жалб этиш бўйича етарли шароит яратиш;

- пул-кредит муносабатларининг замонавий инфратузилмаларини шакллантириш ва такомиллаштириш (банк муассасалари, дилерлик ва брокерлик конторалари, кимматли қозғалар иккиламчи бозори ва бошқалар);

- ички иқтисодий ва молиявий ҳолатни барқарорлаштириш ва самарали антиинфляцион сиёсатни олиб бориш.

Юқорида санаб ўтилган барча шарт-шароитлар ва чоралар, конвертацияга ўтишнинг ҳар қандай усулида ҳам таъминланиши лозим.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, конвертация – бу бозор иқтисодиёти механизмининг муҳим дастаги ҳисобланади. Сабаби, айнан, миллий валюта конвертацияси орқали миллий иқтисодиётни халқаро интеграциялашувига эришиш мумкин.

Жаҳон банки изланишлари шуни кўрсатмоқдаки, ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш сиёсати билан макроиқтисодий сиёсат ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Ислоҳотларни ўтказишда давлатнинг барқарор иқтисодий ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ислоҳотларни ўтказишда маълум бир ўтиш даври бўлади, бу даврда харажатлар маълум даражада ошиши ёки баъзи иқтисодий кўрсаткичлар пасайиши кузатилиши мумкин. Ҳозирда мамлакатимизда миллий валюта бозорини эркинлаштириш ва «сўм»нинг конвертирланишини таъминлаш бўйича катта ишлар амалга ошириляётган бир пайтда, ислоҳотларни ижобий яқунига қадар давом эттирилишини истардик.

Миллий валютамыз «сўм» ўзининг реал курсини топиши учун, шунингдек, ички нархларни жаҳон нархлари билан тенглаштириш учун – девальвацияни ўтказиш ҳам ислоҳотларнинг бош масаласи бўлмоқда. Девальвация, шунингдек, экспорт салоҳиятини ошириб, ички ишлаб чиқаришини қайта таркибий мувофиқлаштиришда қўл келади.

Миллий пулимиз барқарорлигини таъминлаш бўйича ҳозирда мамлакатимизда ХВФ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича Дастур асосида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Валюта ресурсларини бошқаришда айрим банкларнинг монополиясига йўл қўймаслик лозим. Демак, банклар фаолиятини эркинлаштириш ислоҳотларини ҳам олиб бориш лозим. Чунки, валюта бозорининг ривожланиши биржадан ташқари валюта бозорининг ривожланишига узвий боғлиқдир.

Фарбий Европанинг 1950-йиллардаги валюта конвертациясига ўтиш дастурини ўзимизга идеаллаштирмаслигимиз лозим. Чунки у пайтдаги вазият билан ҳозирги вазият тубдан фарқ қилади. Валюта бозори, капитал ҳаракати ҳозиргидек ривожланмаганлиги сабабли, чайқовчилик (спекуляция) деярли йўқлиги сабабли, давлатнинг валюта бозорига таъсир этиши энгилроқ эди, «совун пуфаги» («мыльный пузырь») эффеқтининг таъсири деярли йўқ эди. Шу билан бирга у пайтда олтин стандарти ҳам муомаллада эди, олтин стандарт шаронтида эса конвертацияга ўтиш энгилроқ кечади.

Валюта бозорида брокерлик ва диллерлик фирмаларининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш талаб этилади. Чунки улар орқали ҳозирда валюта операцияларининг жуда катта қисми ўтмоқда. Валюта бозорида валюта таваккалчиликларини суғурталашни такомиллаштириш лозим.

Бугунги кунда валюта бозорида компьютерлар, уяли телефонлар, факс ва бошқа махсус электрон тизимларидан кенг фойдаланилмоқда. Шунинг учун, мамлакатимизда бу техникалар ривожига ва қўлланилиш даражасига эътибор бериш давр талабидир.

Ишонамиз комилки, яқин вақтлар ичида миллий валютамиз «сўм» ҳам эркин конвертирланадиган валюта бўлиб, резерв валюталар сафига қўшилади. Бу орқали эса, миллий валютамиз «сўм» мамлакатимиз иқтисодиётини халқаро интеграциялашувига хизмат қилади деб умид қиламиз.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида қарз сармояларнинг аҳамияти, уларни баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш

Матякубов Д.- Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.

Қарз сармояси элементларини комплекс ва тизимли баҳолаш бу ушбу тушунчани ўрганишга нисбатан принципиал жиҳатдан янгича ёндошув ҳисобланади. Хорижда ва мамлакатимизда чоп этилаётган иқтисодий адабиётларда қарз сармоясини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишнинг назарий–услубий жиҳатларини асослаб беришга етарли даражада эътибор қаратилмаган. Бизнинг назаримизда, қарз сармоясини ҳисобга олиш ва назорат қилишни янада такомиллаштириш, шунингдек, ушбу масала бўйича халқаро тажрибага интеграциялашувни қарз сармоясини ундаги элементларнинг комплекс тизими сифатида тасаввур этмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши

қарз сармоясининг янги шакллариға қизиқишни кучайтириб юборди. Шу муносабат билан хорижий ташкилотларнинг тажрибаси диққатға сазовордир, чунки бозор шароитида хўжалик юритишда ишлаб чиқаришни зарур ресурслар билан таъминлаш учун қарз сармоясининг турли шаклларидан фойдаланиш соҳасида улар бой тажриба тўплашган.

Мустақилликка эришилгандан кейин қарз сармоясининг республикаимиз иқтисодиёти муносабатларида ҳамда ривожланишнинг бозор қонунарини ўзида ақс эттирувчи “янги” шакллари, жумладан, облигация заёмлари, факторинг, акцент кредити, контокоррент кредит, лизинг, васиқа кредити, чет эл қарзларини кўрсатиб ўтадилар.

Қарз сармоясининг тузилишини билишда турли шаклдаги сармоянинг ўрнини баҳолаш, қарз сармоясини элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ва келиб чиқадиган зиддиятларни аниқроқ тасаввур қилишга, қарз сармоясининг ҳар бир элементини асл тавсифини белгилаб олишга, қарз сармоясини элементларининг комплекс тизими сифатида, ягона хўжалик жараёнида унинг элементларини фарқлари ва умумийлигини кўриб чиқишга имкон беради. Қарз сармоясининг биз таклиф этаётган тузилиши унинг гуруҳларидан ҳар бирининг асл тавсифи хусусиятларига асослангандир. Қарз сармоясининг таркиби кредитлардан, заёмлар ва кредитор қарзлардан таркиб топади.

Кредит—бу қарз сармоясининг шундай шаклики, у хўжалик юритувчи субъект томонидан, ташкилотлардан, давлатдан ва шахслардан мулкнинг натура ва пул шаклида олган маблағи ҳисобланади.

Банк кредитлари, тижорат кредитлари, товар кредити, солиқ кредити, давлатнинг мақсади кредити, бюджет ссудаси шаклида кредитлар ўзаро бир-биридан фарқ қилади.

Қарз сармоясини тузилишининг элементи сифатида кредиторлик қарзининг таркиби, кредитор-субъектлар таркибига боғлиқ бўлади. Биз тақсимот бўйича мажбуриятларни мустақил гуруҳга ажратиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Кредиторлик қарзи бундай гуруҳининг шаклланиши хўжалик шартномалари бўйича пайдо бўлган қарзлар ҳамда ташкилотнинг ходимларга иш ҳақи тўлаши, мулкдорлар ва акциядорларга дивидендлар тўлаши, ижтимоий сугурта органларига ажратмалар, давлат бюджети ва нобюджет фондлар билан ҳисоб-китобни амалга ошириш натижасида ҳосил бўладиган қарзга бўлиб чиқиш имконини беради.

Қарз сармоясини таркиби элементларининг ташкилотлар молиявий-хўжалик фаолиятида уларнинг қўллашдаги моҳияти ва ҳуқуқий жиҳатлари асосида аниқланган фарқлари қарз сармоясининг янги тузилишини таклиф этиш имконини берди, бу эса, бизнинг фикримизча, ушбу қарз сармояларни тўғри баҳолаш, ҳисобини юритиш, назорат ўрнатиш ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Перспективы государственной поддержки малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан в условиях ограниченности средств

Жамолов Х.- Тошкент молия институти, и.ф.н., доц.

Состояние развития малого и среднего бизнеса в республике характеризуется следующими данными:

- в 2001 году зарегистрировано около 202 тысячи предприятий малого и среднего бизнеса, из них 55,5 тысяч фермерских хозяйств, 10,8 тысяч дехканских хозяйств с правом юридического лица.
- увеличился удельный вес предприятий МСБ, функционирующих в сфере сельского хозяйства, торговли и общественного питания, промышленности, строительства;
- возрос удельный вес малого и среднего предпринимательства в валовом внутреннем продукте республики;
- удельный вес занятых на предприятиях МСБ составил около 9 процентов, а с учетом индивидуальных предпринимателей более 53 процентов от общего числа занятых в экономике страны.

Целью Программы развития МСБ является активизация мер по реализации основных положений, содержащихся в докладе Президента Республики Узбекистан на заседании Кабинета Министров Республики Узбекистан по итогам I полугодия 2001г. "О положении дел и проблемах в развитии малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства".

Исходя из необходимости повышения роли малого и среднего бизнеса в экономике страны, достижения качественных изменений в этой сфере, основными задачами Программы являются:

- создание условий для ускоренного развития малого и среднего бизнеса и устойчивого роста его доли в структуре ВВП с ориентацией вовлекаемых в сферу предпринимательства субъектов МСБ на организацию перерабатывающих производств, перепрофилирование неиспользуемых мощностей с учетом отраслевой направленности и сырьевой базы регионов, стимулирования расширения крупными предприятиями и акционерными обществами производственной кооперации с малыми и частными предприятиями, внедрения программ локализации и освоения выпуска экспортоориентированной продукции;
- увеличение доли малого, среднего бизнеса и частного предпринимательства в валовом внутреннем продукте страны;
- увеличение числа действующих предприятий МСБ;
- увеличение числа фермерских хозяйств;
- создание за счет развития малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства в 2002 году не менее 257 тысячи новых рабочих мест и в 2003 году - 259 тыс. мест;
- освоение действующих и привлечение новых иностранных кредитных линий, выделяемых международными финансовыми организациями на развитие малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства;
- расширение финансирования субъектов предпринимательства за счёт собственных средств коммерческих банков;
- выделение средств внебюджетными фондами республики для льготного кредитования предприятий малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства;
- оказание консалтинговых услуг предприятиям малого и среднего бизнеса консультационно-информационными центрами;

Реализация комплекса мер, указанных в государственной программе развития малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства в Республике Узбекистан на 2002-2003 годы обеспечит экономический рост и увеличение доли МСБ в ВВП страны.

Бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштириш масалалари

Маманазаров А. - *Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.*

Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ташкил этувчи муҳим қисмларидан бири, бу – бюджет тизимини ва унинг муҳим қирраси бўлмиш бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилишдир.

Турли мамлакатларга оид бюджет тизимларини ўрганиш шуни кўрсатадики, жаҳон амалиётида асосан, икки турдаги бюджет тизими мавжуд:

- икки бўғинли бюджет тизими;
- уч бўғинли бюджет тизими.

Икки бўғинли бюджет тизими асосан унитар тизимдаги давлатларда мавжуд бўлиб, бунда бюджет умумдавлат бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан ташкил топади. Уч бўғинли бюджет тизими эса, федератив тизимдаги давлатларда мавжуд бўлади. Бунда бюджет федератив бюджетлардан, федерация субъектлари бюджетларидан ва маҳаллий (муниципал) бюджетлардан ташкил топади.

Албатта, икки бўғинли бюджет тизими уч бўғинли бюджет тизимидан ўзининг соддалиги, аниқлиги, маъмурий - бошқарув харажатларининг камлиги билан ажралиб туради. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам давлат бюджет тизимидан ва маҳаллий бюджетлараро муносабатлардан иқтисодий ёнбоқаришнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни тасдиқлайдики, иқтисодий ёнбоқаришда бюджетдан фойдаланиш учта асосий тамойилга риоя қилинган тақдирда кутилган натижаларга эришиш мумкин. Булар - самарадорлик, барқарорлик ва ижтимоий адолатга риоя қилишдир. Иқтисодий самарадорлик деганда давлат бюджетини шакллантиришда, солиқ солиш механизмининг белгилашда, бюджет манбаларини йўналтиришда ҳамма вақт сарфланган маблағларнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигига ва уларнинг юқори самара беришига амал қилиниши лозим. Бунда алоҳида хўжалик юритувчи юридик шахснинг узоқ муддатли нафтини эмас, балки бутун хўжалик ёки жамиятнинг умуман наф беришини эътиборга олиш лозим. Даромадлар манбаларини танлашда, уларнинг ҳажмининг асослаш, айрим бўлимлар харажатларини аниқлаш ва уларнинг молиявий таъминланишига ушбу нуқтаи назардан ёндашиш зарур. Самарадорлик тамойили нафақат бюджет ва айрим корхоналар, ташкилотлар, аҳоли ўртасидаги фойдали ўзаро муносабатлар ўрнатишда, балки умумдавлат тадбирлари учун сарфланадиган маблағнинг таркибини белгилашда ҳам ўз ифодасини топади. Жамият нуқтаи назаридан бюджет маблағларининг бир қисми (маҳбул ҳажмда) мамлакат ҳарбий эҳтиёжларига, ички тартибни қўриқлашга, иқтисодий мажмуаси органларини сақлашга, маҳсулот ишлаб чиқармайдиган соҳаларнинг ривожлантирилишига йўналтирилиши, бир

жиҳатдан ҳатто фойдали ҳамдир. Бу нафақат фуқароларнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлайди, балки уларнинг моддий ва маданий ҳаётлари даражасини ошириш учун ҳам шароит яратади.

Иқтисоднинг барқарор бўлиши орқали давлат иқтисодиёт циклини, унинг кўтарилишлари ва пасайишларини назорат қилиб турса, бюджет ва кредит ёрдамида умумиқтисодий пропорцияларда ялпи маҳсулотни тақсимлашга таъсир кўрсатади, диспропорцияни олдини олиш учун заҳиралар ташкил қилади. Ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги, унинг ўсиши, кенгайиши, асосий ишлаб чиқариш қувватларининг янгилаанишини рағбатлантирувчи солиқ сиёсати орқали таъминлаш мумкин. Фан, таълимнинг ривожланиши, юқори малакали кадрлар тайёрланишини ва жамиятнинг узлуксиз ривожланиши учун бошқа ижтимоий шароитлар яратилишини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳим ақамиятга эга бўлади.

Ижтимоий адолат мавжуд бўлган шароитда ҳаракат қилаётган субъектларнинг даромадларига адолатли солиқлар солиниши, таълим муассасаларининг кенг тармоқларига, маданий - маърифий ва тиббиёт ташкилотларига маблағ ажратилишида ўз аксини топади.

Бюджетнинг бозор иқтисодиёти соҳасидаги ҳаракати жуда кенг, у моддий ишлаб чиқаришни ва ишлаб чиқаришга оид бўлмаган соҳаларни ўз назоратига олади. Тартибга солишнинг давлат тамойилларига амал қилган ҳолда, аниқ вазиятни ҳисобга олиб, бюджет, кредит, иқтисодий дастаклар ёрдамида иқтисоднинг ва аҳоли турмуш даражасининг ўсишига таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги ютуқлар кўп жиҳатдан бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг энг мақбул механизмини яратишга, турли даражадаги бюджетлар даромад манбаларини белгилаб олиш ва уни қонуний асос бириктириб, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида алоҳида ижтимоий ва иқтисодий вазифалар юзасидан жавобгарликни ажратиб қўйиш, ҳар бир даражадаги бюджет тизими зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан харажат ваколатларини аниқлаб берини каби чора тadbирларга боғлиқдир. Шу муносабат билан маҳаллий бюджет тизимларини мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар талабларига мос равишда такомиллаштириш, солиқларнинг ролини янада оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари ҳозирги кунда иқтисодий-ижтимоий сиёсат ва фан олдида турган асосий вазифалардан бири саналади.

О работе предприятий Ташкента по повышению экспортного потенциала

Ташмурадов Т., Маликова М.М., Пулатова Д.А. -
*Солиқ ва божхона органлари академияси,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети,
Тошкент Давлат техника университети.*

Ташкент занимает значительное место в развитии производительных сил Республики Узбекистан. Где здесь производится одна четверть всей выпускаемой продукции. Промышленность Ташкента насчитывает более 365 промышленных предприятий (объединений) 116 отраслей. Доля негосударственного сектора в промышленности составляет 92 %, а по

производству ТНП 99%. На промышленных предприятиях города производится более 68 важнейших видов промышленной продукции. В структуре промышленного производства наиболее значимое место занимают такие отрасли, как электроэнергетика, машиностроение и металлообработка, промышленность строительных материалов, химическая, легкая и пищевая.

В структуре валового внутреннего продукта города на промышленность приходится 16 %, строительство-7 %, прочие отрасли материального производства-22 %, отрасли нематериальной сферы-21 %. Доля малого и среднего бизнеса в целом по городу составляет 43 %, в том числе малых средних предприятий –25 %.

Объем внешнеторгового оборота Ташкента превышает два миллиона долларов США, в том числе на экспорт продукции (работ, услуг) от общего объема внешнеторгового оборота приходится 20 процентов, импорт продукции (работ, услуг)-80 процентов. Следует отметить, что по сравнению с 1991 годом объем внешнеторгового оборота увеличился в 28,5 раз. Соответственно, за тот же период в 17 и 51 увеличились и объемы экспорта и импорта.

Экспортный потенциал Ташкента определяется людскими ресурсами, существующими промышленными, местными и перерабатывающими производствами, наличием инфраструктуры по обслуживанию экспортеров.

Как показывает статистика, в структуре преобладает экспорт услуг (туризм, объемы грузовых и пассажирских перевозок как железнодорожным, так и воздушным транспортом, гостиничные услуги, полиграфические, услуги связи), что свидетельствует о возрастающем интересе к региону Центральной Азии. Экспорт указанных услуг увеличился почти в два раза.

Стабильным остается экспорт продовольствия: как и в предыдущие годы, в группе товаров продовольственного назначения наибольший объем составляют овощи, фрукты и продукты их переработки.

К сожалению, остается недостаточным экспорт продукции, произведенной промышленными предприятиями всех форм собственности. В общем объеме экспорта на долю продукции промышленного сектора города приходится лишь четвертая часть.

Все это невозможно без создания новых производственных мощностей и модернизации существующих промышленных предприятий. Модернизуется все промышленные комплексы города. Вопрос создания базы для выпуска конкурентоспособной на мировом рынке продукции с использованием иностранных инвестиций и технологий при максимальном использовании имеющихся местных сырьевых ресурсов рассматривается как основной.

За счет расширения рынков сбыта возрастает экспорт фильтров Ташкентским ОАО Завод «Компрессор». Модернизация оборудования и применения новых технологий позволяет ПП «Новатор» увеличить экспорт эмаль-провода и поршней. Предусмотрен рост экспорта продукции, выпускаемой ГАО «ТАПОиЧ». Экспорт металлорежущего и

металлообрабатывающего инструмента продолжается на ОАО «Асбобсоз» и СП «Инструменты и формы».

Расширяется объем и ассортимент выпускаемой кабельно-проводниковой и электротехнической продукции ДП «Вика интерпрайз», ОАО «Дойч кабель Эй Джи - Ташкент», НПО «Реле и автоматика».

Первоочередной задачей повышения экспортного потенциала отрасли легкой промышленности является обеспечение их материально-техническими ресурсами за счет местных источников, осуществление технического перевооружения и реконструкции действующих производств, привлечение иностранных инвестиций.

В городе освоен новый вид продукции-сухие экстракты быстрорастворимых напитков, экологически чистых, не имеющих в составе искусственных красителей, пастеризаторов, синтетических заменителей, а также абсолютно новые фруктовых консервов, выпуск которых освоен на методе сублимации.

Увеличиваются объемы экспорта и в агропромышленном комплексе города: СП: «Уфук Ко ЛТД» (кондитерские изделия), СП «Туфин» (шоколадно-кондитерские изделия, СП «Уртак» (Кондитерские изделия), минеральные воды собственного источника на АООТ «Шифобахш булок».

Больше внимания предполагается уделять стимулированию прямых иностранных инвестиций и иностранных займов, что, в конечном итоге, приведет к более глубокой специализации и через нее - к интеграции в мировую экономику. Положительно сказывается на повышении экспортного потенциала и организация работ по активному анализу внешнего рынка продукции предприятий города, создания торговых домов в странах, являющихся потенциальными экспортными рынками (Россия, Казахстан, Киргизстан, Туркменистан, Корея). Увеличению приема иностранных посетителей способствует расширение сотрудничества с международными туристическими организациями, развитие национально-прикладного искусства.

Благодаря усилиям организаторов ежегодно проводимой Ташкентской торгово-промышленной ярмарки создаются необходимые условия не только для демонстрации выпускаемых в столице товаров и оказываемых услуг, но и для изучения конъюнктуры рынка, формирования портфеля заказов, поиска партнеров, определенный интерес для которых могут представить научные разработки, ноу-хау, инвестиционные проекты.

Внешнеторговая деятельность Ташкента направлена на дальнейшую сбалансированность экспорта и импорта в стоимостных показателях.

Формирование внешних экономических связей Ташкента на качественно новой основе послужило организации новых предприятий, технической и технологической модернизации производства практически во всех отраслях промышленности.

Доля импорта во внешнеторговом обороте города уменьшается. В структуре импорта снижаются объемы импорта продовольствия, машин и оборудования.

Международная экономика, в особенности ее финансовый сектор, с каждым годом все больше и больше вытягивается в процессе глобализации, при этом играя самостоятельную роль, которую невозможно ни отследить, ни отрегулировать усилиями отдельно взятого государства.

Международные финансовые рынки, по существу вторичные по своей природе, превзошли рынки реальных товаров и услуг. Миллиарды долларов под влиянием небольшого колебания процентной ставки могут в считанные дни покинуть страну и вызвать глубочайший финансовый кризис. Небольшие перекосы в курсах валют дают возможность спекуляций, ведущих к прибыли или потерям в сотни миллионов долларов в течение нескольких часов. Цены на финансовые инструменты на рынках устанавливаются, исходя не из традиционного соотношения спроса и предложения, а из преобладающих на рынке ожиданий.

Мировой кризис затронул почти все финансовые рынки стран, начиная с Мексики, валюта которой в 1994 году обесценилась в 2,33 раза, кончая Аргентиной, которую в 2002 году охватил очередной валютный кризис, с девальвацией национальной валюты в 3,89 раз.

Под валютным кризисом обычно понимается резкое падение курса национальной валюты на -25-30% и более за несколько месяцев, и такое же сокращение валютных резервов.

Валютные кризисы условно можно разделить на три типа:

1. Собственно валютный (или кризис платежного баланса);
2. Кризис государственного долга (или финансовый);
3. Долговой кризис частных заемщиков (банковский).

Первый тип кризиса возникает при фиксации курса центральным банком, противоречащим другим целям макроэкономической политики. Если расширение денежной массы в данной стране идет быстрее, чем в других, спрос на валюту будет превышать ее предложение. В подобной ситуации возможность поддержания валютного курса определяется только величиной валютных резервов центрального банка. Кризис в этом случае может произойти даже без международного движения капиталов, без кредиторов, заемщиков и банков. Такой тип валютного кризиса описан П. Кругманом как кризис платежного баланса, впоследствии он назвал его «канонической моделью валютного кризиса», в рамках которого кризис происходит из-за фундаментального несоответствия между монетизацией бюджетного дефицита и попыткой сохранить фиксированный курс.

Второй тип валютного кризиса происходит из-за чрезмерного накопления государственного долга, когда у инвесторов появляются сомнения относительно способности правительства бесперебойно обслуживать свою задолженность. По мнению Кругмана эти кризисы-

модель второго поколения, которые основаны на сопоставлении выгод и издержек отказа от твердого курса: как только инвесторы убеждаются в том, что выгоды от девальвации для правительства (в виде обесценения долга, номинированного в национальной валюте) перевешивают издержки (рост цен, повышение стоимости обслуживания инвалютного долга), они атакуют валюту, вызывая кризис.

Третий тип кризиса обусловлен долговым кризисом частного сектора, даже если размеры государственного долга не вызывают опасений. С таким кризисом столкнулись азиатские страны в 1997-1998 гг. Из-за оттока краткосрочного капитала произошла резкая девальвация национальных валют стран Юго- Восточной Азии- валюты Индонезии, Малайзии, Филиппин обесценились на 15-20%, устоявшие в ходе летнего кризиса валюты Южной Кореи, Сингапура , Тайваня в октябре девальвировали на 5-10%.

До азиатских кризисов т.н. «доктрина Лоунсона» основывалась на предпосылке, что государство должно заботиться только о собственных макроэкономических показателях (бюджет, дефицит и государственный долг), тогда как текущие операции и задолженность, возникающая из-за деятельности частного сектора должны регулироваться рыночными механизмами. Однако предпосылка, что стоимость риска частных кредитов будет включаться в цену займов, оказалась неверной.

Внешняя задолженность стран Восточной Азии на конец июня 1997 г. (млрд. долл.)⁹

Заемщик	Сроки погашения			Получатели				Всего
	До 2 лет	Более 2 лет	Без указания	Банки	Госсектор	Небанковский частный сектор	Без указания	
Индонезия	38,2	17,0	3,5	12,9	6,5	39,7	0,1	59,3
Малайзия	16,9	8,2	3,7	10,5	1,9	16,5	0,0	28,8
Филиппины	8,6	4,0	1,5	5,5	1,9	6,8	0,0	14,1
Таиланд	50,2	16,5	2,7	26,1	2,0	41,3	0,1	69,4
Южная Корея	74,3	16,4	12,7	67,9	4,4	31,7	0,1	104,1

Долговой кризис частного сектора разразился в азиатских странах при практически безупречных макроэкономических показателях. В странах Юго-Восточной Азии, за исключением Таиланда, в 1997 году наблюдались высокие темпы роста, низкая инфляция, актив или небольшой дефицит госбюджета, относительно низкий внешний долг. Дефицит по счету текущих операций хотя и был значительным, покрывался притоком капитала, причем

⁹ Журнал «Экономическое обозрение», 1-2, 1999г.

долгосрочного, валютные резервы казались достаточными, чтобы противостоять возможному оттоку краткосрочного капитала: высокая норма сбережений, значительный экономический рост, низкая инфляция, почти полное отсутствие бюджетного дефицита, умеренная государственная задолженность.

Отток капитала и валютный кризис произошел именно из-за недоверия инвесторов к чрезмерной задолженности частного сектора - банков в Таиланде, конгломератов в Индонезии, чеболов в Корее и т.д. Некоторые экономисты полагают, что для Таиланда, Малайзии и Индонезии основная проблема состояла в завышенности обменного курса, однако состояние финансового сектора также было критическим.

Правильная политика не гарантирует от «атаки на валюту»: мексиканская политика, правда не была во всем безупречной, однако основополагающие показатели были вполне приличными, но это не спасло валюту от краха.

Валютный кризис тем и отличается от долгового, что может произойти и происходит даже при низкой задолженности: для стабильности валюты в краткосрочной перспективе важен не общий объем долга, а величина его высоколиквидной части. Это объем краткосрочных капиталов, так называемых «горячих денег», способных быстро перемещаться из страны в страну, точнее из одной валюты в другую, даже не покидая страны, подрывая стабильность национальных денежных единиц и создавая проблемы для всех центральных банков.

Масштабы перемещения капитала в сегодняшнем мире таковы, что хорошие макроэкономические показатели: низкая инфляция, актив баланса по текущим операциям, (невысокие внешняя задолженность и платежи по обслуживанию долга) не могут служить гарантией от «атаки на валюту».

Контроль за движением капитала позволяет правительству проводить экономическую политику, соответствующую текущим внутренним интересам страны, без оглядки на реакцию иностранных инвесторов. В качестве примера, ограничения на движение капитала и конвертируемость китайского юаня позволяют проводить политику снижения процентных ставок для стимулирования экономического роста без негативных эффектов в виде оттока спекулятивного капитала из страны. Китайский юань одна из немногих в развивающемся мире валют, избежавших девальвации за полтора года азиатского кризиса. Кроме того, любую реструктуризацию финансового сектора удобнее проводить в стабильной обстановке, когда потоки капитала внутри страны находятся под контролем. Однако, с другой стороны, такой контроль сдерживает и долгосрочные иностранные инвестиции, а также создает определенные экономические искажения.

*Последствия финансового кризиса в отдельных странах Юго-восточной Азии
(изменение показателей за период с 1 июля 1997 г. по 18 февраля 1998 г.)¹.*

	Падение курса национальной валюты (%)	Падение курсов акций на фондовых биржах (%)	Капитализация рынка акций на октябрь 1998 г. (млрд долл.)	Капитализация рынка акций на февраль 1998 г. (млрд долл.)
Индонезия	73.5	81.2	55.2	15-20
Ю. Корея	48.1	32.3	91.8	55-65
Таиланд	43.2	47.9	33.9	15-20
Малайзия	33.3	59	139.2	70-80
Сингапур	13.2	45	-	-
Гонконг	0	36.6	-	-

Развитие лизинга в Узбекистане

Гулямова Г.С.- *Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, и. ф. н., доц.*

Одной из наиболее новых и стремительно развивающихся форм кредита сегодня является лизинг.

В Узбекистане по итогам 2000 года объем работ, выполненных лизинговыми компаниями, был равен 920 млн. сум, что составило соответственно 0,028% к ВВП республики, тогда как в зарубежных развивающихся странах объем лизинговых услуг составляет 0,8 - 3% , а в западных странах 1.5-2.5%.

Одной из лизинговых компаний Узбекистана, осуществляющей кредитование МСБ посредством лизинга, является созданная в 1996 году Универсальная лизинговая компания «Барака». Компания была учреждена в целях поддержки среднего и частного предпринимательства. Отсутствие жесткой специализации компании позволяет осуществлять широкую работу с предпринимателями, представляющими различные сектора экономики. Компанией реализовано более 70 проектов, которые работают во всех регионах Узбекистана, на общую сумму свыше 700 млн.сум и 2,9 млн. долл США. Компанией были кредитованы при помощи лизинга предприятия МСБ во всех регионах республики по таким направлениям, как переработка и упаковка сельскохозяйственной продукции, производство безалкогольных напитков, перереработка кожи, производство трикотажных изделий и обуви.

Но лизинг не может выступать как панацея от всех проблем, с которыми сталкивается МСБ. Развитие лизинга в стране отстает по темпам своего развития и не удовлетворяет в полной мере растущим потребностям реального сектора экономики, особенно в малых и средних предприятиях, в модернизации и перевооружении производства.

Так, основными проблемами, сдерживающими процесс развития лизинга в Узбекистане в целом и для МСБ в частности, являются следующие:

- Определение в Законе «О лизинге» и Гражданском кодексе Республики Узбекистан объекта лизинга, как только имущества, используемого в предпринимательских целях, что ограничивает круг лизингополучателей и возможность развития потребительского лизинга.
- 20% НДС на лизинговые платежи по договорам лизинга. В настоящий момент такая ситуация складывается на рынке финансовых услуг, а также и в банках, имеющих возможность заниматься как кредитованием, так и лизингом. В результате этого падает конкурентоспособность лизинга с банковским кредитом.
- В соответствии с положением Части 1 статьи 38 и Части 1 статьи 17 Налогового кодекса Республики Узбекистан лизинговые компании обязаны платить налог на прибыль и НДС со всей суммы договора лизинга вне зависимости получил ли он лизинговые платежи.
- Необходимость нотариального удостоверения договора лизинга согласно существующему положению ч.2 статьи 9 Закона Республики Узбекистан «О лизинге», где говорится, что договор лизинга подлежит нотариальному удостоверению, если лизингополучатель является физическим лицом. В результате взимается нотариальная пошлина как процент от общей суммы договора. Это в действительности лишь еще более ограничивает доступ субъектов малого и среднего бизнеса, а также иных потенциальных лизингополучателей к лизинговому оборудованию в результате значительного удорожания стоимости сделки.
- У лизинговых компаний в настоящее время наблюдается недостаток собственных средств для осуществления лизинговой операции. Данную проблему можно было бы решить использованием заемных (привлеченных) средств различных финансовых институтов. Но согласно существующим нормативным актам банки и внебюджетные фонды не имеют возможности предоставлять кредиты и займы лизинговым компаниям на льготных условиях, как они это делают в отношении некоторых приоритетных отраслей.
- Проблема в реализации субъектами лизинга права передачи поставщиком непосредственно лизингополучателю объекта лизинга и оформление последнего в качестве собственника оборудования. При лизинге объектов лизинга, требующих государственной регистрации существует необходимость регистрации объекта: 1 – при покупке транспортного средства (переход имущества в собственность лизингодателя) и 2 – передачи его лизингополучателю при прекращении договора финансового лизинга (переход в собственность лизингополучателя). Следовательно возникает проблема двойной оплаты госпошлины.

Некоторые аспекты государственной антимонопольной политики в Республике Узбекистан

Давруков Ф.У., Назаров О.А. - *Узбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси.*

Одной из основных сфер регулирования экономики является проведение государственной антимонопольной политики, обеспечивающей повышение качества и конкурентоспособности продукции.

В соответствии с концепцией государственной антимонопольной политики, основными задачами правительственной программы являются формирование конкурентной среды, содействие развитию предпринимательства, регулирование деятельности предприятий-монополистов, предотвращение злоупотреблений хозяйствующими субъектами с доминирующим положением на рынке.

Созданная организационно-правовая база и стратегические принципы антимонопольной политики, отвечают международной практике. Однако, в соответствии с этапами рыночных преобразований, требуется постоянное совершенствование форм и методов антимонопольного регулирования.

При этом, на наш взгляд, антимонопольная политика в Узбекистане должна исходить из тех основных идей и принципов, которые составляют основу антимонопольного регулирования, использовать опыт развитых стран, где она успешно применяется.

В отличие от промышленно развитых стран, где концепция антимонопольного регулирования основывается на рыночных структурах с присущей им конкуренцией, в Узбекистане формирование антимонопольной политики происходит в условиях переходного к рыночной экономике периода, поэтому при разработке форм и методов реализации антимонопольной политики необходимо учитывать объективно присущие данному периоду характерные особенности:

- наличие монополизации в сфере производства и реализации товаров и оказания услуг, ведомственно-отраслевого управления экономикой;

- необходимость дальнейшей реструктуризации экономики с целью повышения эффективности и вхождения республики в мировой рынок как равноправного партнера;

- недостаточность информационного обеспечения и отсутствие нормальной ретрансляции накопленной статической информации.

Следовательно, при использовании антимонопольных мер необходим взвешенный, прагматичный подход, учитывающий не только особенности монополизации товарных рынков, но и особенности сложившейся ситуации в экономике республики.

Анализируя применяемую не только в Узбекистане, но и во многих других государствах практику ценового регулирования, важно учитывать, что она способна эффективно препятствовать монополистическим тенденциям лишь в краткосрочной перспективе.

Действующий порядок формирования цен на монопольную продукцию не позволяет осуществлять инвестиции в производство из-за отсутствия необходимой дополнительной прибыли. Недостаток средств, устаревшее оборудование и технологии приводят к некокурентоспособности предприятия, а низкий уровень цен по сравнению с рыночными – к получению огромных прибылей различными посредниками на основе использования сложившейся разницы в ценах.

По мере насыщения рынка и развития конкуренции, на наш взгляд, необходимо постепенно отойти от практики декларирования цен. Дальнейшее регулирование деятельности монополистов предлагается целесообразным осуществлять путем мониторинга товарных рынков, что расширение арсенала методов воздействия на монополистов, переход от прямого ценового регулирования к поиску более адекватных рыночным отношениям средств достижения цели- создания конкурентной рыночной среды.

В основе формулирования и реализации принципов эффективной демополизации экономики должны лежать высококачественный и своевременный анализ и информация о состоянии экономики.

Не имея прочной базы данных о структуре рынка и факторов, определяющих действия хозяйствующих субъектов, не представляется возможным разрабатывать эффективные меры по регулированию деятельности монополий и развитию конкурентных отношений.

Многообразие и разносторонний характер выполняемых антимонопольным органом республики функций требует обращения к различным источникам информации, в том числе ведомственным. Их анализ выявил многочисленные различия (недостатки) в методологии сбора информации и, как следствие, несопоставимость однородных показателей, формируемых в разных организациях по степени агрегации, единицам измерения, величине, периодичности и т.п.

Необходимо ускорение разработки единой государственной статистической информационной системы республики. Углубление реформ и совершенствование государственной статистической информационной системы республики на ближайшую перспективу должно обеспечить:

- целостное представление о состоянии товарных рынков и уровне развития конкуренции на них;

- выявление предприятий- монополистов на товарных рынках и регулирование их деятельности путем включения их в Государственный реестр объединений (предприятий)- монополистов;

- разработку отраслевых и региональных программ демополизации;

- сокращение проверок хозяйствующих субъектов.

На долгосрочную перспективу указанная система:

- послужит основой для разработки механизма для постепенного перехода от прямого государственного регулирования деятельности предприятий-монополистов к рыночным механизмам, т.е. дальнейшее

регулирование предприятий-монополистов будет осуществляться путем мониторинга товарных рынков;

- создаст возможность выявления согласованных действий хозяйствующих субъектов, направленных на ограничение конкуренции;
- обеспечит единство информационных стандартов и классификаторов;
- исключит дублирование информации и т.п.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг фаолиятини ривожлантириш масалалари

Ходжаев Ж.Р., Шоҳъазамий Ш. Ш. - *Тошкент молия институти.*

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ тижорат банклари фонд бозорида қимматли қоғозлар билан актив ва пассив операцияларни амалга ошириши ҳамда профессионал иштирокчи сифатида фаолият юритиши мумкин. Буларга куйидаги фаолиятлар киради:

- қимматли қоғозларни эмиссия қилиш;
- брокерлик хизмати;
- дилерлик операциялари;
- депозитарий ва реестр юритиш хизматлари;
- қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-клиринг хизмати;
- қимматли қоғозларнинг номинал сақловчиси;
- траст операцияларини бажариш;
- трансфер-агентлик ва инкассо функцияларини бажариш;
- маслаҳат ва бошқа хизматларни бажариш.

Қимматли қоғозлар бозоридаги сиёсатнинг юрғазилишига боғлиқ ҳолда тижорат банклари у ёки бу муомалаларни танлаб, ўзларининг фаолият йўналишларини белгилаб оладилар. Банклар фонд бозори конъюктурасининг ўзгаришига қараб, ўзларининг фаолият сиёсатини танлайдилар ва унинг доирасида, юқорида санаб ўтилган фаолият турларини комбинациялаш асосида самарали иш олиб борадилар. Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда биз қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг фаолиятини давлат ва ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар, ҳамда банкларнинг бошқарув органлари томонидан самарали тартибга солишни янада такомиллаштириш масалаларини долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаймиз. Бунда ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг фаолиятини тартибга солишнинг чет эл тажрибаларидан керакли даражада фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини амалиёт тақозо этиб турибди.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг фаолият механизмлари ва уларни тартибга солишни янада такомиллаштириш мақсадида куйидаги таҳлилий натижаларга келинди:

- қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг давлат ва ўз-ўзини мувофиқлаштириш институтлари томонидан тартибга солиш тизимининг такомиллаштириш даражасини ошириш мақсадга мувофиқдир;

- банклар қимматли қоғозлар бозорида пассив ва актив операцияларни сусти олиб бормоқдалар;
- банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция, эмиссия ва дивиденд сиёсатлари талаб даражасида эмас;
- банклар қимматли қоғозлар бозорида профессионал иштирокчи (инвестиция институти) сифатида сусти фаолият юритмоқда;
- банкларда корпоратив бошқарув ва менежмент масалалари пассив ҳал этилмоқда;
- банкларнинг кредит ва қимматли қоғозлар бозоридаги сиёсатлари баланси паст самара бермоқда.

Юқорида кўрсатилган тадбирлар натижасида Ўзбекистонда тижорат банклари фаолиятини қимматли қоғозлар бозорида фаоллаштиришда асосий эътибор қуйидаги йўналишларга қаратилиши мақсадга мувофиқ:

- тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятининг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини такомиллаштирилиши;
- тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органларининг роли ва вазифаларини такомиллаштириш;
- ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг роли ва вазифасини такомиллаштириш (бундай ташкилотларга Ўзбекистон ҳудудида банклар миллий ассоциацияси ва инвестиция институтларининг миллий ассоциацияси киради);
- тижорат банкларида корпоратив бошқариш ва менежментни яхшилаш. Ушбу йўналишларни амалиётга чуқурроқ тадбиқ этилиши қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари фаолиятини янада жадаллаштиришга олиб келиши мумкин.

Солиқ юкининг корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига таъсири

Боймуродов С. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Солиққа тортиш муносабатларининг назарий асосларидан маълумки, бюджетга тўланадиган солиқ суммасининг солиқ объектига нисбатан ҳажми солиқ нормаси дейилади ва у корхона даромад(фойда)ининг миқдорига, мол-мулк қийматига ёки товар сотиш айланмасининг ҳажмига бевосита боғлиқ ҳолда белгиланади. Лекин солиқ нормаси фақат бир солиқ тури ёки тўловнинг бюджетга ўтказиладиган қисминигина ифода этади.

Корхона ёки фуқаролар тўлайдиган барча солиқлар ва мажбурий тўловлар йиғиндиси эса, солиқ салмоғини ташкил этади. Солиқ салмоғи бошқа хўжалик субъектларининг молиявий фаолиятига таъсир кўрсатувчи қўшимча харажатлар ҳисобланади ва амалиётда «солиқ юки» –деб талқин қилинади.

Солиққа тортишнинг оқилона тузилмасини яратиш солиқларнинг ҳаракат соҳасини баҳолаш билан бевосита боғлиқ. Ҳаракат соҳаси солиқлар юкини ўз зиммасига олган хўжалик субъектларига тааллуқлидир.

Солиқ юкининг асосий хусусияти бозор талаби ва бозор тақлифи билан боғлиқ бўлади. Солиқ юкининг оғирлашуви жамиятда солиққа тортиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни маълум даражада қисқартиришга ёки иқтисодий фаолиятни ҳаддан ташқари катта солиқлар билан қийнаб қўйишга сабаб бўлади. Даромадларни қайта тақсимлаш, жамият учун муайян йўқотишларни келтириб чиқаради.

Республикамизда солиқ кодекси жорий этилиши билан иқтисодиётимизга солиқ салмоғини пасайтиришнинг аниқ тамойили амалга кирди. Ўтказилиётган ислохотлар натижасида ялпи ижтимоий маҳсулотда давлат бюджети даромадларининг ҳиссаси билан тавсифланадиган солиқ юкининг умумий даражаси пасайди ёки 1999 йилда 29.3 фоизини ташкил қилган бўлса, 2001 йилда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 26 фоизини ташкил этди.

Ишлаб чиқариш секторида солиқ юкининг камайиши, асосан корхоналар фойдасига солиқ солиш даражасининг пасайиши воситасида амалга оширилди. Ёки, жорий этилган 1995 йилдаги 38 фоиздан, 2002 йилда 24 фоизгача ҳар йили фойда солиғи ставкаси пасайтирилиб борилди.

Президентимиз ушбу масалага катта эътибор қаратиб, 2002 йил 18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланишича, иқтисодиётни эркинлаштириш корхоналарнинг эркин иқтисодий фаолият юритиш имкониятларини кенгайтириш, бир томондан, давлатнинг бошқарув ролини кескин чеклашни, иккинчи томондан эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, улар учун ўзлари ишлаб топган маблағларини ишлатишда янада кўпроқ эркинлик ва имкониятлар яратишни талаб этади.

Содда қилиб айтганда, хўжалик ва корхоналарга бу масалада энгиллик бериш, уларнинг елкасидаги солиқ юкини камайтириш чораларини кўриш лозим. Илгариги маъмурий режалаштириш тизими шароитида давлат мулки тўлиқ ҳукмрон бўлган даврда, давлатнинг фискал функциялари, яъни маъмурий ундириб олиш вазифаларини кучайтиришга катта аҳамият берилар эди. Бу тизим солиқлар ва бошқа маъмурий тўловлар орқали давлат хазинасига имкон қадар кўпроқ маблағ йиғишга ҳаракат қиларди, кейинчалик эса, бу маблағларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан шуғулланар эди.

Бутунги кунда республика бирлашган бюджетига ана шундай тўловлар улуши ялпи ички маҳсулот ҳажмида 35 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Ҳолбуки дунё тажрибасида бюджетга тўланадиган солиқ тўловларининг мақбул нормалари аллақачон шаклланиб бўлган. Бунинг устига агар тўлов ҳажми ана шу чегарадан ошадиган бўлса, одатда ишлаб чиқариш суръати ва ялпи ички маҳсулот ҳажми ўз - ўзидан пасайиб кетади.

Шунинг учун 2003 ва кейинги йиллар учун давлат бюджети лойиҳаларини ишлаб чиқишда биринчи навбатда фойдадан олинадиган

солиқ ставкаларини пасайтириш, умуман солиқ юкини камайтириш бўйича таклифлар киритиш вазифасининг қўйилиши бежиз эмас.

Корхона ва ташкилотлар учун солиқ юкини камайтириш ва солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтириш оқибатида солиқ солишдан озод қолган даромадни корхонанинг моддий-техника базасини кенгайтириш ва мустақамлашга қаратиш, солиққа тортиладиган қўшимча ҳажмлар ва қўшимча объектлар пайдо қилади. Натижада, бюджетга тушумлар камайишининг ўрни ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ва шунга мувофиқ равишда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг ортиши ҳисобига қопланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш сингари устувор йўналишларда солиқларнинг рағбатлантирувчи вазифасини фаоллашуви, хусусан улар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимининг белгиланганлиги ва унга мувофиқ равишда улар умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига бюджетга ягона солиқ ва ягона ер солиғини тўлашлари солиқ юкининг анчагина пасайишига олиб келди. Бу эса, айниқса, хўжалик юритувчи кичик тузилмалар учун муҳимдир, чунки уларнинг фаолият шароити йирик корхоналарга нисбатан беқарорлиги билан ажралиб туради. Иккинчидан, ягона солиқни ҳисоблаб чиқаришда бухгалтерия ҳисобининг соддалиги, солиқ тўловчиларга қўшимча ҳисобланган суммалар ва жарима чоралари анча қисқариши билан тавсияланади.

Проблемы развития рынка ценных бумаг в Республике Узбекистан

Суювдиқов Ш.А., Тохтабаев Т.Р., Джураев В.Д. -
Тошкент молия институти.

В экономически развитых странах рынок государственных облигаций играет значительную роль в финансировании государственных расходов, поддержании ликвидности банковской системы, развитии экономики в целом. С помощью рынка государственных облигаций решаются следующие основные задачи:

- 1) финансирование текущего дефицита государственного бюджета;
- 2) рефинансирование ранее размещенных государственных займов;
- 3) регулирование объема денежной массы в обращении;
- 4) обеспечение коммерческих банков и других финансовых институтов высоколиквидными и надежными резервными активами.

Рынок государственных ценных бумаг в виде ГКО начал свое функционирование в 1996 году. За короткий срок он превратился в важнейшую составную часть финансового рынка. Уже через год после своего основания оборот рынка ГКО составлял более 80% совокупного оборота фондовых бирж страны.

Бурное развитие рынка ГКО вызвано тем, что он предоставил инвесторам целый ряд уникальных возможностей. На Республиканской Валютной Бирже создан ряд электронных систем, обеспечивающих полный технологический цикл эмиссии, хранения, обращения и погашения

облигаций и гарантирующих операторам полноту и своевременность расчетов по сделкам.

В целях повышения интереса инвесторов к этому инструменту правительством установлен льготный режим налогообложения (налоговая ставка по доходам, полученным по негосударственным ценным бумагам, составляет 15%, тогда как доходы по ГКО налогами не облагаются).

Несмотря на проводимые меры по повышению привлекательности рынка государственных ценных бумаг, все же остаются вопросы, требующие внимания и решения.

Процесс либерализации валютного рынка. По оценке ситуации на валютном рынке, рост официального курса доллара США на 1 января 2002 года по отношению к 1 января 2000 года увеличился в пять раз, что приводит к почти аналогичному росту потребности у банков и их клиентов в средствах в национальной валюте для покупки иностранной валюты. А это значит, что инвесторы уводят капитал с рынка ГКО на валютный рынок.

В частности, проведенный анализ показывает, что стоимость привлекаемых коммерческими банками ресурсов растет. Так, если средняя процентная ставка по срочным депозитам физических лиц в 2000 году составляла 24 - 35%, то в 2001 году данный показатель составил 25 - 40% годовых¹⁰.

Проведенный анализ показывает, что доходы, получаемые банками от ГКО, не обеспечивают покрытие расходов по привлекаемым ресурсам.

В связи с этим и в целях решения существующей проблемы по повышению привлекательности и капитализации рынка государственных ценных бумаг, на наш взгляд было бы целесообразным осуществить следующие меры, которые будут способствовать решению возникших проблем:

- допустить на первичный рынок ГКО иностранных инвесторов (нерезидентов), что позволит привлечь портфельные иностранные инвестиции, тем самым способствовать увеличению капитализации рынка.

- разрешить участие в торгах всех инвестиционных посредников, имеющих лицензии Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг на право совершения операций на рынке ценных бумаг, что расширит круг участников торгов.

- разработать порядок участия коммерческих банков и их региональных отделений, а также инвестиционных институтов на вторичных торгах по ГКО.

- открыть доступ региональным отделениям бирж к процессу первичных и вторичных торгов по государственным ценным бумагам путем установления удаленных терминалов.

- отменить комиссионный сбор от суммы сделок при первичном размещении ГКО, взимаемый у дилеров и банками-дилерами у инвесторов.

¹⁰ Рассчитано по отчетам представленным коммерческими банками в Министерство финансов.

Это увеличит реальную доходность ГКО для инвестора, так как расходы банков-дилеров и инвесторов по покупке ГКО снизятся до минимума.

- дифференцировать размеры комиссионных сборов, взимаемых УзРВБ. В настоящий момент УзРВБ взимает комиссионные сборы в размере 0,06% независимо от суммы сделки. Предлагаются следующие дифференцированные комиссионные сборы: по сделкам до 5 млн.сум – 0,075%; по сделкам до 50 млн.сум - 0,07%; по сделкам до 100 млн.сум - 0,06%; по сделкам свыше 100 млн.сум - 0,05%.

Учитывая конъюктуру всего рынка капиталов и принимая во внимание сравнительно низкий уровень доходности государственных облигаций, предлагаем участникам поэтапно увеличивать доходность по операциям, проводимым с ГКО, до достижения оптимального уровня цен и доходности.

Следующим важным моментом является необходимость расширения спектра торгуемых на рынке государственных ценных бумаг, что позволит пролонгировать краткосрочное внутреннее заимствование в сторону долгосрочного. Для этого предлагаем: выпустить в обращение государственные среднесрочные (со сроком обращения от 1 до 5 лет) облигации, предназначенные для размещения только среди юридических лиц.

В целях обеспечения высокой ликвидности облигаций и эффективного использования имеющихся свободных денежных средств инвесторов, предлагаем проводить вторичные торги с продленным временем и через систему электронного трейдинга, дающую возможность дилерам в любое время при получении заявок от своих инвесторов, осуществлять операции купли-продажи облигаций.

Рекомендуем осуществление вторичных торгов на РФБ «Тошкент», что позволит расширить базу инвесторов за счет небанковского сектора.

Также считаем необходимым проведение Центральным Банком операций «РЕПО», что будет позитивно сказываться на ликвидности и привлекательности рынка ГКО.

Проблемы сокращения внебанковского оборота денежных средств

Хамдамов Б., Юлдашева У. – Солиқ ва божхона органлари академияси.

Проблема регулирования денежного обращения в РУз является острой и злободневной. Правительством принят ряд постановлений по дальнейшему сокращению внебанковского оборота денежных средств и, упорядочены ввоза потребительских товаров и продажи на внутреннем рынке.

Вышеуказанные документы являются крупным шагом, направленным на регулирование рыночными методами денежного обращения, так как отмена лицензии на конвертацию сума на свободно конвертируемую валюту открывает дорогу для совершенной конкуренции между товаропроизводителями. Кроме того, упорядочение ввоза импортных товаров создаст благоприятные условия для местных товаропроизводителей и защитит потребительский рынок от некачественной продукции.

В целях дальнейшего совершенствования денежного обращения, расширения системы безналичных расчетов, сокращения внебанковского оборота и недопущения уклонения от уплаты налогов принят ряд мер, среди них:

- в состав группы инкассации включены сотрудники государственной налоговой службы;

- чётко определены лимиты в использовании наличной выручки торговыми предприятиями;

- торговля импортными товарами осуществляется через дистрибьютеров в установленном законом порядке;

- на вещевых рынках разрешено заниматься розничной торговлей без применения ККМ только, если предприниматель получил лицензию, разрешающую экспортно-импортные операции, у него имеется сертификат качества товара и документы, подтверждающие таможенное оформление груза, и т.д.

Для успешного внедрения в жизнь данного этапа экономических реформ следует четко разработать инструкции, которые способствуют пониманию субъектами постановлений исполнительной власти.

В связи с этим, перед государственным налоговым и таможенным комитетами ставится серьезная задача по вопросу взаимодействия, так как таможенные органы должны предоставлять информацию о импортерах, грузе и дистрибьютерах.

Следует решить и вопрос о финансовом контроле. Большими темпами развивается независимый аудит. Следовательно первоочередным вопросом будет внедрение национальных стандартов аудита на практике.

Организация бухгалтерского учёта и пути его совершенствования

Темирбулатов Р.Я. – Фаргона солиқ коллежи, и. ф. н., доц.

Построение учетного процесса, полностью удовлетворяющего потребностям фирмы, её собственников и внешних пользователей, невозможно без рациональной его организации. Под организацией бухгалтерского учёта принято понимать систему условий и элементов учётного процесса, включающую первичный учёт и документирование операций, план счётов бухгалтерского учёта, формы бухгалтерского учёта, формы организации учетно-вычислительных работ, объём и содержание отчетности, систему, основывающуюся на присущих бухгалтерскому учёту правилах.

За последние годы в бухгалтерском учёте и отчетности произошли большие изменения. В первую очередь это относится к изданию документов, регламентирующих правовые вопросы и принципы организации и методологии бухгалтерского учёта. Среди них закон о бухгалтерском учёте, положение о составе затрат по производству и реализации продукции, план счётов бухгалтерского учёта финансово – хозяйственной деятельности предприятий, национальные стандарты бухгалтерского учета. Они заложили основу нормативного регулирования бухгалтерского учёта.

Существенно изменена методология учёта многих объектов, учёта основных средств, уставного капитала, прибыли и убытков.

Ответственность за организацию бухгалтерского учёта на предприятиях и организациях возложена на их руководителей.

Они получили право привлекать для ведения бухгалтерского учёта и составления отчётности сторонние организации и лиц – профессионалов.

Значительные изменения внесены в бухгалтерскую отчетность. Её состав, содержание, сроки и адреса представления стали в значительной мере соответствовать международной практике, а сама она стала доступной для любых сторонних пользователей.

Эти и другие изменения позволяют анализируемый период считать первым этапом перехода отечественной системы бухгалтерского учёта к системе, отвечающей требованиям рыночной экономики.

К последующим этапам дальнейшего совершенствования бухгалтерского учёта следуют отнести:

1. Совершенствование правового регулирования бухгалтерской деятельности.

2. Разработка и внедрение в практику учёта отечественных стандартов по бухгалтерскому учёту и отчётности и других нормативных документов, ориентированных на международные стандарты, отвечающих специфике отечественного учёта.

3. Разработка организационной системы бухгалтерского учёта, связанной с выделением финансового и управленческого учёта.

4. Разработка стратегической системы учёта, основанной на гармонизации учёта и маркетинга.

5. Повышение уровня автоматизации учетно - вычислительных работ.

На бухгалтерский учет и применение его методики в условиях переходного периода к рынку определенное влияние оказывают инфляционные процессы. Проблема инфляции является одной из наиболее актуальных в современной экономике.

На период воздействия на экономику сильного инфляционного фактора необходимо разработать постоянно действующий механизм переоценки балансовых активов не реже, чем на каждую квартальную отчетную дату. Более частые переоценки активов предприятия могли бы проводить по своему усмотрению, исходя из конкретной ситуации с ценами и тарифами.

IV. Секция

Халқаро иқтисодий муносабатларда божларнинг роли

Секция раиси: Асқаров И.Р. - Академия Илмий кенгаши
котиби, профессор.

Секция раиси ўринбосари: Хабибуллаев И.Х. -
“Божхона статистикаси ва назоратининг техник
воситалари” кафедраси бошлиғи, т.ф.д.

Котиб: Намозов А.А. - “ТИФни бож тарифи орқали
бошқариш” кафедраси бошлиғи в-б, қ-х.ф.н.

Солиқ ва божхона соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида Академиянинг навбатдаги вазифалари

Шорахмедов Ш.Ш. - *Солиқ ва божхона
Органлари академияси бошлиғи.*

1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш энг муҳим долзарб вазифалардан бири эди. Ушбу масалани ҳал этишда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ташкил этилган солиқ ва божхона тизимлари мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда, иқтисодий муносабатларни ривожланган давлатлар даражасига кўтаришда, иқтисодиётни сиёсатдан устуворлиги тамойилини амалиётга жорий этишда жуда катта ишлар амалга оширилди.

Мустақилликнинг 11 йили давомида барча соҳалар қатори солиқ ва божхона соҳаларида ҳам асрларга тенг келадиган ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳимиз.

Бугунги кунда жаҳон андозалари даражасида солиқ ва божхона кодекслари ва бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасида улкан ишлар амалга оширилганлигидан далолат беради.

АҚШ, Россия, Япония, Германия сингари ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида солиқ ва божхона органлари учун мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июлдаги 257-сонли қарори билан божхона коллежи, шунингдек солиқ коллежи ҳам ташкил этилди.

2001 йил 10 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16-сонли қарори қабул қилиниб, ушбу қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Солиқ ва божхона органлари Академияси ташкил этиладиган бўлди.

2001 йил 1 сентябрдан Солиқ ва божхона органлари Академиясига дастлабки тингловчилар қабул қилиниб, солиқ ва божхона соҳасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга киришилди. Юқори малакали солиқ

ва божхона соҳасининг етук мутахассисларини тайёрлаш учун танлов асосида республиканинг етакчи олий ўқув юртларидан солиқ ва божхона қўмиталаридан тажрибали мутахассислар танлаб олинди.

Солиқ ва божхона соҳалари бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда солиқ ва божхона соҳалари бўйича махсус кафедралар ташкил этилди. Солиқлар ва солиққа тортиш, Молия ва банк иши, Иқтисодий фанлар, Божхона назорати ва товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш, Контрабанда ва божхона қондалари бузилишига қарши кураш, ТИФни бож тарифи орқали тартибга солиш сингари махсус кафедралар ҳамда бир қатор умумтаълим кафедралари ташкил этилди.

Академия тингловчилари учун ўқув биноси, ётоқхона, ошхона ва бошқа маиший хизматлар учун бинолар қурилиб ишга туширилди. Академиянинг 10 минг нусхадан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхонаси ва ўқув зали ташкил этилди.

Халқаро интернет тармоғига уланган алоҳида замонавий компьютер синфлари ва лингофон хоналари ташкил этилди. Ушбу халқаро интернет тармоғидан Академия профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда тингловчилар ҳам кенг фойдаланмоқдалар.

Академияда Илмий кенгаш ташкил этилган бўлиб, Академиянинг фаолияти билан боғлиқ бўлган энг муҳим масалалар ҳар ойда ўтказиладиган Илмий кенгаш мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Академия профессор-ўқитувчилари томонидан битта дарслик ва 60 дан ортиқ ўқув методик қўлланмалар ёзиб нашрдан чиқарилди.

«Ташқи иқтисодий фаолиятни бож тарифи орқали тартибга солиш» номли дарслик, «Божхона тизимида бошқарув асослари», «Солиқ лугати», «Суриштирув сабоқлари», «Божхона инспекторининг ён дафтари» сингари ўқув қўлланмалари шулар жумласидандир.

2002 йилда Академияда тингловчиларнинг илмий конференцияси ўтказилди. Конференцияда асосан солиқ ва божхона соҳасидаги илмий ечимини кутаётган долзарб мавзуларда иқтидорли тингловчилар тўртта шуъбаларда маърузалар билан қатнашдилар. Ушбу иқтидорли тингловчиларнинг илмий конференция материаллари алоҳида тўплам тарзида чоп этилди ва конференция иштирокчиларга тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги 52-Ф Фармойишига асосан 2002 йил 21-22 май кунлари Академияда «Иқтисодий эркинлаштириш шароитида божхона тизимини такомиллаштириш йўллари» мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда Президент Девони, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Республикаимизнинг етакчи олий ўқув юртларидан 130 дан ортиқ маърузалар бешта шуъбада эшитилиб, муҳокама қилинди.

Ушбу Республика илмий-амалий конференцияси якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 50 дан ортиқ солиқ ва божхона тизимларини такомиллаштиришга доир таклифлар юборилди.

Республика илмий-амалий конференцияси материаллари 19 босма табоқда алоҳида тўплам тарзида чоп этилди. Академияда 4 йиллик бакалаврлар тайёрлаш дастуридан ташқари солиқ ва божхона тизимларида хизмат қилаётган олий маълумотли ходимлар учун 1 йиллик иккинчи мутахассислик беришга мўлжалланган ўқув дастури ҳам ишлаб чиқилди.

Ушбу дастур бўйича 50 нафар мутахассис битирув малака ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, Академиянинг биринчи битирувчилари сифатида тегишли мутахассисликларга эга бўлдилар.

Бундан ташқари солиқ ва божхона соҳаларида фаолият кўрсатаётган ходимлар учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилган. Ушбу курсларда Академиянинг етакчи профессор-ўқитувчилари солиқ ва божхона соҳасидаги бугунги кун янгиликлари билан бойитилган маърузалари билан фаол қатнашмоқдалар.

Академиямиз профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири дарсларни замон талаблари даражасида юқори савияда ўтишга эришиш, ривожланган давлатлар тажрибасини мунтазам ўрганиб бориш, солиқ ва божхона соҳаларидаги долзарб мавзуларда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда фаол иштирок этиш сингари ишларни янада жадаллаштиришимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги 52-Ф-сонли Фармойишига биноан ўтказилаётган ушбу конференцияда Давлат солиқ қўмитасининг раҳбарияти, амалиётда хизмат қилаётган солиқ ва божхона соҳаларининг мутахассислари, етакчи олий ўқув юртлиари ва илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ҳамда чет эллик вакиллар иштирок этмоқдалар.

**Божхона тизимини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан
такомиллаштиришнинг одил судлов самарадорлигига алоқадорлиги**

*Исоқов Ҳ. И. - Ўзбекистон Республикаси Президенти
девойининг масъул ходими, ҳ. ф. н.*

Республикада амалга оширилаётган суд ислоҳотларидан кўзланган бош мақсад судни фуқаролик жамиятининг талаб кўрсаткичларига тўла мос келадиган ҳокимиятга, ижтимоий муносабатлар субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришдан иборатдир. Бу борада кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар қилинди. Пировардида суднинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини яққол намоён қилувчи нуфузи ҳамда салоҳияти янада ортди.

Этироф этиш керакки, суд ислоҳотларини фақат суд тизими доирасида амалга ошириладиган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуи сифатида қараш асло тўғри бўлмайди. Бинобарин, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида қайд этилганидек, суднинг фаолияти

қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир. Суд томонидан бундай фаолиятнинг самарали амалга оширилиши эса бошқа давлат органлари, энг аввало ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятининг такомиллашув даражасига ҳам бевосита ва билвосита боғлиқдир. Чунки, ҳуқуқ-тартибот идораларидан ҳар бири ўз вазифасига монанд равишда тегишли қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашда муайян услуб ва воситаларга асосланиб фаолият кўрсатса, суд ана шу услуб ва воситаларнинг фуқаролар ҳамда жамият манфаатларига қанчалик уйғунлигини белгилловчи мезондир. Шу боис, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай муҳим ташкилий-ҳуқуқий ўзгариш ана шу тамойилни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши лозим бўлади. Жумладан, суд билан божхона тизими такомиллашуви ўртасидаги бундай узвий алоқадорлик қуйидаги ҳолатларда ҳам ўз аксини топади.

Маълумки, ҳар бир суверен давлатнинг ўз мустақил божхона тизими ва божхона қонунчилиги бўлиши тақозо этилади. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши билан асос солинган божхона тизими ҳам давлатимиз тараққиёти босқичларига мутаносиб равишда такомиллашиб борди ва ҳозирги кунга келиб у табиатан нафақат ҳуқуқ-тартибот идораси сифатида, балки маълум маънода иқтисодий муносабатларни ҳам тартибга солиб турувчи, давлат ва жамият иқтисодий манфаатларини ўз услуб ва воситалари орқали барқарорлаштириб турувчи салоҳиятли тузилмага айланиб улгурди. Божхона соҳасидаги одил судловни амалга оширишда шу муҳим жиҳат албатта инобатга олинishi керак. Бу эса божхонага доир ишларнинг судловга тааллуқлилиги, яъни қайси судга тегишлилиги масаласини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ҳар бир суверен давлатнинг божхона сиёсати унинг муайян иқтисодий макондаги ўрни ва мавқеига уйғун бўлиши талаб этилгани боис, ташқи иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар давлатнинг божхона ишларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келади. Божхона сиёсатини доимо мўътадиллаштириб туриш гоят мушкул иш бўлиб, бу баъзан божхона тизимида муайян сарф-харажатлар билан боғлиқ ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар қилишни талаб этади. Божхона тизимидаги бу каби ўзгаришлар айтиб бир давлатнинг фақат ўз имкониятлари ва қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилганда айрим иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқариш хавфининг мавжудлиги инобатга олинса, божхона тизимини такомиллаштириш биринчи навбатда халқаро ҳуқуқий меъёрларнинг устуворлигига асосланиши кераклиги аён бўлади. Шунингдек, ҳозирги даврда одил судлов масалалари, шу жумладан божхонага доир суд ишлари, айтиб бир давлатнинг юрисдикцияси доирасидагина эмас, балки халқаро ҳуқуқий ташкилотлар, масалан, Халқаро суд томонидан ҳам ҳал этилаётганлигига эътибор қаратиш керак. Келажакда республикамиз божхона ишларига доир баъзи бир масалаларни ҳам халқаро даражада ҳал этиш заруратининг юзага келиши истисно қилинмайди. Бу эса ўз навбатида божхона тизимида халқаро ҳуқуқни мукамал билувчи божхона мутахассисларига эҳтиёжни келтириб

чиқаради. Божхона тизимини такомиллаштириш ана шу жиҳатни ҳам инобатга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Божхона тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан яна бири бу ушбу тизимнинг равшанлигини, очиқ-ошкоралигини таъминловчи демократик институтларни кенгроқ татбиқ этишдан иборатдир. Бу, биринчидан, турли суистеъмолликлар олди олинишининг, иккинчидан ва энг муҳими, божхона ишларининг халқимиз учун тушунарли бўлишининг, фуқароларда давлатнинг бож сиёсатига нисбатан ишонч кайфиятини шакллантиришнинг самарали омили ҳисобланади. Божхона тизимининг равшанлигини таъминлаш воситаларидан бири сифатида мазкур тизимдаги меҳнат низоларининг ҳам фуқаролик судловига тааллуқли бўлиши ҳақида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш тавсия этилади. Божхона ходимларининг меҳнатга оид ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси мазмунидан бевосита келиб чиқади ҳамда унинг суд амалиётида татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт талабларига тўла мос келади.

Ташқи савдони ривожлантиришда экспорт қилинадиган товарларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш

Шорахмедов Ш.Ш., Намозов А.А., Асқаров Н.И.
*Солиқ ва божхона органлари академияси,
Андижон Давлат университети.*

Ривожланган давлатлар амалиётидан маълумки, уларни иқтисодий жиҳатдан тараққиётга эришишларида асосий омиллардан бири бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш хорижий инвестициялардан оқилона фойдаланилганлигидир.

Шунинг ҳисобига улар товарларини экспортга чиқаришга катта эътибор қаратиб, имкони борича экспортчиларга қулай шароит ва катта имтиёзлар яратилган.

Республикамызда мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини товарларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, бозорларни товарлар билан тўлдириш мақсадида экспорт товарлар учун божлар ундирилиши йўлга қўйилди, импорт товарлар эса бождан озод этилди.

Амалга оширилган тадбирлар ўзининг самарали натижаларини берганлиги оқибатида бозорлар зарур товарлар билан таъминланди. Натижада 1997 йилга келиб экспорт божларини ҳам бекор қилиш имкони яратилди.

Қуйидаги 1-жадвалда айрим турдаги товарлар учун белгиланган экспорт божларининг миқдорлари келтирилган.

Айрим тур товарлар учун 1994-1996 йилларда белгиланган экспорт

божларининг миқдорлари

Товарларнинг номланиши	Товар коди	21.01.1994й. даги УП-745 Фармон асосида	Уз.Р.Вминг 25.07.1995й. даги 287-сонли қарори асосида	Уз.Р.Вминг 20.03.1996й. даги 114-сонли қарори асосида
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	03	50	10	10
Сўр ва бринзалар	04 06	50	50	40
Табий асал	04 09	-	100	50
Қартошка	0701	-	100	40
Пахта чигити	1207	20	50	40
Пахта толаси	14042	10	50	30
чиқиндиси				
Усимлик мойи	1507	50	50	30
Маргарин	1517	50	50	30
Макарон маҳсулотлари	1902	50	50	40
Сувлар (минерал сувлар ҳам қиради)	2202	-	10	5
Ош тузи	2501000	50	20	10
Ишлов берилмаган мәрмәр	251511	-	20	10
Момик пахта, дока, бинтлар	3005	10	50	30
Чарм, чарм хом ашёси	40104	50	50	40
Юнг, юнг маҳсулотлари	4301- 4302	20	20	20
ёточ ва ёточдан тайёрланган маҳсулотлар	44	50	50	40
Пахта толаси	5201- 5202	5	5	5
Металлар ва рангли металлар	81019 1900	40	50	40
чиқиндилари				

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги 1871-сонли Фармони билан, 1997 йил 1 ноябрдан экспорт қилинадиган товарлар учун божлар бекор қилинди.

Ўзбекистонимизнинг экспорт салоҳиятини янада орттириш ва товарларимизни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини кўтариш мақсадида ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида 2002 йил январь ойидан бошлаб экспорт товарлар учун аксиз солиғи ҳам ундирилиши бекор бўлди.

Натижада ташқи савдо айланмасида экспортнинг миқдори 1992 йилда 869,3 млн.АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1997 йилга келиб, яъни экспорт божлари бекор қилинганидан сўнг бу кўрсаткич юқори даражага етди, яъни 4383,9 млн.АҚШ долларини ташкил этди. 2001 йилда

ташқи савдо айланмасининг, 3,1 фоизга ўсиши таъминланди ва 128 млн. АҚШ доллари миқдоридagi ижобий сальдога эришилди.

Экспорт қилинадиган товарлар жумласига нефть маҳсулотлари, енгил автомобиллар ва автотранспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар, қимматбаҳо тошлар ва қимматбаҳо металлдан тайёрланган маҳсулотлар, тиббий шиша идишлар, қишлоқ хўжалик техникасининг янги турлари, кабель-ўтказгич каби янги маҳсулотлар қўшилди.

Четга сотиладиган тўқимачилик ва полиграфия маҳсулотларининг турлари янада кўпайди. 1991 йили Республикамизда пахта толасини қайта ишлаш 12 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам 24 фоизга етди. Пахта толаси ва ипак хом ашёларидан энг мукаммал технология асосида тайёрланган калава, ип, пахта ва шойи газламаларини экспорт қилиш ҳажмлари анча ошди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 1992-2000 йилларда баъзи бир товарларининг

экспорт-импорт жараёнининг ҳажми

	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
ЭКСПОРТ, %	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:									
Пахта толаси	62,8	49,8	48,9	57,8	36,3	36,0	38,6	27,3	27,4
Кимё маҳсулотлари, минерал ўғитлар	6,1	4,3	3,1	2,8	2,3	1,7	1,5	3,1	2,9
Қора ва рангли металллар	9,2	6,0	4,4	5,6	3,3	4,6	5,1	4,3	6,6
Машина ва ускуналар	7,0	9,1	5,6	2,5	2,8	6,3	4,1	3,2	3,4
Электр энергия ва ёқилғи	6,7	19,9	26,1	14,0	5,7	12,0	7,9	11,4	10,3
Озиқ-овқат маҳсулотлари	2,5	2,1	3,5	2,5	7,7	3,8	3,2	6,4	5,4
Бошқалар (хизматлар ҳам)	5,7	8,8	8,4	14,8	41,8	35,6	39,6	34,7	30,2
ИМПОРТ, %	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан кимё маҳсулотлари, пластмассалар	5,6	8,1	7,5	9,0	12,7	12,5	12,4	11,7	14,8
Қора ва рангли металллар	8,8	9,9	8,3	5,7	6,5	6,7	9,2	7,9	9,4
Машина ва ускуналар	5,2	10,5	15,4	47,9	35,0	45,9	47,2	44,8	38,7
Электр энергия ва ёқилғи	13,3	28,6	25,9	1,9	1,0	0,6	0,5	2,1	4,2
Озиқ-овқат маҳсулотлари	46,4	33,9	32,6	18,2	29,0	19,3	15,6	13,1	13,4
Бошқалар (хизматлар ҳам)	20,7	9,0	10,3	17,3	15,8	15,0	15,1	11,7	19,5

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумоти.

Мамлакатимиз экспортчиларига ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай шароитлар туфайли экспорт товарларимизнинг ҳажми йилдан йилга ортмоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бозорларимизга четдан сифатли товарлар кириб келишига эришиш, қолаверса миаллий товарларимизнинг рақобатбардошлигини кўтариш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган бир қатор қарорлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада раннақ топишида ижобий самарасини беради.

Эркин иқтисодий ҳудудларда бюджетни шакллантириш ва солиққа тортиш тизимининг самарадорлиги

Комилов М.М., Холматов М.-
*Солиқ ва божхона органлари академияси,
Фарғона вилоятлар аро божхона Ўқув маркази.*

Жаҳон тажрибасидан маълумки, бюджетни шакллантириш ва солиқ сиёсати, Эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИХ)нинг мустақил хўжалик ҳисобига ўтган бўлинма сифатидаги барча иқтисодий фаолияти – ЭИХда жойлашган корхоналар, ташкилотлар ёки шу ерда яшовчи хусусий шахслардан ундириладиган солиқлардан; қисман – божхона йиғимлари, шунингдек, агар йўлга қўйилган бўлса – ҳудуд маъмуриятининг тадбиркорлик фаолиятидан олинладиган йиғимлардан шаклланган ўз бюджетига асосланмоғи лозим. ЭИХ инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган Давлат бюджети маблағлари, Эркин иқтисодий ҳудудга, қоидага кўра, узоқ муддатли қарз (кредит) шаклида, яъни қайтариб бориш шарти билан тақдим этилади. ЭИХда жойлашган барча корхоналар билан давлат бюджети ўртасидаги молиявий муносабатлар – ЭИХ маъмурияти ва ҳудуднинг ўз бюджети орқали амалга оширилади, бу - ЭИХ иқтисодий мустақиллигининг муҳим омили ҳамда ҳудудда олиб борилаётган хўжалик фаолиятини самарали бошқаришнинг муҳим шартидир. Бундай тартиб – ўз молиявий мажбуриятларига ўта жавобгарлик, масъулият билан муносабатда бўлиш таъйинлига изчил риоя қилиш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Дунё тажрибасининг кўрсатишича, ҳатто ЭИХ бюджетига камомад бўлмаган тақдирда ҳам, уни фақат ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш мумкин эмас.

1988 йилда хорижий экспертлар таркибида, солиқ совет иқтисодида очик секторни яратиш ғоясини ишлаб чиқишда қатнашган машҳур америкалик молияшунос Дж. Саросанинг фикрича, ЭИХнинг барча корхоналари – марказнинг аралашувисиз ва субсидияларсиз (ёрдам маблағи) – бюджет ташкилотлари доирасида фаолият кўрсатмоқлари лозим.

ЭИХда йиғиладиган барча солиқлар ва бюджет тўловларини маълум муддат (масалан, 5 йил) ичида ҳудудни бошқариш идоралари ихтиёрида қолишини назарда тутувчи, чет элларда кенг қўлланиладиган солиқ кредитлари амалиёти – молиявий маблағ билан таъминлашнинг шаклларида бирдир.

Кўшимча маблағларни – ЭИХда жойлашган корхоналардан; шунингдек, мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги корхоналаридан, башарти улар ЭИХда фаолият кўрсатаётган акциядорлик компанияларининг капиталига ва кўшма корхоналарнинг низом жамғармасига ўз маблағларини қўйиш имкониятига эга бўлсалар – олиш мумкин. Бундай ҳолда, харид қилинган акцияларнинг фойдаларидан (дивиденд) ёки кўшма корхоналарнинг тақсимланадиган даромади улушлари (хорижий валютада ҳам)дан – ЭИХга тегишли бўлмаган, бошқа минтақаларидаги хўжалик фаолиятларини молиялаштириш учун ҳам фойдаланиш лозим.

Марказий Давлат идоралари томонидан ЭИХнинг иқтисодий фаолиятини бошқарувчи аниқ воситаларни белгилаб олиш – эркин иқтисодий ҳудудлар билан мамлакатнинг қолган қисми ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий, муҳим масалаларидан биридир.

Марказлашган бошқарув усулларини қуйидагича чеклаш мақсадга мувофиқдир: биринчидан, давлат бюджетига келиб тушадиган солиқ ва валюта тўловларининг белгиланган меъёрлари ва иккинчидан, ЭИХ ташқи ва ички чегараларидан бож тарифларининг белгиланган ставкалари ёрламида. Солиқлар – молиявий, бюджет муносабатларининг таркибий қисмидир, шу сабабли солиқ сисёатини яратишда – ЭИХларнинг давлат билан молиявий муносабатларини акс эттирувчи, мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилишнинг умумий тамойилларидан келиб чиқиш зарур. Бундай ҳолда – ЭИХнинг солиққа солиш тартиби ва давлат бюджетига ўтказиладиган солиқлар ва тўловлар ставкаси даражаси – ҳар бир муайян, аниқ ҳолатда ихтисослашув, шунингдек, ҳудудда ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилма ва моддий – техникавий таъминотнинг бошқа омилларининг мавжудлигига қараб белгиланиши мумкин.

ЭИХ доирасида, шубҳасиз, хорижий сармоялар учун хўжалик фаолиятининг соҳалари бўйича табақалашган солиқ ставкалари орқали амалга ошириладиган тармоқнинг устувор йўналишлари бўлиши лозим.

Шу билан бирга, ҳар бир эркин иқтисодий ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларига қарамасдан, жаҳон амалиётида дунёдаги «Эркин иқтисодий ҳудудлар бозорига» ҳудудларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ўта зарур бўлган солиқ тизимини яратишнинг муайян халқаро андозалари амал қилади ва улардан албатта фойдаланиш талаб этилади. ЭИХлардаги корхоналар фаолиятининг солиқ тартиботи – хорижий сармоялар учун энг қулай сармоявий муҳит яратишга шундай йўналтирилмоғи лозимки, сармоя қўйиш шарт-шароитлари экспорт қилувчи мамлакатникига нисбатан нафақат фойдалироқ, балки – хорижий сармояларни қабул қилувчи сифатида рақобат қилувчи, яқин атрофдаги мамлакатлар ва ҳудудларга нисбатан имкон қадар қулайроқ бўлмоғи шарт.

Ўзаро рақобатда бўлган юзлаб ЭИХлар хорижий сармоядорларга, тахминан бир хил бўлган қуйидаги солиқ имтиёзлари ва рағбатлантиришлар таклиф этадилар:

- ЭИХга, экспорт товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, машиналар ва асбоб-ускуналарни божсиз импорт қилиш, шунингдек, транзит юкларни божсиз сақлаш ва қайта ишлаш:

- ЭИХнинг ташқи ва ички чегараларида бож тарифи ставкаларидан турли хил чегирмалар қилиш;

- хорижий сармоядорларни 5 йилдан 20 йилгача бўлган муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилиш;

- солиқ ва ижара тўловлари миқдорини камайтириш;

- реинвестиция қилинадиган даромадларни солиқдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш (одатда 5-10 йилга);

- чет элга ўтказиладиган фойдаларни солиқдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш;

- мол-мулк солиғидан ва товар айлануви солиғидан озод қилиш;

- амортизация муддатларини мустақил равишда аниқлаш имконияти;

- ҳудудда ишловчи чет эллик ходимлар учун даромад солиғини бекор қилиш;

- хорижий фирмаларнинг маҳсулотларини чет элга олиб чиқишда ва уларни ўз эҳтиёжлари учун олиб киришда лицензияни бекор қилиш.

Тадбиркорлик маблағидан, хусусан, қўшма корхоналар ташкил қилишда фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир ЭИХ тадбиркорлик маблағлари фаолиятининг дунё майдони вазифасини бажаради. Солиқ имтиёзлари – бевосита ҳамда портфель хорижий сармояларнинг эркинлаштирувини таъминлайди.

Солиқ имтиёзларига кўпроқ аниқлик киритиш учун: ЭИХлар томонидан дунё миқёсида тўпланган илғор тажрибаларга ҳам, Эркин тадбиркорлик ҳудудларини яратиш жараёнида солиқ сиёсатини шакллантиришнинг Ватан амалиётига ҳам мурожаат қилиш лозим. Бу ҳолда – статистика ва бож тарифлари, солиқ тизими андозалари, хорижий сармоядорлар ва тадбиркорлар учун кафолатларнинг ўзаро таққослана олиншини таъминлаш – муҳим аҳамият касб этади.

ЭИХларда солиқ имтиёзларининг қуйидаги уч асосий тури қўлланилади:

- «солиқ таътиллари» – маълум муддатга солиқ тўлашдан озод қилиш;

- солиқ ставкасини камайтириш;

- солиқ объектини пасайтириш.

Молия-кредит механизми, ЭИХнинг барча ички хўжалик ва ташқи иқтисодий айланувига хизмат қилади ва аслида унинг ривожланиш самарадорлигини белгилайди. Шу сабабли, уни тўғри ташкил қилиш, пул маблағлари айлануви, молия биржалари ва валюта механизми, кредит-банк тизими фаолиятини чуқур пухта ўйлаб йўлга қўйиш каби зарур ишлар – ЭИХ барча иқтисодий тизимини муваффақиятли ривожлантириш учун керакли шарт-шароитлар яратади.

Таможенные платежи в Кыргызской Республике

Кадыркулов М. А. – *Кыргызистон Республикаси Молия вазирлиги
кошидаги Давлат божжона инспекцияси*

Внешнеэкономическое регулирование носит комплексный характер, заключающийся в использовании многочисленных взаимодействующих и взаимодополняющих инструментов регулирования.

Одним из инструментов внешнеэкономического регулирования являются экономические средства регулирования, такие, как применение таможенной пошлины, таможенных сборов и налогов.

Признавая право каждого государства на собственный путь развития законодательства в вопросе взимания таможенных платежей, необходимо отметить, что только максимальное приближение к общепринятым международным стандартам дает наибольшие возможности для интеграции в мировое экономическое сообщество.

Импортный таможенный тариф (систематизированный перечень товаров, облагаемых при ввозе таможенными пошлинами) – центральный инструмент таможенно – тарифного регулирования внешнеэкономической деятельности.

Ставки таможенных пошлин являются по существу налогом на право ввоза иностранного товара. Свою роль таможенный тариф, как правило, выполняет в тесной взаимосвязи с налоговой системой государства, которая обычно берет на себя часть функций тарифа и дополняет его действие. Вместе с внутренней налоговой системой импортный таможенный тариф регулирует экономический климат в государстве.

Уравнительным приграничным налогом в Кыргызской Республике является налог на добавленную стоимость (НДС). Его ставка равна 20 процентам – ставке налога, которым облагаются товары национального производства.

Кроме уравнительного приграничного налогообложения, применяется акцизный налог, представляющий собой форму налогообложения, обычно применяемую к узкому кругу товаров.

Номенклатура и ставки акцизов на производимые и импортируемые подакцизные товары унифицированы и определяются в законодательном порядке. При этом следует отметить, что в период с 1993 до 1999 года ставки акцизов на импортируемые товары были выше, чем ставки на производимые товары. При этом подакцизные товары не облагались ввозной таможенной пошлиной.

В связи со вступлением Кыргызской Республики во Всемирную торговую организацию, ставки акцизов на производимые и импортируемые подакцизные товары были унифицированы в соответствии с Принципом национального режима, сформулированного в статье III ГАТТ, устанавливающей, что страны-участницы должны предоставлять товарам иностранного происхождения тот же режим, что и национальным товарам в области внутренних налогов.

Существование в таможенном праве института таможенных платежей как совокупности норм, определяющих виды, порядок исчисления и условия взимания соответствующих налогов и сборов, не является бесспорным, поскольку платежи в целом составляют предмет регулирования налогового права.

Вместе с тем, таможенные платежи как правовой институт свойственны как таможенному праву, так и налоговому, по причине их особого положения среди прочих налогов и сборов, ввиду прямой и неразрывной взаимосвязи с иными институтами таможенного права (таможенные режимы, оформление, контроль, таможенная стоимость и др.). Так, Налоговым кодексом Кыргызской Республики определено, что администрирование НДС и акциза при импорте товаров, осуществляет таможенная служба Кыргызской Республики.

Наиболее полными признаками отнесения налога на добавленную стоимость и акцизного налога к таможенным платежам, взимаемых таможенными органами при ввозе товаров, представляются следующие:

1. по месту – их уплата производится плательщиком непосредственно на границе;
2. по основе – в их базе для исчисления присутствует таможенная стоимость;
3. по уполномоченному органу – контроль за взысканием таможенных платежей и налогов при перемещении товаров и транспортных средств через таможенную границу Кыргызской Республики возложен на таможенные органы, его уплата является одним из необходимых условий принятия таможенными органами решения о выпуске товаров для свободного обращения при его ввозе.
4. по сроку уплаты – уплата производится до или в момент принятия таможенной декларации к таможенному оформлению.

Именно эти общие признаки послужили основанием для отнесения налога на добавленную стоимость и акцизов к таможенным платежам.

Халқаро иқтисодий муносабатларда бошхона статистикасининг роли

Хабибуллаев И.Х., Жумасв З.Т.
Солиқ ва бошхона органлари академияси.

Халқаро иқтисодий муносабатларни самарали бошқариш, уларнинг қонуниятларини ўрганиш ва ташқи савдо-сотиқ соҳасида тўғри сиёсат олиб бориш учун ташқи иқтисодий алоқаларни халқ хўжалиги соҳалари бўйича ривожланишини, товар ва хизматларни турлари бўйича тақсимланишини тўлиқ ақс эттирувчи маълумотларга эга бўлиш лозим. Бундай маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва бошқариш органларига тақдим этиш ҳамда керакли миқозларга етказиш ташқи иқтисодий алоқалар ҳақидаги иқтисодий-статистик маълумотлар тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Умумлаштирилиши ва таҳлил этилиши лозим бўлган ташқи савдо тўғрисидаги статистик маълумотлар ташқи савдо соҳасида етарли даражада ишончли қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бундай маълумотлар:

- мамлакат экспорт имкониятлари ва импорт эҳтиёжларининг етарли даражада ишончли нархларини шакллантириш;

- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари бозор конъюктурасидан, шу жумладан, агар ташқаридан олиб келинмаса, мамлакатнинг бир қатор товар ишлаб чиқарувчилари фаолият кўрсата олмайдиган «нозиқ» товарлардан қай даражада оқилона фойдаланаётганликларини аниқлаш;

- нархлар, мамлакат ташқи савдосининг экспорт ва импорт муомаласида жаҳон нархларига қай даражада яқинлашаётганлигини билиб туриш;

- бир томондан юксак даражада қайта ишланган товарлар импортини ривожлантириш ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва мустақкамлашга мўлжалланган бошқарув қарорларини қабул қилиш;

- айрим минтақаларнинг мамлакат экспортига қўшган ҳиссасини аниқлаш;

- тўловларнинг ўз вақтида ва тўла ундирилишини умумлашган ҳолда таҳлил қилиш ва тўловлар ҳаракати умумий манзарасининг шаклланиши учун якуний ҳужжат бўлиб хизмат қилиш имконини беради.

Божхона статистикаси Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларини ривожлантиришда ва уни илмий жиҳатдан асослаб беришга имкон беради.

Божхона қонунчилиги солиқ тушумларини таъминловчи воситадир

Алимбаев С. А. - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий Кеналогия маркази директори.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун амалга оширилаётган ҳар қандай экспорт ва импорт жараёнларини имкони борича соддалаштириш, жаҳон халқаро божхона қоидаларига амал қилган ҳолда, давлатимиз хазинасига кўпроқ маблағ тушишини таъминлаш асосий вазифаларимиздан биридир. Бунинг учун республикаимиздаги ҳар бир фуқародан тортиб ташкилот раҳбаригача, барча ишбилармонлар божхона қонун-қоидалари, тўловлари ва ҳужжатлари тўғрисидаги билимларга эга бўлишлари талаб этилади.

Божхона маскани-Ваганимиз остонаси деб бежиз айтилмаган, ушбу ибора жуда чуқур маъно англатади, чунки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб келинаётган ҳар бир товар божхона расмийлаштирувидан ўтганидан сўнг Республикаимиз ички бозорига олиб кирилади. Шунини таъкидлаш лозимки, божхона назорати ички истеъмол бозорини хорижий сифатсиз товарлардан ҳимоя қилиш орқали ички бозорни маҳаллий товарлар билан тўлдириш имкониятини ва шу орқали давлат бюджетини даромад қисмини тўлдириш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда давлат бюджетини ташкил этувчи манбаалардан бири бўлган божхона тизимига катта эътибор қаратилган. Бу ўз навбатида солиқ қонунчилигини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, божхона тизимида солиқ қонунчилиги алоҳида ўрин тутadi.

Ҳозирги кунда Республикаимизда товарлар олиб келинишини тартибга солиш, пул воситаларининг ноқонуний ҳаракати ва сифатсиз товарларнинг контрабанда йўли билан кириб келиши ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, истеъмол товарлари савдосини такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги ПФ-3105-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» ги 154-сонли, 2002 йил 12 июндаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ги 248-сонли, ҳамда «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора тадбирлари тўғрисида» ги 257-сонли қарорларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг амалда қўлланилиши биринчи навбатда мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан солиқ тушумларини тартибга солади.

Лекин юқоридаги меъёрий ҳужжатларнинг талабларини амалиётда қўллашда ва четдан жисмоний шахслар томонидан Республика ҳудудига товарларни олиб кириш жараёнида бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Масалан, халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган айрим товарларга ягона бож тўловлари пасайтирилган тақдирда ҳам, бундай товарлар божхона қондаларини бузиш ва контрабанда йўли билан олиб киришга уриниш ҳолатлари аниқланган вақтда қонунбузарлик содир этган шахсга нисбатан қайси қонун бўйича (Жиноят, Солиқ ва Божхона Кодексининг қайси бири бўйича) қандай қонунсиз ҳаракатлар содир этганлигини классификация қилиш муаммоси ва бундан ташқари мусодара қилинган товарларни қай тартибда божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши ёки ўтказмаслиги, импорт товарлар статистикасини олиб бориш ва электрон базага киритиш ҳамда мусодара қилинган товарларни сотилишидан тушган маблағлар қайси ташкилот ҳисоб рақами орқали бюджетга ўтказилиши каби бир қанча муаммолар мавжуд.

Шунингдек, божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 182-моддаси билан қўзғатилиб, берилган жиноят ишлар, тергов жараёнида ЖК нинг 228-моддаси бўйича квалификация қилиниб, олинган товарлар қайтарилмоқда.

Мазкур муаммо бўйича ҳар бир содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатида ҳуқуқбузар маълум бож тўловларидан бўйин товлаган ҳолда, товар моддий бойликларни божхона назоратини четлаб, ёки яширган ҳолда, декларацияламасдан, ёхуд ўз номи билан декларацияламасдан ва бошқа йўللар билан ўтказишга ҳаракат қилади. Бундай ҳолатларда бож тўловларини тўлашдан бўйин товлаш мақсади аён бўлиб, божхона органи

томонидан белгиланган тартиб бузилиб, давлатга шу бож тўловлар миқдориди моддий зарар етказилган деб ҳисобланади. Шу боис божхона органи Давлат вакили сифатида иш бўйича фуқаровий даъвогар сифатида қатнашиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида, Жисмоний шахслар томонидан четдан товарлар олиб кирилганда, божхона тизимига тааллуқли бўлмаган ҳужжатларни (мувофиқлик, келиб чиқиш, карантин сертификатлари, божхона лабораториясининг хулосаси ва бошқа ҳужжатлар) берувчи идоралар божхонага яқин жойларга жамланса ёки уларнинг шахобчалари ташкил этилса, шунингдек, бундай ҳужжатларни бериш тартибини соддалаштириш ва тезлаштириш механизми ишлаб чиқилса, Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодекси устида ишланса ва тегишлигича таҳрир қилинса, яъни жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги ҳам киритилса, ҳамда амалда қўлланилиш самарадорлиги ва таъсирчанлиги оширилса, кўрсатилган муаммолар ўз ечимини топар эди.

Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексига шарҳлар ишлаб чиқилса ва амалда қўллаш учун Республика Олий мажлиси муҳокамасига киритилса, маъмурий амалиёт соҳасида анча ижобий силжиш юз берган бўлур эди.

Жисмоний шахслар томонидан товарлар импорт қилинганда божхона расмийлаштирувининг соддалаштирилган тартибининг афзалликлари

Асқаров И.Р., Намозов А.А. -

Солиқ ва божхона органлари академияси.

2002 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2001 йил янунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президент Ислон Абдуғаниевич Каримов «Ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусида қилган маърузасида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш кераклиги тўғрисида тўхталиб, солиқ ва божхона тўловларини соддалаштириш зарурлигини таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўпроқ жаҳон бозорига чиқиши учун ҳар томонлама имконият яратиш, четдан келтирилаётган товарлар учун давлат томонидан белгиланган тўловларни ўз вақтида ундириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Бозорларда сифатсиз товарларни сотилишига чек қўйиш, четдан олиб келинган товарларни асоссиз равишда кўп қўллардан ўтишига барҳам бериш истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари эканлиги ривожланган давлатлар тажрибасидан маълум. Четдан товар олиб келишни тартибга солиш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

2002 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли, 2002 йил 27 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг республика ҳудудида

жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келишининг тартибга солишга доир айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 335-сонли қарорлари шулар жумласидандир. Ушбу қарорларга биноан жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган товарларни боғжона расмийлаштирувидан ўтказишни соддалаштириш мақсадида боғжона боғжлари, қўшилган қиймат солиғи ва жисмоний шахслардан ундириладиган йиғимлар ўрнига ягона боғжона тўловлари ундиришнинг соддалаштирилган тартиби 2002 йил 1 июндан амалиётга жорий этилди. Акциз солиғига тортиладиган товарлар учун эса ягона боғжона тўловларидан ташқари тегишли миқдорда акциз солиқлари ҳам ундирилади.

Товарлар учун қўлланиладиган халқаро код рақамларидан ҳамда товарни келиб чиқиш мамлакатидан қатъий назар товарнинг боғжона қийматидан озиқ-овқат товарлари учун 40%, ноозиқ-овқат товарлари учун эса 70% миқдорда ягона боғжона тўлови ундирилади. Қуйидаги мисолларда жисмоний шахслар томонидан озиқ-овқат товарларидан бўлган шакар ва ноозиқ-овқат товарларидан бўлган бўёқ маҳсулотларини четдан тижорат мақсадида республикамизга олиб келинганда ундириладиган ягона боғжона тўловининг эски тартибдан афзаллигини кўриш мумкин.

1-мисол: Жисмоний шахс Украинадан тижорат мақсадида умумий қиймати 8500 АҚШ доллари миқдорда шакар олиб келмоқда. Йўл харажати ва суғурта 1500 АҚШ доллари ҳисобида. Курс 1 АҚШ доллари-800 сўм миқдорда.

Ушбу озиқ-овқат маҳсулотини эски тартиб бўйича расмийлаштирилганда боғжона тўловлари қуйидагича ҳисобланади.

1. Товарнинг боғжона қиймати (БҚ)ни топиш учун товарнинг ҳисобварақдаги (8500 АҚШ доллари) нархига йўл ва суғурта харажатлари (1500 АҚШ доллари) қўшилади. Яъни:

$$БҚ = 8500\$ + 1500\$ = 10000\$ \times 800 \text{ сўм} = 8000000 \text{ сўм}$$

1. Товарнинг боғжона қиймати (БҚ)дан боғжона расмийлаштируви учун 0,2% миқдорда йиғим олинади.

$$8000000 \text{ сўм} \times 0,2\% = 16000 \text{ сўм}$$

2. Ўзбекистон Республикаси Украина Республикаси билан «Эркин савдо» келишуви имзоланганлиги учун (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 апрелда 429-сон билан рўйхатга олинган йўриқнома) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сонли қарорига асосан импорт божи олинмайди.

3. Товарнинг боғжона қийматидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2002 йил 5 мартда рўйхатга олинган 1101-сонли йўриқномага асосан ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 17 июндаги 215-сонли қарорига биноан шакар учун 20% акциз солиғи ундирилади.

$$8000000 \text{ сўм} \times 20\% = 1600000 \text{ сўм}$$

4. Товарнинг боғжона қийматига ҳисобланган импорт божи ва акциз солиғи суммаси қўшилишидан ҳосил бўлган (13800 АҚШ доллари) суммадан

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатга олинган 1124-сонли йўриқномага асосан 20% миқдорда қўшилган қиймат солиғи ундирилади.

$$9600000 \times 20\% = 1920000 \text{ сўм}$$

5. Товарнинг божхона қийматидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 80-сонли қарорига 2002 йил 24 июндаги 242-сонли қарори билан ўзгартириш киритилиб, божсиз олиб кириш меъёри (1000 АҚШ доллари) чегириб ташланмасдан 50 % миқдорда йиғим ундирилади.

$$8000000 \text{ сўм} \times 50\% = 4000000 \text{ сўм}$$

Демак, жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида Украинадан келтирилаётган 8500 АҚШ доллари нархидаги шакар маҳсулотидан жами $16000\text{сўм} + 1600000\text{сўм} + 1920000\text{сўм} + 4000000\text{сўм} = 7536000 \text{ сўм}$ ҳисобида божхона тўловлари ундирилиши лозим эди.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли, 2002 йил 27 сентябрдаги 335-сонли қарорларига асосан ягона божхона тўлови жорий этилгандан сўнг ушбу Украинадан олиб келинаётган 8000000 сўм божхона қиймати миқдоридаги шакар маҳсулотидан қуйидагича божхона тўловлари ҳисобланади.

1. Товарнинг божхона қиймати (Бқ)дан божхона расмийлаштируви учун 0,2% миқдорда йиғим олинади.

$$8000000 \text{ сўм} \times 0,2\% = 16000 \text{ сўм}$$

2. Товарнинг божхона қийматидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2002 йил 5 мартда рўйхатга олинган 1101-сонли йўриқномага асосан ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 17 июндаги 215-сонли қарорига биноан акциз солиғи 20% ундирилади.

$$8000000 \text{ сўм} \times 20\% = 1600000 \text{ сўм}$$

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли ва 2002 йил 27 сентябрдаги 335-сонли қарорларига асосан жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида четдан олиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1148 рақам билан рўйхатга олинган «Ягона божхона тўловларини ҳисоблаш ва давлат бюджетига ўтказиш тартиби ҳақида»ги Низомнинг иловасида кўрсатилган озиқ-овқат товарлардан 40 % миқдордаги ягона божхона тўлови қуйидагича ҳисобланади.

$$8000000 \text{ сўм} \times 40\% = 3200000 \text{ сўм}$$

Ушбу янги тартиб бўйича ундирилган жами божхона тўловлари $16000\text{сўм} + 1600000\text{сўм} + 3200000\text{сўм} = 4816000 \text{ сўм}$ ни ташкил этади.

Демак, жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида Украинадан олиб келинган шакар маҳсулотидан эски тартиб бўйича жами 7536000 сўм ҳисобида божхона тўловлари ундирилган бўлса, янги тартибдаги ягона божхона тўлови қўлланилганда эса жами 4816000 сўм миқдорида божхона тўлови ҳисобланади. Бунда қуйидагича фарқни кўриш мумкин яъни:

$$7536000 \text{ сўм} - 4816000\text{сўм} = 2720000 \text{ сўм}$$

2-мисол: Жисмоний шахс Германияда ишлаб чиқарилган ҳар донаси 5 л. дан бўлган полни бўяш учун 1393 дона банкада бўёқни Россиядан тижорат мақсадида олиб келмоқда. 1 дона банкадаги бўёқнинг ҳисобварақдаги нархи 110 Россия рубли, йўл ҳаражатлари жами 12000 Россия рублини ташкил этади. Курс 1 рубль – 40 сўм, 1 АҚШ доллари 800 сўм.

Ушбу ноозиқ-овқат маҳсулотини эски тартиб бўйича расмийлаштирилганда божхона тўловлари қуйидагича ҳисобланган эди.

1. Товарнинг божхона қиймати (Бқ)ни топиш учун товарнинг ҳисобварақдаги (1393 x 110 рубль = 153230 рубль) нархига йўл ҳаражатлари (12000 рубль)ни қўшамиз. Яъни:

$$\text{Бқ} = 153230 \text{ рубль} + 12000 \text{ р.} = 165230 \text{ рубль}$$

Ушбу чиққан 165230 рубль курс бўйича миллий валюта «сўм»га айлантирилганда 6609200 сўмни ташкил этади.

$$\text{Бқ} = 165230 \text{ рубль} \times 40 \text{ сўм} = 6609200 \text{ сўм}$$

1. Товарнинг божхона қиймати (Бқ)дан божхона расмийлаштируви учун 0,2% миқдорда йиғим олинади.

$$6609200 \text{ сўм} \times 0,2\% = 13218 \text{ сўм}$$

2. Олиб келинаётган товар Германияда ишлаб чиқарилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси билан Германия давлати ўртасида «Энг қулай савдо» келишуви имзоланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 апрелда рўйхатга олинган 426-сонли йўриқнома). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 4 июнда 1147 рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш кўламадан келиб чиқиб, товарларни олиб келишнинг мақсадларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан импорт божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 189-сонли қарорининг 1-илоvasида кўрсатилган миқдор бўйича олинади.

$$6609200 \text{ сўм} \times 30\% = 1982760 \text{ сўм}$$

3. Ушбу товар акциз солиғига тушмайди.

4. Товарнинг божхона қийматига ҳисобланган импорт божи суммаси қўшилишидан ҳосил бўлган 8591960 сўмдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатга олинган 1124-сонли йўриқномага асосан 20% миқдорда қўшилган қиймат солиғи ундирилади.

$$8591960 \text{ сўм} \times 20\% = 1718392 \text{ сўм}$$

5. Товарнинг божхона қийматидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 80-сонли қарорига 2002 йил 24 июндаги 242-сонли қарори билан ўзгартириш киритилиб, божсиз олиб кириш меъёри (1000 АҚШ доллари) чегириб ташланмасдан 50 % миқдорда йиғим ундирилади.

$$6609200 \text{ сўм} \times 50\% = 3304600 \text{ сўм}$$

Жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида Германияда ишлаб чиқарилган ва Россиядан келтириляётган 6609200 сўм божхона қийматидаги

бўёқ маҳсулотидан эски тартиб бўйича ҳисобланганда жами 13218 сўм +1982760 сўм + 1718392 сўм +3304600 сўм = 7018970 сўм ҳисобида божхона тўловлари ундирилар эди.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли ва 2002 йил 27 сентябрдаги 335-сонли қарорларига асосан ягона божхона тўлови жорий этилгандан сўнг ушбу Германияда ишлаб чиқарилган ва Россиядан олиб келинаётган 153230 рубль қийматида бўлган ноозиқ-овқат товарлар таркибига кирувчи бўёқ маҳсулотидан қуйидаги божхона тўловлари ҳисобланади.

Товарнинг божхона қиймати (Бқ)ни топиш учун товарнинг ҳисоб варақдаги (1393 x 110рубль = 153230 рубль) нархига йўл ҳаражатлари (12000 рубл)ни қўшамиз. Яъни:

$$\text{Бқ} = 153230 \text{ рубль} + 12000 \text{ рубль} = 165230 \text{ рубль}$$

Ушбу чиққан 165230 рублни курс бўйича миллий валюта-«сўм»га айлантирилганда божхона қиймати қуйидагича бўлади.

$$\text{Бқ} = 165230 \text{ рубль} \times 40 \text{ сўм} = 6609200 \text{ сўм}$$

1. Товарнинг божхона қиймати (Бқ)дан божхона расмийлаштируви учун 0,2% миқдорда йиғим олинади.

$$6609200 \text{ сўм} \times 0,2\% = 13218 \text{ сўм}$$

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли ва 2002 йил 27 сентябрдаги 335-сонли қарорларига асосан жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида четдан олиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1148 ракам билан рўйхатга олинган «Ягона божхона тўловларини ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш тартиби ҳақида»ги Низомнинг иловасида кўрсатилган ноозиқ-овқат товарларининг божхона қийматидан 70 % миқдорда ягона божхона тўлови ҳисобланади.

$$6609200 \text{ сўм} \times 70\% = 4626440 \text{ сўм}$$

3. Ушбу товар акциз солиғига тушмайди.

Жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида Германияда ишлаб чиқарилган ва Россиядан келириляётган 6609200 сўм божхона қийматидаги бўёқ маҳсулотидан янги тартибга асосан ҳисобланганда жами 13218 сўм + 4626440 сўм = 4639658 сўм ҳисобида божхона тўловлари ундирилади.

Жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида Германияда ишлаб чиқарилган ва Россиядан олиб келинган ноозиқ-овқат товарларига кирувчи бўёқ маҳсулотини эски тартиб билан божхона тўловлари ҳисобланганда жами 7018970 сўм миқдоридида тўловлар ундириллар эди, янги тартибдаги ягона божхона тўлови қўлланилганда эса жами 4639658 сўм миқдоридида божхона тўлови ҳисобланади. Бунда қуйидагича фарқни кўриш мумкин яъни:

$$7018970 \text{ сўм} - 4639658 \text{ сўм} = 2379311 \text{ сўм}$$

Демак, ягона божхона тўлови жорий қилингандан сўнг жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадида олиб келинаётган товарларни расмийлаштиришда божхона тўловларини тўлашда маълум даражада соддалаштирилиб енгиллик яратилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатларида импорт товарларни солиққа тортиш масалалари

Намозов А.А., Асқаров Н.И. - Солиқ ва божхона органлари академияси, Андижон Давлат университети.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, асосий вазифаларидан бири иқтисодий жиҳатдан мустақиллиқни мустаҳкамлаш эканлиги Президентимиз И.А.Каримов томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ белгилаб берилган машҳур беш тамойилнинг бири «Иқтисодни сиёсатдан устуворлиги» тамойили асосида мамлакат иқтисодий жиҳатдан ўз ривожланишини белгилаб олди.

Мамлакатдаги иқтисодий шароитни ҳисобга олиб мустақилликнинг дастлабки йилларида ички бозорни зарур товарлар билан тўлдириш мақсадида четдан келтириладиган товарлардан 1995 йилгача импорт божлари ундирилмай келди.

Четдан келтириладиган товарларга импорт божи фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 июлдаги 287-сонли қарори билан қўлланила бошланди.

1995 йилдан 2002 йилгача импорт товарлар учун белгиланган ставкалар ички бозорни инobatга олган ҳолда бир неча марта ўзгаришлар билан амалиётга янгитдан жорий қилинди.

Божхона божларини ҳисоблаш ва ундириш товарнинг божхона қийматига асосан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, «Бож тарифи тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1999 йил 27 июлда 782-сон билан рўйхатга олинган йуриқнома ва унга киритилган учта қўшимчалар асосида амалга оширилиб, ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 189-сонли қарорида белгиланган миқдорларга кўра ҳисобланади.

Агар импорт божларидан тушумлар мамлакатимизда дастлаб қўлланиладиган даврда давлат бюджетига 164,1 млн. сўм божхона хизмати томонидан ўтказилган бўлса, божхона қонунчилиги такомиллашган сайин бу кўрсаткич ҳам ўсиб борди. 1998 йилда 6655,2 млн.сўм, 2001 йилда эса 17715,5 млн.сўм импорт божидан ундирилган маблағ давлат бюджетига ўтказилди.

Кўриниб турибдики, четдан олиб келинадиган товарлардан бундай табақалашган импорт божларини жорий қилиниши ва уни йилдан-йилга такомиллаштириб бориши бевосита мамлакатни ички ишлаб чиқаришини ривожланиши, импорт ўрнини босувчи сифатли экспорт товарларини ишлаб чиқариладигани билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бозорларимизда сифатли товарларни ва миллий товарларимизни харидорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 20 августда «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг

ички бозорида такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 295-сонли қарори қабул қилинди.

Қуйидаги жадвалда четдан олиб келинадиган баъзи товарлар учун 1995-2002 йилларда жорий этилган импорт божлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Баъзи бир четдан олиб келинаётган товарлар учун импорт божларининг 1995-2002 йилларда белгиланган ставкалари

Товарларнинг номи/лашиши	Товар коди	Уз.Р.В.Мининг 25.07.1995 йилдаги 287-сонли қар.асосида	Уз.Р.В.Мининг 20.03.1996 йилдаги 114-сонли қарори асосида	10.10. 1997 йилдаги УП-1871-сонли Фармон асосида	Уз.Р.В.М.нинг 25.02.1998й. 80-сонли қар. асосида	Уз.Р.В.Мининг 02.02.2001 йилдаги 66-сонли қарори асосида	Уз.Р.В.М.нинг 31.05.2002 йилдаги 189-сонли қарори асосида
Қуйидагилардан ташқари		0	1	3	3	0	
Бодринглар	0707		30	30	30	30	30
Ферментланган агаж қуқ чой	090210000	-	10	10	10	Бекор қилинган	0
Ферментланган қора чой	090230000	-	10	10	10	Бекор қилинган	0
Мева шербатлар	200950200990	20	30	30	30	20	30
Цитрусли мевалар шербатлари	200911-200940	5	20	20	20	30	30
Сувлар, шу жумладан газли сувлар ҳам қиради	2202	20	30	30, бироқ 1 литри учун 0,15дан кам эмас	30, бироқ 1 литри учун 0,15 Экюдан кам эмас	30, бироқ 1 литри учун 0,15 АКШ долларидан кам эмас	30, бироқ 1 литри учун 0,15\$ дан кам эмас
Бижитилган пиво	2203	20	30	30, бироқ 1 литри учун 0,15 Экюдан кам эмас	30, бироқ 1 литри учун 0,15 Экюдан кам эмас	30, бироқ 1 литри учун 0,15 АКШ долларидан кам эмас	30, бироқ 1 литри учун 0,15\$ дан кам эмас
Ош тузи	250100910	-	10	30	30	20	30
Чармдан тайёрланган кийимлар	4203	10	10	30	30	20	30
Мўйнадан тайёрланган кийимлар	4303-4304	10	10	15	15	20	30
Гиламлар	5701-5705	50	30	30	30	30	30
Мебеллар	940130-940180	20	20	30	30	30	30

Ушбу қарор билан тадбиркорлар томонидан четдан олиб келинаётган импорт товарлари учун албатта мувофиқлик сертификати мавжуд бўлгандагина божхона расмийлаштирилиши ўтказилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек 2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар ёрлиқларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат тилида товарнинг хусусиятлари тўғрисидаги ахборот ва уларни қўллаш, улардан фойдаланиш бўйича йўриқномалар мавжуд бўлган тақдирда эркин муомалага чиқарилиши кўрсатилиб қўйилди. Бундай тадбирлар

республикамызга четдан сифатли товарлар кириб келишини таъминлашга қаратилган.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият борасида олиб борилаётган сиёсат тўғри эканлиги ҳозирда амалиётда ўз аксини топмоқда. Биз ўйлаймизки, тadbиркорларга янада самарали фаолият юритишлари учун ва импорт товарларини солиққа тортиш масалаларини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида тўловчиларни бир хил валютада амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек меъёрий қонун ҳужжатларига эркин алмантириладиган валютада муомала қилиш ва валюта алмаштириш шохобчаларида бемалол валюта алмаштириш тadbирларини амалга оширишни қонуний белгилаб қўйилиши ташқи савдони тартибга солишда янада ижобий натижа бериши шубҳасиз.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришда Товарлар Номенклатурасига биноан пахта толаси ва унинг маҳсулотларини кимёвий таркиби бўйича синфлаш муаммолари

Каримқулов Қ.М., Шорахмедов Ш.Ш., Аскарлов И.Р.,
Тошнўлатов О.А., Пардаев Т. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Пахта толасининг сифат кўрсаткичлари унинг сифати ва нархини белгиловчи меъёр ҳисобланиб, Ташқи Иқтисодий Фаолият Товарлар Номенклатураси (кейинги матнларда ТИФ ТН) бўйича синфлашда муҳим ҳисобланади.

Амалда Ўзбекистон Республикасида қўлланилаётган ТИФ ТНда пахта толаси 2 та товар позициясида 520100100 ва 520100900 синфланган бўлиб, ҳозирги вақтда пахта толасининг экспорти ушбу код рақамлари орқали амалга оширилмоқда, ваҳоланки Давлат стандарти талабларига кўра бизга маълумки, пахта толасининг 5 та нави ва 9 та тури бўлиб, уларнинг нархи ҳам ҳар хилдир. Шунинг учун ТИФ ТН бўйича ҳар бир пахта толасининг нави ва тури бўйича ТИФ ТНга кўра код рақамини ишлаб чиқиш мақсадида илмий тadbқиқотлар олиб бориш ва ТИФ ТНга тadbқиқ этиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда қўлланилаётган ТИФ ТН коидаларига биноан ҳам, бутун дунё мамлакатлари томонидан қўлланилаётган Уйғунлашган Тизим талабида ҳам товарларни синфлашда дастлабки 6 та код рақами ўзгармаган ҳолда товарларнинг 7,8,9 рақамларига ҳар бир Давлат иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб қўшимчалар киритиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб Солиқ ва божхона органлари Академиясида Ўзбекистон Республикасида муҳим бўлган пахта толасини экспорт қилишда ТИФ ТН бўйича пахта толасини ҳар бир нави ва тури учун алоҳида халқаро талабларга мос келадиган код рақамини ишлаб чиқиш мақсадида тadbқиқот ишлари олиб борилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида пахта толасининг бир қанча навлари етиштирилади, жумладан пахта толасининг 5 та нави мавжуд бўлиб, улар ҳам мавжуд Давлат стандарт талабларига кўра олий, яхши, ўрта, оддий ва ёмон синфларга бўлинади. Пахта толасининг навлари Давлат стандарти-Ўзбекистан РТС 634-95 техник шароит талаблари бўйича бир-биридан қуйидаги сифат кўрсаткичлари билан фарқ қилади:

1. Пахта толасининг ташиқи кўриниши (Пахта толаси ташқи кўринишининг намунавий эталони «Сифат» Маркази «Ўздавпахтасаноатсотиш» Давлат уюшмасининг сифат лабораториялари томонидан тайёрланади);

2. Тола узунлиги;

3. Ифлослийлик даражаси,

4. Намлиги.

Пахта толасининг ушбу физик-кимёвий кўрсаткичларидан 1 таси талаб даражасига жавоб бермаса пахта толасининг нави Давлат стандарти талабларига биноан қўйи навга туширилади.

Пахта толаси юқоридаги кўрсаткичларига кўра 1а,1б,1,2,3,4,5,6 ва 7 типларга бўлинади. 1-3 типлар ингичка толали, 4-7 типлар эса ўрта толали ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, пахта толасини ТИФ ТН бўйича синфлашда халқаро талабларга биноан асосий кўрсаткичи тола узунлиги ҳисобланади. Халқаро биржаларда пахта толасининг асосий кўрсаткичи, яъни тола узунлиги бўйича нарх қўйилади, Халқаро стандарт талабларида ҳам пахта толасининг асосий кўрсаткичи тола узунлиги ҳисобланади. Шунинг учун бизнинг фикримизча Ўзбекистон Республикасида амалда қўлланилаётган пахта толаси ва уни маҳсулотлари учун Давлат стандартларини (Техник шароитларни) Халқаро талабларга мос равишда қайта ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш муаммолари

Каримкулов Қ, Шорахмедов Ш., Тошпўлатов О., Пардаев Т.-
Солиқ ва божхона органлари академияси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, божхона назоратини ташкил этиш ҳамда божхона кўригини ўтказишда товарларни кимёвий таркибини аниқлашни илмий усуллари ва замонавий техник асбобларни қўллаш асосида амалга ошириш йўлга қўйилди. Ривожланган давлатлар, жумладан АҚШ, Германия, Япония, Испания, Голландия, Россия ва бошқа давлатларнинг божхона иши соҳасидаги тажрибалари ўрганилиб, божхона ишини жахон андозалари даражаси талабларига етказиш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Кейинги вақтларда Республика божхона тизими ўз қонунлари, меъёрий ҳужжатларига эга бўлдики, натижада божхона тизими халқаро миқёсда ўз ўрнига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида шаклланди. Ушбу ишларни амалга оширишда барча

соҳалар қатори божхона тизимида товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлашни йўлга қўйилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Товарлар Номенклатурасини амалиётга киритилганлиги ўзининг ижобий натижаларини кўрсата бошлади.

1997 йили Ўзбекистонда профессор Асқаров И.Р., академик Рискъев Т.Т. томонидан «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш» фани кимё фанлари тизимига киритилди. 2002 йилда Солиқ ва божхона органлари Академиясида «Божхона назорати ва товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш» кафедраси ташкил этилди.

Товарларни Ташқи Иқтисодий Фаолият Товарлар Номенклатураси (кейинги ўринларда ТИФ ТН) бўйича тўғри синфланганлигини аниқлаш ва товарларни ТИФ ТН кодларини назорат қилиш, ривожланган давлатлар тажрибасига кўра божхона экспертизаси лабораторияларида амалга оширилганда юқори самара бериши аниқланди. Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда, яъни товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида ҳар бир товар Уйғунлашган Тизимга асосланган ТИФ ТН асосида синflanади.

Товарлар қайси давлатлардан юборилишидан катъий назар барча давлатларда бир хилда ТИФ ТН бўйича синфланиб, товарларни божхона назоратини амалга оширишда бир қатор қулайликлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини муҳофаза қилиш ва бож тўловларини тўғри ундирилишини назорат қилиш учун божхона экспертизасини амалга ошириш орқали товарларни ТИФ ТН бўйича синфлаш муҳим аҳамият касб этади.

Товарларни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида Уйғунлашган Тизим бўйича ТИФ ТНни амалда қўллашда баъзида бир қатор муаммолар пайдо бўлмоқда.

Божхона экспертизасини амалга ошириш учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган, яъни божхона экспертизаси Ўзбекистон Республикаси «Божхона кодекси»нинг 53,79,181 ва 182-моддалари бўйича ҳамда ДБҚнинг Марказий божхона экспертиза лабораторияси ҳақидаги Низом ва Давлат божхона қўмитасининг буйруқ ва кўрсатмалари асосида амалга оширилади. Аммо, божхона экспертиза лабораториясининг хулосаси асосида Ташқи Иқтисодий Фаолият (кейинги матнларда ТИФ) иштирокчиларининг товар моддий бойликларига нисбатан маъмурий ва жиноий ишлар юритилади, шунинг учун божхона экспертизаси хулосасининг Республикадаги барча жисмоний ва юридик шахслар учун бажарилиши мажбурий ҳужжат мақомига эга бўлиши учун бизнинг фикримизча божхона органларида божхона экспертизасини амалга оширишнинг тартиблари ҳақида йўриқнома ишлаб чиқиш ва бу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтказилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда ТИФ ТНни амалда қўллаш Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига ва Давлат божхона қўмитасига юклатилган. Экспорт ва импорт қилинаётган иқтисодий муҳим товарларни Ўзбекистон Республикаси миллий

ТИФ ТН асосида халқаро код рақамларини аниқ детализация қилинган ҳолатда ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш зарур, шундагина товарлардан ундириладиган бож тўловлари ва қўшимча қиймат солиғи, акциз солиғи тўлиқ ундирилади ҳамда божхона статистик маълумотлари тўғри юритилади.

Божхона қийматини тўғри ҳисоблашнинг тўловларни ундиришдаги аҳамияти

Пардаев Т.Н., Тошпўлатов О.А., Каримкулов Қ.М.,
Холмедов М.М. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, чет давлатлар билан барча алоқалар каби иқтисодий алоқалари ҳам йилдан йилга ривожланиб бормоқда.

Республикамиз ўтган давр мобайнида халқаро алоқаларда тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Давлатимиз дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатлари билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатди. Шунингдек, бир қанча нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида ўз ички ва ташқи сиёсатини ўзи белгилайдиган бўлди. Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг ажралмас қисми бўлган божхона сиёсатини ишлаб чиқиш имконияти туғилди. Мамлакатимизда божхона сиёсатининг асосий мақсадлари, Республикамиз божхона ҳудудида самарали божхона назоратини олиб бориш, товарлар айрибошлашни тартибга солишни таъминлашдан, иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантиришдан ва ички бозорни ҳимоялашдан иборатдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бож тарифини қўллаш орқали ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиб, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви учун шарт – шароит яратади. Божхона қиймати - ташқи иқтисодий фаолиятни бож тарифи орқали бошқаришда товарларни божхона мақсадлари учун баҳоланган қийматидир. Товарларнинг божхона қийматини аниқлаш, «Бож тарифи» тўғрисидаги ва «Ўзбекистон Республикаси божхона кодекси» қонунларига биноан амалга оширилади.

Божхона тўловларини ундиришда товарларнинг божхона қиймати асос бўлиб ҳисобланади. Маълумки, божхона тўловларини асосий қисмини бож, қўшимча қиймат ва акциз солиғи ташкил этади. Товарларнинг божхона қийматини қанчалик тўғри аниқланиши давлат хазинасига тушадиган божхона тўловларининг тўлиқ ундирилишига олиб келади.

Божхона қийматини ҳисоблаб чиқиш амалиётда баъзи-бир муаммоли масалаларни келтириб чиқармоқда. Бунинг учун ҳозирги вақтда божхона қийматини аниқлашнинг усуллари бўйича амалий мисоллар мужассамланган йўриқномалар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёти ривожланган давлатларда олиб келинаётган товарларнинг божхона тўловлари

90-95 фоизи 1-усул билан аниқланган божхона қийматига асослангандир. Яъни бунда олиб кириладиган товарлар бўйича тузилган битим қиймати бўйича, божхона қийматини аниқлаш усулидан фойдаланмоқда. Бу усул товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг имкон даражадаги тўғри ва ҳақиқатга яқин қулай усулидир.

Кейинги вақтларда божхона қийматини аниқлашнинг 2-чи усули учун дастлабки маълумотлар сифатида ишлатиладиган 1-усул билан аниқланган товарлар божхона қийматини тўғри аниқланиши муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу борада божхона органлари шартномаларни рўйхатдан ўтказишда товар юбораётган мамлакатлар билан ахборот айирбошлашни йўлга қўйиш, товарларнинг божхона қийматини тўлиқ аниқлаш имкониятини беради. Натижада, давлат хазинасига тушадиган барча тўловлар қаторида қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқларини ҳисоблаб чиқиш ҳамда ундириш тақомиллашади.

Эгри солиқлар тизимида божхона тўловлари

Алиев А. А., Саидов Т. М. -
Тошкент Давлат иқтисодийёт университети.

Дунё амалиёти шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакат учун солиқлар ёрдамида давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш масаласи долзарб ҳисобланади. Бу масалани ҳал этишда аксарият мамлакатларда эгри солиқларга катта аҳамият берилади.

Эгри солиқларни мамлакат солиқ даромадларидаги улушларига қараб уни иқтисодий ривожланганлик даражасига баҳо бериш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда эгри солиқлар барча солиқ тушумларининг 32 фоизини, ривожланаётган мамлакатларда эса 68 фоизини ташкил этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида эгри солиқларга давлат бюджетини 55-60 фоизи тўғри келади. Кейинги йилларда Республикамиз давлат бюджетида тўғри солиқлар улушининг кўпайиши ҳолати кузатилмоқда. Агарда 1991 йили тўғри солиқлар яппи ички маҳсулот ҳажмининг 10,8 фоизини, эгри солиқлар эса 9,5 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб бу нисбат мос равишда 8 фоизни ва 10,5 фоизни ташкил этди.

Эгри солиқлар: қўшилган қиймат солиғига, акциз солиғига ва божхона божларига бўлинади, яъни эгри солиқлар божхона тўловларининг асосий турларидан иборат экан.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ташқи савдо фаолиятини, унинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида божхона тўловларининг бу турларига тортиладиган товарлар сони ва ассортименти сезиларли даражада ўзгарди. Бу ўзгаришларнинг асосий сабаби республикамизнинг экспорт ҳажмининг асосий қисмини хом ашё ташкил этган мамлакатдан экспорт таркибида қайта ишланганлик даражаси юқори бўлган товарлардан иборат мамлакатга айланиб бораётганлигидир. Бу эса ўз навбатида, келажакда Республикамиз иқтисодийотини, жaxon хўжалиги иқтисодийотига тобора

интеграллашиб бориши натижасида давлат бюджетида эгри ва тўғри солиқлар ўртасидаги мутаносибликни вужудга келишига олиб келади.

Банкротство предприятий в современных условиях и таможенная политика

Салимова Б.И. – *Узбекистон Республикаси*
ФА иқтисодий институти.

Неизбежное в условиях формирования рыночной экономики реформирование предприятий предполагает создание в обществе законодательных предпосылок для развития эффективных взаимоотношений между предприятиями-заемщиками и кредиторами, должниками и кредиторами. Одна из таких предпосылок - наличие законодательства о банкротстве, реализация которого должна способствовать предупреждению случаев банкротства, оздоровлению всей системы финансовых взаимоотношений между предпринимателями, а в случае признания должника банкротом - сведению к минимуму отрицательных последствий банкротства для обеих сторон, осуществлению всех необходимых процедур в цивилизованной форме.

В настоящее время основным нормативным документом, регламентирующим процедуру банкротства, является закон “О банкротстве” от 28 августа 1998 года.

Признаком банкротства юридического лица по закону считается неспособность юридического лица удовлетворить требования кредиторов по денежным обязательствам и (или) исполнить обязанность по уплате обязательных платежей, если соответствующие обязательства и (или) обязанности не исполнены им в течение шести месяцев с момента наступления даты их исполнения.

Закон предусматривает ряд процедур, способствующих восстановлению платежеспособности должника, а именно: досудебную санацию - предоставление должнику финансовой помощи, достаточной для погашения денежных обязательств и восстановления платежеспособности; мораторий на удовлетворение требований кредиторов; возможность заключения мирового соглашения на любой стадии процесса; иные меры, которые могут способствовать достижению вышеуказанных целей.

Сам процесс банкротства состоит из ряда сменяющих друг друга процедур: внешнего управления - процедуры банкротства, которую хозяйственный суд на основании решения собрания кредиторов вводит в целях восстановления платежеспособности должника с передачей полномочий управления должником внешнему управляющему; ликвидационного производства - процедуры банкротства, применяемая к должнику, признанному банкротом, в целях соразмерного удовлетворения требований кредиторов и объявления должника свободным от долгов, охраны сторон от неправомерных действий в отношении друг друга.

Эффективность антикризисного управления во многом зависит от радикально направленных действий внешнего управляющего, который

назначается хозяйственным судом и которому передаются функции внешнего управления имуществом должника. Основанием для назначения внешнего управления имуществом должника является наличие реальной возможности восстановить платежеспособность предприятия-должника с целью продолжения его деятельности путем реализации части его имущества и осуществления других организационных и экономических мероприятий.

Безусловно, необходимо принимать все меры по предотвращению кризисной ситуации. С этой целью необходимо проводить анализ финансового состояния предприятия. Если же предприятие оказалось в долговой яме, необходимо предпринимать комплексные усилия по восстановлению его платежеспособности. Конкретный перечень мероприятий будет зависеть от целесообразности и возможности санации должника, масштаба кризиса и значимости данного предприятия.

Для предотвращения банкротства предприятий одним из основных рычагов является создание условий для реализации продуктов отечественных предприятий на внутреннем и внешнем рынке.

Для этого, в первую очередь, необходимо обеспечить свободную продажу выпускаемых ими товаров. При создании этих условий своевременное введение акцизных налогов на импортные товары обеспечивает реализацию отечественных товаров.

С 2002 года постановлением Кабинета Министров для 34 наименований импортных товаров введен акцизный налог.

Данная налоговая политика безусловно способствует предотвращению банкротства отечественных предприятий, которые выпускают товары, подлежащие акцизным налогам.

Божхона иши фаолиятини ривожлантиришда солиқлар ва солиққа тортишнинг аҳамияти

Кулимов А.К., Отажонов О.Б. - Хоразм вилояти божхона бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 103-моддасида товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда ундириладиган божхона тўловлари турлари белгилаб берилган. Бунга бож, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона органлари томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириладиган йиғимлар кўрсатилган. Ҳозирги кунда ушбу тўловлар қаторига жисмоний шахслардан ундириладиган ягона божхона тўловлари ҳамда юридик шахслар томонидан истеъмол товарлари келтирилганда 20 фоизлик ставка бўйича тўловлар ҳам қўшилди.

Амалдаги қонунлар талаблари асосида кўрсатиб ўтилган ҳар бир божхона тўловларини ҳисоблаш ва бюджетга ундиришни тартибга солувчи алоҳида йўриқномалар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси четдан келтириладиган товарларга божхона тўловлари белгилаш динамикасини таҳлили шуни кўрсатадики, 1995 йил 1 октябрдан ҳеч қандай тўлов бўлган эмас. 1995 йил 1 октябрдан импорт божи белгиланди. 1996 йилдан бошлаб айрим турдаги товарларга нисбатан акциз

соликлари жорий этилди ва кейинчалик акциз солигига тортиладиган товарлар рўйхати ошиб, солиқ ставкаси кўтарилиб борди. 1998 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига биноан импорт товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғи жорий қилинди.

Белгиланган божхона тўловлари системаси бир томондан товарлар кириб келишини иқтисодий чоралар билан тартибга солиш учун хизмат қилса, иккинчи томондан давлат бюджетини маблағ билан таъминлашга хизмат қилади.

Юқорида импорт қилинаётган товарларга нисбатан ундириладиган божхона тўловларининг ошиб бориш жараёнини кузатдик.

Хўш, бу ҳол божхона органлари олдига қандай янги муаммоларни қўяди.

Аввало, белгиланган божхона тўловларидан бўйин товлаш мақсадида товарларни айланма йўллар орқали (контрабанда йўли билан) олиб ўтишга уриниш ҳолатлари кўпайиши мумкин.

Иккинчидан, четдан импорт қилинадиган товарларга нисбатан юқори даражадаги божхона тўловларининг белгиланиши натижасида ички бозорда товарлар нархининг ошишига сабаб бўлади. Бундан ички ишлаб чиқарувчилар фойдаланиб ўзлари томонидан ишлаб чиқиладиган товарлар нархини (таннархини) сунъий равишда кўтариб юборишлари мумкин.

Божхона тўловлари мўътадил даражаларда жорий қилинганидагина самара беради, уни юқори даражада бўлиши ички бозорга халқаро меҳнат тақсмоти ютуқларининг кириб келишига тўсиқ бўлади, иккинчи томондан ички бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатини сусайтиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда ички истеъмол бозорида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар нархини назорат қилиш тизимини яратиш лозим. Бу ўз навбатида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ички истеъмолчиларга арзон нархларда истеъмол товарлари етказиб берилишини таъминлайди ва кўплаб янги ишчи ўринлари очилишига имконият яратиш беради.

Солиққа тортишнинг иқтисодий асослари

Минаварова Г. - Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.

Ривожланган давлатлар бoshидан кечирган ўтиш даври, иқтисодий муносабатлар ва уларга мос қонунчиликнинг шаклланиши ҳозирги кунда давлатимиз қабул қилган бир қатор чора-тадбирларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, солиқ тизимини мукамаллаштириш борасидаги ҳуқуматимизнинг қарори ҳам шулар жумласидандир.

Чунки, солиқлар давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этиб, бюджет орқали халқ хўжалигининг кўпгина соҳалари таъминланади. Хусусан, жами харажатларнинг 35,1 % и ижтимоий соҳага, 7,7 % и ижтимоий

ҳимояга, иқтисодиётга (халқ ҳўжалигига) 9,1 %, марказлаш инвестицияларга 20,1 %, давлат бошқарувига 2,3 % ва бошқа харажатларга 25,7 %.¹

Нархлар ошиб бораётган ҳозирги кунда эса, табиийки, бу харажатлар ҳам ошиб бориши керак. Агар давлат бюджетининг сарф-харажатлар қисми даромад билан тўлдирилиб турилмаса, бюджет тақчиллиги, давлатнинг ички ва ташқи қарзларининг кўпайиб кетишига олиб келади. Бу салбий жараёнларнинг олдини олиш учун аҳоли ва корхоналар даромадини тўлиқ ҳисобга олиш ва улардан тегишли солиқ ундириш механизми ишлаб чиқилмоқда.

Бунда солиқ тизими ўзига хос вазифаларни - хазинани тўлдириш, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаларини тўла даражада бажариши зарур. Бу вазифаларни бажариш учун амалдаги солиқ тизимини ислоҳ қилиш талаб қилинади. Бунда асос қилиб олинган асосий тамойил эса корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришдир. Солиқ тўлашдан қолган маблағни эса корхоналар ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, техника билан қайта куроллантиришга ва айланма маблағларни тўлдиришга сарфланиши мумкин.

Бунда Президентимизнинг «Биз бундан буён ҳам солиқлар миқдорини камайтириш сиёсатини изчиллик билан олиб боришимиз керак» деган сўзларига таянишимиз керак. Шунинг учун солиққа тортиш иқтисодий жиҳатдан нечоғли асосланган бўлса, у шунчалик самара беради.

Солиқ органларининг вазифаси нафақат солиқ ставкаларини ишлаб чиқиш ва солиқ ундириш, бошқа кенг оммага, тадбиркорларга солиқ тўғрисидаги барча маълумотларни етказишдир. Солиқ тизими жуда қадимда пайдо бўлган, кўпинча уни давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлашади. Солиқ тизими ривожланган давлатлардан бири қадимги Рим бўлиб, солиқ йиғиш учун бу ерда аҳоли рўйхатга олинган, уларнинг мулки нархлаб чиқилган. Солиқлар кўп асрлик тарихга эга бўлишига қарамай, солиқлар назарияси XVII асрдагина яратилган. Иқтисодчиларнинг солиққа тортиш тамойиллари бўйича қарашлари бир-бирдан фарқ қилган.

Ҳар бир давлат фуқароси ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўз ҳукуматини қўллаб-қувватлаши керак. Чунки улар олаётган даромад бевосита давлат ёрдамида вужудга келади. Давлат ўз фуқароларининг яшаши, ишлаши, ўқиши ва тадбиркорлик билан шугулланиши учун имкон яратиб беради, ўз қонунлари билан уларни муҳофаза қилади.

«Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, . . . солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча уни рағбатлантириши зарур», - деб Президентимиз И. Каримов солиққа тортиш вазифаларини янада аниқлаштириб бердилар.

Республикамизда солиқ тизимини ислоҳ қилишда унинг таркибини ўзгартириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2000 год. Т. 2001 й 15-16 бетлар.

Республика аҳамиятига эга бўлган солиқлар билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегарани белгилаш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир.

Шунингдек, корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш, тўлов мажбуриятларини бир меъёрга келтириш, қарзларнинг салбий оқибатини тугатиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш фанининг солиқ ва божларни тўғри ундирилишидаги ўрни

Тўхтабоев Н.Х. - *Анджон Давлат университети*

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг 1997 йил 15 июлдаги 14-сонли қарорига биноан Ўзбекистонда профессор И.Р.Асқаров ва академик Т.Т.Рисқиев томонидан таклиф этилган янги ихтисослик кимё фанлари тизими бўйича «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш» фани рўйхатга олинди.

Ушбу янги фаннинг бугунги кунда умумтаълим ўрта мактабларининг 9-синф дарслигига ҳам киритилганлиги бу фанга мамлакат миқёсида бошқа фанлар қатори алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолат беради. Бу янги фан қуйида келтирилган кимё фанларининг очилиш саналари жадвалидан ўрина олганлиги ва умум илм аҳли томонидан эътироф этилганлиги диққатга сазовордир.

«Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш» соҳасини фан сифатида эътироф этилишида ўзбек олимларидан Ибрагимов А.А., Ҳамроқулов Ф.Х., Исаков М.Ю., Раҳимжонов М.А., Тошпўлатов О.А., Кирғизов Ш.М., Жўраев А.М., Каримқулов Қ.М., Намозов А.А., Холиқом М., Холиқов Р., Шодиёв М.Х., Кулимов А.К., Абдуганиев Б.Ё., Абдуллажонов А.А., Ғофуров К. ва бошқа олимлар ҳамда амалиётчилар томонидан олиб борилган ва амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Импорт товарларидан ундириладиган акциз солиғи ва ягона божхона тўловларини тўғри ундирилишида товарнинг халқаро код рақамини тўғри аниқлаш энг асосий омиллардан биридир.

Товарнинг халқаро иқтисодий муносабатларда қўлланиладиган код рақамларини тўғри, ҳолисона аниқлаш учун энг аввало ҳар бир товарни бошқа хоссалари билан бир қаторда кимёвий таркиби ўрганилиши зарур. Товарнинг кимёвий таркиби тўғри таҳлил қилиниб, унинг физикавий, кимёвий, биологик ва бошқа хусусиятлари мужассамланган ҳолатда атрофлича таҳлил қилингандагина унинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги код рақами тўғри белгиланиши мумкин. Қанчалик халқаро иқтисодий муносабатларда қўлланиладиган товар коди тўғри аниқланса, товар импорт қилинганда ундириладиган акциз солиқлари ва ягона божхона тўловларини тўғри, қонуний ундириш учун имконият яратилади. Бунинг учун ҳар бир импортёр ва товарнинг божхона расмийлаштируви билан шуғулланувчи барча мутахассислар товарларни кимёвий таркиби асосида

синфлаш ва сертификациялаш фани ҳақида маълум даражада энг оддий билимларга эга бўлишлари талаб этилади.

Кимё фанларининг очилиш саналари

Фан номи	Шифри	Берилади ган илмий даража	Фан кашф этилган мамлакат	Кашф этилган сана	Асосчилари
Анорганик кимё	02.00.01	Кимё, техника, физик-математик	Англия	13-19 аср	Г.Девн, Дальтон
Аналитик кимё	02.00.02	Кимё, техника, физик-математик	Англия	14-19 аср	Р.Бойль
Органик кимё	02.00.03	Кимё, техника, физик-математик	Швеция	1808 йил	И.Берцелиус
Физик кимё	02.00.04	Кимё, техника, физик-математик	Россия	1752 йил	М.В.Ломоносов
Электр кимёси	02.00.05	Кимё, техника, физик-математик	Италия	18-19 аср	Л.Гальвани, А.Вольт
Юқори молекуляр бирикмалар кимёси	02.00.06	Кимё, техника	Швеция	1833 йил	И.Берцелиус
Элементарганик бирикмалар кимёси	02.00.08	Кимё, техника	Германия	1841 йил	Р.Бунзен, Э.Франкленд
Радиация кимёси	02.00.09	Кимё	АҚШ	1945 йил	Э.Хонли, М.Бартон
Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси	02.00.10	Кимё, техника, биология	АҚШ	1951 йил	Л.Полинг, А.Тодд, Сенгер, Дю-Винью
Қоллонд вв мембрана кимёси	02.00.11	Кимё, техника, физика-матем	Англия	XIX-аср	Т.Грем
Нефть кимёси	02.00.13	Кимё, техника	Россия	XIX-аср	В.В.Марковников
Радиокимё	02.00.14	Кимё	Франция	1898 йил	М.Складовская-Кюри, П.Кюри
Кимёвий кнетика ва катализ	02.00.15	Кимё, техника	Россия	XIX-аср	Н.А.Меншуткин
Композицион материаллар кимёси ва технологияси	02.00.16	Кимё, техника, физика-матем	Россия	XX-аср	В.Н.Каргин
Квант кимёси	02.00.17	Кимё, физика-математика	Австрия	XX-аср	Э.Предингер, Гамильтон Паули
Сирт кимёси, физикаси ва технологияси	02.00.18	Кимё, техника, физика-матем	АҚШ	XX-аср	Гиббс, Уиллард
Ута соф моддалар кимёси	02.00.19	Кимё, техника	Франция	1876 йил	А.Муассон
Хроматография қаттиқ жисмлар кимёси	02.00.20	Кимё, техника	Россия	1903 йил	М.С.Цвет
	02.00.21	Кимё, техника	Нидерландия	XIX-аср	Я.Вант-Гофф
Товарларни кимёвий таркиби асосидв синфлаш ва сертификацлаш	02.00.22	Кимё, техника	Ўзбекистон	1997 йил	И.Р.Аскарлов, Т.Т.Рисқиев

Ҳар қандай товар у озиқ-овқат товарими ёки ноозиқ-овқат товарлариданми, ундан қатъий назар маълум кимёвий таркибга эга бўлади. Демак, ҳар қандай товарнинг барча хоссалари айти таркибга қандай кимёвий таркибга эга эканлиги асосида ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам товарнинг ташқи кўриниши физикавий, кимёвий, биологик ва бошқа хоссаларини қандай бўлишлиги унинг қандай кимёвий таркибга эга эканлиги билан белгиланади. Товарнинг кимёвий таркиби асосида барча хусусиятлари инobatта олинган ҳолда унинг код рақами аниқланганда айти товар учун ундириладиган ягона божхона тўлови ва акциз солиғи ҳамда божхона расмийлаштируви учун олинадиган йигим тўғри ундирилиши учун имконият яратилади.

Ўзбек олимлари Асқаров И.Р., Рисқиев Т.Т. томонидан кимё фанлари тизимига киритилган янги фан «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш» ихтисослиги бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки кўплаб хорижий давлатларда ушбу фанга доир илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётганлиги ўзбек фанининг жаҳон миқёсида эътироф этилаётганлигидан далolat беради.

Нафақат ташқи иқтисодий фаолият, балки инсоният турмуш тарзининг деярли барча соҳаларига бевосита алоқадор бўлган замонавий янги фан «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш» ихтисослигини иқтисодиёт, кимё, ҳуқуқ, ташқи иқтисодий фаолият, божхона иши, солиқлар ва солиққа тортиш ва бошқа соҳалар бўйича таҳсил олувчи талабаларнинг ўқитиш дастурларига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Товарларни кимёвий таркиби асосида сертификациялашнинг афзалликлари

Намозов А.А. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Халқаро иқтисодий муносабатларда товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда талаб этиладиган муҳим ҳужжатлардан бири мувофиқ сертификатлардир.

Мувофиқлик сертификатлари ҳар қандай товарнинг сотиб олиш шартномаларида кўрсатилган барча талабларга мос келишлигини тасдиқловчи ҳужжатдир. Бир сўз билан айтганда, сотиб олинаётган товарнинг ҳужжатларда келтирилган сифатларга айнан мувофиқ келишлигини тасдиқлайди.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, товарларга мувофиқлик сертификатлари беришда товарга хос бўлган турли мезонлардан фойдаланилади.

Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистонда 1994 йилдан бошлаб, четдан келтириладиган товарларга Ўздавстандарт аккредитациясида ўтган махсус лабораториялар томонидан мувофиқлик сертификатлари берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 августдаги «Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотлар рўйхатини,

сертификатлаштиришни ўтказиш, хавфсизлигини тасдиқлаш талаб этиладиган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириш ва уларни ташқарига чиқариш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги 409-сонли қарори билан мажбурий сертификацияланадиган товарлар белгилаб берилган.

Бугунги кунда барча товарлар учун ҳам мувофиқлик сертификатлари жаҳон андозалари даражасида тўла талабга жавоб беради деб кафолат бериш қийин. Чунки айрим товарларни таркиби, кимёвий хусусиятларини мукаммал ўрганиш учун ҳар доим ҳам техник жиҳатдан имкониятлар етарли даражада мавжуд бўлган ҳоллар учраб турибди.

Товарларга мукаммал мувофиқлик сертификатлари берилиши учун уларни кимёвий таркибига ва хоссаларига кўпроқ эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳар қандай товар маълум кимёвий таркибга эга бўлади. Бу борада 1997 йилда Ўзбекистон Республикасида проф. И.Р.Аскарлов, академик Т.Т. Рисқиев томонидан таклиф этилган «Товарларнинг кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификациялаш» фани асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш орқали бу муаммолалар ҳал этилиши шубҳасиз.

Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш фанини ўқитиш асослари.

Каримқулов Қ. М. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Товарларни Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (кейинги ўринларда ТИФ ТН) бўйича тўғри синфланганлигини аниқлаш ва товарларни ТИФ ТН кодларини назорат қилиш, ривожланган давлатлар тажрибасига кўра товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлашни амалга ошириш юқори самара бериши аниқланди. Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда, яъни товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида ҳар бир товар Ўйғунлашган Тизимга асосланган ТИФ ТН асосида синфланади.

Товарлар қайси давлатлардан юборилишидан қатъий назар барча давлатларда бир хилда ТИФ ТН бўйича синфланиб, товарларни божхона назоратини амалга оширишда бир қатор қулайликлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини муҳофаза қилиш ва бож тўловларини тўғри ундирилишини назорат қилиш учун божхона экспертизасини амалга ошириш орқали товарларни ТИФ ТН бўйича синфлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда товар ва транспорт воситаларини халқаро код рақамларини аниқлашнинг турли хил усуллари мавжуд. Булардан товарларни синфлашда уларнинг кимёвий таркиби, тузилиши ва баъзи бир хоссаларини инobatга олиб халқаро код рақамини аниқлашни - божхона амалиёти тажрибаси энг самарали ва мукаммал йўл эканлигини исботлади.

Ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳар қандай товарлар маълум кимёвий таркиб ва тузилишга эга эканлигини ҳамда бу хоссаларни илмий асосда тадқиқот қилиш, кимё, фанини ривожлантиришини инobatга олиб, дунёда илк бор Ўзбекистонлик олимлар профессор И.Р. Аскарлов ва Ўзбекистон

Республикаси ФА академиги Т.Т. Рихсиев томонидан 1997 йилда кимё фанлари тизимига «Товарларнинг кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» номи янги фан соҳасини таклиф этдилар. Ушбу фанга Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси томонидан 02.00.22 шифри берилиб алоҳида қарор билан тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида ушбу фан кимё фанларининг номенклатурасига 02.00.22 шифр билан руйхатга олинди ва бу шифр билан кимё ва техника фанлари номзодлик ва докторлик илмий даражаси берилиши кўрсатиб ўтилди.

Ушбу кимё фанлари тизимидаги янги мутахассисликни амалий ва назарий аҳамияти улкан эканлигини амалиётда исбот қилингандан сўнг бу соҳада илмий изланишлар тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан 2002 йилни 4-январ куни бу мутахассислик бўйича дастлабки номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган товарларни (пахта толаси ва унинг маҳсулотлари, рангли металллар, ўсимлик ёғи ва ҳ.к.) кимёвий таркибини ўрганиш орқали уларни халқаро код рақамларини аниқлаш ва янги халқаро код рақамлари ишлаб чиқиш ўз навбатида юқоридаги товарларни четга сотишда, ёки сотиб олишда уларни ўз қийматиغا кўра амалга оширади, бу эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлашга асос бўлади.

Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш фани асосида бугунги кунда Солиқ ва божхона органлари Академиясининг «Божхона иши» факультетида янги кафедра ташкил этилди. Тингловчиларга ушбу «Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш» фани «Товаршунослик», «Товарлар Номенклатураси», «Божхона экспертизаси» фанлари билан биргаликда энг замонавий усуллар билан ўқитилмоқда ва илмий ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ТИФ ТН ни амалда қўллаш Ташки иқтисодий Алоқалар Вазирлигига ва Давлат божхона қўмитасига юклатилган. Экспорт ва импорт қилинаётган иқтисодий муҳим товарларни Ўзбекистон Республикаси миллий ТИФ ТН асосида халқаро код рақамларини товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш учун аниқ детализация қилинган ҳолатда ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш зарур, шундагина товарлардан ундириладиган бож тўловлари ва қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқлар тўғри ундирилади ҳамда статистик маълумотлар тўғри юритилади.

Солиқлар ва солиққа тортишнинг ҳуқуқий асослари

Секция раиси: Рахимбердиев И.-Академия бошлигининг ўринбосари, “Солиқлар ва солиққа тортиш” факультети бошлиғи

Секция раиси ўринбосари: Зульяров А.-“Юридик фанлар” кафедраси бошлиғи в-б, ҳ.ф.н., доц.

Котиба: Исроилова Г.-“Юридик фанлар” кафедраси ўқитувчиси.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ тизимининг ҳуқуқий масалалари.

Зульяров А. - *Солиқ ва божхона органлари академияси, ю.ф.н., доц.*

1992 йилнинг 19-21 сентябр кунлари Тошкент шаҳрида «Халқаро хусусий ҳуқуқ ва бизнес» мавзусидаги биринчи Ўзбек-Америка илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман мобайнида «Бозор иқтисодига кириш жараёнида молиявий муносабатларга оид солиқ тизимига хос муносабатлар ҳамда солиқ тизimini шакллантириш мақсадида кадрлар масаласини ҳал этишда, умумжаҳон солиқ тизимига асосланган дастурнинг мақсади, вазифаси қандай қилиб хорижий инвестициялар учун қулай шароит ва ҳуқуқий асос яратиш мумкинлиги, «Иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни», «Бизнес бошқарувининг солиққа оид молиявий муаммолари», «Инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибланиши» каби иқтисодийга, молия, банк, кредит, пул ва жисмоний ҳамда ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш масалаларига шунингдек, валютага оид хилма-хил маърузалар, фикрлар ва таклифлар ҳамда халқаро иқтисодий, сиёсий, маданий, яъни жаҳон цивилизациясига хос муносабатлар атрофида муҳокама этилди.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган декларациялар, конвенциялар, хартиялар, саммитлар қондаларига асосланиб қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг солиқларга оид, жумладан, «Қорхоналар, бирлашмалар, ташкилотлардан ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги Қонулар ва ушбу ҳуқуқий манбаларга мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси асосида (1999 йил 1 июлгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) амалга оширилмоқда.

Ватанимизнинг мустақилликка эришиши муносабати билан дунё цивилизация эпитининг очилиши натижасида ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 165 дан ортиқ давлат тан олди. Жаҳондаги 120 дан ортиқ мамлакатлар билан расмий дипломатик алоқалар ўрнатилиб, 88 га яқин энг йирик банклар, солиқ, божхона, молия ташкилотлари билан иқтисодий, сиёсий, маданий, техника, технология ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро ҳамкорлик асосида оламшумул тадбирлар ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиши билан бир қаторда, ички бозорни шакллантириш, мамлакатимизда ташкил этилган ва ташкил этилаётган қўшма корхоналарнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш, кредит, молия ва солиқ тизимини ривожлантириш, бозор ислоҳотларини мустаҳкамлаш, чет эл инвесторларига имтиёзлар бериш, солиққа тортиш масалалари бўйича иқтисодий имкониятлар яратиб бериш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 мартдаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг асосий мазмуни солиқ тизимини мустаҳкамлаш, солиқ органларининг ходимлари қонун ҳужжатларига қатъий амал қилган ҳолда ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан солиқ ундириши кўзда тутилади.

Ватанимизда пул муомаласини янада эркинлаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш мақсадида 2002 йил 5 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат қоидаларига мувофиқ Давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумни топшириш қоидаларига риоя қилинган режадан ташқари тезкор текширишларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

2002-2005 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг халқаро меъёрларига мос келадиган тизимини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан тайёргарлик чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш мақсадида 2002 йилнинг 5 сентябрида «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддаси қоидаларига мувофиқ, мазкур илмий-амалий конференция иштирокчиларига шу нарсани ҳавола қиламан, яъни баъзи бир ҳолларда туман (шаҳар) солиқ органлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 135-моддаси қоидаларига биноан, солиқ тўлаш қонуний мажбуриятларини ўз вақтида тўламаган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо сифатида айни бир вақтнинг ўзида (неустойка-молиявий жазоларнинг) пеня ҳамда жарима шаклларини қўллашлари учраб турибди. Шунинг учун солиқ тўлаши лозим бўлган биринчи йилнинг то 31 декабрига молиявий

жазонинг пеня шаклини, кейинги давр учун пеняни тўхтатиб, жарима шаклини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикасининг асосий Қонуни ҳисобланган Конституциянинг олтинчи боби 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлиги, унинг ташқи сиёсати, давлатларнинг суверен тенглиги, чегараларнинг дахлсизлиги ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади дейилган.

Солиқ тўловчи категориясидаги ҳуқуқий муносабатларнинг назарий таърифи

Мирзасев Т.Қ. - *Солиқ ва божхона органлари академияси, и.ф.н., доц.*

Солиқ тўловчи ўзининг жамиятда тутган ўрнига қараб жамиятнинг иқтисодий муносабатлари тизимида иқтисодий категория, солиққа тортиш муносабатлари тизимида молиявий категория ва ҳуқуқий муносабатларда эса ижтимоий категория сифатида намоён бўлади. Солиқ тўловчининг мозийдан мумтоз қадрият шаклида ҳозиргача сақланиб келган ва жамият боқийлигига мувофиқ абадий бўлган бурчи, бу – ўз даромадининг бир қисмини қонун олдидаги мажбурияти сифатида давлат бюджетига ўтказишдир. Бу маънода солиқ тўловчи жамиятнинг фаол аъзоси. Лекин солиқ тўлаш унинг ягона мажбурияти эмас. Солиққа тортиш муносабатларининг тартиб қоидаларига биноан, унинг солиққа тортиладиган объектларнинг ҳисоб-китобини белгиланган тартибда юриштиш, молиявий фаолият ҳақида тегишли солиқ идораларига ҳисоботлар тақдим этиб туриш каби қатор бошқа мажбуриятлари мавжуд. Шундан маълумки, солиқ тўловчининг ҳуқуқий маъкеи фақатгина солиқ тўлаш мажбуриятлари билангина эмас, балки солиқ муносабатларига оид бир қанча бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган мажбуриятлар комплекси ва субъектив ҳуқуқлар мажмуаси таъсирида шаклланади. Солиқ тўловчилар учун берилган ҳуқуқлар солиққа тортиш муносабатларида ҳамма тоифадаги хўжалик субъектлари учун тенг кучга эга бўлган қонун нормаларидир. Уларнинг амалий аҳамият касб этиши солиқ тўловчиларнинг ана шу ҳуқуқларга оид қонун нормаларига бўлган онгли муносабат маданиятига боғлиқ. Солиққа тортиш муносабатларининг қонуний ҳуқуқ нормалари асосида шаклланишининг асосий белгиси - барча солиқ тўловчиларнинг қонун олдидаги тенг масъуллиги, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга киритилган тартиб, қоидалар ва бошқа қонунларнинг устунлигини таъминланишидадир.

Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларга ўз ҳуқуқларидан оқилона фойдаланишда муайян солиққа тортиш муносабатларида унинг фаол ўрин эгаллашига, қонун нормаларида унга берилган имконият доирасида ўзининг ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишга ва солиқ хизматининг назоратчи ходимлари томонидан давлат вакили сифатидаги ваколатларини суистеъмол қилинишига йўл қўймаслик чораларини кўришига кенг имкониятлар яратади. Солиқ тўловчилар учун солиққа тортиш муносабатлари бўйича белгиланган қуйидаги ҳуқуқий нормалар яъни солиқ

органларидан ахборот ва маслаҳатлар олиш, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, айрим сабабларга кўра ортиқча тўланган солиқларни қайтариб олиш, солиқ органлари томонидан ўтказилган текширувларнинг асосланмаган натижалари, солиқ органларининг ноўрин қарорлари, солиқ ходимларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан эътирознома билдира олиши ва бу ҳуқуқлардан ўз вақтида фойдалана олиши - солиққа тортиш муносабатларининг ҳар бир муайян ҳолатида солиқ қонунчилиги устиворлигининг кафолатидир.

Ҳуқуқий муносабатлар назариясида субъектларнинг ҳуқуқлари, уларнинг фаоллик имконият нормалари, ҳуқуқий мажбуриятлари лозим бўлган фаол ҳуқуқий нормалар тарзида анъанавий талқин қилинган. Ана шу мумтоз ҳуқуқий муносабатлар назарияси асосида солиқ тўловчининг солиқ муносабатларда тутган ўрни тўғрисидаги назарий қонидани таърифлаймиз. У қуйидагича:

Солиқ тўловчининг ҳуқуқи - бу унинг солиқ муносабатларида иштирок этиш имкониятларининг қонуний нормаларидир.

Объектив ҳуқуқлар билан бир қаторда солиққа тортиш муносабатларида солиқ тўловчиларнинг субъектив ҳуқуқлари ҳам мавжуд. Солиқ тўловчиларнинг субъектив ҳуқуқлари солиқ муносабатларининг бошқа иштирокчиси, яъни солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилувчи давлат солиқ хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси солиқ хизмати тўғрисидаги Қонунда белгиланган ҳуқуқий мажбуриятларининг ҳосиласи шаклида вужудга келади. Масалан, солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилиниш назорати солиқ органларининг ваколатига кирувчи мажбурият бўлса, назорат натижаларига эътироз билдирилиш ҳуқуқи солиқ тўловчининг субъектив ҳуқуқидир. Солиқ тўловчининг бу субъектив ҳуқуқи, муайян ҳолатда, фақат солиқ муносабатларининг иккинчи иштирокчиси мажбуриятларининг бажарилиши оқибатида юзага келади, шунинг учун ҳам бу ҳуқуқ субъектив ҳисобланади.

Солиқ тўловчиларнинг субъектив ҳуқуқлари тўрт тоифага бўлинади:

- 1) маълум моддий неъматларга эга бўлиш;
- 2) учинчи шахсларнинг ихтиёридан қатъий назар ўзининг фикр мулоҳазаси билан мустақил ҳаракат қилиш;
- 3) берилган ҳуқуқий имконият доирасида мажбурият юкланган томондан натижани ўз фойдасига ҳал қилиш мақсадида талаб қўйиш;
- 4) мажбурият юкланган томонни талаб қилинаётган ҳаракатга мажбуран юз туттириш бўйича судга даъво қўзғатиш.

Биринчи ҳуқуқий имкониятнинг хусусияти шундаки, солиқ тўловчи бундай ҳуқуқлардан фойдаланишда эркин мулк эгаси сифатида солиққа тортиш муносабатларининг субъекти ҳисобланади.

Иккинчи ҳуқуқий имконият солиқ тўловчи ўз хоҳиши билан мулк сотиб олиш ёки уни ўзидан четлаштириш хусусиятининг мавжудлигида намоён бўлади. Солиқ тўловчининг бу ҳуқуқий имконияти унинг ҳаракат эркинлиги, яъни солиққа тортиш муносабатларида солиқ объектларини ўз ихтиёри билан ёки ўзининг молиявий-хўжалик фаолиятининг манфаатлари

нуқтаи-назардан микдорий ўзгартиришга қаратилган мустақил фаолиятини англатади.

Солиқ тўловчилар ҳуқуқий имкониятлари учинчи тоифасининг хусусиятлари, белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилган ҳолда солиқ тўловчининг давлат вакили сифатида назорат ваколоти берилган мансабдор шахслардан, молиявий-ҳўжалик ёки бошқа фаолиятни назорати билан боғлиқ текширув натижалари билан танишиб чиқиш ва тегишли маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқи қонун нормаларида белгиланган.

Солиқ тўловчиларнинг тўртинчи ҳуқуқий имконияти уларни солиқ муносабатларидаги эътирозли ҳолатларда судга мурожаат этиб солиқ органларининг назорат тадбирларида солиқ тўловчининг манфаатларига салбий таъсир кўрсатган чораларини адолат нуқтаи назардан ҳал этилишини талаб қила олишдир.

Бу ҳуқуқий муҳофазадан фойдаланиш эса солиқ тўловчини субъектив ҳуқуқий имкониятининг реал ҳақиқат эканлигининг тақозосидир.

Отдельные вопросы совершенствования налогового законодательства (налоговая ответственность)

Рихсиева М.Х. – Тошкент солиқ коллежи

Известно, что любая теоретическая концепция нуждается в постоянном обновлении, пополнении. Не является исключением и теория налогового права. Рассмотрение проблем налогообложения и организации эффективного государственного контроля, на наш взгляд, выходит за рамки одной экономической науки, так как налогообложение затрагивает интересы отдельной личности, социальной группы, общества, государства, что является областью изучения права. Вопросы создания более гибкой, основанной на сотрудничестве и ответственности перед законом системы отношений между налогоплательщиками и налоговыми органами, гармонизация отношений между гражданами и государством, методы выбора объектов проверок и т.д. требуют дополнительных исследований и проработок.

Налоги, как известно, играют двоякую роль в обществе: регулирующую и распределительную. Регулирующая роль заключается в стимулировании одних областей деятельности и торможении других. В условиях рыночной экономики манипулирование ставками, льготами, санкциями становится одним из важнейших рычагов воздействия. Распределительная функция состоит в концентрации существенных денежных средств, которые впоследствии используются в общих интересах и идут на финансирование целевых программ, социальную поддержку.

Налоговое законодательство является правоустанавливающим. Оно вводит новые права и обязанности для физических и юридических лиц в интересах всего общества. Рассматривая природу налогового законодательства и законодательства о налоговых поступлениях, можно выделить различные функции как этих двух отраслей права, так и смежных с ними дисциплин. Для анализа возникающих в силу вышеуказанной

специфики проблем взимания налогов целесообразно начать исследования теоретического плана, моделируя их на ситуационных примерах.

Налогообложение является отражением баланса интересов между государством и налогоплательщиками. Если собираемость налогов низка, то баланс интересов сдвинут в сторону государства, поскольку свидетельствует о незаинтересованности населения в уплате налогов, воспринимаемых как постороннее вмешательство, безвозмездное отчуждение собственности, которое ничем не компенсируется и не влечет никакой отдачи. Несовершенство налоговой системы ставит перед людьми выбор: действовать, нарушая закон (рисковать), или отказаться от деятельности. Если всё больше и больше людей решаются на серьезные нарушения закона, можно сделать вывод, что в самой системе, законе имеются изъяны и они не отвечают нуждам населения. Рост налоговых преступлений, увеличение общего числа недоимок являются чрезвычайно тревожными фактами. В подобных ситуациях крайне важно удержаться от широкого применения уголовных репрессий. Рост налоговых преступлений должен подавляться, в первую очередь, совершенствованием налогового законодательства, повышением как правовой культуры, так и налоговой грамотности. Большинство налогоплательщиков время от времени совершают деяния, которые соответствуют признакам преступления. Очень часто это происходит из – за незнания или отсутствия документов, регулирующих налоговые отношения граждан и государства.

Права и обязанности налогоплательщиков регулируются наряду с финансовым правом и гражданским законодательством, а также нормами международного права. Налоговое законодательство нуждается в постоянном совершенствовании. Специализация судей (создание налоговых судов) при решении налоговых споров (конфликтов) способствовала бы конкретизации состава преступления. В практике нередко возникают ситуации, которые требуют именно такого подхода. К примеру, налогоплательщик в учете и отчетности правильно указывает суммы полученных доходов, однако исчисляет налоги с этих доходов по другой (пониженной) ставке. Такие действия не могут быть оценены как сокрытие объекта налогообложения, так как объект (налоговая база) в данном случае декларирован верно. Индивидуальный предприниматель, перешедший на упрощенную систему налогообложения и выплативший стоимость патента, не несет уголовной ответственности за искажение данных о размерах доходов и расходов по предпринимательской деятельности, поскольку такие действия не являются уклонением от уплаты налогов. Не может рассматриваться как сокрытый от налога доход, который хотя и не отражается в декларации, но обложен у источника его выплаты. Такие декларации подаются до истечения налогового периода (эксперименты в Чиланзарском, Шайхантаурском районах) и заниженные данные о доходах в таких декларациях не могут рассматриваться как уклонение от уплаты. То есть, при определении состава доходов и расходов, учитываемых при налогообложении, судам надлежит руководствоваться законами, устанавливающими соответствующие налоги.

Надлежит установить четкие критерии разделения коммерческой и некоммерческой деятельности, увязав их с критериями, содержащимися в Гражданском кодексе. С введением всеобщего декларирования доходов потребностей в четких критериях финансово - налоговых правовых отношений безусловно возрастет. Кроме того, тема гражданско - правового элемента в бюджетных правоотношениях, практика проведения проверок(контрольная работа налоговых служб) также требуют более детального изучения. Действующие методы проверок, анализ их результатов показывают, что налоговые органы ограничиваются выявлением ошибок неквалифицированных работников бухгалтерии предприятий по части исчисления дебетовых и кредитовых оборотов предприятий (по НДС), завышенного размера себестоимости продукции (работ, услуг), а поиск непродекларированных доходов остается вне поля проверок. Частные лица, собственники предприятий, приобретая продукцию повышенного спроса у государственных предприятий, как правило, за наличный расчет, не отражают в ряде случаев эти сделки в бухгалтерском учете. Плательщики таким образом уходят от налогообложения. В отработке этих связей нет системы. Рейды, проводимые госналоговыми службами, эпизодичны и малоэффективны. Нарушители уходят от ответственности, бюджет теряет доходы. Нечеткость норм законодательных актов в части применения финансовых санкций, а также их непомерно высокий уровень свидетельствуют о назревшей необходимости пересмотра действующей системы за нарушения налогового законодательства, конкретизации налоговых нарушений в целях достижения однозначного понимания. Уголовная ответственность должна применяться лишь в исключительных случаях, когда опасность совершенного деяния для государства и общества чрезвычайно серьезна.

Налоговый кодекс должен быть дополнен новой частью: «Налоговое производство», по аналогии с Административным, Уголовным, Хозяйственным кодексами. Юридическая проработка ее серьезно продвинет налоговую систему вперед, одновременно упрощая и делая её более доступной.

Условия привлечения к ответственности должны также быть отражены в кодексе. Обстоятельства, отягчающие (смягчающие) ответственность должны быть «наполнены» налоговым (экономическим) содержанием, а не дублировать положения административного кодекса. На наш взгляд, в кодекс необходимо ввести следующие нормативные понятия: «налоговая санкция», «налоговая амнистия», «участники по делу о налоговом правонарушении», «доказательства по делу о налоговом правонарушении».

В кодексе должны быть отражены протокол процессуальных действий, т.к. закон указывая налогоплательщику меру его обязанности, должен институализировать налоговому органу как представителю государства меру дозволенных действий.

Требуется также выработать научно обоснованный терминологический аппарат налогового права, отсутствие которого до сих пор негативно

сказывается на развитии налоговых правоотношений, создает проблемы, рождает противоречия в налогообложении.

Давлат даромадлари ва уни ҳуқуқий тартибга солиш

Тожиёв Ш.М., Тожиёва Л.М. -
Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Тошкент шаҳар Яққасарой туман ДСИ.

Мустақил Ўзбекистон халқи танлаб олган йўл - очик, эркин бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат куриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда. Ўзбекистон ўз миллий суверенитети ва давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ, иқтисодий мустақилликка эришиш учун ўзига хос ва мос йўлни, ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга киришди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш жараёнида унинг иқтисодий бошқарув, молия, кредит тизимлари ҳам шакллана борди. Молия, пул-кредит соҳасида амалга оширилаётган изчил ва оқилона сиёсат туфайли мамлакатимизда мукамал молия-кредит тизимлари яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ ислохотлари туфайли тадбиркорликка оид муносабатлар, айниқса, хусусий сектордаги муносабатлар тобора эркин демократик тус олиб бормоқда. Давлатнинг корхоналар оладиган фойдани маъмурий йўллар билан давлат эҳтиёжлари учун ўзлаштириш имкониятини истисно қилувчи шароит вужудга келмоқда. Солиқлар давлат даромадларининг асосий манбаига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг 90 %и солиқлар ва бошқа тўловлар ҳисобига тўғри келмоқда.

Юртбошимиз И.Каримовнинг таъкидлашича, солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодиётни барқарорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустақкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил ҳисобланади.

Қонунчиликда солиқ субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг икки тартиби кўрсатиб ўтилган:

1. Маъмурий тартиб;
2. Суд тартиби.

Бу тартиблар нафақат солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг, балки давлатнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қўлланилади. Давлат номидан солиқ (молиявий) органлари иш олиб борадилар.

Солиқ субъектлари ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишда қўлланидиган суд тартибининг мазмуни барча учун бир хилдир. У солиқ солиқ тўловчиларнинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун судга ёки хўжалик судига мурожаат қилиши ҳуқуқида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик Процессуал кодексининг 1-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки

низолашаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли. Хўжалик суди иқтисодиёт соҳасида вужудга келадиган хўжалик Процессуал Кодексида ва бошқа қонунлар билан ўзининг ваколатига киритилган низолар ҳамда ишларни ҳал қилиш йўли билан одил судловни амалга оширади.

Солиқ соҳасида вужудга келадиган айрим масалалар юзасидан низолар ҳам хўжалик судида кўрилади.

Хўжалик судида ишлар:

1. Манфаатдор шахсларнинг;
2. Прокурорнинг;
3. Қонун бўйича давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда давлат органлари ва бошқа органларнинг аризалари бўйича қўзғатилади.

Суд бу жазоловчи орган эмас, балки фуқороларнинг, шу жумладан, солиқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи орган бўлиши лозим.

Солиқ субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминланиши давлат бюджети ва иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Яъни, давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тушишини таъминлайди.

Солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш уни солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбуриятдан озод этмайди.

Ҳимоя қилиш маъмурий тартибининг мазмуни турли солиқнинг ҳуқуқий муносабат субъектлари учун турлича қўлланилади.

Маъмурий тартибни қўлланилишининг кенг доирага эга эканлиги солиқ соҳасида оператив ҳаракатларнинг зарурлиги билан ифодаланади.

Солиқ сиёсати эса, бюджет молиявий сиёсатининг энг муҳим қисмларидан бўлиб, бюджетда солиқ тўловчиларнинг тўлиқ ва ўз вақтида аккумуляция қилинишини таъминлайди.

Бюджетга солиқ органлари томонидан пул воситаларини ўтказиш ҳаракатларини қонунийлигига шубҳа туғилса, қонунчилик солиқ тўловчиларнинг ўз ҳуқуқларини маъмурий тартибда ҳимоя қилишни назарда tutади.

Қонун солиқ органлари раҳбарлари зиммасига барча шикоят ва аризалар бўйича қатъий ҳисоб олиб бериш, шахсан шикоятларни кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларимдан келиб чиқиб, давлат даромадларининг сифати ва уларни миқдорий жиҳатдан ошириш бўйича куйидаги таклиф ва тавсияларимни келтирмоқчиман:

1. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий мулкчилик, ҳамда иқтисодий муносабатларни кенгайтириш солиқ тўловчилар миқдорининг ошишга, шунингдек, давлат бюджетига келиб тушадиган даромадларни кўпайишига имконият яратади.

2. Солиқ субъектларининг, яъни солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали иқтисодийётни ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар учун солиқ имтиёзларини қўллаш билан бюджет тўловларини ўз вақтида тушишини таъминлаш мумкин.

3. Солиқ ва давлат томонидан ўрнатилган барча мажбурий тўловлар субъектларининг ҳуқуқий омгини ошириб бориш, мунозарали масалаларни тўғри ҳал этишда хўжалик судлари фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, бугунги куннинг энг долзарб вазибалари ҳисобланади.

Банкрот деб топилган корхона ва ташкилотлардан давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган мажбурий тўловлар тушумини жадаллаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Рўзикулов С.М. — *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва уни эркинлаштириш муаммолари, асосан давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган қонунларни бажариш ҳамда республикада қонун устиворлигини таъминлаш билан эришиб боришлиги ҳаммага аён. Айниқса, республикада фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларни ҳуқуқий тартибга солиш, кредитлашни ва давлат бюджетига тўланадиган солиқларни – мажбурий тўловларнинг тушумини амалдаги қонунларга мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, корхоналарни санациялаш ёки банкрот деб топиш, уларни кимосди савдосига қўйиш, корхоналарнинг яширин мол-мулкини топиш, шу йўл билан давлатимиз бюджетига қарзларни ундириш, айбдор мансабдор шахсларни топиш ва жазолаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир.

2000 йил 17 январда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 874 рақамли «Бюджет олдида қарздор корхоналарнинг қарзларини ундириш ва маблағи бўлмаган ҳолатда уларнинг қарзларини дебитор қарзлари ҳисобига ундириш тўғрисида»ги тартибнинг 4-бобида Қарздор корхоналарнинг қарзларини уларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш йўл-йўриқлари кўрсатилган бўлиб, бунда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулклари ҳисобидан ундириб олиш кўрсатилган.

Бу жараён албатта хўжалик судига «даъво ариза»лари билан чиқилгандан кейин, хўжалик судининг қарори билан амалга оширилади.

Бунинг учун хўжалик судига «даъво аризаси» билан бирга давлат бюджетини олдида қарзи бор корхонанинг сўнги «ҳисобот баланси нусҳаси, бюджетга бўлган қарзларини тасдиқловчи ҳужжатлар, қарздорнинг жамики ҳисоб-китоб, жорий ва валюта ҳисоб рақамларида маблағларининг йўқлигини тасдиқловчи банк маълумотномалари» тақдим этилади. Бу маълумотларни тайёрлаган банклар, корхоналар ва ДСИ хизмати органлари тақдим қилинган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлиги қонун билан белгиланган.

Шунга қарамасдан корхоналарни «банкрот» деб топишда уларнинг мол-мулклари яшириб қолинади, сотувга қўйилганлари қаттиқ назорат остига олинмайди, корхонани банкротликка олиб келганликлари учун айбдорларга нисбатан маъмурий, жиноий чоралар қўрилмапти.

Бюджет олдида муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа тўловлари бор бўлган корхоналарнинг мол-мулки мавжуд бўлмаса ёки мол-мулкининг қиймати бюджет олдидаги қарзини қоплашга етмаса, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги (1998 йилдаги) «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ 6-ой ичида бюджет олдидаги тўлов қарзларини тўлай олмаган корхонада банкротлик аломати бор деб эътироф этилиши мумкин. Корхона раҳбарини излаб топишнинг имкони бўлмаса, ушбу қонуннинг 5 ва 130 моддаларига асосан бундай корхоналарни банкрот деб топиш учун хўжалик судига мурожаат қилиниши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ночорлик ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони бажара бориб, Республикамиз фуқаролик кодексининг 48-моддасини қўллаб, раҳбарнинг айби билан корхонани банкротлик ҳолатига олиб келганлиги аниқланган ҳолатларда келтирилган зарар айбдорнинг мол-мулкидан ундирилиб, унга нисбатан маъмурий, қолаверса жиноий жазолар қўллаш белгиланган.

Амалда эса, банкрот деб топилган ва хўжалик судининг қарорига асосан корхонани тугатиш ишларини олиб борган ишончли шахс ва тугатиш комиссиясининг ҳисоботига кўра мазкур корхона рўйхатдан ўтган туман ҳокимиятларига банкрот корхонани давлат рўйхатидан чиқариш учун суд қарорлари йўлланмоқда. Ҳокимиятлар эса, хўжалик судларининг қарорларини бажариб, корхоналарни давлат реестрдан чиқариб юбормоқдалар. Корхонани банкрот ҳолатига олиб келган ва бюджет олдидаги қарзларини тўламаган раҳбарларга нисбатан эса на хўжалик суди, на прокуратура томонидан чора қўрилмоқда. Хўжалик судлари фақатгина хабарномалар ёзиб прокуратурага йўлламоқдалар, прокуратура эса, ўз навбатида, бу хабарномани туман ДСИга чора қўриш учун йўлламоқда. Амалдаги қонунлар бўйича туман ДСИларига айбдор шахсларни қидириб топиш, яъни тезкор қидирув ҳаракатларини амалга ошириш, айбдорларни тутиб келтириш ва тергов ҳаракатларини ўтказиш ваколати берилмаган. Натижада ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилган шахсларни топиб, қонуний жазоланмаяптилар ҳамда бюджетга тўланмаган мажбурий тўловлар тушиши таъминланмапти.

Солиқ ҳуқуқининг конституциявий асослари

Исроилова Г.М. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида солиқ ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида шаклланмоқда. Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида ягона солиқ сиёсати юритилганлиги сабабли, иттифоқдош республикаларга,

хусусан Ўзбекистонга солиқларни белгилаш ва солиқларга доир қонунларни қабул қилишга рухсат берилмас эди. Солиқлар, фақат Иттифоқ қонунлари ва Конституциясига мувофиқ белгиланар ва ундирилар эди.

Эндиликда мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида солиқларга доир нормалар Ўз аксини топди, Ўзбекистон давлати солиқ сиёсатини юрита бошлади. Бугун республика ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси солиқлар ва йиғимларни жорий қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу эса, қонуний жиҳатдан Конституцияда мустақкамланди.

Ўтган 10 йил давомида Конституция нормаларига амал қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияларида солиқларга доир бир қатор қонунлар қабул қилинди. Ана шундай қонунлардан бири, 1997 йил апрель ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексидир. Бу кодекс Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг асосий тамойилларини ўрнатди, солиқлар ва йиғимларнинг турларини ишлаб чиқди, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб берди. Унга биноан, Ўзбекистон Республикасида умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар, йиғимлар амал қилиб, уларнинг йиғиндиси солиқ тизимини ташкил қилади. Умумдавлат солиқлари бевосита давлат бюджетига, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар эса маҳаллий бюджетларга тушади.

Солиқ кодексда кўрсатиб ўтилган барча солиқлар ва йиғимларни тўлаш юридик шахслар (корхона, ташкилот ва муассасалар) ва жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, тadbirkorлар)га юклатилган. Солиқ кодекси 1998 йил 1 январдан бошлаб қонуний кучга киритилди. Шундай экан, кодексда қайд этилган солиқларни тўламасликка ҳеч бир юридик ва жисмоний шахснинг ҳаққи йўқ. Чунки, солиқлар мажбурий тўлов бўлиб, қонун асосида ўрнатилади.

Конституциядаги яна бир муҳим норма, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш барча фуқароларнинг муҳим конституцион бурчи эканлигидир. Фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти қонун ҳужжатларида кўрсатилган асосларда солиқ солиш объектига эга бўлган ҳолларда юзага келади.

Жисмоний шахслар (фуқаролар) асосан қуйидаги солиқлар ва йиғимларни тўлашлари қонунда кўрсатилган: жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ; жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ; ер солиғи; реклама солиғи; автотранспорт воситаларини олиб-сотганлик учун солиқ; тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим ва ҳ.к.

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг конституцияда кўрсатилган мажбурияти икки турда юридик аҳамият касб этади: солиқ солишнинг умумийлиги, яъни барчага тенг тааллуқли эканлиги; солиқ тўловларининг қонун асосида ўрнатилиши ва жорий қилиниши.

Жисмоний шахсларнинг солиқлар бўйича мажбуриятлари Солиқ кодексда умумлаштирилган бўлиб, қонунда кўрсатилган мажбуриятларни

базармаганлик учун солиқ тўловчи жисмоний шахсларга нисбатан жавобгарлик белгилашда катта аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ ҳуқуқини такомиллаштиришда конституция ва халқаро ҳуқуқнинг туган ўрни каттадир.

Солиққа тортишда адолатлилик тамойилининг ижтимоий хусусиятлари

Араббоев Н. – Олтинқўл иқтисодиёт коллежи, и.ф.н., доц.

Солиқларни адолатлилик асосида белгилаш солиқ тизимида муҳим аҳамият касб этади. Солиқ сиёсатини белгилашда қадимги манбаларда кўрсатиб ўтилган муҳим фикрлардан, хорижий мамлакатлардаги илгор тажрибалардан ва мамлакатнинг ҳозирги иқтисодий вазиятидан келиб чиққан ҳолда иш тутиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2001 йилда Республикани ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги нутқида «Биз бундан буён ҳам солиқлар миқдорини камайитириш сиёсатини изчиллик билан олиб боришимиз керак. Муҳими солиқ асосли, барқарор мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши лозим. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим» лиги таъкидланган эди.

Президентимизнинг бу кўрсатмаси солиқларни белгилашда ижтимоий омилларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Солиқ муносабатларининг тарихий шаклланиши жамият тараққиётининг муҳим омили бўлган. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир ахволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак» деб келажак авлодларга қилган насиҳатлари Ўзбекистонни мустақил солиқ сиёсатини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади.

Солиқларнинг ижтимоий- иқтисодий аҳамиятини бозор иқтисодиёти шароитида эркин ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти мисолида яққол кўриш мумкин.

Масалан, АҚШ фуқароларининг 90-95 фоизи онгли равишда ихтиёрий солиқ тўловчилардир. Солиқ ва бошқа тўловлар қонуний мажбурият ёки кўникма даражасидан ўтиб, асосий инсоний ахлоқ (меъёр)қа айланган. АҚШда солиқни вақтида тўламаган киши мамлакатни ҳурмат қилмаган, қонунни менсимаган, ўзи яшаётган жамиятдан четда қолган ҳисобланади.

Шу боис ҳозирги даврда аҳоли руҳиятида бюджетга тушадиган тўловларни ўз вақтида онгли равишда тўлашга бўлган кўникмаларни шакллантириш ва уларнинг солиқ қонунчилиги соҳасида саводхонлигини

муттасил ошириб боришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш лозим.

Янги типдаги солиқ тизими яхлит мажмуа сифатида шаклланиб, иқтисодиётимизнинг таянчига айланди. Эндиликда солиқлар – иқтисодиёт кўзгуси, солиқлар – бюджет, бюджет эса, иқтисодиётда юз бераётган барча ишларнинг натижаси эканлигини кўпчилик тушуна бошлади. Солиқ ҳайрия йиғими эмас, у мамлакатга керакли тўлов, юртимиз, ҳаммамизни тинч турмушимиз учун зарур.

Солиқлар ҳозирги пайтда давлат идорасини бир маромда ишлаши учун зарур бўлган муҳофаза манбаи бўлиб, инсонпарварлик тармоқларининг янада ривож, жамиятимизда кам таъминланган ва иқтисодий ёрдамга мухтож бўлган табақаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни таъминлаш билан мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналишларини тезроқ ривожлантиришга иқтисодий имкониятларни таъминлаб берапти.

Солиқ маданиятини шакллантириб бориш, уни халқ маънавий эҳтиёжига яқинлаштириш керак. Солиқ ходимлари солиқ тўловчига алоҳида ҳурмат билан қарашга ўрганишлари керак. Солиқ тўловчи Давлат Солиқ Инспекциясига мажбурий чақирув қоғози орқали эмас, балки таклиф орқали ташриф буюришга ўрганиши керак. Чунки, чақирув қоғози билан таклифнома ўртасида катта маънавий фарқ бор.

Тадбиркорларни солиққа тортишда бир қанча имтиёзлар тизими қўлланилаётган бўлишига қарамасдан ҳали улар тадбиркорларнинг молиявий аҳволига ижобий таъсир кўрсатмаяпти. Фойдани солиққа тортишда ривожланган давлатларда амалда қўлланиб келаётган имтиёзлар сиёсатининг асосий йўналишларини бизда ҳам қўллаш лозим.

Солиқларни рағбатлантириш тизимининг солиқ тўловчига таъсири жуда кам ва шунинг учун бу масала ўзининг ижобий ечимини топиши керак. Кейинги йилларда даромад (фойда) солигининг ставкасини бир неча пунктга пасайтирилган бўлишига қарамасдан, амалда бу борада туб ўзгаришлар суат амалга ошмаяпти. Рағбатлантиришдан энг муҳим омил сифатида фойдаланиш солиқ имтиёзи таъсирини янада кучайтириш ва жамиятда юз берадиган туб ўзгаришларнинг самарали бўлишини таъминлайди.

Давлат билан солиқ тўловчи ўртасида ҳамкорлик тамойили амал қилиши керак. Солиқ органларининг асосий вазифаларини солиқ тўловчилар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларни олдини олишга қаратиш керак.

Солиқ тўловчи солиқлар тўғрисидаги қонун ва бошқа ҳужжатларнинг нотўғрилигидан жабр чекмаслиги керак. Масалан, қонун халқаро стандартлар талабига мос бўлиб, солиқ тўловчи учун фойдали, қулай ва адолатли бўлиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув тизими ва уни такомиллаштириш йўллари

Тўйчиева С., Магамедов Л., Рахматов К. -
Гулистон Давлат университети

Республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги туб ўзгаришлар бошқариш тизимини бозор муносабатларига мос ҳолда қайта ташкил этишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида шахс эркинлиги, ташаббускорлик, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳамда бозор механизмини тўла-тўқис фаолият кўрсатишига имконият яратеди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асарида кучли ижтимоий сиёсат-меҳнат қилиш учун рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш, аҳолининг меҳнат фаоллигини оширишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бу эса бошқарув усулларидан ўринли фойдаланиш, юқори социал-иқтисодий натижаларга кам харажатлар билан эришишни тақозо этади.

Менежментда бошқарув усуллари даражаси, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишга боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради.

Бошқарув субъектининг бошқарув объектига мақсадли йўналтирилган таъсир ўтказиш усулларидан бири бошқарувчининг ўзи бошқараётган ишлаб чиқариш жамоасига қўйилган мақсадларга эришиш жараёнида унинг фаолиятини уйғунлаштиришни таъминлашдир.

Бошқарув усуллари воситасида иқтисодий жараёнларга ва ишлаб чиқариш қатнашчиларига моддий, молиявий, энергиялик ва меҳнат ресурсларини имкони борича кам сарф қилиб, юқори натижаларга эришиш мақсадида таъсир этилади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар кўп жиҳатдан бошқарув усулларининг мукамаллиги ва тўғри шаклланганлиги билан узвий боғлиқдир.

Умуман олганда, бошқарув усуллари бошқарувнинг қонунлари ва тамойиллари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, менежментда муҳим ўрин тутеди.

Ҳозирги бошқарув механизмида бозор иқтисодиёти шароитидаги бошқарувнинг объектив қонунларига тўлиқ мос келадиган, давр талабига жавоб бера оладиган усулларгина аҳамиятлидир. Улар доимий ўзгаришда бўлиб, бевосита ташқи ва ички омиллар таъсирида ўзгаради.

Ташқи омилларга иқтисодиётни бошқаришда туб ислохотларни амалга ошириш, тармоқларни техникавий таъминланганлик даражаси, бошқариш тизимидаги ўзгаришлар киреди.

Ички омиллар жумласига эса, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашиш даражасини ўзгариши, ишлаб чиқаришни режалаштириш, янгиликларни жорий қилиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бошқарув усуллари бевосита ижтимоий-иқтисодий муносабатларга таъсир этувчи ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ва жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиши билан ўзгариб боради. Иқтисодиётни

ривожлантиришда бошқарув усулларини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Менежмент назарияси ва амалиётида мавжуд турли бошқарув усуллари ўзига хос тизимни ташкил этади.

Барча бошқарув усулларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин: бошқарувнинг иқтисодий усуллари, ташкилий –фармойиш ва ижтимоий –руҳий усуллар.

Бошқарувнинг бу усуллари ўзаро боғлиқдир. Шу сабабли ҳам иқтисодиётни бошқаришда уларнинг бирортасига ортиқча аҳамият берилса, бутун ишлаб чиқаришнинг меъёрий ривожланишида салбий ҳолатлар рўй бериши мумкин. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувчининг иқтисодий усуллари муҳим аҳамият касб этади.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари инсонларга, уларнинг иқтисодий манфаатлари орқали таъсир ўтказади. Иқтисодий усуллар моҳияти ташкилот ишчи-ҳодимларининг манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғун равишда амалга ошиши учун мос келадиган иқтисодий шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Иқтисодий усуллар нарх, кредит, бизнес-режа, фойда, солиқлар, иш ҳақи, иқтисодий рағбатлантириш каби иқтисодий таъсир воситалари орқали талқин этилади. Бозор иқтисодиётидаги бошқарув усуллари ичида, айниқса, бизнес-режа муҳим ўрин тутади.

Ташкилий-фармойиш усуллари иқтисодий усулларни тўлдириб, бозор иқтисодиёти қонунлари, ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш ва бажаришга асосланади. Бу усулни қўллаш бошқарувнинг барча тамойилларига риоя қилишни талаб этади. Ушбу бошқарув усулининг моҳияти шундан иборатки, у аниқ бошқарилаётган объектга ёки кишиларга қаратилган, бажарилиши мажбурий шаклда бўлган тўғридан-тўғри маъмурий кўрсатмалардир.

Ижтимоий-руҳий усуллар ишлаб чиқарувчи ва айрим шахслар ишлаб чиқариш жамоаларини, улардаги “психологик иқлимни”, ҳар бир ходимнинг шахсий хусусиятларини ўрганишга асосланган усулларидир. Бу усулларнинг асосий мақсади, жамоаларда соғлом ижтимоий-руҳий муҳитни яратиш, шахслараро содир бўлаётган зиддиятларни тартибга солиш ва ҳар бир ходимнинг талаб-эҳтиёжларини ўрганишдан иборатдир. Чунки, кишилар фикрлаш усулида рўй бериши ва уларнинг маданий, билим даражаси ортиб бориши билан изоҳланади.

Шундай қилиб, бошқарув усуллари ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига таъсир этувчи асосий омил ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти шароитида янада такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини бошқаришни ислоҳ қилиш, ҳозиргача мавжуд бўлган тажриба, жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий соҳаларини бошқаришнинг бозор назарияси, қабул қилинган қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда. Менежмент олдида қўйилган қатор вазифалар бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Асосан, иқтисодий усуллар элементлари кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кучли таъсир этмоқда.

Хулоса килиб шуни таъкидлаш керакки, бошқарув усуллари бозор иқтисодиёти шароитида бир-бирларини тўлдириб боради ва корхона учун муваффақият гарови бўлиб қолади.

Пул муомаласи ва унинг миллий хусусиятлари

Нурматова С.С. - Солиқ ва божхона органлари академияси.

Пул - инсоният кашфиётларидан биридир. Одамзод уни ижод этган, шакллантирган, ўз ҳаёти ва турмуш тарзини шунчалар узвий равишда унга боғлаб қўйганки, бугунги ижтимоий ҳаётимизни усиз тасаввур этиб бўлмайди. Пулнинг одамлар ўртасидаги муомала воситаси сифатида кашф этилиши, унинг ривожини узоқ тарихий жараён саналади. Пул кашф этилгунга қадар унинг вазифаларини бирор маҳсулот ёки нарса – буюмлар бажариб келган. Масалан, Тинч океанга туташ мамлакатларда чиганоқ, Марказий Африкада фил суяги, Мисрда бугдой, Хитойда туз ва ипак, Мўғулистонда чой, Шумер давлатида кумуш ва асал айирбошлаш эквиваленти сифатида ишлатилган. Ўрта Осиё тарихига мурожаат этсак, пул вазифаларини турли даврларда бир қанча буюмлар бажариб келганлигини кўрамиз. Жумладан, тарихчи Геродотнинг фикрига кўра, маҳаллий массагетлар бугдойни асосан, истеъмол билан бирга ташқи савдода маҳсулот айирбошлаш учун этиштирганлар.

Давлатчиликнинг юзага келиши ва унинг заминида таъсир доиралари, чегараларнинг белгиланиши, ҳукмрон синфлар мавқеининг мустаҳкамланиши, иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви пулнинг пайдо бўлишига, пул муомаласининг фаоллашувига асос бўлди. Грек тарихчиси Ксенофонтнинг маълумотини инобатга олсак, дастлабки пул Кичик Осиёдаги Мидия давлатида милoddан илгариги VII асрда зарб этила бошланган бўлиб, тангалар олтин ва кумуш қотишмасидан қуйилган.

Бизнинг минтақа ҳам энг биринчи пул ҳаракати амалга ошган ҳудудлардан саналади. Илк Ўрта Осиё давлатларининг Эрон аҳмонийлари томонидан истило этилиши натижасида бу ҳудудга эроний пул тизими кириб келди. Салтанат марказида зарб этиладиган, оғирлиги 8,4 граммга тенг бўлган кумуш тангалар муомалага киритилган. Бу бизнинг тарихимиздаги дастлабки пул эди. Пул бирлиги сифатида эроний дирхам қабул қилинган. Аҳолининг кенг фойдаланиши учун маҳаллий сатраплирига жез(мис ва қалай аралашмаси)дан майда чақалар зарб этишга кўрсатма берилган.

Пул муомаласининг бошланганлиги натижасида пул шаклидаги муомала тизими шаклланади. Аҳмонийлар фармойишига кўра, Хоразм, Сўғд, Арея ва Парфия салтанатининг 16- тоифа сатраплиги сифатида 300 тадан (1тадан – 34 кг кумуш дирхамга), қолган ерлар 15- тоифа сатраплик сифатида 250тадан миқдорида йиллик солиқ тўлашлари зарур эди. Суза (Эрон) шаҳрида топилган ёзувларга қараганда тери, лазурит (қора тош), матоларни пул ўрнида тўланиши жорий этилган эди. Ўрта Осиёда грекларнинг истилоси пул тарихида янги саҳифа очди. Уларнинг ёппасига греклаштиришга қаратилган сиёсатлари тангаларда ўз аксини топди. Дмитрий ва Евтидем I томонидан ҳосил худоси Наҳид, қуёш худоси Митра,

севинч худоси Артамида, Диодот томонидан Зевсларнинг тасвирлари ифодаланган тангалар зарб эттирилди. Кушон подшоҳлиги даврида пул тараққиёти янги босқичга кўтарилган. Хусусан, биз бу даврда маҳаллий тангаларимизни чет эллар билан бўлаётган ташқи сиёсатда, аниқроғи, савдо муносабатларидаги иштирокини кўришимиз мумкин. Милодий 99 йилда Кушон элчисининг Римда қабул қилиниши (уларнинг тасвирлари машҳур Троян колонналарида акс этирилган), маҳаллий кушон тилла тангаларига кўплаб совга-саломларнинг харид этилгани тўғрисидаги маълумотлар сақланиб қолган. Рим тангаларининг ўз навбатида, Ўрта Осиёга кириб келганлиги ва бу ерда зарб этилаётган тангалар маданий мерос сифатида бугун ҳам диққатга сазовордир.

Минтақамиз Турк хоқонлиги қўл остига ўтганидан кейинги тарихий босқичлар ҳам пул соҳасидаги хилма-хилликни инкор этмаган. Туркларнинг ўзи ҳам иқтисодий муносабатларда айрибошлаш усулидан кенг фойдаланар эдилар. Маълумотларга қараганда, Шарқий Турк хоқонлиги VI асрнинг 70 йилларида Хитойнинг ғарбий вилоятлари устидан қозонилган ғалабалари учун олинадиган ўлпонни 1000 бўлак ипак миқдоридан белгилаганлар. Марказий Осиё жумладан Фарғона водийси отларининг донаси бу вақтда 40 тахлам (кийимлик) ипакка тенглаштирилган.

Туркларнинг ўзига хос тангалари қаторида VII асрда сўғд ёзувида зарб қилинган мис пулини таъкидлаш мумкин. Бу ниҳоятда камёб шаклда, яъни тўрт бурчак шаклда ва марказида кичкина тешикчаси билан чиқарилган.

Барча юрт ва ҳаётнинг турли қирралари сингари пул муомаласи ҳам араб истилосидан кескин ўзгаришларга юз тутди. Аввало, мамлакатнинг бугун моддий бойликлари қаторида тангалар ҳам, қайси металл туридан ясалишидан қатъи назар, ташиб кетила бошланди. Айниқса, арабларнинг тиллага ниҳоятда ўчлиги ўз натижаларини берган. Бойкенд шаҳрининг ўзидангина араб ҳалифалигининг шарқий ҳудудлари ноибни Ҳажжож ибн Юсуф 150 минг мисқол (1 мисқол 4,240 гр) танга ва тилла бўлакларини ўлжа тариқасида жўнатган. Сулҳ тўғрисидаги шартномаларига асосан, Бухоро тахти соҳибаси Хотун Убайдулла Зиёдга 1 миллион, Самарқанд тахти ҳокими Тархун 2,2 миллион дирҳам ўлпон тўлаши зарур эди.

Арабларнинг ҳукмронлик даври хилма-хил солиқ турларининг жорий этилиши билан характерлидир. Умуман, улар томонидан ҳаётга татбиқ этилган солиқ турлари узоқ муддат давомида, кейинги ҳукмрон сулолалар даврида ҳам амалда қўлланилганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Асосий солиқлар эса қуйидагилардан иборат бўлган:

- Жузъя – жон солиғи бўлиб, у аксарият ҳолларда мусулмон бўлмаган аҳолига солинган. Даставвал натура, сўнг пул шаклларида йиғилган.
- Хирож – кенг тарқалган, даромаднинг учдан бир қисми миқдоридан йиғиладиган солиқ.
- Закоат мусулмончиликнинг беш асосий фарзларидан бири бўлиб, мол-мулкнинг 2,5 фоизи миқдоридан белгиланган.
- Ушр – фақат давлат идора ишлари учун йиғиладиган тури бўлиб, даромаднинг 10 фоизи даражасида олинган.

Солиқларнинг умумий миқдори ҳақида сўз кетганда бир қатор манбаларда, чунончи IX аср араб тарихчиси Хўрдоббекнинг асарларида акс эттирилишича, халифаликка фақат хирождан йилига Сўғд вилояти 326 минг, Фарғона 280 минг, Шош 607 минг, Уструшон 50 минг дирҳам тўланган. Иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган Бухоро ва Самарқандга белгиланган солиқ миқдори, албатта, бундан ҳам юқори бўлган.

Сомонийлар давлати молия тизимига кўра у алоҳида ўрин тутати. Маълумки, бу мамлакатда ушбу соҳа бошқарув тизимида вазирлик даражасига кўтарилган. «Девони муставфий» деб аталмиш вазирликнинг идора ва унинг жойларидаги маҳкамалари бутун мамлакат кириш – чиқими, олди-сотдиси, солиқлар ишини ўзида мужассам этган. Манбаларда таъкидланишича, бу давлатнинг йиллик даромади 45 миллион дирҳамни ташкил этган. Шунингдек, сомонийларга тегишли «исмоилий», «мусайяба», «муҳаммадий», «ғитрифий» номини олган, кумуш тангалар Итиль ва Булғор ерларидаги халқаро бозорларда ҳам энг бақувват ва харидоргир валюта бирлиги сифатида ном қозонган. Бу тангалар Болтиқбўйи мамлакатлари ҳудудида олиб борилган археологик қазишмаларда ҳам топилганлигини таъкидлаш зарур. Шунингдек, Сомонийлар давлатидаги кўплаб карвонсаройларда, савдогарлар орасида турли русумдаги пулларни алмаштириш билан шуғулланувчи саррофлик хизмати шаклланганлигини ҳам эътироф этмоқ даркор.

Араблар ўзлари жорий этган асосий солиқларни сақлаб қолган ҳолда, бир қатор янгиларни ҳам ҳаётга татбиқ этганлар, хусусан «калон» солиғига кўра, деҳқонлар ҳосилнинг 10 фоизини, «копчур» солиғига биноан, чорвадорлар 100 бош қорамол ҳисобидан 1 молни, «шулси» солиғига асосан, қўйчивон ҳар подадан 2 ёшли қўй ва йилқи эгаси ҳар минг отдан бир бияни солиқчига ажратиб беришга мажбур эди. Бундан ташқари «ём» деб аталмиш солиқ мавжуд бўлиб, у карвонсаройлар ишини ташкил этиш учун йиғилган эди.

Темурийлар давридаги солиқ турларига тўхталсак, таъкидлаш мумкинки, араблар жорий этган солиқ турларининг аксарияти сақлаб қолинган ва бир қатор янгилари жорий этилган эди. Хусусан, хирож тури даромаднинг учдан биридан то қарийб ярмигача, лалмикор ерлардаги ҳосилнинг саккиздан биригача белгиланган эди. Шу қаторда ушр, закот, молсардарахт (боғлар учун), мол ўтлоқ ва сувлоқ (яйловлар учун), дуди (тутун солиғи ҳар қайси уйдан эҳтиёжига тайёрланган ўтиндан фойдаланганлик учун олинадиган) сар шумор (ҳар бир кишидан олинадиган 6 дан 60 дирҳамгача миқдорда белгиланган), аваризо (уруш чиқимлари ёки байрам талбирларидаги харажатлар учун солинадиган), улоқ (давлат хизматидагилар учун бериладиган маош учун йиғиладиган), мир ҳазарон (кўшин таъминоти учун олинадиган солиқ) соҳиб жамона (ҳосил миқдорини белгиловчилар учун ундириладиган солиқлар, муҳассилони (солиқ йиғувчилар учун белгиланган солиқ) доруғалар (доруғалар- ҳарбий кўриқчилар учун ажратилган солиқ) миробона (сув сепувчилар учун бериладиган солиқ) каби солиқлар жорий этилганди.

Амир Темури даврида асосан, икки хил тангалар зарб этилган. Бу вази 6,40 граммга тенг бўлган, диаметри 2,5-3 см атрофидаги кумуш ва 1,5 грамм оғирликдаги, диаметри 1,5-1,6 сантиметрли танганинг тўртдан бир қисмига тенглаштирилган майда мири тангалар муомалага чиқарилган. 1397 йилдан бошлаб тангаларда «Тахт ва давр вориси Муҳаммад Султон» деган ёзувлар пайдо бўлади. Аммо Темурнинг расмий вориси этиб тайинланган унинг набираси Муҳаммад Султон 1403 йилда вафот этганидан сўнг бу ёзувлар яна бархам топган. Танганинг иккинчи тарифида у зарб этилган жой, санаси, куръон қалималари ва тўрт халифа номлари битиларди. Кўпгина тангалар марказида уч ҳалқа – Испания элчиси Гонсалес Клавихоннинг фикрича, Темурнинг ўзига хос герби бўлган тамга босиларди. Бу уч ҳалқа уч қитъа ҳукмдори маъносида ишлатилган деб тахмин қилинади. Пул муомаласининг жуда кенглиги, нақд пулга бўлган эҳтиёжнинг юқори даражадалиги туфайли Темур даврида бутун салтанат сарҳадларидаги 40 дан ошқроқ зарбхоналар муттасил ишлаб турган.

Улуғбек ислоҳотида кўра, бир қанча солиқ турлари тугатилиб, фақат бой савдогарларга мўлжалланган «тамга» солиғи жорий этилган эди. Бу тадбир Улуғбекка бўлган халқ ишончини оширган бўлса, нуфузли савдогарлар табақасининг норозилигига олиб келган.

Солиқлар тизимидаги ўзига хос янги бир давр шайбонийлар ҳукмронлиги вақтига тўғри келади. Яхши таниш бўлган хирож, ушр, закот каби марказлаштирилган солиқлар билан бирга ясоқ, отлиғ, сўғим каби солиқлар мавжуд эди.

Тарихда хонлиқлар даври солиқлар тизимининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ҳар учала мамлакатда ҳам закот, хирож, ушр, жузья каби солиқ турлари сақланиб қолган бўлиб, давлат даромадининг асосий қисмини улардан тушган маблағ ташкил этарди. Асосий солиқлардан ташқари яна бир қатор солиқларни санаб ўтиш мумкин, жумладан: аминана, даллол пули, бож, сув пули, патта пули, боғ, полиз, бедазор, ёввойи ўт, қозон пули шулар жумласидандир.

Пул ислоҳотлари даври ҳам ўзининг бой тарихига эга. Мамлакат таназулга юз тутган вақтларда пул бирлигининг жуда қадрсизланиб кетганлигининг шоҳиди бўлаемиз. Масалан, 1695-1709 йилларда Бухорода мунтазам зарб қилиниб келинган, таркиби 91-93 фоиз тиллани ташкил этган, оғирлиги 4,8 граммли олтин тангалар Субхонқулихон даврида ҳам таркиби ҳам миқдори жиҳатидан ёмонлашиб кетган.

Амир Абдулаҳаднинг 1891-92 йилларда муомалага чиқарган кумуш тангалари қадрли пуллардан эди. XX аср арафасида Бухородаги Дилқушо зарбхонасида, тарихимизда биринчи бор қоғоз пулларнинг босилгани ҳам тарихий фактдир.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабги кунлариданоқ давлатимиз томонидан миллий пул муомаласи сиёсати ишлаб чиқилди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг итисодий-сиёсий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

VI Секция

Солиқ ва божхона органларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари

Секция раиси: Обломуродов Н.Х. - Солиқ ва божхона органлари академияси бошлигининг биринчи ўринбосари, т.ф.д., профессор.

Секция раиси ўринбосари: Тожиев М. - Солиқ ва божхона органлари академияси Илмий-тадқиқот бўлими бошлиги, п.ф.д.

Котиб: Хафизов С. - "Информатика асослари" кафедраси ўқитувчиси

Педагогик технология ва уни лойиҳалаш босқичлари

Обломуродов Н.Х., Тожиев М., Толипов Ў.Қ. –

*Солиқ ва божхона органлари академияси,
Ўзбекистон педагогика илмий – тадқиқот институти.*

«Педагогик технология» тушунчасини қўллаган ҳолда дарсликлар, шунингдек, услубий қўлланмалар самарадорлигини таҳлил қилиш, ўқув режалари ва дастурларининг сифатини, уларни амалиётда қўллашдан илгари баҳолашни амалга ошириш мумкин.

Педагогик технология тараққиёти барча ишланмаларнинг ўлчамлилик, тизимлилик ва бошқарувчанлик каби умумий мезонларга амал қилинганлиги билан ҳам тавсифланади. Педагогик технологияда умумий дидактикадан фарқли аниқ ўлчовли, тизимли қурилма амалиётда бошқарилувчан муҳит яратилишининг имкониятлари бўлмаган ҳолатлар баён этилмайди. Бу маънода педагогик технология умумий дидактика ва педагогиканинг аниқ тадбиқий, амалий давоми бўлиб ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг услубчи лойиҳаловчиси ҳамда уни амалга оширувчи ўқитувчи ўртасидаги меҳнат тақсимоотида ҳар қандай ўқув юрти таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга интилишнинг асосий фарқловчи белгиси намоён бўлади. Бугунги кунда амалга ошаётган туб ислохотлар муҳитида ўқув юртлари ва уларни бошқарувчи муассасалар, у мавжуд бўлганлиги учун фаолият кўрсатувчи маъмурий-илмий ва услубий ходимлар, ўқитувчилар ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқиш лозим. Олий муассаса ва профессор - ўқитувчи ўртасидаги муносабатларда маъмурий буйруқбозлик услуги, қуруқ сўздан фойдаланиш эмас, балки амалдаги педагогик ҳамкорликка ўтиш лозим.

Бу эса, бугунги кунда таълим муассасаларида қарор топаётган ва қўшимча натижаларни бера олмаётган, истиқболсиз педагогик технологиялардан ўқитувчининг ижодий фидоийлигига таяниб холос бўлиш мумкин эмаслигини англатади. Қарор топган технологик таълимни янгилаш учун юқори малакали ва катта миқдордаги куч талаб этилади. Ташҳис мақсадлари, ҳаққоний назорат тизими, дидактик жиҳатдан асосланган

мазмун бўлмаган, тасодифий дидактик жараёнлар ҳамда эскирган шаклларга эга анъанавий педагогик тизимдан янги, истиқболли педагогик тизимга ўтиш учун уни махсус лойиҳалаш ҳамда тажрибавий жиҳатдан «мақсад-натижа» муносабати кафолатланадиган даражадаги такомилга етказиш лозим.

Бугунги кунда режалаштирилган натижага эришишни кафолатлайдиган педагогик тизимларни яратиш ва уни Академия амалиётига тадбиқ этиш билан кимлар шугулланмоғи лозим? Албатта, Академиянинг ўзи ёки ўқитувчи эмас. Бу вазифани амалга ошириш билан мажмуавий илмий ҳамда услубий муассасалар шугулланмоғи лозим. Улар меҳнатининг натижаси ҳал қилишнинг вариант усулларини ҳисобга олган ҳолда Академия амалиётининг турли эктӣёжлари учун педагогик технологиялар яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Қуйида ҳар қандай педагогик технологиянинг яратилиш босқичларининг схемасини келтирамиз, ушбу схема таълим тури ва босқичдан ҳамда тадбиқ қилинишидаги моддий шакл, тур, дарслик, услубий тавсиянома, ЭҲМ дастури бўлишидан қатъий назар умумий ҳисобланади. Ушбу босқичлар ҳар қандай педагогик технологиянинг ташкил этувчи элементлари ҳисобланади. Педагогик технологияни яратилишининг:

Биринчи босқичи – ўқувчининг келажакдаги фаолияти, яъни, ўқишни давом эттириши ёки касбий фаолиятини таҳлил қилиши билан белгиланади. Фаолиятни таҳлил қилиш ўқувчи фаолиятининг 5-7 йиллик истиқболлини қамраб олади ҳамда унинг натижаси «Таҳлилий жадвал» кўринишида яқунланиб, унда ўқувчининг келажак фаолиятида дуч келадиган вазифалар белгилари берилади.

2-жадвал

Ўқувчиларнинг меҳнат фаолияти турларининг номлари (касбга йўналтириш бўйича)	Ўқувчилар бажарадиган меҳнат ва мулоқот операциялари	Фан воситалари ёрдамида ҳал этиладиган вазифалар (қаралаётган фан соҳаси билимлари асосида)
--	--	---

Иккинчи босқичда таълимнинг ҳар бир даври учун мазмун аниқлаб берилади, яъни ҳар бир гуруҳ учун фанлар мажмуаси, ҳар бир фаннинг ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, унинг мазмуни, мақсаднинг ташҳисланганлиги, илмийлиги, тизимлилиги ва ҳ.к. Иккинчи босқич натижаси -ўқув режаси, эришиладиган барча кўрсаткичлари берилган ўқув элементи ва унинг мантӣқий тузилмаси ҳисобланади.

Учинчи босқич -тингловчиларнинг юкланганлик, бандлик даражасини аниқлаш ва дидактик жараённи берилган усулда амалга ошириш учун сарфланадиган вақт. Унинг натижаси бандлик коэффициенти (Е) ва ўқитишга сарфланадиган вақт (Т)нинг аниқланиши бўлади.

Тўртинчи босқич -дидактик жараённи амалга оширишнинг энг мақбул ташкилий таълим ва тарбия шакллари аниқлаш. Унинг натижаси ташкилий таълим шакллари тавсифлаш (оғзаки ёки чизмада) ва бунинг учун талаб этиладиган барча зарурий воситалар (қўлланмалар, ЎТВ, мебель, материаллар ва ҳ.к.) ни ихтисослаштиришдан иборат бўлади.

Бешинчи босқичда аниқ машғулот ва алоҳида мавзулар ошириш бўйича дидактик жараён мотивацион таркибини амалга ошириш учун материалларни тайёрлаш ва уларни илгари тайёрланган ўқув предметлари билан умумлаштириш. Босқич натижаси сифатида мотивацион ҳолатлар матнлари ишлаб чиқилади.

Олтинчи босқич- ўқув машқлари тизимини ишлаб чиқиш ва уни ўқув қўлланмалари мазмуни билан умумлаштириш: натижа белгиланган кўрсаткичлар даражасида ўзлаштиришга йўналтирилган машқлар тизимининг яратилиши.

Еттинчи босқич- ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонлари ва таълим мақсадларига мос келувчи тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини ҳаққоний назорат қилиш имконини берувчи материал (тест)ларни ишлаб чиқиш, натижа таркибини барча ўзлаштириш даражаси ва ўқув элементларини қамраб олувчи тестлар тўплами ташкил этади.

Сакқизинчи босқичда -таълим-тарбия масалаларини муваффақиятли ҳал қилиш имконини берувчи ўқув машғулотларининг тузилмаси ва мазмуни ишлаб чиқилади ҳамда тингловчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари ўқув ишлари режалаштирилади. Босқич натижаси сифатида тингловчиларнинг уйга вазифалари услуби ва мазмунини ўз ичига олган ўқув машғулотлари қайд этилади.

Тўққизинчи босқичда -ишлаб чиқилган лойиҳа амалда синаб кўрилади ва таълим жараёнининг яқунлаганлик даражаси текширилади. Босқич натижасида лойиҳага тегишли тузатишлар киритилади.

Тадқиқотлар давомида педагогик технологиялар яратилишидаги барча муаммолар қараб чиқилмайди, фикримизча, ушбу йўналишдаги ишларнинг дастлабки босқичлари учун баҳолаш табиий ҳисобланади. Бу ҳолатни назария ҳамда амалиётда бир бутун ҳолатда таққалантирилган педагогик технологияларнинг мавжуд эмаслиги билан ҳам изохлаш мумкин. Бирок, бу соҳанинг келажакда тараққий этишга умид боғлаш мумкин, чунки педагогик технологиялар ишлаб чиқилиши билангина таълим тизимида мавжуд муаммоларни бартараф қилишга йўл очилиши мумкин, унинг ҳар бир элементини жиддий асослашни амалга ошириш лозим.

Хулоса сифатида «педагогик технология»ни амалга оширишнинг умумлашган схемасини келтираемиз:

- тингловчиларнинг истиқболдаги фаолиятини таҳлил қилиш, таълим жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган мақсад ва вазифаларни белгилаш;
- солиқ ва божхона касбий малакаларни ривожлантиришда таълим воситаларини қўллашга оид таълим услуби мазмунини ишлаб чиқиш;
- олий ўқув юртлари ўқув дастурларида талабалар томонидан таълим воситаларидан фойдаланиш технологиясини ўзлаштиришлари учун зарур бўлган вақт ўрнини белгилаш;
- тингловчиларда ва малакаларни ривожлантиришга қаратилган машқлар тизимини ишлаб чиқиш;
- тингловчилар билим, кўникма ва малакалари сифатини назорат қилиш билан боғлиқ объектив назоратни ўтказиш ва тестлар тизимини ишлаб чиқиш;

-ишлаб чиқилган «педагогик технология»ни амалда синаш ва уни ўқув жараёнига тadbик этиш.

Солиқ ва божхона соҳаси тингловчиларини ўқитишда замоновий таълим технологиялари

Тожиёв М. – Солиқ ва божхона органлари академияси, п.ф.д.

Хар қандай мамлакатнинг қудрати, унинг жаҳон ҳамжамиятида, асосан, интеллектуал салоҳияти бўйича эгаллаган ўрни билан белгиланади.

Маълумки, мамлакатимизда қисқа давр мобайнида иқтисодийetni барқарорлаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг асосларидан бири, назарий ва амалий билимларнинг иқтисодийетга жиддий таъсиридир. Шу боис, иқтисодийetni янада ривожлантириш учун янги фанларни ҳаётга кириб келиши катта ютуқлар гаровидир. Жумладан, янги фанлардан бири - педагогик технологиялар ҳам шундай билимлар соҳасики, унинг ёрдамида учинчи минг йилликда нафақат таълим соҳасида, балки иқтисодийетда ҳам туб бурилишга эришиш мумкин. Зеро, солиқ ва божхона таълими жараёнига замонавий таълим технологияларини қўллашнинг илмий-педагогик асосини яратини шу куннинг долзарб муаммосидир.

Бугунги кунда қатор ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар “интерфаол методлар” номи билан юритилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилиги томонидан аккредитация қилинган ва мамлакатимизда 1996 йилдан буён фаолият олиб бораётган Очиқ жамяят институти (Сорос жамғармаси) Республика таълим тизими ходимлари ўртасида интерфаол методлар ва улардан таълим жараёнини ташкил этишда фойдаланиш борасидаги назарий ва амалий билимларни тарғиб этиб келмоқда.

Буларга: «Фикрий ҳужум» («Мозговая атака») методи, «5х5х5» методи, «Можаро методи», «Думалоқ стол», «Уч босқичли интервью», «Муаммоларни ҳал қилиш» методи, «Стол ўртасидаги ручка», «Академик мунозара», «Қор бўрон» методи, «Асалари галаси», «Критик вазиятни таҳлил қилиш» ва бошқа методлар мисол бўла олади. Ушбу методлардан баъзи бирлари устида тўхталамиз.

I. «Фикрий ҳужум» («Мозговая атака») методи. Асосий қоидалар:

-ғояларни шакллантиришга ҳалал берадиган бирор мулоҳаза ва танқидий фикрларни билдирмаслик;

-янги фикрларни табриклаш ва фикр қанчалик одатдан ташқари бўлса, унинг шунча яхши бўлишини ҳисобга олиш;

-энг кўп сонда тақлифлар олиш;

-ғояларни комбинациялаш ва ривожлантириш;

-гуруҳни ғоялар берадиган кишилар ва уларни ишлаб чиқадиган тингловчиларга бўлиш.

Бу метод тингловчининг ўз нуқтан назарини исботлаш, ҳимоя қилиш, ҳар қандай вазиятда энг маъқул ечимни топиш, мулоқот олиб боришга, ҳимоя

қилинаётган нуқтаи назарнинг тўғрилигига оппонентларни ишонтиришга ўргатади.

Мазкур метод тингловчи(талаба)ларнинг машгулотлар жараёнидаги фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга рағбатлантириш ҳамда бир хил фикрлаш инерциясидан озод этиш, муайян мавзу юзасидан ранг-баранг ғояларни тўплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни ҳал этиш, ечиш жараёнининг дастлабки боскичида пайдо бўлган фикрларни енгшишга ўргатиш учун хизмат қилади.

2. «5x5x5» методи. Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг ўзида 25 нафар тингловчини муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани ҳал этиш, шунингдек, гуруҳларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. «5x5x5» методи асосида ташкил этилаётган машгулотда ҳар бирида 5 нафардан тингловчи бўлган 5та гуруҳ ўқитувчи томонидан ўртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қиладилар. Белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи 5та гуруҳни қайта тузади. Қайтадан шаклланган гуруҳларнинг ҳар бирида аввалги 5та гуруҳдан биттадан вакил бўлади. Янги шаклланган гуруҳ аъзолари ўз жамоадошларига аввалги гуруҳ томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган хулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

«5x5x5» методи гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаоллик, ўз фикрини ифода этиш, гуруҳдошларининг фикрларини тинглай олиш, ўртага ташланаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини химоя қилишга ўргатади. Энг муҳими, машгулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дақиқа) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

«5x5x5» методидан таълим жараёнида фойдаланиш ўқитувчидан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлишни талаб этади. Гуруҳларни тўғри шакллантирмаслик топшириқ ёки вазифаларни тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. «5x5x5» методи ёрдамида машгулотлар қуйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Ўқитувчи машгулот бошланишидан олдин 5та стол атрофига 5 тадан стул қўйиб чиқади.

2. Тингловчилар ўқитувчи томонидан 5та гуруҳга бўлинадилар. Тингловчиларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи қуйидагича йўл тутishi мумкин: 5та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машгулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 25та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир тингловчи ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Тингловчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машгулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради.

Мунозара учун маълум вақт белгиланади. Мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ҳқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг гуруҳлардан мунозараларни яқунлашларини сўрайди.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, Ҳқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 5та гуруҳнинг ҳар биридан битта вакил бўлиши инобатга олинади. Тингловчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг аниқ белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечимини хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган ҳулосалар (топшириқ ечимлари)ни муҳокама қиладилар ва яқуний ҳулосага келадилар.

Юқорида кўриб ўтилган таълимнинг фаол методлари тингловчи материални яхши ўзлаштириб олиши учун шу материал устида фаол ишлашнинг тақозо қилади. Шунчаки кулоқ солиб тинглаш ёки кўздан кечириб чиқишнинг ўзи етарли эмас. Тингловчи материални ўйлаб кўриши, муҳокама қилиб чиқиши ёки мавзуга доир уй вазифасини бажариши талаб этилади.

Таълимнинг фаол методлари турли шаклда бўлса-да, уларнинг барчаси ўз мазмунига кўра ягона мақсад сари йўналтирилган, яъни, улар тингловчиларнинг назарий билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, эгалланган назарий билимларидан амалиётда мустақил ва самарали фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш, уларни ижтимоий муносабатларни уюштиришга тайёрлаш, ижтимоий фаолликни шакллантириш, етук ахлоқий сифатларни таркиб топтириш, теран ва соғлом фикр, кенг дунёқараш эгаси бўлган комил шахсни камол топтиришдан иборат вазифани ҳал этади.

Солиқ тизимидаги ходимларда юксак маънавият тамойилларини шакллантириш муаммолари

Давронова З.Д. - Солиқ ва божхона органлари академияси, ф.ф. д.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этилар экан, у солиқ тизимини тубдан янгилашга ҳам боғлиқдир. Бу эса солиқ тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг маънавияти даражаси билан ҳам боғлиқ. Шу боис, тезисларимизда солиқ тизими ходимларининг маънавияти, аниқроғи, уларнинг юксак маънавиятини шакллантиришнинг тамойиллари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инсонлар қиёфаси умуман, салбий ёки ижобий тарзда шаклланган. Шунинг учун ҳам сўз айланмасида бемаъни ва бамаъни атамалари мавжуддир. Сўз, бизнинг фикримизча, барча инсонлардаги маънавиятнинг шаклланиши ҳақида бориши лозим.

Бу ерда биз кишининг салбий сифати деганда, инсонларда учраб турадиган таъмагирлик, шуҳратпарастлик, манманлик, лаганбардорлик, шахсиятпарастлик, гийбат қилишлик, бойликка берилишлик каби қусурларни назарда тутмоқдамиз. Маълумки, мазкур сифатларни қонунларда кўрсатиб, уларга амал қилиш ёки тақиқлаш ўта мушкулдир. Шу сабабли, уларнинг акс томонларига яъни: саҳоватли бўлиш, камтаринлик қилиш, бойликка хирс кўймасдан бориға шуқур қилиш, ҳаммани ўзидек инсон сифатида кўриш, таъмагирлик қилмаслик, гийбатдан узоқроқ юриш, яхшиликка интилиш, кибрланмаслик, мақтовға берилмаслик, лоқайд бўлмаслик, ҳолисона фикр юритиш кабиларға асосий эътиборни қаратиш лозим. Солиқ тизимидаги ходимлар бу ҳолатларға қадамда дуч келадилар, баъзан унинг умумий фаолиятини қамраб олади. Тўғри, бу соҳалар ҳақида ўтмишда ва ҳозирда ёзилган асарлар, ривоятлар, ўғитномалар кам эмас. Бинобарин, халқимизнинг юксак маънавий бойлиғига айланиб қолган маданий ва маънавий ёдгорликлардан хулоса қилиб иш юритаётганлар, улардан керакли манбаларни олиб иш жараёнига татбиқ этаётганлар ҳам кам эмас.

Соҳалардан ўзига хос фарқ қиладиган йўналиш бу солиқ тизимидир. Чунки бу ишлаб чиқариш ва инсонлар фаолияти билан боғланган энг нозик соҳалардандир. Шу сабаб айтиш лозимки, ушбу соҳада меҳнат қилиб фаолият кўрсатаётган ходимлар табиатан юксак маънавиятли бўлишға монанд. Улар ўз фаолиятлари билан биринчи навбатда, юксак маънавият тарғиботчилари ва ташвиқотчилари ҳам. Нозик табиатли халқимиз уларнинг фаолиятига қараб ҳам жамият тўғрисида маълум бир хулосаға келадилар. Иккинчидан, бу соҳадаги ходимлар давлат бойлигини жамлайдиган, шу билан бирға давлат мустақиллигини мустаҳкамлайдиган мўътабар инсонлардир. Демак, бу тизимдаги ходимлар обрў - эътибори жиҳатидан ҳам қиёси йўқ ходимлардир. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги вақтда бу ходимлар ўртасида юқорида келтирилган салбий маънавият тамойиллар асосида иш юритувчи ходимлар учраб турибди. Мақсадимиз жамиятимиздаги ана шундай салбий маънавият тамойилларига берилиб кетадиган ходимларни тарбиялаш ва маънавий тамойилларға амал қилувчилар миқдорини оширишдир. Тўғри, солиқ тизимидаги ходимларда (бошқа тизимларда ҳам) юксак маънавиятни шакллантириш жараёни қисқа муддатда амалға ошмайди. Бу соҳада қонун ва қоидалар қабул қилиниши ҳам амримаҳол. Юксак маънавиятни шакллантириш - мазмунли, мулоҳазали дарслар, давра суҳбатлари, шахсий намуналар, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш йўллари орқали амалға оширилади. Бу эса сабр - тоқат билан тинмай иш олиб боришни талаб қилади. Солиқ тизими ходимларига юксак маънавиятнинг ижтимоий жараёнларини тушунтиришда бу соҳаға уларнинг масъулиятларини оширган ҳолда олиб бормоқ натижа бериши мумкин. Ходимларнинг жамият олдидаги масъулиятини ҳис қилдирмас эканмиз, уларға матонат ва эзгу ниятлар мисолида тушунтирмас эканмиз, мақсадға эриша олмаймиз. Айниқса, солиқ тўловчилар билан солиқ ходимлари ўртасидаги муносабатни яхшиламай туриб, моддий бойликларға эришиш қийинлиги ҳаммага маълум. Ҳатто, иктисодий ривожланган

демократик давлатларда ҳам солиқ тўловчи ва солиқ ходимлари ўртасида келишмовчиликлар мавжуд. Айни шу тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ҳам юксак маънавият томоийилларини тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу боис, солиқ ходимларининг ўзлари миллий хусусиятларимиз, ўтмишимиздаги алломалар таълимоти ва ўғитлари, ҳозирги даврдаги ижтимоий силжишларни ўз характер ва хусусиятларига сингдира боришлари лозим. Солиқ ходимлари маънавий ва маърифий билимларга эга бўлмас эканлар, ўз вазифаларини бажаришда ҳам қийналаверадилар. Аксинча, маънавиятли ва маърифатли бўлган ходимлар халқ ўртасида ҳурмат қозониб, тирикликларидаёқ ўзларига «ҳайкал» қўядилар, ҳурматлари беқиёс бўлади. Солиқ ходимларини юксак маънавиятли қилишни фақат жойларда солиққа оид қонунларни ўрганиш кунларини ёки соатларини ташкил этиш билан амалга ошириб бўлмайди. Солиқ тизимида ишлайдиган ходимлар учун ўтказиладиган маънавият ва маърифат соатларини самарадорлигини ошириш лозим. Мазкур соатларда юксак маънавият тамойилларини махсус тайёргарлик кўрган мутахассислар иштирокида ўтказиш айти муддаодир. Хулоса шундан иборатки, юксак маънавият тамойиллари бўлган юксак ахлоқийлик, ватанпарварлик, камтаринлик, олижаноблик, байналминаллик, меҳнатсеварлик, садоқатлилиқ, меҳр - шафқатлилиқ, ҳолислилиқ хислатлари айнан солиқ ходимларининг ҳар бири қалбида жўш урмас экан, ўз соҳалари ҳамда вазифаларини сидқидилдан бажаришлари мумкин эмас. Бу тамойиллар мутахассислик билан мужассам бўлиши лозим.

Формирование у учащихся обобщенного умения решать задачи

Папышев А. - Абай номидаги Олма ота Давлат университети.

Сложное интеллектуальное умение - умение решать учебные задачи - необходимо формировать одновременно по различным дисциплинам. Ядро обобщенного умения составляет диалектический метод познания сущности объекта или явления, который служит своего рода инвариантом при изучении различных дисциплин. Сами же задачи должны быть не математическими, не физическими, биологическими и т.д., а задачами, содержащими знания о физических, химических и т.д. явлениях природы.

В рамках предметного обучения важную роль играют межпредметные связи, которые осуществляются путем реализации единого подхода к формированию общих учебных умений, единства требований к знаниям и умениям, единства интерпретации и обеспечения непрерывности в формировании основных структурных элементов знаний: понятий, знаков, теории, картины мира.

Обобщенное умение решать учебные задачи может быть сформировано на основе ранее или попутно приобретенных менее сложных общеучебных умений. Ниже представлены перечень и динамика уровня сформированности общеучебных умений на различных ступенях обучения.

Нами обработаны две группы умений (среди большего их числа), от сформированности которых, в первую очередь зависит успех обучения

сложному интеллектуальному умению - обобщенному умению решать учебные задачи. Они представлены в виде матрицы, в которой на различных этапах обучения отобранные умения формируются до соответствующего уровня. Для определения уровня сформированности общеучебных умений необходимо подобрать соответствующие способы проверки, зависящие не только от возрастных особенностей детей, но и от общей успеваемости класса заинтересованности в данном учебном предмете, от программы, по которой работает учитель с классом. Сделав обработку первичных данных можно получить полное представление о классе, что позволяет наметить перспективы индивидуальной и различной по форме групповой работы с учащимися.

Основные структурные элементы системы научных знаний

- система обобщенных знаний о мире и месте в нем человека;
- обобщенная модель природы, включающая в себя представления системы наук;
- представления системы естественных наук;
- представления отдельных наук;
- система знаний, обобщающих объяснения по определенному кругу явлений;
- раскрывает систему существенных связей между предметами и явлениями;
- выражает систему знаний о существенных свойствах предметов и явлений, знания о существенных связях между ними;
- выражает систему знаний о существенных свойствах предметов и явлений, знания о существенных связях между ними;
- эмпирические знания, знания, достоверность которых доказана.

Уровень сформированности общеучебных умений на различных ступенях обучения:

- 0 – уровень – учащиеся не владеют данным действием (отсутствие умения);
- 1- уровень – учащиеся знакомы с характером данного действия (умеют выполнять действия)
- 2- уровень – учащиеся самостоятельно могут выполнять данное действие по образцу)
- 3- уровень – учащиеся достаточно свободно умеют выполнять действие, осознавая каждый шаг.
- 4- уровень – автоматизированное, свернутое и безошибочное выполнение учащихся действий (навыки)
- с- совершенствование сформированного умения или навыка.

Перечень общеучебных умений, на основе которых формируется обобщенное умение решать задачи:

1. Правильное сознательное чтение текста.
2. Четкое и правильное осознание цели своей работы.
3. Контроль за соответствием выполняемой работы, поставленной цели.
4. Контроль за правильностью получаемого результата, его проверка.

5. Контролирование правильности выполняемого задания на разных его этапах, выявление нерациональных способов решения и ошибок, коррекция своих действий.
6. Оценка правильности выполнения задания и качества завершённой работы.
7. Оценка степени усвоения учебного материала по теме, разделу.
8. Оценка овладения учебными умениями.
9. Контроль за скоростью и последовательностью этапов работы.
Солиқ ва божхона тизимини ривожлантиришда асосий масалалардан бири ходимларда, тингловчиларда мустақил давлатимизга фидойлик, Она Ватан учун зарур бўлса, жонини ҳам аямайдиган, ўзининг Ўзбекистон фуқароси эканлиги билан фахрланиш туйғусини шакллантиришдир.

Тингловчилар маънавиятини шакллантиришда турли хил услублардан фойдаланиш лозим кўрилади.

Бу борада, энг аввало тингловчиларнинг билим даражасини ошириш, дунёқарашини замонавий билимлар асосида кенгайтириш, янги технологиялар билан таништири бориш, ҳукумат қарорларини, Ўзбекистон Президенти фармонлари ва Олий Мажлис қабул қилган қонунларни ҳаётга татбиқ этишни аниқлаш зарур. Ана шундагина маънавияти бой, теран фикрли, Она юртимиз, жонажон Ватанимиз учун фидойи мутахассислар шаклланади. Шунинг учун ҳам тингловчилар маънавиятини бойитишнинг турли методларидан фойдаланилмоқда.

Аждодлардан асрий мерос-миллий қадриятлар, маданий-маънавий бойликлар яна ўзининг асл соҳибларига – ҳур авлодларига қайтди.

Буюк саркарда, соҳибқирон бобомиз Амир Темури ўзининг «Тузуқ»ларида ҳам инсоннинг маънавияти билан боғлиқ бўлган «Беғаразлик, ўзаро ҳурмат, адолатпарварлик, умумманфаатини ҳурматлаш, динни қадрият сифатида эъозлаш, ҳақиқатгўйлик, ваъдага содиқлик, ҳасад ва очкўзликни қоралаш, маънавий ва жисмоний поклик, иймон ва эътиқод мустаҳкамлиги, илм-фан ҳомийларини эъозлаш, икромият ва раҳмдиллик» каби 12 тамойилни илгари суриб, улар ҳар бир комил инсонга хос фазилат эканлиги ҳақида улуг фикрларни ёзиб қолдирганлар. Амир Темурининг бу фикрлари бир неча аср ўтган бўлса-да, ҳамон ўз кучини йўқотгани йўқ. Шахс маънавияти фақатгина унинг юриш-туриши, кийиниши, инсонлар билан бўлган муносабатигина эмас, балки унинг ички олами, тафаккури, жамиятда ва ўз хизмат жамоасида тутган ўрни ҳамда бажарган ишида намоён бўлади. Солиқ ва божхона академияси шу даврда ўз сафини жисмонан бақувват, она-Ватан истиқболи учун фидойи, ҳалол, мард, тўғри сўз, беғараз, адолатпарвар, Ватан манфаатини ўз манфаатидан устун кўювчи ва қонун устуворлигини таъминловчи мутахассис кадрлар билан тўлдиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг инсон ахлоқи тўғрисидаги сўзларини келтириш мумкин: «Ахлоқ–маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алиқ, хушмуомалалиқдангина иборат эмас. Ахлоқ – бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани».

Мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қиладиган, унинг хазинасини бойитадиган божхона чегаралари орқали товар-моддий бойликларни қонунга хилоф равишда ҳаракатланишини олдини оладиган, контрабандага, наркотик модда, қурол-яроқ, ўқ-дориларнинг олиб ўтилишига қарши курашадиган, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланган божхона тизимини ривожлантиришга республикада катта аҳамият бериб келинмоқда. Хусусан, Солиқ ва Божхона қўмиталарининг ташкил этилиши, Солиқ кодекси, Давлат Божхонаси, Бож тарифи тўғрисидаги қонунларини қабул қилиниши, Солиқ ва божхона органлари академиясининг очилиши, шу соҳа кадрларини тайёрлашга алоҳида эътибор бериши гоят қувонарли ҳолдир. Президент И.А.Каримов халқимиз маънавияти ва маърифатини кўтариш, тарғиб қилиш, уни бойитиш, аҳолининг кенг доирасига ёйиб, ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий даражасини таъмин этиш энг долзарб масалаларидан бири, деб қайта-қайта уқтирмоқда. Солиқ ва божхона органлари академияси тингловчилари ҳам ўз маънавий қиёфаларини бойитишга, маърифатини оширишга, ўз соҳасининг етук мутухассиси бўлиб етишишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ғоя ва мафқуранинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти

Раҳматова Д. - Тошкент Давлат иқтисодиёт университети.

Ғоянинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти жуда муҳим фалсафий масаладир. Инсоннинг ўзи ғояларни яратади, улардан куч-қувват олади. Ўзи яратган ғоялар инсоннинг онги ва шуурини, тафаккури ва эътиқодини эгаллаб, унинг соҳибига айланади. Юксак ғоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари етаклайди. Ғояси етук, эътиқоди бутун, қадриятлари юксак инсонгина мардлик намуналарини кўрсата олади.

Ҳар бир халқнинг тарихи шу халқдан етишиб чиққан буюк сиймолар, мард қаҳрамонлар ва фидойи инсонлар тарихи асосида битилади. Халқимизнинг Широқ ва Тўмарис, Спитамен ва Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Бобур Мирзо каби мард фарзандлари – буюк ғоя соҳибларидан эдилар.

Минг йиллар ўтса ҳам, улуғ аجدодларимизнинг матонати ва қаҳрамонлиги халқнинг хотирасидан ўчмайди. Чунки улар юксак ғоялар – Ватан озодлиги, эл-юрт бахт-саодати, илму-урфон ривожини йўлида жон фидо қилганлар. Аҳмад Яссавий бутун умрини халқ ишқида ўтказганида ҳам, Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши жанг қилганда ҳам улуғвор ғоялар уларга сабр-бардош ва матонат ато этган. Жордано Бруно жисму жонини эгаллаган буюк ғоя туфайли гулхан алангасида ҳам ўз эътиқодидан қайтмаган, Насимийнинг товонидан сўйсалар ҳам, ишқи илоҳий деб жон берган.

Жаҳон тарихидан, жумладан халқимизнинг ўтмишидан ҳам, қайси соҳада бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга, албатта, улуғвор ғоя керак эканлигига қўплаб мисоллар топилди.

Муайян бир ғоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгида пайдо бўлади. Айни пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний ҳақиқатга айланади.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз захмат чекканини кўрамиз. Суқрот ва Платон, Конфуций ва Зардушт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тасдиғидир.

Уларнинг ҳар бири ўз даврида ўзи мансуб халқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик ғояларни яратганлар. Бу ғояларга таяниб бунёдкорлик йўлида, эзгу мақсадларга эришиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилганлар. Бу борада инсониятга «Ўзини англамоқ буюк саодат» эканлигини англаган Суқрот ҳам, «халқни яққалам қилдим», дея қониқиш ҳиссини тўйган Навоий ҳам, Ҳиндистон ва Покистон озодлиги йўлига умрини бахшида айлаган Махатма Ганди ҳам бугунги авлодлар учун ибрат намунаси бўлган улук инсонлардир.

Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч – бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамisha ўзаро курашади. Бунёдкор ғоя инсонни улуглайди, унинг руҳига қанот бағишлайди. Соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган.

Бузғунчи ғоя ва мафкуралар эса халқлар бошига кўп кулфатлар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўрта асрдаги салб юришлари, диний фанатизм ва атеизм, фашизм ва большевизмга асос бўлган ғайринсоний ғоялар шулар жумласидандир.

Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илгор ғоялар туғилаверади. Бузғунчи ғояларнинг вужудга келишига эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, уларга қарши курашга тайёр туриш, яъни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшамоқ ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади.

Миллий ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда беқиёс омил бўлади.

Масалан, XX асрда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган японча тараққиёт моделини олайлик. Япон миллий мафкураси «миллий давлатчилик тизими», «фуқаролик бурчи», «япон руҳи», «тадбиркорлик», «умуммиллийлик», «фидойилик», «ватанпарварлик», «жамоага садоқат», «модернизация» каби ғоя ва тушунчалар япон халқининг бугунги кунда эришган юксак натижаларига пойдевор бўлди.

Инсоният тарихи хилма-хил ғоя ва мафкураларнинг вужудга келиши, амалиёти, бир-бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жараёндир. Бу жараёнда турли ғоялар у ёки бу кучларга хизмат қилиши, ўзига ишонган

кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашига қараб бир-биридан фарқланади. Эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлса, вайронкор ғояларга таянган мафкуралар халқлар ва давлатларни таназзулга етаклайди, одамлар учун сон-саноксиз кулфатлар келтиради. Бу эса, ўз навбатида, ғоявий жараёнлар тарихини ўрганиш, улар замиридаги мазмун - моҳиятни билиб олишни заруратга айлантиради.

Таълимнинг фаол усуллари талаба-тингловчиларнинг ўқув фанига бўлган қизиқишини ошириш омили

Нурматова Р. --Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси.

Педагогиканинг бугунги талабига кўра дарсга тайёрланиш ва уни юқори савияда ўтказиш ҳамда тўғри баҳолаш учун таълимнинг фаол усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таълим жараёнида тингловчиларни янги, замонавий технологиялар билан таништириб бориш зарурий ҳолга айланиб бормоқда. Чунки, айнан шу методлар тингловчиларнинг фикрий уйғоқлик даражасини кўтарди. Бу эса ўзлаштирилаётган билим самарадорлигини оширади, ўзининг амалий натижасини намойиш этади.

Фаол методлардан бири “Кластер” методидир. «Кластер» методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очиқ, ўйлаш ва фикрларини бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. «Кластер» методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Кластер» методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан таълим олувчилар билан яқка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ушбу метод гуруҳ аъзолари томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намойён бўлади. Бу эса гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан илгари сурилаётган ғояларни уйғунлаштириш ҳамда улар ўртасидаги алоқаларни топа олиш имкониятини яратади.

«Кластер» методидан фойдаланиш куйидагича амалга оширилади:

1. Ниманики ўйлаган бўлсангиз, шуни қоғозга ёзинг. Фикрингизнинг сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмай, уларни тунчаки ёзиб бординг.

2. Ёзувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг.

3. Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунича, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирор бир ғояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор

нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу харакатни янги ғоя туғилгунига қадар давом эттиринг.

4. Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш ҳамда мазкур ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Ғоялар йигиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг.

Мазкур методни машғулотларга қуйидагича қўллаш мумкин:

Мавзу: "Фирмаларнинг бизнес тизимидаги ўрни".

Дарснинг мақсади:

Янги мавзуга алоқадор ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, фаолият кўрсатаётган ва ташкил этилаётган фирмаларнинг бизнесдаги ўрнини мустақил равишда кўра олиш, кўникма ҳамда малакаларини шакллантириш.

Дарсни ташкил этиш:

Янги мавзуни ўзлаштиришнинг самарадорлигига эришиш учун ўтилган мавзулар юзасидан қисқача такрорлаш машқлари ўтказилади. Уни қуйидагича ташкил этиш мумкин:

1. Бизнес деганда нимани тушунасиз?
2. Дунёга машҳур фирмаларнинг номини сананг. Улар қандай товарлар ишлаб чиқаради?
3. Хусусий фирмалар йирик фирмага айланиши мумкинми?

Ўтилган мавзуни такрорлаш билан таълим олувчилар онгида янги мавзуни ўзлаштиришга замин ҳозирланади. Бу эса янги мавзуни ўзлаштиришнинг самарадорлигини таъминлайди. "Кластер" методига асосан, гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ушбу метод гуруҳ аъзолари томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси бирор-бир ғояни илгари суради, шундан сўнг барча ғоялар уйғунлаштирилади.

Бунинг учун ўқитувчи жамоани 3 ёки 4 гуруҳга бўлади. Уларга муайян мавзуни айтади. Мазкур мавзуни пухта ўзлаштиргунларига қадар босиб ўтиладиган йўлнинг намунасини келтиради. Унга кўра, муайян мавзу: "Фирманинг бизнес тизимидаги ўрни"ни аниқлаш. Фирманинг ўрнини аниқлашга қадар таълим олувчилар қуйидаги муаммолар юзасидан эркин, очиқ ўйлаш, фикрлаш имкониятига эгадирлар:

Фирманинг ўрни қандай бўлиши керак?

У нимага боғлиқ?

Қандай хизмат кўрсатишга ва қандай товар ишлаб чиқаришга боғлиқ...

Бу масалалар ёритилган плакат ёзув тахтасига илиб қўйилади.

Дарснинг бориши:

Такрорлаш учун аввалдан тузиб қуйилган саволлар берилади. Таълим олувчилар шу орқали ўтилган мавзуни такрорлаб олишади.

Ўқитувчи юқорида келтирилган «Кластер» методидан фойдаланиб, айтилган фикрларини ўртага ташлайди.

Мазкур босқичлар бажариб бўлингач, энди гуруҳдагилар ўз фикр (ғоя) ларини уйғунлаштирадилар, улар ўртасидаги алоқаларни топиб битта андозага соладилар. Ва ўқитувчи ҳамда бошқа гуруҳ аъзоларининг ҳукмига

ҳавола этадилар. Бунинг учун ҳар бир гуруҳдан вакил сайланади. Гуруҳ томонидан жамланган ғоялар туркуми ўқиб эшиттирилади.

"Кластер" методи бўйича келтирилган ушбу босқичлар босиб ўтилгач, таълим олувчилар ўз-ўзидан янги мавзунини тушуниб оладилар. Чунки, бу ерда ҳамма ғояларни ўқитувчи эмас, балки ўзлари ўйлаб топадилар. Бу ерда ҳар томонлама қарашлар, ғоялар ўртага ташланади ва масаланинг ечими изланади. Ечимни топиш учун изланиш давомида янги билим ва маълумотлар, мавзуга тегишли муҳим жиҳатлар очилади, ўзлаштирилади. "Кластер" методи ўқувчиларнинг мустақил, эркин фикрлаш малакаларининг такомиллаштириш билан бирга уларнинг ижодий мушоҳада этиш салоҳиятини ҳам ривожлантиради.

Машғулот сўнигида ўқитувчи таълим олувчиларнинг ғояларини маълум хулосага келтиради ва эълон қилади. Таълим олувчиларнинг билими баҳоланади, фаол иштирокчилар рағбатлантирилади.

Уйга вазифа:

Ҳаммамизга маълумки, солиқ ва божхона тизими ходимларининг бош вазифалари мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг хазинасини бойитиш, чегаралар орқали товар-моддий бойликларининг конунга хилоф равишда ҳаракатлантиришининг олдини олиш ва шу каби жиддий масалалардир. Бунинг учун солиқ ва божхона ходимларидан зийраклик, ўз фикрига эга бўлишлик, муаммоларга аниқ ечим топа олишлик талаб этилади. Солиқ ва божхона тизимида ана шундай талабларга жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлашда фаол методлардан бўлган "Кластер" методи муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, таълимнинг бу фаол методини нафақат умумий ўрта таълим мактабларида, балки Олий ўқув юрглари ҳамда солиқ ва божхона соҳасига кадрлар тайёрлашда ҳам муваффақиятли қўллаш мумкин.

Лингводидактические проблемы обучения иностранному языку

*Кадырова Ф. – Низомий номидаги Тошкент
Давлат педагогика университети*

Воспитание нового человека всесторонне развитого, широко образованного, стало государственным делом в нашей стране. Ведь от этого зависит счастье, благополучие как отдельной семьи, так и развитие всего общества в целом.

В современных условиях одним из важнейших факторов интеллектуального развития личности является овладение иностранными языками.

Лингводидактика, признанная фундаментальной частью методики, в обучении иностранному языку, изучает вопросы билингвизма, процессы интерференции родного языка, проводит сопоставительный анализ систем родного и изучаемого языков, исследует и выявляет трудности усвоения языкового материала и изучает причины этих трудностей, определяет

принципы и методы обучения и т. п. Среди актуальных проблем современной лингводидактики выделяется мотивация овладения иностранным языком. Из всех положительных мотивов об учения наиболее эффективным считается интерес к предмету. Интерес занимает особо важное место в усвоении знаний.

Задача педагога в рассматриваемом нами аспекте состоит в том, чтобы развивать у студентов устойчивый интерес к познанию нового учебного материала. Так в обучении иностранному языку студентов с учётом их психолого-физиологических индивидуальных особенностей, их словарного запаса, речевых умений и навыков, педагог подбирает соответствующие посильные виды работ и особенно речевые /игровые/ ситуации. Чёткая продуманность заданий, вопросы в виде загадок, головоломок ставит их перед необходимостью поиска, мысленного продумывания всевозможных вариантов, умения высказать и коротко обосновать выбранную версию, учит рассуждать и самостоятельно отстаивать своё мнение, слышать и слушать мнение других и при этом вникать в суть и др., что позволяет внести долю разнообразия и новизны.

Проводимые исследования показали эффективность использования разнообразных приёмов обучения иноязычной речи посредством текстов-биографий, а именно:

- умение узнавать героя, определять героев;
- пересказ текста по пиктограмме;
- вопрос-подсказка;
- в процессе пересказа ранее услышанной речи, преподаватель иногда делает паузу и предлагает закончить предложение. В случае необходимости демонстрируется рисунок, изображающий данный отрывок текста;
- составление текста по вопросам в ходе беседы, по картине;
- использование дидактических игр и игр драматизаций. С помощью текста обучаемые учатся вглядываться, вдумываться в увиденное и услышанное, сопереживать, сочувствовать.

Полученные знания постепенно переходят в умения и навыки, и обеспечивают успех в решении поставленных или образовавшихся задач. Мастерство педагога состоит в создании у студентов потребности узнать как можно больше по проблеме обучения. Для этого используются разнообразные методы передовых педагогических технологий. Студенты оказываются перед необходимостью добывания новых знаний. Им задаются вопросы, требующие самообразования, умственного напряжения, творческого подхода. Выполнение таких заданий позволяет студентам быть неординарными в своих суждениях, и несомненно они испытывают удовлетворение. Выполнение таких заданий раскрывает перед студентами смысл и значение изучаемого материала, позволяет реализовать теоретические знания на практике. Студенты учатся подвергать критическому анализу теоретические данные, осмысливать суть, делать

соответствующие выводы и предлагать свои варианты по повышению эффективности обучения.

Налоговая культура и её роль в экономическом развитии общества

Юсупов А.Ю. – Тошкент солиқ коллежи.

Проблема налоговой культуры относится к одной из мало разработанных проблем налоговой теории и практики. Более того, эта проблема не только проблема налоговой, но и экономической теории и практики, поскольку налоговая культура представляет собой составную часть экономической культуры и экономической деятельности социально-экономической системы.

Налоговая культура – сложное явление. Она состоит из следующих материальных и духовных компонентов:

- а) потребности государства во взимании налогов;
- б) налоговые потребности и интересы экономических субъектов;
- в) налоговое сознание и мышление;
- г) привычки и эмоции, связанные с уплатой и взиманием налогов;
- д) экономические знания, отражающие различные аспекты сложных налоговых отношений;
- е) вся совокупность наук, изучающих налоговые отношения, способы исследования этих отношений;
- ж) налоговая политика государства;
- з) Приоритетность тех или иных способов взимания налогов;
- к) юридические и экономические нормы, законы, непосредственно или опосредованно касающиеся налоговых отношений и т.д.

Все эти компоненты важны, взаимосвязаны и взаимодействуют в деятельности субъектов, вовлечённых в реальные налоговые отношения. Среди этих компонентов есть такие, которые даже в нашей налоговой науке и практике почти не исследованы. К ним относятся проблемы налогового сознания, налогового мышления, привычки, связанные с уплатой налогов. Исследование этих проблем особенно важно для стран, переходящих к рыночной экономике. Изучение их стало сегодня настоятельной практической потребностью.

Уровень налоговой культуры зависит от уровня гармонизации основных функций налога. Развитие фискальной, экономической и перераспределительной функций имеет свой предел, меру, дальше которой начинают возникать различные препятствия на пути экономического развития страны, в соблюдении общественной справедливости. Снижается стимулирование экономической деятельности, сокращается объем производства, экономика подвергается застою и кризисам.

Разумно организованная налоговая система имеет большое значение в экономической деятельности, в создании благоприятных условий для

производства и обмена, в формировании так называемого «налогового климата».

По мере развития нашей страны по пути к рыночной экономике усиливается экономическая функция налога, что в свою очередь при управлении экономическими субъектами приводит к сокращению сферы действия административных средств, к замене различных приказов, бюрократических указаний элементами рыночного механизма. Отсюда прямой путь к повышению уровня налоговой культуры.

Чем больше налоговой тяжести- особенно продолжительное время -тем ниже уровень налоговой культуры. Поэтому, не случайно Президент И.Каримов в одном из своих выступлений, посвященном выполнению приоритетных задач и решению злободневных проблем относительно экономического развития страны, заострил внимание на существующую здесь диспропорцию. И.Каримов внес предложение по снижению налоговой тяжести начиная с 2003 года, что имеет немаловажное значение для формирования налоговой культуры, призванной ускорить экономическое развитие нашего общества.

В долгосрочном плане снижение уровня налоговой тяжести свидетельствует в пользу повышения качества налоговой культуры.

Таълим тизимида маркетинг хизматининг ўзига хос хусусиятлари

Маманазаров А.Б., Дадаева А.Т.
Олий на ўрта махсус таълим вазири.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январь 48-сонли «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълим муассасалари йўналишлари бўйича битирувчи мутахассисларга корхона ва ташкилотларнинг талабларини аниқлаш, буюртма захирасини шакллантириш ва таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларни белгилаш борасида фаол маркетинг изланишларини олиб боришни тақозо этмоқда. Чунки, мустақиллигимизнинг иккинчи ўн йиллигига келиб кадрлар тайёрлаш сифатига бўлган талаблар, олий маълумотли кадрлар эгаллаши керак бўлган лавозимларнинг сифат ва сон кўрсаткичлари тубдан ўзгарди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2002-2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги 2002 йил 4 июндаги 198-сонли қарори асосида 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари бакалаврияти ва магистратурасига давлат грантлари асосида қабул қилинган талабалар олий таълим муассасалари ва потенциал иш берувчилар ўртасида ихтиёрий равишда ёш мутахассисларни иш билан таъминлашига кўмаклашиш тўғрисидаги шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш, ишга жойлаштиришга кўмаклашишнинг мақсадга йўналтирилган механизмни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш вазифаси қўйилган. Шу мақсадларда Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликлари билан

ҳамкорликда намунавий шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишда маркетинг изланишларига таянилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Мутахассислар бозорини ривожлантириш олий таълим муассасаларидаги таълим йўналишларининг рўйхати ва мутахассисларга бўлган талаб мутаносиблигини бозор конъюнктураси талаблари асосида таъминлашни тақозо этади. Маркетинг изланишлари асосида ташкил этилган “бююртмалар портфели” кўрсаткичлари 2000/2001 ўқув йили учун 68,2 минг, 2001/2002 ўқув йили учун 76,5 минг, 2002/2003 ўқув йили учун эса 80 мингдан ортқ бўлди. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисларига халқ хўжалиги тармоқлари ва ижтимоий инфраструктура талаб ва эҳтиёжлари йилдан йилга ўсиб бораётганлиги мамлакатимизда таълим хизматлари бозори тобора фаоллашиб боришининг далилидир.

Таълим тизимида маркетинг хизматларини чуқурроқ жорий этишга қаратилган тадқиқотларнинг йўналишларидан яна бири мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналишлари учун кадрлар тайёрлаш ташкил этилмаган ёки эҳтиёж даражасида олиб борилмайдиган таълим йўналишлари ва мутахассисликларини аниқлашдир. Шу мақсадда маркетинг хизмати бўлимлари томонидан амалга оширилган маркетинг изланишлари республикамиз иқтисодиёти учун аҳамиятга молик жараёнди.

Маркетинг изланишлари мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиш, ташкилот ва корхоналар билан мутахассисларни ишга жойлаштириш борасида шартномалар тузиш каби масалаларни ўз ичига олган махсус дастур тайёрлашни тақозо этмоқда ва бу борада қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир:

- маркетинг изланишларини манфаатдор корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда олий маълумотли кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларининг узоқ мудатга мўлжалланган “истикболли банкни” ишлаб чиқишга йўналтириш;

- маркетинг изланишларида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг илгор усулларидан фойдаланиш;

- иқтисодиётнинг устувор йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар тўғрисидаги маълумотлар банкни манфаатдор корхона ва ташкилотлар диққатига етказиш, мазкур соҳа мутахассисларига бўлган талаб ва эҳтиёжни янада чуқурроқ ўрганиш;

- миантақавий олий таълим муассасалари, улардаги мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг мазкур мингақалар иқтисодиёти ва ижтимоий инфраструктураси талаб ва эҳтиёжларига мос, старли моддий-техника базаси ва профессор-ўқитувчилар салоҳиятига, илмий мактаблар ва йўналишлар мавжудлигига асосланган тақсимотини ишлаб чиқиш;

- битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш учун маҳаллий ҳокимиятлар, корхона ва ташкилотлар билан бевосита ҳамкорлик қилиш ҳамда ёш мутахассисларнинг эгаллаган ихтисосликлари бўйича фаолият кўрсатишларининг 3 йиллик мониторингини амалга ошириш;

- 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб ўқишга давлат грантлари асосида қабул қилинган талабалар, олий таълим муассасалари ва потенциал иш берувчилар ўртасида ихтиёрий равишда ёш мутахассисларни иш билан таъминланишига кўмаклашиш тўғрисидаги шартномалар тузиш амалиётини тадбиқ этиш.

Шу муносабат билан ишга жойлашишига қўмаклашишнинг мақсадга йўналтирилган механизмини амалга жорий этиш, олий маълумотли мутахассислар меҳнат бозорини янада жадаллаштириш ва такомиллаштириш таълим тизими маркетинги олдида турган устувор вазифалардан эканлигини таъкидлаш лозим.

Математическая задача в обучении

Папышев А.А. – *Абай номидаги Олма ота Давлат университети*

На современном этапе развития средней и высшей школы большое значение приобретает поиск путей совершенствования образования, приведение в соответствие ему методов, приемов и организационных форм обучения. Одним из аспектов проблемы совершенствования образования является формирование полноценной учебной деятельности: обучение учащихся умению учиться в процессе овладения знаниями и умениями по тому или иному предмету.

Анализ педагогической практики свидетельствуют о том, что сам процесс решения задач учащимися часто не является средством обучения их решению. Нередко главное внимание учащихся и преподавателей направлено только на то, чтобы как можно быстрее найти ответ на поставленный вопрос в задаче. Тем самым умалчиваются, например, следующие важные для обучения поиску решения задачи вопросы: как самостоятельно найти путь решения задачи?, что для этого нужно делать?, какие существуют пути и способы поиска решения задачи? Процесс формирования приемов учебной деятельности учащихся при обучении математике проходит стихийно, хотя большинство преподавателей считают необходимым такое обучение, при котором специально формируются приемы учебной деятельности учащихся. Вопросы систематизации учебного материала не рассматриваются как необходимое условие повышения качества знаний учащихся по решению математических задач и как условие формирования приемов учебной деятельности. В то же время наблюдения за работой передовых методистов-практиков математики показали, что формированию приемов работы над задачей способствует определенная систематизация текста, условия задачи, представление приемов поиска решения в виде совокупности действий и правил.

Решение задач занимает центральное место в процессе обучения математике. Во-первых, формирование умения решать задачи является целью обучения, так как это умение обеспечивает возможность применения математических знаний в практической деятельности. Во - вторых, решение задач является средством обучения, которое позволяет значительно повышать активность учащихся в их деятельности по приобретению знаний. В-третьих, в ряде случаев (например, при изучении способов решения задач на составление линейных, квадратных и других уравнений) задачи являются предметом изучения. Использование задач как цели, средства и предмета изучения в процессе обучения математике определяет так же их существенную роль в осуществлении психолого-педагогической диагностики, образовательной и воспитательной функций обучения.

Термин “задача” используется в дидактике очень широко при обозначении многих и весьма различных понятий. Однако общего определения понятия “математическая задача” до настоящего времени нет и в разных исследованиях оно может быть представлено по – разному.

В психологических и педагогических исследованиях понятие “задача” рассматривается как объект мышления. В процессе решения задачи мышление проявляет себя как особая деятельность. При этом появляется возможность описывать и проектировать деятельность субъекта как систему процессов решения разнообразных задач.

“Поскольку задачу можно рассматривать как некоторую особую форму познания действительности, - пишет К.А. Славская, она сама выступает прежде всего как объект, детерминирующий процесс мышления человека” (1, с.21).

В работе “Детерминация процесса мышления”, К.А. Славская, раскрывая сущность принципа детерминизма отмечает: “принцип детерминизма, исходящий из того, что внешние причины действуют через внутреннее условие, устанавливает определенное соотношение внешних и внутренних условий любого явления, процесса; он выступает как общий методологический принцип исследования в любой области знания, в любой науке” (1, С. 175).

Принцип детерминизма лежит в основе построения теории задач, так как задача как объект мыслительной деятельности, ее условие и требование являются той причиной, которая направляет мыслительный процесс на глубокое познание объекта, на раскрытие внутренних условий существования объекта (задачи). Г.А. Балл в своих исследованиях отмечает, что термин задача употребляется в психологической и педагогической литературе для обозначения объектов, относящихся к трем категориям:

1. к категории цели действия субъекта, требования, поставленного перед субъектом: в этом смысле термин “задача” употребляли, например, психологи Вюрцбургской школы;
2. к категории ситуации, включающей наряду с целью условия, в которых она должна была быть достигнута;
3. к категории словесной формулировки этой ситуации (такое понимание термина “задача” наиболее характерно для С.Л. Рубинштейна и его учеников (2, С.75).

Объект первой категории можно обозначить терминами “цель действия” или “требования задачи”. Определение задачи, данное А.Н. Леонтьевым, может быть отнесено к этой категории. Как говорит А.Н. Леонтьев, задача - это “цель, данная в определенных условиях” (3, С.360). Эта мысль конкретизируется в формулировке Я.А. Пономарева “задача есть - ситуация, которая определяет действия субъекта, удовлетворяющего потребность путем изменения ситуации”.

Для объектов третьей категории вполне подходит термин “формулировка” задачи. И как отмечает Ю.М. Колягин “... характеристика задачи, данная С.Л. Рубинштейном, представляет характеристику объектов третьей категории” (5, С.45.).

Предложенный Г.А. Баллом ряд определений, конечно же, охватывает все точки на понятие задачи. Примером наиболее широкой трактовки понятия задачи является определение, данное Я.А. Пономаревым, как “состояние возмущения взаимодействующей системы, как состояние ее неуравновешенности”.

Специальное внимание в психолого-педагогической литературе уделяется рассмотрению вопроса о задачах и проблемных ситуациях. Анализ работ по психологии мышления показывает, что существенным в данной области знаний является соотношение понятия “проблемная ситуация” и “задача”.

Л.М. Фридман определяет задачу как “всякую знаковую модель проблемной ситуации. Он четко различает понятие задачи и проблемной ситуации по следующим признакам:

1. проблемная ситуация существует реально, вне зависимости от какого-то языка, а задача всегда связана с языком, на котором она изложена;
2. проблемная ситуация всегда богата содержанием, чем задача, ибо задача -это модель ситуации, отражающая лишь некоторые ее стороны;
3. для каждой проблемной ситуации существует одна или несколько задач, которые могут отличаться друг от друга как совокупностью представленных в них свойств ситуации, так и языком, на котором задача выражена.

В психолого-педагогической литературе встречаются самые разнообразные подходы к понятию задачи. Наиболее простое определение было дано известным педагогом-математиком С.О. Шатуновским: “Задача есть изложение требования” найти по “данным” вещам “искомые” вещи, находящихся друг к другу и к “данным” вещам в указанных соотношениях”. При этом понятие “вещь”, “найти”, “данные”, “искомые” в каждом отдельном случае особо определяются

Таким образом, из приведенных примеров различных трактовок понятия задачи, очевидно, что вряд ли возможно построение такого общего определения задачи, которое охватили бы существенные особенности всех имеющихся в настоящее время определений. Одной из причин этого является принципиальный подход разных авторов к вопросу об отношениях между субъектом и задачей. Тем самым создается возможность объективного изучения самих задач независимо от деятельности субъекта, а также психолого-педагогической диагностики субъекта действия.

Солиқ муносабатларида солиқ маданиятини шакллантириш масалалари

Рашидова З.М. - *Солиқ ва божхона органлари академияси.*

Солиқ тўловчилар онгида солиқларнинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, айниқса, ёш авлодларга солиқларнинг моҳияти, уларнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий юқалишидаги ўрни ва роли ҳақида маълумот берувчи турли тадбирлар ўтказиш орқали шакллантириш лозим. Бундан ташқари илғор мамлакатларнинг солиқ тизимини ўзимизнинг

миллий хусусиятларимиздан келиб чиққан ҳолда қўлласак, аждоқларимизнинг солиқ соҳасида бизга қолдирган ибратли қадриятларини ўргансак, солиқ маданиятининг ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Халқимизга хос андиша, ор-номус, инсоф, диёнат деган сифатлар фуқароларимизда юксак солиқ маданиятини шакллантиришда ўзига хос мактаб бўлиши табиий.

Бўлғуси маданиятли солиқ тўловчиларни тарбиялашда чет эл тажрибаларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Масалан, Япония, АҚШ мактабларида бошланғич синфларда солиқ ҳақида дарслар ўтилади. Бу дарслар турли ўйин, дидактик, эртак усулларида, яъни болалар тили ва ёшига мос қилиб махсус қўлланма асосида олиб борилади. Барча солиқ турлари бўйича алоҳида тўпламлар тайёрланиб, дарс жараёнида видеокассеталардан фойдаланилади. Мустақил солиқ бланкаларини тўлдириш, солиқларнинг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ўргатилади.

Бизнинг фикримизча солиқлар ҳақидаги сабоқларни турли қизиқарли ўйинлар тарзида болалар боғчалариданоқ, мактабларнинг куйи синфларидан бошлаб ўргатилса, юқори синфларда «Ўзбекистонда солиқ тизими асослари» дарслари ўтилса, солиқ ҳақидаги тушунчаларнинг ёшларга ўргатилишига, улар онгда солиқ маданиятини эртароқ шакллантиришга муваффақ бўлинарди.

Республика солиқ ва халқ таълими бошқармалари билан келишилган ҳолда ўрта мактабларда солиқ синфларининг босқичма-босқич ташкил этилиши ўз ўрнида ижобий натижалар бериши шубҳасиз. Масалан, 2000-2001 йилларда Акмал Икромов туманидаги 106-ўрта мактабда ана шундай синф Тошкент солиқ коллежи билан ҳамкорликда иш олиб бордилар. Ҳафтада бир марта бу синф ўқувчилари коллежда солиқ қонунчилиги, солиқ тизими тарихи бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан назарий дарсларни тингладилар.

Афсуски, бу ўқув йилида коллеж билан мактаб ўртасида шартнома тузилмади. Бу тадбирларни туман халқ маорифи бошқармалари назорат қилиб боришлари керак. Солиқ қонунчилигини халқ оmmasига етказишда Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизматининг республика телевидениеси билан ҳамкорликдаги «Солиқ ва биз», «Солиқ ҳақида сабоқлар», «Таянч» кўрсатувлари ҳамда республика радиосининг биринчи дастури, «Ёшлар» ва «Машъал» эшиттиришларининг самараси катта бўлмоқда.

Янги иқтисодий муносабатлар шароитида солиқ ходимлари нафақат билим, тажриба, балки юксак касбий маданиятга ҳам эга бўлишлари лозим. Аммо солиқ маданиятини фақат солиқчилар эмас, солиқ тўловчилар ҳам тушунишлари керак. Солиқ тўловчилар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фуқаро сифатидаги бурчларини, солиқ қонунчилиги талабларини билишлари, ўзларида уларга қатъий амал қилиш кўникмаларини шакллантиришлари даркор.

Давлат солиқ тўловлари бюджетга ўз-ўзидан келиб тушишига кўникиб қолган, фуқаролар эса солиқ – давлатнинг иши, дейишга ўрганиб

қолишган. Солиқ тўлаш фуқаронинг давлат билан иктисодий муносабатлар соҳасидаги ягона мажбуриятидир. Солиқ тўловчи уни бажарар экан, унча кўп бўлмаган чеклашлар билан боғлиқ бўлган даромад олиш соҳасида эркинликка эришади.

Фуқароларнинг солиқ қонунларини ихтиёрий ва онгли равишда бажаришга тайёргарлиги даражаси жамоатчилик солиқ хизматини қанчалик ҳалол, самарали ва таъсирчан деб ҳисоблашга бевосита боғлиқ.

Бизнинг вазифамиз- инсон тарбияси ва камолотининг ҳар бир босқичида солиқ тўловчиларда қонунларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш билан солиқ маданиятини шакллантиришга хизмат қилиш экан, бу эзгу ниятларимизни амалга ошириш йўлида миллий қадриятларимизга илғор мамлакатларнинг илғор тажрибаларини сингдирган ҳолда эл дастурхони, юрт хазинасини бойитишда виждонан, чин дилдан меҳнат қилиш муқаддас бурчимиз бўлиши шарт.

Формирование нового поколения кадров в системе налоговых и таможенных органов

Комилов М.М. -Солиқ ва боғжона органлари академияси.

С совершенствованием структуры управления усложняются задачи, поставленные перед налоговыми и таможенным органами, все больше возрастают квалификационные требования к работникам. В связи с этим с особой остротой стали рассматриваться вопросы кадрового состава их подбора, расстановки, воспитания, обучения через подготовку, переподготовку и повышение квалификации.

На основе накопленного опыта в системе налоговых и таможенных органов, а также с учетом мировой практики в области образования, подготовки и переподготовки кадров Академия взяла курс на формирование у нового поколения работников высокого профессионального уровня и культуры производственных отношений, творческого подхода к работе и социальной активности, нетерпимости к негативным проявлениям и умения ставить и решать задачи в соответствии с требованиями.

Основными целями дальнейшего воспитания кадров в Академии налоговых и таможенных органов являются:

- Коренное реформирование сферы кадровой деятельности;
- Обеспечение потребностей в кадрах высшей квалификации;
- Повышение квалификации и переподготовка кадров, обеспечивающая углубление и обновление профессиональных знаний;
- Создание единой ведомственной системы подготовки, повышения квалификации кадров на уровне развитых государств.
- Использование в работе по подбору кадров принципов выборности, конкурсности.

Достижение поставленных целей будет обеспечиваться путем решения следующих задач:

- Реформирование системы обучения по подготовке, переподготовке и повышению квалификации кадров в соответствии с Законом «Об образовании»;
- Организация образовательных комплексов при подготовке и переподготовке кадров, которые должны охватывать все стадии обучения;
- Обеспечение учебных структур высококвалифицированными специалистами из числа ведущих специалистов налоговых и таможенных органов;
- Разработка научно обоснованных программ для учебных заведений, входящих в систему налоговых и таможенных органов;
- Активное использование прогрессивных средств и методов обучения.
- Создание нормативной, информационной компьютерной базы данных для работы с кадровым составом:
- Развитие взаимовыгодного международного сотрудничества.

Определяющим условием реализации поставленных задач, стоящих перед Академией налоговых и таможенных органов является формирование непрерывной системы подготовки и переподготовки, повышение квалификации кадров, совершенствование механизма их подбора и расстановки, осуществление принципиальной и последовательной линии при аттестации, организация работ с кадровым резервом.

Кадровая служба должна обеспечивать опережающую подготовку, переподготовку, повышение квалификации кадров, поддержание их профессиональных качеств на уровне предъявляемых к их деятельности требований.

"Семинарские занятия" по специальности на занятиях практического курса как элемент обучения профессиональному общению на русском языке.

Ахмедов И.Р. – Солиқ ва боғжона органлари академияси. п.ф.д., проф.

Одной из главных задач обучения русскому языку на налоговом и таможенном факультетах нашей Академии является проблема обучения будущего специалиста профессиональному общению на иностранных языках. Этому способствуют занятия практического курса русского языка по новой вузовской программе, на которых слушатели учатся на русском языке добывать научные и профессиональные сведения по той или иной проблеме, творчески применять их в своих сообщениях, докладах, рефератах и т.д.

Безусловно само содержание II части практического курса русского языка, работа над логикой и структурой изложения научных и профессиональных фактов, анализ различных языковых и внеязыковых средств оформления научной и специальной информации, изучение форм и методов её восприятия и продуцирования и т.д. определенным образом учат тем или иным исследовательским операциям. Однако, как показывает наш опыт преподавания, есть такие факторы, без которых обходятся преподаватели, но как раз без них обучение русскому языку как

иностранному языку специальности не может стать целенаправленным и эффективным. Это, во-первых, скоординированность содержания текстов в пособиях по разным дисциплинам, в вузовских учебниках и учебных пособиях по профилирующим дисциплинам. Во-вторых, это создание имитируемой коммуникативной обстановки на занятиях практического курса русского языка, близкой к ситуациям из профессиональной деятельности будущих специалистов, их учебной или внеучебной работы.

Мы хотим рассмотреть вопросы формирования и привития умений и навыков научного профессионального общения на русском языке на занятиях практического курса, где проводятся различные семинарские работы по специальности. Как известно, семинарские занятия по специальности, широко применяемые на факультетах нашего профиля, являются важнейшей формой учебно-исследовательской работы студентов. Студенты учатся здесь самостоятельно исследовать научные и специальные факты, работать с научной литературой, соотносить неизвестное с известным, обрабатывать и анализировать информацию, делать выводы и обобщения, оформлять библиографию и др. Перенесение же отдельных элементов семинарского изучения специальных дисциплин на занятия практического курса русского языка не только расширит и углубит профессиональные знания студентов, но и позволит придать обучению профессиональному общению на русском языке мотивированность и стимул.

Итак, рассмотрим подробнее содержание занятий практического курса русского языка на налоговом факультете, где идут "семинарские работы", а также некоторые приемы выработки умений и навыков речевой деятельности на русском языке как иностранном языке специальности.

Занятия такого типа проходят в кабинете (лаборатории) налогового дела. Поэтому, готовясь к занятию, преподаватель должен планировать широкое применение специальных средств, технического оборудования, АВСО и наглядных пособий, имеющихся в его распоряжении. Исходя из прочитанной по специальности прошедшей лекции или из текстового материала в учебнике, данного для изучения и т.п., подбирается или составляется идентичный по теме и проблемам (но не по содержанию) вышеназванным источникам текст, развивающий, углубляющий проблематику лекционного или книжного текста. Составляются задания и упражнения к тексту, выполнение которых должно требовать использования специальных пособий, имеющихся в кабинете, применения тех или иных умений и навыков студентов, выработанных у них на семинарских занятиях по специальным дисциплинам, и, разумеется, участия всех видов речевой деятельности и различных аудиовизуальных средств обучения.

Предложенное студентам первое задание-сравнить и семантизировать терминологию текстов из вузовского пособия или лекции в словаре терминов подготовленного к данному занятию текста, требует от слушателей глубокого анализа учебной и специальной литературы, вырабатывает навыки исследования научного и специального материала, усиливает мотивационный характер их деятельности путем профессиональной

направленности задания. Так, по теме семинарского занятия: «Профессиональная специфика специалиста налогового дела» были обсуждены и семантизированы термины из учебного пособия для слушателей факультета «Налоги и налогообложение» и текста для семинарской работы: налоговая служба, регистрация, государственные органы, физическое лицо, юридическое лицо, деньги, валюта, законодательный акт, экономические интересы, налоговое регулирование, функции, регламентирующий, нормативно – правовой акт, функциональные обязанности. Для их активизации в профессиональной речи с этими терминами были составлены словосочетания и предложения, даны задания на составление диалогов и других речевых ситуаций. На следующем этапе студентам необходимо прочитать предложенный по теме занятия специальный учебный текст. К вышеуказанной теме был подготовлен текст на тему: «Квалификационная характеристика налогового инспектора».

После чтения текста слушателям были заданы вопросы по теме текста с уклоном на ответную речевую реакцию:

- 1) Что должен знать, по вашему мнению, налоговый инспектор с точки зрения экономики Узбекистана?
- 2) Что он должен знать для повышения своей квалификации?
- 3) Что он должен знать по этике, психологии поведения, общения, работы?
- 4) Как должен выглядеть налоговый инспектор?
- 5) Какие документы регулируют налоговые законы, акты, правила?
- 6) Какие отрасли права затрагивает работа налогового инспектора?
